



**БИОЛОГИЯДАН  
ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ  
ЛУҒАТ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

---

А.А.АБДУЛЛАЕВ, Т.А.МАДУМАРОВ, А.С.ДАРИЕВ,  
Б.Х.САТТОРОВ, Э.Ю.РЎЗМАТОВ, Б.А.СИРОЖИДИНОВ

# БИОЛОГИЯДАН ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

ТОШКЕНТ – 2016

Абдуллаев А.А., Мадумаров Т.А., Дариев А.С., Сатторов Б.Х., Рўзматов Э.Ю., Сирожидинов Б.А. Биологиядан қисқача изоҳли луғат.//Методик қўлланма.- Тошкент: Наврўз, 2016.- 419 б.

Ушбу луғат умумий биология, ботаника, зоология, анатомия ва физиология, гистология, цитология, эмбриология, генетика ва селекция, биокимё ва биофизика, биометрия, систематика, эволюция, экология, вирусология ва паразитология, молекуляр биология, ген ва ҳужайра муҳандислиги, биотехнология бўлимларига оид тузилган дастлабки қисқача изоҳли луғат бўлиб, тез суратларда ривожланиб бораётган биология фанида кенг фойдаланиётган 7000 га яқин атамаларга илмий изоҳ берилган.

Мазкур луғатдан университетлар, педагогик институтлар, мактаб, лицей ва коллежларнинг биология таълими йўналишларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда биология фани билан мустақил шуғулланувчилар методик манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

#### **Тақризчилар:**

- Пратов Ў.П. ЎзР ФА Ўсимликлар ва хайвонот олами генофонди институти етакчи илмий маслаҳатчиси, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби
- Ризаева С.М. ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти етакчи илмий ходими, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника соҳасидаги биринчи даражали давлат мукофоти лауреати
- Юлдашев А.С. Андижон Давлат Университети ректори, биология фанлари доктори, профессор

ЎзР Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институт(2016 йил 16 сентябрдаги №11 сонли баёни) ва (Андижон Давлат Университети 2016-йил 31 августдаги № 1 сонли баёни) Илмий Кенгашида муҳокама қилинди ва очиқ нашр этишга тавсия этилди .

ISBN 978 – 9943-383-87-6

© «Наврўз» нашриёти, 2016

## СЎЗ БОШИ

Бугунги кунда биология жуда тез ривожланаётган бир қатор табиий фанларнинг мураккаб мажмуидир. Бундай тараққиёт ва фақат ҳаётий жараёнларнинг элементар механизмларни тушунтириш ва аниқлаш билан боғлиқ бўлган замонавий йўналишлар биокимё ва биофизика, молекуляр биология, ген ва ҳужайра муҳандислиги, биотехнология кабиларга, балки биологиянинг классик тармоқлари – ботаника, зоология, экология, физиология, умумий биология, генетика ва селекцияга ҳам таллуқлидир. Фаннинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган аксарият илмий адабиётлар ва қўлланмалар асосан рус тилида бўлиб, ўзбек тилида таълим олувчилар ўқувчилар учун бундай китоблардаги махсус атамалардан (терминлардан) фойдаланиш бир қатор қийинчиликлар туғдирмоқда.

Шу билан бир қаторда республикамызда қабул қилинган тил тўғрисидаги Қонун фанларнинг барча соҳалари бўйича, жумладан биология соҳасида ҳам хорижий тиллардан олинган атамаларни миллийлаштириш ёки уларнинг янги-ларини яратиш масаларини ҳал қилишни зарурлигини белгиламоқда.

Луғатнинг асосий мақсади юқорида қайд қилинган долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Бу ўз навбатида рус тилида нашр этилган турли-хил адабиётлардан кенг фойдаланишга, биология фанидаги янгидан-янги атамаларни тушунтириб беришга ва уни чуқур ўрганишга имконият яратади. Китоб фақат атамаларнинг маъносини олиш билан чегараланмасдан, балки изоҳли луғат илмий сўзлар билан бойитилган. Луғат 7000 мингга яқин асосий биологик атамаларни ўз ичига олган. Атамаларнинг ўзбек тилидаги мавжуд эквивалентлари билан бир қаторда, уларнинг ҳозирги кунда қабул қилинган халқаро шакллари ҳам келтирилган.

Бу луғатни тузишда муаллифлар республикамыз ва чет элларда нашр этилган биологияга оид жуда кўп қўлланмалар, дарсликлар, илмий китоблар, маълумотномалар ва қомуслардан фойдаланиб, улардан энг муҳим атамалар танлаб олинган. Жумладан Петунников А.Н. «Свод ботанических терминов, встречающихся в русской ботанической литературе», Федоров А.А., Кирпичников М.Э. «Справочное пособие по систематике высших растений», «Мауер Ф.М. «Ғўза», I-IV том, Тахтаджян А.Л. «Высшие растения», Викторов Д.П. «Краткий словарь ботанических терминов», Тахтаджян А.Л. «Основы эволюционной морфологии покрытосеменных», Вавилов Н.Н. «Проблемы происхождения, географии, генетики, селекции растений, растениеводства и агрономии», Вавилов Н.Н. «Избранные труды, т. 5: «Жизнь растений», Закиров Қ.З., Набиев М.М., Пратов Ў.П., Жамолхонов Ҳ.А. «Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати», Ригар Р., Михаэлис А. «Генетический и цитогене-

тический словарь», «Сельскохозяйственная энциклопедия, 4-е изд. Т. 1-6», Жуковский П.М. «Культурные растения и их сородичи (издание третье)», Салганик Л.М. «Англо-Русский словарь генетических и цитогенетических терминов», Первухина Н.В. «Проблемы морфологии и биологии цветка», Курсанов Л.И., Комарницкий Н.А., и др. «Ботаника. Т. I-II», Закиров К.З., Жамалханов Х.А. «Русско-узбекский энциклопедик словарь по ботанике», Закиров К.З., Жамалханов Х.А. «Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат», Сахобиддинов С.С. «Қисқача русча-ўзбекча ботаника терминлари луғати», Козубов Г.М., Данилова М.Ф. «Атлас ультраструктуры растительных клеток», Данилова М.Ф., Козубов Г.М. «Атлас ультраструктуры растительных тканей», Дариев А., Абдуллаев А. «Хлопчатник», Василевская В.К., Баранов М.П., Борисовская Г.М. «Основные направления эволюции вегетативных органов высших растений», Г.Пирузян Э.С. «Генетическая инженерия растений», Тахтаджян А.Л. «Система магнолиофитов», Мухамадхонов С., Жонгузаров Ф. «Ўсимликшуносликка оид русча-ўзбекча изоҳли луғат», «Ўзбекистон миллий энциклопедияси, том I», Рейвн П., Эверт Р. Айкхорн С. «Современная ботаника, том I-II», Гофуров А., Файзуллаев С. «Генетика», Абдуллаев А., Дариев А., и др. «Атлас рода *Gossypium* L.», Гофуров А.Т., Файзуллаев С.С. «Генетика ва эволюцион таълимот». Ушбу луғат, умумий биологиядан тузилган барча изоҳли луғат мажмуаси бўлиб, айрим камчилик ва нуқсонлардан холи эмас, албатда. Шунинг учун ушбу луғатда билдирилган барча фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар олдиндан миннадорчилик изҳор қиладилар.

## ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ СОҲАСИДАГИ ЕТУК ОЛИМЛАР

**Абдуллаев Абдумавлон Абдуллаевич** (1930 йилда туғилган) – биолог, ботаник, систематик, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника соҳасидаги биринчи даражали давлат мукофоти лауреати.

**Аболин Роберт Иванович** (1886-1939) – геоботаник, тупроқшунос, географ, профессор.

**Акжигитова Надежда Ибрагимовна** (1928 йилда туғилган) – геоботаник, биология фанлари доктори, профессор.

**Алмуродов Елумурод** (1938 йилда туғилган) – альголог, флорист, систематик, биология фанлари доктори, профессор.

**Амирханов Назар Амирханович** (1933 йилда туғилган) – хомашёшунос, ўтлоқшунос, биология фанлари доктори, профессор.

**Асқарова Салима Асқаровна** – цитолог, эмбриолог, биология фанлари доктори, профессор.

**Ашурметов Озодбек Ашурметович** (1945-2009) – антэколог, эмбриолог, кариолог, биология фанлари доктори, профессор.

**Баранов Павел Александрович** (1892-1962) – морфолог, эмбриолог, анатом, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Бахиев Амин Бахиевич** (1937 йилда туғилган) – геоботаник, эколог, хомашёшунос, биология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Белוליпов Игорь Владимирович** (1939 йилда туғилган) – интродуктор, флорист, биология фанлари доктори, профессор.

**Бердиқулов Хурсанали Ортиқович** (1937 йилда туғилган) – альгофизиолог, альгобиотехнолог, биология фанлари доктори.

**Бочанцев Виктор Петрович** (1910-1990) – систематик, ботаник-географ, биология фанлари доктори.

**Бочанцева Зинаида Петровна** (1907-1987) – морфолог, цитолог, биология фанлари доктори.

**Бутков Александр Яковлевич** (1911-1981) – флорист, систематик, геоботаник, биология фанлари номзоди, Беруний номидаги Давлат лауреати.

**Буригин Вадим Анатольевич** (1910-1985) – эколог, ўтлоқшунос, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Бўриев Сулаймон Бўриевич** (1947 йилда туғилган) – альголог, биотехнолог.

**Бутник Антонина Анатольевна** (1935 йилда туғилган) – анатом, морфолог, биология фанлари доктори, профессор.

**Валиев Ахад Валиевич** (1936-2010) – ўтлоқшунос, хомашёшунос, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

**Введенский Алексей Иванович** (1998-1971) – флорист, систематик, Беруний номидаги Давлат лауреати.

**Верник Раиса Савельевна** (1921 йилда туғилган) – геоботаник, эколог, ўтлоқшунос, хомашёшунос, биология фанлари доктори, профессор.

**Власова Нина Александровна** (1930-2013) – эмбриолог, морфолог, биология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги.

**Гаевская Людмила Сергеевна** (1917 йилда туғилган) – геоботаник, ўтлоқшунос, биология фанлари доктори, профессор.

**Головин Петр Николаевич** (1897-1968) – миколог, биология фанлари доктори, профессор.

**Гранитов Ипполит Иванович** (1900-1981) – геоботаник, ўтлоқшунос, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Дариев Абдурашид Содикович** (1934-2013) – анатом, биология фанлари доктори, профессор.

**Ережепов Соли Ережепович** (1928 йилда туғилган) – геоботаник, хомашёшунос, биология фанлари номзоди, профессор.

**Запрометов Николай Григорьевич** (1893-1988) – миколог, систематик, фитопатолог, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби.

**Зокиров Пўлат Қодирович** (1932-1993) – геоботаник, хомашёшунос, эколог, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги.

**Зокиров Қодир Зокирович** (1908-1992) – ботаник, геоботаник, флорист, систематик, хомашёшунос, географ, Ўзбек атамашунослигининг асосчиси, биология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Давлат лауреати.

**Икромов Маматкул Икромович** (1923 йилда туғилган) – ботаник, хомашёшунос, анатом, морфолог, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Исмойилхўжаев Баходир Шарипович** (1949 йилда туғилган) – альголог, биофизиолог, биология фанлари доктори.

**Ковалевская Светлана Сегизмундовна** (1929-1987) – флорист, систематик, биология фанлари номзоди, Беруний номидаги Давлат лауреати.

**Комилова Фарида Ғозиназаровна** (1916 йилда туғилган) – анатом, морфолог, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Коровин Евгений Петрович** (1891-1963) – геоботаник, эколог, систематик, флорист, флорогенетик, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Кудряшев Серафим Николаевич** (1907-1943) – геоботаник, биология фанлари доктори, профессор.

**Культиасов Михаил Васильевич** (1891-1963) – геоботаник, флорист, систематик, эколог, хомашёшунос, биология фанлари доктори.

**Мадумаров Толибжон** (1959 йилда туғилган) – анатом, морфолог, биология фанлари доктори, профессор.

**Маматқулов Усмон Маматқулович** (1936 йилда туғилган) – биолог, флорист, систематик, биология фанлари доктори, профессор.

**Мауер Федор Михайлович** (1897-1963) ботаник, систематик, биология фанлари доктори, профессор.

**Махмедов Акрам Мамажонович** (1952) – систематик, биология фанлари доктори, профессор.

**Момотов Иван Фёдорович** (1915) – геоботаник, биология фанлари доктори, профессор, СССР давлат лауреати.

**Морозов Николай Леонидович** (1912) – ўтлоқшунос, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Музаффаров Ахрор Музаффарович** (1909-1987) – альголог, флорист, систематик, биология фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат лауреати.

**Мусаев Карим Юсуфжонович** (1924-2000) альголог, систематик, флорист, биология фанлари номзоди, профессор.

**Мустафаев Самадулла Муртазаевич** (1935 йилда туғилган) – систематик, эколог, хомашёшунос, биология фанлари доктори, профессор.

**Мурдахоев Юзеф Мурдахоевич** (1935 йилда туғилган) – интродуктор, биология фанлари доктори.

**Набиев Махамат Миноварович** (1926 йилда туғилган) – систематик, геоботаник, биология фанлари номзоди, Беруний номидаги Давлат лауреати.

**Одилов Тешабой** (1920 йилда туғилган) – флорист, систематик, биология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

**Озолин Георгий Петрович** (1918-1991) – селекционер, интродуктор, биология фанлари доктори, профессор, Тимирязев номидаги қишлоқ хўжалик академиясининг мухбир аъзоси, Россияда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Олимжонова Холисхон Олимжоновна** (1950 йилда туғилган) – альголог, флорист, систематик, биология фанлари доктори, профессор.

**Орифхонова Мухаррам Мажидовна** (1911-1974) – флорист, систематик, фитоценолог, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Охунов Хошим Мелиевич** (1936 йилда туғилган) – геоботаник, биология фанлари номзоди, профессор.

**Пазий Вера Кондратьевна** (1909 йилда туғилган) – систематик, Беруний номидаги Давлат лауреати.

**Парпиев Йўлдош Парпиевич** (1936-1986) – морфолог, эколог, ўтлоқшунос, биология фанлари доктори.

**Печеницин Владимир Петрович** (1940 йилда туғилган) – эмбриолог, морфолог, интродуктор, биология фанлари доктори, профессор.



**Попов Михаил Григорьевич** (1893-1955) – флорист, систематик, геоботаник, флорогенетик, Евроосиё ўсимликлар дунёси тарихи асосчиси, Украина Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси.

**Пратов Ўктам Пратович** (1934 йилда туғилган) – систематик, флорист, ботаник географ, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

**Проскоряков Евгений Иванович** (1895-1965) – флорист, систематик, морфолог, биология фанлари доктори, профессор.

**Райкова Илария Алексеевна** (1896-1981) – морфолог, эмбриолог, эколог, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг аъзоси.

**Рамазонова Савия Сулеймановна** (1929 йилда туғилган) – миколог, систематик, биология фанлари доктори, профессор.

**Рахимова Ташханим** (1944 йилда туғилган) – геоботаник, флорист, фитоценолог, эколог, биология фанлари доктори, профессор.

**Рахимова Тўраҳон Узоқовна** (1939 йилда туғилган) – эколог, физиолог, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

**Ризаева Сафия Мамедовна** (1944 йилда туғилган) – генетик, цитогенетик, систематик, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника соҳасидаги биринчи даражали давлат лауреати.

**Романов Иван Дмитриевич** (1906-1980) – эмбриолог, биология фанлари доктори, профессор.

**Руми Виктория Артемовна** (1915 йилда туғилган) – эмбриолог, кариолог, цитолог, биология фанлари доктори, профессор.

**Русанов Николай Федорович** (1938 йилда туғилган) – дендролог, интродуктор, биология фанлари доктори, профессор.

**Русанов Федор Николаевич** (1895-1979) – интродуктор, хомашёшунос, систематик, флорист, биология фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги.

**Сагитов Серсенгали Исмоилович** (1931 йилда туғилган) – дендролог, эколог, биология фанлари доктори, профессор.

**Саидов Жўра Камалович** (1909 йилда туғилган) – анатом, цитолог, ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Давлат лауреати.

**Сафаров Каримжон Сафарович** (1948 йилда туғилган) – физиолог, биохимик, биофизик, биология фанлари доктори, профессор.

**Сахобиддинов Сирожиддин Сахобиддинович** (1906-1994) – хомашёшунос, флорист, систематик, биология фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Славкина Таисия Ильинична** (1922 йилда туғилган) – дендролог, эколог, биология фанлари доктори, профессор.

**Солихов Суръат Акрамович** (1939 йилда туғилган) – хомашёшунос, биология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Давлат лауреати.

**Таубоев Туркменбой** (1934 йилда туғилган) – альголог, систематик, флорист, биология фанлари доктори, профессор.

**Тойжонов Каримжон** (1937 йилда туғилган) – геоботаник, хомашёшунос, биология фанлари доктори.

**Тожибаев Комилжон Шаробиддинович** (1974 йилда туғилган) – флорист, систематик, биология фанлари доктори.

**Турсунов Жўракули Юсупович** (1937-2000) – антэколог, эмбриолог, карриолог, биология фанлари доктори, профессор.

**Тўлаганова Мархамат** (1942 йилда туғилган) систематик, биология фанлари доктори.

**Тўхтаев Бобокул Ёркулович** (1958 йилда туғилган) – интродуктор, биология фанлари доктори.

**Усмонов Ахмад Усмонович** (1911-1987) – дендролог, геоботаник, биология фанлари доктори.

**Хамдамов Искандар Хамдамович** (1934 йилда туғилган) – анатом, хомашёшунос, биология фанлари доктори, профессор.

**Хамидов Гулом Хамидович** (1936 йилда туғилган) – хомашёшунос, флорист, биология фанлари доктори, профессор.

**Хамидхўжаев Султон Ахмедович** (1927-1993) – геоботаник, хомашёшунос, биология фанлари доктори, профессор.

**Хасанов Фурқат Ўринбаевич** (1959 йилда туғилган) – флорист, систематик, эколог, биология фанлари доктори.

**Хасанов Ўринбай Хасанович** (1928-2011) – геоботаник, фитоценолог, эколог, ўтлокшунос, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Хожиматов Олимжон Қаххорович** (1968 йилда туғилган) – хомашёшунос, биология фанлари доктори.

**Хожиматов Қаххор Хожиматович** (1937-2008) – хомашёшунос, биология фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат лауреати.

**Холматов Хамид Холматович** (1923 йилда туғилган) – анатом, хомашёшунос, фармаколог, фармацевтика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими.

**Худойбердиев Рўзикул** (1931-2010) – палеоботаник, анатом, флорист, биология фанлари доктори.

**Худойбердиев Тангриберди** (1938 йилда туғилган) – флорист, систематик, геоботаник, биология фанлари доктори, профессор.

**Чеврениди Софокл Харламович** (1911-1988) – хомашёшунос, геоботаник, биология фанлари доктори, профессор.

**Чернова Ольга Владимировна** (1929 йилда туғилган) – систематик, флорист, биология фанлари доктори.

**Шамсуддинов Зебри Шамсиддинович** (1931 йилда туғилган) – ўтлокшунос, биология фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

**Шералиев Абдусайд** (1950 йилда туғилган) – миколог, систематик, эколог, биология фанлари доктори, профессор.

**Шербоев Бозорбой** (1941 йилда туғилган) – флорист, систематик, эколог, биология фанлари доктори, профессор.

**Шояқубов Рискали Шояқубович** (1940-2015) – альголог, систематик, биотехнолог, гидроботаник, биология фанлари доктори, профессор.

**Эргашев Ахмадқул Эргашевич** (1932 йилда туғилган) – альголог, флорист, систематик, эколог, биология фанлари доктори, профессор.

**Юлдашев Акримжон Султонмуродович** (1960 йилда туғилган) – систематик, эколог, биология фанлари доктори, профессор.

**Қаршибоев Хазратқул** (1953 йилда туғилган) – антэколог, анатом, морфолог, биология фанлари доктори, профессор.

**Қобулов Жаббор Тиллаевич** (1911-1995) – систематик, флорист, эколог, биология фанлари доктори, профессор.

**Қобулов Сапарбой** (1938 йилда туғилган) – эколог, систематик, флорист, биология фанлари доктори, профессор.

**Қўчқорова Муқаддам Абдуллаевна** (1930-2016) – альголог, флорист, систематик, эколог, биология фанлари доктори, профессор.

## А

**Абаксал томон** – япроқнинг остки, поянинг пастига қараган томони.

**Абаксиал томон** - новданинг ён қисмида очилган гулнинг ёнбаргчага (ён-дошбаркка) қараган орқа (остки) томони. Унинг усти адаксиал томон деб аталади.

**Аберрациялар** – 1. Ирсий информациянинг йўқолишига (делециялар), иккиланишига (дупликациялар), янги кетма-кетликлар ҳосил бўлишига (инверсиялар) ёки унинг бир қисмининг бошқа хромосомага ўтишига (транслокация) олиб келувчи хромосома мутациялари. Улар хромосома ичида (делециялар, дупликациялар, инверсиялар) ёки хромосомалараро (транслокациялар) бўлиши мумкин ва мутаген омиллар таъсирида келиб чиқади. 2. Хромосома тузилишининг ташқи ёки ички омиллар таъсиридаги ўзгаришлар.

**Абиотик омиллар** – табиий муҳитнинг ўсимликларга таъсир этадиган: а) иқлимий – ёруғлик, иссиқлик, ҳавонинг кимёвий таркиби, унинг ҳаракати, намлиги; б) эдафик – тупроқнинг механик ва кимёвий таркиби, унинг физикавий хоссалари; в) топографик (ёки орографик) – рельефнинг шароити.

**Абиотик чангланиш** – ўсимлик гулини атроф-муҳитнинг абиотик омилларнинг таъсирида чангланиши.

**Аблактировка** – ёнма-ён ўсаётган ўсимликларнинг қўшилиб ўсиб кетиши.

**Абориген ғўза** - азалдан шу жойда экилиб келган ғўза, жайдари ғўза.

**Аборигенлар, жайдари, туб жойли** (*лот. aborigines*) - маълум бир жойда азалдан яшаб келаётган ўсимликлар. Бундай ўсимликлар эволюция натижасида юзага келиб, доимо бир жойда яшаши билан аллохтонлардан фарқ қилади.

**Абсолют ҳарорат, мутлоқ ҳарорат** (*temperatura absoluta*) - абсолют нолдан бошлаб ҳисобланадиган ҳарорат. У юз даражали шкаладан ҳисоблаб белгиланган ҳароратга яна +273, 16°ни қўшган ҳароратга тенгдир.

**Абсолют ноль, мутлоқ ноль** (*nullus absolutus*) - эришилиши мумкин бўлган энг паст (совуқ) ҳарорат (-273, 16С). Абсолют ноль даражада молекулаларнинг иссиқлик берувчи тартибсиз ҳаракати тўхтайд.

**Абсолют спирт, мутлоқ спирт** - мутлоқ сувсиз (100% ли) спирт.

**Абсцизин** – ўсимликдан баргларнинг тўкилишини тезлатадиган модда.

**Абу жахл тарвузи** (*Bryonia alba L.*) – қовоқдошлар оиласига мансуб, чўл, тўқай, адирда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Авлодбоши самараси** - дастлабки кичик бўлган популяцияда қандайдир нодир геннинг кўп тарқалиши. Бу ҳодиса шу генни сақловчининг кўп авлод қолдирганида кузатилади. Масалан порфирия гени Жанубий Африкадаги колонияларга қўшни ва ота-она популяцияларига нисбатан кўп тарқалган. Чунки

булар популяцияси Африкага Англиядан кўчиб келган кичик гурухларнинг кўпайишидан ҳосил бўлган.

**Авлодларнинг гетероморф галланиши** – ривожланишда спорофит ва гаметофитнинг морфологияси билан фарқланиши. Кўнғир сувўтларидан *Laminariales* тартиби вакилларида спорофит йирик, гаметофит микроскопик бўлади.

**Авлодларнинг изоморф галланиши** – ривожланишида спорофит ва гаметофитнинг морфологияси билан фарқланмаслиги. Яшил сувўтларидан *Ulothrichales*, *Ulvales* тартиблари вакилларида рўй беради.

**Авокадо, аллигатор ноки (*Persea*)** - лаврдошларга мансуб доим яшил дарахтлар туркуми. Гуллари оқ, икки жинсли. Кўкимтир-қизил тусли (бир уруғли) ноксимон мева қилади. Меваси 250—600 г бўлиб, таркибида 30% гача мой ва 1,5—4% гача оқсил бор. Пишган меваси ейилади.

**Австралия флористик олами** – австралия уни атрофи оролларида худуди.

**Авран, сафро ўти (*Gratiola*)** - сигирқуйруқдошларга мансуб ўтлар туркуми. Доривор авраннинг барг ва илдизларида захарли моддалар бор. Шу сабабли улардан шифобахш ўсимлик сифатида фойдаланилади.

**Аврикула (*Primula auricula*)** - наврўзгулнинг бир тури, хушманзара ўсимлик. Гуллари йирик, хушбўй.

**Авто..., ауто...** – “ўзи”, “ўзиники” каби сўзларни англлатувчи мураккаб сўзнинг бўлаги.

**Автогамия** - 1. Ўз-ўзидан чангланиш бир гулнинг чангини шу гулнинг уруғчи тумшукчасига тушиши; 2. Бир хужайрада ҳосил бўлувчи иккита ядронинг қўшилиши. 3. Ядронинг мейоз бўлиниш билан 4 та ядро ҳосил қилиб, ундан 2 таси парчаланиб, қолган 2 тасининг ўзаро қўшилиб зигота ҳосил қилиши.

**Автогамия, ўз-ўзини чанглаш (юн. *autogamia*)** - бир хужайрали организмларда рўй берадиган ўз-ўзидан уруғланиш (оталаниш) жараёни. Бунда бир хужайра ичидаги икки мағиз (ядро) ўзаро қўшилади.

**Автогенез (юн. *autogenes*)** - биология фанидаги реакцион, идеалистик оқимлардан бир қанчасининг умумий номи.

**Автоклав (юн. *autoclav*)** - оғзи зич ёпилиб, ичида атмосфера босимидан юқорироқ босим ва 100°дан ортиқроқ ҳарорат юзага келтириладиган металл идиш. Ичида ҳосил қилинган буғда стерилизация (қ.) ишлари олиб борилади.

**Автолиз (юн. *autolis*)** – 1. Ўсимлик организмидаги тўқималарнинг эриши. Бу жараён организмдаги оқсил, углевод ва ёғ каби турли мураккаб моддаларнинг ферментлар таъсирида парчаланиб кетиши туфайли содир бўлади. 2. Хужайра цитоплазмасининг алоҳида қисмини парчаланиб, унинг ўрнида цитоплазматик вакуолянинг ҳосил бўлиши.

**Автомеханохория (*automechanochoria*)** - ўсимлик уруғининг (масалан, ёввойи хинанинг) тарқалиш усулларида бири. Бунда уруғ ички куч (босим) таъсирида мева ичидан отилиб чиқади ва тарқалади.

**Автоном миграция, мустақил кўчиш** (юн. *autonomos*) - баъзи ўсимликларнинг ташқи омилларсиз мустақил равишда бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ёки тарқалиши.

**Автоном тиним, узоқ вақтли тиним** - ўсимлик органларининг узоқ вақт тинимда бўлиши. Жумладан, дарахт куртаклари бутун қиш давомида тиним даврини ўтиб, баҳор келиши билан бўрта бошлайди.

**Автополиплоид** - ташқи муҳит омилларининг кескин ўзгариши натижасида ўсимликда дастлабки хромосомаларнинг қайта кўпайиши.

**Автополиплоидия** - полиплоидия шаклларида бири бўлиб, айни турнинг геноми кўпайиши натижаси ҳисобланади:  $3n$  - триплоидия,  $4n$  - тетраплоидия,  $5n$  - пентаплоидия, хромосомалар тўплами жуфт ( $4n$ ,  $6n$ ,  $8n$ ) полиплоидлар насл қолдириши мумкин, тоқ ( $3n$ ,  $5n$ ,  $7n$ ) тўпламлилар эса стерил бўлади. Автополиплоидия ўсимликлар селекциясида кенг қўлланилади.

**Автосинтез** - эркак ёки урғочи жинсий ҳужайра хромосомаларининг ўзаро кўшилиш жараёни.

**Автоспора** – ҳосил бўлаётган ҳужайранинг ичида пўстга ўралиб она ҳужайрага ўхшаган спора.

**Автоспоралар** (*autosporia*) - кўпчилик яшил сувўт тоифалар ҳужайраси ичида ҳосил бўладиган ҳаракатсиз споралар.

**Автостериллик** – 1. Четдан чангланадиган ўсимликларда кузатиладиган ўзини гул чангчи билан чангланганда ҳам мева, уруғ ҳосил қилмаслиги. 2. Ўзидан мева бермаслик - чангнинг ўз гулининг уругчи тумшукчасида ва шу ўсимликнинг бошқа гулларида ёки шу навга доир ўсимликлар гулларида ўса олмаслик.

**Автостериллик, ўз-ўзидан наслсизланиш** (*autosterilis*) - бирор ўсимлик тури ёки нави гулидаги чангнинг шу гул тумшукчасида ўса олмаслиги. Натижада шу ўсимлик гули ўз-ўзидан чанглана олмайди. Бу ҳол шу ўсимлик тури ёки навининг четдан чангланиб ўз сифатини яхшилаётган боришига сабаб бўлади. Масалан, ширач (*эремурус*) шундай ўсимликлардандир.

**Автополиплоидия** – 1. Бир турга мансуб организмлар хромосомалар тўпламини икки хисса ортиқ бўлиши. 2. Ўхшаш хромосомалар тўпламининг қаррали ортиши.

**Автотип** (юн. *autotypos*) - муаллифлар томонидан кўрилиб аниқланган ўсимлик турининг асл нусхаси, экземпляри.

**Автотропизм** - бирор куч ёки таъсир остида эгилиб турган ўсимликнинг таъсир йўқолгач яна қайта тўғрилана олиши.

**Автотроф организмлар** (юн. *autotroph* - *мустақил озиқланиш*), **мустақил озиқланувчи организмлар** - барча яшил (хлорофилли) ўсимликлар ва баъзи рангли бактериялар фотосинтез қобилиятига эга. Бунинг акси гетеротроф организмлардир.

**Автотроф ўсимликлар** (лот. *plantae autotrophicae*) - аорганик моддалардан ўзлари учун органик модда тайёрлаб олувчи ўсимликлар.

**Автофагия** – қ. автолиз.

**Автофертиллик** – четдан чангланадиган ўсимликларда ўзининг гул чанги билан чангланиб мева тугиши.

**Автофертил ўсимликлар** (*plantae autofertilis*) – 1. Ўз-ўзини чанглаб нормал мева қилувчи ўсимликлар. 2. Ўзидан мева берувчи, ўз чанги билан чангланганда нормал мева ва уруғ берувчи ўсимликлар.

**Автохорлар** - уруғларини бевосита соча оладиган ўсимликлар. Масалан, ёввойи хинанинг меваси етилганда тарсиллаб ёрилади, ичидаги уруғлари отилиб, атрофга сочилади.

**Автохорлик** – ўсимлик диаспораларини ташқи таъсир рўй бермаса ҳам тарқала олиши.

**Автохтон эдификаторофиллар** – эдификаторлар таъсирига мослашган, бироқ уларсиз ҳам учрайдиган турлар.

**Автохтон крахмал** - хлоропласт ичида майда дончалар шаклида тўпланадиган крахмал (ассимиляциян крахмал деб ҳам айтилади).

**Агава** (*Agave*) - чучмўмадошларга мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Унинг қисқа поясида узун ва қалин барглар жойлашиб, пастки қисмида ёпирма (тўп) бўлиб ўсади. Агава бутун ҳаёти давомида фақат бир марта (6-15 ёшида, оранжереяларда эса 20-30 ёшида) гуллайдиган монокарпик ўсимликдир.

**Агалин** – континентал сув ҳавзаларидаги минералланиши 0,5% дан ошмайдигани (улар орасида кўпроқ минераллашгани ҳам учрайди).

**Агамоспермия** – 1. Ўсимликларнинг уруғи билан жинссиз кўпайиши. 2. Оталанмасдан ҳосил бўлган уруғлар. Агамоспермия апомиксиснинг бир туридир.

**Агар-Агар** (*agar-agar*) - қўнғир ва қизил тусли баъзи сувўтлардан олинadиган шилимшиқ маҳсулот (Агар малайя тилида «шилимшиқ» де-мақдир.).

**Агар, агароид** – қизил сувўтлар (*Phyllophora* Grev.) ҳосил қиладиган, олтингугурт тутган умумий номи фикоколлоид деб аталадиган мураккаб полисахарид.

**Агарли культура** – сувўтларни агарли озиқ муҳитда ўстириш.

**Агент, омил** (*лот. agentis*) - ўсимликларда бирор ўзгаришни юзага келтирувчи омил.

**Агрегация** – ўсимликнинг ўсимлик билан ўзаро таъсир муносабатлар бўлмагани.

**Агробиоценология** – агробиоценозларнинг таркиби, маҳсулдорлигини ўрганадиган биогеоценологиянинг тармоғи.

**Агробиология** - деҳқончилик ва чорвачиликка оид биологик қонуниятларни ўрганувчи фан.

**Агроботаника** - агробиологиянинг бир бўлими; ўсимликларни агрономияга боғлаб ўрганувчи фан.

**Агрокимё** - ўсимликларнинг турли кимёвий моддалар билан алоқаси ҳақидаги фан. Агрокимё ўғитларнинг хусусиятлари, ўсимликларнинг озиқланиши ва уларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалардан фойдаланиш каби чоратadbирларни аниқлаб беради.

**Агрокультура, деҳқончилик** - деҳқончиликни ривожлантиришга қаратилган тadbирлар тизими. Агрокультура агрономия (қ.) билан узвий боғлангандир.

**Агрономия** (юн. *agronomia*; *agros*— дала+*nomos* + қонун, қоида) - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг илмий асослари ҳақидаги фан. Агрономия ўсимликларни ўстириш ва қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил қилиш каби соҳалар юзасидан тўпланган назарий ва амалий билимлар мажмуидан иборат.

**Агротехника** - экинларни экишдан то ҳосил йиғиштириб олингунга қадар бажариладиган ишлар мажмуи ва уларни бажариш техникаси.

**Агротехнология** - қишлоқ хўжалик ўсимликларини ўстириш, ерни хайдаш, ўғитлаш, уруғлик тайёрлаш, экиш, экинларни парваришлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш ва шу каби ишларни бажариш хуллас деҳқончилик ишлари технологияси.

**Агрофитоценоз** – агротехник тадбирларни қўллаб сунъий яратилган ўсимликлар уюшмаси. Дала экинлари, боғлар, ўрмон-боғлар экилиб яратилаётган ўрмонлар ва шу кабилар.

**Агрофитоценоз** – парваришланадиган фитоценоз.

**Агроценология** – геоботаника, деҳқончилик ва ўрмоншуносликни ўзида жамлаган фан тармоғи.

**Агроўрмонмелиорация** - экинлардан юқори ҳосил олишга қаратилган тадбирлардан бири, муайян жойнинг иқлими ва тупроқ шароитини яхшилаш мақсадида қўлланиладиган ўрмончилик тадбирлари системаси.

**Адаксиал томон** – 1. Поя ёки шохчадаги гулнинг пояга қараган томони. Унинг тескараси абаксиал томон дейилади. 2. Япроқнинг юза, устки, новданинг юқори томонига қараган томони.

**Адаптация** (лот. *adaptatio* - мосланиш) - организмларнинг яшаш шароитига мослашуви

**Адвентив** – мазкур фитоценозга хос бўлмаган, унга тасодифан тушиб қолган ўсимлик тури.

**Адвентив куртак** – вояга етган пояда эндоген одатда бўғим ораликларида перицикл, камбий, юраксимон нурларнинг паренхимаси, мезофилл ёки ҳатто барг эпидермиси, жарохат меристема таъсирида ҳосил бўладиган бошқа куртаклардан фарқланмайдиган куртак.

**Адвентив турлар** – ўсимликлар уюшмасига тасодифан тушиб қолган турлар.

**Адвентив ўсимликлар** – аввал ўсмаган жой, ҳудудга одамлар воситасида ўтиб ўсаётган ўсимликлар.

**Адиант, сувсумбул** (*Adiantum capillus veneris*) - қирққулоқнамоларга мансуб чиройли ва бўйи 20-30 см га етадиган ўсимлик.

**Адвентив эмбрион, адвентив муртак** - ёпиқ уруғлиларда муртакнинг эмбрион ҳалтасида ривожланмай, нуцеллус хужайраларидан ёки уруғкуртак қобиғи (интегумент) дан ривожланиши.

**Адвентив органлар, тасодифий органлар** - ўсимлик танасининг одатдаги жойида эмас, балки бошқа қисмида тасодифан ўсувчи органлар.

**Адвентив ўсимликлар, тасодифий ўсимликлар** - илдиздан, баргдан, бўғим оралигидан ўсиб чиққан ўсимликлар.



**Адекват ўзгариш, мослашув, мойил ўзгариш** - ташқи муҳитнинг ўзгаришига қараб шу муҳитда яшаб турган организмларнинг ҳам ўзгариши, унга мослашуви.

**Аденин** (*adenin*) - органик бирикмаларнинг бир тури ( $C_5H_5N_5$ ).  $360^\circ$  ис-сикликда эрийдиган игнасимон оқ кристаллардан иборат. Сувда ниҳоят-да секин, кислота ёки ишқорда эса тез эрийди.

**Адиантум, парисиёвашон, сунбулсоч** (*Adiantum*) - тропик ва субтропик минтақаларда, Ўрта Ер денгизи атрофларида ва Ўрта Осиё, Узоқ Шарқ, Кавказ ва Қримда ўсадиган қирққулоқлар туркуми.

**Адонис** (*Adonis*) - айиқтовондошларга мансуб бир йиллик ёки кўп йиллик ўтлар туркуми.

**Ажралувчи куртак** - танадан ажралиб (узилиб) ўсувчи куртак.

**Ажратувчи тўқималар** – моддаларнинг алмашинуви натижасида ҳосил бўлган секретларни ўсимликдан ташқарига ажратидиган тўқималар.

**Ажриқ** (*Cynodon dactylon*) - ер юзининг иссиқ ва ўрта минтақаларида ўсувчи кўп йиллик ғалла ўсимлиги.

**Ажриқбош** - оқсўхта, отқуноқ (*Phleum*).

**Азалея** (*Azalea*) - эрикадошлар (верескдошлар) га мансуб буталардан иборат ўсимликлар туркуми.

**Азигота** – уруғланмай, партеногенетик ривожланган зигота.

**Азими́на** (лот. *Asimina*) - тропик минтақаларда ўсувчи мевали дарахт (қ. Анона).

**Азонал ҳодиса, зонасизлик** - баъзи ўсимликларнинг фақат бир зонадагина эмас, бошқа жойларда ҳам кенг тарқалиши.

**Азотобактер** (*Asotobacter*) - ҳаводаги азотни ўзлаштириб, уни ўсимлик ёки микроорганизмлар фойдаланадиган модда ҳолига келтирувчи, шакли қаламчага ўхшаш, эркин яшовчи аэроб бактериялар.

**Азотобактерин, азотоген** - таркиби ҳаводан азот ўзлаштирувчи азотобактердан иборат бактериал ўғитлар (қ. Азотобактер).

**Азотфиксаторлар, азотлаштирувчи организмлар** - атмосферадаги азотни ўзлаштира оладиган ва тупроқда эркин ҳаракат қилувчи азотобактер ҳамда клостридиум каби бактериялар.

**Азотфиксирловчи сувўтлар** – гетероциста тузилишли кўк яшил *Nostocales* ва *Stigonematales* тартибларига мансуб атмосфера ҳавосидаги молекуляр азотни боғланган азотга айлантирадиган ҳозирча 150 дан ортиқ турлари аниқланган сувўтлар: *Nostoc* Adan., *Anabaena* Boy., *Cylindrospermum* Kuetz., *Calothrix*, *Tolypotrix* туркумлари.

**Аир, игир** (*Acorus calamus*) - игирдошлар (кучаладошлар) га мансуб кўп йиллик ўсимлик.

**Айниш, дегенерация** – 1. Тана тўқималари структурасидаги кескин ўзгаришлар. 2. Ташқи муҳит таъсирида ёки узоқ давр мобайнида ўсимликларнинг ўз-ўзидан чангланиши натижасида организмдаги биологик белгиларнинг шароитга мослаша олиш хусусиятининг сустлашуви, ёмонлашуви, орган ёки организмларда моддалар алмашинуви жараёнининг бузилиши, мевасизлик, касалланиш ва ҳоказолар. 3) органларнинг редукцияланиши.

**Айиқтовон** (*Ranunculus*) - айиқтовондошларга мансуб кўп йиллик ва баъзан бир йиллик ўсимликлар туркуми. Барглари панжасимон бўлма ва ўйма. Гуллари сариқ. Меваси парча, апокарп, куруқ.

**Айиқтовондошлар** (*Ranunculaceae*) - икки уруғ паллалилардан айритождорлар қабиласига мансуб ўт ўсимликлар оиласи. Аксарияти кўп йиллик. Барглари ёнбаргчасиз, кўпчилигида панжасимон бўлма ёки ўйма, баъзи турларида эса қирқма оддий. Гуллари икки жинсли ва тўғри (фақат айримларидагина зигоморф). Гулкўрғони оддий тожсимон ёки баъзан қўшқават. Бир қанча турларида кўп сонли чангчи ва уруғчилар бор. Меваси баргак ёки донача, парча.

**Айиқтовонлар** (*Ranunculales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Ranunculidae* кенжа синфининг тартиби.

**Айиқкулоқ** (*Verbascum thapsus*) - сигирқуйруқдошларга мансуб ўсимлик, сигирқуйруқнинг бир тури.

**Айиқўт** (*Tithymalus rapulum* (Kar. et Kir.) Kl. et Gurke) – сутламадошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Айлант, сассиқ дарахт** (*Ailanthus*) - симарубадошларга мансуб дарахт. Барглари патсимон мураккаб. Икки жинсли ва бир жинсли майда гуллари шингилсимон тўпгуллар ҳосил қилади.

**Акажу** - 1. (*Anacardium occidentale* L.). Анакарддошлар (пистадошлар) га мансуб тропик дарахт. Гулидан елим (камедь) олинади. Меваси ейилади. 2. *Acajou-Gummi*. Мелиядошларга мансуб дарахт. Қимматбаҳо ёғоч олинади.

**Акант** (*Acanthus*) - акантдошларга мансуб ўт, баъзан эса бута ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми.

**Акариазис, бужғун** - турли ҳашаротлар таъсирида ўсимликларда пайдо бўладиган касаллик. Бунда ўсимликнинг барг ва куртакларида киз-ғиш бўртмалар ҳосил бўлади.

**Акас** (*Robinia pseudoacacia* L.) – бурчокдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган, манзарали дарахт.

**Акация** (*Acacia*) - дуккакдорларга мансуб дарахт ва буталар. Барги патсимон мураккаб, гуллари капалаксимон. Меваси - дуккак. Чин акация, оқ акация ва сариқ акация каби туркумлари бор.

**Аквилегия, сувйиғар** (*Aquilegia*) - айиқтовондошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Гуллари узун пихли ва кўк, би-нафша, баъзан қизил ёки оч қизил тусли. Меваси бир-бири билан туташмаган тўда уруғчибарглардан иборат.

**Акинема** - айрим ипсимон сувўтларда ҳосил бўладиган, кўп миқдорда ғамланган моддалари ва пигментлари бўлган, ноқулай шароитга чидай оладиган қалин пўстли хужайра.

**Акинетлар** - сувўтларда жинссиз ҳосил бўладиган ҳаракатсиз хужайралар. Улар қалин пўст билан ўралган бўлиб, ноқулай шароитларга ҳам чидайди.

**Акинеталар билан кўпайиш** - *Ulothrichales* тартибига мансуб сувўтларда вегетатив кўпайишда сувўт танасини алоҳида бир ёки кўп хужайрали қалин қобиқли, кўп озик моддали хужайраларга бўлиб кетиш билан кўпайиши.

**Аконит, парпи** (*Aconitum*) - айиктовондошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми. Кўпгина турлари аконитин каби заҳарли моддаларга (алкалоидларга) эга.

**Аконитин** (*aconitin*) - аконит (қ) нинг барг, тугунак ва уруғлари таркибидаги алкалоидлар гуруҳига мансуб органик модда ( $C_{34}H_{47}O_{11}$ ). Рангсиз призмалар шаклида кристалланиши ёки  $204^\circ$  даражада эриши мумкин.

**Акрогамия** – чанг найининг уруғмуртакка микропиле орқали кириши.

**Акроген** - новда, базидия, шох ёки бошқа бирор органнинг учида куртак, гул, спора кабиларнинг ҳосил бўлиши.

**Акроген мохлар** – архегонийси доимо экзоген жойлашиб, кейин талломнинг ичига чўкадиган мохлар.

**Акроген мохлар** – архегонийси доимо экзоген жойлашиб кейин таллом ичига чўкадиган мохлар.

**Акрокарп мохлар** – гаметангийси поясининг учида жойлашган мохлар.

**Акронема** – бир хужайрали, хивчинли сувўтлар, диоспора, гаметаларнинг хивчинини учидаги қамчисимон ўсимта.

**Акропеталь** – новданинг учидан шохланиши билан юқорига йўналиши.

**Акропетал ривожланиш** – пояда ёш қисмни тепада, қари қисмни пастроқда жойлашиб ривожланиши.

**Акропетал таракқиёт, учки таракқиёт** - ўсимликдаги ён шохларнинг ёки шу ён шохдаги новдаларнинг пастдан юқорига қараб ўсиши ва таракқий қилиши.

**Акропетал ўсиш, тепага интилиш** - шох ва новдаларнинг юқорига қараб ўсиши.

**Акроспора, учки спора** - организмнинг (масалан, базидиомицетларда) учки қисмида ҳосил бўладиган спора.

**Акротон шохланиш** – поянинг учига яқинидан шохланиши.

**Акротония** – ўсимликнинг асосий шохларини унинг юқори қисмида бўлиши.

**Акрофилл** – папоротникларнинг ламориопсисдошлар кенжа оиласи ўсимликларидаги патсимон стерил ва фертил япроқлар.

**Акрофит** – юқори тоғ, алп ўсимлиги.

**Акс этган радиация** – ўсимликларни тупроқдан, сувдан, бошқа ўсимликлардан қайтган қуёш радиациясини олиши, унинг катталиги қайтарувчининг юзасига боғлиқ.

**Аксонема** – букилиши билан хивчиннинг уришини таъминлайдиган ўқсимон тузилма.

**Аксоподий** – марказий тиғиз ипли юпқа цитоплазматик қават билан ўралган дўмпайма. Ташқи кўринишидан улар ҳайвонларнинг пайпаслагичларига ўхшайди. Айрим ҳолатларда чўзилганлигидан сезилмайди. Амебоид тузилишли сувўт хужайраларида ҳаракатланиш учун хизмат қиладиган цитоплазманинг устида жойлашган пайпаслагичсимон ҳосила. Аксоподийларнинг жойлашган жойи, сони ва катталиклари ҳар бир тур сувўтида ўзига хос бўлади.

**Активаторлар** (*лот. activus - фаолиятли*) - ўсимликларда ҳосил бўладиган моддалар. Масалан, ауксин. Бундай моддалар ўсимликнинг ўсиши ва ривожини тезлаштиради.

**Актив ҳаракат** - баъзи сувўтларнинг ўз-ўзидан ҳаракат қилиши.

**Актив бентос, ҳаракатланувчи бентос** - килча ва бошқа воситалар билан ҳаракат қила оладиган сув ости организмлари.

**Актин** - хлоропластларнинг ҳаракатини таъминлашда иштирок этадиган мускулдагига ўхшамаган оксил.

**Актинидия** (*Actimidia*) - актинидиядошларга мансуб, чирмашиб ўсувчи бута. Бўйи 2-8 м; гуллари оқ, сариқ баъзан қизғиш. Меваси хуш-бўй, витаминдор.

**Актино ...** - “нурли”, “нурсимон” маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Актинодискалар** (*Actinodiscales*) - хужайралари биттадан ёки калта занжир ҳосил қилади, соvuти калта цилиндр ёки эллипс тузилишли сувўтлар (*Bacillariophyta, Centrophyceae*) тартиби.

**Актиноморф гул** - гултожбаргларида бир неча симметрия текислиги ўтказиш мумкин бўлган гул.

**Актиноморф палла** - юзасидан учта ва ундан кўпроқ ясси симметрия ўтказиш мумкин бўлган доира, учбурчак, кўпбурчак кўринишларидаги диатом сувўтларининг (*Centrophyceae*) палласи.

**Актиномикоз** - ўсимлик паразитлари-актиномицетлар таъсирида ҳайвон ва ҳатто одамларда пайдо бўлувчи касаллик.

**Актиномицетлар, сертармоқ замбуруғлар, нурсимон замбуруғлар** (*Actinomycetales*) - кўпчилиги сапрофитлардан, айримлари эса одам ва ҳайвонларда актиномикоз касаллиги туғдирувчи паразитлардан иборат тубан ўсимликларнинг бир гуруҳи.

**Актиноморф косача, тўғри косача** - тенг ва бир хил шаклдаги баргчалардан тузилган косача. Бу косача марказидан ўтказилган тўғ-ри чизиқ уни тенг иккига ажратади.

**Актиноморф гултож, тўғри гултож** - тенг ва бир хил шаклдаги баргчалардан тузилган тож. Бунда гултожнинг ҳар бир тожбаргидан ўтказилган тўғри чизиқ уни тенг симметрик бўлақларга ажратади.

**Актиноморф гул, тўғри гул** - ҳар томони симметрик тузилган гул.

**Актиностел** - ўсимлик поясидаги ўтказувчи тўқиманинг юлдузсимон жойлашуви.

**Актиностела** – ксилемаси кўндаланг кесмасида юлдузсимон кўринадиган; протоксилема бу юлдузларнинг учида, яъни экзарх ҳосил бўлади. Кейин ксилема марказга йўналган ҳолда ривожланади. Плаунсимонлар ва қирилиб кетган қирқбўғимсимонларга ва бошқаларга хос.

**Актиноцит устица** – бешта ёки кўпроқ радиал равишда чўзилган қўшимча – ёрдамчи хужайралар билан халқасимон ўралган, фақат гулли ўсимликларда бўладиган устица.

**Акцепторлар** - хлоропластлардаги қуёш ёруғлигини сезувчи тузилма.

**Албинизм** - тери ва кўз рангдор пардасида меланин пигменти йўқлиги. Бу белги ретсессив бўлиб, аминокислоталар алмашинувининг бузилишига боғлиқ.

**Алвеография** - алвеограф асбоби ёрдамида алвеограмма чизиб клейковининг эластиклигини аниқлаш.

**Алдан узуми** - тошёрардошлар оиласига мансуб дарахт. Меваси қорамтир-кўк, мум қопламли, ҳидсиз, мазасиз.

**Алеатико** - узумнинг винобоп навларидан бири.

**Алейрон доналар** - ўсимлик уруғларидаги (эндоспермдаги) оксил моддаларнинг кристалланган қаттиқ қатламлари.

**Алейрон доналари** – уруғ эндоспермидаги ичи оксил моддасидан иборат донасимон ҳосила.

**Алейрон қават** – 1. Буғдойдошлар (ғалладошлар) оиласига мансуб ўсимликларни уруғида эндоспермнинг ҳазмланишида иштирок этадиган энг юқори-ги ташқи қават. 2. Уруғда алейрон доналари тўпланган қават.

**Ализарин** (*фр. alizarine*) - рўянлар илдизидан олинадиган бўёқ (модда); газламаларни қизил, бинафша ва пушти рангларга бўяш учун иш-латилади.

**Алкалоидлар** - асосан ўсимликларда учрайдиган захарли органик моддалар. Атропин, морфин, хинин, кодеин каби турлари медицинада дори сифатида (кам миқдорда), анабазин ва бошқалар эса қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши ишлатилади.

**Алкалоидли ўсимликлар** - таркибида турли алкалоидлар учрайдиган захарли ёки доривор ўсимликлар.

**Алканна** (*Alcanna*) - қампирчопондошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Алкалифил** – нордон муҳитда ўсадиган ўсимлик (сувўт).

**Алкор** (*Athamanta macrophylla* (Rgl. et Smal.) Eug.Kor.) – қоқиўтдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган, эфир мойли, кўп йиллик ўт.

**Аллел** - 1. Геннинг ҳолатларидан бири. Аллел генлар гомологик хромосомаларнинг бир хил локусларида жойлашади ва алтернатив белгиларни намоён қилади. Аллел генлар лотин алфавитининг бир хил ҳарфлари билан белгиланади. Мейоз жараёнида бу генлар гаметаларга тақсимланади (гаметалар софлиги қонуни). Битта локуснинг кўп марта мутацияланиши кўп аллелликка олиб келади. АБО қон гуруҳлари тизими - кўп аллелликка мисол бўлади. 2. Геннинг икки ва ундан ортиқ ҳолати.

**Аллелогония** – фитоценозда бир популяциядан иккинчисига моддалар ва энергия бериши билан ўзаро таъсирланиши.

**Аллелопатия** – битта популяцияни иккинчисига (ёки бошқаларига) ўзининг ҳаётий фаолиятида фитоценотик муҳитга ажратган маҳсулотлари билан ноқулай шароит яратиши.

**Аллелопатрик омиллар** – сувўтларнинг ўсаётган муҳитида ўзаро таъсири. *Laminaria* зооспорасини қўнғир сувўти *Ascaphyllum* талломи яқинида ўсмаслиги тажрибада исботланган.

**Аллелосполия** – битта ёки бир неча ценопопуляцияларни бошқасига ундан фитоценотик муҳитдаги энергетик ва моддий ресурсларни олиб қўйиши,

бунинг натижасида ценопопуляция-компетитор қулай бўлмаган (қисман анча қулай) шароитда бўлиб қолиши.

**Аллигатор нок** – лаврдошлар оиласига мансуб авакадо ўсимлигининг нокга ўхшаш, мева этида 25-32% мой ва қанди бўлган оғирлиги 50-800 г келадиган меваси.

**Алло ...** – “бошқа”, “бошқача” маъноларини англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Аллогамия** – гулнинг бошқа ўсимлик гули билан уруғланиши.

**Аллогамия, қушни чангланиш, четдан чангланиш** - уруғчининг шу тупдаги бошқа кўшни гулдан (қ. Гейтеногамия) ёки бошқа тупдаги гулдан (қ. Ксеногамия) чангланиши.

**Аллопатрия** - кенг тарқалган иккита ўсимлик ўхшаш ареалларининг турли қисмларидаги ўсиши.

**Аллополиплоид** - диплоид хромосомали ўсимликлардан ҳосил бўлган дурагай.

**Аллополиплоидия** – 1. Ўсимлик баъзан ҳайвонларда содир бўладиган ирсий ўзгарувчанликнинг бир тури. 2. Хужайрада икки турга мансуб хромосомаларни мужассамлашган хили. 3. Ҳар хил тур ёки туркумларга мансуб ўсимликларни чатиштириш натижасида (дурагайда) ҳосил бўлган геномнинг каррали ортиши. 4. Хромосомалар гаплоид тўпламининг ҳар хил турлар ёки авлодлар геноми кўшилиши натижасида кўпайиши. Бундай дурагайлар мейоз бузилиши сабабли одатда насл қолдирмайди. Баъзи ҳолатларда ўсимликларда бундай дурагайлар насл қолдириши мумкин.

**Аллориза** – барча илдиз системани асосий ва кўшимча илдизлардан (уларнинг ён қисмлари билан) иборатлиги.

**Аллотроф ўсимликлар** - тайёр органик моддалардан ва чирин-дилардан озикланувчи сапрофитлар ва тирик организмлардан озикланувчи паразитлар.

**Аллофикоцианин** - *Cyanophyta* бўлимига мансуб сувўтлар фикобилиопроteidлардаги пигмент.

**Аллохория** - ўсимлик диаспораларининг шамол, сув, ҳайвонлар, одамлар ёрдамида тарқалиши.

**Аллохорлар, воситали тарқалиш** - ўсимлик мевалари ва уруғларининг ташки восита (сув, шамол, қуш ва ҳайвон) лар ёрдамида тарқалиши.

**Аллохтонлар** - организмларнинг тарихий тараққиётн (эволюцияси) жараёнида маълум бир жойдан келиб чиқиб, кейинчалик шу жойнинг ўзида эмас, балки бошқа ерда учрайдиган турлар.

**Аллохтон микроорганизмлар** – озик муҳитида доимо учрамай, ахён-ахёнда учрайдиган микроорганизмлар.

**Алопеция** - сочнинг тўлиқ ёки қисман, вақтинча ёки доимий тўкилиши.

**Алоэ, сабурут (*Aloe*)** - пиёздошларга ёки лоладошларга мансуб, серсув ва этдор баргли кўп йиллик суккулент ўсимликлар.

**Алоҳида меристема** – қўлтиқ куртак шаклланадиган меристема.

**Альбеда** – ўсимлик юзасига тушаётган ёруғликнинг ундан қайтарилаётганига нисбати, у буғдойзорда 10-25%, ўтлоқда 22-30% га тенг.

**Альбинизм, оқариш, рангсизланиш** (лат. *albinismus*; *albus* - оқ) - организмга хос нормал пигментациянинг йўқолиши. Ўсимликларда баъзан яшил рангнинг бўлмайд қолиши альбинизм белгиларидандир.

**Альбиноз, оқариш** (қ. альбинизм).

**Альбизия** (лат. *Albizzia*) - мимозадошлар (бурчокдошлар) га мансуб дарахт ёки буталар туркуми.

**Альбуминлар** - ўсимликдаги энг оддий оқсил моддалар. Сувда эрийди, кристалланади ёки гидролиз қилинганда аминокислота ажратади, қиздирилганда эса қуёқлашади.

**Альбумозлар** - оқсилларнинг парчаланишидан ҳосил бўлиб, озиқ-овқатни ҳазм қилдиришда иштирок этувчи моддалардан бири.

**Альвеола** - диатом сувўтларининг палласида унинг ўрта қисмидан чеккасига ўтадиган палланинг ичига очиладиган катта тешик.

**Альгин** – 1. Қўнғир сувўтлардаги елимсимон альгин кислотанинг сувда эрийдиган тузи. 2. Сувўтлардан олинадиган ёпишқоқ модда; тўқимачилик саноатида фойдаланилади.

**Альголог, сувўтшунос** - сувўтларни ўрганувчи мутахассис, альгология мутахассиси.

**Альгология, сувўтшунослик** - ботаниканинг сувўтларни ўрганувчи бўлими.

**Альголизация** - экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида сувўтларни тупроққа солиш.

**Альгология** – сувўтлар ҳақидаги фан. Сувўтларни морфология, цитология, генетик, флористик, онтогенетик, физиологик-биокимёвий, экологик, систематик, эволюцион-филогенетик ва бошқа йўналишларда ўрганади.

**Альгопейзаж** – микроскоп остидаги турли систематик гуруҳларга мансуб сувўтларнинг кўриниши.

**Альготека** – сувўтларнинг фиксирланган ёки гербарий намуналарини сақладиган махсус жой. Йирик альготекалардан бири 1934 йилда асосланган Киев шаҳридаги Ботаника институтида 27000 дан ортиқ намуна сақланади.

**Альгулеза** – қўнғир сувўтлари хужайрасининг ички қаватидаги хоссаларига кўра гулли ўсимликлардаги целлюлозадан фарқладиган целлюлоза.

**Альдрованда** (*Aldrovanda vesiculosa*) - дрозерадошлар (*Droseraceae*) га мансуб ўсимлик. Сувга ботиб ўсади, томирларн йўқ. Барглари ҳалқасимон жойлашган. Япроғи четида туклар бор. Баргларида (ўрта томирга яқин жойлашган) шиллик модда чиқарувчи безлар, баргнинг ўртасида эса ҳазм килувчи безлар ва сезувчи туклар жойлашган. Ҳашарот унга тегиши билан барг ёпилади ва жониворлар безлар орқали ҳазм қилинади.

**Альканин** - алканна томирида учрайдиган қизил тусли пигмент; алканин номли бўёқ олнади (қ. Алканна).

**Альп ўсимликлари, баланд тоғ ўсимликлари** - баланд тоғнинг юқори қисмида (денгиз сатҳидан 2600-3600 метрдан юқорида) ўсувчи мезофил ўсимликлар.

**Альфа ўсимлиги** (*Stipa teracissima*) - чалов турига мансуб ўсимлик. Тўқимачилик саноатида ва қоғоз тайёрлашда қўлланилади.

**Амарант дарахт** - цезальпиндошларга мансуб дарахт. Жанубий Америкада учрайди. Амарантдан қизғиш-бинафша тусли қимматбаҳо ёғоч олинади.

**Амариллис** (*Amaryllis*) - чучмўмадошларга мансуб пиёз ўсимлик.

**Амбра дарахт** - гамамелисдошлар оиласига мансуб, бўйи 45 метргача етадиган танасининг эни 1,5 метрли ликвидамбар дарахти. Танаси жарохатланса стиракс бальзами оқади, ундан тиббиёт ва зийнатда фойдаланилади.

**Амброзия** (*Ambrosia*) – 1. Қоқиўтдошларга (мураккабгулдошларга) мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. 2. Замбуруғ танаси – мицеллийнинг нозик шохчалари – қ. гифа.

**Американ пахта** - Америка ғўзасининг пахтаси.

**Америка ғўзаси** - қадимдан Америкада экиладиган бошка жойларга Америкадан тарқалган ғўзанинг *G.hirsutum* тури га мансуб навлари.

**Амёбод (ризоподиал) тузилиш** - хужайрасини ўраган мустақкам қобикнинг йўқлиги туфайли амёбага ўхшаб ҳаракатланадиган сувўтларнинг тузилиши. Кўпчилиги бирикиб ҳаёт кечиради. Улар турлича кўринишлардаги, рангдаги уйчаларни қуриши, колониялар ҳосил қилиши мумкин. А.т. тилларанг, сариқ-яшил, динафит сувўтларда учрайди.

**Амёбод тузилишлилардаги бўлиниш** - хужайрада ҳоҳлаган йўналишда содир бўлади. Бунда амёбага чўзилиб ўртада кўндаланг тўсиқ ва ниҳоят тенг икки қисм (бўлак) ҳосил бўлиши рўй беради.

**Амигдалин** (*amygdalinum*) - олча уруғидан, аччиқ бодом ва шу каби ўсимликлардан олинадиган мураккаб органик модда ( $C_{20}H_{27}O_{11}3H_2O$ ).

**Амилаза** (юн. *amylasa*) - крахмал билан гликогенни декстрин ва мальтозага айлантирувчи фермент.

**Амилоид** - ўсимликнинг ўсувчи органларидаги хужайралар қобиғида ва уруғкуртакларда тўпланувчи карбон сувлар.

**Амилопластлар** - ўсимлик хужайраларидаги крахмал ҳосил қилувчи рангсиз пластидлар. Баъзан лейкопластлар деб ҳам айтилади.

**Амилофилл ўсимликлар, крахмалдор ўсимликлар** - фотосинтез жараёнида баргларида крахмал тўпланадиган ўсимликлар. Улар крахмал тўплаши билан сахарофилл ўсимликлардан фарқ килади.

**Амилоид** – қизил сувўтлардаги (*Gelidium Lamour, Laurencia Lamour*) гемицеллюлоза таркибига ўхшаш углевод.

**Амилопласт** – ғамловчи тўқимада бўладиган лейкопластнинг бир тури. *Dasycladaceae* (*Chlorophyta*) тартибининг сувўтларида хлоропластлар билан бирга бўладигани.

**Амири** (*Melo ameri*) - қовуннинг Зарафшон ва Хоразм воҳаларида экиладиган нави. Шакли ингичка ва чўзиқ, пўсти тилим-тилим (ораларида тўқ яшил ёки қорамтир доғлар бор), ранги оч яшил. Учи бир оз оқарган. Эти кўкимтир, бир оз ширин. Таркибида 9,5% гача қанд бор. Уруғи сариқ, чўзиқ ва йирик.

**Аминокислоталар** -  $NH_2$  гуруҳига эга бўлган органик кислоталар, ўсимлик оқсилларининг тузилишидаги асосий элемент. Ҳозирги вақтда оқсилларни гидролиз қилиш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлардан 20 дан ортиқ аминокислота олинган.



**Амитоз, тўғри бўлиниш** (*amitosis*) - ўсимлик хужайраларининг тўғри бўлиниши. Бу жараёнда хужайра мағзи тўғри ёки оддий бўлинади.

**Аммонияк** (юн. *ammoniakon*) - зирадошлар (соябонгулдошлар) оиласининг *Dorema* тури илдизидан олинадиган елимсимон модда.

**Аммонификация** (юн. *aminoniphicatio*) - азотли органик моддаларнинг парчаланиш жараёнларидан бири.

**Амниотсинтез** – 1. Ҳомила суюқлигини генетик жиҳатидан таҳлил қилиб болага ташхис қўйиш. 2. пренатал диагностика мақсадида пуштнинг амнион бўшлиғидан амнион суюқлигини олиш муолажаси.

**Аморфа** (*Amorpha*) - бурчоқдошларга (дуккакдошларга) мансуб бута ва чала буталар туркуми. Барглари тоқ патсимон, гуллари бинафша тусда бўлиб, шингил ёки рўвак тўпгулларга йиғилган. Гултожи битта гулбаргдан иборат.

**Ампелография, токнома** - ботаниканинг токнинг тур ва навларини ўрнадиган бўлими.

**Ампел ўсимликлар** - пояси осилиб ўсувчи ўсимликлар (настурция, аспарагус, традесканция ва бош.).

**Ампел ўсимликлар** – осилиб ўсадиган ёки ўрмаловчи пояли манзарали ўсимликлар.

**Ампеллография** – узум ва узум навлари ҳақидаги ботаниканинг тармоғи.

**Амплекслар** – яшил сувўтларда *Pediastrum* Meyen, *Tetracystis* Brown et Bold, *Chlorella* хужайраларида ядро мембранасининг ташқи ўсимтаси, унда диктиосомалар жойлашади.

**Амплификация (Генлар амплификацияси)** - рРНКни кодлаштирувчи генларнинг кўп нусхаларини ҳосил бўлиши. Қисқа вақт кўп оксил синтезланиши лозим бўлган хужайраларда учрайди. Масалан, ооцитлардаги генлар амплификацияси зиготанинг тез майдаланишини таъминлайди.

**Амур токи** (*Vitis amurensis*) - Узоқ Шарқ ўрмонларида учрайдиган ток. Пояси 25 м гача ўсиб, йўғонлиги 17-20 см га етади. Меваси кичик-кичик шингилларга тўпланган, нордон, бинафша. Совуқда жуда чидамли (-40° гача чидай оладиган) бўлганидан ундан чатиштириш усули билан шимол ва Узоқ Шарқда ўса оладиган ток навларини етиштиришда фойдаланилади.

**Амфи ...** – “ҳар икки томондан”, “атрофида”, “қўша” каби маъноларни англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Амфивазаль боғлам** – қ. концентрик боғлам.

**Амфивизиал ўтказувчи боғлам** – ўтказувчи меристемада флоэмани ксилема ўраган концентрлашган ўтказувчи боғлам.

**Амфивазал найчалар тудаси** - ўсимликлардаги концентрик найчалар тўдаси.

**Амфигастрлар** - баъзи ўсимликлар танасининг, масалан, жигар йўсинлар танасининг остки (тескари) томонида эпидермис хужайраларидан ташкил топган ўсимталар.

**Амфигастрийлар** – поябаргли мохларда уларнинг елка (ёнбош) ва қорин (пастки) томонларида жойлашган барглар.

**Амфигастрия** – мохлар поясининг пастки қисмида япроқларнинг бир қатор жойлашганлиги.

**Амфидиплоид** - ташқи муҳитнинг турли хил омиллари (масалан, ҳароратнинг паст келиши таъсирида магиз (ядро) хромосомаларининг сони икки марта ошадиган дурагай.

**Амфидиплоид ёки аллотетраплоид** - турлараро гибридлаштириш натижасида ҳосил бўлган организм. У хромосомаларнинг 2 тадан диплоид тўпламига эга (ҳар бир ота-онадан 2 n олади). Ўсимликлар селекциясида кўп учрайди.

**Амфидиплоидлар** - икки тур ёки туркумлар хромосомалари йиғиндисининг икки ҳисса ортиши натижасида ҳосил бўладиган аллополиплоид организмлар.

**Амфикарпия** - бир ўсимликнинг ўзида икки типдаги меванинг - аэрокарпия (ер юзасидан юқоридаги шохларда ҳосил бўлувчи мевалар) ва геокарпия (тупроқ орасида етиладиган мевалар) нинг ҳосил бўлиши.

**Амфикарпия** – битта ўсимликда ерусти ва ерости меванинг юзага келиши.

**Амфикрибрал боғлам** – поядаги ўтказувчи боғламда флоэма ксилемани ўраган ҳолати.

**Амфикрибрал найчалар тўдаси** - концентрик найчалар тўдаси.

**Амфимиксис** - эркак ва урғочи гаметаларнинг (етилган жинсий хужайралар) кўшилиши, яъни нормал уруғланиши.

**Амфимиксис** – содда тузилишли ўсимликларда оталик ва оналик гаметаларнинг кўшилиши; гулли ўсимликлардаги кўш уруғланиш жараёни.

**Амфимиксис, оддий кўшилиш** - жинсий жараённинг оддий формаси бўлиб, икки гаметанинг кўшилишидан иборат.

**Амфиспорангиат сорус** – қазилма папоротниклардан Салвиния рейза (*Salvinia reusa*) ўсимлигида кўп миқдордаги микроспорангий, оз миқдордаги мегаспорангийли сорус.

**Амфистоматик япроқ** – ҳар иккала юзасида устицалари бўлган япроқ.

**Амфитеций** – антоцерат мохлар муртагининг ташқи қавати.

**Амфитеций** – мохлардаги куртакнинг ташқи қавати.

**Амфитроп уруғкуртак, эгма уруғкуртак** - тақасимон букилган уруғкуртак.

**Амфитроп уруғмуртак** – узунасига кесмасида тақасимон кўринишли нуцеллусни ўрта қисми эгилган уруғмуртак.

**Амфитроф уруғмуртак** – узунасига кесмасида тақасимон кўринишли нуцеллуснинг ўрта қисми эгилган уруғмуртак.

**Амфифлей сифноостела** – поясида камбий ички ва ташқи томонидан ўралган сифноостела.

**Амфифлой сифноостел** - юксак ривожланган қирққулоқ тоифа ўсимликлардаги сифноостелаларнинг бир тури.

**Амфифлоидлар** – мейоз бўлиниш натижасида ўсимликлар ҳосилдорлигининг пасайиши.

**Амфиценозлар** – фитоценозда ўрмонларга хос турлар (сильвантлар), чўлга хос (степантлар) ва ўтлоқларга хос (протантлар) турлар бўладиган ценозлар.

**Анабазин** - алкалоидларга мансуб органик модда. Баъзи ўсимликларда, масалан, анабазисда (итсегекда), тамакида (никотин таркибида) учрайди. Ундан тиббиётда фойдаланилади.

**Анабазис** (*Anabasis aphylla*) - қ. Итсегек.

**Анабиоз** – ўсимликларнинг совуққа қарши ўзларидаги ҳаётий жараёнларни тўхтатиб ва маҳсулдорлигини камайтириш билан кўрадиган “охирги чораси”.

**Анабиоз** - организмларда маълум бир шароитда ривожланиш жараёнининг вақтинча тўхташи ва яширин ҳаёт кечириши.

**Анаболизм** - организмдаги моддалар алмашинуви реакцияларининг йиғиндиси.

**Анакардошлар, пистадошлар** (*Anacardiaceae*) - писта, тотим каби уруғдош дарахт ва буталардан иборат ўсимликлар оиласи.

**Аналитик селекция** - танлаш учун табиий популяциялардан дастлабки ашё сифатида фойдаланиб, уларни тизмаларга ажратиб ўрганишга асосланган селекция.

**Аналогик органлар, ўхшаш органлар** - чиқиб келиши ҳар хил, функцияси (кўпинча шакли ҳам) бир хил бўлган органлар.

**Аналогия, ўхшаш** (юн. *analogia* - ўхшаши) - ўсимликлардаги ҳар хил органлар ёки шу орган қисмларининг шакли ва функциясига кўра ўхшашлиги. Уларнинг бир хил функцияни бажариши ва қисман ташқи кўриниши шундай ўхшашликни юзага келтиради.

**Анал тешиги** – монад тузилишлиларда қаттиқ озиқ халқумдан кейин тармоқланган ҳазм каналидан ўтиб ҳазм бўлмаганни ташқарига чиқадиган жойи.

**Анаморфоз** - ўсимлик органларининг бирор омил таъсирида ғайри-табиий ўсиши. Гултожикўроз поясининг одатдан ташқари яссиланиб ўсиши анаморфозга мисол бўла олади.

**Ананасдошлар** (*Bromeliaceae*) - кўпчилиги ўт бир уруғ паллали ва кўп йиллик ўсимликлар оиласи.

**Ананас** (*Ananas*) - бромелиядошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми.

**Анастомоз** - найча тўдаларининг бирлашмаси; найчалар ва найча тўдаларининг бир-бирлари билан жипслашиб боғланиши.

**Анастамоз** - 1. Актиномицетларда бир мицелмий иккинчиси билан “Н” симон кўринишни ҳосил қилиши; 2. Замбуруғларда иккита гифанинг ўзаро қўшилиши; 3. Мураккаб тузилишли ўсимлик пояси, япроқларида найсимон қисмларнинг ўзаро бирикиши.

**Анатоксин** – кўк-яшил сувўтларидан *Anabaena* туркумининг вакиллари ажратадиган жуда тез таъсир қилувчи алкалоид.

**Анатроп уруғмуртак** – плацента томонга 180° С га эгилган уруғмуртак.

**Анатроп уруғкуртак, тескари уруғкуртак** - нотекис ўсиш вақтида учи ва учидаги тешикча (уруғ йўли) тескари (остки) томонга айланган уруғкуртак. Бунинг акси атроп (тўғри) уруғкуртакдир.

**Анафаза** - митознинг учинчи босқичи. Бу фаза вақтида хроматидалар бўлинаётган ҳужайранинг қарама-қарши кутбларига қараб тарқалади.

**Анафаза** - анафаза кариокинез ёки митоз (мураккаб) бўлинишнинг учинчи фазасидир. Бунда бўлинган хромосомалар ҳужайраларнинг қарама-қарши кут-бларига жойлашади.

**Анафит, юксак ўсимликлар** - ҳақиқий илдизи, танаси ва барглари бўлган ўсимликлар.

**Анаэробиз** - ҳавосиз муҳитдаги ҳаёт.

**Анаэроблар, анаэробиялар** - эркин ҳолдаги молекуляр кислород йўқ ёки жуда кам жойларда ҳам яшай олиши мумкин бўлган организмлар.

**Ангиоспермалар, ёпиқ уруғлилар** - уруғкуртаклари тугунча ичида яширинган ва уруғлари мева пўсти билан қопланган ўсимликлар.

**Ангишвонагул (*Digitalis purpurea* L.)** – сигирқуйрукдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали бир йиллик ўт.

**Ангишвонагул, ўймоқгул (*Digitalis*)** - сигирқуйрукдошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми. Барглари кетма-кет жойлашган; гуллари бир томонлама ўрнашган шингилсимон тўпгулларга эга. Тожи йирик, қўнғироқсимон бўлиб, бир оз эгилган. Бу тожнинг шакли ўймоққа (ангишвонага) ўхшаганлиги туфайли мазкур ўсимликлар ангишвонагул деб аталади.

**Ангола дарахти, Африка сандал дарахти** - дуккакдошлар (бурчокдошлар) нинг бафия туркумига мансуб дарахт. Ёғочида қизил тусли бўёқ моддалари бор.

**Андиз (*Inula grandis* Schrenk.)** - қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт ва буталардан иборат туркуми.

**Андреев мохлар** - баргли пояли мохларнинг кенжа синфи.

**Андреидлар** - мохлар бўлими бриопсидлар синфининг кенжа синфи.

**Андрогенез (юнон тилида-андрос-эркак дегани)** - тухум ҳужайрасининг ядроси ривожланмай, унинг ўрнини спермийнинг ядроси эгаллайди. Натижада ҳосил бўлган ўсимликда фақат ота ўсимлиги хромосомалар тўплами борлиги туфайли-фақат ота ўсимлиги ирсиятига эга бўлади.

**Андрогинофор** - гул ўрнида гулкўрғон ва андроцей орасида жойлашган чўзиқ, чангчи ва уруғчи жойлашган чиннигулдошлар оиласи ўсимликларида учрайдиган қисми, чангланиш, уруғланиш, тарқалишни осонлаштиради.

**Андрогинофор** - ўсимликлар гулида уруғчи ва чангчиларни тутиб турувчи пояча.

**Андрозооспора** – яшил сувўтларидан *Oedogoniales* тартиби вакилларида ҳосил бўладиган зооспоралар.

**Андромеда (юн. *Andromede*)** - эрикадошларга мансуб паст бўйли бута.

**Андрозооспора** – 1. Яшил сувўтларини *Oedogoniales* ва айрим *Bryopsidales* тартибларига мансуб сувўтлар танасининг олдинги қисмида тожсимон жойлашган кўп хивчинли ҳужайра (зооспора). 2. Айрим сувўтларнинг эркак органида ҳосил бўлувчи споралар.

**Андрофор** – уруғчили (эркак) гулларда чангчиларни косача билан тождан айириб, кўтариб турадиган тутқич.

**Андроцей, чангчилар (*androceum*)** - гулдаги чангчилар йиғиндиси.

**Аневрин, витамин В** - бугдой, сули, арпа ва сабзавот ўсимликлари таркибида учрайдиган, киши нерв (асаб) системасининг нормал фаолияти учун зарур бўлган органик модда.

**Аневрофитопсидлар** – қирққулоқлар (папоротниклар) бўлимининг синфининг номи.

**Анемия (ўроқсимон хужайрали)** - гемоглобин молекуласидаги глутамин кислотасини кодлаштирувчи триплетнинг мутацияланиши натижасида келиб чиқадиган ген касаллиги. Бунинг натижасида б - ўринда валин аминокислотаси жойлашиб Нб<sub>а</sub> ўрнига Нб<sub>с</sub> ҳосил бўлади. Нб<sub>с</sub> полимерлашиб, эритроцитларнинг ўроқсимон шаклга киришига сабаб бўлади. Нб<sub>с</sub> Нб<sub>с</sub> гомозиготалар болаликда камқонликдан нобуд бўлади, гетерозиготаларда (Нб<sub>а</sub> Нб<sub>с</sub>) камқонлик фақат кислород миқдори кам шароитлардагина (масалан баланд тоғларда) намоён бўлади. Бу аллелларнинг ўзаро таъсири чала доминантлик типиде амалга ошади. Гетерозиготалар қониде тахминан 60% Нб<sub>а</sub> 40% Нб<sub>с</sub> аниқланади. Касаллик кўпроқ безгак кенг тарқалган жойларда учрайди, чунки гетерозиготалар гомозиготаларга қараганда афзалликка эга бўлади. (Нб<sub>а</sub> Нб<sub>с</sub> - ли шахслар безгакдан ўладилар). Валин безгак плазмодиясининг эритроцитда кўпайишига зарарли таъсир қилади деб тахмин қилинади. Ўзбекистонда ўроқсимон камқонликнинг частотаси қариндошлар орасидаги никоҳлар частотасига боғлиқ. Агар қариндошлар генотипи Нб<sub>а</sub> Нб<sub>с</sub> бўлса болаларнинг 25% Нб, С Нб<sub>с</sub> генотипи билан туғилиши мумкин.

**Анемоавтогамия** – шамол таъсирида уруғчи тумшукчаси билан чангдоннинг ўзаро тегиши туфайли гулни ўзидан чангганиши.

**Анемобластлар** – диаспоралар, асосан уруғларнинг шамол таъсирида сочилиб тарқалиши.

**Анемофил ўсимликлар** – чангганиши шамол (ҳаво оқими) таъсирида рўй берадиган ўсимликлар. Гулли ўсимликларнинг 10% га яқинида гулларнинг чангганиши шу тарзда рўй беради.

**Анемофилия** - шамол ёрдамида чангланувчи гулли ўсимликлар чангганиши.

**Анемохория** (юн. *anemochoria*) - мева, уруғ ва спораларнинг шамол ёрдамида тарқалиши. Шу йул билан тарқалувчи уруғ, спора ва мевалар. одатда, шамолда тарқалишга мослашган «қанот», «попук» каби органларга эга бўлади.

**Анемохор ўсимликлар** – уруғ ва мевалари шамол (ҳаво оқими) таъсирида тарқалиши рўй берадиган ўсимликлар.

**Аненсефалия** - бош миянинг тўлиқ ёки қисман бўлмаслиги.

**Анеуплоид** - митоз ёки мейоз бўлинишида хромосомаларни қиз хужайраларга нотўғри тақсимланиши натижасида сонининг камайиши (2 n-1) ёки кўпайиши (2 n+1).

**Анеуплоидия** – гаплоид хужайрага нисбатан карра ҳолда хромосомалар тўпламини тутмаган, хромосомаларнинг миқдори ўзгарган хужайра. *Моносомия* хромосомалар тўпламида битта хроматиднинг диплоид бўлмаган ҳолати. *Нуллисомия* хромосомалар тўпламида иккита гомологик хромосома ҳолати. *Трисомия* хромосомалар тўпламида кўшимча гомологик хромосомаларнинг бўлиши.

**Анеуплоидия (гетероплоидия)** - хужайраларда хромосомаларнинг баланслашмаган (мувозанатлашмаган) тўпламининг мавжудлиги. Полиплоидия (ёки гаплоидия) дан ўлароқ бунда айрим хромосомалар сони ўзгаради:  $2n - 1 =$  моносомия,  $2n + 1 =$  трисомия,  $2n + 2 =$  тетрасомия. Унинг сабаби - хужайралар бўли- нишида хромосомалар ажралмай қолишидир. Одамда анеуплоидия хромосома касалликларига ёки ёмон сифатли ўсмага сабаб бўлади.

**Анеуплоидлар** - бир ёки бир нечта гомологик хромосомалари камайган ёки кўпайган организмлар.

**Анжир** (*Ficus carica*) - тутдошларнинг фикус туркумига мансуб субтропик дарахт ёки йирик бута. Яшил тусли тукдор ёки силлиқ новдаларида сут шираси бор. Бу шира таркибида 12% ва ундан ҳам кўпроқ каучук бўлади. Барглари оддий қатор тартибли ва тўқ яшил, тушувчан, ости сертукли, 3-7 бўлакчали ёки айрим ҳолларда текис қирғоқли.

**Анжабор** (*Geranium collinum* Steph.) – ёронгулдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган доривор, таннидли кўп йиллик ўт.

**Аниар** – сутли ширасининг таъсири ўлимга сабаб бўладиган тутдошлар оиласига мансуб *Antiaris toksikari* дарахт.

**Анизогамия** – ўзаро қўшиладиган хужайралар ўлчамларига кўра бир хил бўлиб, улардан биттаси (эркак) ҳаракатланмайдиган урғочидан ҳаракатчанлиги билан фарқланади; яшил сувўтларидан *Caulerpa* туркумига мансубларидаги жинсий жараён. Қ. гетерогамия.

**Анизотомия** – поянинг айрисимон шохланишда ҳар икки томони ўзаро тенг узунликда бўлмагани; дихотомик ва ёнбош шохланишларнинг ўтиш типи.

**Анизотропия** – атроф-муҳитнинг таъсири бир хил бўлганда иккита ўсимлик қисмларининг турлича ҳолатда бўлиши.

**Анизотропия** - ўсимлик органларининг ташқи муҳитдан турлича таъсирланиши.

**Анизофиллия, тенгсиз барг** - плагиотроп (горизонтал) шохларда баргларнинг турли катта-кичикликда бўлиши.

**Анизофил барглар** - ҳалтасимон бўртмали, одатда унда чумолилар бўладиган барглар.

**Анизофилия** - новданинг бир бўғинида жойлашган баргларнинг турлича шаклда ва катталикларида бўлиши.

**Анизоцит устица** - очилиб ёпилувчи хужайралар учта қўшимча хужайралар билан ўралган, улардан биттаси иккитасига нисбатан каттароқ бўлган устица. Фақат гулли ўсимликларда бўлади.

**Анималофилия** - гул чанги донасининг уруғчи тумшукчасига кўршапалаклар, олмахонлар орқали ўтиши.

**Аниқлагич** - ўсимликларни аниқлаш учун тузилган жадвал.

**Аннулюс, спорангий ҳалқаси** - қирқкулоқ спорангийсннинг ҳалқачалари.

**Аномалия, ғайри, ўзгача** (юн. *anomalía-нотекислик*) - умумий қонуниятдан четга чиқиш.

**Аномацит оғизча** - очилиб ёпиладиган хужайралари уни ўраганларидан фарқланмайдиган, эпидерманинг бошқа хужайраларидан фарқланмайдиган

устьица. Аномацит устыца қирқбўғимлардан ташқари барча ўсимликларда учрайди.

**Анона** (*Anona*) - анонадошларга мансуб ноксимон мевали дарахт.

**Анор** (*Punica granatum*) - анордошларга мансуб бута ёки кичикроқ дарахт.

**Анонадошлар** (*Anonaceae*) - магнолиядошларга яқин дарахт ўсимликлар. Барги оддий (ичида безчалар бор), ёнбаргчасиз. Гул ва меваларининг тузилиши билан магнолиялардан фарқ, қилади.

**Анордошлар** (*Punicaceae*) - миртанамолар қабиласига мансуб оила. Бу оилага кирувчи ўсимликларда эфир мойли безлар йўқ. Бу оиланинг фақат анор номли бир туркуми бор.

**Анофтальмия** - битта ёки иккала кўз соққаси йўқлиги.

**Антагонизм, зиддият** - муайян бир турдаги микроорганизмларнинг бошқа турдаги микроорганизмлар ҳаётига салбий таъсир қила олиши ва уларни тараққий эттирмаслик хусусияти.

**Антапекс** – динофит сувўтларда гиповальванинг пастки қисми.

**Антарктис** (лат. *Antarktis*) - антарктика флористик ўлкаси.

**Антеннария** (*Antennaria*) - мураккабгулдошлар (қоқиўтдошлар) оиласига мансуб ўсимликлар туркуми.

**Антеридий** – мохлар, папоротниклар, қирқбўғинлар, плаунлар, айрим сувўтлар ва замбуруғларнинг эркак жинсий қисми.

**Антеридиал хужайра** - эркаклик жинсий орган вазифасини бажарувчи хужайра, баъзи тубан (содда) ўсимликларда бўлади.

**Антеридий, антерид** (*antheridium*) - мох, қирқбўғим ва қирққулоқ сингари спорали ўсимликлар, баъзи сувўтлар ва замбуруғларнинг эркаклик жинсий органи.

**Антерид поячаси** - эркак жигармохлардаги антеридлар ўрнашган дискнинг поячаси, тутқичи.

**Антеридиофор** – папоротниклардан схизеядошлар оиласи ўсимликларининг гаметофитидаги субстрат бўйлаб кетган, узунлиги 5 см келадиган ўсимта.

**Антеридиофора** – папоротникларда антеридийлар ҳосил қилинадиган тўплам.

**Антерозоид** – хара сувўтларининг шарсимон, диаметри 0,5 мм келадиган антеридийсида юзага келадиган эркак жинсий хужайралар.

**Антерозоидлар** - Спорали ҳамда баъзи бир яланғоч уруғли ўсимликларнинг эркак хужайралари.

**Антибиоз** – организмлар ажратадиган моддалар орқали ўзаро таъсирланиши.

**Антибиотиклар** - замбуруғ ва бактерия каби микроорганизмларнинг ва баъзи юксак ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган кимёвий моддалар.

**Антивитаминлар** - витаминлар таъсирини кучсизлантирувчи ёки уларни бузувчи моддалар.

**Антиген** – 1. Организмга ёт (организм учун кераксиз) оксиллар, бактериялар, уларнинг захарлари, ферментлар ва ҳоказо) моддалар. Улар

организмга киритилганда антителалар ҳосил бўлади. 2. Айни организм учун генетик жиҳатдан ёт бўлган модда. Кимёвий табиатига нисбатан улар оксил, гликопротеид ёки полисахарид бўлиши мумкин. Вируслар, микроорганизмлар ҳатто организмнинг ўз хужайралари ҳам антиген бўлиши мумкин. Ўз хужайралари антиген бўлиб қолса аутоиммун касаллик келиб чиқади. 3. Организм учун генетик жиҳатдан ёт бўлган модда.

**Антиклинал** – юзага тикка маъносини англатади.

**Антиклин бўлиниш** - ўсиш нуқтасида меристема ҳосил қилувчи бошланғич тўқима хужайраларининг бўлиниш турларидан бири.

**Антикодон** - тРНК даги учта нуклеотиди бўлиб, улар оксил биосинтезида и РНК учта нуклеотиди (кодон) комплементарлик асосида ўзаро жуфтлашадиган қисм.

**Антикодон** - тРНКнинг ўрта қисмидаги 3 та нуклеотид қисм (триплет) бўлиб, иРНКнинг кодониغا мос келади. Кодон ва антикодон комплементар бўлса тРНК олиб келган аминокислота рибосоманинг катта бирлигида қолдиради ва синтезланаётган занжирига уланади.

**Антимутагенлар** – мутациялар рўй беришининг тезлигини пасайтирадиган омиллар.

**Антипод** – ёпиқ уруғли ўсимликларнинг вояга етган муртак ҳолдагисини халазал қисмидаги учта ёки ундан кўпроқ миқдордаги хужайралар.

**Антиподлар, антипод хужайралар** - уруғли ўсимликларнинг муртак ҳалтасидаги жинсий аппаратнинг қарама-қарши томонида жойлашган хужайралар.

**Антиподиал гаусторий** – уруғмуртакнинг қуйи қисмида ҳосил бўладиган гаусторийга ўхшаш ҳосила.

**Антипод хужайралар** - муртак ҳалтачасида уруғчи ва синергидларнинг қарама - қарши томонида жойлашган гаплоид бўлган хужайралар.

**Антитеза** - бир-бирига зид фикрларни ўзаро қарама-қарши қўйиш. Ботаникада бу термин ўсимликлар аниқлагичида қўлланилади.

**Антитела, аксилтана** - инфекция натижасида ҳосил бўладиган зарарли моддаларга қарши организмни мудофаа этиш учун организм хужайралари томонидан пайдо қилинган оксилсимон модда.

**Антитранспиратлар** – ўсимликлардаги сув буғланиши – транспирация жараёнини пасайтирадиган моддалар, шундай хусусиятга  $Al_2(SO_4)_3$  эга.

**Антиферментлар** - баъзи организмлар ишлаб чиқарадиган ва турли ферментларнинг таъсирини тўхтата оладиган моддалар.

**Антифидантлар** – ўсимликларни ҳайвонлар еб кетишидан сақловчи моддалар.

**Антобий** – гул юзасидаги ценопопуляция.

**Антодий** – битта катта гулга ўхшаган тўпгул, масалан, мураккабгулдошлар оиласига мансуб ўсимликлардаги саватча, сутламадошлардаги циаций.

**Антодий, тўпгул** (*лот. anthodium*) - гуллар тўплами.

**Антоновка** - Белоруссия ва Болтиқ бўйи республикаларида ўсувчи олманинг кишки нави.

**Антофеин** - ўсимликнинг хужайра ширасида бўладиган тўқ кўнғир пигмент.



**Антофен** – айрим ўсимликлар масалан, зарнабдошлар (орхидея) хужайрасининг ширасида бўладиган тўқ кўнғир тусли пигмент.

**Антохлор** - айрим ўсимликларнинг хужайра ширасидаги сариқ бўёқ модда. Кўпинча ўсимликнинг гулбаргларида, баъзан мева ва баргларида учрайди.

**Антоцерат мохлар** – мохлар бўлимига оид аждоднинг (синфнинг) номи.

**Антоцеротопсидлар** – мохлар бўлимига оид аждоднинг (синфнинг) номи.

**Антоциан** – айрим ўсимликларнинг хужайра ширасидаги кўк, қизил, сафсар тус берадиган пигментлар гуруҳи.

**Антоциан** (*anthocyanum*) - қизил, яшил ёки бинафша тусли моддалар гуруҳи.

**Антракноз** - зиғир, ток, қарағай, дуккаклилар, қовоқ каби ўсимликларга паразит замбуруғлар юқтирадиган касаллик.

**Антрахинин** - антраценанинг оксидланишидан ҳосил бўладиган кимёвий бирикма.

**Антропо ...** – одамга алоқадорликни билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Антропоген омил** – инсон фаолияти даврида уни ўсимликларнинг фаолиятини барча даврлардаги ҳолатига бевосита ва билвосита ҳолатдаги таъсирларининг мажмуи.

**Антропогенетика** - одам генетикаси.

**Антропофит** – одамларга йўлдош эрма ва ёввойи ўсимлик.

**Антропохория** – 1. Ўсимликлар, уларнинг уруғлари ва меваларининг кишилар томонидан онгли ва онгсиз ҳолда тарқатилиши. 2. Ўсимлик мевалари ёки уруғларининг одам воситасида тарқалиши.

**Антуриум** (*Anthurium*) - кучаладошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми. Тўпгули ёрқин тусли баргларга ўралган сўтадан иборат.

**Антэкология** – гулни четдан чангланишини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Анчар, заққум** (*Antiaris toxicaria*) - тутдошларга мансуб дарахт. Сутсимон ширасида захарли антиарин глюкозиди бор. Қадимда бу шира ёй ўқини захарлаш учун ишлатилган.

**Апекс** – 1. Бирламчи меристемадан иборат поя ва илдиз учидаги қисм; 2. Пирофит сувўтларнинг хужайра пўсти эпивальва томонидаги битта ўсимтали томон (қисм).

**Апельсин, пўртахол** (*Citrus sinensis*) - рутадошларнинг цитруслар туркумига мансуб доим яшил дарахт ёки буталар.

**Апертура** – спорадаги иккита томони очиқ тешик; чанг донасининг қалин интина қаватидаги чанг найи ўтадиган тешик.

**Апетал гул** – тожбарги йўқ гул.

**Апикал** – учки, охири; новданинг учи, унинг охири.

**Апикал меристема** – поя ва илдиздаги вегетатив ёки генератив қисмларни юзага келтирадиган тўқима.

**Апикал томинирлаш** – новданинг учи ёки илдизнинг учи таъсирида ёнбош куртак ёки ён илдизларнинг ўсишини тўхташи.

**Апикал ўсиш** – ўсимлик поясининг учи, илдизнинг учи билан ўсиши.

**Апикал ўсиш, учки ўсиш** - ўсимлик органларининг юқорига қараб ўсиши. Унинг акси базипетал ўсишдир.

**Апикал хужайра** – поя ёки илдиз апикал меристемасидаги дистал ҳолатда турган хужайра; апикал меристемадаги инициал хужайра.

**Апланоспора** – яшил сувўтлардан хлорококклар (*Chlorococcales*) вакиллари ва сариқ-яшил (*Xantophyta*) сувўтларида она хужайра ичидаёқ пўст билан ўралган хужайра.

**Апланогаметалар** - қилчалари бўлмаган ва актив ҳаракат қила олмайдиган гаметалар.

**Апланоспоралар, ҳаракатсиз споралар** - кўпчилик яшил сувўтлар, қирқбўғим, замбуруғ ва йўсинларнинг ҳаракатсиз споралари.

**Аплогамета** - яшил сувўтлардан маташувчиларда (*Conjugatopsida*) жинсий хужайра вазифасини бажарадиган хивчинсиз гамета.

**Апо ...** - “йўқотиш”, “инкор этиш”, “тушиб кетиш”, “йўқлик” каби маъноларни англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Апогаметия** - муртакни уруғланмасдан редукциялашган хромосомали синергид ва антиподлардан ривожланиши; ўсимликлардаги апомиксиснинг бир тури.

**Апогамия** – 1. Папоротникларда спорофитнинг зиготадан эмас гаметофитнинг соматик хужайраларидан ҳосил бўлиши. 2. Айрим юксак ўсимликларнинг урчиш усулларида бири. Апогамия жуда кам ҳолларда баъзи гулли ўсимликларда ва қирққулоқлардагина учрайди.

**Апокарп мева, парча мева, мураккаб мева, туташмаган мева** (*fructus arosarpus*) - баъзи ўсимликларнинг гул тугунчасидан ривожланиб ҳосил бўлган ва бир-бири билан туташмаган бир неча уруғчи барглardan ташкил топган, бўлакланган меваси. Айиқтовондошлар, магнолиядошларнинг меваси худди шундайдир. Апокарп меванинг акси ценокарп ва синкарп мевалардир.

**Апокарп гинееи, апокарп уруғчи, парча уруғчи** (*лот. ginooesum arosarpum*) - баъзи ўсимликларда (масалан, айиқтовонларда) бир гулдаги уруғчи барглар (мевабарглар)нинг ўзаро туташмай ривожланишидан юзага келган уруғчилар.

**Апокарп мева** - гулда алоҳида оналикдан юзага келадиган мева.

**Апокрин секреция** - цитоплазманинг бир қисми билан биргаликда, масалан тузли тукларнинг каллак қисми билан айрим галофитлардаги ажралиш.

**Аполяр спора** - юзасининг тузилиши турлича бўлган спора.

**Апомиксис** – 1. Организмларнинг жинсий жараён рўй бермасдан кўпайиши; муртакнинг уруғланмасдан ривожланиши. 2. Уруғланмасдан (оталанмасдан) кўпайиш. Бунда жинсий ва жинссиз наслларнинг морфологик хусусияти сақланади. 3. Эркак ва урғочи жинсий хужайралар кўшилмасидан яъни, уруғланмасдан бўладиган кўпайиш.

**Апопластия** - айрим яшил сувўтларда пластидларнинг йўқолиши.

**Апробация қилиш** - ўсимликларнинг генетик (нав) жиҳатидан қанчалик тоза эканлигини, касалликларга, зараркунандаларга чидамлилиги ва экишга мўлжалланган уруғликнинг умумий ҳолатини аниқлаш мақсадида далада ўтказиладиган тадқиқот.

**Апорогамия** - гул чанг найининг уруғмуртакка микропилесиз кириши.

**Апоспорий** – папоротникларда гаметофитни спорадан эмас вегетатив хужайрадан ёки спорофит хужайраларидан ҳосил бўлиши.

**Апоспермия, вегетатив апомиксис** - баъзан ўсимликларнинг жинсий урчиш органлари ўрнида вегетатив органлар, ёш куртак ёки ёш авлод ўсимликнинг ҳосил бўлиши.

**Апоспория** – 1. Папоротникларда гаметофитни спорофитнинг вегетатив хужайралардан ҳосил бўлиши; 2. Айрим плаунларда япроқнинг асосида спорангий ҳосил бўладиган жойда ёш ўсимликнинг пайдо бўлиши; 3. Ўсимликларнинг ривожланишида спора ҳосил қилишнинг йўқолиши. 4. Жинсий насл (гаметофит) нинг одатдагидек спорадан униб чиқмай, спорофитнинг бирор вегетатив хужайрасидан юзага келиши. Апоспория апомиксис (қ.) нинг бир тури бўлиб, апогамия (қ.) билан узвий боғлиқдир.

**Апострафа** – япроқнинг мезофилл хужайраларида хлоропластларни одатда кечаси рўй берадиган маълум даражада бетартиб жойланиши.

**Апотеций** - замбуруғлар ва лишайникларнинг спора ҳосил қилувчи очик органлари.

**Апотрахеал ёғоч паренхимаси** - ёғочдаги найчаларга ёки шу найчаларнинг жойлашиш тартибига боғлиқ бўлмай яшовчи паренхима.

**Апофиз** (юн. *apophysis* - ўсимта) - баъзи яшил йўсинлар кўсаги тубидаги турли ўсимталар.

**Апофит** - ўсимликни табиий ҳолда ўсадиган жойидан, кишиларнинг фаолияти таъсирида ўзгарган муҳит шароитида ўсиши.

**Апохлороз** – яшил сувўтларнинг айримларида фотосинтезловчи аппарати нинг йўқолиши.

**Аппозиция** - организм тўқималарининг ўсиш усулларида бири.

**Аппрессор** (лот. *appressum*) - замбуруғлар ипларидаги махсус сўрғич.

**Апрессорий** – лишайник танасидаги замбуруғнинг сувўт хужайрасини зич ўраб олган қисми.

**Апробация** - ўсимликни майдоннинг ўзида кўриб чиқиб, унинг ҳосилдорлик ва нав хусусиятларини аниқлаш; уруғлик донлар сифатининг махсус ташкилот ва мутахассислар томонидан текширилиши ва аниқ-ланиши.

**Арабис** (лот. *Arabis*) - раъногулдошларга (крестгулдошларга) мансуб ўт ўсимликлар туркуми.

**Аравакаш** - қовуннинг эрта пишар навларидан бири. Тухумсимон чўзиқ (40-50 см), йирик (10-17 кг), пўсти хира сариқ ёки кўкиш-сарик, сертўр. Эти оқ. Таркибида 10% гача қанд бор.

“**Арак**” - форс сальвадори дарахтининг арабча номи, ундан тиш тозалагич “мисвак” тайёрланади.

**Аралаш соруслар** – папоротникларда спорангийларнинг ривожланиш даврида бардавомликни аниқ бўлмаганлигидан юзага келадиган соруслар.

**Аралиялар** (*Araliales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Аралийдошлар** (*Araliaceae*) - икки уруғ паллали ва ёпиқ уруғли ўсимликлар оиласи. Соябонгулдошларга анча яқин бўлган бу ўсимликлар кичик-

кичик дарахтлар, баъзан бута ва ўтлар шаклида ўсади. Гуллари актиноморф. Соябон, бошча ёки бошоқларга тўпланган.

**Араукария** (*Araucaria*) - баланд бўйли доим яшил ва очик уруғли дарахтларнинг бир туркуми. Новдалари доира шаклида ғуж бўлиб ўсади. Ҳосили ўртача катталиқдаги хандалакдек куббалардан иборат.

**Араукариялар** - очик уруғли ўсимликлар бўлими, нинабарглилар синфининг тартиби.

**Арахис, ерёнғоқ** (*Arachis*) - бурчоқдошларга (дуккакдошларга) мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Арахнодактилия** - одатдан ташқари узун ва ингичка бармоқлар.

**Арбускула** – зигомицет замбуруғларнинг микориза ҳосил қилганларида мицеллийнинг илдиз ичига киришидаги дарахт ҳосила.

**Арбут** (*Arbutus*) - эрикадошларга мансуб доим яшил дарахт ёки буталар туркуми. Барглари оддий, қалин, гуллари оқ, меваси жийдасимон.

**Ареал** (*лот. area - майдон*) – 1. Ўсимликнинг бирор тури, туркуми ёки оиласи тарқалган жой, майдон. Ареал катта ёки кичик бўлиши мумкин. Туркум ёки тур тарқалган ареалга нисбатан оила тарқалган ареал кенгрок майдонни эгаллайди. 2. Қуйқасимон тузилган лишайник танасида майда ёриқлар билан ажралган кичик қисм, жой, майдон. 3. Япроқ мезофилидаги томирланишлар билан тўсилган кичик қисм. 4. Фақат кактусларга хос тиканлар, туклар, гул ён новда-болачалари жойлашган кичкина жой.

**Ареаллашган таллом** – калта ёриқлар билан кичик бўлакчаларга бўлинган қуйқасимон лишайникнинг талломи.

**Арека пальмаси** (*Areca*) - Ҳиндистон, Малакка ва Янги Гвинеяда тарқалган пальмалар туркуми. Барглари патсимон, 40 га яқин тури бор. Шулардан ареколин алкалоиди бўлган арека катеху номли турининг уруғи медицинада ишлатилади.

**Аренга** (*Arenga*) - пальмадошлар оиласига мансуб баланд бўйли дарахтлар туркуми.

**Ареола** - диатом сувўтларнинг шаффоф, қаттиқ ҳужайра пўсти – совутидаги ташқи муҳит билан алоқани таъминлайдиган майда тирқишлар.

**Ареогенез** - ўсимлик тарқалишида унинг ареалини шаклланиш жараёни.

**Ареология** - қ. хорология.

**Арид иқлим** - ёғингарчилик миқдори буғланаётганидан кам бўлган ҳудудлар иқлими.

**Арид ўсимликлари** - ўсиш даврининг кўп вақтида намлик етишмаслигини сезадиган ўсимликлар.

**Ариллоид** - шакли ўзгарган уруғ пўсти.

**Ариллус** - уруғ ёки уруғбанди бироз қошлаб турадиган этдор ҳосила.

**Ариллюс** (*лот. arillus*) - баъзи ўсимликларнинг. уруғларини ёки мевасининг остки қисмини ўраб турган филофсимон ўсимта.

**Аристида** - қ. Селин.

**Аристократ ўсимликлар** - орхиддошлар (салабдошлар) оиласига мансуб одамнинг руҳиятини кўтарадиган, қуш-орхидея, капалак-орхидея, гном-орхидея, калтакесак-орхидея, бақа-орхидея, медуза-орхидея, оққуш-орхидея,

нозик ҳидли-орхидея кабилари мавжудлигидан ботаник олимлар хурматлаб шундай аташади.

**Аристолохия** - қ. Кирказон.

**Аристолохия** (*Aristolochia*) - аристолохдошларга мансуб захарли ўтлар туркуми.

**Аристолохдошлар** (*Arisstolochiaceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб ўт, бута ва лиана (тропик печак) холида ўсадиган ўсимликлар оиласи. Гуллари икки жинсли, туташтожли, гулбарглари ва чангчилари одатда икки қатор (хар қаторда учтадан) жойлашган. Тугунчаси остки, олти уруғчибаргдан тузилган. Меваси - олти чаноқли кўсакча.

**Арматура** - ўсимликларга бошқа тўқималар билан ҳамкорликда мустаҳкамлик берадиган колленхима ва склеренхимадан иборат тўқима.

**Арматура** (*armatura*) - ўсимлик организмидаги механик тўқималар мажмуи.

**Арника** (*Arnica*) - мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми.

**Арпабодён** (*Anisum*) – 1. Соябонгулдошларга мансуб бир йиллик ўт ўсимликлар туркуми. 2. Олманинг кеч пишар (кузги) нави.

**Арпабош, қилтириксиз бромус** (*лот. Bromus inermis*) - буғдойдошларга (ғалладошларга) мансуб кўп йиллик ўсимликлар тури. Баргли поясининг бўйи 50-90 м га етиши мумкин.

**Арпахон** (*Eremopyrum buonapartis* (Spreng. Nevsk.) - буғдойдошларга (ғалладошларга) оиласига мансуб чўл адирда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Аррорўт** (*англ. arrowroot*) - баъзи ўсимликларнинг (асосан, тропик минтақаларда ўсувчи ўсимликларнинг) илдизпоя, тугунак ва меваларидан олинадиган крахмалдор ун.

**Арслонқулоқ** (*Leonurus turkestanica* V. Krecz.) - ялпиздошлар (лабгулдошлар) оиласига мансуб, тоғда ўсадиган эфир мойли кўп йиллик ўт.

**Артефакт** (*лот. arte-суъний, factus таъсир*) - организмга хос бўлмаган жараённинг юзага келиши. Масалан микроскопик препаратлар таъсирида оксилларнинг ўзгариши.

**Артишок** - қоқиўтдошларга (мураккабгулдошларга) мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари патсимон бўлинган, гуллари 8-12 см диаметрли саватчаларга жойлашган.

**Артростела** – бўғимли тузилишли марказий бўшлиқли ва протоксилема лакунали (каринал каналли) стела.

**Арундо** (*Arundo donax*) - камишлар тоифасига мансуб буғдойгулли (ғаллагулли) ўсимлик.

**Арх** – , **Архео** – “бирламчи”, “биринчи”, “асосий” маъноларини билдирадиган мураккаб сўзларнинг бир қисми.

**Архарбуюрғун** (*Arthrphytum lehmanniana* Vge.) - шўрадошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Архаршаир** (*Schrenkia galickeana* (Rgl. et Scmalh.) B. Fedtsch.) – зирадошлар (соябонгулдошлар) оиласига мансуб тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Архарўти** (*Angelica ternate* Rgl. et Schmalh.) – қоқиўтдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган эфир мойли кўп йиллик ўт.

**Архегон** - мохлар, қирққулоқлар ва яланғоч уруғли ўсимликларнинг кол-басимон урғочи жинсий органи.

**Архегоний** - мохлар, плаунлар, папоротниклар, очиқ уруғли ўсимликлардаги урғочилик жинсий қисм.

**Архегонли ўсимликлар** - архегонийли ўсимликлар; бир нечта мустақил типларга бўлинади (мохлар ёки йўсинлар, қирққулоқлар ва очиқ уруғлилар).

**Архегонийли ўсимликлар** - архегоний кўринишдаги урғочи жинсий аъзоли ўсимликлар.

**Архегониофор** – папоротниклардан асплениядошлар (*Aspleniaceae*) оиласига оид ўсимликларининг ипсимон гаметофитидаги архегоний ҳосил қиладиган шарсимон ҳосила.

**Архегониофоралар** – папоротникларда архегонийлар ҳосил бўладиган кучли тармоқланган боғламлардаги тўплам.

**Археоспора** - гулли ўсимликларда чанг доначалари ва тухум хужайрани ҳосил қилувчи дастлабки хужайра қатлами бўлиб, улардан чанг доначалари ёки муртак халтасини ҳосил қиладиган она хужайралар ривожланади.

**Археспора** - ёпиқ уруғли, очиқ уруғли ўсимликларнинг чангдон ва уруғкуртакларида, мох ҳамда қирққулоқларнинг спорангийларида доим шаклланиб турувчи тўқималар.

**Археоптеридопсидлар** – папоротниклар бўлимининг синфи.

**Археофитлар** – археология қазилмаларида топилган ўсимликлар.

**Археспорий** – мохлар, плаунлар, папоротникларнинг ёш спорангийси ҳамда уруғли ўсимликларнинг микроспорангийларида спора ҳосил бўладиган тўқима.

**Архикарп** – лишайниклардаги урғочилик жинсий қисм; кўпчилик аскомицет замбуруғларнинг урғочилик кўпайиш қисми.

**Архикарп** - халтачали замбуруғларнинг икки (остки ва устки) хужайрадан иборат урғочи жинсий органи.

**Архимецетлар** - мицелийси (замбуруғ танаси) бўлмаган ёки жуда суст таракқий қилган тубан замбуруғлар.

**Архитектоника** – ўсимликларда ёруғликнинг тушишига кўра уларнинг мослашувларидаги ўзгаришлар.

**Арча** (*Juniperus*) - арчадошларга (сарвдошларга) мансуб ўсимликлар туркуми; бир уйли ёки икки уйли доим яшил бута ва дарахтлар. Барглари игнабаргли ёки ёши катта индивидлар, қипиксимон. Эркак куббалари (эркак «тўпгули») сарғиш бўлиб, 3-6 чангдонли қипиксимон чангчилардан ташкил топади. Урғочи куббалари эса яшил туслидир. Бу куббалар қарама-қарши жойлашган ёки уруғчи барглар билан олдинма-кейин келган қипиксимон уруғчибарглардан ва уруғкуртаклардан иборат. Куббаси юмалоқроқ, (4-5 миллиметрдан 20-25 миллиметргача). Унинг ичида 1-10 донагача уруғ бор. Бу

кубба биринчи йили яшил бўлиб, иккинчи йили сарғаяди ва уруғлари етилади. Арчанинг 70 га яқин тури мавжуд. Кўпчилиги ўрта минтақаларда тарқалган.

**Арқоний** (*Melo zard*) - қора қовунларнинг кеч пишар навларидан. Шакли чўзиқ, оғирлиги 5-7 кг. Пўсти бир оз буришган, банд томони сертўр, учроғи эса камтўр. Эти таркибида 9,1% гача қанд бор. Уруғи йирик, бир оз эгилган, оч сариқ.

**Арғувон** (*Cetcius siliquastrum* L.) – бурчокдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали бута ёки дарахт.

**Асалдор ўсимликлар** (*nectarifer - асалдор*) - нектар ишлаб чиқарувчи гулли ўсимликлар. Улар ишлаб чиқарган нектарлар асаларилар томонидан йиғиб олиниб, асалга айлантирилади.

**Асалдор ўсимликлар** (*plantae melliferae*) - ёпиқ уруғли ўсимликларнинг гулларида нектар (шира) бўлган катта бир гуруҳи.

**Асалли ўсимликлар** – гулида нектар бўлган ўсимликлар.

**Асарун** (*Valeriana ficariifolia* Boiss.) – валерианадошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Асати** - сариқ қовун навларидан бири. Тухумсимон, сирти оқиш-сариқ, майда ва бир оз тўрланган. Асад ойида пишганлиги учун асати деб ном олган. Эти оқиш, таркибида 10% гача қанд бор.

**Асимметрик гул, мутлоқ қийшиқ гул** - тенг бўлақларга бўлинмайдиган гул.

**Асимметрия** (юн. *asymmetria*) - симметриясизлик (қ. Симметрия).

**Аск, халтача** (*asco*) - халтачали замбуруғларнинг спора ҳосил қилувчи органи.

**Аскоген гифлар** - спорага айланмай туриб, тезда ўса бошловчи зиготадан ўсиб чиққан ўсимта иплар.

**Аскогон** - халтачали замбуруғлар урғочи жинсий органининг қуйи томонида жойлашган тугунаксимон қисм.

**Аскоген** – халтачали замбуруғлардаги урғочи жинсий орган – архи-карпдаги тухум хужайра етиладиган қисми; лишайниклардаги урғочилик жинсий қисмининг пастки томони.

**Асколокуляр** – халтачали замбуруғлар мева танасининг ривожланиш тури.

**Аскомицетлар** - халтачали замбуруғлар (*Ascomycetes*).

**Аскоспора** - замбуруғларнинг халтачасида ҳосил бўладиган спора.

**Асо-мусо, ҳасса-мусо** (*Linnaea borealis*) - шилвидошларга мансуб доим яшил бута. Пояси ингичка ва ўрмаловчи бўлиб, гулли новдалари тик ўсади; гуллари пушти ранг, барглари қарама-қарши жойлашган, тухумсимон.

**Асорун, туёқўт.** (лот. *Asarum*) – 1. Аристолохдошларга мансуб кўп йиллик ва захарли ўт ўсимлик. (қ. Азарум). 2. Кирказондошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик.

**Асосий илдиз** – уруғмуртакдан ривожланадиган илдиз.

**Асосий меристема** – поядаги протодерма ва прокаμβийдан апексининг бошқа қисмлари бўлиб ассимиляцияловчи паренхима ғамловчи тўқималар ҳамда бирламчи мустаҳкамлик берувчи тўқимани ҳосил қилувчилар.

**Асосий меристема** – ўтказувчи тўқима эпидерма ва перидерма таркибига кирмайдиган тўқима.

**Аспарагин** - ўсимлик организмидаги азот бирикмаларининг алмашинуvidан юзага келадиган органик моддалар -  $\text{H}_2\text{NOCCH}_2\text{CHNH}_2\text{COOH}$ .

**Аспект** – 1. Ўсимликлар уюшмасидаги алоҳида ўсимликнинг фенологик ҳолати 2. Фитоценоздаги турли ўсимликларнинг йил мавсумлари (қорсиз) давридаги ташқи кўриниши.

**Аспект, манзара, қиёфа** (*лот. aspectus*) - ўсимликларнинг турли фаслларга қараб ўзгариб турувчи ташқи кўриниши.

**Аспектлар алмашинуви** – фитоценозларнинг йил давомида ёки вегетация мавсумида ташқи кўринишини ўзгартириши.

**Аспергилл** (*Aspergillus*) - халтачали замбуруғлар гуруҳига мансуб моғор замбуруғлар туркуми.

**Аспидистра** (*Aspidistra*) - лоладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Майда гуллар ўсимликнинг бўғиз барглари ва бандларида ўсади.

**Аспидиум** (*юн. Aspidion*) - полиподийдошларга мансуб қирққулоқлар туркуми. Тропик мамлакатларда 50 га яқин тури учрайди.

**Аспорий** – папоротникларда япроқ асосидаги спорангий ўрнида ёш ўсимликнинг бўлиши.

**Ассектатор** – фитоценозда учраб, унинг шаклланишига асосий таъсир кўрсатмайдиган ўсимликлар гуруҳи.

**Ассектаторлар** – фитоценотик муҳитнинг яратилишида кўп таъсир этмайдиган ўсимликлар. Улар эдификаторофиллардан ва эдификаторофоблардан ҳамда уюшмага тасодифан тушган турлардан иборат. Қ. ингредиентлар.

**Ассиметрик** – ҳеч қандай ясси симметриянинг бўлмагани, қайрағоч, бегония ўсимликлари баргларининг тузилиши.

**Ассиметрик гул** – гул юзасидан битта ҳам симметрия текислиги ўтказиб бўлмайдиган гул.

**Ассиметрик тож** – гултожбаргдан битта ҳам симметрия текислиги ўтказиб бўлмайдиган гултож.

**Ассимилятив (бирламчи) крахмал** – фотосинтез маҳсулоти бўлган қанднинг кўпайишидан тўпланган крахмал.

**Ассимиляторлар, ўзлаштирувчилар** - фотосинтез жараёнида ташқи муҳитдан карбонат ангидрид, сув ва ёруғликни ўзлаштириб олувчи ҳамда куёш энергиясидан фойдаланиб, шу анорганик моддалардан органик моддалар ҳосил қилувчи хлорофилли хужайра ва улардан тузилган тўқималар.

**Ассимилятлар, ўзлаштирилган моддалар** - яшил ўсимликларнинг хлоропластлар ёрдамида (ассимиляция жараёнида) ташқи муҳитдан ўзлаштирилган моддалари (масалан, карбонат ангидрид), сув ва ёруғлик энергияси.

**Ассимиляцион крахмал, бирламчи крахмал** - хлоропластда дона-дона бўлиб тўпланувчи крахмал.

**Ассимиляция** - ўсимлик организмларининг ташқаридаги моддаларни қабул қилиши ва ўзлаштириши.

**Ассоциация** – фитоценозлар мажмуи, ундаги ҳукмронлик қилувчи асосий қатлам ва иккинчи даражалардан биттаси ҳамда ўхшаш ценопопуляциялар тўп-



лами, фитоценотик муҳит ва маҳсулотнинг характери; муайян тизимда учрай-  
диган ценозларнинг йиғмаси, “фитоценоз типи” эмас.

**Ассоциация, қавм** - кўпгина хусусиятлари жиҳатидан бир хил ёки бир  
туркумга оид ўсимликларни классификация қилиш бирлиги. Тури, структураси  
ва кўпинча яшаш шароити, тараққиёт даври бир хил бўлган ўсимликлар бир ас-  
социацияга киритилади.

**Ассоциациялар комплекси** – ценозлари (уларнинг ҳар бири) унча катта  
бўлмаган ҳудудни эгаллаган геоморфогенетик бир хил ҳудуддаги бир неча ас-  
социацияларнинг навбатлашгани.

**Астар қовиқ, сўнгги қовиқ** - камбийнинг сўнгги хужайраларидан ҳосил  
бўладиган толалар.

**Астра, кашқаргул (*Aster*)** - қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига  
мансуб *Aster* ва *Callistephus* номли ўсимликларнинг икки туркуми.

**Астеросклерегид** – юлдузсимон тузилишли склереид.

**Астросклерейдлар** - юлдузсимон тармоқланган қаттиқ хужайралар.  
Уларнинг тармоқлари кўпинча ўткир учли бўлади.

**Асфиксия** - карбон кислотанинг кўпайиши туфайли ўсимликларда  
кислородга бўлган эҳтиёжнинг ортиши.

**Асфодил (*Asphodelus*)** - пиёздошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми. Кўп  
йиллик турлари тугунаксимон илдизпояга ва баланд поя учида очилувчи оқ  
гулларга эга, ҳосил бўлган тугунакларда крахмал ва бошқа углеводлар  
тўпланади.

**Атавизм** – 1. Бир жинсли гулда бошқа жинсга тегишли қисмнинг пайдо  
бўлиши. 2. Айрим организмларда қадимий аждодларига хос бўлган  
белгиларнинг қайта пайдо бўлиши.

**Атактостель** - поянинг бир нечта ўтказувчи найчалар тўдасидан  
иборатлиги.

**Атактостела** – камбийсиз, боғламлари мураккаб, алоҳида боғламлари поя  
марказига, кейин ташқарига йўналган бир паллали ўсимликларнинг пояси; эв-  
стеланинг ўтказувчи боғламлари поянинг ўзак ва пўстлоқча тарқатиладиган  
стела.

**Атактостела** – эвстеланинг ўтказувчи боғламлари ўзак ва пўстлоғида  
жойлашиб, марказий цилиндрнинг маҳсуллагани.

**Атегман уруғмуртак** – ёпқичи, пўсти тушиб кетиши билан яланғоч қола-  
диган уруғмуртак.

**Атлас дарахт** – танаси атласдай товланадиган рутадошлар оиласига  
мансуб катта хлораксимон дарахт.

**Атмовитаминлар** – ўсимлик ажратадиган микроорганизмлар фаолиятига  
ижобий таъсир этувчи газсимон моддалар.

**Атрафакс, туясингрэн (*Atraphaxis*)** - икки уруғ паллалилардан  
торондошларга мансуб бута, бўйи 80-200 см.

**Атрихобластлар** – айрим гуруҳ ўсимликларда ризодерманинг туклар  
ҳосил қилмаслиги.

**Атропин** - мингдевона ва бангидевона ўсимликларидан олинадиган захарли модда (алкалоид). Ошқозон, ичак, бўғма ва юрак касалликларини даволашда ишлатилади.

**Атроп уруғмуртак** – қ. тўғри уруғмуртак.

**Атроп уруғкуртак, тўғри уруғкуртак** - торон, қичитқийт ва қалампир сингари ўсимликларнинг эгилмаган тўғри уруғкуртаги.

**Атроф-муҳит** – ташқи шароитнинг мажмуи бўлиб, у тирик организмларга ёки уларнинг мажмуи – биоценозга яшаш жойига – биотопга таъсир қилади.

**Атталея** (*Attalea*) - пальмадошларга мансуб дарахтлар туркуми.

**Аттрагирлаш** – ўсимлик хужайраларида озик моддаларни ўзига тортиш хусусияти.

**Ауксанометр, ростометр** - ўсимликнинг ўсиш тезлигини ўлчайдиган асбоб.

**Ауксибласт** – нинабаргли ўсимликлардаги ўсиши чекланмайдиган новда.

**Ауксилляр хужайра** – қизил сувўтларида карпогон билан қўшилиш рўй берадиган хужайра.

**Ауксоспоралар** - диатом сувўтларда ўсувчи спора.

**Ауккоспора** – жинсий жараён натижасида юзага келганидан кейин маълум катталиклар – ўлчамларгача ўсадиган зигота. Диатом сувўтларда рўй беради. Жойланишига кўра ёнбош, интеркаляр, ярим интеркаляр, базал бўлади.

**Аулодисклар** (*Aulacodiscales*) – хужайралари биттадан, соғути калта цилиндр, баъзилари призма тузилишли сувўтлар (*Bacillariophyta, Centrophyceae*) тартиби.

**Ауреомицин** - нурсимон (сертармоқ) замбуруғлар ҳосил қиладиган антибиотик.

**Аутбридинг** – 1. Генетик жиҳатдан узоқ бўлган организмларни чатиштириш. 2. Бир-бирига ирсий жиҳатдан яқин (қариндош) бўлмаган организмларни чатиштириш. 3. Қариндош бўлмаган шахслар орасидаги никоҳлар. Популяцияда тасодифий олинган ҳар қандай жуфтларга нисбатан қариндошлик даражаси камроқ бўлган шахслар орасидаги никоҳлар. Бундай никоҳлар авлодларда гетерозиготаликни оширади.

**Аутосома** - жинсий хужайралардан бошқа ҳамма хромосомалар.

**Аутосомалар** - турли жинс вакилларида бир хил бўладиган ножинсий хромосомалар.

**Афилбия** – папоротникларнинг циатодошлар (*Cyatocaceae*) оиласи ўсимликларининг япроқлари базал сегментларининг тармоқланган ипсимон даражагача етиб кичрайгани.

**Афилия** – баргсиз, фотосинтезни амалга оширадиган ўсимлик.

**Афиллия, баргсизланиш** (*aphyllia*) - барглarning тўла ўзгариши.

**Афлебия** - қирққулоқларнинг баъзи турларида япроқ ёки ён япроқча шаклига кирган вайя (қ) ning остки қисми.

**Афсонак** (*Thermopsis alterniflora* Rgl. et Schmalh.) – бурчокдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Ахондроплазия** - узун, найсимон суяклар ўсишининг сусайиши билан характерланадиган аутосома - доминант касаллик. Касалликда бош ва гавда ўлчамлари меъёрида бўлса ҳам қўл, оёқлар жуда калта бўлади. Уларда насл қол-

дириш хусусияти анча сустлашади. Популяцияда касаллик частотаси асосан янги мутациялар ҳисобига ўзгармайди.

**Ахроматин** - ўсимлик ҳужайраларининг мағзида бўладиган суёт бўялувчан модда. Акси - хроматин (қ.)

**Ахрори** - ўрикнинг эрта пишар жайдари нави. Меваси йирик, сарик, ширин. Мағзи аччиқ. Туршакка ярамайди. Дарахти анча йирик, қалин шаббали.

**Ацервула** - такомиллашмаган замбуруғларда жинссиз кўпайиш қисми, конидиябандлар ясси, бироз қавариқ асосли танада жойлашади.

**Ацидофиллар** – рН даражаси паст, нордон шароитли сувларда ўсадиган сувўтлар. *Desmidiaceae* тартибининг сувўтлари кўпроқ тарқалган.

**Ацидофилия** - организм ҳужайра ва тўқималарининг эозин, кислотали фуксин, пикрин кислота каби бўёқлар билан бўялиш хусусияти.

**Ацидофил организмлар, ачитқи организмлар** - нордон, ачитқили ва кислотали муҳитдагина яшай оладиган организмлар.

**Ациклик гул** – гулнинг ҳамма қисмлари бир-бирига жуда зич тақалиб спирал ҳолда жойлашган гул.

**Ациклик гул, спирал гул** - ҳамма бўлаклари (баргчалари, чангчилари, тугунчалари, мева баргчалари) спирал шаклида жойлашган гул.

**Ачитқидошлар, турушдошлар** (*Saccharomycetaceae*) - халтачали-ларнинг бир ҳужайрали замбуруғлар оиласи.

**Аччибута** (*Ammothamnus lehmannii* Bunge.) – дуккакдошлар (бурчокдошлар) оиласига мансуб кумли чўлда ўсадиган бўёқли бута.

**Аччиқдона** - анорнинг нордон-ширин навларидан бири. Шакли думалоқ (бир оз яссиланган), йирик (300-400 г), пўсти қалин, пишганда ташқи кўриниши қизил тусга киради. Дони қизил. Таркибида 15% гача қанд ва 2,5% кислота бор.

**Аччиқўт** (*Chrozophora sabulosa* K. et K.) - сутламадошлар оиласига мансуб кумли чўлда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Аэренхима** – паренхима тўқимаси ичидаги келиб чиқишига кўра схизоген, лизоген, рексиген ҳолдаги йирик тўқималараро ораликли тўқима; ҳужайралараро бўшлиқлари кўп бўлган, вентиляция вазифаси биринчи ўринда бўлган тўқима.

**Аэренхима, ҳаволи тўқима** - ўсимлик тўқималарининг бир хили. Улар ўз ораликларида ҳавога тўлган бўшлиқларнинг жуда кўп бўлиши билан характерланади.

**Аэро ...** – “ҳаво”, “ҳавога оид” маъноларини билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Аэроб бактериялар** - эркин кислородли муҳитда яшай оладиган бактериялар.

**Аэробноз** - кислородли муҳитдаги ҳаёт. Бундай муҳитда оксидланиш жараёни содир бўлиб, организм учун зарур бўлган энергия ажралиб чиқади.

**Аэроблар** - соф молекуляр кислород ҳисобига ҳаёт кечирувчи организмлар.

**Аэрогидатофит** – сувостида ўсиб, гул очилиши ва чангланиш даврида сув юзасида бўладиган ўсимлик, масалан *Vallisneria*.

**Аэрогидрофит** – сув остида ўсувчи, гуллаш вақтида чангланиш учун гули сув устида бўладиган ўсимлик.

**Аэроплактофит** – ҳаводаги бир хужайрали ўсимлик.

**Аэропоника** – ўсимликни тупроқсиз, сернам ҳаводаги илдизига вақти-вақти билан озикли эритма бериб ўстириш.

**Аэротаксис** – бир хужайрали ёки кўп хужайрали сувўтларни кислород манбаи томон ҳаракатланиши.

**Аэротропизм** – 1. Илдиз ёки поянинг кислород манбаи томонга ўсиши. 2. Ўсимлик илдизларининг ҳаво томонга қараб интилиши, бурилиши ва ўсиши.

**Аэрофикон** - сувўтларнинг сувдан ташқарида яшовчи турлари.

**Аэрофил сувўтлар** – тупроқдан бошқа каттик муҳитларда (қоялар, тошлар, дарахтларнинг пўстлоқлари шу кабилар) ўсадиган сувўтлар гуруҳи.

**Аэрофил ўсимликлар** – фаолияти сув муҳитидан ташқарида бўладиган ўсимликлар.

**Аэрофит** – яшаш муҳити ҳаво бўлиб субстратга таъсир қилмайдиган, зарур моддаларни атмосфера ҳавосидан оладиган ўсимлик.

**Аэрофитлар** - ҳаво бор жойда яшайдиган ўтлар. Ёмғир ва шудринглардаги эриган минерал озукка моддалари ҳисобига яшайди.

**Аэрофитон** – қ. ҳақиқий ҳаво сувўтлари.

**Аэрофора** – папоротниклардан цатеядошлар оиласи ўсимликларининг япроқларидаги овал шаклидаги ҳосила.

## Б

**Бабуна** (*Marticularia (Microcephala) lamellate* Vge.) - қоқиўтдошлар (мурак-кабгулдошлар) оиласига мансуб, чўл, адир, воҳа, тоғларда ўсадиган бир йиллик ўт.

«**Бабьи сплетни**» - қамелиядошларнинг традесканция (қ.) туркумига мансуб хушманзара ўсимликларнинг бир неча тури.

**Багранникалар** (*Cercidiphyllales*) - гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Hamamelididae* кенжа синфининг тартиби.

**Багрянка крахмали** - қизил сувўтларда ассимиляция маҳсулоти сифатида ҳосил бўладиган, йод таъсирида кўк тусга кирмай, дастлаб сарғиш кўнғир, кейин қизил рангга кирадиган крахмал.

**Бадан, мўғул чойи** (*Bergenia*) - тошёрардошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик.

**Бадьяналар** (*Illisiales*) - гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Magnolidae* кенжа синфининг тартиби.

**Бадьян, Бадьяни Хитойи** - магнолиядошларга мансуб дарахт. Меваси таркибида хушбўй моддалар бўлганлиги туфайли озик-овқат саноатида ва медицинада ишлатилади.

**Базал тана** – сувўт хужайрасида хивчин чиқадиган жой остидаги тана.

**Базал, туб жойлашиш** - бирор органнинг тубида жойлашиш. Унинг акси апикаль жойлашишдир.

**Базал хужайралар, туб хужайралар** - эцидий (қ.) тубида жойлашган най-часимон параллел хужайралар. Улар мицелий (замбуруғ танаси) дан ўсиб чиқади.

**Базал ўсиш** - ипсимон (трихал) тузилишли сувўтларда бўлиниб ўсишни таъминлайдиган хужайраларни ипнинг асосида жойланиши билан ўсиши.

**Базигамия** - органнинг туб қисмида уруғланиш, оталаниш.

**Базидияли замбуруғлар, поячали замбуруғлар, базидиомицетлар** - энг юксак замбуруғлар гуруҳи.

**Базидиал лишайниклар** - лишайниклар типининг бир гуруҳи. Бундай лишайникларнинг замбуруғи телефор туркумига мансубдир. Базидиал лишайниклар эркин ҳолда ҳам учраши билан бошқа турларидан фарқ қилади.

**Базидиоспоралар** (*basidiospora*) - базидиянинг устки қисмида ҳосил бўладиган споралар.

**Базидия** (*basidium*) - базидиал замбуруғларнинг спорали органлари.

**Базипетал ривожланиш** - шох, новда ёки бошқа бирор қисмнинг учки томондан асос томонга қараб ўсиши ва ривожланиши.

**Базипетал тартиб** - ўсиш юқоридан пастга қараб бўлганда поянинг учидан қари органларнинг, пастки қисмида эса ёш органларнинг жойлашиши.

**Базикауликарпия** – мевани поянинг пастки қисмидан баргсиз новдада ҳосил бўлиши.

**Базипетал** – новдада ён қисмларнинг юқоридан пастга томон ҳосил бўлишидаги изчил йўналиш.

**Базипетал ривожланиш** – 1. Ўсимлик ён шохлари ёки барглари поянинг учидан асосига томон йўналишида ривожланиши натижасида ён қисмларни асосига яқин жойда бўлиб қолиши билан рўй берадиган ривожланиш. 2. Папоротниклар спорангийсини сорус ўртасидан бошланиб кейин атрофга ўтиши.

**Базипетал сорус** – папоротникларда ўлчамлари кичиклашган, аммо уларнинг сони ошган соруслар гуруҳи.

**Базипеталлик** – папоротникларда сорус ўриндиғи ва ундаги спорангийлар сонини ортиши билан бир вақтда уларнинг ўлчамларининг кичрайиши.

**Базитон шохланиш** – поянинг асоси, тагидан шохланиши.

**Базитония** – ўсимликнинг асосий шохларини унинг пастки қисмида бўлиши.

**Базифил ўсимликлар** – нейтрал ва ишқорий муҳитли (рН 7-8,5) тупроқлардаги кальцефил, нитрофил ўсимликлар.

**Базофиллар** – ишқор рН муҳитли шароитда ўсадиган ўсимликлар.

**Базофилия** - организм хужайра ва тўқималарининг асосий бўёқларда бўялиш хусусияти.

**Базофиллар** - протоплазмасида доналар мавжуд бўлган хужайралар.

**Байтиқўргони** - эрта пишар қовун навларидан. Шакли тухумсимон, пўсти қалинрок, сертўр, сариқ. Эти оқ, мулойим. Таркибида 9,4% гача қанд бор. Оғирлиги 4-6 кг.

**Бакаут** (*гол. pokhout*) - гваяк дарахтининг смолали қаттиқ ёғочи.

**Бактериал ўғитлар** - бактериялар ёрдамида тайёрланган препа-ратлар. Бактериал ўғитлар ҳаводаги азотни ўзлаштириб, тупроқдаги микроорганизмларнинг ўсимликларга озик етказиб беришини кучайтиради.

**Бактероидлар** - тугунак бактерияларнинг шохланган формалари. Тугунак бактериялар тараққиёти давомида майда ҳаракатчан ҳужайралар йирикроқ ва шохланган шакллар билан алмашади.

**Бактериозлар** - бактериялар таъсирида ўсимликларда пайдо бўладиган касаллик.

**Бактериозлар** – илдиз юзасида у билан бевосита алоқада бўладиган бактериялар.

**Бактериолиз** - организмга бактерияларни сунъий сингдириш.

**Бактериол изинлар** - оксилларни парчаловчи ферментлар. Бирор касалликка қарши эмланган организмлар шу бактерияларни йўқотадиган бактериолизинлар (ферментлар) ишлаб чиқаради. Бундай ферментлар бактерияларни эритади (қ. Антитела).

**Бактериология** - бактериялар тўғрисидаги фан бўлиб, уларнинг морфологияси, систематикаси, физиологияси ва амалий аҳамияти билан шуғулланади.

**Бактериопурпурин** - тўқ қизил бактериялардаги қизил пигмент.

**Бактериориза** – дуккакли ўсимлик илдизини бактериялар билан ҳамкорликдаги симбиози (бошқа гуруҳ ўсимликларда ҳам намоён бўлади).

**Бактериотрофия** – юксак ўсимликларнинг бактериялар билан симбиози. Бундай ҳолат дуккакли ўсимликларда 93% ни, мимозаларда 87% ни ташкил қилади.

**Бактериофаг, бактерияхўр** - табиатда кенг тарқалган ва турли бактерия ҳамда микробларга қарши курашадиган ультрамикроскопик организмлар.

**Бактериохлорин** - қизил ва яшил бактериялардаги яшил пигмент.

**Бактериохлорофиллар** – фотосинтезловчи бактериялар таркибидаги моддалар.

**Бактерицидлик** - турли моддаларнинг бактерияларни ҳалок этиш хусусияти.

**Бактериялар** - ўсимликлар дунёсида шаклланган, ҳужайра даражасига етмаган ҳамда хлорофилсиз ва дифференцияланган ҳужайрали мағизсиз бир ҳужайрали энг содда мавжудотлар.

**Баланапоралар** (*Balanoparales*) - гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Hamamelididae* кенжа синфининг тартиби.

**Баланофоралар** (*Balanophorales*) - гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Баланофорадошлар** (юн. *Balanophoraceae*) - хлорофилл доначалари бўлмаган икки паллалилар синфига мансуб ўсимликлар оиласи. Дарахт илдизларида паразитлик қилади.

**Балата** (исп. *Balata*) - 1. Сапотадошлар (*Sapotaceae*) оиласига мансуб ўсимлик. 2. Мимузопс ўсимлигининг коагуляциялашиб (қуюқлашиб) каучуксимон бўлиб қолган шираси.

**Баликкўз** (*Climacoptera crassa* М.В.) - шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Баллистоспора** - ҳосил бўлган жойидан куч билан отилиб кетадиган хужайра (спора).

**Бальзамлар** (*юн. balsamen*) – 1. Баъзи ўсимликларда учрайдиган модда, смолаларнинг эфир мойидаги эритмаси. 2. Ўсимлик, муми пихта ўсимлигидан олинадиган табиий смола. 3. Сунъий бальзам. У эфир мойларининг спиртли эритмасини ўсимлик шираларининг спиртли эритмаси билан аралаштириб олинади.

**Балх-арча** – лорантдошлар (*Loranthaceae*) оиласига мансуб бўйи 18 метр-гача етадиган туркистон арчаси.

**Бамбук** (*Bambusa*) - буғдойдошлар (ғалладошлар) оиласига мансуб ўсимлик.

**Бамия** (*Hibiscus esculentus*) - ғўзадошларга мансуб баланд бўйли (1,5 м гача) бир йиллик ўт ўсимлик. Меваси - кўсак. Ташқи кўриниши ва гули ғўзага жуда ўхшайди.

**Банан** (*Musa*) - банандошларга мансуб баланд бўйли, кўп йиллик ўсимликлар туркуми.

**Бангидевона** (*Datura*) - томатдошларга мансуб ўсимликлар туркуми.

**Бангиялар** (*Bangiophyceae*) - бир хужайрали, колониал, кўп хужайрали трихал, гетеротрихал пластинка - паренхима тузилишли сувўтлар (*Rhodophyta*) синфи.

**Баньян** - тутдошлар (*Moraceae*) оиласига мансуб бенгал фукуси. Дастлаб бирор дарахт танасида эпифит ҳолда ўсади, кейин унинг илдизлари тупроққа (ергача) етиб пояси катталашиб ўзи ўсаётган дарахтни сиқиб қуритиб қўйишгача олиб келади.

**Баньян** (*Ficus bengalensis*) - тутдошларнинг фикус туркумига мансуб дарахт ўсимлик. Кўпинча қушлар баньянинг уруғини бир дарахтнинг шохига келтириб ташлайди. Шундан кейин дарахтнинг устида уруғ унади ва ўсади. Унинг тез ўсувчи шох-шаббаси илгариги дарахтнинг устини бутунлай қоплаб олади, натижада дарахтга ҳаво ва қуёш нури етишмай қурийд.

**Баобаб** (*Adansonia digitata*) - бомбаксдошларга мансуб дарахт. Панжасимон мураккаб барглари энг иссиқ пайтларда тўкилади. Диаметри қарийб 20 см ли йирик оқ гуллари тўкилгандан сўнг катта бодрингга ўхшаш мева тугади.

**Баобаб** - бомбаксдошлар оиласига мансуб панжасимон адансония номли дарахт, бўйи 25 метр, танасининг диаметри 12 метр ва ундан ҳам катта бўлади.

**Барахория** - ўзининг оғирлигидан мева ва уруғларнинг тарқалиши.

**Барбеелар** (*Barbeyales*) - гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Namamelididae* кенжа синфининг тартиби.

**Барг** – ўсимликларнинг пояда (новдада) ёнбош ҳолда жойлашган, фотосинтез, транспирация ва газ алмашинувини амалга оширадиган асосий қисмлардан бири.

**Барг** (*folium*) - юксак ўсимликларнинг асосий вегетатив органларидан бири. Углерод билан озикланиш (фотосинтез) ва буғланиш (транспирация) бу органнинг бош функцияси ҳисобланади.

**Баргак** (*folliculus*) - битта уруғчи баргдан (макроспорофиллдан) иборат бир уйли куруқ мева. У уруғлари жойлашган чокдан тешикча бўлиб очилади (масалан, испаракда). Айиктовондошлар (масалан, сувйиғар), семизакдошлар (крассуладослар) кабиларга мансуб кўпгина ўсимликларда бир неча баргак бўлиши ҳам мумкин.

**Барг бўлмалари** (*pars*) - ўйма ёки қирқма барг бўлаклари.

**Барг бўлмаси** (*lobus*) - ўйма барглардаги барг бўлакчалари.

**Барг давраси** - баргларнинг тана атрофида маълум бир тартиб билан айланиб, спиралсимон жойлашиши.

**Барг диаграммаси** – новдада барг жойланишини ифодаловчи чизма.

**Барг ёстикчаси** (*pulvinulus*) - баргнинг тана, яъни новда ёки шохча билан бирлашган жойидаги бўртма.

**Барг жойланиши** (*лот. phyllotaxis*) - баргларнинг пояда жойлашиш тартиби. Барглар қатор тартибли (ҳар бўғимда биттадан) ёки қарама-қарши (ҳар бўғимда бир-бирига қарама-қарши жойлашган иккитадан барг) ва давра бўлиб (ҳар бўғимда бир нечтадан барг ўрнашган ҳолда) жойлашиши мумкин.

**Барги** - эртапишар сариқ қовун навларидан бири. Палаги серхомак. Шакли тухумсимон, пўсти тўқ сариқ, сертўр, қаттиқ. Эти оқ, таркибида 10% гача қанд бор. Оғирлиги 2-4 кг гача.

**Барг изи** - поядаги ўтказувчи тўқиманинг япроқ бандидаги давоми, бошқа ўтказувчи боғлам билан пояда бирикадиган қисми: барг битта ёки кўп миқдордаги барг изларига эга бўлиши мумкин.

**Барг куртаклари** - баргда ҳосил бўладиган куртаклар. Баъзи ўсимликларнинг барглари ҳам вегетатив урчиш учун хизмат қилади. Бундай барглардаги куртаклар ривожланиб, мустақил ўсимликка айланади. Масалан, бегония баргларида.

**Баргларнинг бужмайиши** - баъзи ўсимликларда учрайдиган касаллик. Бундай касаллик теккан ўсимлик баргларининг юзаси бужмайиб қолади. Кўпроқ паразит замбуруғлар таъсирида шундай касаллик юзага келади.

**Барг мозаикаси, барг нақши** - баргларнинг бир-бирига нисбатан куёш нурини тўсмай жойлашиши. Бундай барг мозаикаси шароитида куёш нурлари барглар ва бошқа органлар томонидан тўла қабул қилинади (қ. Фототропизм). Барг мозаикаси, айниқса, плюшч, ўткир баргли заранг ва кўпчилик ўт ўсимликларда яхши акс этган.

**Барглар мозаикаси** – 1. Барг ва бошқа органларнинг маълум бир муносабатда жойлашиши. Шу тартибда жойлашган барглар бир-бирига соя туширмайди. Масалан, кайрағоч, чинор ва бошқаларнинг барглари шундай жойлашади. 2. Дарахт ва ўт ўсимликларнинг плагиотроп ҳамда тик ўсувчи новдаларда барг япроқларининг горизонтал жойлашиб, бир-бирига соя туширмаслик ҳолати, бунда майда барглар йирикларининг орасида жойлашади.

**Барг нови** – баргнинг новдани чала ёки тўлиқ ўраб оладиган пастки қисми.

**Барг примордийлари** – поянинг учидаги экзоген жойлашган дўмпаймалар, улар акропетал – пастдан юқорига йўналишда ҳосил бўлади.



**Баргизуб** (*Plantago lanceolata* L.) – зубтурумдошлар оиласига мансуб воҳалар, адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Барглар формацияси** – баргларнинг пояда ёки новдаларда жойланиш тартиби ва формацияси. Қуйи, ўртада ҳамда юқоридаги баргларга бўлинади.

**Барг ўрни** - барг ўрнашган жойда барг тўкилгандан кейин қолган из.

**Баргсиз ўсимликлар** - барглари редуцияланиб, барг функциясини новдалари бажарадиган ўсимликлар.

**Барг қўлтиғи** – 1. Барг бандини у бириккан пояга нисбатан ҳосил қилган бурчаги. 2. Баргнинг тана билан бирлашган жойидаги оралик.

**Барг қирғоғи, барг чети** - баргнинг энг чекка томони.

**Барохория** - мева ва уруғларнинг ўз оғирлиги таъсирида (ташқи омилсиз) тўкилиши ёки тарқалиши.

**Барқарор, ўзгармас** (*лот. constans - ўзгармас*) - ўсимлик турлари, янги нав ёки шакллариининг муқаррар ирсий белгилари.

**Басма** (*Indigofera tinctoria* L.) – бурчоқдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган ранг сақловчи бута.

**Батат, ширин картошка** (*Ipomoea batatas*) - печакдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизмевалари (илдиз тугунаклари) крахмал (8-28%) ва қанд (4-34%) га анча бой. Тугунаклари консерва тайёрлашда ишлатилади. Пояси ўралиб ўсади. Ҳар бир барг қўлтиғида 3-4 тадан гул жойлашган.

**Батифилл** – папоротниклардан ламариопсисдошлар кенжа оиласи ўсимликларида (*Teratophillum*) нормал, фертил япроқлардан ташқари қўш патсимон япроқ.

**Батрахоспермум** (*Batrachospermum*) - қизил сувўтлар типининг чучук сувларда яшайдиган вакили.

**Бахмал дарахт** (*Phellodendron amurense*) - рутадошларга мансуб дарахт. Баландлиги 25 м га, йўғонлиги 70-75 см га етади.

**Бахтиёрӣ** - узумнинг винобоп навларидан бири. Токи қурғоқчиликка чидамли, новдалари узунроқ қолдириб кесилса, ҳосили кўпаяди.

**Бациллалар** - спора ҳосил қилувчи қаламчасимон узунчоқ, бактериялар. Бундай бактерияларнинг кўпчилиги сапрофитлар, айримлари эса касаллантирувчи организмлардир.

**Бачки** – 1. Дарахтлар илдизлари, тўнгаларидан ўсиб чиққан ёш новдалар. 2. Айрим ўсимликлар ток, ғўза барги қўлтиғидан ўсиб чиқадиган ёш новдалар. 3. Поя (тана) остидан ва илдиздан ўсиб чиқадиган новдалар тўдаси.

**Бачки тож, устки ўсимта** (*лот. coronula*) - 1. Уруғларнинг устки қисмида жойлашган тожсимон ўсимта; 2. Тож бўғзидаги ҳар хил (қипиқ-симон, гулбарг, найчасимон) ўсимталар.

**Бачкилаш, бачкиланиш, тўпланиш** - поянинг пастки қисмлардан бачки пояларнинг ўсиб чиқиши.

**Бачкиланиш, эркакланиш** (*proliferatio, proliferatio*). 1. Картошканин бачкиланиши. Бу ҳодиса картошканин униб чиқиш муддати ўтиб кетиши туфайли рўй беради. 2. Лавлагининг бачкиланиши. Лавлагада гулли пояларнинг юзага келиши туфайли бачкилар ҳосил бўлади.

**Бачкипоя** (*sarmentosum*) - илдиздаги куртаклардан ўсиб чиқувчи қўшимча бачки ўсимталар. Бачкипоянинг чиқиши табиий вегетатив кўпайишнинг бир йўлидир.

**Бачкипояли ўсимликлар** (*sarmentosus*) - илдизи куртак чиқарадиган ва бачкипоя берадиган ўсимликлар.

**Бақлажон** (*Solarium melongena*) - итузумдошларга мансуб ўт ўсимлик.

**Баҳори, лалмикор** - суғорилмайдиган экинзор, адир зонасидаги ерлар.

**Баҳори ўсимликлар** (*lot. vernalis* - *баҳорги*). 1. Эрта баҳорда кўкариб, қисқа муддат ичида ўз вегетациясини тугатувчи ўсимликлар; 2. Баҳорда экиладиган ўсимлик.

**Беда** (*Medicago*) - бурчокдошлар (дуккакдорларнинг) капалакгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт, баъзан ярим бута ўсимликлар туркуми. Поясининг, узунлиги 90-150 см. Барглари учталиқ. Гуллари шингил тўпгулга йигилган, четдан чангланади. Меваси - дуккак. Уруғи буйраксимон. Илдиз системаси тупроқ орасида анча чуқур жойлашади.

**Бевосита, тўппа-тўғри радиация** – кўёшдан келаётган энг катта энергетик юкламали радиация.

**Бегона ўсимликлар** – маҳаллий табиий флоранинг ёки ҳайдалган ерларда ўсиб, қишлоқ хўжалиқ экинларини ифлослантирадиган ўсимликлар.

**Бегониялар** (*Begoniales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи *Dillenidae* кенжа синфининг тартиби.

**Бегониядошлар** (*Begoniaceae*) - ёпиқ уруғли ўсимликларга мансуб оила. Тропик зоналарда тарқалган. Кўпчилиги тугунақ ҳосил қилувчи ўт ўсимликлар, айримлари эса буталардир.

**Бегония** (*Begonia*) - бегониядошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, буталар ва чала бута ўсимликлар туркуми.

**Бедона** - анорнинг жайдари навларидан. Пўсти сарғиш, дони ва суви пушти, таъми ширин.

**Безли тапетум** – хужайраси шилимшиқланадиган тапетум. Қ. тапетум.

**Безли трихома** – учи юмалоқлашган тук ёки нектархона.

**Безли туклар** – эпидерманинг ҳосиласи бўлиб ташқарига шўра ўсимлигида ун сепгандай доғлар кўринишга эга, улар сув ва туз ажратади.

**Безсимон тўқималар** - ўсимликлардаги турли тузилмалар. Улар ўсимликдаги сув, эфир мойи, қатрон (смола), елим, шилиқ каби моддаларни ажратади.

**Бекзоди** - амирига яқин қовун нави. Шакли узун, йирик (3-6 кг), пўсти юпқароқ, тилим-тилим, жуда кам тўрлаган, ранги оқиш, оқиш-яшил, баъзан сарғишроқ, тилимлари ўртасидаги тасмасимон чизиқлар эса тиниқ яшилдир. Эти кўкимтир, мулойим. Таркибида 9,3% гача қанд бор.

**Бекларўти** (*Echinophora sibtorpiana* Guss.) - соябонгулдошлар оиласига мансуб адирда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Бекманния** (*Beckmannia*) - Кўп йиллик ғаллалар туркуми.

**Белги** – 1. Ўсимликларнинг ташқи кўриниши ёки тузилишидаги морфологик кўрсаткичлари. 2. Маълум ген томонидан аниқланадиган ва

маълум муҳит шароитида юзага чиқадиган морфологик, биокимёвий ва физиологик сифат.

**Белладонна** (*Atropa belladonna*) - тоmatдошлар (итузумдошлар) га мансуб кўп йиллик ўт доривор ўсимлик. Бўйи 1,5 м га етади. Гуллари хирароқ-бинафша тусда, гилос шаклидаги заҳарли меваси қора ёки сариқ. Уруғи майда.

**Беннеттитлар** - очик уруғли ўсимликлар бўлимининг синфи.

**Беннеттитнамолар** (*Bennettitales*) - казиб топилган яланғоч уруғли дарахт ўсимликларнинг бир қабилиси.

**Беннеттитопсидлар** – очик уруғли ўсимликлар бўлимининг синфи.

**Бентос, сув ости организмлари** - катта ва кичик сув ҳавзалари тубида яшовчи организмлар.

**Бентос сувўтлар** – сув ҳавзасининг тагида турли предметлар, сувдаги тирик ёки ўлик организмларда яшашга мослашган сувўтлар.

**Бентос сувўтларининг экологик гуруҳлари** – эпипелитлар, эпипелитлар, эпифитлар, эндолитлар, эндофитлар бентос сувўтларнинг экологик гуруҳлари ҳисобланади.

**Бере-арданпон** - совуққа ўртача чидамли нокнинг қишки десерт нави.

**Бере-боск** - нокнинг юқори сифатли нави.

**Бере зимняя мичурина** - нокнинг қишки десерт нави. И. В. Мичурин томонидан етиштирилган. Совуққа чидамли, таъми мазали.

**Берека** - раънодошларга мансуб дарахт.

**Бересклетлар** (*Celastrales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Бергамот** (*Bergamot*) - 1. Рутадошларга мансуб цитрус (апельсин) дарахт. 2. Мевалари ясси-думалок шаклдаги ноклар навининг бир гуруҳи.

**Бертероа** (*berteroa*) – Карамдошларга мансуб бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўтлар туркуми. Барглари тукли, оддий; гуллари оқ, шингилсимон жойлашган. Меваси - қўзоқ.

**Бетага** (*Festuca valesiaca* Schleich.) – бошоқдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Бетагабўз** (*Stipa lessengianum* Trin. et Ripr.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адир тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Бетель** (*Piper betle*) - мурчдошларга мансуб илашиб ўсувчи бута.

**Беуруғ** - нокнинг кечпишар нави. Меваси уруғсиз бўлгани учун беуруғ деб аталади.

**Бешак** (*Melo zard*) - қовуннинг кеч-пишар навларидан бири.

**Бешаки ҳандалак** (*Melo chandalak*) - ҳандалак навларидан бири. Шакли бир оз ясси, банд томони бўртиброқ чиққан. Оғирлиги 3 кг гача, сирти тилим-тилим, тўрсиз, сарғиш-оқ, лентасимон чизиклари яшил. Эти оқ, таркибида 6,7% қанд бор. Уруғдонлари беш бўлак бўлиб жойлашган, уруғ тўплами тухумсимон чўзиқ, оқ рангда.

**Бешбарг** (*Potentilla reptans* L.) – раънодошлар оиласига мансуб, чўл, адир, тоғда ўсадиган алкалоидли кўп йиллик ўт.

**Бешбармоқ** (*Digitaria ischaetum* Schreb.) – бошоқдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерлар, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Бешуруғ** - эртапишар қовун навларидан бири. Шакли думалоқроқ, оғирлиги 1,5-3 кг. Пўсти кўкимтир, майда тўрланган, пишганда чизиқлар ҳосил бўлади. Эти оқимтир ва мулойим.

**Бех** (*Acanthophyllum paniculatum* Rgl.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган сапонинли, доривор кўп йиллик ўт.

**Бехи** (*Cydonia oblonga*) - раънодошларнинг олмалар оилачасига мансуб дарахт ва буталар. Бўйи 8 м га етиши мумкин. Меваси сариқ, кўпроқ нокка ўхшайди. Таъми ширин ёки нордон.

**Би** ... – “икки”, “иккита”, “қўша” маъноларини англатувчи мураккаб сўзларнинг бўлаги.

**Бивалент** – 1. Мейознинг пахинема босқичида ўзаро конъюгациялашган гомологик хромосомалар жуфти. 2. конъюгацияланаётган бир жуфт хромосома. 3. Мейозда конъюгациялашаётган 2 та гомологик хромосома. Мейозда бивалентлар сони хромосомалар гаплоид тўпламига тенг. Ҳар бир хромосома 2 та хроматидадан иборат бўлганлиги учун бивалентлар - хроматидалар тетрадасидир ва профазанинг диплотенасидаёқ яққол кўриниб туради.

**Бивалентлар, икки валентлилар** - гетеротип бўлинишнинг профаза даврида пайдо бўладиган кўш хромосомалар.

**Бигарадия, тахир апельсин** - рутадошларга мансуб доим яшил да-рахт. Меваси тўқ сариқ пўстли, юмалоқ, нордон.

**Биддулфиалар** (*Biddulphiales*) – ҳужайралари биттадан ёки занжир тузилишли колонияли, совути цилиндр ёки призма, қисман эллипс тузилишли сувўтлар (*Bacillariophyta, Centrophyceae*) тартиби.

**Биколлатериал очик боғлам** – поядаги ўтказувчи боғламда кўшимча ички флоэманинг бўлиши (ошқовоқда).

**Биколлатерал тўда** - ўтказувчи тўда. Бундай тўдада флоэма ксилемага икки (ички ва ташқи) томондан ўралган бўлади.

**Билатерал симметрия** - бирор организм ёки органдаги икки ён томоннинг бир-бирига тенг (симметрик) бўлиши.

**Билатериал симметрик япроқ** – қайрағочдошлар оиласига мансуб ўсимликлардаги одатий новдаларда ассиметрик икки қатор навбатлашиб жойлашган япроқлар.

**Билатериал симметрия** – ўсимликдан ёки унинг бирор қисмидан фақат иккита ўзаро перпендикуляр симметрия ўтказиш мумкин бўлгани.

**Билатериал сорус** – папоротникларда споралар тўпламининг эллипс ёки дуккак шаклда бўлиши.

**Билатериал япроқ** – икки томонидан яссиланган, бироқ ташқи кўринишидан фарқланмайдиган япроқ.

**Бинар номенклатура, кўш исм** - ҳар бир турнинг ўз номи ва туркум номи билан қўшиб юритилиши (қ. Линней Карл).

**Био** ... – “ҳаёт”, “тирик организм” маъноларини англатадиган мураккаб сўзнинг бўлаги.

**Биоген микроценозлар** – илдизпояли ўсимликлар ва айрим кўпуруғли мевали ўсимликлар микробиоценози.

**Биогенез** – тирик организмларнинг органик моддани ҳосил қилиш хусусияти.

**Биогенетик қонун** - тирик табиат қонуниятларидан бири. Бу қонун бирор организмнинг онтогенезида (индивидуал тараққиётида, айниқса, эмбрион, муртак каби органлар тараққиётида) шу турнинг қадимий аجدодлари томонидан босиб ўтилган барча тарихий тараққиёт (филогенез) босқичлари акс этишини исботлаб беради.

**Биогеосфера** – экосферанинг қуруқлик қисми.

**Биогеоценоз** – моддалар ва энергия алмашинув жараёнлари билан ўзаро боғлиқ бўлган бир хил таркибли майдон, табиий мажмуа.

**Биогеоценоз** - ўсимликлар қавми (фитоценоз) нинг муайян шароитда бири-бирига мослашиб, комплекс ҳолда яшаши.

**Биогеоценология** – биогеоценозлар, яъни биоценоз, атмосфера, гидросфера, литосфера, тупроқ (педосфера) билан ўзаро таъсирлар мажмуи ҳақидаги таълимот.

**Биогидросфера** – сувликнинг тирик организмлар энг кўп бўлган қисми.

**Биоиндикаторлар** – бирор тур ёки ўсимликлар уюшмасининг ўсаётган жойида фойдали қазилма мавжудлигини кўрсатиши.

**Биокимё** - тирик организмларнинг кимёвий таркибини, уларга хос кимёвий реакцияларни ва шу кимёвий реакциялар асосида юзага келадиган организмдаги моддалар алмашинувининг асосини ташкил этувчи қонуний тартибларни ўрганувчи фан.

**Биолин моддалар** – ўсимликлар ажратадиган: 1) газсимон ва буғ ҳолидаги углеводородлар (масалан, этилен), эфир мойлари (лимонен, гераниол, тимол, камфора, скипидар) ва бошқалар; 2) гуттация ва “йиғлаши”да ажраладиган гликозидлар (абсинтин, конваллярин ва бошқалар), феноллар (юглон ва бошқалар), лактонлар (кумарин ва бошқалар), кислоталар (масалан, шовул кислота), алкалоидлар (солонидин, гиасциамин ва бошқалар), елимлар, бальзамлар, қандлар, смолалар, каучук, тузли эритмалар ва шу кабилар; 3) дарахтлар пўстлоғи ажратадиган эритмалар (таннидлар ва бошқалар); 4) илдиз юзасининг фаолияти билан ажраладиган моддалар: органик кислоталар, қандлар, пекин, ферментлар ва шу кабилар.

**Биолинлар** – ўсимликларнинг ҳаётини фаолияти даврида ажратган бошқа ўсимликларга таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган маҳсулотлари.

**Биологик емирилиш** – тоғ жинсидаги автотроф бактериялар, сувўтлар, замбуруғлар улардан кейин мохлар, ўт ўсимликларнинг ўсиши билан тоғ жинсини емирилиб тупроққа айлана бориши.

**Биологик станциялар** - бирор катта территориянинг ўсимлик-ларини ўрганиш мақсадида ташкил қилинган илмий тадқиқот муассасалари.

**Биологик типлар** – ўзи учун ноқулай совуқ ёки иссиқ шароитга чидашдан ҳимояланишга мослашишга муҳтож, ёки тўқима (ўсиш қонуси) ва тикланиш куртакларининг типлари: фанерофитлар, хамефитлар, гемикриптофитлар, криптофитлар, терофитлар.

**Биологик тур** - келиб чиқиши ўхшаш, бошқа гуруҳлардан сифат жиҳатдан фарқланувчи ўсимликлар тўплами. Битта турга мансуб ўсимликлар бир-бири билан осон чатишади, насли авлод беради ва маълум ареалда тарқалган.

**Биологик ўғитлар** – тупроқнинг биологик фаоллигини таъминловчи фосфобактерин, азотоген, нитрагин каби ўғитлар.

**Биологик ҳовузлар** – ифлосланган сувни турли микроорганизмлар, сувўтларининг фаолияти натижасида тозаланиши рўй берадиган ҳовузлар.

**Биологик ҳосил** – экинларнинг ҳамма қисмининг жами массаси.

**Биология** (юн. *biologia*; *bios-ҳаёт+logos-таълимот*) - Ҳаёт ва тирик организмнинг тараққиёти қонуний ҳодиса эканлигини исботловчи фан.

**Биолюминесценция** - баъзи замбуруғ, бактерия, медузаларнинг ўзидан ҳароратсиз ёруғлик чиқариш қобилияти.

**Биом** – биология жиҳатидан энг катта бирлик ҳисобланиб, жуда катта куруклик; махсус иқлимий тупроқ шароити.

**Биомен** – асосий таксономик категориянинг номи.

**Биоморф (а)** – ўсимликнинг ташқи муҳит шароитига мосланган ҳолдаги кўриниши.

**Биоморфогенез** - организмлардаги биологик ва морфологик хусусиятларнинг уларнинг филогенез ёки онтогенезидаги яшаш шароитларига қараб ўзгариши ва ривожланиши.

**Биоморфология** - тирик организмларнинг ташқи тузилишини ўрганувчи фан.

**Бионт** – алоҳида муҳит шароитига мослашган битта организм. Бу атама кўшма сўзлар таркиби, масалан, педабионт (тупроқда яшовчи), гидробионт (сувда яшовчи) таркибига киради.

**Биоспора** – қизил сувўтларда спорангийнинг барча қисми иккига бўлиниши натижасида ҳосил бўладиган спора.

**Биосфера** - ернинг ҳаёт мавжуд бўлган қисми, яъни сувсиз ернинг ҳам, дарё, денгиз ва океан сувларининг ҳам организмлар яшайдиган юқори қатламлари.

**Биота** – 1. Тарқалиши жиҳатидан умумий ҳисобланган тарихий тараққиётда шаклланган тирик организмларнинг мажмуи. 2. Ўсимлик турлари ёки популяцияларнинг мажмуи.

**Биотехнология** - тирик ҳужайраларда кечадиган жараёнлардан ва шу ҳужайранинг генетик таркибидан фойдаланишга асосланган маҳсулот етиштириш усулларининг йиғиндиси.

**Биотик омиллар** – табиий муҳитнинг ўсимликларга таъсир этадиган: а) фитопатоген – биргаликда ўсаётган ўсимликларнинг бевосита механик ҳолдаги таъсири, симбиози, текинхўрлик ҳолати, унда эпифитларни бўлиши ҳамда бевосита бўлмаган атроф-муҳитнинг ўсимликларда рўй беришига сабаб бўладиган фитоген ўзгаришлари; б) зооген – ҳайвонларнинг ўсимликларга таъсири – еб кетиши, тепкилаши, чанглатиши, уруғларини тарқатиши кабилар.

**Биотик омиллар, ҳаётий омиллар** - тирик организмлар (ҳайвон ва одамлар) нинг маълум жойдаги ўсимликларга таъсир қилиши натижасида юзага келадиган яшаш шароити.

**Биотик чангланиш** – гулнинг тирик организмлар таъсирида чангланиши; муҳитнинг биотик омиллари таъсирида гулда рўй берадиган чангланиши.

**Биотин** - помидор, исмалоқ, соя, ачитқи ва ҳоказолар таркибида бўладиган модда. - Витамин Н –  $C_{10}H_{16}O_3N_2S$ .

**Биотип** - ўсимлик турининг ташқи кўриниши билан фарқланмайдиган, лекин биологик ва физиологик хусусиятлари бошқача ва ўзгармас бўлган гуруҳи.

**Биотиплар** - ташқи кўриниши ўхшаш, лекин айрим биологик ва физиологик хусусиятлари бир-биридан фарқ қиладиган турлар (организмлар).

**Биотоп** – 1. Тирик организмларнинг шу жумладан, ўсимликларнинг ҳам ўзлари учун маъқул бўлган атроф-муҳит шароитини ҳосил қилгани. 2. Бир-бирига маълум даражада яқин организмларнинг яшаши учун мос келган майдон, жой. Бундай жойларнинг муҳити, одатда, маълум даражада бир хил бўлади.

**Биотрофлар** – 1. Бошқа тирик организм билан озикланадиган организмлар 2. Маълум бир муддат хўжайин ўсимликнинг тирик тўқимаси билан бирга бўладиганлар.

**Биотехнология** - биологик молекулалар ва организмлардан фойдаланиб, одамлар ва чорва моллари учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси.

**Биофилтрлар** – қ. биологик ҳовузлар.

**Биоценоз** – 1. Қуруқлик ёки сув ҳавзасининг маълум қисмида биргаликда фаолиятдаги ўсимлик, ҳайвон, микроорганизмлар гуруҳи. 2. Яшаш шароитлари маълум даражада бир хил бўлган ўсимлик қавми.

**Биоценология** – 1. Биология фанининг бир бўлими. Биоценозларни, уларнинг тузилишини, тараққиётини, муҳитга муносабатини, келиб чиқиш тарихини ва ҳоказоларни ўрганеди. 2. Экологиянинг биоценозларни ўрганадиган тармоғи.

**Биоцикл, ҳаётгий муҳитлар ўлкаси** - ўсимликлар яшайдиган муҳитни изоҳловчи бўлим (қ. Биотоп).

**Биоэдафик, ҳаётгий замин** - тирик организмларнинг ҳаёти учун зарур бўлган тупроқли шароит.

**Бир данаклилар** – мевасида битта данаги бўлганлар, масалан, *Cerasus*, *Armeniaca* туркумининг ўсимликларида.

**Бир жинсли гул** – чангчилари бўлиб, уруғчилари бўлмаган ёки уруғчилари бўлиб, чангчилари бўлмаган гул.

**Бир йиллик жуфт халқа** - баъзи дарахт ёки буталарда бир вегетацион даврда йиллик халқанинг одатдагидек бир қават эмас, балки икки қават бўлиб қолиши. Бундай кўш халқалар бир вегетация фасли давомида барглarning тўкилиб, маълум вақтгача вегетациядан тўхтаб, сўнг яна шу йилнинг ўзидаёқ кўкариб чиқиши ёки шу сингари сабаблар туфайли юз беради.

**Бир йиллик ўсимлик** – ҳаётгий даври бир йил ичида (бир вегетация даврида) тугайдиган ўсимлик.

**Бирикиш гуруҳи** - битта хромосомага жойлашган генларнинг бириккан ҳолда ирсийланиши. Ҳар хил хромосомада жойлашган генлар эса мустақил ир-

сийланади. Бирикиш гуруҳларининг сони хромосомаларнинг гаплоид тўпламига боғлиқдир.

**Биринчи симподийнинг ўсиб чиқиш баландлиги** - дастлабки ҳосил шохи ўсиб чиққан бўғимнинг поядаги тартиб рақами: буни аниқлаш учун уруғбарг бўғимидан юқоридаги бўғимлар саналади.

**Биринчи тартибли синузия** – 1. Экологияси жиҳатидан ўзаро бир хил бўлмаган ҳаётий формалардан иборат ва юксак тартибдаги ҳаётий формаларни ҳосил қиладиган ўсимликлар мажмуи. 2. Битта турининг ўсимликларидан иборат синузия.

**Биринчи тартибли шохлар** - бевосита поядан ўсиб чиққан шохлар.

**Биринчи тип шохлаш** - ғўза ҳосил шохининг уч-беш см. узунликда бўғим оралаб шохлаши.

**Бирламчи ажратувчи қават** – айрим ўсимликларнинг барг бандини асосида юзага келиши мумкин бўлган ажратувчи қават (*Pyrus*, *Aesculus* туркумларининг ўсимликларида) куртак очилаётган вақтда ҳосил бўлади.

**Бирламчи барглар** – икки паллалиларда уруғ унганидан кейин пайдо бўлган барглар тушиб кетгач, ҳосил бўлган биринчи ҳақиқий барглар.

**Бирламчи гомориза** – юксак спорали ўсимликларда муртак илдиз бўлмадан барча илдизлар қўшимча илдиздан ҳосил бўлиши.

**Бирламчи гормогоний** – кўк-яшил сувўтларида тарқалиш ва ноқулай шароитдан сақланиш вазифасини бажарадиган қалин пўстли акинемаларни ўсишидан юзага келган гормогоний.

**Бирламчи илдиз** – уруғмуртакни илдиз томонидаги апикал меристемадан ривожланган илдиз.

**Бирламчи камбий** – поянинг ўсиш нуқтасидаги меристема ҳужайраларидан юзага келадиган камбий.

**Бирламчи ксилема** – прокамбийдан юзага келадиган ксилема.

**Бирламчи луб толалари** – перицикл ёхуд прокамбий ҳужайралари ҳосил қиладиган луб толалари. Механик сифатлари яхши ва анча катта ўлчамлари билан ажралиб туради.

**Бирламчи маҳсулдорлик** – муайян майдон ва вақт давомидаги ўсимликнинг ерости ва ерусти қисмининг биомассаси ҳамда биоген учувчи моддалари ва энергияси.

**Бирламчи маҳсулот** – яшил ўсимликларнинг ҳосил қилган маҳсулоти.

**Бирламчи меристема** – ўсиш нуқтасидаги энг ёш ҳужайралар бўлиб, ўсимликнинг барча тўқималарини ҳосил қилади. Апикал меристемадан юзага келадиган продерма, асосий меристема ва прокамбийга нисбатан қўлланилади.

**Бирламчи мицеллий** – базидиоспорани унишидан юзага келадиган бир ядроли гаплоид мицеллий.

**Бирламчи муртак** – уруғланган тухум ҳужайранинг кўп марта бўлиниши натижасида юзага келган, ҳали табақалашмаган ҳужайраларидан иборат бўлгани.

**Бирламчи омиллар** – ташқи анорганик муҳитнинг омиллари.

**Бирламчи протонема** – мохлар спорасидан ривожланадиган ипсимон ҳосила.



**Бирламчи пўст** – бўлинаётган ва ўсаётган хужайра таркибида кўп (60-90%) сув тутган пўст.

**Бирламчи пўстлоқ** – поядаги марказий цилиндр (ўзак, ёғочлик) ва эпидермис орасидаги илдизда марказий цилиндр ва ризодерма орасидаги қисм.

**Бирламчи ризоид** – базал хужайранинг асосидан бошланадиган ўсимликни ўзак қисмини давомидек қисми.

**Бирламчи склеренхима** – асосий тўқиманинг (бирламчи луб толалари, перициклик тола) склеренхима хужайраларининг боғламлари ёхуд склеренхима тўқимасининг яхлит цилиндридан иборат ҳамда ўтказувчи боғламларнинг склеренхималари.

**Бирламчи соф маҳсулот** – бирламчи умумий маҳсулотдан автотроф ўсимликларни нафас олиши ва ценобионтдаги бошқалар (гетеротрофлар) фойдаланганидан қолгани.

**Бирламчи сукцессия** – қуруқ ерни ўсимликлар билан қопланишининг бошланиши.

**Бирламчи тузилишли поя** – бирламчи меристема фаолияти натижасида ҳосил бўлгани.

**Бирламчи тўқималар** – ўсимликларнинг ўсиш нуқталарида бирламчи меристема – дерматоген, периблемалар ва плеромалардан ҳосил бўладиган тўқималар. Эпидермис ва ўсимликнинг марказий (ўзак) қисми бирламчи тўқима ҳисобланади.

**Бирламчи умумий маҳсулот** – фотосинтезда ценоэкосистемага киритилган органик модданинг умумий миқдори.

**Бирламчи ўзак нур** – пояда прокамбиал тортма ва коллатериал ўтказувчи боғламлар ўртасидаги паренхима.

**Бирламчи флоэма** – прокамбийнинг бирламчи ўсиши ва табақалашувидан юзага келадиган флоэма; протофлоэма ва метафлоэманинг биргаликдагиси.

**Бирламчи флоэма толаси** – марказий цилиндрининг ташқи томонида жойлашган ва бирламчи флоэмадан ҳосил бўладиган протофлоэмадаги тола.

**Бирламчи халтачалилар** – *Ascomycetes* синфидан *Endomycetales* тартибига мансуб замбуруғлар. Меватаналарни ҳосил қилмайди, халтачалари бевосита мицеллийда ҳосил бўлади, оидиялар ва куртакланиш билан ҳам кўпаяди. Қандли озиқли мухит сапротрофлари. Улар орасида 300 га яқин турлардан иборат *Saccharomycetaceae* оиласи энг муҳими ҳисобланади.

**Бирламчи япроқ** – қ. протофилл.

**Бир негизли авлод** - чиқиб келиши бир негиздан бошланган организмлар.

**Бируйлилиқ** – эркак ва урғочи гаметаларни битта организм ёки колонияда ривожланиши.

**Бир уйли мохлар** – антеридий ва оогонийси битта ўсимликда бўлган мохлар.

**Бир уйли ўсимликлар** – бир жинсли, уруғчили ва чангчили гуллари бўлган ўсимликлар.

**Бирчоклилар** (*Monoraphinales*) – хужайралари биттадан субстратга пастки палласи билан ёки шиллиқ банд билан бирикадиган, қисман тасма колония

ҳосил қиладиган, соғути таёқчадек ёки эгилган сувўтлар (*Bacillariophyta*, *Pennatophyceae*) тартиби.

**Бир қаторли нурли боғлам** – иккиламчи ўтказувчи тўқималардаги эни бир хужайрага тенг келадиган нурли боғлам.

**Бир қилчали бактериялар** - Фақат битта қилчали бактериялар.

**Бисимметрик (орган), тенг иккиёқлама (орган)** - Бирор қисмидан фақат иккита тўғри чизик ўтказиш мумкин бўлган орган.

**Биспора** – қизил сувўтлардан *Corallinaceae* оиласига мансуб сувўтлардаги бир жуфт спора.

**Биспора ва полиспоралар** – қизил сувўтларнинг ҳаракатланмайдиган споралари.

**Битегмал уруғкуртак** – кўш интегументли уруғкуртак.

**Бифациал барглар, икки юзлама барглар** - томонлари бир-биридан фарқ қилувчи барглар.

**Бифациал япроқ** – ўсимликнинг бошланишида икки томонидан яссиланган япроқ.

**Бифациал япроқ** – япроқни юза ва остки томонларининг ташқи кўринишини икки хил бўлиши. Бир томони устунсимон тўқимали, иккинчи томони ғовак тўқимали япроқ.

**Бичиш (кастрация)** - она сифатида олинган ўсимликнинг гулидаги чангдонларни териб олиш (юлиб ташлаш).

**Бластема (юн. *blastema*)** - тирик тўқиманинг қайта тиклана оладиган қисми.

**Бластодиниялар (*Blastodinales*)** – денгиз ҳайвонлари: қискичбақасимонлар, қанотоёқли моллюскалар, халқали чувалчанглар, пардалиларнинг тана қоплами, ички бўшлиғида тарқалган сувўтлар (*Dinophyta*, *Dinophyceae*) тартиби.

**Блефаропласт** - зооспора ва ҳаракатчан гаметаларда, йўсинтоифа ва қирққулоқ тоифа ўсимликларнинг сперматозоидларида қилчалар (тукчалар) ўсиб чиқадиган қисм.

**Богхед** - сувўтлардан ҳосил бўлган сапропелли кўмирларнинг бир тури.

**Богхедлар** – континентал сув ҳавзаларда карбон даврида кўк-яшил сувўтларни оммавий равишда ривожланишидан ҳосил бўлган гумус-сапропелли кўмирлар.

**Бодён (*Pimpinella*)** - соябонгулдошларга мансуб бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Тўпгули мураккаб соябон кўринишида. Меваси ён томонидан қисилган, тухумсимон ва икки уруғлидир.

**Бодиёни руми (*Conium maculatum* L.)** – соябонгулдошлар оиласига мансуб адирда ўсадиган, доривор икки йиллик ўт.

**Бодом (*Amygdalus*)** - раънодошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Экма ўсимлик сифатида оддий бодом (*A. communis*) тури (бўйи 6-8 м) экилади. Уқилдиз системаси анча чуқурликда жойлашади; барглари кетма-кет ва ланцетсимон; гуллари оқ ёки пуштиранг. Меваси данакли. Уруғи (мағизи) да амигдалин глюкозиди бор.

**Бодрезак, чингиз** (*Viburnum*) - шилвидошларга мансуб бута ёки дарахтчалар туркуми.

**Бозулбанг** (*Lagochilis inebrians* Vge.) – лабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Бойхалча** (*Leontice albertii* L.) – зиркдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган крахмалли, бир йиллик ўт.

**Бойчечак** (*Gagea*) - лоладошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Паст бўйли ва пиёзчали кўп йиллик ўтлардан иборат.

**Болаловчи ўсимликлар** - ўсимталари она ўсимликда пайдо бўлувчи ўсимликлар; гулларида уруғ ўрнида бевосита поячали ва вегетатив баргли ёш авлод ҳосил қилувчи наботий организмлар, ўсимликлар. Масалан, қўнғирбош.

**Болдирикажирик** (*Crypsis schoenoides* (L.) Lam.) – бошоқдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Болегус** (*Boletus bovinus*) - пўкакдошларга мансуб сарғиш-қизил қалпоқчали базидиали замбуруғ.

**Бол йиғиш, асалгир** - Асалариларнинг турли ўсимлик гулларида нектар ва чангларни йиғиб олиши ва шу орқали асал тўплаш жараёни.

**Болтирик** (*Cordaria repens* (Schrenk) Jaom.) – бутгулдошлар оиласига мансуб воҳалар, суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Болтирик, итсийгак** (*Anabasis aphylla*) - шўрадошларга мансуб кўп новдали кичикроқ чала бута ўсимлик. Барглари қипиқ шаклида, яхши тараққий этмаган: гуллари майда, сарғиш-пушти, бошоқсимон тўпгулларга йиғилган.

**Болут** (*Quercus ilex*) - қорақайиндошларга мансуб доим яшил йирик дарахт. Эманнинг бир тури, барглари тухумсимон, дарахтнинг юқорироқ қисмида яланғоч, пастроқ қисмида эса зич, тукдор.

**Болқин** (*Myricaria alopecuroiles* Schrenk.) – юлғундошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган бута.

**Болқурай** (*Derema microcarpa* Eug. Kor.) соябонгулдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган эфир мойли, кўп йиллик ўт.

**Бонитет** - дарахтларнинг ўсиш тезлигини билдирувчи кўрсаткич. Бундай кўрсаткичлар 5 классга бўлинади. Энг тез ўсувчи дарахтлар биринчи, ёмон ўсувчилари эса охириги классга киритилади. Бонитетнинг асосий кўрсаткичини аниқлаш учун маълум бир ёшдаги дарахтларнинг ўртача баландлиги ҳисоблаб чиқилади. Дарахтларнинг тез ва яхши ўсиши, одатда, шу дарахтлар ўсаётган жойнинг шароитига боғлиқ.

**Бореал ўсимликлар** – шимолий яримшарнинг мўътадил иқлимли муҳитда ўсадиган ўсимликлар гуруҳи.

**Боржоқ** (*Ephedra strobilaceae* Vge.) – зоғозадошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган доривор бута.

**Бороналаш, сихмолаш** - ерни ишлаш ва қишлоқ хўжалиги ўсимликларини парвариш қилишда қўлланиладиган усуллардан бири.

**Босволди** - эртапишар қовун навларидан бири. Тухумсимон, оғирлиги 7-8 кг. Сирти тилимланган, сариқ, баъзан оқиш-сарик; тилим чизиклари кўкимтир. Пўчоғи юпқароқ, эти калин, сершира; таркибида 8,6% гача канд бор.

**Босим** - ўсимлик организмидаги физиологик оғирлик таъсироти.

**Ботаника** (юн. *botanike*; лот. *botanica* - ўт, ўсимлик) - ўсимликлар ҳақидаги фанлар йиғиндиси. Бу фан ер юзидаги барча ўсимликлар дунё-сини, ўсимлик организмларининг яшаш ва тараққий қилиш қонуниятларини ҳамда уларнинг бу жараёндаги ўзаро алоқаларини, ташқи муҳитга нисбатан муносабатларини илмий жиҳатдан ўрганади.

**Ботаник география** – 1. Ўсимликларнинг ер юзида тарқалишини ўрганадиган фан. 2. Ўсимликлар оламининг Ер курраси бўйлаб тарқалиш қонуниятларини ўрганадиган биогеография фанининг тармоғи.

**Ботаника боғи** – тирик ўсимликлардан иборат катта коллекцияга эга бўлган илмий тадқиқот, ўқув, маданий-маърифий ишлар олиб бориладиган муассаса.

**Ботаника боғлари** - ўсимликлар ҳаётини бошқариб бориш ва уларнинг инсон эҳтиёжлари учун зарур янги шакллари юзага келтириш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб борувчи муассасалар.

**Ботридиялар** (*Botrydiales*) – хужайрасиз, сифон тузилишли, талломи пуфаксимон (*Botrydium*), ипсимон (*Vaucheria*) бириккан ёки бирикмаган сувўтлар (*Xanthophyta*, *Xanthophyceae*) тартиби.

**Ботрик гул** – моноподиал шохланган, улардаги охирги (энг тепасидаги) гул энг кейин очиладиган гул.

**Ботрик тўпгул** - моноподиал шохланадиган, учки гуллари кейин очиладиган тўпгул, гултўда. Бунга шода, бошоқ, сўта, соябон, каллак кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бунинг акси цимоз тўпгулдир.

**Ботриоптерислар** – папоротниклар бўлими, зигоптеридопсидлар синфининг тартиби.

**Ботқоқ ўсимликлари** - сернам ерларда, созларда ва ботқоқликларда ўсувчи ўсимликлар.

**Ботқоқ, соз** (*helo*) - кўп миқдорда намликни ўзига сингдирган майдон.

**Ботқоқлик ўсимликлари, гелофитлар** - балчиқ шароитда ўсишга мослашган ўсимликлар. Масалан, шоли, курмак, камиш ва бошқалар.

**Бош банд, асосий банд** - мураккаб баргнинг баргчалар ўрнашган умумий банди. Масалан, акация, айлант ва ёнғоқ каби дарахтларнинг мураккаб барглари бир қанча баргчалардан иборат.

**Бош илдиз, ўқ илдиз** - ўсимликнинг асосий илдизи. Ундан ён илдизлар ўсиб чиқади.

**Бошланғич ашё (ашё)** - янги навларни яратиш учун фойдаланиладиган ўсимликларнинг маданий ва ёввойи шакллари.

**Бош поя, асосий поя** - ўсимлик илдизидан тик ўсиб чиққан, бошқа поя ва навдаларга нисбатан йўғон ва узун бўлган поя.

**Бош, шингил** (*botrys*) - тўпмеваларнинг бир хили.

**Бошоқ** (лот. *spica*) - поя учидан ўсадиган тўпгул ёки тўпмеванинг бир хили.

**Бошоқча** (лот. *spicula*) - ғалла ўсимликларда бир қанча гулларнинг иккита кичик орасига жойлашувидан ҳосил бўлган бошоқча тўпгул.

**Бошоқлилар** (*Poales*) - гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Бошоқча қипиғи** - бир ёки бир неча гулли бошоқчани остки томонидан ўраб турувчи қипиқ.

**Бошоқчанинг остки қипиғи** (лот. *gluma* - бошоқча қипиғи) - бошоқчани ўраб турувчи икки қипиқнинг осткиси.

**Бошоқланиш** - бошоқли ғалла ўсимликларининг тараққиёт стадияси.

**Боялиш** (*Salsola arbuscula* Pall.) – тўрғайчўп (*Salsola (Climacoptera) brachiata* Pall.) – шўрадошлар оиласига мансуб чўл адирда ўсадиган ем-хашак, бир йиллик ўт.

**Боғламсимон камбий** – ўтказувчи боғлам ёки фасцикулада прокамбийдан ҳосил бўладиган камбий.

**Боғланган сув** – осмотик жиҳатидан ҳамда коллоид жиҳатидан боғланган сув.

**БПК** – организмларнинг кислородга бўлган талаби.

**Бразилия гевеяси** (*Hevea brasiliensis*) - сутламадошларга мансуб ўсимлик. Ундан энг сифатли каучук олинади.

**“Бразилия ёнғоғи”** – лецитадошлар оиласидан бертоллети ўсимлиги уруғининг халқ тилидаги номи; уруғидаги 75% гача бўлган мой қандолатчиликда фойдаланилади.

**Брактеоз тўпгул** – шакли ўзгарган, япроғи бўлган тўпгул.

**Брактея** – 1. Тўпгулдаги шакли анча ўзгарган япроқ 2. Қазилма қирқбўғинлар стробиласининг атрофини ўраб турган қисми.

**Брахи** ... – “қисқа”, “калта” маъноларини англатадиган қўшма сўзларнинг бўлаги.

**Брахибластлар** – очик уруғли ўсимликлар бўлими, нинабарглилар синфи-га мансублардаги калта новдалар.

**Брахибластлар, қисқа новдалар** - игнабарглиларнинг (масалан, қа-рағай дарахтининг) қисқарган новдалари. Бундай новдаларнинг баъзи дарахтларда (масалан, оддий қарағайда) иккитадан игнасимон, баъзиларида эса (масалан, кедр қарағайда) бештадан игнасимон барглари бўлади.

**Брахидактилия** - бармоқлар калталиги.

**Брахисклереид** – калта, ҳамма томонлари деярли бир хил узунликдаги паренхимага ўхшаш хужайра; тош хужайра.

**Бриелар** – мохлар бўлими бриопсидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Бриидлар** – мохлар бўлими бриопсидлар синфининг кенжа синфи.

**Бриобий** – мохлар юзасидаги ценопопуляция.

**Бриобионт** – мохлар орасидаги организм.

**Бриология** – мохларнинг тузилиши, ривожланиши, тарқалиши, аҳамияти кабиларни ўрганадиган ботаника фанининг тармоғи.

**Бриолог, йўсиншунос, мохшунос** (*bryolog*) - йўсинларни ўрганувчи мутахассис.

**Бриология, йўсиншунослик, мохшунослик** - ботаника фанининг мохларни (йўсинларни) ўрганувчи бўлими.

**Бриония** (*Bryonia*) - қовоқдошларга мансуб кўп йиллик илашувчи ўт ўсимликлар туркуми.

**Бриопсидлар** – мохлар бўлимнинг синфи.

**Бромелиялар** (*Bromeliales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Бромус, ялтирбош** (*Bromus*) - ғалладошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми.

**Брусника** (*Vaccinium vitis idaea*) - верескдошлар (эрекадошларга) мансуб паст бўйли (25 см ча) бута.

**Брюква** - шолғомга яқин бир тур. Крестгулдошларга мансуб икки йиллик сабзавот ўсимлиги.

**Буваки** - жайдари узум навларидан бири. Винобоп. Ғужуми йирик, оқ, пишганда сарғаяди.

**Бувардия** (*Bouvardia*) - рўяндошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Баъзилари 1 м гача ўсадиган буталардан, баъзиларн эса кўп йиллик ўтлар-дан иборат. Барглари қарама-карши ёки давра бўлиб, ўрнашган, гули оқ, сариқ ва баъзан қизил бўлиб, новдалари учигаги тўпгулларда жойлашади.

**Будра** (*Glechoma*) - лабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Бургача зубтурум** (*Plantago psyllium*) - зубтурумдошларга мансуб бир йиллик ўсимлик.

**Бузоқчирг** (*Andropogon ischaemum* L.) – бошоқдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Бузоқчирг, қорачайир** (*Andropogon ischaemum*) - Ғалладошларга мансуб илдизпояли кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Букик уруғмуртак** – нуцеллус билан қоплағичлари эгилиб қолган уруғмуртак.

**Буксбаумлар** – мохлар бўлими бриопсидлар синфи бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Булдурғун** (*Rubus iddeus* L.) – раънодошлар оиласига мансуб воҳаларда ўсадиган, меваси истеъмол қилинадиган бута.

**Булдуруқўт** (*Alisma plantago-aquatica* L.) – алисмадошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган, крахмалли, доривор, кўп йиллик ўт.

**Булъбилла, пиёзча** (*bulbillus*) - пиёз, саримсоқ кабиларнинг тўпгулида ва пиёзнамоларга мансуб бошқа ўсимликларнинг барг қўлтиғида ўсадиган майда пиёзчалар.

**Бунт -пахта ғарами** - пахта пунктлари ва заводларида чигитли пахтани бир неча ой сақлаш учун муайян шаклда ҳосил қилинган катта пахта уюми.

**Бурак** (*Beta vulgaris* sp. esculenta Gurke.) – шўрадошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Буралган чангчилар** – гулда бир-бири билан зич такалишиб турадиган чангчилар.

**Бурган** (*Artemisia anna* L.) – мураккабгулдошлар (қоқиўтдошлар) оиласига мансуб чўл, адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Буркун, қашқарбеда** (*Melilotus*) - дуккакдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар туркуми.

**Бурма тўпгул** (*лот. Bostryx*) - аниқ (симподиал) тўпгулнинг бир тури. Ўқи (поясининг учи) гул билан тугаб, ўз ёнидан бир гулпоя чиқаради. Бу гулпоя ҳам ўз навбатида якка гул билан тугаб, ёнидан яна бир гулпоя чиқаради. Шу тариқа бир неча бор шохланиш натижасида бурма тўпгул ҳосил бўлади.

**Бурмақора** (*Corydalis Severtzovii* Rgl.) – кўкноргулдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Бурманниялар** (*Burmanniales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Бурчаксимон колленхима** – пўсти бир қанча хужайралар қўшиладиган бурчакларида жуда қалин бўладиган колленхима.

**Бурчоқ** (*Lathyrus asiaticus* S. Kudr.) – 1) бурчоқдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб тоғда ўсадиган истеъмол қилинадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Бурчоқ** (*лот. Vicia*) - дуккакдошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми.

**Бурчоқлар** - капалакгулдошларга мансуб бир йиллик ўсимлик. У тўрт қиррали пояга, жуфт патсимон мураккаб баргларга эга. Гули оқ бўлиб, ўзидан (баъзан четдан) чангланади. Меваси узунроқ ва бир оз яссиланган юмалоқ дуккакдир. Ичида тўрттадан саккизтагача уруғ бўлади.

**Бурчоқ, боқла** (*Vicia faba, Faba vulgaris*) - капалакгулдошларга мансуб бир йиллик эрма ўсимлик. Пояси тўрт қиррали, тик, барглари жуфт патсимон мураккаб. Гуллари оқ, ўз-ўзидан чангланади (баъзан четдан ҳам чангланади). Мевалари (дуккаклари) яссироқ, 4-8 дона уруғлари бор. Бу уруғларда 24-30% гача оқсил бор.

**Бута** (*frutex*) – 1. Танаси ёғочланган паст бўйли ўсимлик. 2. Ёғочлашган, бўйи 3 метргача етадиган бир неча пояли ўсимлик.

**Бутача** (*fruticulus*) – 1. Барча шохлари ёғочланган кичик (паст бўйли 80-70 см дан паст) буталар. 2. Ёғочлашган, бўйи ярим метрдан ошмайдиган бир неча ўхшаш кўринишли пояли ўсимлик.

**Бутазор дашт** - оқ тикан, бодом, чўл олчаси, тубулға ракитник каби чўл буталаридан иборат чакалакзор.

**Буташ** - ток ва бошқа мевали дарахтларни кузда буташ ва кесиш.

**Бутилка дарахт** – бомбакдошлар оиласидан каваниллесия ёғочли, танаси бутилкасимон, асосининг диаметри бир неча метргача етадиган дарахт.

**Бутон** – ҳали очилиб улгурмаган гулкуртак.

**Бутен** (*Chaerophyllum bulbosum*) - соябонгулдошларга мансуб икки йиллик ўсимлик. Поясининг ичи ковак, қуйи қисми тугунакли. Барглари уч қарра патсимон. Асосан, ўрмон, бутазор ва экинзорларда (зиғир майдонларида бегона ўт ҳолида) ўсади.

**Буюрғун** (*Anabasis salsa* (СAM) Benth.) – шўрадошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Бўёқдор алканна, хужўба** (*Alcanna tinctoria*) - қ. Алканна.

**Бўёқдор ўсимликлар** - таркибидаги моддалардан турли-туман бўёқлар олинадиган ўсимликлар гуруҳи.

**Бўзноч** (*Dracoscephalum*) - лабгулдошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми.

**Бўзоч** (*Helichrysum arenarium* Moench.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб чўл, адирда ўсадиган кўп йиллик доривор ўт.

**Бўзочлар** (*Xeranthemum*) - қоқиўтдошларга (мураккабгулдошлар) мансуб ўсимликлар. Гул ва ўрама барглари очик тусда (кўпинча сарик). Бу тус барг қуриганда ҳам сақланади. Шунинг учун бу барглар мутлақо сўлимайдиган гуллардек кўринади.

**Бўзтикан** (*Sonchus arvensis* L.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб воҳаларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Бўзтикан** (*Cirsium arvense*) - қоқиўтдошларга (мураккабгулдошлар) мансуб кўп йиллик, баъзан икки йиллик ўтлар. Барги тиканли, гули саватча кўринишида, тиканли ўрамабарглар билан ўралган, найчасимон. Уруғларида ҳаво орқали тарқалишга мослашган патсимон қилчалар бор.

**Бўзчўп** (*Secale (Fragile) silvestris* Host.) – бошокдошлар оиласига мансуб кумли чўлда ўсадиган, ем-хашак бир йиллик ўт.

**Бўймадорон** – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб адир, тоғ, яйловда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Бўлим** (*divisionis*) – тузилиши ва ривожланишига кўра анча фарқланадиган синфларни бирлаштиради. Ўсимликлар оламини филогенетик ривожланишининг йўналишларидан бирига тўғри келади. Юксак ўсимликларда бўлимнинг номи – *phyta*, замбуруғларда – *muscota* билан ҳосил бўлади. Тубан ўсимликлар *Tallobionta*, юксак ўсимликлар *Embryobionta* га бирлаштирилади.

**Бўлинувчи хужайра** - бўлиниш натижасида ёш хужайралар ҳосил қилувчи она хужайра.

**Бўкиш, бўртиш** (*protuberans - бўртувчи*) - уруғнинг униш олдидан намни шимиб бўртиши.

**Бўр даври ўсимликлари** (*plantae cretaceae*) - Бўр даврида яшаб, сўнг йўқолиб кетган ўсимликлар.

**Бўр даври, бўр системаси** - ер тарихидаги мезозой эранинг учинчи (охирги) даври. У юра давридан сўнг ва кайнозой эранинг палеоген давридан олдин ҳукм сурган.

**Бўригул** (*Vinca erecte* Rgl. et Schmalh.) – кендрдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган, доривор, кўп йиллик доим яшил ўтлар туркуми. Гуллари ҳаво ранг ва йирик.

**Бўрикалла** - эртапишар қовун навларидан бири. Шакли думалоқ, пўсти қаттиқ, ола-була, холдор, банд томони яшилроқ, уч томони эса сар-ғиш-яшил. Сиртида сийрақроқ тўри ҳам бор. Эти оқиш-яшил, мулойим, жуда ширин.

**Бўритароқ** (*Aibiscus trionum* L.) – гулхайридошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Бўритикон** (*Acanthophyllum korolkovii* Rgl.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Бўртик** (*Struma*) – 1. Ўсимлик органларидаги (барги, меваси ва уруғларидаги) бўртиб чиққан ўсимталар. 2. Мева ва гулбаргларда ҳосил бўладиган бўртиклар.



**Бўтакўз** (*Centaurea depressa* M.B.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Бўғим оралиғи** (*internodium*) - поянинг бир бўғимдан иккинчи бўғимгача бўлган қисми. Баъзан барглар бир-бирига жуда яқин жойлашган бўлиб (масалан, қоқи, дастаргул кабиларнинг ёпирмаларида), улар орасидаги поя қисми (бўғим оралиғи) деярли кўринмайди. Барглар бўғимлардан ўсиб чиқади, лекин бўғим оралиғи баргсиз бўлади.

**Бўғимсиз** (*lom. inarticulatis*) - тана, мева ва бошқа органларнинг бўғим ҳосил қилмай текис ўсиши.

**Бўғимсиз сутдон** – одатда кўп ядроли битта хужайрадан иборат оддий сутдон.

**Бўғин** – поянинг битта ёки бир неча барг бирикадиган, анатомия жиҳатидан бошқасидан кескин фарқланадиган қисми.

**Бўғин, оилача** (*lom. geniculum - бўғин*) - бир-бирига яқин туркумларни ўз ичига олган систематик категория, таксон.

**Бўғинлар галланишининг гетероморф хили** - морфологик жиҳатдан турлича бўлган бўғинларнинг (насларнинг) ўзаро алмаши-нуви. Улардан бирида (масалан, қиркқулоқсимонларда) эса спорофит кўп бўлади.

**Бўғинлар галланишининг изоморф хили** - ташқи кўриниши бир-бирига ўхшаш, лекин физиологик ва цитологик жиҳатдан фарқ қилувчи жинсий ва жинсиз насларнинг ўзаро галланиши. Бу ходиса яшил, кўнғир ва қизил сувўтларда кўринади.

## В

**Вагинула** – антоцерат мохлардаги колонка чиқадиган найсимон ўсимта.

**Вазицентрик ёғоч паренхима** - заранг, шумтол каби дарахтларнинг ўтказувчи найчалари атрофида жойлашган паренхима хужайралари.

**Вазипетрик паратрахеал паренхима** – иккиламчи ксилемадаги марказий паренхима.

**Вайда** – 1. Бутгулдошлар оиласига мансуб исатус ўсимлиги 2. Бир, икки, кўп йиллик яхлит япроқли ўтлар 3. Меваси бир уруғли чўзиқ кўзоқ.

**Вайя** – 1. Айрим папоротниклар япроғининг бошқача номи 2. Папоротниклар баргларининг эски адабиётлардаги атамаси.

**Вайя, қиркқулоқ барги** (*lom. frons*) - қиркқулоқ барглари. Куртақда спиралсимон ўралиб жойлашган бўлиб, унинг ички қисмидан ўса бошлайди. Шакли патсимон ажралган, ясси шохчага ўхшайди.

**Вакуоль** - бир хужайрали ёки кўп хужайрали ўсимлик организмлари хужайраларидаги кавак. Ўсимлик вакуоллари, одатда рангсиз ёки рангли хужайра ширалари билан тўлган бўлади. Ўсимлик вакуолларининг хужайра ширасидаги эриган моддалар (қанд, полисахарид, алкалоидлар, ошловчи моддалар, пигментлар, баъзи анорганик тузлар ва бошқалар) осмотик босим таъсирида хужайраларга озик моддалари ва сувнинг боришини таъминлайди ҳамда хужайралар билан тўқималарнинг механик кучайишини (тургор ходисасини) юзага келтиради.

**Вакуолланиш** – вакуоланинг ҳужайра онтогенезида шаклланиши.

**Вакуом** – 1. Ўсимликнинг ёш ҳужайраларидаги ариқча ва пуфакчалар ҳолидаги вакуолалар гуруҳи. 2. Қавақчасиз бўлган ёш ҳужайраларда кейинроқ юзага келадиган бир қанча майда қавақчалар. Ҳужайранинг қариши билан унинг плазмаси тортишиб, парда бўйлаб жойлашади. Натижада унинг ўртаси бир бутун қавақчага айланади.

**Вакуум-инфилтрлаш** - ўсимлик тўқималарига баъзи эритмаларни киритиш усули. Бунда ўсимликнинг текширилаётган қисми эритмага солинади, натижада ҳужайралар орасидаги ҳаво чиқиб кетади. Шундан сўнг тўқима найчасига яна ҳаво киритилади. Бу янги ҳаво найчалар ичига кириб қолган эритмани сиқиб, ҳужайра ораликларига йўналтиради. Бу усул кўпроқ ферментларнинг тирик ҳужайралардаги ишини ўрганиш учун қўлланилади.

**Валериана, маун** (*Valeriana*) - валерианадошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Валерианелла** (*Valerianella*) - валерианадошларга мансуб туркум.

**Валерианадошлар** (*Valerianaceae*) - Ёпиқ уруғлилариинг икки уруғ паллали ва туташтожли ўсимликлар оиласи. Доривор валериана (*V. officinalis*) тури 60-150 см гача ўсади (қ. Валериана). Барги патсимон тоқ, икки жинсли, майда гуллари йирик тўпгулларга жойлашган.

**Валик, ўсимта** - уруғдан ўсиб чиқадиган чўзиқ ўсимта.

**Валлекула** – қирқбўғимлар поясида дастлаб сув, кейин ҳаво билан тўладиган ҳужайралар.

**Валлекуляр бўшлиқ** – қирқбўғимларнинг бирламчи пўстлоғини ички қисмидаги дастлаб сув кейин ҳаво билан тўлган бўшлиқ.

**Ванилин** - ванил ўсимлигининг мевалари таркибида (1,5-3%) глюкоза ҳолида учрайдиган органик бирикма.

**Ваниль** - орхисдошларга мансуб ўсимлик. Барглари қалин ва оч кўк гулли лиана (тропик печак) дир.

**Вант-Гофф қондаси** – ҳароратнинг ортиши билан К реакциясини экспоненциал тарзда ортиши. Ҳарорат 10<sup>0</sup>С га ортганда:

$$\ln \frac{K_2}{K_1} = \frac{10}{T_2 - T_1}$$

$T_2 - T_1$  – ҳароратдаги фарқ интервали;  $K_2 - K_1$  – реакция тезлиги;  $Q$  – ферментатив реакцияларнинг кўпчилиги учун 1,4-2,0 физик жараёнлар учун 1,03-1,3 га тенг.

**Вариация** (лот. *Variatio-ўзгариш*) – 1. Ўсимлик авлодларида даврлар ўтиши билан юзага келадиган ўзгаришлар. 2. Белгининг (геннинг) сифат ёки миқдор жиҳатидан ўзгариши.

**Варион** – тур ичидаги фенотипик хилма-хил классификациядан ажралган асосий таксон.

**Васкуляр** (*Vascularis*) - ўтказувчи найлар тўдаси жойлашган қатлам.

**Вахта** - зах жойларда ва сув бўйларида ўсувчи ўсимлик.

**Вегетатив дурагайлаш, жинссиз дурагайлаш** - И. В. Мичурин ихтиро қилган дурагайлаш усулларидан бири. Бунда ўсимликларнинг маълум навлари ёки турлари пайванд қилиниб, улардан янги нав етиштирилади.

**Вегетатив-генератив куртак** – вегетатив метамерлари бўлган, ўсиш конуси муртак гул ёки тўпгулга айланган куртак.

**Вегетатив гибридлар, вегетатив дурагайлар** - нави, тури ва туркуми турлича бўлган ўсимликларнинг айрим бўлақларини ўзаро бир-бирига улаш натижасида юзага келтириладиган янги бир ўсимлик шакли.

**Вегетатив куртаклар** - ўсиб новдага айланувчи куртаклар.

**Вегетатив кўпайиш** - жинссиз кўпайиш шаклларида бири. Бундай кўпайиш шакли бир ўсимликдан бир организмнинг юзага келиши билан изоҳланади. Бундай жараён барча ўсимликларга хос. Бир хужайрали ўсимликларда жинсий бўлиниш куртакланиш усулига нисбатан кўпроқ бўлади. Кўп хужайрали тубан ўсимликларда тананинг регенерацияга учрайдиган бир неча бўлимларга бўлиниб кетиши ёки юксак ўсимликларда, илдизпоя, бачки, пиёзтуғунак кабиларнинг юзага келиши туфайли шундай жараён рўй беради.

**Вегетатив кўпайиш** – сувўтларда вегетатив кўпайиш оддий иккига бўлиниш, қайта ва кўп марта бўлиниш, куртак ҳосил қилиш, кўп хужайрали талломнинг ўсиши (колонияни ҳам), талломнинг бўлақларга бўлиниши ҳамда новда, столон, параспоралар, туганаклар, акинеталар ҳосил қилиш билан амалга ошириши билан кўпайиш.

**Вегетатив органлар** - ўсимликнинг ҳаёти учун хизмат қилувчи органлар. Буларга озиқланувчи, озиқ моддаларини сақловчи ва ҳаракатга келтирувчи органлар киради.

**Вегетатив яқинлаштириш, жинссиз яқинлаштириш** - бир-биридан узоқ турларни чатиштириш учун яқинлаштириш.

**Вегетатив хужайра** (*лот. vegetativus - ҳаётмуй*) - ўсимликлардаги жинс-сий (қ. Генератив) хужайралардан бошқа хужайралар. Чанг хужайра ривожланиб, очиқ уруғлиларда уч, ёпиқ уруғлиларда эса икки хужайрали гаметофитга айланади. Шулардан бири жинсий, қолганлари эса вегетатив хужайралар деб аталади.

**Вегетатив чанг хужайраси, чангнинг ўсувчи хужайраси** (*лот. vegetatio - ўсиш*) - чангланиш жараёнида ўзидан генератив хужайра учун йўл бўлиб хизмат қилувчи найча ҳосил қиладиган чанг хужайра.

**Вегетацион уя, вегетацион катак** - ўсимликларда турли тажрибалар ўтказиш учун хизмат қилувчи ойнавандлик хонача, катак.

**Вегетацион метод** - ўсимликларни ойнадан ясалган махсус вегетацион катакларда (уяларда) ўстириш ҳамда шу жараён давомида уларни физиологик ва агрокимёвий нуқтаи назардан текшириш методи.

**Вегетацион давр, вегетация даври** - йилнинг ўсимлик ўсиб ривож топадиган даври ёки фасли.

**Вегетация** - ўсимликнинг ҳаёти, ўсиши.

**Вегетация даври** – 1. Ўсимликнинг ўсиш, ривожланиш даври 2. Ўсимликнинг уруғ ёки мева ҳосил қилгунгача тўлиқ ривожланиши учун ўтадиган даври 3. Қишлоқ хўжалигида экин экилганидан кейин ўрилгунча ўтган даври.

**Вегетация цикли** – организмнинг бир йил давомидаги ҳаётий даври.

**Веймут қарағайи** (*Pinus strobus*) - қарағайдошларга мансуб тез ўсар, баланд бўйли (50 м, баъзан ундан ҳам баландроқ) ва хушқомат дарахт.

**Вейсманизм** - биологиядаги ирсий масалаларни талқин қилувчи оқимлардан бири.

**Везикуляр комплекс** – диатом сувўтларнинг кўпчилигини плазмолеммаси ва диктиосома орасидаги кўплаб турлича ўлчамдаги ва катталиклардаги пуфакчалар, улар одатда қариётган хужайраларда учрайди.

**Вектор** - автоном репликацияланувчи плазмида, бактериофаг. Вектор ёт ДНК ёки РНКни ўзига бириктириб репликацияланади.

**Вектор конструкция** - бирор аҳамиятга эга ДНК бўлаги киритилган плазмид, вирус ёки кўчиб юрувчи генетик элементлар ДНК молекуласи.

**Веламен** – ҳаво илдизларидаги тигиз жойлашган, ўлик хужайралардан иборат, мустақамлик берувчи ва бирламчи пўстлоқдан сув буғлатишни камайтирадиган мураккаб эпидерма.

**Велум** – 1. Диатом сувўтларнинг палласидаги тирқишларни бекитадиган тешикли қумтош парда. *Centrophyceae* синфида муҳим таксономик белги 2. Папоротникларнинг изоэтопсидлар синфи ўсимликларидан айримларида спорангийни қоплаб турадиган парда.

**Вельвичиядошлар** (*Welwitschiaceae* ёки *Tumboceae*) - яланғоч уруғтоифа ўсимликларнинг *Welwitschiales* қабиласига мансуб оила.

**Вельвичия** - вельвичиядошларга мансуб очиқ уруғли ўсимлик. Морфологияси ва биологияси жиҳатидан дунёдаги энг ажойиб ўсимликлардан бири ҳисобланади.

**Вербена** (*Verbena*) - тизмагулдошларга мансуб бир йиллик, баъзан кўп йиллик ўт ва чала буталар туркуми.

**Вербенадошлар, тизмагулдошлар** (*Verbenaceae*) - икки уруғ паллали ва туташ - тожли ўсимликлар оиласи. Бу оила ўт, бута, лиана (тропик печак) ва баъзан дарахт шаклидаги ўсимликларни ўз ичига олади.

**Вертикал паренхима** – иккиламчи ўтказувчи тўқималарнинг ўрта қисмидаги паренхима хужайралар.

**Вертикал зона, тиккалашувчи зона** - тоғли минтақаларда пастдан юқорилашган сари иқлим, тупроқ шароитининг, ўсимликнинг ўзгариб бориши туфайли юзага келадиган ҳудудлар.

**Ветиверия** (*Vetiveria zizanoides*) - юксак ўсимликларга мансуб эфир мойли (ҳидли) ўсимлик.

**Вибрионлар** - спиралсимон букилган чўпча шаклидаги бактериялар. Бу бактериялар *vibrio* туркумига киради. Анча ҳаракатчан, лекин споралар ҳосил қилмайди.

**Вивипария** – 1. Барг қўлтиғи, тўпгул ёки япроқ устида ҳосил бўлиб тўқилганидан кейин ёш ўсимлик ҳосил қиладиган поябаргли ҳосила 2. Бамбукдошларнинг эндоспермсиз уруғининг мева ичида бўлиши.

**Вивотоксинлар** – текинхўр ҳаёт кечириб, сапрофит ҳолида патоген томонидан ажраладиган токсинлар.

**Викариат** - биогеографияда географик ёки экологик жиҳатдан бир-бирининг ўрнини босувчи организмларни изоҳлаш учун қўлланиладиган атама. Кўпроқ бирор турга оид турчага нисбатан ёки туркумга оид турга нисбатан ишлатилади.

**Викаризм** (*vicarismus*; лат. *vicarius* - ўринбосар) - бир-бирига якин турларнинг ёки шу тур вариантларининг ўзгача ареалларга эга бўлиши ёки уларнинг бир ареал ичида турли экологик шароитларни эгаллаши.

**Викар турлар, ўринбосар турлар** (лат. *species vicaria*) - морфологик жиҳатдан жуда ўхшаш, ареали бошқа-бошқа минтақаларда (баъзан эса бир ареалнинг турли экологик шароитларида) жойлашган ўсимлик тури.

**Виктория-регия** (*Victoria regia*) - нилуфардошларга мансуб кўп йиллик ўсимлик. Баргининг четлари юқорига қараб букилган, йирик, диа-метри 2 м келадиган айлана шаклида. Усти кўк, ости қизғиш бўлган бу баргларнинг сувга ботган томонида 5 см калинликдаги томирлар ва қаттиқ тиканлар ўсади.

**Вильт** (англ. *wilt, to wilt* - сўлиш) - ўсимликларда бактерия, замбуруғ ва вируслар таъсирида юзага келадиган касаллик. Ўсимликнинг томир системасини шикастлайди. Бу касаллик кўпроқ картошка, жўхори, ғўза, зиғир, кунгабоқар, карам, ловия, тамаки, малина ва кўпгина хушманзара ўсимликларда учрайди.

**Вильт** – ўсимликнинг сувсизланиши натижасида сўлиши.

**Винодор пальма** (*Euphia vinifera*) - 1. Ғарбий Африка ўрмонларида ҳамда тропик Американинг Шарқий соҳилларида ўсадиган пальма. Танасининг бўйи 3 м та, шу тана бошида жойлашган патсимон барглар 15 м га етади. Ёш тўпгуллари кесилганда поясидан серқанд шира чиқади. Бу ширадан эса пальма виноси тайёрланади. 2. Бразилияда ўсувчи баланд бўйли (50 м гача) ва елпиғич баргли пальма (*Mauritia vinifera*). Унинг ширасидан ҳам вино тайёрланади. Меваси ейилади.

**Виолаксантин** – *Viola tricolor* ўсимлиги гулининг тожбаргларида ажратилган каротиноидларга мансуб сариқ пигмент.

**Випинизм** – ёнма-ён ривожланган ўсимликларнинг ўзаро чангланиши.

**Виргинил давр** – ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишида уруғ униб чиқишидан биринчи марта гуллагунгача бўлган даври.

**Виргиния ертути, виргиния қулупнайи** (*Fragaria virginiana*) - Америка қитъасидан тарқалган йирик мевали ертут (қулупнай). Унинг Чили ертути (*F. chiloensis*) билан чатиштириб олинган гибриди ҳозирги экма ертутларнинг дастлабки шакли ҳисобланади.

**Вир кишмиши** - кишмишнинг майизбоп нави. Гули икки жинсли. Гужуми (меvasи) сариқ, сал чўзикроқ, думалоқ.

**Вирулент фаг** - бактерия ҳалок бўлиши ёки ўлмаслигига таъсир этувчи бактериофаг.

**Вируслар** (лат. *virus* - заҳар) – 1. Фақат ультрамикроскопдагина кўринадиган энг майда тирик мавжудотлар. 2. Бактериофаглар - ҳаётнинг хужайрасиз шакллари.

**Витализация, жонланиш** - ўлим ҳолатига яқинлашган бирор организмни жонлантириш.

**Витализм** - ҳаётий жараёнларни моддий бўлмаган «ҳаётий кучлар» ҳаракати билан тушунтиришга интиладиган идеалистик таълимот.

**Витамин** (лот. *vita* - ҳаёт) - одам ва ҳайвон учун кам миқдорда зарур бўлган органик моддалар. Улар биокимёвий реакцияларнинг катализаторлари ҳисобланади.

**Витаминдор ўсимликлар** - турли органларида витаминлар бўлган ўсимликлар. Бундай ўсимликлар витамин олиш саноатида ёки витаминлаштирилган озиқларда ишлатилади.

**Волва** – соябонсимон замбуруғларда (*Agaricales*) “оёқча”нинг пастидаги ёпқич.

**Вольвокс** (*Volvox*) - тубан ўсимликларнинг чин яшил сувўтларга мансуб туркуми. Диаметри қарийб 3 мм келадиган юмалоқ шаклдаги бу ўсимликлар қилчалар ёрдамида ҳаракатланади.

**Вольвокслар** (*Volvocineae*) – колонияли, кўп ҳолларда ценобийли турлича шакл ва тузилишли *Chlamydomonadinea* мос келадиган, ҳар бир ҳужайрасида 2-4 хивчинли сувўтлар (*Chlorophyta*, *Chlorophyceae*) кенжа тартиби.

**Волькамерия** (*Volcameria*) - тизмагулдошлар (вербенадошлар) нинг клеродендрон туркумига мансуб хушманзара ўсимликлар. Барглари қарама-қарши ёки давра бўлиб жойлашган, тўпгуллари рўвак шаклида, ҳиди хушбўй.

**Волютин** – *Cyanophyta* ҳужайраларидаги полифосфат доналар.

**Вошерияксантин** – сариқ-яшил сувўтлар ҳужайраларидаги асосий ксантофилл пигмент.

**Вязель** (*Conorilla varia*) - бурчоқдошларга (дуккакдошларга) мансуб ўт ёки бута ўсимлик.

## Г

**Габитус, қиёфа** (лот. *habitus*) - ўсимлик организмнинг ташқи кўриниши.

**Гидатод, сувчи тешикча** - организмдаги ортиқча сувни буғлатишга мослашган тешикчалар.

**Гадром** (юн. *gadrom* - мустаҳкам, йўгон) – 1. Найларни, трахеидларни ва улар билан ёндош паренхима ҳужайраларни ўз ичига оладиган ўтказувчи тўдаларнинг бир қисми. 2. Трахеал элементлар ва улар билан боғлиқ ксилема тўқимасининг паренхима ҳужайралари.

**Гажак тўпгул, симподиал тўпгул** (лот. *cincinnus*, *spira*) - бир томонга қайрилган гажаксимон тўпгул. Кампирчопондошлар оиласига мансуб кўпчилик ўсимликларнинг тўпгули шундай тузилишга эга.

**Газандалар** (*Urticales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Hamamelididae* кенжа синфининг тартиби.

**Газанда** (*Urtica dioica* L.) – газандадошлар оиласига мансуб воҳа, чўл, адирда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Газакўтлар** (*Gentinales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Asteridae* кенжа синфининг тартиби.

**Газакўт** (*Gentiana olivieri* Gris.) – газакўтдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Газакўт, генциана** (лот. *Gentiana*) - эрбаҳодошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, чалабута ўсимликлар туркуми. Барглари бандсиз ва қарама-қарши жойлашган, шоналари туташтожбаргли кўнғироксимон, кўк ёки ҳаво ранг, баъзан сариқ.

**Газакўтдошлар, эрбаҳодошлар** (*Gentianaceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб туташ тожбаргли ўсимликлар оиласи. Барглари қарама-қарши ўсадиган ёнбаргсиз бундай ўтларнинг гули йирик, очиқ тусли. Тугунчаси 1-2 чаноқли (хонали); меваси - кўсакча.

**Газга чидамлилик** – атмосфера ҳавосидаги водород сульфид, углерод, олтингугурт, азот кабилар оксидларининг миқдорини ортиқча концентрациясига ўсимликларнинг чидамлилиги.

**Газлар алмашинуви** - организм ва ташқи муҳит ўртасидаги ҳаво алмашинуви жараёни.

**Газли вакуола** – кўк-яшил сувўтларнинг кўпчилигини хужайрасидаги ёруғлик микроскопи орқали кўринадиган қизил, тўққизил, қорамтир юмалоқ ёки ноаниқ шаклдаги, электрон микроскопда бир қанча таёқчалардан иборат газли пуфакчалар, улар сувўт хужайрасининг сувда чўкмаслигини таъминлайди.

**Галактоза** - оддий қандлардан иборат органик модда. Ўсимлик организмда учрайди.

**Галла** – 1. Ўсимликларни асосан пояси ва баргларида ҳашаротлар ва бошқа майда умуртқасиз ҳайвонлар яшайдиган турлича шакллардаги, майин тукли, кийгизсимон ғуборга ўхшаб кетадиган тузулмалар 2. *Chytridiomycetes* синфига мансуб замбуруғлардан *Synchytrium* туркумининг хўжайин ўсимлик япроғи, барг банди, поясида ҳосил қилган кичик қора ёки жигарранг тусли ўсимта.

**Галобионтлар** – сувдаги минерал тузларнинг миқдори 285 г/литрга, ош тузи 347 г/л бўлган глаубер кўлларидаги сувўтлар.

**Галомезофитлар** – унча шўрланмаган тупроқлар ўсимликлари.

**Галоппсаммофитлар** – шўрланган қумликларда ўсадиган ўсимликлар.

**Галофитлар** – туз миқдори юқори бўлган шароитга мослашган ўсимликлар. *Chenopodiaceae*, *Plumbaginaceae*, *Frankeniaceae*, *Tamaricaceae* оилаларининг ўсимликлари галофитлар ҳисобланади.

**Галофитлар** - чўл ва саҳроларда, даштларда, дарё водийлари ва денгиз соҳилларидаги шўрхок ерларда ўсувчи ўсимликлар.

**Галофоб** – туз миқдори 0,5% дан ортиқ бўлмаган сувда ўса оладиган ўсимлик (сувўт).

**Галмейн ўсимлик** – рух элементига бой тупроқда ўсадиган ўсимлик.

**Гальванотропизм** – қ. электротропизм.

**Гамамелислар** (*Hamamelidales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи *Hamamelididae* кенжа синфининг тартиби.

**Гамета** — 1. Генератив жинсий хужайра. 2. Етилган жинсий хужайра (эркак гаметаси, урғочи гамета). 3. Кўпайиш учун хизмат қиладиган, жинсий

жараёнда иштирок этадиган, гаплоид хромосомалар тўпламли хужайра. Сувўтларда жинсий жараёни амалга оширадиган махсус хужайра, яшил сувўтларнинг *Conjugatophyceae* ва қизил сувўтлардан ташқари барча сувўтларда эркак гамета доимо хивчинли, урғочи гамета доимо хивчинли бўлмаслиги мумкин.

**Гаметалар** - ўсимлик организмидаги эркак ва урғочи жинсий хужайралар. Турли жинсларда турли кўринишга эга. Масалан, урғочи жинсий хужайра (макрогамета) анча йирик, лекин ҳаракатсиз, эркак хужайра (микрогамета) эса ҳаракатчандир. Кўпчилик сувўтлар ва замбуруғларда ҳар иккала (эркак ва урғочи) хужайра ҳам ҳаракатчан бўлиб, улар ўзаро физиологик жиҳатдан (изогаметалар), баъзан эса катта-кичиклиги (гетерогаметалар) билан фарқ қилади. Ҳаракатчан эркак гаметалар антерозоидлар (сперматозоидлар) деб аталади.

**Гаметалар софлиги қонуни** - гаметаларга 2 та аллел генлардан биттасининг ўтиши, ўша гамета иккинчи аллелдан соф еканлигини таъкидловчи қонун. Иккинчи аллел мейоз натижасида бошқа гаметага ўтади.

**Гамета редукцияси** – гамета ҳосил бўлишида мейознинг рўй бериши.

**Гаметафит** - ўсимликларда жинсий хужайраларни ҳосил этувчи бўғин.

**Гаметангий, гаметадон, гаметачи** - ҳаракатчан гаметалар ҳосил қилувчи генератив хужайра.

**Гаметангий** – жинсий жараёни амалга оширадиган гаметаларнинг юзага келтирадигани. Содда тузилган сувўтларда у вегетатив хужайралардан мураккабларида махсус тузилмадан иборат.

**Гаметангий** – ўсимликларда эркак ва урғочи гаметалар ҳосил қиладиган бир ёки кўп хужайрали жинсий ҳосила.

**Гаметогамия** – гаметаларнинг ўзаро қўшилиши.

**Гаметогенез** - эркак ва урғочи гаметаларнинг (етилган жинсий хужайраларнинг) ҳосил бўлиш жараёни.

**Гаметоспорофит** – битта сувўтнинг зооспора ва гаметаларнинг ҳосил қилиши.

**Гаметофаза** – юксак ўсимликларнинг зиготадан ривожланиб, вегетация даврининг тугаётганида яна зигота ҳосил қилгунча ўтган даври.

**Гаметофит** – спора (зооспора) ва гаметалар ҳосил қиладиган ўсимлик, гаметоспорофит дейилса аниқроқ бўлади. Гаметоспорофитлик яшил (*Ulvaceae*, *Cladophoraceae*), кўнғир (*Ectocarpales*, *Chordariales*, *Sphacelariales*, *Punctariaceae*), қизил (*Bangiophyceae*, айрим *Nemaliales*) сувўтларига хос. *Laminaria japonica* Agresch. гаметофит бир хужайрали бўлади.

**Гаметофит** - гаметачи ўсимлик, гаметачи насл. У фақат кўпайишнинг наслий галланиш хилида икки фазанинг бири ҳисобланади. Бунинг акси спорофит бўлиб кўпайиш даврида гаметофит билан алмашинади. Гаметачи насл етилганда архегон (қ. архегоний) ва антерид (қ. антеридий) деб аталадиган гаметачи органлар ҳосил бўлади.

**Гаметофор, гаметадор** - гаметофитнинг жинсий органлар жойлашган қисми.



**Гаметик редукция** – ҳайвонлар оламига хос бўлсада, гаметанинг мейоз натижасида рўй бериши, талломнинг бошқа хужайралари диплоид ҳолда қолади. Бундай ҳолат диатом ва айрим (*Cyclosporophyceae*) кўнғир сувўтларга хос.

**Гаметогенез** – урғочи (оогенез) ҳамда эркак (сперматогенез) жинсий хужайраларининг (гаметалар) ривожланиш ва уларнинг шаклланиш жараёни.

**Гаметоспорофит** – сувўтларда гаметалар ва споралар ҳосил қиладиган индивид.

**Гаметофит** – ўсимликларнинг ривожланишида ҳар иккала авлодларни алмашинувидаги жинсий авлод, ўсимликнинг спорасидан зигота ривожлангунга қадар бўлган ҳаётининг босқич.

**Гаммада** - Африка саҳросидаги тошлоқ ерлар.

**Гандамия** (*Thermopsis dolichocarpa* V. Nik.) – дуккакдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган, доривор, кўп йиллик ўт.

**Гаолян, япон жўхориси** (*Sorghum chinense*) - ғалладошларга мансуб донли ўсимлик. Пояси 4 м га етади; тўпгули рўваксимон. Хитой, Япония, Корея, Узоқ Шарқ, Кавказ ва Жанубий Украинада экилади.

**Гапобактериялар. оддий бактериялар** - колония ташкил қилмай якка яшовчи бактериялар.

**Гапобионт** – 1. Хужайраси гаплоид хромосомли жинсий насл. 2. Ривожланиш даврида гаплоид ҳолат доминант ҳолда рўй берадиган организм.

**Гаплоид** - хромосомаларнинг бир хиссалик ( $n$ ) тўплами. Жинсий хужайраларда хромосомалар гаплоид, яъни соматик (тана хужайраларга  $2n$ ) нисбатан икки ҳисса кам бўлади.

**Гаплоид хромосомалар тўплами** - жинсий хужайраларда бўладиган барча хромосомалар тўплами ( $2n$ ).

**Гаплоид мағиз, оддий мағиз** - бўлинмайдиган хромосомли хужайра мағзи (қ. Кариокинез).

**Гаплоидия** - хромосомалар тўплами дастлабки микдорга нисбатан икки марта кам бўлиш жараёни. Бунинг натижасида ҳосил бўлган ўсимликлар гаплоидлар ёки маноплоидлар дейилади.

**Гаплогаметификациялар** – жигармоҳлар синфидан юнгерманниялар кенжа синфининг тартиби.

**Гаплогаметификация** – стеланинг энг қадимги ва содда тузилгани, у ксилема боғламидан иборат бўлиб, флоэма қавати билан ўралган.

**Гаплогаметификация** – қ. протогаметификация.

**Гаплогаметификация, оддий ўтказгич системаси** - ихчам цилиндр шаклидаги ксилемадан иборат протогаметификация (қ.). Ҳамма томони флоэма билан ўралган.

**Гаплогаметификация гул, якка доирали оталик гул** - Чангчилари фақат гул ичида бир доира бўлиб жойлашган гул.

**Гаплогаметификация** – ўсимликларнинг тоқ хромосоматик даври.

**Гаплогаметификация оғизча** – очик уруғли ўсимликлардаги қадимги ва энг содда типдаги оғизча.

**Гаплогаметификация** – йирик бута лишайникларда субстратга бирикиш учун хизмат қиладиган қўшимча қисм.

**Гаптералар, илдизсимон ўсимталар** - сувўтларда бирор субстратга ёпишиб ўсиш учун хизмат қилувчи ризоидлар ёки баъзи юксак ўсимликларда поядан ўсиб чикувчи сўрғичлар ва тутқич ўсимталар.

**Гаптогамета** – тилларанг сувўтларнинг учта турлича хивчини бўлган гаметаси.

**Гаптонема** – тилларанг сувўтларнинг айримларидаги хивчиндан ташқари олдинга йўналган узунлиги хивчинга тенг ёки калтароқ ўсимтаси.

**Гаптонема** – тилларанг сувўтлардаги 5-6 якка фибрилладан юзага келган йўғонлашган хивчин.

**Гаптотропизм** - чирмашиб ва ўралиб ўсувчи ўсимликлар учининг бирор предметга нисбатан бурилиши ёки айланиши.

**Гаптотропизмлар** – қ. тигмотропизмлар.

**Гардиш, лаппак** - гул остидаги ялпоқ гардиш; гулўрни устидаги лаппакча.

**Гарига** (*фр. garigue*) - паст бўйли доимо яшил буталар ва пакана пальмалар (пальмато - *Chamaerops humilis*) дан иборат ўсимликлар жамоаси. Булар ичида кўпроқ қайиш баргли эман (*Quercus coccifera*), тиканли дрок (*Genista scoparia*), дарахт сутлама (*Euphorbia dendroides*), писта (*Pistacia terebinthus*, *P. lentiscus*) ва бошқа шу кабилар тарқалган.

**Гармоник оптимум ҳарорат** - ўсимликнинг ўсиш жараёнини физиологик оптимум пайтидагига қараганда бир оз секинлаштирадиган ҳарорат. Бундай ҳароратда ўсимлик секин, лекин анча мустаҳкам бўлиб ўсади.

**Гарпиус** (*нем. harpius*) - қ. Қани

**Гастеромицетнамолар** (*Gasteromycetales*) - базидиалиларга мансуб замбуруғларнинг катта бир қабиласи. Танаси тугунаксимон. Етилган споралар тананинг емирилиши ёки қобиқнинг ажралиши туфайли ташқарига чиқади.

**Гастеротеций** – айрим лишайниклар талломидаги чўзиқ шаклли меватана.

**Гаустория** – замбуруғларнинг ўсимлик тўқимасини ичида бўлган қисми; тўқима ёки ҳужайранинг бошқа тўқима ёки ҳужайрасига кириб борувчи ва ундан моддаларни шимувчи қисми.

**Гваюла** (*Parthenium argentatum*) - мураккабгулдошларга (қокиўтдошлар) мансуб каучукдор кўп йиллик доим яшил бута.

**Гваяк дарахти** (*Guajacum*) - қўшбаргнамолар (туятовоннамолар) га мансуб доимо яшил дарахтлар туркуми.

**Гевея** (*Hevea brasiliensis*) - сутламадошларга мансуб каучукдор дарахт. Табиий каучук олишнинг асосий манбаларидан ҳисобланади. Гуллари бир уйли ва бир жинсли, майда, рўваксимон тўпгулларга йиғилган; меваси кўсакча кўринишида.

**Гейтоногамия** - бир тупга оид ўсимлик гулларининг ўзаро чангланиши ва оталаниши.

**Гейтеногамия** – битта ўсимликнинг ўзида гул чангланини гулдан гулга ўтиши билан чангланиши.

**Гексаплоид ҳужайра** – 1. Ҳужайрасида гаплоидга нисбатан 6 марта кўп микдорда хромосомалари бўлган ҳужайра. 2. Олти гаплоид хромосомли ҳужайралар.

**Гексозлар** (юн. *hex* —олти) - фотосинтез натижасида ўсимликларда ҳосил бўладиган, молекуласи олти углерод атомли моносахаридлар ( $C_6H_{12}O_6$ ). Масалан, глюкоза, фруктоза ва бошқалар.

**Гелидиялар** (*Gelidiales*) – талломи анча катта, ясси цилиндр ёки ясси, денгизларда қояли литоралда тарқалган сувўтлар (*Rhodophyta, Florideaphyceae*) синфи.

**Геликоидлар** – сувўт танасини субстратга бириктириб турадиган ҳосила, улар бармоқларидай ёпишиб туради.

**Гелиотроп, ғичмалос** (*Heliotropium*) - кампирчопондошларга мансуб бута, ярим бута ва ўтлар туркуми. Гуллари майда, гажакларга йиғилган, оқ ёки бинафша тусда. Меваси тўрт бўлакчи.

**Гелиофиллар** – меъёридаги фаолияти ва фотосинтез учун кўп ёруғлик талаб қиладиган сувўтлар. Уларга кўк-яшиллар ва яшил сувўтлар мансуб, ёзда сувнинг юзасида кўп ўсади.

**Гелиофоблар** – кам ёритилган жойларда ўсадиган сувўтлар, уларга диатомлар мисол бўлади.

**Гелопланктон** - оқмас сувларда учрайдиган планктонлар.

**Гелофит** – ботқоқлашган тупроқда ўсадиган ўсимлик.

**Гелиофитлар** – ёруғсевар ўсимликлар ҳисобланиб, қуёш ёруғлиги тўла тушиб туриши зарур, анча тўсилиб туришини хоҳламайди.

**Гелофитлар** – намлиги анча юқори бўлган сув ҳавзаларининг қирғоқларидаги ўсимликлар (*Sagittaria sagittifolia, Alisma plantago-aquatica, Butomus imbellatus*).

**Гематоксилин** - кампеш дарахти таркибидан олинадиган табиий бўёқ.

**Гематохром** – бир хужайрали сувўтларни, хивчини асосининг ёнидаги ижобий фототаксис хусусиятли қизил пигмент.

**Гематохром** – тилларанг сувўтлардан *Synura* туркумининг айрим вакилларида хужайранинг олдинги қисмида ассимиляция маҳсулоти сифатида тўпланадигани.

**Гемеродиафор** – кишилар фаолиятининг табиий ҳолдаги ўсимликлар жамоасига (шу даражадаги) таъсирига бефарқ бўлган ўсимлик.

**Гемерокаллис** (*Hemerocallis*) - лоладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари остки, узун; гуллари кўп эмас, йирик, ранги сарик, тўқ сарик ёки зарғалдоқ-қизил. Меваси - кўсакча.

**Гемерофил, ёруғсевар ўсимликлар** - кўпроқ ёруғлик талаб қиладиган ўсимликлар.

**Гемерофил** – кишилар фаолиятининг табиий ҳолдаги ўсимликлар жамоасига таъсири натижасида тарқалиш ареалларини кенгайтираётган ўсимлик тури.

**Гемерофит** – 1. Қ. гемерофил 2. Экиб ўстириладиган ўсимлик.

**Гемерофоб** – 1. Кишилар фаолиятининг таъсири натижасида йўқолиб бо-раётган (йўқолган) ўсимлик; 2. Маданий ўсимликлар ўсаётган жойда учрамайдиган ўсимлик.

**Геми ...** – “ярим”, “яримта” маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўла-ги.

**Гемиавтоспора** – айрим сариқ-яшил (*Xantophyta*) сувўтларидаги ва “кўзчали”, хивчинсиз, юпка пўстли зооспора.

**Гемиавтоспора** – сариқ-яшил сувўтларидаги (*Botrydiopsis*) тўла ривожланмаган хивчинсиз, хужайрасининг тиғиз қоплами йўқ, қисқарувчи вакуола ва стигмали зооспора.

**Гемиапланоспора** – *Tetrasporales* тартибининг айрим сувўтларида жинсиз жараёни амалга оширадиган споралар.

**Гемизооспора** – хивчинларини йўқотган, қисқарувчи вакуола ва стигмасини сақлаган зооспора.

**Гемизигота** – 1. Бир нечта аллелнинг фақат бир нусхасига эга организм ( $XhY$  - гемофилияга нисбатан гемизигот еркак). Одатда улар гетерогаметали жинсининг жинсий хромосомаларига жойлашган генларга нисбатан учрайди. Одамларда улар эркаклар бўлади. Шунинг учун ҳам еркакларнинг фенотипида рецессив белги юзага чиқади. Натижада гетеросома генлари томонидан юзага чиқадиган рецессив касалликлар аёлларга нисбатан еркакларда кўпроқ частотада учрайди. 2. Икки аллелнинг фақат биттасига эга зигота, организм.

**Гемизигот ген** - генотипда бир нусхада бўлган рецессив ген таъсирида белгининг ривожланиши.

**Гемизооспора** – яшил сувўтларнинг айримларида жинсиз кўпайишни амалга оширадиган энг содда тузилишли хужайра.

**Гемикриптофитлар** – ер устки қисми (ёки кўпроғи) вегетация даврининг охирида қурийдиган, янгиланиш куртаклари тупроқ сатҳи билан тенг ҳолда бўлиб, ўзининг хазон бўлган барглари қор билан химояланадиган ўсимликлар.

**Гемикриптофитлар** - пояси тупроқ орасига қисман яшириниб қишлайдиган кўп йиллик ўтлар.

**Гемимонад тузилиш** – ҳаракатланмайдиган, монад тузилмага ўхшаб хивчини бор ёки анча редуцияланган, шилимшиққа ўралган тузилишли сувўтлар, хивчини ҳаракатланмайди. Бир хужайрали ёки колониялар ҳосил қилиб, мустақил ёки бирикиб ўсади. Хужайралари бир ёки кўп ядроли.

**Гемимонад тузулма** – шилимшиқ билан ўралиб, унинг ичида хивчинлари ёрдамида ҳаракатлана оладиган сувўтлар гуруҳи.

**Гемиксерофит** – илдизи яхши ривожланган, шунга кўра қурғоқчилик шароитида ҳам ўса оладиган ўсимлик.

**Гемиксерофитлар** – илдизлари тупроққа чуқур кириб борган, кўпинча ер ости сизот сувларигача етган, транспирацияни жадал амалга оширадиган, узоқ муддат сувсизланишга чидамайдиган ўсимликлар. Янтоқ, мармарак туркумининг турлари мисол бўлади.

**Гемициклик гул** – гулкўрғоннинг бир хил қисмлари халқа-халқа бўлиб, қолган қисми кўпинча чангчи ва уруғчилари спирал ҳолда гулўрнида жойлашган гул.

**Гемицеллюлоза** - ярим клетчаткалар. Хужайра қобиғи таркибига кирувчи бу моддалар икки типдаги қаттиқ полисахаридлардан - молекулали гексозанлардан —  $(C_6H_{10}O_6)_n$  ва пентозанлардан  $(C_5H_8O_4)_n$  иборатдир.

**Гемициклик гул, ярим доира гул, чала доира гул** - гулкўрғон қисмлари (косача ва тожлари) ҳалқасимон, чангчи ва уруғчилари спиралсимон жойлашган гуллар.

**Гемицеллюлозалар** – кимёвий жихатидан анча чидамли, қийин гидролизланадиган, пектинга нисбатан сувда бироз бўкадиган полисахаридлар гуруҳи.

**Гемма** (*лот. gemma - дур, марварид, куртак*) - юксак ўсимлик новдаларидан ўсиб чиқадиган куртак. Тубан ўсимликларда, масалан, мукор замбуруғлар ва сапролегнийлар каби замбуруғларнинг ипча (гиф) ларида ноқулай шароит таъсирида ҳосил бўладиган қуюқ протоплазма ва қалин қобикли хужайралар.

**Гемма** – 1. Псилофитларда янги ўсимлик ҳосил қиладиган куртак 2. Айрим содда тузилишли замбуруғлар мицеллийсидан ноқулай шароит юзага келганда ҳосил қиладиган қалин пўстли ва қуюқ цитоплазмали хужайра.

**Гемофилиялар** - кон ивиш жараёнининг бузилишига боғлиқ бўлган касалликлар. Уларнинг бир шакли Х - га бириккан рецессив касаллик бўлиб, антигемофилия глобулини (VIII - омил) етишмаслиги, иккинчиси эса плазма тромбопластин компоненти (IV - омил) етишмаслигидан келиб чиқади. Гемофилиянинг бошқа аутосомалар орқали ирсийланувчи шакллари ҳам мавжуддир.

**Ген** – 1. Организмда маълум функция бажарувчи ДНКдаги нуклеотидлар изчиллиги. 2. Ирсий омил. хромосома таркибига кирувчи ДНК молекуласининг бир қисми бўлиб, организмда моддалар алмашинувини бошқаради. Бир ёки бир неча белгининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи.

**...ген** – бирон нарсадан ҳосил бўлганликни ёхуд бирон нарса ёки ходисани ҳосил қилишликни билдирадиган қўшма сўзларнинг бўлаги.

**Генеалогик таҳлил** - генеалогия (авлодлар шажараси) усули асосида ирсийланиш қонуниятларини таҳлил қилиш, Бу белгиларни (касалликларни) таҳлил қилиш учун пробанднинг авлод-аждодлари текширилади. Тиббиёт генетикаси маслаҳатларида кенг қўлланилади, белгини (касалликнинг) оиланинг бошқа аъзоларида, шу жумладан келажак авлодда ривожланиш эҳтимолини прогноз қилишга имкон беради.

**Ген экспрессияси** - ДНКда кодлашган информациянинг оқсил биосинтези, транскрипсия ва трансляция жараёнларида рўёбга чиқиши.

**Генезис, яратилиш, чиқиб келиш** - ўсимлик ва ҳайвон турлари ёки органларнинг чиқиб келиш тарихи.

**Генетика** (*юн. genetikos - яратилиш, вужудга келиш, келиб чиқиш*) - организм наслари ва уларнинг ўзгарувчанлиги ҳамда бу соҳадаги турли ходисаларни ўрганувчи фан.

**Генетик инженерия** - ген ёки генлар мажмуасини мақсадга мувофиқ ўзгартириш.

**Генетик код (ирсият коди)** - синтезланувчи оқсилдаги аминокислоталарнинг жойлашиш тартибини белгилайдиган ДНК азотли асосларининг кетма кетлиги.

**Генетик код** - ирсий ахборотнинг ДНК (ретровирусларда РНК) занжирида нуклеотидлар кетма-кетлиги сифатида ёзилиш тизими. Код триплет ҳолатида бўлади, битта аминокислота тўғрисида ахборот учта қўшни нуклеотид орқали белгиланади.

**Генетик мониторинг** - одам популяцияларида мутацион жараён жадаллигини узоқ вақт давомида кузатиш тизими, бу усул билан ҳар хил авлодларда мутациялар жадаллиги солиштириб ўрганилади.

**Генетик юк** - реал ва идеал популяция индивидлари ўртасида мосланувчанликдаги фарқлар. Одам популяцияларида генетик юк ирсий касалликлар сифатида намоён бўлади. Табиий популяцияларда генетик юк мутациялар ва рекомбинациялар натижаси бўлиб, ирсий ўзгарувчанлик резервини ҳосил қилади, турнинг экологик келажагини таъминлайди.

**Генератив куртак** – яшил ассимиляцияловчи барглари бўлмаган муртак тўпгул.

**Генератив куртак, ғунча, гулғунча** - очилиб гулга айланадиган куртак (ғунча). Генератив куртакни вегетатив куртак билан аралаштирмаслик керак.

**Генератив новда, ҳосилдор новда, мевадор новда** - гул ва мева берадиган новда.

**Генератив давр** – ўсимликни биринчи марта гуллашидан охириги марта гуллагунгача бўлган даври.

**Генератив органлари** - жинсий кўпайиш билан боғлиқ бўлган органлар.

**Генератив куртак** – гул ҳосил қилувчи куртак.

**Генератив ядро** - чанг доначасининг ядросидан митоз йўли билан ҳосил бўладиган иккита ядронинг бири, у кўш уруғланишни таъминлайди.

**Генерация** - организмнинг авлоди.

**Генератив қисм** – ўсимликда жинсий жараён рўй берадиган қисм.

**Генерация, урчиш, бўғинланиш** - ўсимликларнинг уруғлаш жараёни.

**Генетик спираль** - пояда бир ортостих (қ.) оралиғида ўрнашган барглар орқали ўтказиладиган спирал чизиқ.

**Ген инженерияси усуллари** - қишлоқ хўжалик экинларининг янги шакллари тизмалари, навлари ва дурагайларининг патогенларга ўта чидамлилигини оширишга ва навларни яратиш муддатини қисқартиришга қаратилган муҳим вазифаларни ечиш имкониятларини таъминлайди.

**Гениста, дрок (*Genista*)** - дуккакнамоларга мансуб кичик бута ва чала буталар туркуми. Барглари оддий ва сертук ёки яланғоч. Гуллари сариқ, баъзан, оқ, поялари тиканли.

**Генлар дозаси** - гаплоид тўпламдаги маълум ген нусхалари сони. Генлар дозаси оогенезда амплификация натижасида дупликацияда, трисомияларда кўпаяди, делецияда эса камаяди.

**Генлар дозаси компенсацияси** - X хромосомага жойлашган генлар гуруҳининг фаоллигини ифода қилиш шаклларида бири. Одамда аёл жинси гомогаметали бўлиб 2 та X хромосомаси мавжуд. Улардан бири эмбриогенезнинг 16 - суткасида нофаолланади. Шу туфайли эркакларда ва аёлларда генлар дозаси тенглашади. Иккала X хромосомада генлар фаол бўлганида эркаклар ва аёллар ҳамда кўплаб муҳим белгилар орасида жуда катта фарқлар кузатилиши мумкин бўлар эди.

**Генлар дрейфи (генетик - автоматик жараёнлар)** - тасодифий омиллар таъсирида кичик популяцияларда генлар частотасининг ўзгариши. Одатда популяцияларда ирсий ўзгарувчанлик камайишига олиб келади, қариндош -

уруғлар орасидаги никоҳлар ортиб кетганида кучаяди. Бунда популяцияда селектив аҳамияти бўлмаган генлар сақланиб қолиши ва кўпайиши мумкин. Генлар дрейфи демлар ва изолятлар каби кам сонли популяцияларда айниқса кучли намоён бўлади.

**Генларнинг дифференциал фаоллиги** - бир хил хромосомалар тўпламига эга бўлган хужайраларда ҳар хил генларнинг фаол бўлиши. Шунинг учун ҳам турли хужайраларда турли оқсиллар синтезланади. Хужайраларда генлар фаоллигининг бошқарилиши транскрипсия - трансляция даражаларида амалга оширилади. Репликация даражасида регуляцияланиш натижасида хужайрада ҳар хил вақтда турли миқдорда ген нусхалари ҳосил бўлади. Масалан, генлар амплификациясида рРНК генларининг кўплаб нусхалари ҳосил бўлади.

**Генлар, жинсий заррачалар, ирсият асослари** (*лот. genus*) - хужайралардаги ирсият асоси (модда). Генлардаги ирсий хусусият маълум бир ички ёки ташқи шароит таъсири остида ўзгаради.

**Генокопия** - ҳар хил аллеллар мутациясининг бир хил фенотип юзага чиқариши. Генокопияларнинг сабаби - битта белгининг ҳар хил генлар томонидан назорат қилиниши, белгини намоён қилувчи оқсилларнинг босқичма-босқич синтезланишидир. Одамда ирсий карликнинг ҳар хил шакллари 3 та аутосома ва битта Х - га бириккан генларнинг мутациялари натижасида келиб чиқади. Ирсий касалликлар гетерогенлиги асосида генокопиялар ётади, бу эса авлод прогнозини аниқлашда қийинчиликлар келтириб чиқаради. Масалан, ота-онаси кар бўлган оилада касалликнинг генетик табиати ҳар хил бўлса соғлом болалар туғилиши мумкин.

**Генотип** – 1. Организм, хужайранинг ирсий омиллар йиғиндиси. 2. Организмдаги барча ирсий белги ва хусусиятларини ривожлантирадиган генларнинг йиғиндиси. 3. Организмнинг генетик конституцияси, унинг диплоид тўшгамидаги ҳамма аллеллар йиғиндиси. Кўпинча генотип термини тор маънода, 1,2,3.... белгилар аллеллари йиғиндисини ифодалаш учун қўлланилади. Масалан, кўк кўзли одамнинг генотиби - аа. Ҳар хил генотипли шахсларнинг фенотиби бир хил бўлиши мумкин. Масалан, қора кўзли одам Аа ёки АА генотипли бўлиши мумкин.

**Геном** – 1. Хромосомаларнинг бир хиссалик (гаплоид) йиғиндиси, ҳар бир соматик (тана) хужайрада иккита геном бўлади. Бири организмнинг онасидан, иккинчиси отасидан олинган. Полиплоид организмларнинг хужайрасида бир неча геном бўлади. 2. Гаплоид тўпламдаги (г) хромосомалар йиғиндиси. Геном турни характерлайди, генотип эса - индивидуумни. Диплоид организмларда геном гаметаларнинг хромосомаларини ифодалайди ва генетик таҳлил бирлиги сифатида фойдаланилади.

**Геном мутациялари** - хужайра хромосомалари сонининг ўзгаришига боғлиқ бўлган мутациялар. Қуйидаги геном мутациялари бор: 1) полиплоидия (авто ва аллоплоидия); 2) гетероплоидия.

**Генонема** (*лот. genonema*) - реакцион оқимдаги генетик ва цитологларнинг тушунчасича хромосомлардаги кўзга кўринмайдиган спиралсимон насл белгиси бўлган ипчалар.

**Генотип, ирсий асос, ирсий нусха** (лот. *genotypos*) - ёш организмларда уларнинг ўтмиш аجدод ва авлодларига хос ирсий белгиларнинг пайдо бўлиши.

**Генофонд** - популяциянинг генлар мажмуаси.

**Генофор**—ҳалқасимон гаплоид ДНК ипи, прокариотларнинг «хромосома-си».

**Генофор** – прокариот ҳужайрадаги ген тутган махсус қисм.

**Геном ўлчами** – бир ҳужайрали кўк-яшил сувўтларида бактериялардагидай  $(1,6-2,7) \times 10^9$ , трихома тузулишлиларда (*Calothrix*)  $8,6 \times 10^9$  Дальтонга тенг. Дальтон молекуляр масса бирлиги бўлиб, водород атоми массасига тенг.

**Ген оператор** - опероннинг бош қисмида жойлашган структурали генлар функциясини фаоллаштирувчи ёки тўхтатувчи ДНКнинг қисми.

**Ген регулятор** - операторга бирикиб структурали генлар фаолиятини тўхтатиб қўядиган репрессор оқсилларни синтезловчи генлар.

**Ген супрессор** -аллел бўлмаган генлар таъсирини тўхтатиб қўядиган ген.

**Генлар дрейфи** - (генетик автоматик жараён) тасодифий омиллар таъсири туфайли популяциядаги генлар тузилиши ва такрорланишини ўзгариши.

**Гео...** – ерга ва уни тадқиқ этишга алоқадорликни билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Геоботаника** – 1. Ер юзидаги ўсимликлар жамоаси ҳақидаги фан. Геоботаника деганда ё фитоценологиянинг синоними ё фитоценология билан ботаник географиянинг мажмуи ёки фитоценология, ботаник география ва ўсимликлар географияси каби бўлимларнинг умумий мажмуи тушунилади. 2. Ўсимликлар қоплами, ундаги жамоаларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганадиган ботаникнинг тармоғи.

**Геоботаник география** – ўсимликлар қопламини белгиларига кўра Ерни экология жиҳатидан қишлоқ хўжалик экинларини ва ўрмонзорларнинг маҳсулдорлигини ошириш, хариталашни амалга оширишнинг илмий асословчи фан тармоғи.

**Геобий** – тупроқ юзасидан пастдаги популяция.

**Геобионт** - тупроқда яшовчи организмлар.

**Геогнозия** – ҳозирги замон геология, петрография, геоморфология, тупроқшунослик каби фанларнинг бошламаси.

**Географик зоналик** – денгизлардаги муайян планктон ва бентос таксонларнинг алоҳида географик минтақаларга боғлиқ ҳолда тарқалганлиги.

**Географик муҳит** - тирик мавжудотларни ўраб турган табиат.

**Геокарпия** – гул тугунчасини тупроққа (ерга) ботиб кириб, унинг ичида мева ҳосил қилиши (ерёнғоқ ўсимлигида); тупроқ ичида меванинг ривожланиши ва етилиши.

**Геоморфогенез** – геологик ва гидрологик ҳодисалар туфайли ер юзасининг шакли, унинг рельефи, гидрологияси ва субстратдаги ўзгаришлар.

**Геотропизм** – 1. Ўсимликнинг яхлит ёки унинг алоҳида аъзоларини Ернинг гравитация майдони таъсирига нисбатан ҳаракатлари. 2. Ўсимлик органларининг ерга нисбатан йўналиш хусусияти. Бунда ўсимлик органлари ер сатҳига нисбатан ё пастга (масалан, томир), ё юқорига (поя, тана кабилар) қараб ўсади. Илдизнинг ер остига қараб ўсиши тўғри (мусбат) геотропизм деб, поя-



нинг юқорига ўсиши эса тескари (манфий) геотропизм деб аталади. 3. Ернинг тортиш кучи таъсирида ўсимлик қисмларининг маълум ҳолатда эгилиши.

**Геотропизмдаги рецепция** – ўсимликни яхлит ҳолда ёки унинг бирор қисмининг ўзини оғирлигини таъсирига кўра ҳаракати.

**Геофилия** - баъзи ўсимликлар поясининг тупроқ орасида яшаш хусусияти.

**Геофитлар** - пояси куртаклари билан тупроқ орасида қишлайдиган кўп йиллик ўт ўсимликлар (масалан, ажриқ, гумай, пиёз, лола каби кўп йиллик ўтлар).

**Геофитон** – ер усти сувўтлари (ўсимликлари).

**Герандошлар, ёрондошлар** (*лот. Geraniaceae*) - икки уруғ паллали ўсимликлар оиласи. Кўп йиллик ва бир йиллик ўтлардан, баъзан ярим бута ҳамда буталардан иборат.

**Геран, ёронгул** - герандошларнинг *Pelargonium* ва *Geranium* туркумига оид ўсимликлар номи. Қимматбаҳо эфир мойли ва хушманзара турлари *Pelargonium* туркумига киради. Оч қизил тусли геран *P. roseum* шундай турлардандир. Оддий геран (*P. zonale*) ва йирик гулли геран (*P. grandiflorum*) кабилар хушманзара турлардир.

**Геранлар** (*Geraniales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Геран мойи** - гераннинг яшил барглари таркибидаги хушбўй эфир мойи: Парфюмерия саноатида ишлатилади.

**Гербарий** – ўқув ёки илмий мақсадлар учун махсус тайёрланиб қуритилган ўсимликлар коллекцияси ёки улар сақланадиган муассаса.

**Гербарийлаш** - турли ўсимликларни коллекциялаш (йиғиш, қуритиш, этикеткалаш, аниқлаш каби ишлар).

**Гербарий** (*herbarium*; *лот. herba* - ўт, ўсимлик) - 1. Турли геоботаник, географик ва ҳоказо текширишлар натижасида тўпланган қуруқ ўсимликлар коллекцияси. 2. Қуритилган ўсимлик коллекцияларини ўзида сақловчи ва анализ қилувчи махсус ташкилотлар.

**Гербицидлар** - бегона ўсимликларга қарши ишлатиладиган кимёвий воситалар. Гербицидларнинг бир турдаги ўсимликларни ва ялпи ўсимликларни йўқотишга мўлжалланган хиллари бор.

**Геркогамия** – гулда уруғчи ва чангчиларни ўзаро уруғланиб қолмайдиган ҳолда жойланиши.

**Геркогамия** - чангчи ва уруғчиларнинг маълум бир ҳолатда жойлашуви. Бу ҳол ўсимликларнинг ўз-ўзидан чангланишига тўсқинлик қилади ва наслини бузилишдан сақлайди.

**Гермафродит** — ҳам еркак ҳам уруғчи жинс хоссаларни ўзида бирлаштирган организм.

**Гермафродит, қўшжинсли** (*юн. hermaphroditicus*) - чангчи ва уруғчиси бўлган икки жинсли гуллар.

**Герниария** (*Hernaria*) - қорамуғдошлар (чиннигулдошлар) га мансуб бир йиллик (Ўрта Осиёда) ёки кўп йиллик ўтлар туркуми. Бўйи 2-10 см, пояси сершоҳ, пояларда ўсувчи барглари текис, гуллари майда, бир жинсли ёки икки

жинсли. Гулларида 2 тадан 5 тагача чангчи бўлади. Меваси куруқ ва бир уруғли.

**Герпетобий** – тупроқ юзасидаги ценопопуляция.

**Геспер** (*Hesperis*) - крестгулдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Гули оқшом пайтлари хушбўй хид чикаради. Шунинг учун баъзан хушманзара ўсимлик сифатида экилади.

**Гесперидий** – ташқи қисми безли экзокарпий, ўртаси ғовакли, ички қисмида ширали халтачалари бўлган мева хили, масалан, лимон, апельсин, мандарин.

**Гетероглеялар** (*Heterogloeales*) – бир ҳужайрали ва колониал, ҳаракатланмайдиган, гемимонад тузилишли сувўтлар (*Xanthophyta*, *Xanthophyetae*) тартиби.

**Гетерогаметали жинс** — ҳар хил жинсий хромосомага эга гаметаларни ҳосил этувчи организм.

**Гетероауксин** - юқори физиологик активликка эга бўлган кимёвий модда. Ўсимликлар таркибида ҳосил бўлиб, уни бўйига ўстиради. Бу модда энг кўп тарқалган ауксинлардан биридир.

**Гетеробар барглар** - томирчалар билан бир-биридан айрилган ва ўзаро алоқа қила олмайдиган (камераларга бўлинган) барглар.

**Гетерогамия** - жинсий урчишнинг бир типи. Баъзи яшил ва қўнғир сувўтларда худди шундай урчиш содир бўлади.

**Гетерогенезис** - организм янги шакллариининг пайдо бўлиши ҳақидаги антидарвинистик назария.

**Гетероген нурлар** - турли ҳужайралардан тузилган мураккаб ўзак нурлари.

**Гетероген органлар** - чиқиб келиши жиҳатидан ҳар хил бўлган орган ва организмлар.

**Гетерозис** (юн. *heteroiosis* - қиёфа ўзгариши) – 1. Бир-биридан узоқ турларни ёки бутунлай турли шароитларда етиштирилган индивидларни ўзаро чапиштириш орқали наслларнинг ҳаётчан ва тез ўсувчан ҳосилдор турларини юзага келтириш. 2. Биринчи авлод дурагайларнинг ота-она организмларга нисбатан кучли ривожланиши, ҳаётчан бўлиши, вегетатив, генератив органларнинг кўп бўлиши. 3. Биринчи бўғин ( $F_1$ ) дурагайининг ота ва она организмларга нисбатан кучли, ҳаётчан ва маҳсулдор бўлиши. 4. - дурагайларнинг ҳаёт қобилятлари кўрсаткичларининг ота-оналарига нисбатан юқори кўтарилиши. Гетерозиснинг самараси фақат айрим белгиларга нисбатан намоён бўлади (бошқа белгиларга нисбатан ҳатто депрессия кузатилиши мумкин) ва кейинги авлодларда йўқолиб кетади. Гетерозисни тушунтириш учун бир қанча гипотезалар таклиф етилган (масалан ўта доминантлик гипотезаси). Гетерозис қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

**Гетерозис дурагайи** - гетерозис ҳодисаси билан боғлиқ бўлган юқори ҳосилдор дурагай.

**Гетерозигота** – 1. Ирсияти ҳар хил бўлган гаметаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган зигота. 2. Бир геннинг ҳар хил аллелларига эга бўлган зигота, организм. 3. Битта геннинг ҳар хил аллелларига эга бўлган организм ( $Aa$ ).

Бундай организм икки хил (А ва а) гаметалар ҳосил қилади ва авлодда белгилар ажралиши кузатилади.

**Гетерогаметали жинс** - гетеросомаларга нисбатан ҳар хил типдаги гаметаларни ҳосил қилувчи организм. Одамда еркаклар гетерогаметали жинсдир.

**Гетерокарпия, ҳар хил мевали** - битта ўсимлик меваларининг шакли ва физиологик хусусиятининг ҳар хил бўлиши.

**Гетеромер лишайниклар** - танасида сувўтлар маълум бир қатламни (гонидийни) ташкил этган лишайниклар.

**Гетероморфизм** - бир ўсимликка оид бўғинларнинг ҳар хил шаклда бўлиши, бир-биридан ташқи кўриниши билан фарқ қилиши.

**Гетеропластика** - тўқима ёки органларни бошқа биологик турларнинг индивидларига пайванд қилиш ва бир хил ўсимлик қисмини бошқа хил ўсимликка улаш.

**Гетероспория, ҳар хил спорали** - турли спораларга эга бўлиш. Масалан, сув қирққулоқлари ва уруғли ўсимликлар сингари ўсимликларда икки хил споранинг (мегаспора ва микроспоранинг) ҳосил бўлиши.

**Гетеростилия** - бир турга мансуб ўсимликларнинг гулларидаги уруғчи устунчаларнинг ҳар хил узунликда бўлиши.

**Гетероталлизм** - айрим замбуруғ ва сувўтлардаги бир жинслилик.

**Гетероталл турлар** – турли таллом ёки колонияларда ҳосил бўлган изоморф гаметаларнинг қўшилиши рўй берадиган сувўт турлари.

**Гетеротип бўлиниш, турлича бўлиниш** - мейоз (к.) нинг биринчи бўлиниши. Бу бўлинишда хромосомалар сони камаяди. Уни редукцион бўлиниш деб ҳам айтилади.

**Гетеротроф озиқланиш** - кўпчилик бактерия организмларининг карбонга бўлган эҳтиёжини тайёр органик моддалар ҳисобига қондириш.

**Гетеротроф организмлар** - тайёр органик моддалар билан озиқланувчи организмлар.

**Гетерофациал, ҳар хил томонли** - томонлари ҳар хил органлар.

**Гетерофиллия, ҳар хил барглилик** - бирор ўсимлик новдасидаги ёки поясидаги баргнинг ҳар хил шаклда бўлиши.

**Гетерохромия (камалак пардада)** - камалак парда ҳар хил қисмларнинг нотекис рангланиши.

**Гетерохроматин** - хромосомадаги ДНК спиралини зич жойлашган қисми.

**Гетероцистлар** - ипсимон кўк-яшил сувўтларда (масалан, ностокда, анабенада) учрайдиган, бошқа ҳужайралардан йирикроқ сариқ ҳужайралар. Бу ҳужайраларда тирик моддалар (органойдлар) бўлмайди. Гетероцистлар орқали шу ипсимон ўсимликлар бир неча бўлақларга бўлиниб, ҳар бири мустақил ипсимон организмга айланади. Уларда ҳам ўз навбатида гетероцистлар ҳосил бўлиб, вегетатив узилиш билан вегетатив урчиш давом этади.

**Гетероциста** – кўк-яшил сувўтлардаги вегетатив ҳужайралардан шакли, ўлчамлари, вазифаси билан фарқланадиган терминал (учки), интеркаляр (вегетатив ҳужайраларнинг орасида) жойлашадиган алоҳида ҳужайра.

**Гетероцит трихомаллар** – шакли, катталиклари ва вазифалари турлича бўлган ҳужайралардан иборат *Cyanophyta*га мансуб турларнинг трихомалари.

**Гетерохризофициалар** (*Heterochrysophyceae*) – бир ёки икки хивчинли, биттаси патсимон, иккинчиси камчисимон, монад ва колония, амебоид, паль-меллоид, коккоид ва ипсимон сувўтлар (*Chrysophyta*) синфи.

**Гетеробатмия** – бир турга мансуб ўсимликнинг ўзида турлича эволюцион даражадаги (сода ва мураккаб) белгиларнинг жамланиши.

**Гетеро...** – “турлича”, “турличалик”, “бошқача” маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Гетеробазидия** – базидияли замбуруғлар базидиясида гипобазидий ва эпи-базидий кўндаланг тўсиқ билан ажралган базидия хили.

**Гетеробластлик** – ўсимлик онтогенезининг турли давридаги ювенил ва вояга етган япроқларнинг турлича ривожланишига кўра шаклининг ўхшамасли-ги.

**Гетерогамия** – 1. Ташқи кўриниши, биокимёвий, физиология жиҳатидан ўзаро фарқланадиган иккита гаметанинг қўшилиши 2. Эркак ва урғочи гулнинг вазифасини ёки уларнинг жойланишини ўзгариши.

**Гетероген нурсимон боғламли тўқималар** – иккиламчи ўтказувчи тўқималардаги нурсимон боғлам; нинабаргли ўсимликларга алоқадор атама.

**Гетерогенез** – ота-она белгиларидан фарқланадиган белгиларга эга бўлган организмнинг тасодифан ҳолда пайдо бўлиши.

**Гетеродинамизм** – бир ҳужайрали, икки хивчинли сувўтлардаги хивчин-лар ҳаракатида фарқларнинг юзага келиши.

**Гетерокариоз** – *Oomycetes*, *Ascomycetes*, *Zigomycetes* синфларига мансуб замбуруғларнинг мицеллийсини ҳужайрасида ядро сонининг уларни ўсиш муҳити шароитларига кўра ўзгариб туриши.

**Гетерокарион** – турли генотип характерли иккита ёки ундан кўп гаплоид ядроли ҳужайра.

**Гетерокарпия** – битта ўсимликда морфологияси, тарқалиш усули, униб чиқишига кўра икки хил меванинг ҳосил бўлиши.

**Гетерокант** – ҳужайрада турлича узунликдаги хивчинларнинг бўлиши.

**Гетерокотилия** – 1. Лилиопсидларнинг аجدодларидаги иккита уруғпалла-нинг ривожланиши ва катталигида фарқнинг бўлиши. 2. Лилиопсидларни маг-нолиопсидларнинг битта уруғпаллани ривожланмай қолишидан келиб чиққан, деган илмий фараз.

**Гетеромер лишайник** – талломида сувўтлари пўстлоқ қисм остида алоҳида қатлам ҳолида жойлашган лишайниклар.

**Гетероспермия** – уруғкуртакка бир неча чанг найи кириб, тухум ҳужайра бир спермий билан, марказий ядро иккинчи спермий билан уруғланиши.

**Гетероспора** – мураккаб тузилишли спорали ўсимликларда микро ва мак-роспораларга ажралган споралар. Қ. микроспора, мегаспора.

**Гетеростилия** – гул уруғчиси, бўйинчаси ва чангдон ипи узунлигининг турлича баландликларда бўлиши.

**Гетероталлик** – 1. Кўпчилик замбуруғлар ва баъзи сувўтлардаги айрим жинслилик, бунда турли жинсга мансуб индивидларнинг ташқи кўриниши бир-

биридан фарқланмайди 2. Сувўтларида эркак ва урғочи гаметаларнинг турли талломда ҳосил бўлиши ва уларнинг қўшилиши.

**Гетеротрихиял тузилиш** – талломи субстрат бўйлаб кетадиган ва ундан тикка йўналган қисмлардан иборат сувўтларнинг тузилиши (*Ulothrichales* тартибидан *Trentepolia* сувўтида).

**Гетерофилия** – битта ўсимликда шакли, ўлчамлари ва кўринишга кўра турлича бўлган баргларнинг бўлиши, масалан, найзабарг, қора акация, папоротниклардан нефролеписда.

**Гетероцеллюляр нурсимон боғлам** – иккиламчи ўтказувчи тўқимадаги бир неча тип хужайралардан иборат нурсимон боғлам.

**Гетероциста** – *Cyanophyta* бўлимига мансуб сувўтларнинг ипсимон тузилганларида субстратга бирикиш, тиним даврини ўтайдиган, спора ҳосил қилиш, моддалар ғамлаш, атмосферадаги молекуляр азотни ўзлаштириб, уни боғланган ҳолда тўплаш хусусиятларига эга бўлган вегетатив хужайралардан фарқланадиган хужайра.

**Гиалин майдонлар** – диатом сувўтларнинг паллаларидаги силлик, перфорацияси йўқ жойлар.

**Гиалинли хужайра** – сфагнум мохларнинг япроқларидаги сувли хужайра.

**Гиалинли хужайралар** – сфагнум мохларидаги хлорофилли хужайраларни атрофидан ўраган рангсиз ўлик хужайралар.

**Гиалодерма** – айрим мохлар талломидаги йирик, юпқа пўстли, рангсиз хужайралардан иборат “пўстлоқ” қават.

**Гиббериллинлар** – ўсимлик поясининг чўзилишига сабаб бўлувчи модда, илдизнинг ўсишига таъсир қилмайди.

**Гибернакул** – лилиописидлардан алисмадошлар туркуми ўсимликларининг айримларидаги қишлоғчи куртак.

**Гибридома** —ҳар қандай нормал хужайра билан рақ хужайрасининг қўшилиши натижасида ҳосил қилинган тез бўлинувчи дурагай хужайралар тўплами. Улар тез кўпаядилар.

**Гибрид, дурагай** - турли нав, тур ва туркумларга мансуб чангчи ва уруғчиларнинг чатишишидан ҳосил бўлган индивидлар.

**Гибридлаш, дурагайлаш** (*hybridisatio*; лот. *hybrida* — *аралашма*) - 1. Наслий жиҳатдан турли хусусиятларга эга бўлган ўсимликларни ўзаро чатиштириш. 2. Вегетатив гибридлар олиш мақсадида икки организмнинг айрим қисмларини пайванд қилиш.

**Гибридологик таҳлил** - дурагайланиш натижасида белгиларнинг бир қанча авлодларда ирсийланиш қонуниятларини ўрганиш. Голандрик ирсийланиш - Y хромосомага жойлашган ген белгиларининг отадан ўғилларга берилиши. Масалан, кулоқ супрасининг гипертрихозиди худди шундай ирсийланади.

**Гигартиналар** (*Gigartinales*) – талломи турлича кўриниш ва катталикларда, мураккаб анатомия тузилишли сувўтлар (*Rhodophyta*, *Florideophyceae*) тартиби.

**Гигантизм, катталаш** - ўсимликдаги бирор организмнинг ғайри нормал равишда ортиқ ўсиб кетиши.

**Гигромезофитлар** – ўтлоқ мезофитлари орасида сернам ёки вақти-вақти билан сув босадиган жойлар ўсимликлари.

**Гигрогелофитлар, ботқоқ ўсимликлари** - ботқоқликларда, сернам ва балчиқ жойларда ўсувчи ўсимликлар.

**Гигромезофитлар** - ўртача намсевар ўсимликлар, ўртача сувли шароитда ўсишга мослашган ўсимликлар.

**Гигроморф структура** - муҳитнинг намлик даражасига қараб ўсимлик танасининг ўзига хос тузилиши.

**Гигроскопик силжиш** - ўсимлик орган ёки қисмларининг қуруқликдан қисқариши, намликдан эса чўзилиши.

**Гигрофитлар** - сернам ва балчиқ ерларда ўсувчи ўсимликлар.

**Гигрофитлар** – ҳавоси, ўсаётган тупроғи ўта даражада нам муҳит шароитларида ўсадиган ўсимликлар гуруҳи.

**Гидателлалар** (*Hydatellales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи, *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Гидатода** – туз ва сувни томчи ҳолида ажратиш учун хизмат қиладиган япроқдаги алоҳида хужайралар мажмуи.

**Гидатодлар, сувчи тешикча** - ўсимликлардаги сувнинг томчи ҳолатида ажралишига имкон берувчи хужайралар; улар асосан, баргларда бўлади.

**Гидатодалар** – ташқарига томчи ҳолдаги сув ва унда эриган тузларни ажратадиган хужайралар, улар одатда япроқ қирралари, тишчаларда жойлашади.

**Гидатофитлар** - бутун танаси ёки ярмидан ошиқроғи сувга ботиб ўсадиган ўсимликлар.

**Гидрастис** (*Hydrastis canadensis*) - айиқтовондошлар (баъзи систематиклар фикрича, зиркдошлар) га мансуб кўп йиллик ўт доривор ўсимлик. Илдизпояси этдор, ичи олтин ранг сариқ, ташқариси эса сарғиш-кўнғир. Илдизпоянинг устки қатламида йўқолиб кетган пояларнинг изи қолган. Бу ўсимлик таркибида бериберин ва гидрастин алкалоидлари бор.

**Гидратура** – хужайрадаги сувнинг термодинамик ҳолати.

**Гидатофит** – тўлиқ ёки танасининг асосий қисми сув ичида бўлган ўсимлик.

**Гидатохорлар** – уруғ ёки меванинг сув ёрдамида тарқалиш хусусиятини ҳосил қилган ўсимликлар.

**Гидро...** – намликка, ҳўлликка оидликни билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Гидроактив ёпилиш** – устицани (оғизча) ўраб олган хужайраларнинг тўлиқ тургор ҳолатида устицаларни ёпилиши бўлиб бундай ҳолат буғланиш, илдиздан сув шимиш ва устица хужайраларида тургорликни камайиши билан рўй беради.

**Гидробиология** - сувда яшовчи организмларни ўрганувчи фан.

**Гидрогалофитлар** - шўр сувларда яшовчи ўсимликлар. Масалан, қизил сувўтлар, кўнғир сувўтлар ва бошқалар.

**Гидроид** – жигар мохларда сув ўтказиш вазифасини бажарадиган хужайралар.

**Гидроидлар** – жигармохларда талломнинг асосий тўқимаси ўртасидаги сув ўтказувчи қалин пўстли хужайралар тўплами.

**Гидролизлар** - сув билан қўшилган органик моддаларнинг парчаланишига имкон берувчи ферментлар гуруҳи.

**Гидрокриптофитлар** – тикловчи куртаклари сув ҳавзасининг тагида бўладиган ўсимликлар, уларга пиёзбошли, туганакли ва айрим илдизпоялилар ҳам мансуб.

**Гидроморфизм** – ҳавосининг намлиги ортиқ, сернам жойда ўсадиган ўсимликлардаги хусусият.

**Гидропассив ёпилиш** – илдиздан келаётган сувни транспирация миқдоридан ортиши ва тургорликни камайиши натижасида очилиб ёпилувчи хужайраларда максимум даражага етиши билан устицаларни ёпилиши.

**Гидропоталар** – сувда ўсадиган ўсимликларнинг сув остига ботган барглари юзасидаги сувда эриган моддаларни танлаб шимадиган хужайра ёки уларнинг гуруҳи.

**Гидросенситив очилиш** – сув етишмовчилигида устицани ўраб олган хужайраларнинг таъсир кучи камайганда рўй бериши.

**Гидротация** – электр майдонидаги катион атрофида сув молекуласининг манфий кутбини ички томонда жойланиши. Катионга сув молекуласидаги кислород яқин турса бирламчи, водород ионлари яқин турса иккиламчи гидротация дейилади.

**Гидротаксис, сувга интилиш** - ўсимликларнинг нам кўп томонга интилиш хусусияти.

**Гидротермофит** - табиий иссиқ сувларда ёки қайноқ булоқларда ўсувчи ўсимликлар.

**Гидротермик коэффициент** – ёғин миқдорини (мм да) буғланаётган намлик миқдorigа нисбати.

**Гидротропизм** - ўсимлик органларининг букик (эгик) жойи. Гидротропизм илдизнинг кам намли ердан сернам ергача бўлган ораликда жойлашган қисмида учрайди.

**Гидрофилия** (*hydrophyilia*) - баъзи ўсимликларнинг фақат сув ёрдамида чангланиш хусусияти.

**Гидрофилия** – сувда ўсадиган гулли ўсимликларни унинг юзасида чангланишига мосланиши.

**Гидрофитлар, сув ўсимликлари** - остки қисми сувда, устки қисми эса сувнинг бетида ўсувчи ўсимликлар.

**Гидрофит** – тупроққа бирикиб, танасининг юқори қисми сувга ботиб турадиган ўсимлик.

**Гидрофитлар** – сув юзасида қалқиб ёки япроқлари сув остида, қишда қурийдиган, янгиланиш куртаклари сув ҳавзаниннг тагида, кўп йиллик илдизпояларда қишлайдиган ўсимликлар.

**Гидрофоб, сувёқмас** - намликни ёқтирмайдиган, сувга чидамсиз ўсимликлар.

**Гигрохазия** – намлик таъсирида ўсимлик қисмларидаги тўпмева, қурук меваларнинг очилиши ва ёпилишидаги ҳаракатлар.

**Гидрохория** - кўпчилик сув ва ботқоқ ўсимликлари меваларининг ёки уруғларининг сув ёрдамида тарқалиши. Одатда, бундай мева ва уруғларнинг ҳаво билан тўлган ёки қанотчали ўсимталари бўлади.

**Гидрохория** – спора, уруғларни сув орқали тарқалиши.

**Гигрофанлик** – соябонли замбуруғларда (*Agaricales*) ҳаво намлиги микдорига кўра соябон рангини ўзгартириши.

**Гигрофит** – сернам муҳит ўсимлиги.

**Гилея, сернам тропик ўрмон** - ёнғингарчилик кўп бўладиган тропик минтақалардаги ўрмон.

**Гимений, спорачи қатлам** - халтачали ва базидиал замбуруғ ҳосилтанасининг усти ёки ичида жойлашган ва спора ҳосил қилувчи хужайралар қатлами.

**Гимений** – 1. Базидияли замбуруғларнинг гименомицетлар тартибига мансуб замбуруғлар меватанасида базидиоспора ҳосил бўладиган қисм 2. Халтачали замбуруғларда апотечий типдаги меватананинг халтача ва парафизлардан иборат юза.

**Гименофор** – замбуруғлар меватанасидаги гимений қатламнинг юзаси.

**Гимнограммод папоротниклар** – папоротникларнинг энг примитив – содда гуруҳи.

**Гименомицетлар** (*Hymenomycetales*) - базидиал замбуруғларнинг катта бир қабиласи. Бундай замбуруғларнинг спора ҳосил қилувчи (гименийи) кўпчилик турларида тананинг устида очиқ жойлашади.

**Гименоспорангий** - кўпчилик замбуруғ ва лишайникларнинг споралар ҳосил қилувчи қатламли органлари.

**Гименофор, гименодор** - замбуруғларнинг спораси танасида спора ҳосил қилувчи гимений қаватининг ости, «поячаси».

**Гимнодиниялар** (*Gymnodiniales*) – кўпчилиги денгизларда тарқалган (*Dinophyta, Dinophyceae*) сувўтлар тартиби.

**Гинандрик чангдон** – уруғчи билан қўшилиб ўсган чангдон.

**Гинандроморф** – 1. Тананинг бир қисми эркак, иккинчи қисми урғочи жинсга тегишли мозаик организм. 2. Ҳар хил жинснинг хромосомаларини сақловчи хужайраларни ўзида сақловчи организм. Бу - мозаицизмнинг бир кўринишидир. Гинандроморфизмнинг шаклланиш механизми: зиготанинг майдаланишида гетерогаметали жинснинг жинсий хромосомаларидан бирининг йўқотилиши, ҳар хил хромосомалар тўпламига эга 2 синкариондан зиготанинг ҳосил бўлиб, ундан битта организм ривожланиши. Гинандроморфизм олдинги - орқа (олдинги қисм бир жинснинг хромосомалар тўпламига, орқа қисм эса иккинчи жинснинг тўпламига эга), латерал ва мозаик (тананинг айрим қисмлари қолган ҳамма қисмига нисбатан бошқача тўпламга эга) бўлиши мумкин.

**Гинандроспора** – яшил сувўтларидан *Oedogonium* туркумида оогоний ривожланадиган талломда ҳосил бўлган эркак спора.

**Гинецей** – гулли ўсимликлар гулидаги мевали баргларнинг мажмуаси; урғочилик гаметогенез рўй берадиган гулнинг қисми.

**Гинецей, уруғчи тўда** - гулдаги бир ёки бир неча уруғчи йиғиндиси; уруғчи орган.



**Гинкго** (*Ginkgo biloba*) - очик уруғлиларга мансуб дарахт.

**Гинкголар** – очик уруғли ўсимликлар бўлимнинг синфи.

**Гинодиэция** – урғочи гул ва икки жинсли гулларни иккита ўсимликда бўлиши.

**Гиномонозия** – битта ўсимликда икки жинсли ва урғочили гулнинг бўлиши.

**Гиностегий** – асклецидадошлар оиласи ўсимликлари гулида чангдон уруғчининг юқори қисми билан бирикиши.

**Гиностегий, уруғчи ёпинғич, тугунча ёпинғич** - гулларда чангчи ва уруғчиларнинг қўшилиб ўсиши натижасида ҳосил бўладиган ғайри танача.

**Гиностем** - чангчи ипларининг уруғчи устунчаси билан қўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган даста (колонна).

**Гинофор** – гулдаги стерил қисм.

**Гинофор, уруғчидор, уруғчили** - уруғчининг остидан ўсиб, уни кўтариб турадиган ва гулнинг чангчи, тож ва косача каби бошқа қисмларидан уни айириб турадиган пояча.

**Гипантий** – гулкўрғоннинг қуйи қисми ва чангдон бандининг қўшилиб, ўсишдан юзага келган ҳосила, раънодошлар оиласига мансуб ўсимликларда яхши намоён бўлади.

**Гипантодий** – пиёласимон ёки ғовак тўпгул ҳамда мева.

**Гипант, гултаги** (*hypanthium*) - кенгайган ва ўзгарган гулўрин. Гулкўрғон япроғининг таги ҳамда чангчиларнинг ипи унга туташган бўлади. Раъногул бунга мисол бўла олади.

**Гипергалоблар** – ўта шўрланган сувлардаги сувўтлар, уларнинг хужайра пўсти йўқ, плазмолемма билан ўралган холос. *Dinaeiella* Teod., *Asteromonas* Artari, *Pedinomonas* Korsch. мисол бўлади.

**Гипергенез** – ядролари, хлоропластлари, қисқарувчи вакуолалари кўп микдордаги яшил сувўт талломи.

**Гиперплазия** – хужайралар сонининг ҳаддан зиёд даражада кўпайиб кетгани.

**Гиперплазия, ғайри нормал ўсиш** - хужайраларнинг ниҳоятда кўпайиб кетиши натижасида тўқималарнинг нотекис, бесўнақай ўсиши ва баъзан ғурралар ҳосил қилиши. Бунинг акси гипоплазия (қ.) дир.

**Гипертрофия** (*юн. hypertrophia*) – 1. Баъзи аъзо ва тўқималарни ҳосил қилувчи хужайраларнинг ғайри нормал ўсиши туфайли жуда катталашиб кетиши. 2. Нормадан кўпроқ озикланиш ҳисобига ортиқча ўсиш, ғовлаш. 3. Беўхшов даражада ўсиш.

**Гипертрихоз** - танада тукларнинг қалин ўсиши.

**Гипнобриелар** – мохлар бўлими бриопсидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Гипнозигота** – голо-, изо- ва гетерогамия тарзида ҳосил бўладиган зиготаларни ўташ босқичи.

**Гипнозигота** – сувўтларда бир неча ой давомида тиним даврини ўтайдиган қалин пўстли зигота.

**Гипноспора** – кўп қаватли, қалин пўстли, қумтош билан анча шимилган, тўқ рангли, протопласти озик моддага бой тиним даврини ўтайдиган спора.

**Гипноспора** – сувўтларда ҳосил бўлиб, қумтош моддали қалин пўст билан ўралган тўқ рангли, тиним даврини ўташ учун хизмат қиладиган спора.

**Гипо...** – 1. Остида, чуқурликда жойлашганликни 2. Меъёрдан пастроқдалигини билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Гипобазидий** – базидияли замбуруғларнинг базидиясини бироз кенгайган пастки қисми.

**Гиповальва** – диатом сувўтлари хужайрасининг остки қисмини қоплаб турадиган палла; пирофитлар (динафитлар) синфи сувўтлари хужайрасининг пастки қисмини қопловчи қаттиқ асосли пўст.

**Гиповальва** – диатом сувўтлар хужайрасини қоплаган совутнинг пастки қисми гипотеканинг палласи.

**Гипогиния** – гулда косабарг, тожбарг уруғчиларнинг уруғчи тугунчаси сатҳидан пастда жойланиши.

**Гиподерма** – 1. Нинабаргли ўсимликлар япроғининг эпидермиси остидаги 1-3 қаватли узун, қалин пўст билан қопланган хужайралар 2. Хлоропластлари кам ёки бутунлай йўқ бўлган япроқ тўқимаси.

**Гиподермалар** - Баъзи ўсимликларда хлоренхимани пўстдан ажратиб турувчи рангсиз қатламлар (пўстлоқ ости тўқималар).

**Гипокотил** – ўсимлик поясининг илдиз бўйнидан то уруғпалла ўрнашган жойгача бўлган қисми.

**Гипоксилия** - ўсимлик органининг қуйи қисми ёғочининг кўпроқ таракқий қилиши.

**Гиполимнион** – сув ҳавзасининг (кўллар, ҳовузлар) энг юза илиқ қисми остидаги совуқ зич қавати.

**Гиполимнион** – кўл ва ҳовузлардаги қуёш нури яхши иситадиган, шу боисдан енгил юза қаватнинг совуқроқ, тифизроқ остки қавати.

**Гипонастия** – 1. Ўсимликнинг алоҳида қисмини унинг пастки қисми тез ўсиб кетиши натижасида эгилиши. 2. Дорзовентрал тузилишдаги барг ва гул-тожбарг каби органларда пастки томоннинг тезроқ ўсиши. Бундай орган ичкарига қараб қайрилади ва букилади. Гипонастиянинг акси эпинастия (қ.) дир.

**Гипонейстон** – сувнинг атмосфера ҳавоси билан чегараланадиган юзаси остидаги қатлам.

**Гипонейстон** – сув сатҳи остида тарқалган организмлар (сувўтлар).

**Гипоплазия** - баъзи омилларнинг етишмаслиги ёки шу омиллар таъсирида тўқималарнинг (баъзан, органларнинг) етарлича ривожланмаслиги.

**Гипопод** - ниҳолнинг биринчи, остки бўғими.

**Гипостаза** – 1. Уруғкуртакдаги муртак остида жойлашган нуцеллуснинг бир тўда хужайралари. 2. Уруғмуртакнинг юқори қисмини йўғонлашиб пўқакланиши.

**Гипотеза, фараз** - ўсимликларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳаётий жараёнларига оид бир қанча масалалар юзасидан қилинган фаразлар.

**Гипотека, остки палла** - бир хужайрали диатом сувўтларнинг икки паллали кутича тузилишида бўлган қисми (қобиғи) нинг остки палласи. Устки палла (қопқоқ) эса эпитека (қ.) деб аталади.

**Гипотека** – диатом сувўтлари хужайраларини қоплаган совутнинг остки қисми.

**Гипотечий, спорачи тана ости** - дискомицетнамоларга мансуб халтчали замбуруғларда гимений остидаги (спора ҳосил қилувчи хужайралар ва апофизалар остидаги) қават.

**Гипоталлий** – қизил сувўтлардан *Melobesia* туркумидаги бирламчи базал қават.

**Гипотека** – диатом сувўтлар хужайрасини ўраб турадиган шаффоф палла қопламанинг остки кичик қисми.

**Гипотечий** – 1. Халтачали замбуруғларда апотечий типдаги меватаналарнинг гимений қатламини ичидаги қисм 2. Лишайникларнинг мева танаси.

**Гипофизис** – муртак ривожланишида унинг асосида илдиз туки ва эпидермиснинг инициал хужайрасини ҳосил қиладигани.

**Гипоцингулум** – диатом сувўтлар хужайрасини қоплаган совутнинг пастки қисми гипотека гардишини ўраган қисми.

**Гипсофилл** – брактыйлар ҳолида поянинг энг юқори қисмида бўладиган гул.

**Гипсофитлар, ганчсевар ўсимликлар** - Гипсли тупроқда ўсувчи ўсимликлар.

**Гирогонит** – қазилма хара сувўтларнинг тошга айланган оогоний ва ооспораси.

**Гирогонитлар** – хара сувўтларнинг тошқотган оогоний ва ооспораларининг атамаси.

**Гистеротечий** – халтачали замбуруғлар етилганда, ёриқ ҳосил қилиб очиладиган узунчоқ меватана.

**Гистоген** – новда ва илдиз меристемасидаги бирор тўқималар системасини шакллантирадиган дерматоген периблема ва плеромадан иборат қисм.

**Гистогенлар** – протодерма ва прокаμβий деб номланади, улар доимий тўқималарни ҳосил қилади.

**Гистоген назария** – ўсимлик танаси учта гистогенли йирик меристема – плерома, дерматоген, периблемадан ривожланади, деган Генштейн назарияси.

**Гистогенез** – тўқималарнинг келиб чиқиш, шаклланиш жараёни.

**Гистогенетика** – қ. гистогенез.

**Гистограмма** - вариация қаторини график йўл билан тасвирлашнинг усуллари билан бири.

**Гистология** - ўсимлик, одам ва ҳайвон тўқималари ҳақидаги фан. Гистологиянинг иккита асосий бўлими бор: 1) цитология (хужайралар ҳақидаги фан) ва 2) умумий гистология (тўқималар ҳақидаги фан).

**Гифалар, ипчалар** (юн. *hypha* - тўқима) - замбуруғ ипчалари, яъни организмнинг асоси. Кўп хужайрали замбуруғларнинг танаси чалкашган микро-

скопик ипчалардан иборат. Масалан, пўпанак ва кўзикоцин каби замбуруғларнинг танаси шундай ипчалардан тузилган.

**Гифекторлар** – фитоценозда таллом иплари чирмашиб доминантлик қилувчилар (*Polyscytulum roseum*ни дуб баргларида иборат тўшмадагиси).

**Гифид** – замбуруғлар гифасининг учки қисми.

**Гифоген тана** – зигомицет замбуруғларнинг айримларида мицеллийни ноаниқ шакл, турлича катталиклардаги қисмларга парчаланиб кетгани.

**Гландуля** – кўнғир сувўтларидан *Alaria* туркумининг талломи юзасидаги йирик хужайра.

**Гладиолус, илонгул** (*Gladiolus*) - савсандошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси 15-100 см га етади; барглари тўғри; тугунак пиёзчалари ер остида шаклланади. Гуллари пояда бир ёки икки томонлама бўлиб жойлашади.

**Глеба, майин тўқима** - базидиал замбуруғлар танасидаги майин тўқима.

**Гледичия, тикандарахт** (*Gledischia*) - цезальпиндошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Гуллари шингилда жойлашган, кўк тусли, майда. Барглари патсимон мураккаб бўлиб, барг қўлтиғида шохдор тиканлар бор. Ҳосили — дуккак.

**Глеоцистид** – сариқ яшил сувўтларини нокулай шароит юзага келганида ҳосил қилган ўзига хос циста.

**Глеодиниялар** (*Gloeodiniales*) – хужайраси шарсимон, кўп қаватли шиллик билан ўралган моно оила, монотип туркум сувўт (*Dinophyta, Dinophyceae*) тартиби.

**Глеоцистоид колониялар** – шилимшиқ қаватлар ҳосил қилган гемимонад (пальмеллоид) тузилишли сувўт колониялари.

**Глиадин** (юн. *gloios - ёпишқоқ*) - буғдой, сули каби ўсимликларнинг уруғидаги оксил. У проламинлар гуруҳига мансуб.

**Гликогалофитлар** – ксерофил кўринишли ўсимликлар бўлиб, илдизлари орқали тузлар кўп ўта олмайди, шу сабабли анча шўрланган жойларда ўсганда ҳам бу ўсимликларнинг тўқималарида тузлар тўпланмайди.

**Гликоген** – кизил сувўтлардан *Bangiophyceae* синфи вакилларидаги ассиляция маҳсулоти.

**Гликоген** - замбуруғ, кўк-яшил сувўтлар ва бактериялар сингари тубан организмларда учрайдиган крахмал.

**Гликолиз** – глюкозани кислородли шароитда парчаланиб энергия ажралиши.

**Гликофит** – ош тузининг миқдори 0,5% дан ошмаган тупроқда ёки сувда ўсадиган ўсимлик.

**Глобонидлар** - алейрон доналари таркибидаги юмалоқроқ моддалар. Асо-сан, фитиндан (фосфорли кимёвий моддалардан) иборат.

**Глобулинлар** - энг кўп тарқалган оксиллар тури. Эдестин ва легуминлар ўсимликларга хос оксиллардир.

**Глобулалар** - каучукнинг шарсимон, таёқчасимон ёки тўғнағичсимон заррачалари. Одатда каучукдор ўсимликларнинг ширасида бўлади.

**Глог** - турли бута ва дарахтларнинг умумий номи.

**Глоксиния** - Геснериядошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари сертук, гуллари очик тусли, кўнғироксимон. Уруғи ва илдизидан, баъзан баргидан кўпайтиради.

**Глохидиялар** - микроспоралар устида ҳосил бўладиган илмоқсимон ўсимталар. Баъзи сув қирққулоқларида учрайди.

**Глохидий** – папоротниклардан *Salvinia* ўсимлигидаги массула устида бирикиш учун хизмат қиладиган ўсимталар.

**Глохидий** – папоротниклардан *Azolla* туркумидаги массула юзасидаги илмоқли ўсимталар.

**Глицерин** – гипергалоб сувўт *Dinaliella salina* Теод. хужайраларида кўплаб микдорда синтезланадиган модда.

**Глюкогенез** – ғамланган ёғларни қандларга айланиши, у гликосомаларда рўй беради.

**Глюкоза** - узум қанди.

**Глюкоза, узум қанди** (юн. *glykys* - *ширин*) - Органик модда -  $C_6H_{12}O_6$ . Моносахаридлар гуруҳига оид углеводдан иборат рангсиз кристалл.

**Глюкозид** - аглюкон деб аталувчи углеводдан ва углеводсиз компонентдан ташкил топган органик модда. Глюкозид ўсимлик дунёсида кенг тарқалган. Улар глюкозидазлардан ажралиб чиқади. Баъзи глюкозидлар (адонин, строфантин) медицинада қўлланилади.

**Глюкозидазлар** - ўзидан глюкозидлар ажратувчи ферментлар гуруҳи.

**Глюконеогеназа** – углевод бўлмаганлардан глюкозанинг ҳосил бўлиш жараёни.

**Глюкопротеидлар** - таркиби углевод компонентларидан иборат мураккаб оқсиллар гуруҳи. Глюкопротеидлар ўсимлик протоплазмаси таркибида учрайди.

**Глютелинлар, глутелинлар** - бошоқли ўсимликлар уруғида учрайдиган кислота ва кам микдордаги ишқорли эритмаларда тез эрувчан оддий оқсиллар гуруҳи.

**Гнафалиум, гнафал** (*Gnaphalium*) - мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик ёки бир йиллик (Ўзбекистонда) оқ тукли ўтлар.

**Гнетсимонлар** (*Gnetinae*) - яланғоч уруғлилар типига мансуб синф. Унинг эфедр (*Ephedra*), гнетум (*Gnetum*) ва вельвичия (*Welwitschia* ёки *Tumboa*) номли уч туркуми бор. Шу туркумларнинг ҳар бири монотип оила (эфедрадошлар, гнетнамолар, вельвичиядошлар) ва қабилаларни ташкил қилади.

**Гнет, гнетум** (*Gnetum*) - яланғоч уруғлиларнинг гнетдошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. Гнетум лианалар ёки кичикроқ дарахт ва буталар шаклида ўсади. Барглари қарама-қарши жойлашган. Бу барглари кенг япроқли бўлиб, икки паллали ўсимликларнинг баргларига ўхшайди. Уруғи - данакли мева.

**Гнеталар** – очик уруғлилар бўлимининг синфи.

**Гнетопсидлар** – очик уруғли ўсимликлар бўлимининг синфи.

**Говпечак** (*Calystegia sepium* (L.) R. Br.) – печакдошлар оиласига мансуб тоғ, тўқайзорларда ўсадиган бута.

**Гологамия** – бир хужайрали хивчинли сувўтларда иккита индивидни ўзаро кўшилишидаги жинсий жараён.

**Гологамия** – пўсти йўқ иккита вегетатив хужайрани кўшилиши, *Volvocales* синфига хос жараён.

**Голокарпия** – яшил сувўтларидан сифонсимонларни жинсий кўпайишида икки хивчинли гаметалар талломини махсуслашмаган жойларида ҳосил бўлиши; яшил сувўтлардаги жинсий кўпайишнинг бир тури.

**Голокарпия** – *Siphonophyceae* синфи (*Chlorophyta*) сувўтларида талломнинг махсуслашмаган қисмида ёки тўсиқ билан ажралган махсус гаметангийларда ҳосил бўлган икки хивчинли гаметалар билан кўпайиш.

**Голокрин секреция** – хужайрадан моддаларни ажралиши фаол ҳолда бўлганда хужайранинг тўлиқ ҳолда ширага айланиб кетиши.

**Голокрин секреция** – секрет ажралиш жуда фаоллашганда хужайра тўла ҳолда секретга айланиб кетиши. Илдиз ёпқичи шиллиғини ҳосил бўлиши мисол бўлади.

**Гольджи аппарати** – хужайра пўсти ва бошқа қопламаларни ўсиши учун полисахаридлар ва оқсилларни қайта ишлаш, навларга ажратиш, жамлаш, ташиш, тўплаш ҳамда хужайранинг бошқа органолари билан мембраналарни вакуола ва лизосомаларни ҳосил қилишда иштирок этади.

**Голубика** (*лот. Vaccinium uliginosum*) - эрикадошларга мансуб бутача. Бўйи 30-100 см, барглари текис қирғоқли (қиш фаслида тўкилади), гули оқ ёки оч қизил.

**Гомео ...** – “ўхшаш”, “ўша”, “шунга ўхшаш” маъноларини англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Гомемер лишайник** – талломининг ҳамма қисмида сувўтлар бир хил тартибда тарқалган лишайник.

**Гомемер лишайниклар** - танасининг ичида замбуруғ ипчалари ва сувўт организмларининг бир текис жойлашганлиги (тананинг барча ички сатҳида ёйилганлиги) билан ҳарактерланувчи лишайниклар.

**Гомеоморфизм** - бир хил ташқи қиёфага эга бўлиш.

**Гомеотип, ўхшаш тип, бир хил тип** - бир-бирига ниҳоятда ўхшаш типлар.

**Гомеотип бўлиниш, бир хил бўлиниш** - хужайра мағзининг бўлинишида мейознинг иккинчи марта оддий кариокинезга ўхшаб ажралиши, яъни бўлиниш жараёнида хромосома сонининг камайиши.

**Гоммоз, гуммоз** - кўпчилик дарахт ва ўт ўсимликларда учрайдиган касаллик. Ўсимлик пояси ва, айниқса, баргларида тобора қорайиб борувчи доғлар пайдо қилади.

**Гоммоз** – данак мевали дарахтлар поясидан елим оқиши.

**Гомобластлик** – ўсимлик онтогенезининг турли давридаги ювенил ва вояга етган япроқларни ривожланишидаги ўхшашлигига кўра шаклининг ҳам ўхшашлиги.

**Гомогамия** – 1. Гулда уруғчи ва чангчиларнинг бир вақтда етилиши. 2. Икки жинсли гулда чангчи ва уруғчиларнинг бир вақтда етилиши. Бунинг акси дигогамия (к.) дир.

**Гомогаметали жинс** - бир хил жинсий хромосомага эга бўлиб ўхшаш гаметаларни ҳосил этувчи организм.

**Гомоген нурсимон боғламли тўқималар** – иккиламчи ўтказувчи тўқимадаги тўлиқ гомоцеллюляр, ётиқ ҳолда жойлашган хужайралардан иборат нурсимон боғлам; нинабарглиларга алоқадор бўлмаган атама.

**Гомоген** - чиқиб келиши бир хил ёки бир-бирига ўхшаш жисм.

**Гомоген нур, тузилиши бир хил нур** - бир типдаги чўзиқроқ хужайралардан иборат оддий марказий нур. У кўпчилик дарахтларга хос.

**Гомогенитлик** – фитоценознинг флористик жиҳатидан бир хиллик даражаси ва ташкил топиши.

**Гомогидрид ўсимликлар** – бу гуруҳ ўсимликлар маълум даражада ўзларидаги сувнинг буғланишини назорат қила оладилар, улар устицаларини ёпиб, япроқни букиб, тахлаш билан сув буғланишини камайтиради. Хужайрасининг пўсти сувнинг буғланишига тўсқинлик қилувчи кутин, суберин билан қопланган бўлади.

**Гомозигота** – 1. Ирсияти бир хил (ўхшаш) бўлган гаметаларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган зигота. 2. Бир геннинг бир хил аллелларига эга зигота, организм. 3. Битта геннинг бир хил аллелларига эга бўлган организм (аа ёки АА). Бундай организмлар бир хил гаметаларни (а ёки А) ҳосил қилади ва авлодда белгилар ажралиши кузатилмайди. Д витаминига боғлиқ рахит - гипокалсиемия ва гипофосфатемия ҳамда рахитнинг фенотипик белгилари билан характерланувчи ирсий касаллик.

**Гомозигота организми** - хужайра танасида мавжуд аллел жуфтнинг бир хил генлари сақлайдиган организм. Масалан, АА ёки аа.

**Гомозиготалик, ўхшаш зиготалик** - ирсий белгилари бир-бирига ўхшаш ота-онадан келиб чиққан ёш организмнинг наслий хусусиятлари.

**Гомойогидрик** – танасида сув миқдорини бир хил даражада тутиб тура оладиган сувўтлар.

**Гомойогидрид ўсимликлар** – сувни илдиз орқали олиш, уни устица, кутикула орқали буғланиши назорат қилиш механизмининг ўзида ҳосил қилган ўсимликлар.

**Гомойогидрид ўсимликлар** – куруқликдаги кўпчилик ўсимликлар: куруқлик папоротниклари, очиқ уруғлилар, гуллар гомойогидрик ҳисобланади. Улар сув буғланишини устица ва кутикула орқали ҳамда илдиз тузилмаси билан назорат қилади.

**Гомоксил тўқима** – нарвонсимон типдаги трахеидли, ксилемага ўхшаш тўқима.

**Гомологик хромосомалар** – 1. Бир хил тузилишга, аллелларга эга хромосомалар. 2. Тузилиши жиҳатидан ўхшаш ва бир хил аллел генлар йиғиндисини сақловчи хромосомалар. 3. Катталиги, шакли, генлари бир хил бўлган жуфт хромосомалар.

**Гомологик органлар** - чиқиб келиши бир хил, лекин тузилиши, шакли ва бажарадиган функциялари ҳар хил органлар.

**Гомология** - ўзаро ўхшаш бўлган бошланғич муртақлардан келиб чиққан органларнинг муҳит, шароит, иқлим ва ҳ. к. таъсирида турли шаклга эга бўлиши ва турли функцияларни бажариши.

**Гомопластика** - бир турдаги ўсимлик қисми (куртак ва қаламча) ни ёки тўқимасини шу турдаги бошқа бир ўсимликка пайвандлаш.

**Гомостилия** - бир турнинг барча нусхаларига мансуб ўсимликлар гулларидида чангчи иплари билан бўйиннинг (устунча) бир хил узунликда бўлиши (ёки чангдонларнинг бир хил жойланиши). Бунинг акси гетеростилия (қ.) дир.

**Гомоталлизм** – 1. Айрим замбуруғлар (масалан, мукор, пўпанак замбуруғлар) да ҳамда баъзи сувўтларда икки жинслилик. Шакли ва функцияси эркак ва урғочилик хусусиятларига дифференциалланмаган жинсий ҳужайрали тубан ўсимликлар танаси. Бунинг акси гетероталлизм (қ.) дир. 2. Айрим замбуруғлар ва сувўтларда бир жинслилик, эркак ва урғочилари физиология ва ирсий фарқлансада, морфологиясидан фарқланмаслиги.

**Гомоталлик** – сувўтларида битта талломда икки хил гаметаларни ҳосил бўлиши ва уларнинг қўшилиши.

**Гомоталл турлар** – битта таллом ёки колониядаги изоморф гаметаларни қўшилиши рўй берадиган сувўт турлари.

**Гомофациал** - икки томони (юзи) бир-бирига ўхшаш орган. Масалан, қаулерпа талломи (танаси) нинг баргсимон қисми; баъзи диатомлар, лишайниклар, кўпчилик йўсинларнинг барглари ва ҳоказолар.

**Гомохламид ўсимлик** - гулбарглари бир хил, лекин гулкўрғони косача ва тожларга дифференциалланмаган (оддий гулкўрғонли) ўсимликлар.

**Гомоцид трихома** – табақалашмаган, шакли ва вазифаларига кўра ўхшаш ҳужайралардан иборат трихома.

**Гомоцеллюляр нурсимон боғлам** – иккиламчи ўтказувчи тўқимадаги бир хил шаклдаги ҳужайралардан иборат нурсимон боғлам.

**Гомф** – талломи бир қават пластинкали лишайник талломининг марказий қисмидаги субстратга бирикадиган калта қисми.

**Гонидиал қатлам** – 1. Гетеромер талломли лишайникларнинг ички тузилишидаги сувўт қатлам. 2. Гетеромер лишайниклар танасидаги қават. Бу қаватда сувўтлар бўлади.

**Гонидиялар** - 1. Лишайник танаси ичидаги сувўтлар; 2. Замбуруғлар билан бирга бақаўт ҳосил қилувчи яшил ёки кўк-яшил сувўт; 3. Ипли бактериялардан ажралиб чиқиб, кўпайишга имкон берадиган кўзғалувчи ёки кўзғалмас тўқималар; 4. Кўпайишга ёрдам берадиган кўк-яшил сувўтлардаги шарсимон майда кўзғалмас тўқималар (*chamaesiphonales*) да, шу-нингдек, айрим ҳолларда баъзи кўк-яшил сувўтларнинг таналаридаги бўлинадиган тўқималар; 5. Жинсиз ҳосил бўладиган сувўтлар (кўзғалувчан ва кўзғалмас сувўтлар) даги споранинг эскирган номи.

**Гонидия** – 1. Лишайникдаги сувўт ҳужайраси 2. Кўк-яшил сувўтларида кўпайиш учун хизмат қиладиган ҳужайра.

**Гонимобласт** – қизил сувўтларида карпогон уруғланганидан кейин ҳосил бўладиган бир неча ҳужайрадан иборат бўлган ип.



**Гонимобласт** – қизил сувўтларда карпогонни уруғланиш рўй берганидан кейин ривожланадиган, карпоспоралар ҳосил қиладиган махсус ип.

**Гонимобластлар** - қизил сувўтларнинг уруғланган карпогонларидан ҳосил бўлувчи шохланган иплар. Бу ипларнинг шохчаларида карпоспоралар ҳосил бўлади.

**Гонимобласт иплари** – қизил сувўтларда карпогон уруғлангандан кейин ҳосил бўладиган бир неча ҳужайрадан иборат спорогон иплар. Бу иплар карпогонни озик моддаларга бой махсус ҳужайралар билан қўшилганидан кейин ҳосил бўлади.

**Гониотрихомалар** (*Goniotrichales*) – колонияли сувўтлар, колониялари бир қаторли ва икки қаторли оддий ёки сохта шохланган, субстратга базал ҳужайра ёки бир неча ҳужайрали товон билан бириккан сувўтлар (*Rhodophyta*, *Bangiophyceae*) тартиби.

**Гонотозигонлар** (*Gonotozygonales*) – ҳужайраси цилиндр, урчуқ ёки цилиндр-чўзиқ, ўртаси сиқилмаган, калта ёки узун ип ҳосил қиладиган сувўтлар (*Chlorophyta*, *Conjugatophyceae*) тартиби.

**Гордеин** (*лот. hordeum - арпа*) - проламинлар гуруҳига мансуб оқсил. Арпа уруғида бўлади.

**Горицвет** (*Adonis*) - 1. Айиқтовондошларга мансуб ўсимликлар туркуми; 2. Турли оилаларга мансуб бир неча ўт ўсимликларнинг умумий номи (адонис, каккугул ва бошқалар).

**Гормогон** – 1. Ипсимон кўк яшил сувўтларнинг урчиш учун хизмат қиладиган бўлаклари. Бу бўлакларнинг ҳар бири бир неча ҳужайралардан иборат бўлиб, ажралгандан сўнг яна тўлиқ мустақил ипча организмга айланади. 2. Ипсимон кўксимон, цилиндрсимон, баъзан эса шарсимон. Меваси қаттиқ ва ичи қавак бўлгани учун идиш сифатида фойдаланилади.

**Гормогоний** – кўк-яшил сувўтлари трихомасининг кўп ҳужайрали қисми.

**Гормогониялар** (*Hormogoniophyceae*) – ипсимон тузилишли, гормогониялар ҳосил қиладиган, индивидлари кўп ҳужайрали, бир трихомали, колониялар ҳосил қиладиган кўк-яшил сувўтларнинг синфи.

**Гормогониялар билан кўпайиш** – кўк-яшил сувўтларнинг ташқи кўринишидан ўзгармаган қисмларга бўлиниб кетишини рўй бериши туфайли кўпайиши.

**Гормонлар** - юксак физиологик активликка эга моддалар. Гормонлар организмдаги бирор қисмнинг функциясини уйғотади ёки, аксинча сўндиради.

**Гормоспора** – 1. Кўк-яшил сувўтларида кўпайиш ва ноқулай шароитга чидаш вазифасини бажарадиган гормогонийга ўхшаш қалин пўстли ҳужайралар. 2. Гормогонийга ўхшаган қалин пўст (қобиқ) билан ўралган бир гуруҳ ҳужайралар.

**Гормоспоралар** - кўк-яшил сувўтлардаги кўп ҳужайрали споралар.

**Гормоциста** – қ. гормоспора.

**Гормоциста** – ноқулай шароитда шилимшиқ модда билан ўралган кўк-яшил сувўт ҳужайраси.

**Гортензия** (*Hydrangea hortensis*) - қоячидошларга мансуб *Hydrangea* туркумининг бир неча хушманзара турларига қўйилган умумий ном.

**Горчица, қичи** - крестгулдошларнинг *Sinapis* ва *Brassica* туркумларига мансуб бир йиллик ўсимлик. Оқ горчица (*Sinapis alba*) нинг бўйи 25-100 см, уруғи оқ-сарик ва майда.

**Горькуха, горькушка** (*Lactaris rufus*) - агарикадошлар (*Agaricaceae*) га мансуб қалпоқчали базидиал замбуруғ.

**Госсипол** - чигит таркибидаги ва чигитдан олинган доғланмаган мой таркибидаги заҳарли алколоид.

**Граб** (*Carpinus*) - қайиндошларга мансуб дарахт ва бута туркуми. Барги кетма-кет жойлашган ва тишли. Ёнбаргчаси тез тўкилади. Гули майда, уруғи - қобирғали ёнғоқча.

**Градация** - тирик организмларнинг ва уларни ўз ичига олган таксонларнинг тарихий тараққиёти натижасида аста-секин, поғонама-поғона ривожланиш назарияси.

**Градат сорус** – базипетал ривожланиш рўй берадиган сорус.

**Градат соруслар** – базипетал ривожланишли соруслар.

**Грамицидин** - тупроқ бактериялари юзага келтирадиган кимёвий модда (актив антибиотик).

**Грана** – ёруғлик микроскопида яшил доналар, электрон микроскопда дисксимон тўпламлар ҳолида кўринадиган хлорофилл ва каротини бўлган қисм.

**Гранулеза** (лот. *granulum* - донча, донча) - крахмалга ўхшаш запас полисахарид. Баъзи бактерияларнинг хужайраларида дончалар шаклида учрайди.

**Гранулалар** - хужайралардаги майда тирик дончалар. Одатда, пластидлар шу дончалардан ташкил топади.

**Грануляция, дондорлик** - бирор нарсанинг дондор сочилиб туриши.

**Гранулокрин секреция** – хужайрадан моддаларни пуфакчалар ҳолида ажралиши.

**Грейпфрут** (*Citrus parodisi*) - цитруслар гуруҳига кирувчи ҳосилдор дарахт. Апельсин тамли мевасида (мева шарбатида) С ва В витаминлар бор. Бу дарахт намчил ва сув билан ҳавони яхши ўтказувчи қумоқ ерларда яхши ўсади.

**Гречиха, гречка** (лот. *Fagopyrum*) - торондошларга мансуб кўп йиллик ва бир йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари юраксимон (баъзан ўқсимон) шаклда; тўпгули қалқонсимон. Гуллари оқ, қизил ва оч қизил. Меваси (дони) уч қиррали.

**Гриммиелар** – мохлар бўлими бриопсидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Гуанин (G)** - нуклеин кислоталар таркибига кирадиган пурин асоси.

**Гулбанд** (*Pulicaria uliginosa* Stev.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Гулбарглар, гулўрғон барглари** (*pars perianthium*) - гулни ташкил қилган баргчалар.

**Гулбаҳмал** (*Althea rosae* L.) – гулхайридошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали кўп йиллик ўт.

**Гул диаграммаси** – гул қисмлари, уларнинг жойланишини чизма равишда ифодалаш.

**Гулибахмал (гулхайри) илдизи** (*radix althaeae*) - гулхайрилар туркумига кирувчи гулибахмалнинг илдизи; медицина ва ветеринарияда ишлатилади.

**Гулидовуд, қорақош** (*Tagetes*) - мураккабгулдошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми.

**Гулидавид** (*Tagetes erecta* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали доривор бир йиллик ўт.

**Гулизардак** (*Adonis turkestanica* Adolf.) – айиқтовондошлар оиласига мансуб тоғ, яйловда ўсадиган, доривор, кўп йиллик ўт.

**Гулисумбул** (*Hyacinthus orientalis* L.) – пиёздошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган, манзарали кўп йиллик ўт.

**Гулисумбул, гиацинт** (*Hyacinthus*) - лоладошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Гуллари бошоқсимон шингилларга тўпланган, кўнғироқсимон.

**Гуллар уйқуси** – гулни кун ва тун алмашинувининг ҳаво ҳароратини, ёритилишини ва шу қабиларнинг ўзгариши натижасида даврий равишда очилиб ёпилиши.

**Гуллаш** – гулни уруғлангунча очилиб турган вақти.

**Гуллаш бўғимининг баландлиги** - уруғбарг тепасидан ҳисоблаганда дастлабки гул очилган бўғимнинг поядаги тартиб рақами.

**Гулли ўсимлик** – функционал жараёнларни амалга оширадиган, бир неча ўнлаб махсуслашган ҳужайраларнинг гуруҳи, 30-40 махсуслашган тўқималар, 10-15 органлардан иборат мураккаб биологик система.

**Гулнинг остки қипиғи** (*lom. Palea inferior*) - ҳар бир бошоқчадаги гулни ўраб турувчи икки қипиқчаниннг осткиси.

**Гулнинг қатланиши** (*flos plenus*) - гулбарглар сонининг кўп миқдорда ортиши. Чангчиларнинг тожбаргга айланиши (масалан, атиргул ва кўкнори қабиларда), баъзан эса тожбаргларнинг парчаланиши ёки гулбарглар сонининг кўпайиши (масалан, лола ва лилияларда) натижасида гулларда шундай қатма-қатлик пайдо бўлади. Мураккабгулли ўсимликларда эса икки жинсли ўрта гулларнинг тилсимон гулларга айланиши туфайли қатма-қат тўпгуллар ҳам юзага келади (масалан, картошкагул, қашқаргул ва бошқаларда). Қатлама гуллар хушманзара бўлиб, боғдорчиликда юқори баҳоланади.

**Гулоби жўжабурун** (*Melo zard*) - қовуннинг кечпишар нави. Шакли ингичка, узун, учи чўзиқроқ, пўстининг усти бир оз буришган, сертўр, сариқ. Пўчоғи қаттиқ, эти оқ. Таркибида 8,1% гача қанд бор. Уруғи йирик, бир оз букилган, сариқ.

**Гулпар** (*Heraclеum lehmannianum* Bunge.) – соябонгулдошлар оиласига мансуб эфир мойли тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Гулпиёз** (*Allium caesium* Schrenk.) – пиёздошлар оиласига мансуб адир ва тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт ўсимлик.

**Гултож** – гулкўрғоннинг (қосачабарг ва гултожбарг) алоҳида ёки туташиб ўсган япроқлари ички чангчи ва уруғчиларни ҳимояловчи қисми (ички доираси).

**Гул формуласи** – гул қисмларини лотинча ҳарфлар, белгилар, рақамлар билан ифодаланиши: ©-спирал гул; \*-актиноморф ёки тўғри гул; ↓-икки томонлама симметрияли; ↑ ёки ↓ зигоморф; ↔-ассиметрик; Р-перигон; С-

тожбарг (лот. *coralla*-тожбарг); А-чангчилар (андроцей); G-уруғчилар (гиницей); гулдаги бирор аъзо бир неча доирада жойлашса, “+” белгисидан фойдаланилади, масалан,  $A_{10+10+5}$ ; гул аъзоларининг кўшилиб ўсишини қавсга олинади, масалан,  $C_{(5)}$ . Кўпайтириш белгиси гул аъзоларининг бўлинганини; кўп ва аниқ сонда бўлмаганни  $\infty$  билан; уруғчи тугунчасининг ҳолатини чизиш билан;  $G_{(5)}$ -тугунчани пастдалиги;  $G_{(5)}$  - тугунчани юқоридалиги;  $G_{(5)}$ - ярим пастда (ўртадалиги). Гул формуласига мисоллар: айиктовон:  $*GK_5C_5A_{\infty}G_{\infty}$  наъматак:  $*GK_5C_5A_{10+10+10+10+10+10+10+10+10+10}G_{\infty}$ ; кокиўт:  $C_{(5)}A_5G_{(2)}$ ; чаёнўт:  $\downarrow K_{(5)}C_{(5)}A_4G_{(2)}$ .

**Гулхайрилар** (*Malvales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Dillenidae* кенжа синфининг тартиби.

**Гулхайри** (*Althae*) Ғўзадошларга мансуб кўп йиллик ўт, хушманзара ва бўёқдор ўсимликлар туркуми.

**Гулчилик** – ўсимликшуносликнинг манзарали гулларни ўстириш билан шуғулланадиган тармоғи.

**Гулўрни** – гулбанднинг энг юқorigи кенгайган гул қисмлари жойлашадиган қисми.

**Гулўрни** – гулнинг қисқа гулбанд қисми, унда гулкўрғон, чангчилар ва уруғчилар жойлашади.

**Гулкўрғон** – гулдаги косабарг билан гултожбаргларнинг биргаликдагиси.

**Гукериелар** – мохлар бўлими бриопсидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Гумид иқлим** – ёгингарчилик миқдори буғланаётганидан кўп бўлган худудлар иқлими.

**Гуммигут** - чойдошларга мансуб *Garcinia hanburyi*, *G. morella* номли тропик дарахтларнинг қобиғидан оқиб чиқадиган (зарарланганда) сутсимон қуюқ шира. Таркибида 70-80% гача смола, 20-27% гача камедь (елим) бор.

**Гумми, ўсимлик елими** - ёпишқоқ эритмалар ҳосил қилувчи полисахаридлар комплекси.

**Гумификация** - тупроқда бактериялар ва бошқа микроорганизмлар иштирокида чиринди ҳосил бўлиш жараёни.

**Гуммос** – елимни елим йўлларида тўпланиб қолиши ҳамда уни ташқарига чиқиши билан рўй берадиган касаллик белгиси.

**Гуммос** - тупроқ микроблари иштирокида ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларидан ҳосил бўлган чиринди.

**Гунафшалар** (*Violales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи *Dillenidae* кенжа синфининг тартиби.

**Гурвак** (*Melo cassaba*) - ола гурвак, Оқ гурвак, Қора гурвак, Кўк гурвак каби эртапишар қовунларнинг умумий номи.

**Гутта** (*gutta* - *томчи*) - ўсимликларнинг сут ширасида ёки баъзи тропик дарахтларнинг махсус жойларида учрайдиган ёпишқоқ масса. Бу моддадан гуттаперча (к.) олинади.

**Гуттаперча** (англ. *guttapercha*) - Гуттадор ўсимликларнинг қотган ширасидан олинадиган чармсимон маҳсулот.

**Гуттаперча дарахт** (*Palaquium*) - Сапотадошларга мансуб 50 га яқин турни ўз ичига олган дарахтлар туркуми.

**Гуттаперчадор ўсимликлар** - Таркибида гуттали сутсимон шира бўлган ўсимликлар гуруҳи. Унинг ширасини қотириб гуттаперча олиш мумкин.

**Гуттация** – атмосфера намлиги ортиқ бўлиб, илдиз босими кучайганда япроқдан сувни томчи ҳолида чиқиши.

**Гуттация, томчилаш** (*лот. guttatio - томчилаш*) - баъзи ўсимликларнинг ўзидаги ортиқча сувни баргидаги тешикча (қ. Гидатодалар) орқали чиқариши. Илдизлар тўплаган сув миқдори барглар орқали буғланаётган сув миқдоридан ортиб кетган пайтларда шундай жараён юз беради.

**Гўзалқора** - хушхўр ва майизбоп узум нави.

**Гўнг, пори** - ерни (тупроқни) юмшатиш мақсадида унга солинадиган чиринди ва чикитлар. Бу ҳол ўсимликнинг етарли ҳаво олишига ва яхши ўсишига шароит яратади.

## Д

**Давра барг** (*folia verticillata*) - ҳалқа, доира бўлиб жойлашган барглар.

**Давлатбой** - қовуннинг эртапишар навларидан бири. Шакли эллипссимон, майда (1,5-2,5 кг), пўсти қаттиқ, майда тўрли, оқиш тусда. Эти оқ, сершира. Таркибида 9,1% гача қанд бор.

**Дазикладалар** (*Dasycladales*) – талломи битта гигант радиал-симметрик, мураккаб морфологияли хужайрадан иборат, тармоқланган ризоидли тропик ва субтропиклардаги денгизларда тарқалган сувўтлар (*Chlorophyta, Siphonophyceae*) тартиби.

**Далачой** (*Hypericum scabrum L.*) – далачойдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган, доривор, кўп йиллик ўт.

**Даммара** (*Малайя тилида damar - смола, қатрон*) - 1. Игнабаргли дарахтлар туркуми. 2. Айрим тропик дарахтлар таркибидан олинадиган сарғиш ва жигар ранг қатрон (смола).

**Данак** (*лот. pyrena*) - этли мева орасидаги ёғочланган қисм.

**Данакли мева** (*лот. drupa*) - икки хил қаватдан иборат бўлиб, шулардан ташқи қавати этли ёки юмшоқ, ички қавати эса данак мевалар. Масалан, олча, гилос, бодом, олволи, ўрик, ёнғоқ ва шу кабилар.

**Данакли мева** - усти юмшоқ, ширадор ва ички қисми данакдан иборат мева. Масалан, ўрик, шафтоли, гилос, олча кабиларнинг меваси.

**Данакли ўсимликлар** (*plantae pyrenus*) - данак-мевали ўсимликлар. Масалан, шафтоли, гилос, олволи, ўрик кабилар.

**Дарахт** - ёғочлашган пояли ва илдизли ҳамда катта танали кўп йиллик ўсимлик.

**Дарахтзорчилик** - уруғ ёки кўчат экиш билан сунъий ўрмон яратиш.

**Дарахт танасининг табақалашуви** – бир хил ёшдаги (100-120) битта ва ўша фитоценоздаги дарахтларнинг бўйи, йўғонлиги, танасининг ривожланишида фарқларнинг бўлиши.

**Дарахт экувчи машина, дарахт экиш машинаси** - дарахт, бута ва бошқа дарахт ўсимликлар кўчатини экадиган машина.

**Дарвинизм** - ўсимлик ва ҳайвон турларининг вужудга келиши (чиқиб келиши), уларнинг ўзгарувчанлиги, табиий танланиши ёки сунъий танлаш йўллари билан ривожланиши ва ирсият тўғрисидаги эволюцион таълимот.

**Дарлингтония** (*Darlingtonia californica*) - саррацениядошларга мансуб кўп йиллик ўт хашаротхўр ўсимлик.

**Дармана** (*Artemisia cina* Berg.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт.

**Дастлабки кўпайтириш** - Ёўза уруғчилигида грунт назорати (ўрганиладиган ташкилот мақсад ва вазифалари).

**Дастлабки (кичик) навсинаш** - назорат кўчатзорида ажратиб олинган энг яхши селекцион навларнинг - бўлажак навларнинг илк бор (дастлаб) синалиши.

**Дастарбош** (*Achillea filipendulina* Lat.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Дастаргул** (*Bellus repennis* L.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, маданий кўп йиллик ўт.

**Дастаргул, маргаритка** (*Bellis perennis*) - қоқиўтдошларга (мураккабгулдошларга) мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари поясининг остида ёпирма бўлиб жойлашган. Шунинг учун пояси баргсиз яланғоч бўлиб, охирида гул саватчалари билан тугайди. Гуллари оқ, оч кизил ва пушти.

**Дастурхони** - Янги етиштирилган олма нави. Меваси думалоқ, йирик (200-350 г), оқ, нордон-чучук. 5-6 ёшида ҳосилга киради.

**Дауэрмицеллий** – *Deuteromycetes* синфига мансуб замбуруғларда қариб бориш билан ранги тўқлашиб, пўсти қалинлашиб борадиган, ноқулай шароитга чидайдиган мицеллий.

**Дафна** (*Daphne mezereum*) - келинсупургидошларга мансуб кичикроқ бута. Жийдаларга яқин туради. Гули пояга тўда-тўда жойлашган бўлиб, пушти ёки қизғиш-бинафша, хиди хушбўй. Эрта баҳорда олдин гуллайди, кейин барг ёзади. Меваси данакли ва қизил.

**Дағал толали** - дағал тола берувчи ўсимликлар.

**Дағал тукли** (*villosus, lasius*) - баъзи ўсимликларнинг ёки ўсимлик органларининг дағал туклар билан қопланиши.

**Даҳбеди** - эртапишар қовун навларидан бири. Шакли тўмтоқ тухумсимон, оғирлиги 1,5-3 кг. Пўсти сертўр, кўкимтир-яшил тусда. Эти кў-кимтир. Таркибида 10,5% гача қанд бор.

**Девортегиўт** (*Marrubium alternidiens* Rech.) – ялпиздошлар (лабгулдошлар) оиласига мансуб воҳаларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Дегидрогеназлар** - Оксидланувчи органик моддалардан водород атомларини тортиб олиб, уларни кислородга ёки водород акцептори деган махсус моддаларга ўтказувчи ферментлар гуруҳи.

**Дезаггрегация** - Ипсимон тузилишдаги органнинг айрим ҳужайраларга ажралиб кетиши.

**Делеция** – 1. Хромосоманинг бир қисмини йўқолиши билан боғлиқ мутация. 2. Хромосома абберрацияларидан бир тури, хромосома қисмларидан

бирининг узилиб, йўқолиши. Хромосоманинг охириги қисми йўқотилса - дефишенси дейилади. Агар дефишенси хромосоманинг иккала қисмида кузатилса, бу қисмлар бир-бирига ёпишиб, ҳалқасимон хромосомани ҳосил қилиши мумкин. Узилиб тушган қисмлар кўпинча кейинги бўлинишларда йўқотилади. Аммо узилган қисм бошқа ногомологик хромосомага бирикиб генлар йўқотилмасдан, бошқа боғланиш гуруҳлари таркибига бирикиши мумкин. Бундай хромосома аберрациялари транслокация дейилади.

**Дендрарий** – дарахт, бута, лиана ўсимликлар ўстириладиган махсус жой.

**Дендрарий, дарахтзор** - дарахтлар ўстириладиган махсус майдон.

**Дендро...** – дарахтга оидликни билдирадиган кўшма сўзларнинг бўлаги.

**Дендронд типли колониялар** – гемимонад (пальмеллоид) тузилишли сувўтлар колониясининг мураккаб тузилганлари.

**Дендрограф** - дарахт танасининг энига ўсувини ҳисобга олиб турадиган асбоб.

**Дендролог, дарахтшунос** - дарахтлар соҳасида ишловчи мутахассис, дендрология мутахассиси.

**Дендрология** - ботаника фанининг дарахт ва буталарни ўрганувчи бўлими.

**Дендрология** – дарахт ва буталарнинг морфологияси, систематикаси, экологияси, географияси ва халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўрганадиган фан тармоғи.

**Дендрохронология** – тарихий воқеалар ва табиий ҳодисаларни дарахтларнинг йиллик халқаларига қараб таҳлил этиш бўйича илмий соҳа.

**Денгиз бентоси** - денгиз остида яшовчи турли-туман организмлар мажмуи.

**Денгиз ошўти** - ламинария туркумига мансуб денгиз кўнғир сувўтларининг номи.

**Денгиз пиёзи** (*Urginea maritima*) - лоладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Ёввойи ҳолда ўрта ер денгизи соҳилларида ўсади. Пиёзнинг диаметри 15-30 см, оғирлиги, 2,5 кг га етади. Меваси - кўсакча. Пиёзи таркибида сциларец глюкозиди бор. Шунинг учун медицинада кенг фойдаланилади. Бундан ташқари, ундан кемирувчиларга қарши курашда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Денгиз сувўтлари** - денгизда ўсувчи сувўтлар. Қ. Ламинария.

**Денгизўт** (*Zostera*) - денгизда яшовчи ҳар хил оилаларга мансуб бир қанча турли ўсимликлар. Бу ўсимликлар денгиз соҳиллари ва дарё дельталарида ўсади.

**Дензекторлар** – фитоценозда илдизлари билан ўзаро боғланмаган, бир мунча тиғиз ҳолда доминантлик қилувчилар, ўриб олинганда ўрнини осон бўшатадиганлар.

**Деперация** - физикавий, кимёвий мутагенлар таъсирида ўзгарган ДНК нинг бирламчи тузилишини тикланиши.

**Деплазмолиз** – ҳужайранинг плазмолиз ҳолатидан тургорликга қайтиши.

**Деплазмолиз, плазмолиздан қайтиш, тургорланиш** - ҳужайраларнинг сувни шимиб олиши билан плазмолиз жараёнини йўқотиб, тургор ҳолига қайтиши.

**Депрессия, эзилиш** - хужайра ёки организмнинг бошқа организмлар орасида қисилиши, эзилиб ёмон ўсиши.

**Дермато...** – “пўст”, “тери” маъноларини англатадиган қўшма сўзларнинг бўлаги.

**Дерматоген** - ўсимлик илдизининг ўсувчи учидаги биринчи тўқималарда жойлашган сиртқи хужайралар қатлами.

**Дерматоген** – гулли ўсимликлар пояси ва илдизининг ўсиш нуқтасидаги эпидермис ҳосил бўладиган қават.

**Дерматомикозлар** – одамлар ва ҳайвон терисининг замбуруғ касалликлари.

**Дерматосома** - тана қобиғи.

**Дерматофит** – сут эмизувчи ҳайвонлар, одам сочи, тирноғи, терисида касаллик ҳосил қилувчи, асосан *Ascomycetes* синфига мансуб замбуруғлар.

**Дермоид** – сувўтни бириктириб турадиган дисксимон ҳосила.

**Дермокарпалар** (*Dermocapsales*) – индивидлари бир хужайрали асоси ва учидагига табақалашган субстратга бириккан кичик гуруҳлар ёки колонияларга ўхшаш тўплам ҳосил қиладиган 3 оилани бирлаштирган (*Cyanophyta*, *Chamaesiphonophyceae*) тартиби.

**Десмарестиялар** (*Desmarestiales*) – спорофитининг талломи жуда катта (0,5-4 м баландликда) кучли тармоқланган шохча кўринишли, гаметофит микроскопик, спорофит бир қаторли ипдан иборат денгизларда кенг тарқалган сувўтлар (*Phaeophyta*, *Phaeozosporophyceae*) тартиби.

**Десмидиялар** (*Desmidiales*) – хужайраларининг тузилиши ғаройиб хилма-хиллиги, пўстининг нақшларини, сиқик белбоғ қисмини бўлиши уч яссиликдаги кўринишида фарқи билан фарқланадиган сувўтлар (*Chlorophyta*, *Conjugatophyceae*) тартиби.

**Десмоген** – ўтказувчи боғламга айланадиган меристематик боғлам.

**Десмоз** – цитоплазматик мембрана ва хужайра деворини боғлаб турувчи кўприк.

**Десмолазлар** - мураккаб моддаларни оддийроқ моддаларга парчаловчи ферментлар гуруҳи.

**Десмонайча** – плазмодесманинг икки қарама-қарши томонидаги эндоплазматик тўрдаги иккита бочкасимон таначаларни ўзаро боғловчи бироз яссиланган найча.

**Десмомастигалар** (*Desmomastigales*) – бир хужайрали, пўстсиз хужайрали, 2 хивчинли, биттаси олдинга, иккинчиси ёнга йўналган (*Dinophyta*, *Desmophyceae*) сувўтлар тартиби. Битта оила 3 туркумдан иборат.

**Десмофицелар** (*Desmophyceae*) – монад тузилишли хужайралари пўстсиз ёки пўстли, хивчинлари танасининг олдида ёки хивчинсиз *Dinophyta* бўлимининг синфи.

**Дефолиация** – 1. Ўсимлик баргларини ташлаб юбориши 2. Ўсимликнинг баргларини сунъий равишда кимёвий моддаларнинг таъсирида тўктириш.

**Дефолиант** - ўсимлик баргини тўқишда қўлланиладиган кимёвий модда.

**Дефолиация, баргсизлаш** - ўсимлик баргларини турли кимёвий моддалар таъсирида тўқиш.



**Деформация, шаклий ўзгариш** - ўсимликнинг ёки бирор органнинг турли бактериялар, замбуруғлар, ҳашаротлар ва бошқа омиллар таъсирида шаклий ўзгариши.

**Диагноз, тасвир** - ўсимликка хос белгиларни тавсифлаш, унинг туркум, турларини белгилаш.

**Диагностик мониторинг** – муайян вақт давомида экосистемадаги ҳолатни аниқлаш.

**Диаграмма** (юн. *diagramma* - чизма) - Бирор ўсимликнинг орган ёки қисмларини шартли белгилар билан график шаклда ифодалаш.

**Диакинез** – 1. Гетеротип бўлинишдаги профазанинг охириги босқичи. Диакинез пайтида хромосомлар сонини осонгина санаб чиқиш мумкин. Чунки улар бу пайтда гаплоид сонга эга бўлади. 2. мейоз бўлиниш профаза I нинг охириги босқичи бўлиб, бунда хромосомалар калта ва йўғон бўлади.

**Диарх ксилема** – бирламчи ксилема. Қ. ксилема.

**Диарх илдиз** – бирламчи ксилемасида нурсимон боғламлар икки йўналишда жойлашган илдиз.

**Диаспора** – 1. Ўсимликдан табиий ҳолда ажралиб тарқалиш учун хизмат қиладиган спора, уруғ, мева, пиёзбош, туганак кабилар 2. Уруғли ўсимликларнинг ҳоҳлаган қисми билан тарқалиши.

**Диаспора, кўпаяувчи органлар** - ўсимликнинг табиий ҳолда ажралиб чиқувчи ва унинг кўпайиши (урчиши) ёки тарқалиши учун хизмат қилувчи қисми.

**Диастаз** (юн. *diastasis* - ажралиш) - қ. Амилаза.

**Диастрофа** - мезофил ўсимликларнинг ҳужайра пардаларида жойлашган хлоропластлар.

**Диатомитлар** – диатом сувўтларининг йирик сув ҳавзаларда ҳосил қилган ётқизиклари.

**Диатом сувўтлар** (*Bacillariophyta*) – бир ҳужайрали ва колонияли микроскопда кўринадиган очик сариқ ёки кўнғир тусли, фақат коккоид тузилишли, кумтош шаффоф пўстли катталиги 4 дан 2000 мкм гача бўлган сувўтлар бўлими.

**Диатом сувўтлар** (*Diatomeae*) - 8 мингдан ортиқ турни бирлаштирувчи сувўтлар типи. Ҳужайраларининг қобиғи икки бўлакка бўлинган чакмоқ совут (қалқон) билан қопланган. Кўпчилиги якка яшовчи ҳужайралардан иборат, айримларигина занжирча бўлиб уланган. Асосан, чучук ва денгиз сувларида планктон ҳолида, баъзан нам ерларда, нам тошларда ва сувдаги ҳар хил предметларда ўсади.

**Диатом таҳлил методи** – геологик қидирув ишларида қўлланиладиган, диатом сувўтларнинг совутларига асосланган метод.

**Диатомин** – 1. Диатом сувўтлардаги кўнғир пигментлар. Бундай пигментларнинг хлорофилл билан аралашмаси мазкур сувўтларнинг хроматофорларига сарғиш тус беради. 2. Диатом сувўтларидаги уларга кўнғир сарғиш тус берувчи фақат шу сувўтларга хос пигмент; фотосинтезда мой ҳосил қилади.

**Диатомит** – 1. Диатом сувўтларининг сув ҳавзаларини тагида қалинлиги бир неча юз метрларгача борадиган ётқизиклари. 2. диатом сувўтларининг ташқи қаттиқ палласидан ҳосил бўлган чўкинди жинс.

**Диатроп ҳаракатлар** – таъсир этувчининг йўналишига нисбатан бурчак остида бўладиган ўсимликлардаги ҳаракатлар.

**Диатрипоид строма** – эктострома ва эндострома қисмли мицеллий чигалидан ҳосил бўлган строма.

**Диатропизм** – ўсимликларда таъсирлагичларга нисбатан кўндаланг ҳолатни эгаллаган эгилишлар.

**Диатропизм, кўндаланг тропизм** - ўсимлик органларининг (масалан, баргларнинг) шу органга таъсир қилувчи омилларга нисбатан перпендикуляр жойлашуви.

**Диафототропизм** – тушаётган ёруғликка нисбатан япроқни кўндаланг ҳолатда жойланиши.

**Диафототропизм, кўндаланг фототропизм** - ўсимлик органларининг масалан, барг япроғининг ёруғлик нурига нисбатан перпендикуляр жойлашуви.

**Диафрагма** (юн. *diaphragma* - парда, тўсиқ) – 1. Хужайралардан иборат парда. Бу парда кўп ўсимликларда ҳаво билан тўлган ораликларни бир-биридан ажратиб туради. 2. плаунлардан *Selaginella* туркумида урғочи ўсимта – гаметофитда архегоний ва ғамланган озиқ модданинг маълум даражада ажралиб турадиган қавати.

**Дицит устица (оғизча)** – 1. Очилиб ёпилувчи хужайралари бир жуфт кўшимча хужайралар билан ўралган устица (оғизча), папоротниклар ва гулли ўсимликларда бўлади. 2. бир жуфт кўшимча-ёрдамчи хужайралар билан ўралган папоротниклар ва гулли ўсимликларда учрайдиган устица (оғизча).

**Дивергенция, фарқланиш, тафовутланиш** - Дарвин назариясига кўра, янги турларнинг келиб чиқиш усулларида бири. Бунда ташқи муҳит таъсирида бир тур ичида янги-янги белгиларга эга бўлган хиллар вужудга кела бориб, келгусида улардан янги-янги турлар юзага келади. Бунинг акси конвергенция (қ.) дир.

**Дигибрид, қўш дурагай, икки сифатли дурагай** - икки хил сифатни назарда тутиб чатиштириш натижасида юзага келтирилган дурагай.

**Дидимелалар** (*Didymelales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Namamelididae* кенжа синфининг тартиби.

**Дидурагай чатиштириш** - икки жуфт аллели билан фарқ қилувчи организмларни чатиштириш.

**Дизигота эгизаклар** - иккита тухум хужайрани уруғланишидан ривожланган эгизаклар.

**Дизъюнкт ареал, ажралган ареал, бўлма ареал** - турли омиллар таъсирида бўлақларга ажралиб кетган ареал (қ. Ареал).

**Дикарион** – 1. Бир хужайрадаги бир-бирига яқинлашган гаплоид жуфт мағизлар. Бундай жуфт мағизлар халтачали ва базидиал замбуруғларда рўй берадиган жинсий жараён даврида юзага келади. 2. халтачали ва базидияли замбуруғларнинг кўпайишида битта хужайрада иккита гаплоид ядронинг бўлиши.

**Диктиосома** – тўплам ҳолидаги мембраналар системасидан иборат хужайранинг қисми; Гольжи комплексидаги тўрсимон қисм.

**Диктиостела** – папоротниклар поясидаги марказий цилиндрнинг камбийси бўлмаган бир тури. Қ. стела.

**Диктиостела, тўрсимон ўзак** - Эволюциянинг пастки поғонали босқичида турган ўсимликлар поясидаги бир-бири билан қўшилса ҳам ҳалқа ҳосил қилмайдиган тўдалар, ўтказувчи тўқималар, томирлар. Буларнинг ҳар бири ксилема ва флоэмадан иборат.

**Диктиосифонлар** (*Dictyosiphonales*) – талломи пластинка ёки бута кўринишли цилиндрсимон кўп қаторли, қисман бир қатор ипли шохчали, барча денгизларда тарқалган сувўтлар (*Phalophyta, Phaeozoosporophyceae*) тартиби.

**Диктиота** (*Dictyota*) - кўнғир сувўтлар типига мансуб туркум.

**Диктиоталар** (*Dictyotales*) – талломи йирик, баландлиги 50 см гача, яхлит ёки бўлақларга бўлинган ёки паншахасимон тармоқланган, учи билан ўсадиган, спорофит ва гаметофит изоморф навбатлашадиган сувўтлар (*Phaeophyta, Phaeozoosporophyceae*) тартиби.

**Диктиохалар** (*Dictyochales*) - бир хужайрали, қумтошли, монад, асосан денгизларда тарқалган сувўтлар (*Chrysophyta, Heterochrysophyceae*) тартиби.

**Диктиостела** – катта баргли ва ён шохлари бўлган, ўзакдан пўстлоққа йўналган алоҳида боғламли, камбийсиз папоротникларга хос поя.

**Дикраналар** – мохлар бўлими бриопсидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Дилатация** – ўзакдаги паренхиманинг бўлиниши билан поя ва илдизнинг ёнига ўсиши.

**Дилбанд** (*Tulipa micheliana* Ноог.) – пиёздошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган манзарали кўп йиллик ўт.

**Диликафтар** - Узумнинг хўраки ва майизбоп жайдари нави. Узум боши ва ғужуми ўртача катталиқда, қизил тусли, ширадор.

**Дилленейдлар** (*Dilleniales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи *Dilleniidae* кенжа синфининг тартиби.

**Диморф баргллар** – сфагнум мохларида поядаги ва шохчалардаги барглларнинг ўзаро ўхшаш бўлмаслиги.

**Диморф гетеростилия** – бир ўсимликда уруғчининг бўйинчаси узун ва калта бўлган гулларнинг бўлиши.

**Диморфизм** – бир турга мансуб индивидлар орасида бир-биридан морфология ва физиология белгилари билан фарқланувчи икки форманинг мавжудлиги.

**Диморфизм, ҳар хил шаклланиш** - бир турга мансуб ўсимликда ташқи кўриниши билан фарқ қиладиган икки хил белгининг (органнинг) мавжуд бўлиш.

**Диморф япрок** – нинабаргли ўсимликлардан *Podocarpaceae* оиласининг айрим туркумларида (*Phalcatifolium*) фотосинтезловчи вегетатив ва стробила тутган тангчасимон япроқларнинг бўлиши.

**Динамебидлар** (*Dinamoebidales*) – хлорофиллсиз, бир хужайрали сувўтлар ва содда ҳайвонлар билан озикланадиган денгизларда тарқалган циста ҳосил

қиладиган битта оила, бир туркум, бир турдан иборат (*Dinophyta*, *Dinophyceae*) сувўт тартиби.

**Динамик навсинаш** - вегетация даври давомида навнинг ҳосилдорлигини тўпланиши динамикасини ўрганадиган синаш.

**Диноккоккилар** (*Dinococcales*) – бириккан ёки мустақил сузувчи, кокки шаклидаги хивчинсиз, фотоавтотроф ва гетеротроф (текинхўр) сувўтлар (*Dinophyta*, *Dinophyceae*) тартиби.

**Динофизидиелар** (*Dinophysidales*) – бир ҳужайрали, яссилашган, ҳаракатчан, кўндаланг белбоғли ва қалин пўстли (*Dinophyta*, *Desmophyceae*) сувўтлар тартиби.

**Динофит сувўтлар** (*Dinophyta*) – бир ҳужайрали монад, айримлари амебонид, палмеллоид, коккоид ёки ипсимон тузилишли, ядроси мезокариот типдаги сувўтлар.

**Динофицелар** (*Dinophyceae*) – пўстсиз ёки целлюлоза пўстли (совут) бир ҳужайрали ёки қисман колониал, ҳаракатчан, икки хивчинли, стигмаси мавжуд, фототроф, голозой, симбионт ва текинхўрлари ҳам мавжуд копеподларнинг тана бўшлиғида учрайдиган сувўтлар (*Dinophyta*) синфи.

**Динофлагеллатлар** – бир ҳужайрали ҳаракатчан динофит сувўтлар гуруҳи.

**Диоскорейдошлар** (*Dioscoreaceae*) - тропик минтақаларда ўсувчи бир паллали ўсимликлар оиласи. Кўпчилиги чирмашувчи, айримлари ўрмаловчи кўп йиллик ўтлардир. Кўпгина турларининг илдиз ёки илдизпояларида крахмал бор. Барглари тўрсимон томирли, гуллари кўримсиз, шин-гил ёки бошоқ тўпгулларга йиғилган.

**Дипептидлар** - аминокислоталарнинг икки молекуласидан иборат пептидлар, органик моддалар.

**Дипланетизм** – замбуруғлардан оомицетларнинг ривожланишида ўрни алмашадиган икки хил зооспораларнинг ҳосил бўлиши.

**Диплобионт** – 1. Ўсимлик ҳаётининг жинссиз фазаси (жинссиз насли). Бундай насл ҳужайралардаги хромосомаларнинг диплоид сонда бўлиши билан характерланади. 2. Бутун ҳаёти диплоид хромосома ҳолида ўтадиган организм.

**Диплококклар** - Жуфт-жуфт бўлиб жойлашган юмалоқ бактериялар.

**Диплоид** – 1. Иккита гаплоид хромосома тўпламига эга ҳужайра, тўқима, организм. 2. соматик ҳужайраларда икки гомологик хромосомалар тўплами бўлган организм.

**Диплоид фаза** - Организм тараққиётидаги фазалардан бири. Бу фазада бўлинаётган ҳужайрадаги хромосомалар сони жуфт-жуфт бўлиб тақсимланади.

**Диплоид ядро, диплоид мағиз, қўш хромосомли мағиз** - Кариокinez даврида хромосомалар сони гаплоид сонга нисбатан икки марта ортган мағиз.

**Диплонема** – 1. Ҳужайранинг мейоз бўлинишида ҳар бир гомологик хромосома иккита хроматинга ажралиб маълум нуқталаридагина қўшилган ҳолда бўлиши. 2. мейоз бўлиниш профаза-1 нинг тўртинчи босқичи. Бу босқичда конъюгатсиялашган хромосомалар буралади (кроссинговер бўлиб ўтиши мумкин) ва бир-биридан итарилади. 3. мейоз бўлиниш профаза I нинг

босқичи бўлиб бунда гомологик хромосомалар ўртасида хиазмалар вужудга келади.

**Диплонт** – гаметасидан бошқа ҳамма хужайралари диплоидли бўлган организм.

**Диплоспория** - гаметофитнинг спорадан эмас, балки археспора хужайрасидан ҳосил бўлиши.

**Диплотен** – мейоз бўлинишнинг профазасида кроссинговердан кейин гомологик хромосомаларнинг ажралиш даври.

**Диплостемон гул** – чангчилари икки доира бўлиб жойлашган, ташқи доирадагилари тожбарг билан навбатлашиб жойлашган гуллар.

**Диплофаза** – ўсимликнинг кўш хромосомали даври.

**Диплохория** – уруғ ва меваларнинг икки усул билан тарқала олиш хусусияти.

**Дисахаридлар** - оддий қандлар (моносахаридлар) нинг икки молекуласидан тузилган органик моддалар (углевод қандлар) гуруҳи -  $C_{12}H_{22}O_{11}$ .

**Дисимбиотрофлар** – дуккакли ўсимликларнинг айримларини бактериялар ва замбуруғ гифалари билан симбиози.

**Диск** – нектардонларнинг гул ўрнида жойлашиши.

**Дисклимакслар** – климаксдан ташқи муҳитнинг доимий таъсири: одамлар, ҳайвонлар таъсири, шу жойга янги ўсимликларнинг экилиши (киритилиши) ва шу каби ҳолатлар натижасида юзага келган ценозлар.

**Дискоболоцист** – тилларанг сувўтларнинг хужайраларидаги отилувчи тузилма.

**Дискоболоциста** – яшил, тилларанг ва эвглена сувўтларидаги ҳимоя вази-фасини бажарувчи қисм.

**Дискомицетнамолар** - халтачали замбуруғларнинг бир қабиласи.

**Дискордантлик** - эгизакларда тор реакция нормасига эга белги-лардаги фарқлар. Эгизаклар зиготалигини аниқлашда фойдаланилади ва % билан ифодаланади.

**Диссимиляция** (лот. *dissimilatio* - ажралиш, парчаланиш) - тирик организмдаги органик моддаларнинг парчаланиши. Бундай парчаланиш натижасида организм учун зарур бўлган энергия юзага келади. (Диссимиляциянинг акси ассимиляция (қ.) дир.

**Дистал спородерма** – спородерма юзасининг тетрадага юзланган қисмининг қарама-қарши томони.

**Диспермия** – тухум хужайранинг иккита эркаклик хужайра билан уруғланиши.

**Дифференциация, фарқланиш** (лот. *differentio* - фарқ, тафовут) - 1. Ўсимликларнинг тур, туркум ва оила каби таксонларга ажралиши. 2. Ўхшаш органларнинг ташқи шароит таъсирида бир-биридан шаклан ва функционал фарқларга эга бўлиши.

**Дифференциялаш** - Тараққиёт жараёнида бир бутун организмнинг шакл ва функциялари жиҳатидан турлича қисмларга ажралиб кетиши.

**Диффузия** (лот. *diffusio* - таралиш, тарқалиш) - Сув ёки шираларнинг хужайра пардалари орқали ўтиши.

**Диффузли иккиламчи ўсиш** – лилиописидларга мансуб ўсимликларда камбий йўқлиги сабабли, асосий паренхима хужайраларининг бўлиниши ва чўзилиши ҳисобига ўсиши.

**Диффуз радиация** – куёшдан келаётган радиацияни ҳаводаги газ молекулалари, сув буғи, муз кристаллари, чанг, булут таъсирида қайтариши туфайли рўй берадиган радиация, 16% дан иборат бўлади.

**Диффуз ҳолат** - бирор жисмнинг тарқоқ ҳолати: 1) бактерияларда хужайра мағизи (нуклеус) нинг протоплазмада уюшмаган тарқоқ ҳолати; 2) фитоценологияда - турли ўсимликларнинг маълум бир жамоада (фитоценозда) диффузланиб, яъни тарқоқ ҳолда жойлашиши.

**Диффузор** - саноатда фойдаланиладиган ўсимликлардан турли моддаларни (масалан, таннидли ўсимликлардан таннид моддани, витаминли ўсимликлардан витаминларни ва бошқа ўсимликлардан қанд, мой, доривор каби моддаларни) ажратиб оладиган аппарат.

**Дихазий тўпгул** – икки шулали тўпгул; ярим соябон, асосий ўқ учидан чиққан гул тагидан ундан ўсиб кетадиган иккиламчи тартибда иккита ўқ ҳосил қилиб, уни учида гул ҳосил қилади, уни асосидан яна иккита юзма-юз жойлашган ўқ ҳосил қилади ва гул ҳам ҳосил қилади, кейин яна шу тарзда давом этади.

**Дихазий, қўшалок шохчали тўпгул** - учи гул билан тугаб, пастроқдан бир-бирига қарама-қарши жойлашган икки шохча чиқарувчи тўпгул.

**Дихогамия** – 1. Гуллардаги чангдон билан тумшукнинг турли вақтда етишуви. 2. Гулда чангдон ва уруғчининг турли вақтларда етилиши.

**Дихотомик шохланиш** – поянинг айрисимон ҳолда шохланиши.

**Дихотом шохланиш, айриланиб шохланиш** - ўсимликнинг учида пайдо бўлган иккита янги ўсиш нуктасидан бир хил ривожланган шохчаларнинг ўсиб чиқиши.

**ДНК (дезоксирибонуклеин кислота)** – хужайрада асосан ядрога жойлашган ва наслий белгиларни сақлаш, авлодларга ўтказиш функциясини бажаради.

**ДНК лигаза** - бир нуклеотиднинг 5<sup>1</sup>- R<sub>O</sub><sub>4</sub> қолдиғи билан иккинчи нуклеотиднинг 3<sup>1</sup>- OH қолдиғи орасида фосфодиефир боғ ҳосили туфайли полинуклеотидни тикувчи фермент.

**ДНК полимераза** - дезоксирибонуклеотид трифосфатлардан ДНК молекуласини синтезловчи фермент.

**Довбўритикон** (*Acanthophyllum Borszczovii* Litv.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Доза** (юн. *dosis* - миқдор, порция) - ўсимликлар билан ўтказиладиган тажриба вақтида уларга бериладиган элементлар, сув ва бошқа шу кабиларнинг миқдори.

**Дозалаш, порциялаш** - лаборатория ва дала шароитида ўсимликларга бериладиган моддаларнинг миқдорини белгилаш.

**Доимий аспект** – вегетация даврида деярли ўзгармайдиган аспект.

**Доимий тўқималар** – меристемадан ҳосил бўлиб тўла даражада табақалашган тўқималар.

**Доимий партенокарпия** – мазкур ўсимликда доимо, ҳар доим партенокарпиянинг рўй бериши.

**Доимо яшил ўсимлик** – бир ва ундан ортиқ йил давомида япроқлари яшил ҳолда турадиган ўсимликлар.

**Доим яшил бутазор** - барглари ҳар йили тўкилмайдиган доим яшил ўсимликлардан (аксари эрикадошлардан) иборат бутазор.

**Доим яшил ўсимликлар** (*plantae sempervivae*) - йил давомида ям-яшил турувчи ўсимликлар. Барглари куз ва қишда ҳам тўкилмайди. Бундай дарахтларнинг барглари бир қанча вақт давомида янги ёш япроқлар билан аста-секин алмашинади, шунинг учун бу ўсимликнинг туси ва ҳолати доимий сақланади.

**Доираларнинг галланиши** – гулнинг ҳар бир аъзолари одатда, кўшни доира аъзолари орасидан жой олиши.

**Доминант** - гетерозиготада намоён бўлувчи аллел ёки белги-хосса.

**Доминант белги, устун белги** - дурагай ўсимликнинг биринчи наслида ота ёки она ўсимликка хос белгилардан бирортасининг устун бўлиши.

**Доминантлар** – устун турлар, ҳар бир ярус ва ассоциациясида устунлик қилувчи ўсимлик турлари.

**Доминантлар, устун турлар** (*лот. dominans; dominantis* - ҳукмрон, устун) - фитоценозда (жамоада) ёки унинг ярусларида сони ва ҳажми жиҳатидан устунлик қилувчи ўсимлик турлари.

**Доминантлик** - гетерозигота организмда аллел белгилардан бирининг иккинчисидан устун туриши.

**Доминантлик** - гетерозигота ҳолатидаги аллеллар жуфтидан бирининг иккинчиси устидан устун келиши. Доминантликнинг бир неча шакли мавжуд. 1. Тўлиқ доминантлик - бунда гетерозиготада фақат доминант аллелнинг фенотипи юзага чиқади (қизил ранг). 2. Тўлиқмас (оралиқ доминант) - бунда А (қизил) а - (оқ) нинг таъсирини тўлиқ тўса олмайди, ҳосил бўлган белги оралиқ харак- терга эга (Аа - пушти ранг) бўлади. 3. Ўта доминантлик - бунда доминант аллел гетерозигота (Аа) ҳолатида гомозигота (АА) ҳолатидагига нисбатан кучлироқ намоён бўлади.

**Доминирловчи марказлар** – пояннинг учидаги ауксин, илдиз учидаги цитокининлар таъсирида интеграция жараёнларини бошқарувчи марказлар.

**Дон** (*granum*) – 1. Қуруқ, бир уруғли, юпқа пўстли эндоспермга зич ёпишиб турадиган мева 2. Ғалла экинлари меваси ва дон-дуккакли ўсимликларнинг уруғи. 3. Донли ўсимликларнинг меваси, ғалладошлар, дуккакдошлар кабиларнинг уруғи.

**Донача** (*caryopsis*) - ғалладошларга мансуб ўсимликларнинг уруғ билан жипслашган қуруқ ва очилмас меваси. Унинг уруққа зич ёпишган юпқа пардасимон мевақати бор. У юқори тугунчасидан ўсади.

**Донашўр** (*Gamanthus gamacarpus* (Naq.) Bunge.) – шўрадошлар оиласига мансуб чўл, адирда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Донли дуккаклилар** - дуккакдошларга мансуб элма ўсимликлар.

**Донли ўсимликлар, ғалла ўсимликлари** (*plantae cerealia*) - ғалладошлар ва дуккакдошларга мансуб, дони учун экиладиган ўсимликлар.

**Дорзовентрал тузилиш** - ясси шаклдаги органнинг тузилиш шаклларида бири. Бундай органларнинг устки ёки ўнг (вентрал) ва остки ёки тескари (дорзал) томонлари яққол фарқ қилади. Масалан, кўпчилик ўсимлик баргларида ўнг ва тескари томонлари.

**Доривор мойчечак** (*Matricaria chamomilla*) - Мойчечакларнинг бир тури. Гул саватчаларидан ичсургич дори тайёрланади.

**Доривор настурция** (*Nasturtium officinale*) - карамдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Йўғон пояси 15-60 см гача ўсади, қуйи қисми эса ер бағирлаб ўсади ва илдиз отади. Барги патсимон ажралган, гули майда, оқ. Меваси - кўзоқ.

**Доривор ўсимликлар, шифобахш ўсимликлар** (лат. *officinalis* - доривор) - одам ва ҳайвонларни даволашда ишлатиладиган ўсимликлар гуруҳи.

**Дорсавентрал япроқ** – юзаси ва ости ўзаро аниқ фарқланиб турувчи япроқ; абаксал ва адаксал томонли япроқ.

**Друздлар** – илдиз поя, пўстлоқ, кўпчилик ўсимликларнинг баргларида эпидермаси ва бандларидаги ўзаро қўшилиб ўсган кристаллардан иборат шарсимон ҳосилалар.

**Дубовик** (*Boletus luridus*) - қалпоқчали базидиал замбуруғ. Дуб ўрмонларида ўсади.

**Дубзор** - Дуб дарахтларидан иборат ўрмон.

**Дукёғоч** (*Lonicera microphylla* Wild.) – шилвидошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган дарахт.

**Дуккак** – битта мевабаргчадан ҳосил бўлиб, тепасидан тагигача икки томонидан, қорин ва орқа чокидан ёпилиб очиладиган бир хонали қуруқ мева.

**Дуккаклилар** (*Fabales*) – гулли ўсимликлардан бурчоқдошларга мансуб *Magnoliopsida* синфи *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Дуккакдорлар** (*Leguminosae*) - икки уруғ паллали ўсимликлар синфига мансуб қабила. Дуккакдорлар дарахт, бута, лиана, чала бута, кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар шаклида ўсади. Гуллари шингил, рўвак ва каллак шаклидаги тўпгулларни ташкил қилади.

**Дуккаксимон инициала** – флоэма ва ксилема бўйлама ҳужайраларининг ҳосил бўлишини бошлаб берувчи ҳужайра.

**Думбул** - ғалланинг пишиб етилиш даврларидан бири. Бу даврда ўсимлик ва ғалланинг пояси сарғайиб ғалланинг етилаётганидан дарак беради. Шу фазадан 10 - 12 кун ўтгач, дон тўла етилади, яъни пишади.

**Дум-пальма** (*Hurphaene*) - пальмадошларга мансуб дарахт ўсимликлар туркуми. Танаси паншахасимон шохланган, барглари елпи-ғичсимон бўлиб, шохчалар охирида тўпланган.

**Дупликация** - хромосома абберацияларининг бир хил бўлиб, унинг қисмларидан бирининг икки ҳисса ортиши. Дупликация кроссинговернинг меъёрида кечишига халақит беради. Ўз навбатида дупликация нотекис кроссинговер натижасида келиб чиқиши мумкин.

**Дур** (чех. *drusa* - чўтка) - оксалат кальцийнинг кўпчилик ўсимлик ҳужайраларида учрайдиган новвотсимон кристаллари тўдаси.



**Дурагай** - ирсий белги ва хусусиятлари билан фарқ қиладиган икки ва ундан ортиқ организмларни чатиштириб олинган янги бўғин.

**Дурагай нав** - дурагай популяциясидан чатиштириш ватанлаш йўли билан яратилган нав.

**Дурагай нав** – ирсий хусусиятлари билан бир-биридан фаркланадиган ота-она формаларини чатиштириш натижасида олинган ўсимлик нави.

**Дурагай популяция** - чатиштириш натижасида олинган ирсий жиҳатдан бир - биридан фарқланувчи организмлар тўплами.

**Дурипатрик сақланганлик** – мустаҳкам хужайра қобиғи ёки ички тузилмаси туфайли сувўт хужайрасининг қазилма ҳолида яхши сақланганлиги.

**Дурьян** (*Durio zibethinus*) - баобабдошларга мансуб мевали дарахт. Бўйи 20-25 м, барглари тухумсимон бутун, гуллари соябонсимон тўпгулларга тўпланган. Меваси 3 кг гача боради, усти тиканакли. Мевасининг ичида 5 та уяча ва ҳар уячада 3 тадан уруғ бор.

**Дубликация** - икки хисса кўпайиш, ген ёки хромосомалар қайта тузилишининг бир тури, бунда ген ёки хромосоманинг айрим қисми иккита бўлиб қолади.

**Дўлана** (*Crataegus*) - раънодошларга мансуб тиканли, ширадор дарахт ёки буталар туркуми.

**Дўнг, ўрқач** (*gibba, gibber*) - мева, уруғ, гулўрни ва поя каби органларнинг эгилган, букилган ёки бўртиб чиққан жойи.

## Е

**Елим безлари** - ўсимликнинг ёки ўсимлик органининг ички ва ташқи қисмидаги безлар. Ўсимликлар махсус эпидермал хужайралардан кўп миқдорда елим, ёғ ёки шилиқ моддалар ишлаб чиқаради. Бу моддалар елим, ёғ ҳамда шилиқ безларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлади.

**Елимли ўсимликлар** (*plantae gummiferai*) - танаси елимдор ўсимликлар. Масалан, жийда, тоғларда ўсувчи трагакант ва бошқалар.

**Елим каналлари** (йўллар) – соябонгулдошлар, аралиядошлар, мураккабгулдошларнинг кўпчилиги нинабаргли ўсимликларга хос узун найсимон кўринишли елимли эпителийнинг тирик хужайралари билан ўралган каналлар.

**Елкан** – *Fabaceae* оиласига мансуб ўсимликларнинг гулидаги тожбаргнинг юқоригиси, одатда ёрқин, очиқ тусли рангда бўлади, ҳашаротларни жалб қилишда аҳамиятли.

**Елпиғичбаргли пальма** - юқори қисмида барглар тўплами бор баланд ва тўғри танали пальма дарахти. Пластинка шаклидаги йирик барглари елпиғичсимон. Танаси ўсишдан тўхтаган жуда кўп бандчалар билан қопланган.

**Ем-хашак экинлари** - чорва моллари учун озуқа бўладиган барча экинлар.

**Ердаги ўсимликлар** (*plantae epigaei*) - тупроқда ривожланишга мослашган ўсимликлар.

**Ермева, геокарпия** - гули чанглангандан сўнг шохчаси пастга қайрилиб, тугунчаси (меваси) тупроққа кўмилиб етиладиган мева. Масалан, ерёнғок (арахис).

**Ерни гипслаш** - ерга гипс солиш. Бу тадбир ернинг кимёвий ва физикавий таркибини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ўғитлаш мақсадида қўлланилади.

**Ерсовун** (*Saponaria severtsovii* Rgl. et Schmalh.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб адирда ўсадиган, доривор, сапонинли, кўп йиллик ўт.

**Ер сувўтлари** (*Algae epigaei*) - таркибига кўра чучук сув бентосларига анча яқин сувўтлар. Уларнинг дарахт таналарида, тахта деворларда баъзан эса, гишт деворларда учрайдиган турлари ҳам бор (трентеполия, плеврококк, стихококк ва бошқалар). Ерда бундай сувўтларнинг мавжуд бўлиши унинг ҳосилдорлигини оширади.

**Ерусти сувўтлар** – тупроқ юзасида бўлиб, ҳаводаги намлик ҳисобига ривожланадиган сувўтлар.

**Ерчой** (*Orthurus kokanicus* Rgl. et Smalh.) – раънодошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Ерчой** (*Geum (Orthurus) cocanicum* Rgl. et Schmalh.) – раънодошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган доривор ўт.

**Еркаламбир** (*Armoracia rusticana* Lam.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Ерқимизак** (*Oxyria didyna* (L.) Nill.) – торондошлар оиласига мансуб, тоғ, яйловда ўсадиган, доривор, кўп йиллик ўт.

**Еркўноқ** (*Polygonum nitens* V. Petr.) – торондошлар оиласига мансуб, тоғ, яйловда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Етилтириш** - хом меваларни узиб олиб, уларни пишириш усули. Маълум бир вақт ичида белгиланган ҳарорат, намлик ва аэрацияда сақлаш йўли билан хом меваларни етилтириш мумкин. Кейинги вақтларда уларни махсус камера (хона) ичига жойлаб, этилен гази билан етилтириш яхши натижа бермоқда.

**Етмак, бих** (*Acanthophyllum gypsophiloides*) - қорамуғдошлар (чиннигулдошлар) га мансуб ўт ўсимликларнинг илдизи. Таркибидаги органик моддалар - сапонинлар сувга солинса ёки эритмаларга ара-лаштирилса кўпиради. Ўрта осие адирларида ва тор этакларида ўсади. Илдизи ҳар йили кўп миқдорда қазиб олиниб, ҳар хил саноатда (халқда нишолда пиширишда) ишлатилади ва чексиз миқдорда хорижий мамлакатларга чиқарилади.

**Етмак** (*Acanthophyllum gypsophylloides* Rgl.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган сапонинли, доривор кўп йиллик ўт.

## Ё

**Ёввойи горчица, ёввойи қичи** (*Sinaps arvensis*) - крестгулдошларга мансуб бир йиллик бегона ўсимлик.

**Ёввойи пиёз** - лоладошлар (пиёздошлар) га мансуб ўсимликлар туркуми.

**Ёввойи ўсимликлар** - табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар.

**Ёвшан** (*Artemisia diffusa* Н. Krasch.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Ёзги еғоч қатлами** - йиллик ҳалқанинг ёз давомида пайдо бўлган қисми.

**Ёнбаргчалар** – хара сувўтларда пояда барглари мутовкасининг асосидаги тожсимон кўринишли ёки чўзилган узун баргчалар.

**Ёндош органлар, латерал органлар** (*лат. lateralis - ён, ён томон*) - асосий ўқнинг ён томонларида жойлашган органлар.

**Ён илдизлар** - ўқ илдиздан тармоқланган илдизчалар.

**Ён куртаклар** - шох ва новданинг ён томонида жойлашган куртаклар.

**Ён томирлар** - баргдаги асосий томирлардан шохланган ён томирчалар.

**Ёнғоқ** (*лат. juglans regia*) - ёнғоқдошларга мансуб дарахт. Бўйи 30 м га, танасининг диаметри 1,5 м га етади. Барглари қатор тартибли, жуфт патсимон жойлашган, қишда тўкилади; гуллари бир жинсли ва бир уйли. Мевасининг усти юмшоқ (экзокарп), ости қаттиқ (эндокарп) қаватли. Шох-шаббаси кенг ва қалин.

**Ёнғоқлар** (*Juglandales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Hamamelidae* кенжа синфининг тартиби.

**Ёпишоқ** (*Senecia subdentatus* Ledl.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Ёпишоқ барг** (*лат. folia decurrentia*) - остки қисми ва банди ўсимликнинг поясига ёпишган барг. У танада аниқ кўришиб туради. Бунга мисол қилиб қаррак, қушқўнмас каби ўсимликлар баргини кўрсатиш мумкин.

**Ёпишқоқ тола** – ёпишқоқ мева ажратадиган кўп хужайрали тола.

**Ёпишқоқўт, мовигул** (*Lappula*) - Кампирчопондошларга мансуб бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Гуллари ҳаво ранг ва кўк. Мевасининг юзи ғадир-будур ёки учи илмоқчали ўсимталар билан қопланган.

**Ёпиқ боғлам** – поядаги ўтказувчи боғламда камбийнинг бўлмаслиги (бу билан иккиламчи камбийнинг йўғонланишига йўл бўлмаслиги).

**Ёпиқ куртак** – куртакнинг устидан ёпқич қоплами бўлгани.

**Ёпиқ митоз** – митоз даврида ядро мембранасининг яхлит, узилмай қолиши. Монад, масалан, *Pedimonas minor* Korsch. ипсимон *Oedogonium cardiacum* (Hass.) Wittz. турларида рўй беради.

**Ёпиқ томирланиш** – япроқдаги томирланишларнинг охириги қисмини бир-бирлари билан ўзаро туташган ҳолати.

**Ёпиқ тўпгул** – марказий пояси гул билан тугалланган, ўсиши чекланган тўпгул.

**Ёпиқ ўтказувчи боғлам** – камбийси бўлмаган ўтказувчи боғлам.

**Ёриқчаларнинг гидроактив ҳаракати** - ҳаво жуда қизиганда ёриқчаларнинг (тешикчаларнинг) ёпилиши. Иссиқ вақтда баргда сув танқислиги натижасида шундай ҳодиса рўй беради.

**Ёриқчаларнинг гидропассив ҳаракати** - барглардаги эпидермис хужайраларининг қамровчи хужайраларни (ёриқча лабини) босиб туриши натижасида ёриқчаларнинг ёпилиши.

**Ёронгул** (*Pelargonium zonale* (L.) Ait.) – ёронгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, эфир мойли чала бута.

**Ёруғсевар ўсимликлар** – ёритилиш даражаси кучли бўлганда яхши ривожланадиган ўсимликлар, ёритилиш кучли бўлганда фотосинтез нафас жараёнларидан устунлик қилади.

**Ёстик** – ўсимликларнинг ҳаётий шаклларида бири бўлиб, калта новдалари яримшарсимон юзани ҳосил қилади.

**Ёстиксимон соябон** – базидияли замбуруғларнинг айримларидаги қаварик, йўғон, этдор соябон.

**Ёстик-ўсимлик** – ўсимликнинг асосий (марказий) поясининг жуда кўп шохланиши, анча секин ўсиши натижасида ёстик шаклини ҳосил қилиши (*Gypsophylla aretioides*, *Acantholimon gypsophylla*). Катталиги диаметри 1 м гача, яримшар, ясси, ботиқ баъзан ғаройиб кўринишларда ҳам бўлади.

**Ёш насл** - Бир ҳужайрали ва колонияли сувўтларнинг бўлинишидан юзага келадиган ёш насл, авлод.

**Ёш мағизлар, ёш ядролар** - Ҳужайра ичида бўлиниш натижасида юзага келадиган янги мағизлар.

**Ётиқ илдизпоя** (*rhizoma repens*) - Тупрокнинг устки қатламларида ётиб ўсувчи илдизпоя.

**Ёш илдизча** (*лот. radícula*) - муртақдаги ва янги униб чиққан ўсимликлардаги илдизча.

**Ёш бўлаклар** - Ўсимликнинг илдиз ва танасидан ўсиб чиқувчи ёш авлод.

**Ёғоч, ксилема** (*лот. lignum*) - Ўсимликнинг танаси ва илдизидаги пўстлоқ билан ўзак ўртасида жойлашган қаттиқ қават. Бу қаватдаги тўқималар ўсимлик танаси бўйлаб сув ва минерал моддаларнинг силжиши, озуқа моддаларнинг қисман сақланиши ва ўсимлик танасининг мустаҳкам бўлиши учун хизмат қилади.

**Ёғочланиш** – 1. Ҳужайра қобиғининг лигнин (сувда эримайдиган мураккаб органик модда) ни шимиб ёғочланниши, мустаҳкамланиши. 2. ёғочликка лигнин моддасининг шимилиш жараёни.

**Ёғочлик** – очик уруғли ва гулли ўсимликларда одатдаги иккиламчи ксилемаси.

**Ёғочликдаги ажратиш система** – одатда кальций оксалат тўпланган ҳужайралар.

**Ёғочлик паренхима** – гулли ўсимликлар ксилемасидаги юпқа пўстли тиррик ҳужайралардан иборат паренхима.

**Ёғоч мойи, тунга мойи** - *Aleurites cordata*, *Aleurites forbii* каби оилаларга мансуб дарахтларнинг ёнғоғидан олинадиган мой.

**Ёғочнинг диффузияли паренхимаси** - ёғочнинг бутун йиллик ҳалқаси бўйлаб текис тарқалган паренхимаси.

**Ёғочоёқ илдиз** – поядан чиқиб пастга ўсиб таянч ва озик берадиган илдиз.

**Ёғоч толалар** – қ. либриформ.

**Ёғоч чизиқлари, ёғоч тиғлари** - камбийдан ичкарига қараб жойлашган чизиқлар.

**Ёғочшунослик** - ёғочнинг тузилишини, физикавий, кимёвий ва механик хусусиятларини ўрганувчи ҳамда турли омилларнинг унга кўрсатадиган таъси-

рини аниқлаш ёхуд ёғочларнинг халқ хўжалигида қўлланиш доирасини белгилаш билан шуғулланувчи фан ва амалиёт.

**Ёғчи безлар** - ўсимликнинг ёғ, елим, шилиқ каби турли моддалар ишлаб чиқарадиган махсус эпидермал хужайралари.

## Ж

**Жавдари нав** – маълум бир жойда экиб ўстирилиб ҳосил олинадиган ўсимлик нави.

**Жавзбова, мускат** (*Myristica*) - мускатдошларга мансуб ёпиқ уруғли доим яшил дарахтлар туркуми.

**Жавғаз** (*Tulipa ferganica* Vved.) – пиёздошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган манзарали кўп йиллик ўт ўсимлик.

**Жавқосин** (*Tulipa lehmanniana* Nevski.) – пиёздошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Жайдари ўсимликлар** - туб жой ўсимликлар, маҳаллий ўсимликлар, азалдан маълум бир ерда яшаб келаётган ўсимликлар (қ. Аборигенлар).

**Жайдари ғўза** - Ўрта Осиёда қадимдан экиб келинган, кўсақлари яхши очилмайдиган, дағал толали маҳаллий ғўза, бу тур фанда Африка-Осиё ғўзаси ҳам дейилади.

**Жайронўт** (*Frankenia hirsuta* L.) – франкениядошлар оиласига мансуб чўл, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Жамбил, тошчўп** (*Satureia*) - лабгулдошларга мансуб хушбўй ўсимликлар туркуми. Бир йиллик ўт, бута ва чалабута шаклларида учрайди.

**Жамғарилган крахмал, тўпланган крахмал** (*amylum proventitium*) - баъзи ўсимликларнинг донларида ёки бошқа органлари хужайраларида тўпланган крахмал. Масалан, буғдой донида крахмал тўпланади.

**Жароҳат ёғочлик** – ўсимлик вегетациясининг баҳор даврида шаклланадиган ёғочлиги.

**Жароҳат тўқима** – жароҳатланганда юзага келадиган, одатда каллус кўринишидаги жароҳат меристемадан юзага келадиган тўқима.

**Жасмин** (*Jasminum fruticans* L.) – зайтундошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали бута.

**Женьшень** (*Panax ginseng*) - аралиядошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Бўйи 30-50 см, барглари панжасимон қирқма, гуллари майда, кўкиш, соябонсимон тўйгулга йиғилган. Меваси юмшоқ. Этли илдизи цилиндрсимон, хушбўй, тами аччиқроқ. Илдизининг юқори қисми қалинроқ, қуйи қисми шохларга бўлинган бўлиб, одам гавдасини эслатади.

**Жигармохлар** – мохлар бўлимининг синфи.

**Жийда** (*Elaeagnus*) - жийдадошларга мансуб дарахт ва буталардан иборат туркум. Баъзи турлари доим яшил. Гуллари майда, хушбўй, сариқ, икки жинсли ва ширадор. Меваси кумушсимон кул ранг (пишганда эса қизғиш-сариқ) ва унли сохта меваданакдан иборат.

**Жийдадошлар** (*Elaeagnaceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб ўсимлик оилаларидан бири. Барглари ва ёш новдалари юлдузсимон ёки бошқа турли

тукчалар билан қалин қопланганидан кумушдай товланади. Гуллари бир жинсли ёки икки жинсли, барг қўлтиғида биттадан ўрнашган, баъзан шода тўпгул ҳосил қилади.

**Жин** - чигитдан тола ажратадиган машина ишлаш тартиби.

**Жингалак** – ўсимлик барглари, новдаларининг кўриниши ўзгарган қисмлари бўйлаб бирор таянчга осилиш, ўралиш учун хизмат қиладиган ўсимта.

**Жингалак тукли** (*лот. ulophyllus*) - жингалак тукчалар билан қопланган баъзи ўсимликларнинг тана, мева ва барглари.

**Жинс** - организмнинг жинсий кўпайишда иштирок етишга ва ирсий ахборотни гаметалар орқали авлодларга ўтказишга имкон берувчи хусусиятлар йиғиндиси.

**Жинсга тобе белгилар** - генлари ҳар қандай хромосомаларда жойлашиши мумкин бўлган, лекин юзага чиқиши жинсга боғлиқ бўлган белгилар. Масалан, каллик гени гетерозигота ҳолатида аёлларда юзага чиқмайди, эркакларда эса гетерозиготаларда каллик юзага чиқади.

**Жинсий бўғинлар** (*prothallium*) - киркқулоқсимонлар (папоротниксимонлар), киркбўғимсимонлар, плаунсимонлар ва селлагинелланамолардаги жинсий бўғинлар. Улар споралардан ривожланиб, антеридлар (эркак органлар) ва архегонийлар (урғочи органлар) ни ташкил этади.

**Жинсий деморфизм** – бир турга мансуб ўсимликларда эркак ва урғочининг турли морфология кўринишларида бўлиши.

**Жинсий хроматин** - гиперпикнозлашган ва нофаол ҳолатдаги Х хромосома ядро мембранасига ёпишган тўқ бўялувчи танача, хроматин таначаси сони Х хромосомалар сонидан битта кам бўлади. Жинсий хроматинни аниқлаш орқали Х хромосомалар сони ўзгаришига боғлиқ ирсий касалликларни, шахснинг генотипик жинсини аниқлаш мумкин.

**Жинсий хромосомалар (гетеросомалар)** - урғочи ва эркак жинсларда фарқланувчи хромосомалар. Уларга жойлашган генлар жинсий белгиларга ҳам, соматик белгиларга ҳам (далтонизм, гемофилия) таъсир қилади.

**Жинчак** (*Lagonichium farctum* Vobr.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган, доривор, ошловчи модда тутган бута.

**Жинғил** (*Tamarix laxa* Will.) – юлғундошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган бута.

**Жинсий кўпайиш** – сувўтларда иккита хужайранинг қўшилиб зигота ҳосил қилиши, ундан зооспораларнинг юзага келиши.

**Жой** (*conceptaculum*) - хужайралардаги турли моддалар ўрнашган жой.

**Жойлашиш самараси** - ген таъсининг унинг атрофидаги аллелларга боғлиқлиги. Шунинг учун ҳам хромосома абберрацияларида жойи ўзгарган геннинг фаоллиги ўзгариши мумкин.

**Жумрут** (*Rhamnus coriaceae* Kom.) – чилонжийдадошлар (унобидошлар) га мансуб бута ва дарахтлар туркуми.

**Жунчўп** (*Scorzonera circum flexa* Н. Krasch.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Жусан** (*Artemisia lessingiana* Bess.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Жут** (*Corchorus olitorius* L.) – жўкадошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган, толали бир йиллик ўт.

**Жўка, липа** (*Tilia*) - жўкадошларга мансуб дарахтлар туркуми. Барглари юраксимон-юмалоқ ёки кенг тухумсимон, қатор тартибли, гуллари қалқонсимон тўпгулларга йиғилган, хушбўй, кўкиш ёки сарғиш-оқ. Меваси куруқ, юмалоқ данаксимон.

**Жўкадошлар, липадошлар** (*Tiliaceae*) - айритожли икки уруғ паллалиларга мансуб дарахт ва бута ўсимликлар оиласи. Барглари яккама-якка ўр-нашган, ёнбаргчалари тез тўкилувчан. Гуллари тўғри (актиноморф), оқ ёки сарғиш, икки жинсли, четдан ҳашаротлар воситасида чангланади. Чангчилари 5 ёки 10 тўда бўлиб жойлашади (ҳар бир тўда битта чангчининг ажралишидан келиб чиққан). Уруғчиси битта. Деярли барчасининг гуллари тўпгулларга йиғилган. Меваси - кўсакча, юмалоқ данаксимон ёки увокланувчи.

**Жўрақанд** - олача қовуннинг эртапишар навларидан бири. Шакли тухумсимон сирти тўрланган, сариқ. ва кўк йўлли. Эти оқ, пўсти қаттиқ. Таркибида 9,5% гача қанд бор.

**Жўраузум** - узумнинг кеч пишар навларидан бири. Ғужуми йирик, думалоқ, ширадор, тўқ яшил пўсти қалин.

### 3

**Заболон** – поя ёки илдиз ёғочлигининг пастки қисмидаги, ғамланган моддаларни тутган ва сув ўтказувчи тирик ҳужайралар; поядаги ёки илдиздаги ёғочликни камбийга туташган физиология жиҳатидан жадалроқ қисми.

**Завод аралашмалари** - пахта заводларида аралашиб кетган чигитлардан униб чиққан ғўзалар ва уларнинг ҳосиллари. Илгари пахта заводларида ҳар хил тур ва навга мансуб бўлган чигитлар аралашиб кетар ва шу холича экилаверар эди.

**Зайтун** (*Olea*) - зайтундошларга мансуб ўсимликлар туркуми. 60 та тури маълум. Шулардан экма зайтун (*Olea europea*) ва зайтун дарахт тури хўжалик аҳамиятига эга. Барглари майда ва учли, гуллари оқиш ва икки жинсли, рўваксимон шингил тўпгулга йиғилган. Меваси (оғирлиги 10-15 г) нинг усти юмшоқ данак. Экма зайтун ёввойи зайтун (*Olea oleaster*) дан келиб чиққан.

**Зайтундошлар** (*Oleaceae*) - икки уруғ паллалилардан туташтожли ўсимликлар оиласига мансуб дарахт ва буталар. Барглари қарама-қарши жойлашган, ёнбаргчасиз. Кўпчилик турларининг гуллари тўғри (актиноморф), икки чангчили ва икки жинсли, косача ва тожбарглари тўрт баргчали бўлиб, шингил тўпгулларга йиғилган. Меваси данакли ёки юмшоқ, баъзиларида эса кўсакчали ёки қанотли.

**Заленский қонуни** - ўсимлик баргларида пастки ярусдан юқори ярусга қараб томирлар йиғиндисининг ошиб бориши тўғрисидаги қонун. Бу қонун куруқ ва серқуёш жойларда ўсувчи ўсимликларда яққол намоён бўлади.

**Замбуруғлардаги турли хўжайинлилик** – айрим текинхўр замбуруғларни ривожланиш давраси, систематика жихатидан анча узоқ хўжайин ўсимликларда рўй бериши. Бундай ҳолат занг замбуруғлари *Uredinales* тартибига хос ҳисобланади (масалан, буғдойнинг чизикли занг замбуруғининг ривожланиши дастлаб *Berberis* туркумининг ўсимликларида, якунийси *Triticum* туркумининг ўсимликларида рўй беради).

**Замбуруғгоиға ўсимликлар** (*Fungi* ёки *Mycetes*) - хлорофиллсиз (пигментсиз) тубан ўсимликлар (организмлар) типи.

**Замча** (*Melo chandalak*) - ҳандалакларнинг бир қанча навлари (оқ замча, сариқ замча, ола замча, кўк замча) га берилган умумий ном.

**Занг, ток новда** (*sarmentum*) - токнинг қаламчалаш даражасига етган новдалари.

**Занг** – токни қаламчалаш даражасига етган новдаси.

**Зангпоя** (*Conium maculatum*) - соябонгулдошларга мансуб икки йиллик ўт ўсимлик. Бўйи 1-2 м атрофида. Поясининг қуйи қисми қизғиш-сарик доғли бўлиб, унда патсимон такрор-такрор қирқилган барглар ва мураккаб соябонларга тўпланган майда оқ гуллар ўсади.

**Занзеверия, сансевьера** (*Sansevieria*) - лоладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Бўғзидаги барглари ханжарсимон тикка чиққан; кўкиш-оқ майда гуллари шу барглар қўлтиғида ўсувчи шингил тўпгулга йиғилган.

**Заранг** (*Acer*) - зарангдошларга мансуб дарахтлар туркуми. Барглари қарама-қарши жойлашган, текис қирғоқли ёки патсимон мураккаб; гуллари шингилсимон тўпланган, сарғиш-кўк, ширадор. Меваси кўш қанотли.

**Зарангдошлар** (*Aceraceae*) - барглари тўкилувчи дарахтлардан ҳамда доим яшил дарахт ва буталардан айрим турларини ўз ичига олган икки туркумдан иборат оила. Барглари қарама-қарши жойлашган, панжасимон бўлмали ёки патсимон мураккаб (ёнбаргчасиз барглар), гуллари актиноморф. Меваси қурук, кўшқанотли ва икки уруғли.

**Заргуш** (*Anthemis altissima* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Занжабиллар** (*Zingiberales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи, *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Занжавул** (*Polygonum bucharicum* Grig.) – торондошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган ошловчи моддали кўп йиллик ўт.

**Заранг** (*Acer Semenovii* Rgb. et Herd.) – зарангдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган дарахт.

**Зарафшон** (*Fritillaria olgae* Vved.) – пиёздошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Зармитон** - эртапишар олача қовун навларидан бири. Шакли тухумсимон чўзиқ, оғирлиги 5-6 кг, пўсти оч сариқ сийрак тўрли. Эти қалин, сарғиш, юмшоқ ва шириндир. Таркибида 8,4% гача қанд бор.

**Зарнаб** (*Taxus baccata* L.) – зарнабдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган дарахт.



**Заркулок** (*Lepidolopsis turkestanica* (Rgl. et Schmalh.) P. Pol.) – мураккабгулдощлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Заурохория** – диаспораларнинг судралиб юрувчилар ёрдамида тарқалиши.

**Зафар** - шафтолининг кечпишар, серҳосил нави. Шакли думалоқ баъзан тухумсимон, ранги қизғиш-сарик.

**Зафарон** (*Crocus alatavicus* Rgl. et Schmalh.) – сафсаргулдощлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган манзарали кўп йиллик ўт.

**Заъфар** (*Crocus*) - савсандощлар (гулсафсардощлар) га мансуб пиёзли ўсимликлар туркуми. Пиёзтугунаклари этдор, зич ва яссироқ. Кар-найсимон гуллари сарик, пушти ёки кўк бўлиб, найча шаклидаги бандчаларда пиёзтугунаклар устидан ўсиб чиқади. Барглари тўғри чизикли лентасимон, поя остидан тўп бўлиб ўсиб чиқади.

**Зағчақўз** (*Myosotis alpestris*) - кампирчопондощларга мансуб ўт ўсимлик. Хушманзара ўсимлик сифатида боғларда ҳам экилади.

**Зағчақўз, мизотис** (*Myosotis*) - кампирчопондощларга мансуб бир йиллик, икки йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари кетма-кет жойлашган, тукдор ёки яланғоч; гуллари гажак тўпгулларга йиғилган, туташтожли ва халқасимон, ҳаво ранг (гуллашига қадар пушти ранг). Меваси - тўрт бўлакчали данак. 40 га яқин тури бор. Ер юзининг намлик дашт, ўрмон ва тоғли жойларида кенг тарқалган.

**Зағоза** (*Ephedra equisetiana* Vge.) – зағозадощлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган доривор бута.

**Заҳарли замбуруғлар** – озик сифатида ишлатилганда одамларда заҳарланишни кўзгатадиган замбуруғлар.

**Заҳира (бўлаклар) усули** - четдан чангланувчи ўсимликларда қўлланиладиган усул. Бунда ҳар бир элита ўсимлигининг ҳосили икки қисмга бўлинади. Бир қисми селекцион кўчатзорида экилади, иккинчи қисми эса заҳирада сақланади. Келгуси йили ота ўсимликларининг салбий таъсиридан чеклаш учун селекцион кўчатзорида заҳирадаги уруғнинг иккинчи қисми экилади.

**Зеаксантин** – 1. Хусусиятлари билан ксантофилга яқин турувчи сарик тусли пигмент. Маккажўхори донининг хромопластларида ва чирқўноқ мевасида шундай пигмент мавжуд. 2. каротиноидларга мансуб сарик ксантофилл – β каротиннинг ҳосиласи, маккажўхори донларидан биринчи марта ажратиб олинган.

**Зеин** (лот. *Zea* - макка) - проламинлар гуруҳига мансуб оксил; макка уруғларида бўлади.

**Зеленский қонуни** – барг япроғининг юза бирлигига тўғри келадиган жами япроқ томирларининг узунлиги пастки қатор барглاردан юқори қатор баргларига томон ортиб боради, деб изоҳланадиган қонун.

**Зигнемалар** (*Zygnematales*) – индивидлари ипсимон, тармоқланмаган ёрқин яшил тусли, ҳар бир ип бир қатор чўзиқ цилиндр кўринишли хужайраларнинг бирикишидан бир неча мм дан 8-10 см гача етадиган хлоропластларнинг шакли, жойланиши билан ўзаро фарқланадиган сувўтлар (*Chlorophyta*, *Conjugatophyceae*) тартиби.

**Зигогамия** - баъзи тубан ўсимликлардаги жинсий жараённинг алоҳида бир хили. Бунда жинсий айирмаси бўлмаган икки организмнинг қисмлари яқинлашишидан (копуляциялашувидан) учрашган хужайраларнинг протопласта ўзаро қўшилади. Иккита бир хил хужайра қўшилган жойда эса қалин ва қорамтир пўстли зигоспора (қ.) ҳосил бўлади. Маълум бир давр ўтгач, зиготадан спорачи мицел унади. Зигогамия ҳодисаси зигомицет замбуруғларда ва конъюгат сувўтларда учрайди. Одатда зигомицетлардаги қўшилувчи хужайралар кўп мағизли, конъюгат сувўтларда эса бир мағизли бўлади.

**Зигомицетнамолар** (*Zygomycetes*) - фикомицетсимонларга мансуб тубан замбуруғларнинг катта бир қабиласи. Танаси (мицели) жуда тараккий қилган бўлса ҳам, кўндаланг пардалар билан айрим-айрим хужайраларга ажралмаган. Бу пардалар фақат урчиш органларининг ҳосил бўлиши-дагина юзага келади. Жинсий жараён зигогамия (қ.) тарзида рўй беради. Спорогонлар ичида ривожланувчи ҳаракатсиз споралар билан эса жинссиз урчиш амалга ошади. Зигомицетлар, асосан, мукордошлар (кўпинча сапрофитлар) ва энтомофторадошлар (асосан, хашаротларда паразит бўлиб яшовчи) каби 2 та оиладан иборат.

**Зигоморф косача, қийшиқ косача** - фақат иккига бўлинадиган гул-коса (масалан, кавар гулида, дуккакнамолар, кампирчопоннамолар, сигиркуйрукгуллиларнинг баъзи вакилларида гулнинг қийшиқ косачаси). Баъзан моносимметрияли гулкоса деб ҳам атайдилар. Бунинг акси актиноморф косачадир.

**Зигоморф** – чўзиқ, бисимметрияли (патсимон) тузилишли, юзасидан иккитадан кўп ясси симметрия ўтказиб бўлмайдиган диатом сувўтлардаги (*Pennatophyceae*) палла.

**Зигонема** – мейоз бўлинишида хроматин ипларни кўп нуқталарида бирлашиб жуфтланиши.

**Зигонема** - мейоз бўлинишнинг профаза I нинг босқичи. Бу босқичда гомологик хромосомалар конъюгацияланади, яъни жуфтлашади.

**Зигоптеридопсидлар** – папоротниклар бўлимининг синфи.

**Зигоптерислар** – папоротниклар бўлими зигоптеридопсидлар синфининг тартиби.

**Зигоспора** – *Conjugatophyceae* синфида жинсий жараёнда ҳосил бўлгани. Тиним давридан кейин битта (*Zygnematales*), иккита (*Desmidiales*) ёки тўртта (*Mesoteniales*) ўсимта – янги организм ҳосил қилади.

**Зигоспора** - Баъзи сувўтларда ёки замбуруғтоифаларда (масалан, зигомицетнамоларда) икки тенг жинсий хужайранинг қўшилишидан ҳосил бўлувчи спора. Зигоспора, одатда, қалин парда билан ўралган бўлади ва узок муддатли тиним даврини ўтиб, сўнг янги организмга айланади.

**Зигоспорофит** – *Volvocales*, *Tetrasporales* ва *Zygnematales* тартибларининг (*Chlorophyta*) сувўтларидаги бир хужайрали диплоид ҳосила.

**Зигота** (юн. *zygote*) – 1. Эркак ва урғочи гаметаларининг қўшилишидан, яъни уруғланиш натижасида ҳосил бўладиган хужайра (муртак). 2. Ўсимлик ёки хайвон организмларида эркак ва урғочи жинсий хужайраларнинг қўшилишидан юзага келувчи хужайра. 3. Уруғланган тухум хужайра, диплоид хромосома сонига эга янги авлод (организм) нинг бошлангич хужайраси.

**Зиготена** – мейоз бўлинишнинг профазасида гомологик хромосомаларни яқинлашиш ва қўшилишининг бошланиш даври ва кейин бивалент ҳосил қилиши.

**Зиготик редукция** – бир қатор сувўтларда мейозни зиготада рўй бериши. Бу жараён *Conjugatophyceae* синфи сувўтлари (*Chlorophyta*) учун хос.

**Зимаза** (юн. *zyme* - ачитқи) - Ачитқилар таркибида бўлиб, спиртли ачиш жараёнини юзага келтирадиган баъзи ферментлар комплексининг эскирган номи.

**Зира, ажвоин, жувона** (*Trachyspermum copticum*) - соябонгулдошларга мансуб бир йиллик ўсимлик.

**Зиравор** - маза киритиш ва ҳид бериш учун ишлатиладиган хушбўй ўсимликлар ва моддалар.

**Зирк, қорақанд** (*Berberis*) - зиркдошларга мансуб, таркибида шира моддаси бор буталар туркуми.

**Зиркдошлар** (*Berberidaceae*) - икки уруғ паллалилар синфига мансуб ўт ва буталарни ўз ичига олган оила. Зирк бу оиланинг асосий туркумидир. Унинг барча турларида берберин алкалоидлари мавжуд.

**Зичлик, қалинлик** - 1. Маълум майдондаги ўсимликларнинг жойлашиш зичлиги; 2. Ўсимликдаги турли органларнинг зичлиги.

**Зиғир** (*Linum usitatissimum*) - зиғирдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт (баъзан бута) ўсимликлар туркуми. Мойли ўсимлик сифатида экилади. Ўрта осиеда зиғирнинг фақат шу туригина тарқалган.

**Зиғирдошлар** (*Linaceae*) - ўт, баъзан бута ўсимликлар оиласи. Айрим турлари толали ва мойли ўсимликлар сифатида экилади.

**Зиғирчилик** - қишлоқ хўжалигининг бир тармоғи; пояларидан тола, уруғидан эса зиғир мойи олиш мақсадида зиғир етиштириш. Узун толали зиғир пояларидан узун ва пишиқ техникавий тола, уруғидан эса мой олинади. Мойли зиғир, йирик уруғли зиғир каби кўпгина турларидан маълум миқдорда тола, мой, уруғ ва ҳоказо нарсалар олинади.

**Зиғирак** (*Linaria*) - сигирқуйруқдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимлик туркуми. Барглари ланцетсимон ёки тўғри чизиқли, гуллари шингилларга йиғилган, сариқ ёки бинафша, зигоморф. Меваси - кўсакча.

**Зиғир мойи** - зиғир уруғларини пресслаб ёки экстрактлаб олинadиган ўсимлик мойи. Зиғир уруғлари таркибида 32-48% гача мой бор. Бу мой сариқ, суюқ бўлиб, 8-27° ҳароратда қотади.

**Зиғирак** (*Salvia deserta* Schang.) – лабгулдошлар оиласига мансуб адиртоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Зоидиогамия** - тубан ўсимликлардаги тукчали ҳаракатчан гаметаларнинг (жинсий ҳужайраларнинг) қўшилиш жараёни. Бундай қўшилувчи ҳужайралар ё тенг (қ. Изогамия) ёки катта-кичик (қ. Гетерогамия) бўлади.

**Зонал ўсимликлар, зонал наботот** - айрим зонага хос ўсимликлар. Ер юзи экватордан кутб томонга қараб бир қанча иқлим зоналарига бўлинган. Ўсимлик жамоалари тараққиёт натижасида ҳар қайси зона шароитига мослашган бўлиб, фақат шу зона учунгина характерлидир.

**Зонал ходиса** - ер юзида барча географик элементларнинг зоналарга қараб тақсимланиши, жойлашиши.

**Зоо...** – ҳайвонларга алоқадорлик маъносини билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Зоогамия** – гулни сутэмизувчи ҳайвонлар ёрдамида чангланиши. Австралиядаги *Driandra* бутаси кенгуру таъсирида чангланади.

**Зоогаметангий** - ҳаракатчан гаметалар ҳосил қилувчи жинсий орган.

**Зооген алмашиш** - маълум бир майдондаги ўсимликларнинг ҳайвонлар таъсирида ўзгариши ва бошқа ўсимликлар билан алмашиниши.

**Зооген алмашинувлар** – фитоценоздаги ҳашаротлар ва бошқа ҳайвонлар таъсирида рўй берадиган алмашинувлар.

**Зооглея** - елимсимон моддага ўралган бактериялар тўдаси. Бундай тўдалар (зооглеялар), асосан, сувда яшовчи бактерияларга хос.

**Зооксантелл** – бир ҳужайрали сувўтларнинг айримларини ҳужайра ичида симбиозда бўлиши (*Protozoa* ҳужайраларида).

**Зооспоралар** – яшил ва кўнғир сувўтларнинг ҳаракатланадиган споралари.

**Зооспора, зоогонидия** - кўпчилик сувўтлар ва оддий замбуруғ-лардаги ҳужайралар.

**Зооспорангий** - кўпчилик сувўтлар ва баъзи тубан замбуруғлардаги ҳужайралар.

**Зоостерофиллопсидлар** – зоостерофиллофитлар бўлимининг синфи.

**Зоостерофиллофитлар** – юксак ўсимликларнинг бўлими.

**Зоофил дерматофитлар** – одам ва ҳайвонлар териси, унинг ҳосилаларида касаллик туғдирувчи замбуруғлар.

**Зоофилия** – гулни ҳайвонлар ёрдамида чангланиши.

**Зоохлорелл** – бошқа организмларнинг тўқима ва ҳужайраларида бир ҳужайрали сувўтларни эндосимбиотик муносабатларда иштирок этиши.

**Зоохор** – ҳайвонлар ёрдамида тарқалиш учун мосламаси бўлган ўсимлик.

**Зоохория** - ёпишқоқ ва илашувчи мевалар ёки уруғларнинг ҳайвонлар воситасида тарқалиши.

**Зоғоза, қизилча, эфедра** (*лот. Ephedra distachya*) - зоғозадошлар (эфедрадошлар) га мансуб ўсимлик. Икки уйли ва паст бўйли бутадан иборат бу ўсимлик қизилча (зоғоза) нинг бир туридир.

**Зулфихубон** (*Amaranthus paniculatus* L.) – гултожихўроздошлар оилаисга мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Зуфо** (*Nepeta cataria* L.) – ялпиздошларга (лабгулдошлар) мансуб, воҳаларда, тоғда ўсадиган эфир мойли кўп йиллик ўт.

**Зуфо, мушукялпиз** (*Nepeta*) – ялпиздошларга (лабгулдошлар) мансуб ўсимликлар туркуми.

**Зўрча** (*Silena conica* L.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб адир ва тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

## И

**Ивиш, коагуляция** (*лот. coagulatio - ивиш*) - оксил, плазма ёки бошқа суюқ моддаларнинг қуюқлашиши.

**Игир** (*Acorus calamus L.*) – кучаладошлар оиласига мансуб адирларда ўсадиган, таркибида эфир мойлари, ошловчи моддалари бўлган доривор, кўп йиллик ўт.

**Игирдошлар, кучаладошлар** – кучала гулли ўсимликлар.

**Игнача** (*Ruscus*) - Лоладошларга мансуб доим яшил ярим буталар туркуми. Шохлари қисман филлокладийларга айланган. Бу филлокладийлар барглар функциясини бажаради.

**Игнабарг** (*acanthium, echinus, acantha*) - баъзи очик уруғли ўсимликларнинг игнасимон ингичка (япроқсиз, пластинкасиз) барги.

**Идеал, антика** - ёнғоқнинг тез ўсадиган ва йилига икки марта ҳосил берадиган нави. Меваси сал чўзик, пўчоғидан яхши ажралади. Бир-икки ёшидаёқ ҳосилга киради.

**Идиоандропория** – яшил сувўтлардан *Oedogonium* туркумида махсус талломда ҳосил бўлган эркак спора.

**Идиоботаника** – алоҳида тур ўсимликлар ҳақидаги таълимот.

**Идиобласт** – 1. Тўқимадаги шакли, ўлчамлари ва тутган нарчасига кўра, шу тўқиманинг бошқа хужайраларидан фарқланиб турадиган хужайра 2. Кальций оксалат тузлари аралашмаси, танинлар ва шиллик моддали хужайра. 3. Тўқимадаги шакли, ўлчамлари ва тутган нарчасига кўра шу тўқиманинг бошқа хужайраларидан фарқланиб турадиган хужайра; кальций оксалат тузлари аралашмаси, таннин ва шилимшиқ моддали хужайра.

**Идиобластлар** - ўз шакли ва функцияси билан тўқимадаги бошқа хужайралардан фарқ қилувчи махсус хужайралар (масалан, тошхужайралар, туз, ошловчи моддалар сақловчи хужайралар).

**Идиогамия** – гул тугунчаси тумшукчасини чангдон чангчиси билан чангланиши – автогамияни ва битта ўсимликдаги гулларни ўзаро чангланиши – гейтеногамияни ўз ичига оладиган атама.

**Идиограмма** – 1. Хромосомаларнинг морфологик белгилар узунлиги, эни, центромерини жойланиши, ҳамда гетерохроматин, эухроматинни тақсимланишига қараб тузилган график тасвири. 2. Битта ўсимликдаги хромосомаларни шакли ва ўлчамларига кўра график ҳолида ифодаланиши. 3. Диплоид тўпламдаги хромосома тўпламининг хромосомалар ўлчами ва қисмларини солиштириш асосида тузилган умумийлаштирилган схематик ифода.

**Идиоморф лишайниклар** – асосий тузилишли лишайниклар талломидан фарқланадиган тузилишли лишайниклар.

**Идиоплазма** - ҳар бир хужайранинг ўзига хос плазматик суюқлиги.

**Идишқовоқ** (*Lagenaria vulgaris Ser.*) – қовоқдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда экиладиган бир йиллик ўт ўсимлик.

**Изен** (*Kochia prostrata (L.) Schrad.*) – шўрадошлар оиласига мансуб чўл, адирларда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Изета** (*isoetos*) - изетадошларга мансуб кўп йиллик ўт сув ўсимликларининг ягона туркуми.

**Изидиал соралий** – лишайниклардаги изидийларда ҳосил бўладиган соралий. *Parmelia*, *Hypogymnia* туркумларининг лишайникларида учрайди.

**Изидия** – лишайник талломининг юзасида сувўт ҳужайралари ва замбуруғ ҳужайраларидан иборат, пўст билан ўралган, вегетатив кўпайиш учун хизмат қиладиган ҳосила.

**Изидиялар** - баъзи лишайникларда вегетатив кўпайишга хизмат қилувчи талломдан (танадан) ўсиб чиққан ўсимта. У ўсиб чиққандан сўнг ажралиб, янги таллом ҳосил қилинади.

**Изогаметалар, тенг гаметалар** - ҳажми, кўриниши, шакли ва ҳаракатчанлиги бир хил, лекин физиологик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи гаметалар.

**Изогамия, тенг кўшилиш** - ташқи кўриниши бир хил бўлган ҳаракатчан икки жинсий ҳужайранинг кўшилиши. Бу жараён айрим сувўтларда ва тубан замбуруғларда учрайди.

**Изоляция** - панмиксияга ҳалақит берувчи тўсиқларнинг пайдо бўлиб популяцияда кичик гуруҳларни алоҳидаланишига олиб келадиган жараён.

**Изолят** - шахслар сони 1500 гача бўлган одамлар популяцияси. Инсониятнинг яқин ўтмишида географик изолятлар кенг тарқалган эди. Ҳозирги даврда изолятлар мавжудлигининг асосий сабабларига, диний, этник ва бошқа ижтимоий тўсиқлар киради. Бу тўсиқлар аҳамияти тобора камайиб, кичик популяцияларнинг йириклашиши жараёни қузатилмоқда.

**Изотоник эритма** - осмотик босими ҳужайра ширасининг осмотик босимига тенг эритма.

**Ижобий геотропизм** – ўсимлик аъзоларини оғирлик кучи таъсири йўналишида ўсиши.

**Ижобий таксис** – таъсирловчи йўналиш томонга бўлган ҳаракат.

**Ижобий травмотропизм** – жароҳатланган новда ёки илдиз учини жароҳат томонга йўналган ҳолда ўсиши.

**Ижобий фототаксис** – ёруғлик манбаи томонга ҳаракат, ёруғлик кам бўлган ҳолларда рўй беради.

**Изо ...** – “тенг”, “ўхшаш” маъноларини англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Изоантлар** – география хариталарида қайси бир ўсимликни гуллаш вақтини белгилайдиган чизиқ.

**Изобилатериал мезофил** – қ. изобилатериал япроқ.

**Изобилатериал спора** – папоротникларнинг тўрт бўлакдан иборат спорасида ҳар бир спорани фақат кўшни иккита шериги билан тегишиб турадиган ҳолатда жойланиши.

**Изобилатериал япроқ** – ҳар иккала томонида полисад паренхимаси бўлган япроқ.

**Изобиохорлар** – география хариталарида бир хил биологик спектрларни боғловчи чизиқ.

**Изобриелар** – мохлар бўлими бриопсидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Изогалогамия** – морфологиясида бутунлай бир хил, вояга етган организмларни копуляцияси (қўшилиши).

**Изогаметалар** – битта организмнинг ташқи кўринишидан (фенотипи) ўзаро фарқланмайдиган эркак ва урғочи гаметалар.

**Изогаметангий** – ташқи томонидан ўзаро фарқланмайдиган эркак ва урғочи гаметангийлар.

**Изогаметангигамия** – морфологиясидан фарқланмайдиган иккита гаметангийни ўзаро қўшилиши, масалан, *Zygomycetes* синфига мансуб замбуруғларда.

**Изогамия** – 1. бир хужайрали сувўтларда, содда тузилишли замбуруғларда биокимёвий, физиология жиҳатидан турлича, аммо морфологиясидан фарқланмайдиган иккита гаметанинг қўшилиш жараёни. 2. Бир хужайрали (айрим кўп хужайрали) сувўтларда, содда тузилишли замбуруғларда биокимё, физиология жиҳатидан турлича, аммо морфологиясидан фарқланмайдиган иккита гаметани ўзаро қўшилиб, зигота ҳосил қилиши. 3. Морфологиясидан ўхшаш хужайраларни қўшилиш жараёни.

**Изогаплонт** – хужайрасидаги ядролари ирсий жиҳатидан ўхшаш гаплонт.

**Изоламел уруғпалла** – битта ниҳолдаги япроқчаларнинг катталиги ўхшаш уруғпалла.

**Изолатериал япроқ** – устки ва остки эпидерма остида устунсимон хлоренхима тўқимаси жойлашган япроқ.

**Изолатериал япроқ** – устки ва остки эпидермаси остида устунсимон хлоренхимаси жойлашган япроқ.

**Изолятор** – гул, тўпгул ёки тўпгуллар гуруҳини бошқа чангчилардан чангланиб қолмаслигини таъминловчи мослама.

**Изоляция** – 1. Алоҳида ўсимлик ёки унинг гулини бегона чанг билан чангланиб қолмаслигини таъминлаш. 2. Ташқи муҳит билан алоқасини узиш мақсадида ажратиб қўйиш.

**Изомара** – қ. изофена.

**Изомер гул** – барча доираларида бир хил миқдорда гул аъзоларининг бўлиши, масалан *Lilium* туркуми ўсимликларида.

**Изомерик хужайралар** – ҳамма томонлари бир хил катталиқдаги хужайралар.

**Изометрия** – организмни ўсаётган даврида унинг ҳамма қисмларида мутаносибликни сақланиши, масалан барг япроғини ўсиб катталашганида.

**Изоморфизм** – иккита турли ўсимликни ташқи кўринишидан ўхшашлиги.

**Изоморф бўлиниш** – битта хужайрани иккита бир хил хужайрага бўлиниши.

**Изоморф насл** – сувўтларда (*Porphyra*) гаметофит ва спорофитни алоҳида ҳолдалиги, кўп хужайравийлигининг ўхшашлиги.

**Изопланогаметалар** – морфологиясидан ўхшаш, ҳаракатчан гаметалар.

**Изополисад япроқ** – ҳар иккала томонида бир хил полисад паренхимаси бўлган, қуёш нури япроқнинг усти ва остини бир хил ёритадиган ҳолда жойлашган япроқ.

**Изоспора** – ўсимликларда ҳосил бўладиган бир хил катталиқдаги ўзаро ўхшаш спора.

**Изоспория** – ўсимликда бир хил ўлчамдаги спораларнинг ҳосил бўлиши; папоротниклар, қирқбўғимлар, плаунларга хос бир хил ўлчамдаги споралар.

**Изотомия** – пояни айрисимон шохланишининг дастлабки кўриниши.

**Изотомия** – пояни айрисимон шохланишининг дастлабки кўриниши; ҳар икки томоннинг узунлигини ўзаро тенглиги.

**Изотом шохланиш** – шохланишда асосийси унчалик ажралиб турмайди ёки сезиларсиз, кейинги шохларнинг бир хил ривожланиши, масалан лишайниклардан *Cladonia* туркумида.

**Изотоник эритма** – ҳужайра ширасининг осмотик босимига тенг бўлган эритма.

**Изотипия** – биринчи авлоднинг наслларида фенотипи бўйича ўхшашлиги.

**Изотроп новдалар** – фазода белгиланган ҳолатни сақлайдиган новда. Тик ва ётиқ ўсадиган ҳолда бўлиши мумкин.

**Изотрофит** – турлича кимёвий моддалар – метаболитлар ажратиб, ҳўжайин организмда деярли ўзгаришлар ҳосил қилмайдиган текинхўр замбуруғ.

**Изофаг** – битта турга мансуб ёки унга яқин тур ўсимликларда текинхўрлик қиладиган организм, масалан буғдойда чизиқли зангкуя ҳосил қиладиган *Puccinia graminis* замбуруғи.

**Изофена** – муайян фенологик ҳодисани бошланиши ёки давомини белгиловчи изолиния (масалан, турли география минтақаларда бирор турга мансуб ўсимликнинг гуллаш даврини бошланиши).

**Изофиллия** – тур ёки унинг алоҳида ўсимликларида бир хил кўриниш ва ўлчамлардаги баргларнинг бўлиши.

**Изохризидалар** (*Isochrysidales*) – автотроф ва гетеротроф, бир ҳужайрали ёки колонияли иккита қамчисимон хивчинли гаптонемасиз сувўтлар (*Chrysophyta, Isochrysophyceae*) тартиби.

**Изохризофицалар** (*Isochrysophyceae*) – бир ҳужайрали ёки колонияли, денгизларда тарқалган сувўтлар (*Chrysophyta*) синфи.

**Изоценоз** – ташқарисидан ўхшаш, флористик таркибига кўра фарқланадиган фитоценоз.

**Икки жинсли гул** – ҳам чангчилари, ҳам уруғчилари бўлган гул.

**Икки жинсли ўсимликлар** – битта ўсимликда иккита жинсли ёки эркак ва урғочи гуллари бўлган ўсимликлар (*Rosa, Fragaria* туркумлари ўсимликларида).

**Икки жинсли гуллар** (*Flores androgynus*) - чангчили ва уруғчили гуллар; чангчи ва уруғчиларнинг бир гулда жойлашуви.

**Икки йиллик новда** – куртагини очилишидан то мева ҳосил қилганидан кейин қуригунча иккита вегетация даврини ўтайдиган ўсимлик новдалари (*Cichorium* туркуми ўсимликларида).

**Икки йиллик ўсимликлар** – 1. Ҳаётий жараёнини уруғ унишидан бошлаб то янги мева ёки уруғ ҳосил қилишни иккинчи йил мобайнида амалга оширадиган ўсимликлар. Биринчи йили одатда калта вегетатив новдада барглар ҳосил қилса, иккинчи йили генератив новдада уруғ ҳосил қилганидан кейин



курийди. Кўпчилик ўсимликларда ғамланган озиқ моддалар илдизида, илдизмеваларида тўпланadi (*Betula, Rhamnus* каби ўсимликларда). 2. Икки вегетацион даврда яшовчи ўсимликлар. Улар биринчи йилда фақат вегетатив органлар чиқаради, иккинчи йилда эса гул ва мева беради.

**Икки йиллик хушманзара ўсимликлар** - икки йилда тамоман ўсиб етишадиган гулли ўсимликлар. Улар биринчи йилда уруғдан униб чиқиб, вегетация даврини ўтади, иккинчи йилда (генерация йилида) гуллайди, уруғлайди ва шу йилнинг ўзида, баъзан эса учинчи йилга ўтиб қурийди.

**Икки лабли гул (*flos bilabiatus*)** - Тожи ва косачаси икки лабли қийшиқ гул.

**Икки паллалилар (*Dicotyledoneae*)** - ёпиқуруғтоифага мансуб ўсимликлар синфи. Куртакларида икки уруғпалланинг (баргнинг) бўлиши, баргларнинг тўрсимон томирланиши, тана ва илдиздаги флоэма билан ёғоч орасида уларнинг кичрайиши ёки катталанишига имкон берувчи махсус тўқима (камбий) нинг мавжудлиги ва ҳоказолар бу синфдаги ўсимликларнинг асосий белгиларидан ҳисобланади.

**Икки пояли ўсимликлар (*Bicaulis*)** - Танасининг қуйи қисмидан ёки ертанасидан иккита поя ўсиб чиқадиган ўсимликлар.

**Икки томонлама симметрия** – қ. билатериал симметрия.

**Икки тўдали чангчилар, икки тўп чангчилар (*stamen diadelphus*)** - Бир гулдаги иплардан бири алоҳида, қолганлари эса бир тўп бўлиб туташган чангчилар.

**Икки уйлилик** – эркак ва урғочи гаметаларни турли организмларда ривожланиши.

**Икки уйли мохлар** – эркак ва урғочи гаметофитлари ҳар хил ўсимликларда ривожланadиган мохлар.

**Икки уйли ўсимликлар** – чангчили ва уруғчили гуллари алоҳида ўсимликларда ривожланadиган, шунга кўра уларда ўзидан чангганиш содир бўлмайдиган ўсимликлар (*Salix, Populus, Cannalus* туркумларининг ўсимликларида).

**Икки уйли ўсимлик** – чангчили гули, уруғчили гули алоҳида жойлашган ўсимлик.

**Икки уйли ўсимликлар (*plantae dioicae*)** - чангчили (эркак) ва уруғчили (урғочи) гуллари айрим тупларда жойлашган ўсимликлар.

**Икки уруғпаллалилар (*Dicotyledonius*)** - муртагида иккита уруғпалласи бўлган ўсимликлар.

**Икки учли туклар, айрим учли туклар** - баъзи ўсимликларда учрайдиган айрим учли туклар.

**Икки чаноқли, икки уяли, икки хонали (тугунча, мева)** - мева ёки чангдон ичининг икки чаноқли (икки хонали) бўлиши.

**Икки чоклилар (*Diraphinales*)** – хужайралари кўпинча биттадан, ҳаракатчан, қисман тасмадай колонияли, совути изопол, қисман гетеропол тузилишли сувўтлар (*Bacillariophyta, Pennatophyceae*) тартиби.

**Икки қатор чангчили гул** - икки қатор (қўшқават) чангчили гул. Бу хилдаги гуллар бошқа гулларга қараганда кўпроқ тарқалган.

**Икки қатор нурли боғлам** – иккиламчи ўтказувчи тўқимада иккита хужайра эничалик нурли боғлам.

**Икки қутблилик** - айрим ўсимликларнинг ҳам Шимолий, ҳам Жанубий қутбда яшаши.

**Иккиламчи ажратувчи қават** – ўсимликларда хазонрезгилик бошланиши олдидан барг бандининг асосидаги пўкак хужайралардан иборат бир ёки бир неча қават.

**Иккиламчи археспорий** – чангдон меристемасининг ички қавати.

**Иккиламчи гормогоний** – кўк-яшил сувўтларда трихоманинг бўлакларга бўлиниши туфайли ҳосил бўладиган гормогоний.

**Иккиламчи гуллаш** – ўсимликнинг ўзи учун одатий бўлмаган даврида гуллаши бўлиб ҳеч қандай ўзгаришларсиз рўй бериб қулай шароитда одатдагидай мева қилади.

**Иккиламчи даражали турлар** – 1. Фитоценозда учраш даражаси 40% дан кам бўлган турлар 2. Фитоценознинг шаклланишида аҳамияти кам бўлган турлар.

**Иккиламчи ёғочлик** – қ. иккиламчи ксилема.

**Иккиламчи йўғонланиш** – хужайранинг якуний даражадаги ўлчамга етгунча ҳажми катталашиб бориши.

**Иккиламчи йўғонлашув** – боғламли ва боғламлараро камбий фаолияти туфайли поянинг ёғочлигини йўғонлашуви; икки паллали ва очиқ уруғли ўсимликларга хос ҳисобланади.

**Иккиламчи камбий** – феллоген боғламларидан камбий каби доимий тўқималарнинг тирик хужайраларидан юзага келадиган меристема тўқима.

**Иккиламчи ксилема** – 1. Камбий фаолияти билан бирламчи ксилемани қалинлашуви натижасида юзага келадиган ксилема. 2. бирламчи ксилемани ўраб турган ксилема.

**Иккиламчи луб толалар** – перициклдан эмас, камбийдан ҳосил бўладиган луб толалар.

**Иккиламчи меристема** – бошқа тўқималар қачонлардир бирламчи меристемадан юзага келган меристема; бундай меристема пўкак камбий, боғламлараро камбий ҳам деб аталади.

**Иккиламчи микориза** – микоризанинг устида юзага келган микориза *Fagus silvatica* L. ўсимлигининг илдизида учрайди.

**Иккиламчи мицеллий** – базидиомицет замбуруғларда бирламчи мицеллийдаги плазмогамия туфайли юзага келадиган дикариофит мицеллий, бу мицеллий меватана ҳосил қилмайди.

**Иккиламчи омиллар** – ўсимликларнинг таъсири туфайли юзага келадиган омиллар.

**Иккиламчи поялар** – мохсимонларнинг (*Bryophyta*) ер ости бирламчи пояларидан ер устида ҳосил бўладиган поялари.

**Иккиламчи протонема** – 1. Мохлар гаметофити ёки спорофити хужайраларидан ривожланадиган ҳосила. Қ. протонема. 2. Мохсимонларда (*Bryophyta*) гаметофит ёки спорофит хужайраларини қайта тикланиши натижасида юзага келадиган протонема.

**Иккиламчи пўст** – белгиланган катталиқга етган хужайраларнинг пўсти.

**Иккиламчи пўстлоқ** – поя пўстлоқ қисмининг гистология жиҳатидан мажмуи; иккиламчи меристема тўқимасидан ҳосил бўлади. Иккиламчи ёғочликдан камбий хужайраларидан парда билан ажралган бўлади.

**Иккиламчи ризоид** – ўсимлик базал хужайрасининг юқорисидагилардан ҳосил бўлган ризоид.

**Иккиламчи споралар** – базидиомицет замбуруғларнинг мицеллийси ёки меватаналарининг гифаларида ҳосил бўладиган жинссиз споралар; оидиялар, конидиялар, хламидоспоралар мисол бўлади (базидияларда ҳосил бўлмаганлари).

**Иккиламчи тана** – иккиламчи ўтказувчи тўқималар ва перидермадан иборат камбий ва феллогеннинг фаолияти натижасида бирламчи танага қўшилган ўсимлик қисми.

**Иккиламчи тўқима** – иккиламчи ўсиш натижасида камбий ва феллогендан шаклланган тўқима.

**Иккиламчи фикобласт** – цефолодий таркибидаги сувўт.

**Иккиламчи флоэма** – қ. иккиламчи ўтказувчи тўқима.

**Иккиламчи флоэма** – боғлам шаклидаги ва боғламлараро камбийнинг иккиламчи ўсиши натижасида юзага келган флоэма.

**Иккиламчи эндемизм** – қ. регрессив эндемизм.

**Иккиламчи эндосперм** – уруғдаги ғамланган тўқима. Уруғмуртак халтадаги иккиламчи ядрони чанг найидаги иккиламчи эркак гаметаси билан қўшилишидан юзага келади.

**Иккиламчи ядро** – муртак халтачасининг марказида жойлашган диплоид ядро. Иккита гаплоид ядроларни ўзаро қўшилишидан юзага келади. Иккиламчи ядро уруғланишида спермийлардан бири билан қўшилиб триплоид иккиламчи эндоспермни ҳосил қилади.

**Иккиламчи ўсиш** – феллогендан перидерманинг ҳосил бўлиш жараёни; камбийнинг узунасига ўсиши тўхтаганидан кейин маълум муддатдан сўнг унинг ҳажмини кенгайтиши.

**Иккиламчи ўсиш** – 1. Ёзнинг иккинчи ярмида рўй берадиган ўсиш жараёнлари 2. Феллогендан перидерманинг ҳосил бўлиш жараёни. Камбийнинг узунасига ўсиши тўхтаганидан кейин маълум муддатдан сўнг унинг ҳажмининг кенгайтиши. *Quercus*, *Acer*, *Prunis*, *Malus* каби туркум ўсимликларида рўй беради. Иқлимий шароитлар, ўстирувчи моддалар таъсирида рўй берадиган ўзгаришлар билан боғлиқ.

**Иккиламчи ўтказувчи тўқима** – камбийни иккиламчи ўсишидан ҳосил бўлган ўтказувчи тўқима.

**Иккиламчи қатлам** – хужайра пўсти ҳосил бўлиб, меристема тўқимасининг фаолияти тўхтагач, пўстни маълум даражада қалинланишидан ҳосил бўлган қатлам.

**Иккиламчи хужайра пўсти** – 1. Бирламчи хужайра пўсти ўсмай, катталашмай қолганидан кейин унинг устида ҳосил бўладиган пўст. 2. Бирламчи пўстнинг устида жойлашган целлюлозали микрофибриллардан иборат қават.

**Иккинчи тартибли синузия** – ҳар хил турларга мансуб, бироқ бир ва ўша ҳаётий формага эга бўлган ўсимликлардан иборат синузия.

**Иккинчи тартиб шохлар** - поядаги асосий ўсув ёки ҳосил шохларидан чиққан шохлар.

**Иконотека** – ўсимликларнинг оқ-қора ва рангли расмларини маълум тартибдаги тўплами.

**Илак** (*Carex physodes* M.B.) – ҳиллодошлар оиласига мансуб кўмли чўлда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Илашувчи ўсимликлар** (*plantae scandens*) - дарахт ва ҳоказо нарсаларга илашиб ўсадиган ўсимликлар. Масалан, ковоқ. (кади) ток ва бошқалар.

**Илдиз** (*radix*) - ўсимликнинг асосий органларидан бири. Кўпчилик ўсимликларда ерга чуқурлашиб боради ва ўсимликни ўрнаштириб туриш учун хизмат қилади. Илдиздаги тукчалар ўсимликка сув, озиқ моддалар етказиб туради. Илдизда барглари бўлмайди. Ўсиб борувчи учидagi илдиз қалпоқчаси зарарланишдан сақлайди. Пайдо бўлишига қараб, асосий илдиз (бош илдиз) ёки қўшимча илдизларга ажратилади.

**Илдиз ажратмаси** – ўсимлик илдизларини ҳаётий фаолияти даврида тупроққа турли моддаларни ажратиши.

**Илдизбачкили ўсимликлар** – илдизда куртак ҳосил бўладиган ва улардан ниҳол пайдо қиладиган ўсимликлар (*Convolvulus arvensis* L.).

**Илдизбачкилар** – кўп йиллик ўсимликлар илдиздаги қўшимча куртаклардан ривожланидиган новдалар.

**Илдизнинг бирламчи тузилиши** – иккиламчи меристема ҳосил бўлгунга қадар даврдаги илдизнинг тузилиши.

**Илдизнинг бирламчи пўстлоғи** – экзодерма, бирламчи пўстлоқнинг асосий паренхимаси ва эпидермани ташкил қилган хужайралар қавати.

**Илдиз босими** – илдиз сувни пояга фаол ҳолда ўтказиб бериш туфайли юзага келадиган босим. Бу ҳолат гуттация ва ўсимликнинг “йиғлаши” даврида кучлироқ намоён бўлади.

**Илдиз бўйин, илдиз бўғиз** (*collum radices*) - поя билан илдиз чегарасидаги оралик.

**Илдиз геофитлар** – ноқулай даврни илдизнинг кўп йиллик қисмларида куртаклари ҳисобига ўтказадиган ўсимликлар. Ўсимлик учун ноқулай даврда унинг ер устидаги қисми шу билан бирга тупроқнинг ер устига яқин қисми қуриб қолади.

**Илдиз ёпқич** – илдизнинг ҳар бир тармоқланган қисмининг учини ёпиб турадиган қалпоқчасимон ёпқич. У хужайраларнинг қаватидан иборат бўлиб, хужайралараро модда эриб кетганидан кейин илдиз ёпқич илдиз учидagi нозик хужайраларнинг зарарланишидан ҳимоя қилади.

**Илдиз куртак** – ўзак тармоқнинг камбий билан қўшилган жойидаги иккиламчи меристеманинг бир гуруҳ хужайралари.

**Илдизкуртак** (*gemmae radicales*) - Қайрағоч, олволи, янтоқ, печак сингари ўсимликларнинг илдизда ҳосил бўладиган куртаклар. Бу куртаклардан поя ўсиб чиқади.

**Илдизмева** – ер ости поясининг кўриниши ўзгаришидан юзага келган йирик, кўпайиш ва ноқулай шароитни ўтказиш учун хизмат қиладиган ўсимликнинг қисми.

**Илдизниҳоллар** – айрим ўсимликларнинг илдизларида ҳосил бўладиган қўшимча куртаклардан униб ер юзида ўсадиган ниҳоллар.

**Илдизнинг иккиламчи тузилиши** – иккиламчи меристема – камбийни йўғонлашуви билан юзага келадиган илдиздаги анатомия тузилма.

**Илдиз поя** – поянинг ер остида турадиган ва ташқи кўриниши жиҳатидан илдизга ўхшаб кетадиган қисми.

**Илдизпоя, ертана (*rhizoma*)** - баъзи кўп йиллик ўт ўсимликларнинг тупроқ орасидаги пояси. У ташқи кўриниши ва тупроқ орасида жойлашганлиги билан илдизга ўхшайди, лекин устида қипиқсимон барглар бор.

**Илдизпояли ўсимликлар, ертанали ўсимликлар (*plantae rhizomales*)** - остки пояси тупроқ орасида қишлайдиган кўп йиллик ўсимликлар. Бундай ўсимликларнинг илдизпояси ётиқ ёки тик ўсиб, ҳар хил узунликда бўлади; бўғимларида ўзгарган қипиқсимон рангсиз барглар ва уларнинг қўлтиғида куртаклар ўрнашади. Улар мана шу хусусияти билан илдиздан фарқ қилади.

**Илдиз системаси (*systema radialis*)** - ўсимлик илдизининг мажмуи ва ўрнашиш тартиби.

**Илдиз тиканлар** – тиканларга айланган қўшимча илдизлар. Айрим пальмалар ва *Rubiaceae* оиласига мансуб ўсимликларда ривожланади.

**Илдиз туганак** – ёнбош ёки асосий илдизларда ҳосил бўладиган озиқ моддаларни тўплайдиган этли йўғон ҳосила.

**Илдиз тугунаклар (*tubera radicales*)** - илдизларнинг йўғонлашувидан ҳосил бўладиган тугунаклар. Илдиз воситасида вегетатив кўпаядиган ўсимликларда шундай тугунаклар мавжуд.

**Илдиз туклари** – ёш илдизларни шимувчи қисмидаги тирик эпидерма ҳужайраларидаги, илдизни тупроқ билан таъсирланиш юзасини кенгайтириб ундан сув ва сувда эриган озиқ моддаларни шимадиган туклар.

**Илдиз тукчалари (*rhizina*)** – сўрғич аппарат. Илдиздаги энг нозик ёш шохчалар учиде эпидермис (қ.) ҳужайраларидан ўсиб чиққан майда тукчалар. Илдизнинг қалпоқчасидан орқароқда 1-2 см жойни қоплаб туради.

**Илдиздаги чўнтакча** – сув ўсимликларининг илдизларини учидеги ёпқичга ўхшаб кетадиган, бироқ эпидерма ҳосиласи бўлган махсус ҳосила.

**Илдизшишма** – айрим лиана ўсимликларини таянадиган ўсимлик ёки бошқаларга бирикиш учун хизмат қиладиган илдизи.

**Илдизларнинг шохланиши** - илдиз системасининг тармокланиши.

**Илдизқаламча** – қўшимча куртакли илдиздан қирқиб олинган қаламча, вегетатив кўпайиш учун хизмат қилади.

**Илдиз қалпоқчаси (*calyptra, pileorhiza*)** - илдизчаларнинг учки нозик қисмини ўсиш жараёнида тупроқ заррачаларига ишқаланиб нобуд бўлишдан сақлаб турувчи табиий ғилоф ёки қалпоқчалар.

**Илдиз қини, илдиз ғилофи (*lom. coleorhiza*)** - уруғларда муртак ҳолидаги илдизни ўраб турувчи тўқима.

**Иллегитем чангланиш** – гетеростил ўсимликларнинг чангланиши, узун устунчалигидан узунустунчалига, калтаустунчалигидан калта устунчалига чангланиши. Иллегитем чангланишда уруғ ҳосил бўлмаслиги ёки уруғни унувчанлиги кам бўлиши мумкин.

**Илмоқсимон** (*hamatus*) - гажаксимон қайрилган барг, ўрама барг, тикан ва бошқалар.

**Илонгул** (*Gladiolus hibridus* L.) – сафсаргулдошлар оиласига мансуб манзарали кўп йиллик ўсимлик.

**Илондарахт** (*Steospermium fumbriatum*) – Малайзия аҳолиси дуккаги 60 см келадиган дарахтни шундай аташади.

**Илонпечак** (*Cynanchum sibiricum* Willd.) – сутпечакдошлар оиласига мансуб, воҳаларда суғориладиган ерлар, чўл, адирда ўсадиган, доривор, кўп йиллик ўт.

**Илонтили** (*Plantago lanceolata* L.) – зубтурумдошлар оиласига мансуб, воҳаларда, адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Илончўп** (*Lithospermum officinale* L.) – говзабондошлар оиласига мансуб, адир, тоғларда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Илонўт** (*Clematis orientalis* L.) – айиқтовондошлар оиласига мансуб адирларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Имбибицион сув** - Тупроқ заррачалари томонидан тутилиб, ўсимлик организмларига (илдизларига) етиб бормайдиган сувлар.

**Имбир** (*zingiber officinale*) - Имбирдошларга мансуб ўт ўсимлик.

**Имбирдошлар** (*zingiberaceae*) - Бир паллали ўсимликлар оиласи. Гули кийшик, фақат орқа қисмидаги ички чангчилари чанг ҳосил қилади, қолган 2 та ички чангчилари бир-бири билан тутшиб, тилсимон «лабга» айланиб кетади. Ташқи чангчилари редукцияланган, стаминодий (қ.) Ҳо-лида ёки бутунлай йўқолган. Бу илдизпояли ўсимликлар танасининг ҳамма қисмида хушбўй ҳид берувчи маҳсул безчалар жойлашади. Гуллари ҳар хил шаклдаги тўпгулларга йиғилган. Меваси - уч чаноқли кўсакча, баъзан юмшок, мева.

**Имбрикат пиёзбош** – умумий парда билан ўралмаган, ингичка пардасимон пўсти бир-бирини қопламаган пиёзбош (*Lilium kosselringianum* Miscz. туркумида).

**Имирессарий** – гифа ёки апрессорийни хўжайин хўжайрасининг пўстини босиб турадиган ёнбош ўсимтаси.

**Иммиграция** – аввал ўсмаган жойга бирор ўсимликни жойлаштириш.

**Иммобилланган сув** – макромолекулалар ичида қамалиб қолган сув.

**Иммортел** – қуриганидан кейин ҳам гулнинг ранги ва шаклини сақлаб қолиши (масалан, *Helichrysum* ўсимлигида).

**Импрессорий** – лишайник танасидаги замбуруғ гифасини сувўт хўжайрасини бузмай унинг ичига кириши.

**Иммунитет** (лот. *Immunitas* - бўшатиш) - ўсимликларнинг замбуруғ, вирус ва бактериал касалликлар ҳамда баъзи зараркунанда ҳашаротлар таъсирига берилмаслик хусусияти.

**Иммуногенетика** - иммунология ва антропогенетика асосида шаклланган фан бўлиб, иммунитетнинг ирсий асосларини, тўқима антигенларининг хилма-

хиллигини ҳамда ирсийланишини ва тўқималар мос келиш-келмаслигини ўрганади. Тиббиёт генетикасида аутосома касалликлар механизмини, ирсиятга мойил касалликларни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

**Инбридинг** (*англ. Inbreeding*) – 1. Бир-бирига яқин қардош ўсимлик шакллари чатиштириб кўпайтириш. 2. Четдан чангланадиган ўсимликларни ўзидан чангланишга мажбур қилиш. 3. четдан урағланадиган ўсимликлар ва ҳайвонларни ўзини-ўзи билан чатиштириш, яъни яқин қариндошларни чатиштириш. 4. ирсияти бир - бирига яқин қариндош организмларни чатиштириш. 5. Қариндошлик даражаси яқин бўлган организмларнинг чатишиши. Одамда энг яқин инбридинг - инсест никоҳлардир (қонун томонидан тақиқланган, биринчи даражали қариндошлар орасидаги никоҳлардир). Қариндошларда умумий аجدоддан олган бир хил генларнинг мавжудлиги туфайли инбридинг инбред депрессияга сабаб бўлади. Бунда зарарли генларга нисбатан гомозиготаланиш кузатилганлиги учун ҳаёт фаолияти ва кўпаювчанлик сусаяди. Лекин селекцияда «соф линиялар» ни олиш учун инбридингдан кенг фойдаланилади. Инбридингнинг салбий натижаларини тушуниш қариндош-уруғлар орасидаги никоҳларнинг олдини олиш учун тавсиялар ишлаб чиқишга имкон беради.

**Инвазия** – 1. Ўсимликлар уюшмасига янги турларнинг кириб келиши 2. Қайсидир сарҳадга мансуб бўлмаган тур ўсимликнинг кириб келиши 3. Ўсимликларнинг ҳайвон текинхўрлари билан зарарланиши.

**Инверсия** – 1. Хромосомани ичида 180° С га бурилиш рўй бериши билан боғлиқ бўлган ўзгариш 2. Ферментлар ва кислоталар таъсирида сахарозани глюкоза ва фруктозага гидролитик парчаланиши. 3. хромосомалар ичида қайта тузилиш. Хромосомаларнинг икки нуқтадан узилиши ва узилган қисмининг 180° С га бурилиши натижасида генларнинг хромосомада жойлашиш тартибининг ўзгариши. 4. Хромосома ичидага абберрациялардан бири бўлиб, бунда хромосоманинг (ёки геннинг) бир қисми узилиб, 180° га айланиб, яна қайтадан ўз жойига жойлашади. Инверсия натижасида нуклеотидлар кетма-кетлиги ўзгаради. Бирикиш гуруҳи ўзгармайди, фақат аллеллар кетма-кетлиги ўзгаради. Шундай бўлишига қарамасдан бу ҳодиса кроссинговерга халақит беради ва эволюцияда тур ҳосил қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Инверсия фитоценозлар** – тоғли мамлакатлардаги иқлимий инверсиялар билан боғлиқ фитоценозлар.

**Инволюкреллюм** – қ. инокуляр.

**Инволюция** – регресс, редукция, эволюция алоҳида органлар фаолиятининг соддалашуви.

**Инволюция, ғайри хусусиятли бурилиш** - ноқулай ташқи шароит таъсирида организмларнинг ўзига хос булмаган шаклга кириши.

**Ингибирлаш** – қандайдир жараёни секинлаштириш (масалан, ферментлар таъсирини, ўсишни, фтосинтезни ва шунга ўхшашларни).

**Ингредиентлар** – ўсимликлар уюшмасида доимо учрайдиган, бироқ доминат бўлмайдиган турлар.

**Ингредиентлар** (I) – фитоценоздаги кондоминантлар (C), доминантлар (D), субдоминантлар (S), эзодоминантлардан (E) ташқари уюшмалар, уларнинг асосий ва иккиламчи қавати.

**Ингредиент, таркибий қисм** (лат. *Ingrediens* - қирувчи) - фитоценология (қ.) га оид атама. Фитоценоз (қ.) ёки ассоциация (қ.) Таркибига кирган ҳар бир тур шу фитоценоз ёки ассоциациянинг ингредиента деб аталади.

**Индивид цикли** – алоҳида организмнинг юзага келишидан ҳалок бўлгунча ўтган даври, уни онтогенез дейилади.

**Индивид, якка тур** - Мустақил яшайдиган ҳар бир тирик организм (дарахт, бута, ўт, замбуруғ ва бактерия).

**Индикация геоботаника** – муайян экология муҳити шароитидаги ўсимликлар уюшмаси ёки унинг алоҳида турларини ўрганадиган, муҳит шароитининг индикатори сифатида ўсимликлар қопламидан фойдаланишни ишлаб чиқадиган геоботаниканинг бир соҳаси.

**Индикатор ўсимликлар** – 1. Ўсиб турган жойини, тупроқ шароити, геологияси, иқлими ва бошқа белги ва хусусиятларини ифодалаган ўсимликлар. Қ. характерли ўсимликлар. 2. Сув ёки тупроқда бирон моддалар мавжудлиги, ифлосланиш даражаси ва бошқалар ҳақида маълумот олиш имконини берадиган ўсимликлар.

**Индикация белгилари** – алоҳида тур ёки ўсимликлар жамоасини муайян муҳит шароитининг кўрсаткичи бўлаоладиган белгилари.

**Индов** (*Eruca sativa* Lam.) – карамдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерлар, воҳаларда ўсадиган, мойли бир йиллик ўт.

**Индузий** – 1. Папоротниклар баргининг остидаги спорангийлардан иборат дўмпаймани ўраб турган парда. Япроқ эпидермасидан юзага келади 2. Гастеромицетлар (*Gasteromycetales*) тартибига мансуб замбуруғларнинг айрим туркумларида (*Dictyophora*) соябоннинг қирғоғидан осилиб турадиган парда. 3. Соябонли замбуруғлар (тартиби вакиллари) “оёқ”часи, папоротникларнинг япроқ эпидермасидаги юпқа ёпқич парда.

**Индузий, ўрама парда** - Қиркқулоқлар баргидаги сорусларни ўраб турадиган парда.

**Индуктор** - оксил биосинтезида иштирок этадиган паст молекулали модда.

**Индукция** – ўсимликнинг гуллашига сабаб бўлувчи ҳарорат ва кун ҳамда туннинг алмашилиб туришидаги экологик омил.

**Индукцирланган аномиксис** – олдиндан чангланишни ҳосил қилиш ёки тадқиқотчи томонидан махсус модда таъсир этиш билан содир бўладиган апомиксис.

**Индукцирланган партеногенез** – уруғчи тумшукчасини таъсирлаш билан содир этиладиган партеногенез.

**Индукцирланган партенокарпия** – ўзини ёки бегона чангдан чангланиб, бироқ уруғланиш рўй бермасдан мева ҳосил бўлиш партенокарпияси.

**Индукцирланган тиним** – ноқулай шароит юқори ҳарорат сув ёки кислород етишмовчилиги кабиларнинг таъсири натижасида рўй берадиган тиним.

**Инициал турлар** – 1. Муайян экология муҳит шароитининг энг биринчи ўсимликлари 2. Муайян сукцессияни бошлаб берувчи ўсимлик турлари.



**Инициал хужайра** – 1. Меристемадаги бўлиниб биттаси меристемада қолиб, иккинчиси ўсимлик танасига шимиладиган хужайра 2. Ривожланишининг дастлабки даврларини ифодаловчи хужайра примордий ҳам дейилади. 3. Аук-соспоранинг етилганидан кейинги янги хужайра.

**Инициал хужайралар** – илдиз ва поянинг учидаги доимо янгиланиб туриш манбаи бўлган хужайралар, улар апекс учида жойлашади.

**Инициал хужайралар, бошланғич хужайралар** (*cellulae initialis*) - ўсиш нуқтасидан юқорироқда жойлашган хужайралар; бўлинишидан меристема тўқимаси ҳосил бўлади. Инициал хужайра йўсин ва баъзи бир қирққулоқларда биттадан, уруғли ўсимликларда эса бир нечтадан учрайди.

**Инклюзий** – айрим ўсимликлар (финик, рябина ва бошқалар) меваларида гликотанноидлар гуруҳидан иборат тангачалар.

**Инкрустация** – 1. Ўсимликлар хужайраларини минерал тузлар – кальций, кремний, темир тузлари ёки органик бирикмаларни (лигнин, суберин) шимиши. Инкрустация диатом, хара сувўтлари хужайраларида яққол намоён бўлади. Хужайра матриксини мустаҳкамлайди, совут вазифасини ўтайди. 2. Диатом, хара сувўтлари кабиларда хужайра пўстининг минерал тузлар билан шимилганлиги.

**Инкрустацияланган гифалар** – рангсиз ёки бўялган моддалар билан қопланган гифалар. Баъзан муайян шаклга эга бўлмаган нарса ёки кристаллар бўлиши мумкин.

**Инкубация** – 1. Организмни зарарланган (юқтирган) вақтидан то биринчи белгилари пайдо бўлгунча ўтган вақти 2. Замбуруғни озик муҳитга экилганидан кейин кўзга ташланадиган белгилар ҳосил бўлгунча ўтган даври.

**Инноваций** – бриопсид мохларда янги ҳосил бўладиган ёнбош шохчалар.

**Инокуляр** – 1. Аскомицет замбуруғларнинг перитеций хилидаги меватананинг ташқи қавати 2. Яшил сувўтлардан вольвокслар (*Volvocales*) тартибига мансуб сувўтларнинг ценобийлари шиллиғидаги ташқи тиғиз қават 3. Мохларнинг антеридий ва архегонийларини ўраган ўрама 4. Жигармохларда ёш архегонийнинг ўрамаси 5. *Asteraceae* оиласига мансуб ўсимликларнинг ўрамаси.

**Инокуляция** (*лот. inoculatio*) – 1. Тирик сувўтлар, замбуруғлар, микроорганизмларни озикли муҳитга ўтказиш 2. Тупроқ ёки ўсимликка фойдали микроорганизмларни солиш. 3. Баъзи ўсимликларнинг тупроқда кўплаб фойдали микробларни тўплаши.

**Иноперкулят** – дискомицет замбуруғларда (*Discomycetaes*) халтачанинг тирқиш билан очилиши.

**Иноперкулят дискомицетлар** – *Ascomycetes* синфига мансуб бир гуруҳ замбуруғларда спораларни тарқалишини халтачанинг учки қисмини йиртилиши ҳисобига рўй бериши.

**Инпулверизация** – фитоценозга шамол билан минерал ва органик моддаларни сочилиши.

**Инсеророз чангдон** – ёриғи (дарзи) гулнинг ички томонига (гинецейга) қараган чангдон.

**Инсерация** – гербарий коллекцияларини маълум тартибда жойлаштириш.

**Инсектицид ўсимликлар** – зараркунанда ҳашаротларга қарши дорилар олинадиган ўсимликлар (масалан, *Nicotinia*, *Anabasis*, *Peganum* ва шу кабилар).

**Инспермация** – шамол, сув ва организмлар таъсири билан уруғларнинг атроф-муҳитга тарқалиши.

**Инсухт** - четдан чангланадиган ўсимликларни мажбуран ўз-ўзи билан ча-тиштириш.

**Интегумент** – гулли ўсимликлардаги уруғмуртакни ўраб турган, кейинча-лик уруғпўстига айланадиган ҳужайралар қавати.

**Интегументал тапетум** – айрим ўсимликларда уруғмуртакни ўраб туради-ган интегументнинг ташқи қавати.

**Интегумент, уруғкуртак қобиғи** (*лот. integumentum - қобиқ*) - уруғкуртак пўсти; нуцеллюсни ўраб турувчи қобиқ; у уруғлангандан сўнг уруғ пўстига айланади.

**Интегументал эмбриония** – уруғмуртак қоплами ҳужайраларидан муртакни муртак халтадан ташқарида ҳосил бўлиши.

**Интенсив агрофитоценозлар** – тупроқ, сув шароитлари доимо назорат этиб бошқариладиган экма ўсимликлар уюшмалари.

**Интенсив культура** – бир ёки бир неча қишлоқ хўжалик экинларини бир неча йиллар давомида битта тупроққа экиш.

**Интер ...** – “оралиқ” маъносини билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Интераскуляр** – халтачали замбуруғларда (*Ascomycetes*) халтача ҳосил бўлишида иштирок этадиган тўқима.

**Интераскуляр тўқима** – халтачали замбуруғлар меватанасининг ўрта қисмидаги халтачалар орасида жойлашган тўқима.

**Интераскуляр флоэма** – биколлатериал боғламдаги ксилеманинг ички томонига тақалиб турадиган иккиламчи флоэма боғлам. Ташқи флоэмани эслатади.

**Интервагинал новда** – барг нови ичида ривожланадиган новдалар, масалан, *Carex* туркуми ўсимликларида.

**Интерзонал ўсимликлар** – мустақил зона ҳосил қилмайдиган, зонал ўсимликларга бироз қўшилиб ўсадиган ўсимликлар. Бу ўсимликлар муайян зоналар билан узвий боғлиқ бўлади.

**Интеркаляр меристема** – апикал меристемадан ҳосил бўлиб, бироз нарироқда жойлашиб фаоллигини сақлайдиган меристема.

**Интеркаляр меристема, туғма тўқима** (*meristema intercalaris*) - поялар учида эмас, балки бўғим оралиғида жойлашган тўқима.

**Интеркаляр флоэма** – айрим магнолиоопсидлар (*Magnoliopsida*) поясидаги иккиламчи ксилемага қўшилган иккиламчи флоэма.

**Интеркаляр ўсиш** (*crescentia intercalaris*) – 1. Ўсимликларнинг бўғим оралиғидан ўсиши. 2. Ипсимон (трихал) тузилишли сувўтларда бўлиниб ўсишни таъминлайдиган ҳужайраларни ипнинг ўртасида жойланиши билан ўсиши. 3. Ўсимлик учининг пастки қисмидаги ҳужайраларнинг кўпайиши ҳисобига ўсиши.

**Интеркинез** – 1. Мейоз бўлинишининг икки бўлиниш ўртасидаги давр. 2. Биринчи мейоз бўлиниш билан иккинчи мейоз бўлиниш орасидаги давр, вакт.

**Интеркинез ядро** – интеркинез ҳолатдаги ядро.

**Интеркинетик мағиз, тинимдаги ядро** - Бўлиниш жараёнида қатнашмайдиган мағиз.

**Интерксиляр флоэма** – 1. Айрим магнолиописидлар поясидаги иккиламчи ксилемага қўшилган иккиламчи флоэма. 2. айрим икки паллали ўсимликларда флоэманинг ксилема ичига ботиб киргани.

**Интеркуляр пўкак** – ксилемадан ривожланадиган пўкак.

**Интермедиял тўқима** – каллус тўқимадан бирмунча фарқланадиган пайвандуст ва пайвандтаг орасидаги тўқима.

**Интерорз чангдон** – ёриғи (дарзи) гулнинг ички томонида (гинецейга) қараган чангдон.

**Интерозоид** – қ. сперматозоид.

**Интерпетиол ёнбаргча** – битта бўғимдаги барг бандлари орасида жойлашган ёнбаргчалар.

**Интерсекслар** - икки жинсни оралиғидаги организмлар.

**Интерсексуаллик** – организмда эркакга ёки урғочига хос белгилари билан бир қаторда ҳар иккала жинсга ҳам мансуб белгиларнинг бўлиши.

**Интерсексуал гуллар** – эркак гулдан икки жинслига ўтаётган гуллар.

**Интерсериял фитоценозлар** – конассоциацияга кирган, бироқ у учун беғона бўлган ўсимликлар уюшмаси.

**Интертекалин** – *Ascomycetes* синфи замбуруғларида аскалар (халтачалар) орасидаги гифалар.

**Интерфаза** – 1. Бўлинаётган ҳужайраларда навбатма навбат митоз бўлиниш орасидаги қисм. 2. ҳужайранинг бир бўлиниши билан янаги бўлиниши орасидаги босқич. У уч давр - синтезланишдан олдинги ( $G^1$ ), синтезловчи (S) ва синтезланишдан кейинги ( $G^2$ ) га бўлинади.

**Интерфаз ядро** – ҳужайрани интерфаза давридаги ядро, бу даврда ядро ўзига хос вазифаларни бажаради, бўлинмайди.

**Интерференция** – 1. Хромосоманинг бир жойида рўй берган кроссинговерни бошқа жойидаги кроссинговерга таъсири. 2. Яқин қўшни бўлганда ўсимликлардаги рақобат муносабатлари.

**Интерфубул** – диатом сувўтларидаги каналсимон чокни ички бўшлиқдан ажратиб турадиган пластинка – фибуллар орасидаги очик жой.

**Интерцеллюляр конюгация** – ҳужайра ичида рўй берадиган конюгация.

**Интина** – 1. Чанг донаси ёки спора пўстининг ички девори 2. Уруғли ўсимликлар микроспорасининг пектин моддалари ва целлюлозадан иборат юпқа рангсиз ички пардаси. 3. чанг донаси ёки спора пўстининг ички девори.

**Интина, ички қобиқча** - Чанг доналари ва спораларнинг ички юпқа қобиқчаси.

**Интинсив типдаги нав** - фотосинтетик қобилияти юқори бўлиб, ташқи муҳит омилларидан (тупроқ, сув, ўғит ва ёруғликдан) унумли фойдалана оладиган, ҳамда юқори агротехник шароитида ётиб қолишга, касаллик, зараркунанда ва бошқа ноқулай таъсирларга чидаб, мўл ҳосил ва сифатли маҳсулот берадиган нав.

**Интразонал ўсимликлар** - маълум бир минтақадагина эмас, балки турли минтақаларда ўзига мувофиқ шароитда учрайдиган ўсимлик жамоаси (фитоценоз).

**Интрамембран гаусторийлар** – хўжайин хужайрасининг деворини тешиб ўтиб, унинг протопластига етадиган гаусторийлар.

**Интраматрикал таллом** – ўсаётган жойининг ичида жойлашган таллом (масалан, *Chyfrtdiomycetes* синфига мансуб замбуруғларда).

**Интрацеллюляр симбионт** – хўжайиннинг хужайрасини ичида яшаётган организм.

**Интрикат плектенхима** – турлича чигаллашган гифа кўринишдаги маълум даражада тифизлашган плектенхима. Лишайниклар талломининг ўзак қисмида учрайди.

**Интрогрессия** – алоҳида таксонларни тасодифан чатишиб келгусида тасодифан табиий ҳолда беккроснинг рўй бериши.

**Интродукция** – 1. Мақсад билан ёки тасодифан бир тур ўсимликни ўзининг табиий ареалидан ташқарида ўстириш 2. Маҳаллий табиий комплексга қандайдир бегона турни муваффақиятли тарзда киритиш. 3. Ўсимликларнинг тур ва навларини бошқа жойлардан келтириш.

**Интродукция, иқлимлаштириш, кўниктириш** - маълум ўсимликларни бир жойдан иккинчи жойга, бир ўлкадан иккинчи ўлкага келтириб, шу жойнинг табиий шароитига, иқлимига кўниктириш, мослаштириш, шу билан муайян жой флорасини бойитиш.

**Интродукцион кўчатзор, иқлимлаштириш кўчатзори** (*лот. introductio - кўниктириш*) - бошқа ердан келтирилган ўсимликларни иқлимга мослаштириш учун ажратилган тажриба кўчатзори.

**Интродуцент** – мазкур сарҳад учун тасодифан келган ёки одамлар киритган янги тур.

**Интрон** - полипептид ёки РНК структураси ҳақида ахборот тутмайдиган нуклеотидлар кетма-кетлиги. Интронлар мавжудлиги сплайсингга сабаб бўлади, бунда интронлар кесиб ташланиб, экзонлар қайта уланади. Интронлар мутацияси юзага чиқмайди ва бу мутациянинг зарари сезилмайди.

**Интрорз чангдон** - гул ичига қараган томонидан ёрилиб очиладиган чангдон.

**Интрузив ўсиш** – хужайранинг биттасини иккинчисига ботиб кириши натижасида уларнинг пўстларининг сурилиши.

**Интуссусцепция** – 1. Хужайра пўстини аввал шаклланганига янги материал киритилиши ҳисобига унинг ўсиши. 2. ўсимлик хужайрасининг пўстини ўсиш турларидан бири бўлиб, чўзилаётган пўстга янги қисмлар ёки целлюлозанинг алоҳида микрофибриллаларининг қўшилиши.

**Интуссусцепция, ички ўсиш** - Аввалдан мавжуд қатламларга янги қисмларнинг қўшилиши натижасида хужайра қобикчасининг қалинлашуви.

**Инулин** – 1. Полисахаридлар гуруҳига мансуб модда; мураккабгуллиларга мансуб бир қанча тур ўсимликларда (кўпроқ андизларда) ҳосил бўладиган модда. 2. Яшил сувўтлардан *Dasycladaceae* тартибининг вакилларида фотосинтез маҳсулоти сифатида ҳамланадиган модда.

**Инфлюентлар** – фитоценознинг аъзоси сифатидаги хайвонлар.

**Информацион РНК (iRNK)** - генлардан рибосомаларга оксил синтези ҳақида ахборот берувчи РНК.

**Инфрон** - РНК нинг ирсий ахборотга эга бўлмаган айрим қисмлари.

**Инцистирланиш** – бир қатор микроорганизмларни, шу билан бирга замбуруғларни қалин пўстли тузилма цистага айланиши; шу билан ноқулай шароитларга чидаш.

**Инцухт** (нем. *Inzucht*) – 1. Ўз-ўзидан чангланиш натижасида ҳосил бўладиган уруғ; четдан чангланадиган ўсимликларни «мажбурий» равишда ўз-ўзидан чанглантириш йўли билан олинадиган уруғ. 2. Четдан чангланувчи ўсимликларни мажбуран ўзидан чанглатиш.

**Инцухт-тизма** - битта четдан чангланувчи ўсимликни ўзидан чанглатиб олинган авлод.

**Ипакўт** (*Phalarus arundinaceae* L. var. *variegata* Hort.) – бошокдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт.

**Ипекакуана** (*Cephaeles ipescacuanha* ва *Cephaeles acuminata*) - рўяндошларга мансуб майда тропик буталар. Ингичка ва шохдор илдизпоясининг кўшимча илдизлари ҳам бор. Бу кўшимча илдизлардан бир қисми ўсиш давомида бирмунча қалинлашади. Поясининг бўйи 20 - 40 см га етади. Барглари қарама-қарши жойлашган. Гули ярим доирасимон бошчаларда очилади. Илдизининг ўзига хос ҳиди ва аччиқ тами бор.

**Ипсимон илдиз** (*radix filiformis*) - ип сингари ингичка ва узун илдиз.

**Ипсимон органлар** - баъзи ўсимликлардаги ипсимон ингичка тана, барг ёки илдизлар.

**Ипсимон склереид** – толага ўхшаб кетган анча чўзиқ ҳолдаги иккинчи склереид.

**Ипсимон (трихал) тузилма** – хужайранинг вегетатив бўлиниши натижасида ҳаракатланмайдиган ипсимон кўринишни ҳосил қилган сувўтлар. Ипдаги хужайралар поляр тузилган, битта йўналишда ўсади, вегетатив давридаги ўсиши чекланмайди, ўсиши диффуз ҳолда рўй беради. Содда тузилганларида ипсимон тузилма морфологияси ўхшаш хужайраларнинг тўпламидан иборат бўлади. Ипнинг учи узайиб ингичкалашса ёки йўғонлашса, уларнинг хужайралари бошқаларидан фарқланади.

**Ирга** (*Amelanchier*) - раънодошларга мансуб ўсимликлар (бута ёки кичикроқ дарахтлар) туркуми.

**Ирландия йусини** (*Chondrus crispus*) - денгизларда ўсадиган қизил сувўтлардан бир неча турининг номи (қ. Карраген).

**Ирсий адаптация (мослашув)** – яшаш муҳитининг муайян шароитларига ўзидаги ирсий ўзгарувчанликлар ва ирсияти туфайли ўсимликнинг мослашуви.

**Ирсий апомиксис** – апомиксисликка хос хусусиятни ирсият орқали берилиши.

**Ирсий белги** - дурагайда ота-она ўсимликка хос белгиларнинг мавжуд бўлиши.

**Ирсий хислат** - 1) ирсий белги қолдиқлари; 2) чанглангандан (уруғлангандан) сўнг наслга ўтадиган хислатлар.

**Ирсийланиш** - кўпайиш жараёнида ирсий модданинг бир авлоддан иккинчисига ўтказилиши. Генлар жойлашишига қараб эукариотларда ядро (аутосома ёки гетеросома) ва цитоплазматик (митохондрия, пластида) ирсийланиш кузатилади. Вируслар ва прокариотлар учун ўзига хос ирсийланиш характерлидир.

**Ирсийланувчанлик** - белгининг намоён бўлишида ирсият ахамиятининг кўрсаткичи. Ирсийланувчанлик коэффиценти орқали ифодаланади ва кузатилаётган ўзгарувчанликнинг қанча қисми генотипга боғлиқлигини кўрсатади. Ирсийланувчанлик коэффицентларини билиш селекцияда катта аҳамиятга эга.

**Ирсий касалликлар** - мутациялар натижасида келиб чиқувчи авлодларга ўтадиган касалликлар.

**Ирсий касалликларнинг генетик гетерогенлиги** - кўп учрайдиган сурункали мултифакториал касалликларда клиник полиморфизмнинг мавжудлиги. Клиник полиморфизмнинг сабаби битта касалликнинг ҳар хил этиологик шакллар сифатида намоён бўлишидир. Улар ҳар хил мутациялар натижаси бўлгани учун ҳар хил ирсийланади, лекин фенотипик (клиник) кўринишлари ўхшаш бўлиши мумкин.

**Ирсият** – 1. Организмларнинг кўпайиб ўзига ўхшаш авлодни юзага келтира олиш қобилияти. Ирсият организмнинг тарихий тараққиёти жараёнида ҳамда шароитларнинг организмга таъсир қила бориши давомида шакллана боради. Шунинг учун ҳам ирсият олдинги бир қанча авлодлар томонидан ассимиляция қилиб олинган ташқи муҳит шароитларининг концентрати (мажмуи) сифатида юзага келади. 2. Организмдаги белги ва хусусиятларнинг наслдан наслга ўтиши. 3. Ирсийланиш жараёни орқали организмларнинг авлодлар алмашилиши давомида моддий ва функционал узлуксизликни таъминловчи хусусият.

**Иридилровчи таналар** – тропик ва субтропик минтақалардаги денгизларнинг унга чуқур бўлмаган жойларида тарқалган қизил сувўтларда кучли ёруғликдан ҳимоялаш учун хизмат қиладиган таначалар.

**Иргай** (*Cotoneaster multiflora* Vge.) – раънодошлар оиласига мансуб тоғларда ўсадиган манзарали бута ўсимлик туркуми.

**Исирик, хазорисбанд** (*Peganium harmala* L.) - кўшбаргдошлар (туятовондошлар) га мансуб чўл, адирларда ўсадиган доривор, бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Искандар** - олманинг ўртапишар нави. 5 ёшида ҳосилга киради. Меваси думалоқ (150 - 200 г), оч қизил, хушбўй ва ширадор.

**Исландия йусини** (*Cetraria islandica*) - тармоқланган япроксимон мох. Қарағайзорларда, тундрада ва шимолий ярим шардаги тоғларда учрайди. Бу ўсимлик аслида йўсин (мох) эмас, балки лишайникдир.

**Исмолоқ** (*Spinacta oleracea* L.) – шўрадошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Исмолоқшовул** (*Rumex patientata* L.) – торондошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Иссиққа чидамли ўсимликлар** – юқори ҳарорат таъсирига чидай оладиган ўсимликлар. Бундай ўсимликларнинг цитоплазмаси анча қуюқ ва моддалар алмашинувида бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Ўсимликларни иссиққа

чидамлигини ошириш учун уруғни экиш олдидан чиниқтириб ва рух элементи тузларини пуркаб ошириш мумкин.

**Иссиқхона эффеќти** – ёпилган нарса (ойна, полиэтилен ёпќич) куёш нурини ўтказиб, тўлқин узунлиги катта нурларни ўтказмаслиги туфайли рўй берадиган ҳодиса.

**Испарак** (*Delphinium*) - айиқтовондошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Гуллари пихли, яшил, бинафша ва ҳаво ранг, шингил ёки рўвак тўпгулларга жойлашган.

**Исфарак** - Ўрикнинг туршакбоп жайдари нави. Меваси думалок, сарик, сал тукли, ширин. Дарахти яхши ўсади.

**Исфарак** (*Delphinium songoricum* Nevski) – айиқтовондошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган доривор, бўёқ сақловчи кўп йиллик ўт ўсимлик туркуми.

**Итбодом** (*Amygdalus spinosissima* Bge.) – раънодошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор дарахт.

**Итбурун** (*Rosa canina* L.) – раънодошлар оиласига мансуб адир, тоғларда ўсадиган доривор бута.

**Итгунафша** (*Veronica arvensis* L.) – сигиркуйруқдошлар оиласига мансуб адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Итжумрут** (*Fragaria alnus* Mill.) – жумрутдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Иткучала** (*Eminium albertii* (Rgl.) Engl.) – кучаладошлар оиласига мансуб адир-тоғда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Итоғиз** (*Antirrhinum majus* L.) – сигиркуйруқдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали бир йиллик ўт.

**Итоғиз, аждаргул** (*Antirrhinum*) - Сигиркуйруқдошларга мансуб бир йиллик ёки кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Баъзан чала бута шаклида ҳам учрайди. Барглари тухумсимон ёки ланцетсимон. Гуллари икки лабли бўлиб, шингил тўпгулларга йиғилган. Меваси – кўсакча.

**Итсигек** (*Anabasis aphylla* L.) – шўрадошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Иттиканак** (*Bidens tripartite* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Итузум** (*Solanum nigrum* L.) – томатдошлар оиласига мансуб воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Иткўноқ** (*Seraria lutescens* Hubb.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Итқовун** (*Melo agrestis* Pang.) – қовоқдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Ифодаловчи, характерловчи** (*lot. indicator - кўрсаткич*) - Маълум муҳитда яшаб, шу муҳитни характерлайдиган ўсимлик.

**Ихтиохория** – диаспораларнинг балиқлар ёрдамида атроф-муҳитда тарқалиши.

**Ихота ўрмонлари** – сув ва тупроқни дефляциядан ҳимоя қилиш мақсадида махсус яратилган ўрмон.

**Ихота, чавра, дарахтзор** (*muniens, protectivus*) - Турли худудларни табиат офатларидан ҳимоя қилиш мақсадида экилган (баъзан эса табиий равишда ўсиб чиққан) дарахтзор ёки бутазор. Ихотазорлар ерда узоқ вақт нам сақлайди ва кўчма кумларни ўтроқлаштиради.

**Ихрож** (*Tithymalus zeravschanicus* (Rgl.) – сутламадошлар оиласига мансуб, яйловда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Ички ажратувчи без** – секретларни сақловчи жойлар.

**Ички куртаклар** – қ. яширин куртаклар.

**Ички микориза** – қ. эндомроф микориза.

**Ички мицеллий** – ўсаётган жойи озик ичида ривожланаётган мицеллий.

**Ички перистом** – кўш қаторли перистомнинг ички қатори.

**Ички флоэма** – бирламчи ксилемадан ичкари томонда жойлашган бирламчи флоэма.

**Ички чуқурлик** – илдизларнинг кўп қисми етиб борадиган чуқурликка кириши.

**Иқлимлаштириш** – 1. Бошқа жойга олиб келинган ўсимлик, янги иқлим шароитида кўпайтирилгандаги мослашуви. Иқлимлаштиришдаги асосий омил одамлар томонидан ўсимлик ирсиятини ўзгартиришдир. 2. Ўсимликларни янги муҳит, янги об-ҳаво шароитига мослаштириш.

## Й

**Йиллик сохта ҳалқа** - ҳар йили вегетация даврида бир қават ҳалқа ҳосил бўлади. Натижада тана йўғонлашади. Бу йиллик ҳалқадир. Баъзан ҳар хил сабабларга кўра, масалан, баҳорда барглари совуқ урганда ёки тутларнинг барги кесиб олинганда йиллик ҳалқанинг тузилиши тўхтайдир. Янги барглари чиқиши билан ҳалқанинг тузилиши давом этади. Натижада ҳалқа икки қават бўлиб қолади. Бу аслида икки йил мобайнида эмас, балки бир йил мобайнида тузилган ҳалқадир. Шулардан бири сохта ҳалқа ҳисобланади.

**Йиллик ҳалқа** – бир вегетация йилида ёғочликдаги ўсиш натижасида ҳосил бўлган ҳалқасимон тиғизлик.

**Йиллик ҳалқалар** (*annulus annotinus*) - дарахт танасида ҳар йилги вегетация даврида ўсишдан ҳосил бўладиган ҳалқасимон қаватлар. Йиллик ҳалқалар сонига қараб дарахт неча йиллик эканлиги аниқланади. Дарахт танаси кўндаланг кесилганда ҳалқалар яққол кўринади.

**Йирик қизил луччак шафтоли** - луччак шафтолининг жайдари хилларидан бири. Дарахти йирикроқ. 3-4 ёшида ҳосилга киради. Меваси сарғиш-қизил, доғлари бор. Эти юмшоқ, қимизак. Кузга яқин пишади.

**Йирик кува бехиси** - бехининг кечпишар нави. Меваси йирик (300 г ча). Кузда пишади. Мазаси нордонроқ. Хушбуй.

**Йиринглатувчи бактериялар** - тўқималарни чиритувчи бактериялар. Улар стрептококк (қ.) ва стафилококк (қ.) номи билан юритилади.

**Йиғлоқи дарахтлар** – Австралияда ўсадиган *Glochidion ferdinandi*; Мадагаскардаги *Leptolaena pauciflora*; Шимолий Американинг Техас штатида ўсадиган *Cercis canadensis* шундай аталади.



**Йиғма мева** – битта гулнинг бир неча уруғчисидан ташкил топган мева. Ҳар бир уруғчи алоҳида мева беради, уларнинг жами – йиғма мева ҳосил қилади (*Ranunculaceae* оиласининг ўсимликларида).

**Йиғма уруғ** – бир неча уруғлардан ташкил топган мева (масалан, *Ranunculus* туркумига мансуб кўплаб тур ўсимликларида).

**Йўлдош хужайра** – гулли ўсимликлар флоэмасидаги элаксимон найнинг бўғим билан боғланган паренхима хужайраси.

**Йўлдош хужайралар** – флоэманинг элаксимон найларга тақалиб турадиган тирик хужайралари.

**Йўнғичқа** (*Trifolium*) - Дуккакдорларнинг капалакгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик, баъзан, бир йиллик ўт ўсимлик.

**Йўрсилдоқ** (*Colutea grachytera* Summ.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган бута.

**Йўқолиб кетиш** (*extinctus*) - баъзи ўсимликларнинг узок даврлар ўтиши билан бирор ташқи шароит таъсирида камайиб бориб, сўнг бу-тунлай йўқолиб кетиши.

## К

**Кава, ава** (*Piper methysticum*) - мурчдошлар (*piperaceae*) га мансуб бута. Полинезия оролларида ўсади. Илдизпоясидан спиртли ичимлик («кава») тайёрланади бу ичимлик ҳам «кава» деб аталади.

**Каварлар, ковулар** (*Capparis spinosa*, *C. herbacea*) - кавардошларга мансуб кўп йиллик ўт. Барги думалокроқ, ёнбаргчалари тиканга айланган. Гули йирик ва оқ. Гулнинг кўп сонли чангчилари ҳар хил узунликда. Тугунчаси гинофорли.

**Кавказ ёнғоғи** (*Pterocarya pterocarpa* Kunth.) – ёнғоқдошлар оиласига мансуб, бўйи 30 м атрофидаги дарахт.

**Кавказ хурмоси** (*Diospyros lotus* L.) – хурмодошлар оиласига мансуб, бўйи 20-25 м атрофидаги дарахт.

**Каврак** (*Ferula assa-foetida* L.) - соябонгулдошлар оиласига мансуб чўл, адирда ўсадиган, доривор, смолали кўп йиллик монокарп.

**Кавушўт** (*Cypripedium*) - орхисдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Казуарина** (*Casuarina*) - казуаринадошларга мансуб дарахт ўсимликлар.

**Казуаринадошлар** (*Casuarinaceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб ёлғиз оила. Бу оила 30 га яқин турдан иборат, бу турлар казуарина (қ.) номли фақат битта туркумга бирлашади. Казуариналарнинг ёпиқ уруғлиларга кирувчи бошқа оилалар билан яқинлиги ҳали аниқланмаган. Вегетатив ва генератив органларининг тузилишига кўра, казуариналар очик уруғлиларга яқин туради. Шунинг учун бу оила ёпиқ уруғлилар ичидаги энг қадимий ўсимлик ҳисобланади. Ветштейн системасига кўра очик уруғ-лилардан сўнг ёпиқ уруғлилар шу оиладан бошланади.

**Какаогенез** – чатиша олмаслик хусусияти.

**Какао** (*Theobroma*) - стеркулиадошларга мансуб доим яшил тропик дарахт. Уруғи - дуккак.

**Какао дарахти** (*Theobroma cacao* L.) – стеркуладошлар оиласига мансуб, бўйи 5-9 м доимо яшил тропик Америкада ўсадиган дарахт.

**Какку йусин** (*Polytrichum*) - бир-бирига яқин *Polytrichum* ва *Pogonatum* туркумига мансуб ўсимликлар.

**Каклик ўт** (*Thymus zeravschanicus* Klok.) – лабгулдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Какра** (лот. *Acroptilon picris*) - мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик заҳарли ўсимлик. Бўйи 20-60 см га боради, сербарг шохли, оч қизил гулли.

**Кактусдошлар** (*Cactaceae*) - ёпиқ уруғлиларга мансуб оила. Фақат *Peireskia* ва *Peireskiosis* туркумининг пояси ва барглари йўғон, этдор. Қолган жуда кўп тур ва чуркум тари (суккулент турлари) эса йўғон, семиз ва ширадор таналидир.

**Калла** (*Calla palustris*) - кучаладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар. Гуллари икки жинсли ва гулкўрғонсиз, оқ ўрамали сўтага йиғилган.

**Каллак, бошча** (*capitulum*) - ўсимликларнинг бир оз торайган ёки кенгайган ўқли тўпгули.

**Каллакланган ўсимликлар** - сифатли новда ва поялар ўстириб олиш мақсадида юқори қисми қирқилган дарахтлар ёки ўсимликлар.

**Каламитнамолар** (*Calamitales*) - бўғимтанатоифа типигаги спорали ўсимликлар қабиласи. Бу қабилага каламитдошлар ва астерокала-митдошлар оиласи киради. Уларга мансуб ўсимликларнинг қолдиқлари бизгача майдаланган, бўлинган ҳолда етиб келган ва турли номлар билан аталиб келинади.

**Калиптра, хужайра қавати** - кўк-яшил сувўтлардаги учки (тепа) хужайранинг қалинлашган қисми.

**Калиптотропизм** – ташқаридан таъсир натижасида новданинг беўхшов ўсиши.

**Калиптра** – 1. Мохлар спорогони устидан қолаб турадиган ёпқич 2. Илдиз учидаги ёпқич 3. Кўк-яшил сувўтларининг *Oscillatoriales* тартиби вакиллари биринчи (охирги) хужайраларининг ёпқичи.

**Калиптроген** – 1. Илдиз ғилофининг ҳосил бўлишини бошлаб берадиган, пўстлоқ инициал хужайраси марказий цилиндрга алоқаси бўлмаган илдиз учидаги меристема 2. *Magnoliopsida* ва очик уруғлилар илдизининг учидаги меристема 3. *Liliopsida* илдиз учини ўрайдиган махсус меристемадан ҳосил бўладиган тирик паренхима хужайралари.

**Калиптроген, бошланғич илдиз қини, бошланғич илдиз қалпоқчаси** - ҳосил қиладиган махсус тўқима. У илдизнинг ўсиш нуқтаси-даги ташқи хужайралар қаватидан иборат. Илдиз қини шу қаватдан шаклланади.

**Калистегия** (*Calystegia*) - печакдошларга мансуб кўп йиллик ўралувчи ўсимликлар туркуми. Гуллари узун гулбандчали ва гулёнбаргчали, карнайсимон, йирик.

**Калицералар** (*Calycerales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Asteridae* кенжа синфининг тартиби.

**Калмараз** – касаллик кўзғатувчи замбуруғлар, актиномицетлар ва бактериялар ҳосил қиладиган касаллик. Энг зарарлиси картошка, олма, нок, цитрус ўсимликлари ҳисобланади. Уларнинг поя, барг, туганак ва меваларида доғлар, жароҳатлар ва ҳар хил ўсмалар ҳосил бўлади, тўқималар кўчиб бурушади.

**Каллаклаш** – мевали дарахтларни ёшартириш мақсадида амалга ошириладиган буташнинг бир тури.

**Каллёза** – сувда эримайдиган полисахарид (ёки бир-бирига яқин полисахаридлар гуруҳи). Каллёза гидролизланиб, ундан глюкоза олинади. У тўрсимон найчалардаги бўртикларда ҳамда баъзи бир сувўт ва зам-буруғларнинг хужайра қобиқчаларида учрайди.

**Каллоза** – махсус аморф полисахарид.

**Каллоза япроқ** – ғадир-будир қалинлашган (*Quercus suber* L. баргида) япроқ.

**Каллус** – ўсимликда жароҳатланган жойни қоплайдиган бир хил паренхима хужайраларидан иборат тўқима.

**Калта** (*Caltha*) - айиктовондошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Барглари текис ёки бўлакчали, гуллари сариқ ёки оқ бўлиб оддий баргсимон гулкўрғонга эга.

**Кальвиль** - бир неча нав олмалар гуруҳи.

**Калькофил, тошлоқи ўсимликлар** - тошлоқ ерларда ўсишга мослашган ўсимликлар.

**Калькофоб, тошдан қочувчи** - тошлоқ ерларда ўса олмайдиган ўсимликлар.

**Кальциефиллар** – кальций бирикмаларига бой тупроқларда ўсадиган ўсимликлар. Дуккакли ўсимликларнинг кўпчилиги шундай муҳитда ўсади.

**Камбий** (лот. *cambio, cambium*) - ўсимликнинг призматик хужайралардан иборат ва доимо бўлакларга бўлиниб кўпаювчи тўқимаси. Икки паллани ва очиқ уруғли ўсимликларда камбий ўсимлик танасининг ўзаги ҳамда пўстлоғи ўртасида жойлашиб, уни энига ўстиради.

**Камбий ҳалқаси** (*annulus cambialis*) – 1. Камбийнинг ҳалқасимон жойлашуви. 2. Поядаги боғламли камбийга тақалиб турадиган паренхима хужайраларидан иборат камбий.

**Камбиформ** (лот. *cambiformum*) – 1. Қовиқнинг (лубнинг) тирик протопластли ва юпқа пардали трахеидсимон хужайралари. 2. Флоэманинг икки учи ингичкалашган, юпқа пўстли тирик хужайралари.

**Камгуллилар** (*pauciflorus*) - гули кам ўсимликлар.

**Камелиядошлар** - чойдошлар.

**Камелия** (*Camelia*) - Камелиядошлар (чойдошлар) га мансуб дарахт ва бута ўсимликлар туркуми.

**Камёб (дифицит) нав** - районлаштирилган, давлат реестрига киритилган юқори ҳосилли, яхши сифатли, ноқулай шароитларга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, хўжаликлар томонидан яхши баҳо берилиб, талаб қилинадиган, лекин ҳар хил сабабларга кўра уруғи камайиб кетган навлар.

**Камоли** - ола-чипор қовунларнинг эртапишар навларидан бири. Шакли тухумсимон, оғирлиги 3 кг гача. Пўсти оч яшил, баъзан бир оз сарғиш, тўрлан-

ган. Жигар ранг доғлари ҳам бор. Эти оқ, ширадор. Таркибида 10,8% гача қанд бор.

**Кампешдарахт** (*Haemotoxylon campechia*) – бурчокдошларга (дуккакдошларга) мансуб дарахт.

**Кампилотроп уруғкуртак, букилган уруғкуртак** - нуцеллюси жуда эгилган, чанг йўли эса халаза (қ.) ёнига бориб қолган уруғкуртак.

**Кампиладром томирланиш** – ингичка ён томирлар марказий-ўрта томирдан бошланиб, япроқ қирғоғига томон йўналган томирланиш (*Alisma plantago-aquatica* L. ўсимлигида).

**Кампирчопондошлар** (*Borraginaceae*) - икки уруғ паллали ўсимликлар синфига мансуб оила. Тукчали, гажак тўпгулли ўт, бута ва дарахтлардан иборат.

**Камфа** (*Carthamus turkestanica* M. Pop.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерлар, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Камфорли базилик, камфорли райхон** (*Ocimum menthaefolium*) - Лабгулдошларнинг райхонлар туркумига мансуб ўсимлик.

**Камфор дарахт** (*Cinnamomum camphora* (L.) Nees. et Eberm.) – лаврдошлар оиласига мансуб ватани жанубий ва ғарбий Хитой, Япония бўлган бўйи 50 м атрофидаги дарахт.

**Камхастак** (*Cerasus mahaleb*). – раънодошлар туркумига мансуб ёввойи дарахт.

**Канада тераги** (*Populus deltoides*) – толдошлар оиласига мансуб, бўйи 45 м атрофида келадиган Шимолий Америкада ўсадиган дарахт.

**Канада чойи** (*Gaultheria procumbens* L.) – эрикадошлар оиласига мансуб, меваси чой ўрнида фойдаланиладиган ўсимлик.

**Канакунжут** (*Ricinus communis* L.) – сутламадошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, маданий доривор, бир йиллик ўт.

**Каналчоклилар** (*Aulanoraphinales*) – хужайралари биттадан, ҳаракатчан, қисман ўтроқ, ҳаракатсиз, совути узунасига, кўндалангига ёки диаганал симметрик сувўтлар (*Bacillariophyta, Pennatophyceae*) тартиби.

**Кананги** (*Canange odorata*) - анонадосларга мансуб дарахт.

**Кандиль-китайка** - Мичурин етиштирган олма нави. Қримда ўсувчи кандиль-синап олмасини хитой олмаси билан чатиштириб олинган. Меваси ширин, оғирлиги 200-210 г га етади.

**Кандир, қизил қурай** (*Arosynum sibiricum*) - кандирдошларга мансуб кўп йиллик толали ўсимлик.

**Кандиль-синап** - олманинг бир нави. Қрим, Қозоғистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Грузияда тарқалган. Меваси узунроқ эллипсимон, оч қизил. Қишда яхши сақланади. 12 ёшидан ҳосилга киради, 15-20 ёшидан кўплаб мева бера бошлайди. 30-40 ёшдаги бир туп дарахт 400-600 кг, баъзан 700-800 кг ҳосил беради. Мевасининг оғирлиги 200 г га етади.

**Кандрдошлар** (*Arosynaceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб ўсимликлар оиласи.

**Канифоль** (юн. *kolophonia*) - игнабаргли дарахтларнинг қатронсимон моддаларидан скипидарни ҳайдаб олинадиган сарғиш-қизил ёки тўқ жигар тусдаги қаттиқ ва ялтироқ масса.

**Канна, шойигул** (*Canna*) - каннадошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Каноп** (*Hibiscus cannabinus*) - ғўзадошларга мансуб қовиқли (лубли) ўсимлик. Пояси 4 м гача узун ва 8-20 мм қалин. Гуллари йирик, қисқа гулбандчали. Қуйидан юқорига қараб гуллайди. Гуллаш жараёни 45-50 кун давом этади. Меваси - 5 чаноқли кўсакча.

**Кантарелла** (*Cantharellus*) - базидиялиларга мансуб қалпоқчали (тухумсимон, сариқ) замбуруғлар тури.

**Кантарофилия** – гулнинг қўнғизлар ёрдамида чангланиш жараёни.

**Кап** – дарахтлардаги бўқоқсимон ўсма.

**Капалаксимон гултож** (*corolla papilionaeus*) - капалак шаклидаги тож, шона.

**Капалакқанот бинафша** (*Viola hortenses-grandiflorae*) - бинафшалар туркумига мансуб бир йиллик ва икки йиллик ўсимликлар тури.

**Капалакгулдошлар** (*Papilionaceae*) - дуккакдорларга мансуб ўсимликлар оиласи. Гуллари зигоморф (қийшиқ.). Бу гул капалакка ўхшаганлиги учун ҳам мазкур оила капалакгулдошлар деб аталади. Гулнинг юқори қисмида битта йирик гулбарг («елкан» дейилади), ён томонларида эса биттадан иккита кичикроқ гулбарг (қанотни эслатади; улар «эшкаклар» деб айтилади) ва қуйи қисмида иккита майда гулбарг (улар «қайиқча» дейилади) мавжуд бўлиб, шу «қайиқча» нинг ичида 10 та чангчи жойлашган. Кўпчилик турларининг меваси дуккак. Барглари патсимон, учталиқ ёки панжасимон мураккаб. Ўт, бута, чала бута ва айрим ҳолларда дарахт турлари бор. Кўпчилиги экилади. Илдизларидаги тугунак бактериялар ерни азот бирикмалари билан бойитади. Доривор, овқатбоп ва хушманзара турлари ҳам бор. Баъзи дарахт турларининг ёғочи сифатли материалдир. Айрим систематиклар капалак-гулдошларни *Papilionoideae* номли оилачага киритади.

**Кап вилояти** – Африканинг жанубидаги флористик вилоят.

**Каперсалар** (*Capparales*) гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи *Dilleniidae* кенжа синфининг тартиби.

**Капиллиций, спора иплари** - Баъзи замбуруғларнинг (мас. Миксомицетларнинг) спорангийларида споралар билан бирга учрайдиган ипчалар. Унинг ингичка пардаси спиралсимон йўғонлашган хужайрадан иборат.

**Каприфига** – анжир (*Ficus carica* L.) ўсимлигининг тўпгули.

**Капский жасмин, гардения** (*Gardenia*) - Рўяндошларга мансуб доим яшил буталар туркуми. Гуллари оқ, сарғиш ёки бинафша, хушбўй ҳидли, кўриниши карнайсимон.

**Капсула, шилиқ пўст** - Баъзи бир бактерияларнинг хужайраларини ўраб турувчи шилиқ парда.

**Карамбош** – карам ўсимлигининг биринчи йили жуда катта, очилмаган учки куртаги. Жуда кўп барглар ва қисқарган новдадан иборат.

**Карам** (*Brassica*) - карамдошларга мансуб бир йиллик ва икки йиллик саб-завот ўсимликлар гуруҳи.

**Карантин ўсимликлар** (*plantae quarantaine*) - бир ердан иккинчи ерга ўтказилиши таъқиқланган (касалланган) ўсимликлар ёки бегона ўтлар.

**Карантин ўсимликлар** – экинларга катта зарар келтириб, ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўладиган ўт ўсимликлар.

**Карбоксисома** – *Cyanophyta* бўлими сувўтларини ҳужайраларидаги полиэдрик таналар.

**Кардамон** (*Kardamon*) - имбирдошлар (занжабилдошлар) га мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик ва унинг меваси.

**Каринал канал** – қирқбўғимлар япроғининг ўрта қисмидаги ксилема.

**Каринал канал** – қирқбўғимларга мансуб ўсимликларнинг бўғин қисмидаги коллатериал боғлам, сув ўтказувчи қисм.

**Каринал каналлар** – қирқбўғимларнинг пояси бўғим оралиғининг кўндаланг кесмасидаги коллатериал боғламлардаги каналлар.

**Каринал ксилема** – қирқбўғимлар бўлимига мансуб ўсимликлар япроғининг ўртасидаги ксилема.

**Каринкула** – уруғмуртакнинг микропиле атрофида ташқи пўстлоқни ўсишидан ҳосил бўлган ўсимта.

**Каринкула** – уруғмуртакнинг микропиле атрофида ташқи пўстлоқни ўсишидан ҳосил бўлган ўсимта.

**Карио ...** – ҳужайра ядросига оидликни билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Кариогамия** - эркак ва урғочи гаметалар ядросининг қўшилиш жараёни.

**Кариогамия, жинсиз қўшилиш** - ножинсий жараёнда мағизларнинг ўзаро қўшилиши.

**Кариоген ҳужайра** – халтачали замбуруғларда (*Ascomycetes*) архикарпнинг пастки ҳужайраси.

**Кариограмма** – 1. Ҳар бир ўсимлик турига хос бўлган хромосомалар тўплами; кариокинезнинг метафаза даврида аниқ билинади. 2. Хромосомаларнинг фотосуратини катта - кичиклиги ва тузилишига қараб қўйиб чиқиш. Айрим хромосомалар ва улар тўпламларининг тузилишида ўзгаришлар топилиши хромосомалардаги бир қанча ўзгаришларни, демак касалликларни аниқлаб олишга имкон беради. 3. Ҳар бир тур учун характерли бўлган хромосомалар йиғиндиси, кариокинез бўлинишнинг метафаза даврида яхши кўринади. 4. Битта ҳужайранинг тизимлаштирилган ва аниқ тузилган тўплами. Гомологик хромосомалар аниқланиб, ўлчами ва сентромерасининг жойлашишига қараб (Париж номенклатураси асосида) жойлаштириб чиқилади, маълум ҳарфлар (A, B, C, D, E, F, J) ёки рақамлар билан белгиланади. Кўпинча бу термин идиограмманинг синоними сифатида ишлатилади.

**Кариокинез** - (кариотомия) ядронинг бўлиниши.

**Кариокинез, мураккаб бўлиниш** - Ўсимлик ва ҳайвон организмидаги ҳужайраларнинг кўпайиш усулларида бири.

**Кариокинетик узайиш** – ҳужайра бўлинишини анафазадан бошланиб телофазанинг охирида максимал узунликдаги ўлчамига етиши.

**Кариолимфа, мағиз шираси** - Нуклеопротеид табиатига эга бўлмаган оксилларнинг коллоид ҳолидаги рангсиз, мағиз бўёқлари билан бў-ялмайдиган, структурасиз сууюқлиги.

**Кариология** – 1. Цитологиянинг хужайра мағзининг тузилишини ўрганувчи бўлими. 2. Оптик ва электрон микроскопия, изотоп индикаторлар ва бошқа усуллар билан хужайра ядроси, хромосомалар, ядроча пўстининг тузилиши ва вазифаларини ўрганадиган фан.

**Кариоплазма** - қ. Ядро.

**Кариоплазмагамия** – махсус иккита жинсий хужайралар – гаметалар ёки махсуслашган хужайраларнинг қўшилиши.

**Кариосистематика** – 1. Кариология маълумотларига асосан, соматик хужайралардаги хромосомаларнинг сони, морфологиясига асосланган кариологиянинг тармоғи. 2. Турли систематик гуруҳларга мансуб организмлар хужайра ядросига асосланиб, уларнинг систематикадаги ўрнини ўрганадиган соҳа.

**Кариосома** – ядрони ўртасида жойлашган, анчагина катта, юмалоқ ядроча.

**Кариотаксономия** – қ. кариосистематика.

**Кариотека** – хужайра ядросининг пўсти.

**Кариотип** – 1. Мазкур турни ифодаловчи хромосомалар тўплами. 2. У ёки бу турдаги организм соматик хужайралардаги хромосомаларнинг сони, ҳажми, шаклини ифодаси. 3. Маълум бир турга хос хромосомалар сони. 4. Соматик (тана) хужайрадаги хромосомалар сони, шакли ва ўлчами. 4. Хромосома тўплами белгиларининг йиғиндиси (сони, шакли, ўлчами) бўлиб, ҳар бир тур учун ўзига хос бўлади.

**Кария, гикори, америка ёнғоғи** (*Carya*) - ёнғоқдошларга мансуб баланд бўйли (50 м) дарахт. Барглари қатор тартибли, тоқ патсимон. Гули ва меваси ёнғоқникига ўхшаш.

**Карлудовика** (*Carludovica*) - циклантдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Пальмадошларга анча яқин.

**Кармак** (*Limonium*) - кармакдошларга мансуб ўт ва буталар туркуми.

**Карнайзамбуруғ** (*Lactarius resimus*) - шимолий минтақалардаги қайинзорларда ўсадиган хўраки замбуруғ.

**Каротинлар** – каротиноидларга мансуб пушти ёки қизил пигмент.

**Каротиноидлар** – 1. Барча ўсимликларнинг хлоропластларида бўладиган сариқ, пушти, қизил ёғда эрийдиган пигментлар, уларни бактериялар ва замбуруғлар ҳам синтезлайди. Ёруғликни шимишда қўшимча пигмент сифатида хлорофиллни фотооксидланишдан сақлайди, фотосинтездаги кислород алмашинувида иштирок этади. 2. Яшил ўсимликлар таркибидаги сувда эрмайдиган сарғиш-тарғил пигментлар гуруҳи.

**Карпогон** – қизил сувўтларда оогоний. Цитоплазма билан тўлган хлорофиллсиз. Содда тузилган флоридеялар ва бангияларда карпогон рангли, хлоропласт бўлади.

**Карпогон шохча** – *Florideophyceae* синфининг (*Rhodophyta*) кўпчилик сувўтларида карпогонни махсус калта рангсиз хужайралардан иборат ипни охирги хужайрасидан ҳосил бўладигани.

**Карпогон, жинсий орган** - Қизил сувўтларнинг урғочи жинсий органи; колбасимон кенгайган қисмида тухум хужайра таракқий этади.

**Карпография** – меваларнинг тузилишини тасвирлаб чизиб бериш.

**Карпоксения** – эркак ўсимлик белгиларини она ўсимлик дурагайлари уруғ ва меваларидаги тўқималарда намоён бўлиши.

**Карпология** – 1. Меваларни ўрганадиган фан тармоғи. 2. Уруғ ва меваларни ўрганадиган морфология фанининг тармоғи. 3. Ўсимликлар морфологиясининг мева ва уруғларни ўрганувчи бўлими.

**Карпоспора** – 1. Қизил сувўтларда жинсий жараён натижасида ҳосил бўлган зиготанинг тиним даврини ўтамай униши. 2. Қизил сувўтларда оогоний уруғлангандан кейин зиготанинг бир қатор ўзгаришлардан кейин униб ҳосил қилган махсус спораси.

**Карпоспоралар** - қизил сувўтларда жинсий жараёндан сўнг (уруғланишдан сўнг) ҳосил бўладиган споралар. Ҳар бир карпоспорадан янги ўсимлик унади.

**Карпоспорофит** – қизил сувўтларнинг урғочи гаметофитида ривожланадиган карпоспорали гонимобласт.

**Карпоспорангий** – қизил сувўтларда карпоспоралар ҳосил бўладигани.

**Карпотропизм** – мевалар пишиб етилганда уруғлар осон сочилишини таъминлаш учун мева бандининг эгилиши. Айрим ўсимликларда эгилган мевабанд тикка тўғриланади (*Polygala sibirica* L. ва бошқаларда).

**Карпофор** – 1. *Apiaceae* оиласи ўсимликларида гулбандни уруғлар осилиб турадиган ҳосилага айлангани 2. Айрим ўсимликларнинг (*Silene* туркуми) чангчилари ва уруғчи жойлашадиган банд 3. Кенгайган гулўрни. 4. Соябонгулли ўсимликларда уруғчини тутиб турадиган махсус орган, банд. Бу орган макроспорофилл (қ.) нинг четки қисмларидан юзага келиб, гул ўрнига туташган. Унинг учи икки шохчага айрилган, мева бўлаклари ана шу шохчаларга уланган.

**Карраген** (*Chondrus crispus*) - қуритилган қизил сувўтлар. Таркибида тўқимачилик, озиқ-овқат ва қоғоз саноати учун керакли елим ишлаб чиқаришда қўлланиладиган шилимшиқ модда бор.

**Каррагенин** – қизил сувўтларнинг хужайрасини пўсти, хужайра оралиқларидаги олтингурут тутган полисахаридлардан бири.

**Каррак** (*Cousinia microcarpa* Boiss.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Каррали нисбатлар қондаси** – гулнинг ҳар бир доираларида жойлашган қисмларни сони бир хил ёки каррали нисбатларда бўлиши.

**Карталаштириш** - генетик карталарни тузиш хромосомадаги генларнинг жойини ва улар орасидаги масофаларни аниқлаш. Генлар орасидаги масофа улар орасидаги кроссинговер фоизи билан аниқланади. Генлар орасидаги масофа бирлиги морганида дейилади, у эса генлар орасидаги 1% кроссинговерга тенг. Одамда генетик карта тузиш учун соматик хужайраларни дурагайлаш ва генеалогия усулларида фойдаланилади. Ҳозирги вақтда X хромосомада 3000 тага яқин генлар, аутосомаларда эса 30000 дан ортиқ генлар қар- талаштирилган.



**Картага олиш, хариталаш** - маълум ерда (ўлкада) ўсувчи ўсимликлар тури, қавми ёки жамоаларининг ер юзида тарқалишини картага тушириш.

**Картошка** (*Solanum tuberosum*) - томатдошларга мансуб кўп йиллик ўсимлик. Фақат бир йиллик туригина экма.

**Картошкагул, георгина** (*Dahlia*) - мураккабгулдошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми. Барглари патсимон ажралган, қарама-қарши; тўпгули йирик, сават шаклида; илдизи тугунаксимон ўсимтали.

**Картошка раки** – картошка туганагини хитридиомет замбуруғлардан *Synchytrium endobioticum* (Schilb.) Perciv. билан касалланганлиги.

**Карункула, уруғ ўсимтаси** (лот. *caruncula* - ўсимта) - уруғ устида жойлашган кичкина ўсимталар. Таркибида эфир мойи ва турли моддалар бор.

**Карцеула** – синкарп мева, очилмайдиган кўсак (*Tilia* туркуми ўсимликларида).

**Касалликга чидамлик** – ўсимликларнинг касалликни олдини олиши ёки ривожланишини чеклаши.

**Касалликларга ирсий мойиллик** - ташқи муҳит омиллари таъсирида организмнинг реакция нормасининг ўзгариши. Агар муҳит омили мос келувчи генотипли организмга таъсир қилса, мойиллик касалликка айланиши мумкин. Масалан, диабетга мойиллиги бўлган одам осон ҳазм бўлувчи углеводларни истеъмол қилса қонда углевод миқдори тезда ва узоқ вақт давомида кўтарилади. Кўп вақт давомида углеводларни истеъмол қилиш эса мосланиш механизмлари бузилишига ва диабет келиб чиқишига сабаб бўлади. Диабетга мойиллиги бўлмаган одамларда эса углеводларни кўп истеъмол қилиш диабетга олиб келмайди.

**Кассандра** (*Zyonia (Cassandra) calyculata*) - эрикадошлар (вереск-дошлар) га мансуб бута. Барглари доим яшил, безчалар билан қопланган; якка-якка гуллари юқори қисмдаги баргларнинг қўлтиқларида жойлашган. Меваси - кўсакча.

**Каспари боғлами** – илдиз эпидерма хужайраларидаги лентасимон шакли ўзгарган суберин ва лигнинли қисми.

**Каспари боғлами** – бирламчи хужайра пўстининг суберин ва лигнинли илдиз эпидерма хужайраларидаги тасмасимон шаклли ўзгарган қисм.

**Катаболизм** (юн. *katabole* - *пастлаш, пастланиш*) - Организмдаги моддаларнинг парчаланиши жараёнида содир бўладиган реакциялар мажмуи.

**Катакчали пиёзбош** – ташқи пардасимон пўстида катаксимон толалари яхши билиниб турадиган пиёзбош (*Crocus susianus* Ker.-Gawl. турида).

**Катакчали споралар** – нақши катакча кўринишдаги споралар.

**Катализаторлар** (юн. *katalisis* - *тўхтатиш, тугатиш*) - Кимёвий реакцияларни тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи моддалар. Ўсимлик организмдаги ферментлар шу организмдаги моддалар алмашинуви жараёнидаги кимёвий реакциялар учун катализатор ҳисобланади.

**Катальпа** (*Catalpa*) - бигнониядошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Барглари тўкилувчан. Оқ тусли, сиртида қизил ва сариқ нуқтачалар бор. Меваси 30 см гача узунликдаги цилиндрсимон кўзоқ.

**Катарационтлар** – фақат тоза сувларда яшайдиган организмлар.

**Катаробионтлар, соф яшовчилар** - серкислород тоза сувда яшайдиган организмлар.

**Кататоноз** – хужайрадаги осмотик босимнинг пасайиши (масалан, қандни крахмалга айланишида).

**Кататоноз, босимсизланиш** - хужайрада осмос босимнинг камайиши

**Катафилл** – ер ости поя, илдизпоя, туганаклардаги куртакни ҳимоялаб турадиган тангачасимон япроқ.

**Катафилла** – очик уруғли ўсимликлардан саговникларда *Leptocycas elegans* ўсимлигини калта тангачасимон барглари.

**Катафиллар** – 1. Вегетатив куртак, илдизпоя, туганаклардаги куртакни ҳимояловчи қипиқ барг 2. Ривожланмай қолган барг.

**Катаценоз** – ўсимликлар уюшмасини қуриб туғашининг якунийси.

**Катогенез** – организмларни хусусан амебоид тузилишли сувўтларни тана тузилиш даражасини пасайтириб, ривожланмаганлик белгиларини намоён қилиш билан фаолиятда бўлиш.

**Каттабош** (*Bromus oxydon* Schrenk.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, чўл, адир, тоғда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Каттақўрғони** - Узумнинг юқори сифатли хўраки ва серҳосил навларидан.

**Каудекс** – 1. Мохларнинг стилис (*Stilis*) туркумидаги илдизпоя 2. Ўт ўсимликларнинг ёғочлашган пастки қисмида ўртаси чириб, ёрилиб кетган тўнгатсимон, вегетатив кўпайиши учун хизмат қилмайдиган қисми. 3. Ўсимликнинг қалин ва зич барг қолдиқлари билан қопланган (одатда ёғочланган) остки қисми.

**Каузаринлар** (*Casuarinales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Namatalididae* кенжа синфининг тартиби.

**Каулидий** – мохсимонлар поясининг атамаси.

**Каулин боғлам** – поядаги узунасига жойлашган барг излари бошланадиган боғлам.

**Каулифлория** – 1. Гулларнинг ёш новдаларида эмас, балки бевосита дарахт танаси ёки эски (қариб қолган) шохларида пайдо бўлиб, таракқий этиш ҳодисаси. 2. Йўғон пояда гул ёки тўпгулнинг ривожланиши.

**Каулифор дарахт** – бигнониядошлар оиласига мансуб, марказий Америкада ўсадиган дарахт (*Crescentia cujeta* L.).

**Каулифилия** – шу йили ҳосил бўлган куртаклардан баргнинг чиқиши.

**Каулоид** – 1. Мохларнинг танасини ҳосил қиладиган ўзак қисми. 2. Ринофитлар бўлимига мансуб ўсимликлар поясининг асосини ташкил қилган элементар қисми; спорофит шаклланишидаги марказий қисм; махсуслашган вегетатив қисмлари бўлмаган мох талломи.

**Каулоид, танасимон** (юн. *kaules* - *поя*) - Йирик ўсимликларнинг поясини эслатувчи сувўтлар гавдасининг бир қисми, туби.

**Каулонема** – 1. Гаметофора ва ризоидлар ҳосил қиладиган даврдаги протонема. 2. Мохсимонларнинг протонемасини ривожланишидаги якунловчи босқич, каулонемада гаметофорнинг куртаклари ва ризоидлари ривожланади.

**Каучукдор ўсимликлар, каучукдорлар** - Таркибида каучук бўлган ўсимликлар (товсағиз, гваюла, кўксағиз, қримсағиз, гевея ва бошқалар).

**Кашнич** (*Coriandrum sativum*) – зирадошларга (соябонгулдошларга) мансуб бир йиллик эфир мойли ўсимлик. Пояси сершоҳ, барглари уч баргчали мураккаб, остки барглари узун бандчали ва турли шаклда. Оқ ёки пушти гуллари соябонларга тўпланган. Меваси икки уруғли, юмалоқ.

**Каштан** (*Castanea*) - 1. Ҳақиқий каштан - қорақайиндошларга мансуб дарахтлар туркуми. 2. Бошқа оилага мансуб, ёввойи ҳолда болқон ярим оролида тарқалган чиройли дарахт (*Aesculus hippocastanum* - ғайри каштан) ҳам шу ном билан юритилади.

**Квадрат нурсимон хужайра** – иккиламчи ўтказувчи тўқиманинг кўндаланг қисмида квадрат шаклдаги нурсимон хужайра.

**Квантосома** – хлоропластнинг мембранасини ички юзасидаги тилакоидлар ҳосил қиладиган донадор ҳосила.

**Кедр** - 1. *Cedrus* - қарағайдошларга мансуб доим яшил игнабаргли дарахтлар туркуми. Бўйи 25-50 м га етиши мумкин. Бу ўсимликнинг ливан кедри (*C. libani*), атлас кедри (*C. atlantica*) ва ҳимолай кедри (*C. deodara*) номли 3 та тури бор. Қуббаси (сўтаси) тухумсимон. 2. Қарағайлар туркумига оид бир қанча дарахтлар ҳам шу ном билан нотўғри аталади.

**Кейреук** (*Salsola rigida* Pall.) – шўрадошлар оиласига мансуб кумли чўлда ўсадиган ем-хашак доривор ярим бута.

**Келерия** (*Koeleria*) - ғалладошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Кўп йиллик ўтлардан иборат. Бошоқлари майда. Бошоқдаги гуллар 1-2 ёки 5 дона бўлиб, зич рўвакларга тўпланган.

**Келинсупурги** (*Diarthron vesiculosum* (F. et M.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Келинсупургилар** (*Thymelales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Dilleniidae* кенжа синфининг тартиби.

**Келинтили** (*Polygonum persicaria* L.) – торондошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган, доривор, бир йиллик ўт.

**Келишилган ўсиш** – пўсти махсушлашмаган ҳолда хужайранинг ўсиши.

**Кендир** (*Apocynum cannabinum* L.) – кендрдошлар оиласига мансуб, чўл, адир, тўқайда ўсадиган толали, кўп йиллик ўт.

**Керитомия** – кўк-яшил сувўтларнинг айримларидаги хужайраларнинг вакуола ҳосил қилиш ва уларни йўқолиш ҳолати.

**Кермак** (*Limonium mageri* (Boiss.) Ktze.) – кермакдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган доривор, таннидли кўп йиллик ўт.

**Кечки ёғочлик** – ёзги ёғочликка нисбатан майдароқ, зич жойлашган хужайралардан ташкил топган, поянинг ўсиш қаватини кейинги қисмидаги иккиламчи ксилема.

**Кечки қизил луччак шафтоли** - луччак шафтолининг жайдари хилларидан бири. Меваси ширин, қизил, пусти туксиз. Кузда пишади.

**Кешю** – анакардиум (*Anacardium*) дарахти ва унинг ёнғоқсимон меваси.

**Кийикпанжа** (*Astragalus alopecias* Pall.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, тоғ, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Кийикпанжа** (*Astragalus*) - Дуккакдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт, бута ҳамда чала бута ўсимликлар туркуми. Барглари мураккаб, тоқ патсимон, гули тўпгул. Меваси - дуккак.

**Кийикўт** (*Ziziphora*) – ялпиздошларга абгулдошларга мансуб бир йиллик ёки кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Кил** – папоротниклардан *Salviniaceae* оиласига мансуб ўсимликларнинг (*Salvinia*) сузиб юрадиган япроқларида улардан олдин ривожланадиган ўсимта.

**Кинетосома** – япроқ вазифасини бажарадиган шакли ўзгарган ясси поя.

**Кинетохор** – урчук ипларини хромосомаларга бирикадиган жой.

**Киндик** – уруғмуртакнинг уруғбандга бирикадиган жойи.

**Кинза** – зиравор сифатида ишлатиладиган кашнич ўсимлигининг ёш қисми.

**Кипарислар** – очик уруғли ўсимликлар бўлими, нинабарглилар синфининг тартиби.

**Кирказондошлар** (*Aristolochiales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Magnolidae* кенжа синфининг тартиби.

**“Кислород самарадорлиги”** – ўсимликларга нурланишнинг таъсирини тўқимадаги кислород камайганда камайиши, кўпайганда радиация таъсирининг ортиши. “Кислород самарадорлиги” барча тирик организмларда бир хил рўй беради.

**Кичкина тож** – 1. Чангчи ипларидаги тожбаргсимон ўсимталар (*Dianthus* туркуми ўсимликларида) 2. Тожбаргдаги худди иккинчи тожбарг ҳосил қилган ўсимталар (*Narcissis* туркуми ўсимликларида) 3. Косабарг ўрнидаги пардасимон, доира холидаги қоплама (*Asteraceae* оиласининг ўсимликларини айрим уруғларида) 4. Сават нури деб аталадигани (*Asteraceae* оиласининг ўсимликларида) 5. Пишган мевалардаги ўсимта ёки (кўпинча) аниқ кўриниб турадиган косача (*Pyrus* L. туркумининг ўсимликларида) 6. Хара (*Chara*) сувўтларининг оогонийсини устидаги тож.

**Кишмиш** (*Actinidia colomicta* (Rupr.) Maxim.) – актинидадошлар оиласига мансуб бута лиана. Дарахт танасига чирмашиб, 8-10, баъзан 15 м баландликларга кўтарилади.

**Кладод, шакли ўзгарган новда, филлоклад** - шакли ўзгарган, барглари редукцияланган новдалар. (қ. Филлокладий).

**Кладодий** – япроқ вазифасини бажарадиган шакли ўзгарган ясси япроқ.

**Кладодификсация** – папоротникларда поянинг кўшилиб ўсиши ва кейинчалик яссиланиб япроққа айланиши.

**Кладоксилосидлар** – папоротниклар бўлимининг синфи.

**Кладония** - лишайникларга мансуб ўсимликлар туркуми.

**Кладофилл** – вегетатив япроққа ўхшаб кетадиган новда.

**Кладофоралар** (*Cladophorales*) – кўп ҳужайрали узун ёки калта, оддий ёки тармоқланган ип, биттадан ёки ғуж ўсади, ҳаёти субстратга бириккан ҳолда ўтадиган сувўтлар (*Chlorophyta, Chlorophyceae*) тартиби.

**Классификация, таснифот, системалаш** - организмларни, масалан, ўсимлик ва ҳайвонларни систематика ёки таксономия, фитоценология ёки геоботаника, география ва экология ҳамда морфология нуқтаи назаридан ва, ниҳоят,

жамиятда фойдаланилишига кўра классификациялаш, системага солиш, гуруҳларга бўлиш.

**Клатрат тангачалар** – папоротникларда панжара кўринишдаги тангачалар.

**Клейстогамия** – 1. Очилмайдиган майда гулли ўсимликларнинг ўзидан чангланиб уруғланиши. Очиладиган гулларда содир бўладиган четдан чангланиш ҳодисаси эса хасмогамия деб аталади. 2. Гулни очилмасдан уни ёпиқ ҳолида чангланиши.

**Клейстогам гуллар** – унча кўзга ташланмайдиган, майда, гуллаш даврида очилмайдиган гуллар (*Viola* туркуми ўсимликларининг гуллари).

**Клейстокарп, ёпиқ халтачали замбуруғлар** - халтачали замбуруғларнинг баъзи турлари. Бундай замбуруғларнинг спорали хал-тачалари ички ёки юмук таналидир.

**Клейстокарп мохлар** – қутисидаги қопқоқчаси очилмайдиган, кўпинча қопқоқча аниқ шаклланмаган мохлар.

**Климак** – ўсимлик қопламининг ривожланишида тўла ҳолатга етгани. Иқлим шароити ўзгариши билан ўзгаради.

**Климакс** – фитоценознинг алмашинувидан биогеоценоздаги маълум даражада барқарорлашган ўсимликлар қоплами.

**Климакс, ассоциация** (юн. *klimax* - босқич, *зинапоя*) - ўсимликлар алмашилишидаги сўнгги даража. Климакс ассоциация узоқ даврларгача ўзгармайдиган, яъни абадий яшайдиган ўсимликлар ассоциациясидан иборатдир.

**Климакс доминантлар** – *пердоминантлар* – ассоциация климаксини бирга боғловчилар; *эвдоминантлар* – ассоциацияга хос доминантлар, *кодоминантлар* – уларда биргаликда устунлик қилувчи доминантлар; *субдоминантлар* – эвдоминантларга бўйсинувчи доминирлик қилувчи турлар.

**Климакс онтогенези** – климакс юзага келгунча бир қатор фитоценозлар бир-бирини алмаштириши.

**Климакс филогенези** – иқлим ўзгариши наижасида климакснинг алмашинуви.

**Климактерий** – меваларнинг пишиб етилишини охирида вақтинча уларда нафас жараёнларини тезлашиб кетиш жараёни.

**Климактерик давр** – меваларнинг етилиш даврида нафас жараёнини қисқа муддатга тезлашиб кетиши.

**Климатип** - турли иқлим шароитига мослашиш натижасида келиб чиққан экотип ўсимлик.

**Климатиплар** – об-ҳаводаги ўзгаришлар туфайли ўсимликларда рўй берадиган морфологик ўзгаришлар.

**Климатоген алмашиш, иқлимий алмашиш** - иқлимнинг ўзгариши билан шу иқлим шароитида ўсган ўсимликлар ҳолатининг ўзгариши.

**Клон** – 1. Жинссиз кўпайиш натижасида ажлоди умумий бўлган ҳужайралар ёки индивидлар тўплами; ирсий жиҳатидан бир хил ҳужайралар ёки индивидлар тўплами; микроорганизмлар генетикасидаги асосий ҳисоб бирлиги. 2. Вегетатив йўл билан кўпаядиган битта ўсимликнинг авлоди.

**Клонли танлаш** - вегетатив йўли билан кўпаядиган ўсимликларда якка танлаш усули.

**Клюква** (*Oxycoccus*) - верескдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Ерга ёйилиб ўсадиган кичик чала буталардан иборат. Меваси тўқ қизил ва юмшоқ.

**Кнаутия** (*Knautia*) - тўнғизтарокдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Ўт ёки буталардан иборат.

**Кнопперслар** – *Quercus* L. туркумининг меваларида тўқимаси беўхшов ўсишидан юзага келган ҳосилалар. Гултугунча атрофига хашаротлар тухум кўйиши туфайли юзага келиб, 1,5-2,5 см атрофида, тўқ жигарранг тусда бўлади.

**Ковулли чўл** – ковул (*Stipa*) туркумига мансуб ўсимликлар кўп ўсган чўл.

**Ковул** (*Capparus spinosa* L.) – кавардошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган эфир мойли доривор кўп йиллик ўт.

**Кодоминант** - ҳар хил аллеллар таъсирида белгиларни гетерозигота ҳолатда фенотипда намоён бўлиши.

**Кодон** – 1. Учта нуклеотид (триплет) дан ташкил топган ирсий ахборот бирлиги. 2. аминокислотани кодлаштирувчи ДНК ёки иРНКнинг ёнма-ён жойлашган учта нуклеотидлари (триплет). Генетик код 64 триплетли кодондан ташкил топади (бу эса 20 аминокислотани белгилаш учун етиб ортади). 3 та кодон ҳеч қандай маънони англатмайди, уларни нонсенс кодонлар дейилади.

**Кодоминантлик** - гетерозиготаларда ҳар иккала аллелнинг белгини намоён қилишда қатнашиши (масалан JAJB - IV қон гуруҳини аниқлайди).

**Коинсинденсия** - интерференсияни намоён бўлиш даражасини кўрсаткичи.

**Кока** - кокаиндошларга мансуб ўсимликлар тури.

**Кокаин** (*исп. cocaine*) - кока бутаси алкалоиди. Кристалли оқ порошок, 98<sup>0</sup> иссиқликда эрийди. Медицинада оғрикни қолдирувчи дори сифатида ишлатилади. Кучли даражада захарли ва наркотик модда.

**Кока** (*Erythroxylon coca*) - *Erythroxylaceae* оиласига мансуб бута ёки дарахт.

**Коккдошлар** (*coccaceae*; юн. *kokkos* - *донача*) - юмалоқ хужайралардан иборат ҳаракатсиз бактериялар оиласи.

**Коккоид тузилиш** – вегетатив ҳолатида бир хужайрали ва колония ҳосил қиладиган, одатда ҳаракатланмайдиган, шарсимондан эллипсгача, урчуқ, цилиндр, юмалоқ-квадрат, тетраэдрик, трапеция, тухум, нок, спирал, юрак, ликопча, чувалчанг, нотўғри-полиэдрик, учнурли, юлдуз-лаппак каби кўринишлардаги шаклларда бўлади. Бир ёки кўп ядроли, эвгленалар ва рафидофитлардан ташқари барча сувўт бўлимларида учрайди.

**Коккоид тузилишлилардаги бўлиниш** – сувўтларнинг коккоид тузилишлиларида бўлиниб кўпайиш ҳаракатланмайдиган ўсимлик хужайраларидаги типик белгиларга ўхшайди, соддалигига кўра вегетатив кўпайишнинг амебоид типига яқин келади, натижада иккита (бир хил бўлмаган) янги организм ҳосил бўлади.

**Кокколит** – тилларанг сувўтларни хризомонадалар синфига мансуб айрим сувўтларнинг хужайра пўстидаги турлича шакл ва ўлчамлардаги оҳактошли ҳосила.

**Кокколит** – тинч океанининг денгизларида  $1\text{м}^3$  сувда 1685000 донагача ривожланаётган тилларанг сувўтлар (*Coccolithales*) хужайрали ҳалокатидан сўнг пўстини алоҳида оҳаксимон ҳосилага айлангани.

**Кокколитлар** (*Coccolithales*) – бир хужайрали, монад, денгизларда тарқалган сувўтлар (*Chrysophyta, Heterochrysophyceae*) тартиби.

**Коккомикоз** – данакли мевали ўсимликларнинг япроқларида текинхўр замбуруғлар аввал қизғиш доғлар ҳосил қилиб, сўнгра тешиладиган касаллик.

**Кокоспальма** (*cocos nucifera*) - пальмадошларга мансуб дарахт. Бўйи 30 м га, танасининг диаметри 60 см га етади. Чўққисидан 6 м гача узунликдаги йирик патсимон барглардан тузилган шабба ўсиб чиқади.

**Кокос мойи** - кокос пальмаси ёнғоғининг мағзидан олинадиган мой.

**Кола** (*Cola*) - какаодошлар (стеркулиядошлар) га мансуб дарахтлар туркуми. Меваси киши организмни ёки организмда ишламай қолган бирор аъзонинг ҳаёт фаолиятини тиклашга ёрдам беради (таблетка, кола шоколади, кола виноси ҳолида истеъмол қилинади).

**Колбаса дарахт** (*Kiyelia pinnata* D.C.) – бигнониядошлар оиласига мансуб тропик Африкада ўсадиган, узунлиги 60 см келадиган колбасага ўхшаш мевалари туфайли шундай номланган дарахт.

**Коллекцион кўчатзори** - селекцион кўчатзорига экиш учун ўтказиладиган янги ашё ёки дастлабки элита ўсимликларини танлаш кўчатзори.

**Колемула** – 1. Илдиз филофининг ўрта қисмидаги энига жойлашган хужайралар 2. Чанг донасини эктэкзина қаватидаги устунсимон қисм.

**Колеоптил** – ғалладошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг эпикотилини ўраган филофи.

**Колеоптиль, биринчи барг** (*coleoptilum*) - ғалладошларнинг ердан униб чиққан биринчи барги. Бу барг, одатда, рангсиз, яшил, баъзан эса қизғиш бўлади.

**Колеориза** – ғалладошлар, саговникларга мансуб ўсимликлар муртак илдиз тукларини ўраган шилимшиқ филоф.

**Колеориза** – саговниклар, ғалладошлар муртак илдизларининг тукларини ўраган шилимшиқ.

**Колеус** (*Coleus*) - лабгулдошларга мансуб ўт ва бута ўсимликлар туркуми.

**Колинлар** – юксак ўсимликлар ажратадиган ва юксак ўсимликларга таъсир этадиган моддалар.

**Коллинеарлик** - гендаги нуклеотидлар жойлашиши билан, шу ген кодлаштирадиган полипептиддаги аминокислоталар жойлашишидаги параллелизм.

**Коллариум** – соябонсимон замбуруғларнинг (*Agaricales*) “оёқча”сидаги халқасимон қалин қисми.

**Коллатериал боғлам** – ксилема билан флоэмаси бир-бирига ёнма ён тақалиб турадиган боғлам.

**Коллатерал жойлашиш, ёнма-ён ўрнашиш** - органларнинг (масалан, куртакларнинг) бир жойда ёнма-ён жойлашиши.

**Коллатериал куртаклар** – гуруҳлар ҳолида горизонталига жойлашган қўлтиқ куртаклар (*Artemisia vulgaris* Lam. ўсимлигида).

**Коллатерал тўдалар, ён толалар тўдаси** - қовиқ (луб, флоэма) ва ёғоч хужайралари бир-бирига ёнма-ён ёндашган ўтказувчи тўдалар.

**Коллатериал очик боғлам** – поядаги очик боғламда камбийнинг флоэма ва ксилемани орасида жойлашган ҳолдагиси.

**Коллектор, йиғувчи, тўпловчи** (лот. *collector* - *йиғувчи*) - ўсимликлар коллекциясини (гербарий) тўпловчи шахс.

**Коллекционер** (фр. *collectionneur*) - бир тур ёки туркумга кирувчи ўсимликларни тартиб билан тўплаб ўрганувчи киши.

**Коллекция** (лот. *collectio* - *тўда, тўп*) - тўпланиб, тартибга солинган нарсалар. Масалан, ўсимликлар коллекцияси, гербарийлар.

**Колленхима** – 1. Ўсимликнинг бирламчи механик тўқималаридан бири. Хужайра қобигининг нотекис қалинлашуви туфайли шундай тўқима ҳосил бўлади. Хужайралар ўз шаклига кўра маълум даража бир хил (масалан, паренхима хужайралари) ёки бир оз узунроқ (масалан, прозенхима хужайралари) бўлиши мумкин. Колленхима, асосан, ўсувчи ёш органларга хос. 2. Икки чеккаси силлиқ қайрилган ёки кесилган кўринишли, турлича йўғонликдаги пўстли, бу билан ўзига хос кўриниш ҳосил қилиб ўсимликга мустаҳкамлик берадиган тўқима. У бурчакли, пластинкасимон ва ғовак кўринишларда бўлади. 3. Ўсимликни ўсувчи қисмларига мустаҳкамлик берувчи маълум даражада чўзиқ, пўсти лигинсиз, нотекис қалинлашган тирик хужайралардан иборат тўқима.

**Колленхиматоид склеренхима** – табақалашуви дастлабки даврда тўхтайдиган колленхима ифодасига эга, бироқ иккиламчи ёғочлашган пўст ҳосил қиладиган склеренхиманинг хили (*Plantago*, *Heraclium* туркумларининг турларида).

**Колоказия** (*Colocasia*) - кучаладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Колонияли организмлар** (*organa coloniales*) - морфологик ва физиологик жиҳатдан бир-бирига боғланган организмлар.

**Колония, тўда, тўп** (лот. *colonia* - *кўчманчи*) - тубан ўсимликларнинг баъзи вакиллари. (бактерия ва сувўтлар) тўқимага уюшмай, тўдаланиб яшайдиган хужайралар тўпи.

**Колониянинг кўпайиши** – колонияни периферик хужайра ёки хужайралар гуруҳининг парчаланиши; колонияни жадал ўсаётганида ёки ташқи муҳит таъсирида рўй беради.

**Колоцинт, аччиқ тарвуз** - қовоқдошлар (қадидошлар) га мансуб кўп йиллик ўсимлик.

**Колпа** – чанг донасидаги уни ўртаси ёки ноаниқ ҳолдаги ариқча (*Lilium tigrinum* Ker.-Gawl. ўсимлигининг чанг донасида).

**Колхицин** - хужайра бўлиниш давридаги дугнинг ипларини емириб, хромосомаларнинг бир-биридан ажралиш механизмини фалаж қилиб кўядиган (куз бойчечагидан олинган) алколоид.

**Колюрия** (лот. *Coluria geoides*) - раънодошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Фақат битта тури мавжуд. Олтой, Шарқий Сибирь ва Монголияда учрайди. Илдизи таркибида эвгенолли эфир мойи бор.



**Комбинатив ўзгарувчанлик** - ота-она генларнинг янги комбинацияси туфайли пайдо бўлган ирсий ўзгарувчанлик.

**Комбинацион ўзгарувчанлик** - ирсий ўзгарувчанликнинг бир хили бўлиб, дурагайлашда генларнинг қўшилиши ва ўзаро таъсир этиши натижасида юзага келади.

**Комиссуралар** – 1. Торф мохларида сувли ва хлорофилли хужайраларни ўзаро боғлаган жой 2. Барг томирланишларидаги боғланишлар (*Silena* туркумининг ўсимликларида).

**Комменсализм** – бир-бирига зарар етказмай биргаликда доимо ёки вақтинчалик симбиознинг бир тури. Эпифитнинг ўзи ўсиб турган ўсимлик билан муносабати.

**Комменсализм** – эпифитни ўзи ўсиб турган ўсимлик билан муносабати.

**Коммелиналар** (*Commelinales*) - гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи, *Lilidae* кенжа синфининг тартиби.

**Компас ўсимликлар** – япроқлари шимол ва жанубга йўналган ҳолда бўлган ўсимликлар; чошгоҳ пайтида япроқ қирраси қуёш нурига йўналган ўсимликлар.

**Компас ўсимликлар** - барглари муайян даражада вертикал жойлашувчи ўсимлик. Бу баргларнинг қирралари шимол ва жанубга қараб туради.

**Компенсация нуқтаси** – ташқи муҳитнинг таъсирида ўсимликдаги нафас ва фотосинтез жараёнларининг барқарорлашуви.

**Комплекс** (*лот. complexus - боғланиш*) - 1. Комплекс ўрганиш - ўсимликларни ҳар томонлама, яъни уларнинг экологияси, физиологияси ва анатомиясини қўшиб ўрганиш. 2. Ўсимликлар комплекси. Кичик-кичик ўсимлик ассоциацияларидан бир қанчасининг бир майдонда яшаши, ўсиши.

**Комплементарлик** - ноаллел генларнинг ўзаро таъсир шаклларида бири бўлиб, бунда битта ген иккинчисининг таъсирини тўлдириб, янги белги юзага чиқади. Одамларда соч пигментацияси икки хил ноаллел ген комплементар таъсири натижасида аниқланади.

**Компонент, иштирокчи** (*лот. componens*) - ўсимлик ассоциациясидаги устун ўсимликлар билан бир қаторда жамоа бўлиб, улар билан биргалашиб яшовчи турлар.

**Компсогогониялар** (*Compsopogoniales*) – гетеротрихал, кўп қаторли ип, тармоқланган, бириккан сувўтлар (*Rhodophyta, Bangiophyceae*) тартиби.

**Комиссуриал ўтказувчи боғлам** – йирик параллел боғламларни боғловчи кичкина ўтказувчи боғлам.

**Комғоқ** (*Acanthophyllum albidum Schischk.*) – чиннигулдошлар оиласига мансуб тоғларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Конвергенция, ўхшаш** (*лот. converge - яқин, ўхшаш*) - чиқиб келиши турлича, лекин маълум бир муҳитга мослашиши жихатидан ўхшаш белгиларга эга организмлар.

**Конгрегация** – фитоценозларнинг генетик классификациясини категорияси конассоциациялар мажмуаси ҳисобланиб, улардаги доминантлар ҳар хил турларга мансуб, экологияси, ўсаётган жойидаги мавқеига кўра битта экоморфага мансуб ҳисобланади.

**Конденсация** (*condensatio* - тўпланиш, жипслашиш) - ўсимлик таркибидаги моддаларнинг куюкланиши, ивиши.

**Конидиялар** - баъзи замбуруғларда жинссиз урчиш учун хизмат қиладиган ҳужайралар (споралар). Бу гифлардан (иплардан) ўсиб чиққан вертикал ҳолатдаги конидияли парчаларда ташкил топади.

**Конидия** – халтачали, базидияли, такомиллашмаган замбуруғлар ва айрим *Perenospora* туркумига мансубларда пўст билан ўралган очиқ ҳолда ҳосил бўладиган, кўпайиш, тарқалиш учун хизмат қиладиган ҳужайра.

**Конидиябанд** – замбуруғ мицеллийсида ҳосил бўладиган конидия тутган махсус ўсимта.

**Кониоциста** – пуфак ёки дўмпаймани эслатадиган анчагина спорали ёпик спорангий.

**Конкаулесценция** – пояларнинг меъеридаги ўсишидан бошқачароқда бўлиши.

**Конкордантлик** - эгизакларнинг қандайдир белгига нисбатан ўхшашлиги. Монозиготалар ва дизиготаларда конкордантлик ва дискордантликни солиштириш эгизаклар усулининг асосини ташкил қилади. Бу усул ёрдамида белги (касаллик) ривожланишида муҳит ва ирсиятнинг муносабатли ролини аниқлаш мумкин.

**Конкретия** – нок, беҳи, олма каби меваларнинг этидаги брахисклереидлар (тош ҳужайралари) гуруҳи.

**Конкурент, рақиб** (*лат. concurrere - рақиб*) - бир хил шароитда ва муҳитда яшаб, шу шароит ва муҳитнинг ўзида бир-бири билан рақобатда бўлувчи организмлар.

**Конкуренция, рақобат** - бир хил шароитда яшовчи ўсимликлар орасида ҳаёт учун кураш.

**Коннаралар** (*Connarales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Коннектив** – гулдаги чангчи бандини чангдоннинг иккита яримталиқ қисмини ўзаро боғлаб турадиган қисми. Турлича кўринишларда бўлиб, чангчи ипини бевосита давоми ёки унга бириккан.

**Коннекс** – чириётган дарахтлар, ҳайвонлар мурдалари, ахлатларидаги замбуруғларни ҳам кўшиб ҳисоблагандаги организмлар гуруҳи.

**Коннекторлар** – 1. Фитоценозда илдизпоялари, стolonлари билан ўзаро чирмашиб кетган ўсимликлар. 2. Вегетатив кўпайиши боис фитоценозда яхлит бир бутун қаватни ҳосил қилган доминантлар.

**Консерватизм** - баъзи ўсимликларнинг шароит таъсирига берилмаслиги, ҳар хил омиллар таъсирида ўзгармаслиги ва ўз белгиларини сақлаб қолиш хусусияти.

**Консерватив эндемиклар** – маълум бир кичик ҳудуддагина қолган, бошқа ҳудудларда йўқолиб кетган эндем ўсимликлар.

**Консорция** – 1. Ҳаётий фаолияти фитоценознинг асосини ташкил қиладиган ўсимликлар билан боғлиқ бўлган турли хил популяциялардаги организмлар мажмуи 2. Иккита турли хил организмдан ташкил топиб биргаликда яшайдиган организм (масалан, лишайник).

**Консортив алоқалар** – консорция ичидаги озиқ трофик ва бошқа алоқалар.

**Консоциация** – ассоциацияда доминант ўсимликлардан бирини унинг маълум ҳудудида доминантлик қилиши.

**Консорциялар** – битта ўсимлик ўсаётган эдосферадаги бир қатор организмлар, хусусан текинхўрлар, эпифитлар ва сапрофитлар ҳосил қилган махсус яшаш шакли.

**Констант турлар** – фитоценозда учраш фоизи катта бўлган ўсимлик турлари.

**Конструктив турлар** – у ёки бу ўсимликлар уюшмасини мустаҳкамловчи турлар.

**Контакт микопаразитлар** – хўжайин гифаси билан контакти экстрацеллюляр характердаги микопаразитлар.

**Контрактил** – очик уруғли ўсимликлар бўлими, саговниклар тартибига мансуб *Bowenia spectabilis* ўсимлигида унинг этдор женьшеньга ўхшаш илдизи.

**Контрактиллик** - баъзи кўп йиллик ўтлар илдизларининг тортишиш, қисқариш, тиришиш каби хусусиятларга эга бўлиши.

**Контрактил илдиз** – саговниклардан *Bowenia* туркуми ўсимлигини женьшень ўсимлигини илдизга ўхшаб кетадиган этдор япроқдан бироз чиқиб турадиган илдизи.

**Контактил илдизлар** – 1. Узунасига қисқариш хусусияти кескин намоён бўлган этдор илдизлар. 2. Йўғон ва этдор, механик тўқимаси кучли ривожланган илдизлар.

**Контакт коакциялар** – фитоценоздаги организмларнинг кўшилиб (текинхўрлик, чала текинхўрлик) ва кўшилмай (лианаларнинг таъсири, шохшаббаларнинг чирмашиб кетиши) ўсишлари.

**Контакт хужайра** – марказий паренхима ёки нурли боғламнинг трахея элементлари билан вазифасига кўра боғланган флоэманинг йўлдош хужайраларига ўхшаш хужайра.

**Конституцион сув** – макромолекулалар билан водород боғлари орқали боғланган сув.

**Конфетдарахт** (*Hovenia dulcis*) - Чилонжийдадошлар (рамнадошлар) га мансуб дарахт.

**Конфервоид чанг донаси** – сув остида чангланиш хусусиятли чанг донаси (*Vallisneria spiralis* L. ўсимлигида).

**Концентрик крахмал** – дуккакдошлар ва ғалладошлар оиласига мансуб ўсимликларда крахмалнинг қатламлар ҳолида тўпланиши.

**Концентрик ўтказувчи боғлам** – ксилемани флоэма ўраган (амфикрибрал) ёки флоэмани ксилема ўраган (амфивизиал) ўтказувчи боғлам.

**Концептакула** – 1. Қизил сувўтларнинг жинссиз кўпайиш аъзолари жойлашган ҳосиласи. 2. Қизил сувўтларнинг *Coralliniaceae* оиласига мансубларида тетраспорангийлар ҳосил бўладиган ўриндик, жой.

**Конюгация** – 1. Иккита вегетатив хужайранинг борлигини қўшилиши. Жинсий кўпайишнинг бундай тарзда рўй бериши фақат *Conjugatophyceae* синфига мансуб сувўтларда содир бўлади. 2. Мейознинг I профазасида гомологик

хромосомаларнинг узунасига қўшилиши. Айрим ҳолатларда у кроссинговерга сабабчи бўлади.

**Конъюгация, маташув** (*лот. conjugatio - маташуви*) - Жинсий жараённинг бир хили; ташқи кўринишдан жинсий (эркак ва урғочилик аломатлари бўлмаган икки тенг ҳужайра протопластларининг биридан бошқасига копуляция (қ.) йўли билан ўтиб қўшилиш ҳодисаси.

**Конъюгатлар** (*Conjugatophyceae*) – бир ҳужайрали, симметрик тузилган (*Mesoteniales, Desmidiiales*), айрим юмалоқ тузилганларининг диаметри 10 мкм дан кам, таёқчасимонларининг узунлиги 1 мм дан катта, кўпайганда ҳаракатланадиган босқичи йўқ сувўтлар (*Chlorophyta*) синфи.

**Копак дарахт** (*Bombax opacrocarpum* K. Schum.) – бомбаксдошлар оиласига мансуб, Мексикада ўсадиган копак (тивит) берадиган катта дарахт.

**Копра** – 1. Кокос ёнғоғининг юмшоқ қисми. 2. Кокос пальмаси ёнғоғининг куритилган мойсимон эндосперми.

**Копра кортикалик** – бирламчи пўстлоқ тўла етилган давридаги новданинг бирламчи йўғонлашуви. Бу ҳолат пўстлоғида сув тўплайдиган кактус ўсимлигида яхши намоён бўлади.

**Копрофил** – тупроқ, органик чириндили муҳитдаги организмлар.

**Копрафил ўсимликлар** – органик чириндили муҳитда гўнгли тупроқда ўсадиган ўсимликлар.

**Копротрофлар** – ҳайвонларнинг гўнгида яшайдиган ҳайвонлар, ўсадиган замбуруғлар.

**Копулировка** – новдани новдага (пояга) пайвандлаш.

**Копуляция** (*лот. copulatio - яқинлашуви*) - протопластларнинг қўшилиши учун конъюгация ҳолатида икки ҳужайранинг яқинлашуви.

**Коралл дарахт** (*Crythrina corallodendron* L.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, бўйи 3-6 м, қип-қизил меваси кораллга ўхшайдиган дарахт.

**Коралл рифлари** – қизил сувўтларидан *Corallinaceae* оиласига мансубларини денгизларда ҳосил қилганлари.

**Кордаитидлар** – очик уруғлилар бўлими пинопсидлар синфининг кенжа синфи, шу номдаги тартиби.

**Кордаитнамолар** (*лот. Cordaitales*) - ўлиб кетган ўсимликларнинг бир қабиласи. Асосан, палеозой эрасида яшаган. Унинг, айниқса, *cordaites* туркуми кўпроқ ўрганилган. Бу дарахтлар ингичка ва баланд бўйли (қарийб 30 м) бўлиб, танасининг учида узун ланцетсимон оддий ва текис қирғоқли барглар ўсган. Шу барглар жойлашган қуюқ (зич) новдалар тана учидаги шох-шаббани ташкил қилган. Баргларининг йириклиги 1 м га етган. Кордаитнамолар муҳим стратиграфия (ер қатламлари тарихи) аҳамиятига эга.

**Кордилина** (*Cordyline*) - бир уруғ паллалилардан лоладошларга мансуб дарахт ўсимлик. Бўйи 22 м га, танасининг айланаси 14 м га етади.

**Кордианат схемалар** – геоботаниклар ўсимликлар ва ўсимликлар уюшмаларини муҳит шароитлари билан алоқаларини аниқлашда қўллайдиган схема.

**Кореопсис** (*Coreopsis*) - мураккабгулдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Кормофита** (*лот. Cormophyta*) - танаси поя ва баргларга дифференцияланган барча юксак ўсимликлар.

**Корпус** – бирламчи меристемани ўсиш конусининг ички қисми, турли йўналишларда бўлинадиган хужайралар мажмуидан иборат.

**Корпускула, гавдача, танача** (*corpusculum*) - баъзи бир очиқуруғтоифа ўсимликлар архегонларининг номи.

**Корреляция** – 1. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини ундаги метаболитлар ёки фитогормонлар орқали бошқарилиши 2. Ўсимликлардаги морфология белгиларни физиология жараёнлари билан ўзаро алоқада ва мувофиқликда бўлиши.

**Корреляция** (*лот. correlatio*) – 1. Организмнинг турли органларидаги тузилиш ва функциялар муносабати. 2. Ўсимликларда бир хил қисмларнинг иккинчи хил қисмларга боғлиқ ҳолда тараққий этиши.

**Коррелятив ўсиш** – ўсимликнинг бир органларини иккинчисига боғлиқ ҳолда ўсиши.

**Кортикал йўғонланиш** – поядаги бирламчи пўстлоқнинг йўғонланиши, баъзан пўстлоқ ва ўзак бир хил даражада ривожланади.

**Косачасимон гулкўрғон** – яшил тусли, шаклига кўра косачага ўхшаб кетадиган оддий гулкўрғон.

**Косимбиоз** – икки организмнинг ассоциацияси бир-бирига халақит бермайди, ўзаро манфаат бермайди ҳам. Масалан, лишайникдаги сувўт ва замбуруғнинг симбиози.

**Космополитлар** - ер юзида жуда ҳам кенг тарқалган ўсимликлар. Масалан, қамиш, қичитқийўт, қоқи ва бошқалар.

**Косцинодискалар** (*Coscinodiscales*) – хужайралари биттадан ёки ипли занжирли колония ҳосил қилган, совути линза, эллипс, шар, цилиндрли сувўтлар (*Bacillariophyta, Centrophyceae*) тартиби.

**Котиледон** (*Cotyledon*) - семизакдошларга мансуб ўсимликлар туркуми.

**Котип** (*лот. cotypus*) - фанга номаълум бирор ўсимликни тавсифлаб ёзишда асосий тип ва дубликатдан ташқари келтирилган бошқа бир намуна.

**Кофе** (*араб, қаҳва; лот. Coffea*) - рўянгулдошларга мансуб кофели доим яшил дарахтлар туркуми.

**Кофе дарахти** (*Coffea arabica* L.) – рўяндошлар оиласига мансуб, унчалик катта бўлмаган дарахт.

**Кофеин** - кофе доналарида, чой ва бошқа ўсимликларнинг баргларидаги алкалоидлар.

**Кочедижник** (*Athyrium*) - қирққулоқларнинг бир нечасига қўйилган умумин ном. Бу ном ҳозир деярли қўлланилмайди. Бу турдаги қирққулоқларнинг барглари илдизпоядан тўдаланиб ўсиб чиқали ва патсимон мураккаб бўлади.

**Кочерига** – қисқарган йўғон поя.

**Красулалар** – нинабаргли ўсимликларнинг трахеид хужайраларини пўстидаги хошияли тиркишларнинг орасидаги жой, у алоҳида оптик хусусиятга эга.

**Крассинуцелляр уруғмуртак** – нуцеллуси яхши тараққий этган ва одатда бир қатор хужайралардан тузулиб узок сақланадиган уруғмуртак.

**Крассинуцеллятив уруғмуртак** – жуда ҳам аниқ нуцеллус.

**Крафт синфлари** – ўрмонда бир турга, бир хил ёшдаги дарахтларни ўсишининг кучида энг камида 5 хил фарқни бўлиши: 1-тўла хукмрон; 2-хукмрон; 3-хукмронга шерик; 4-гулламайдиган, меваламайдиган; 5-қуриётганлар.

**Крахмал** (*Amylum C<sub>6</sub>H<sub>10</sub>O<sub>5</sub>*) - муҳим полисахаридлардан бири. Яшил ўсимликлар хужайрасида фотосинтез жараёни натижасида ҳосил бўладиган органик модда.

**Кремнийлашган хужайра** – ғалладошлар оиласига мансуб ўсимликлардаги эпидермисида кремний бирикмалари билан тўлган хужайра.

**Крестгулдошлар** (*Cruciferae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб ўт ва бута ўсимликлар оиласи. Барглари ёнбаргчасиз қатор тартибли, гуллари оқ, сариқ, пушти ёки қизил, тўғри ҳамда икки жинсли бўлиб, шода ва шингил тўптулларга йиғилган. Косачалар 4 косачабаргли, шонаси ҳам 4 баргчали. Бу баргчалар крест шаклида жойлашганлиги учун ҳам бу ўсимликлар крестгулдошлар деб айтилади. Кўпчилигининг меваси кўзоқ ва кўзоқча. Уруғида ёғ ва глюкозидлар бор.

**Крижовник** (*Grossularia*) - қоячидошлар (тошёрарлар) га мансуб бута ўсимликлар туркуми. Турлича баландликларда ўсади. Новдалари тикан-ли, барглари эса қатор тартибли ва 3-5 бўлмали. Гуллари икки жинсли. Ҳосили думалоқ ёки бир оз чўзиқроқ, оқ, сариқ, кўк, тўқ қизил ёки қора мевадан иборат; пўсти яланғоч ёки тукдор. Ичида кўп сонли уруғлари бор.

**Криногалофитлар** – туз ажратадиган галофитлар, ортиқча тузларни баргларидаги махсус безлар орқали ажратади (*Crambe, Tamarix* ва бошқа туркум ўсимликларида).

**Криногалофитлар** – япроқларидан ўзларидаги ортиқча тузларни эритма ҳолида ажратадиган ўсимликлар. Тамарикслар, франкениялар, кермекларда шу ҳодиса рўй беради.

**Кринум** (*Crinum*) - чучмўмадошларга мансуб пиёзли ўсимликлар туркуми.

**Криоксерофитлар** – совуқ ва қуруқ иқлим шароитида ўсадиган ўсимликлар.

**Криопротекторлар** – ҳаво ҳарорати совуқ кетганда унга мослашишда тўқимани ҳимоялаш учун моддани ўсимликда ҳосил қилиш жараёни.

**Криптогамлар, гулламайдиган ўсимликлар** - барча тубан ўсимликлар (сувўтлар, замбуруғлар, йўсинлар, қирққулоқлар ва бошқалар).

**Криптомерия** (*Cryptomeria japonica*) - очиқуруғтоифа ўсимликларнинг таксодийдошлар оиласига мансуб дарахт.

**Криптофитлар, кўп йиллик ўт ўсимликлар, яширин куртакли ўтлар** - ўсиш куртаклари тупроқ орасида чуқурроқ (илдизпояларда, тугунакларда) жойлашган кўп йиллик ўсимликлар.

**Криофитлар** – экология жиҳатидан психрофитларга жуда яқин қуруқ ва совуқ жойлар – тундранинг қуруқ майдонлари, тоғ қоялари каби жойлар ўсимликлари.

**Криофил сувўтлар** – совуқсевар, сувнинг музлашига яқин ҳароратли шароитларда ўсадиган сувўтлар. Муз ва қорда *Desucidiales, Ulothrichales, Volvocales* турлари учрайди.

**Крипта** – устицада (оғизчада) трихома билан ёпилган қисм.

**Криптлар** – қизил сувўтларнинг сперматангийларидаги яширин хивчинлар деб аталадиган тузилмалар.

**Крипто ...** – яширин ҳаракат ёки ҳолатни билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Криптобиоз** – ўсимлик қуриганда ҳам цитоплазмасида кескин ўзгариш рўй бермай намлик бўлиши билан яна “тирилиб” кета оладиган ҳолати, масалан кўк-яшил сувўтлардан *Noctoc commune* турида.

**Криптобиоз** – қуритилганда ҳам ҳаётий фаолиятини сақлаб қолиш хусусияти. *Selaginella tamariscina* ўсимлигини сунъий равишда қуритилганда ёнбош барглари пояннинг юқориси томонига, новдани ўрта томонга буралган ҳолда юқори ҳарорат ва кучли ёритилишдан сақлаши, намланганда дастлабки ҳолатга қайтиши.

**Криптогам қават** – уюшманинг энг қуйи қаватидагилар – мохлар ва лишайниклардан иборат қават.

**Криптограммод папоротниклар** – шимолий ярим шарнинг мўътадил иқлимларида тарқалган папоротниклар гуруҳи.

**Криптомонадалар** (*Cryptomonadales*) – бир ҳужайрали монад, қисман пальмеллоид, дорсовентрал яссиланган, перипласти бир ариқчали, 2 хивчинли, халқум, трихоцистли сувўтлар (*Cryptophyta, Cryptophyceae*) тартиби.

**Криптонемалар** (*Cryptonemaliales*) – талломи турлича ип, цилиндр, ясси япроқ, пўстлоқ кўринишларида, оҳақ шимган деярли барчаси денгизларда тарқалган сувўтлар (*Rhodophyta, Florideophyceae*) тартиби.

**Криптосома** – фикуслар (*Fucales*) тартибига мансуб кўнғир сувўтларда чуқурча бўлиб ундаги кўп ҳужайрали тукча.

**Криптостомалар** – кўнғир сувўтлар танасининг юқориги меристодермасидаги ҳақиқий туклар жойлашган махсус чуқурлиги.

**Криптопоралар** – эпидерма ҳужайралари сатҳидан пастрокда чуқурча тагида жойлашган устица.

**Криптофитлар** – янгиланиш куртаклари еростида (геофитларда) ёки сув ҳавзасининг тагида (гидрофитларда) бўладиган ўсимликлар.

**Кристаллоидлар** – *Roeseae* оиласига мансуб, ўсимликларнинг донларида, *Ricinus* ва бошқа туркум ўсимликларни уруғларидаги алейрон доналарда тўпланадиган кристалсимон оқсил тўпламлари.

**Кристал қум** – вакуоладаги жуда кўп миқдорда майда якка кристаллар (томатдошлар оиласи ўсимликларнинг паренхима ҳужайраларида кўп бўлади).

**Кристал қўшилмалар** – цитоплазманинг ёки ҳужайра пўстидаги одатда шарсимон ёки қиррали, қумтош, кальций сульфат, кам ҳолларда оқсил ва каратиноидлардан иборат кристаллар ғамланган модда сифатида тўпланади.

**Критик давр** – ўсимликларнинг ҳаёти даврида етишмаётган ёки ортиқча омилни энг катта таъсир этган даври.

**Критик фотодавр** – ҳар бир ўсимликни белгиланган вақт давомида қуёш нури билан ёритилишига муносабати, масалан, гуллашини давом этиш вақти.

**Крозияр** – халтачали замбуруғларда (*Pyronema conflucis* Pers: Tul ва шу кабиларда) аскоспора ҳосил бўлишини бошлаб берадиган эгиклик, илмоқ.

**Кроссинговер** – 1. Мейоз профазасида гомологик хромосомаларнинг қисмлари билан алмашилиши (натижада генлар ва белгиларнинг янги комбинациялари келиб чиқади). 2. Мейоз бўлинишида гомологик хромосомалар ўзаро ўхшаш қисмларини алмаштириши. 3. Редукцион бўлинишда конъюгациялашган гомологик хромосомаларнинг хроматидалари ўртасида ўхшаш қисмлар (генлар) нинг ўрин алмашилиши.

**Кроталария** (*Crotalaria*) - дуккакдорларнинг капалакгулдошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми.

**Кротон, хаббулмулук, хуббулмалик** (*Croton*) - сутламадошларга мансуб бута ёки дарахтлар туркуми.

**Ксанторрея** (*лот. Xanthorrhoea*) - лоладошларга мансуб бир уруғ паллали ўсимликлар. Тўғри ёки бир оз шохланган таналари бошида узун-узун барглардан иборат боғламалар бор. Тўпгули бошчали ёки бошоқсимон.

**Ксантофилл** - ўсимликнинг яшил органларидаги хлорофилл доначаларида ҳамда мева ва баргларида хромопластларида бўладиган сариқ пигментлар.

**Ксантофиллар** – каротиноидларга мансуб сариқ пигмент.

**Ксантофицалар** (*Xanthophyceae*) – бир хужайрали, кўп хужайрали ва колонияли, коккоид тузилишли, қисман монад, гемимонад, амебоид, сарциноид, ипсимон, турлича йўғонликдаги ипсимон псевдопаренхима, паренхим ёки сифон тузилишли сувўтлар (*Xanthophyta*) синфи.

**Ксения** – 1. Гулли ўсимликлар гул чангининг, чангланувчи эпидермаси белгиларига таъсири 2. Она ўсимликда юзага келган уруғларда ота ўсимлик белгиларининг пайдо бўлиши. 3. Уруғ ва мева белгиларининг ўзгариши. Бирор ўсимликнинг бошқа бир нав ёки тур чанги билан чангланиши (гибридизация) натижасида шундай ўзгариш юзага келади. 4. Уруғланишда чанг доначасидан ҳосил бўлган спермийнинг (эркак гаметанинг) эндоспермнинг белги ва хусусиятларига таъсири.

**Ксеногамия** – гулни шу турга мансуб бошқа ўсимлик гулчанги орқали четдан чангланиши.

**Ксеногамия, турлараро чангланиш, турлараро оталаниш** - бир турга оид туплардаги гулларнинг бошқа тупдаги гуллардан чангланиши ва оталаниши. Бу жараён автогамия (қ.) ва гейтоногамия (қ) нинг аксидир.

**Ксеноморфизм** – ўсимликнинг нам камлигига ўзида анатомия ва морфология хусусиятларини ҳосил қилганлиги.

**Ксеноплазмия** – бегона чанг донаси билан уруғланишдан кейин ўсимликни бирор қисмида содир бўлган ўзгариш.

**Ксерогалофитлар** – шўрланишга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар.

**Ксероклейстогамия** – ўта қурғоқчилик туфайли рўй берган клейстогамия.

**Ксеромезофитлар** – мезофитлар ва мезоксерофитлар орасида оралик ўриндаги ўсимликлар (*Carex supina* Willd. ўсимлиги).

**Ксероморфлик** – сув етишмовчилигида баргларида майдалашуви, япроқдаги ўйиқларни чуқурланиши ва дағалланиши.

**Ксероморфизм** - намлик тишмайдиган жойларда ўсадиган ўсимликларга хос характерли белгилар мажмуи (баргларида кичиклиги, хужайраларнинг майдалиги, томирларнинг зич тўр бўлиб жойлашиши ва бошқалар).



**Ксеромезофитлар** – қурғоқчиликка физиология жиҳатидан чидамлиги кучли ёки ксероморф белгиларга эга мезофитлар.

**Ксерофиллик** – сув етишмовчилиги билан рўй берадиган ноқулай шароитга ўсимликнинг чидаши.

**Ксерофитлар** – тупроқ ва атмосферадаги қурғоқчиликка чидай оладиган, намлик камлигига бардошли ўсимликлар.

**Ксероморфитлар** - намлик кам ерларда ҳам яшашга мослашган ўсимликлар. Улар чўл, дашт, чала дашт, қум ва қоя тошларда ўсади.

**Ксерофитлаш** - ўсимликларнинг қурғоқчиликка секин-аста мослаша бориши, секин-аста қурғоқчиликка қараб ўзгариб бораётган иқлим шароитидаги ўсимликларнинг шу иқлимга мослашиши.

**Ксерофитлар, қурғоқчил ўсимликлар** - хавоси, тупроғи қуруқ шароитларда ўсадиган ўсимликлар. Тарихий тараққиёт мобайнида ўзгарган, қурғоқчилик шароитига мослашган ўсимликлар.

**Ксерохазия** – ҳаво таъсирида ўсимликнинг қисмлари, тўпмева ва гулларнинг очилиши ва ёпилишидаги ҳаракатлар.

**Ксилема** – 1. Ўсимликлардаги сув ўтказувчи, мустаҳкамлик берувчи тўқима. 2. Илдиздан баргларга сув ва унда эриган моддаларни ташийдиган тўқима.

**Ксилема инициали** – камбиал зонанинг ксилема томонидаги хужайраси.

**Ксилема толаси** – толали трахеид ва толали либриформ ҳолидаги ксилема тўқимасининг толаси.

**Ксилеманинг нурли боғлами** – поянинг иккиламчи ксилемасидаги нурсимон боғлам.

**Ксилома** – халтачали замбуруғларнинг *Dothidales* тартибига мансубларидаги склеротинлашган тана.

**Ксилография** – ёғочга ишланган гравюра.

**Ксиломицетлар** – дарахт ва буталарнинг кўкариб турган шаббаларида турлича даражада чириётган ҳар хил ёғочликларда ривожланаётган замбуруғлар.

**Ксилоподий** – ёғочлашган йўғон, ер остидаги поя.

**Ксилострома** – *Armillariella tabescena* (Fr.) Sing. замбуруғи билан касалланган ўсимлик илдиз пўстлоғидан чиқадиган стромасимон қаттиқ тузилма.

**Ксилотомия** – ёғочлик анатомияси.

**Ксилофит** – дарахт ёғочлигини парчалайдиган замбуруғ.

**Ктейномицетлар** – хўжайинга таъсири фақат кимёвий реакциялар билан ифодаланадиган замбуруғлар.

**Кул** (*pruina farinaceus*) - замбуруғ билан касалланган ўсимлик барглари, танаси ва мевалари устини қоплаб олган кул ранг ғубор.

**Кул замбуруғнамолар** (*Peronosporales*) - оомицетлар синфчасига мансуб замбуруғлар қабиласи.

**Кул, шўр** - *Peronosporales* тоифасига мансуб замбуруғлар таъсирида ўсимликларда пайдо бўладиган касаллик. Бу касаллик теккан ўсимликнинг яшил қисмлари (кўпроқ барглари) зарарланади. Натижада баргнинг устки қисмида аввал сариқ, сўнг қўнғир тусли доғлар, орқа (остки) қисмида эса кул ғуборлар

пайдо бўлади. Бу касалликнинг фитофтора (картошка ва помидорларда) ва мильдью (тоқларда) номли турлари кўпроқ тарқалган.

**Кулала** - нокнинг кечпишар жайдари навларидан бири. Дарахти йирик. Меваси думалоқ, дастлаб кўк, пишгач сарғаяди, серсув, қимизак-ширин.

**Културфитоценоз** – одамлар томонидан яратилган фитоценоз.

**Кульбаба** (*Leontodon*) - мураккабгулдошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми.

**Кунжут** (*Sesamum indicum*) - Кунжутдошларга мансуб бир йиллик мойдор ўсимлик. Пояси 65-140 см га етади; шохли ёки шохсиз. Барглари бандчали ва турли шаклли. Йирик гуллари оқ ёки бинафша тусли. Меваси - кўсакча. Уруғи анча майда бўлиб, таркибида 53—63% мой бор.

**Купула** (*лот. cupula*) – 1. Кичрайган устки барглardan ҳосил бўлган меванинг пастки қисмини ёки мевани бутунлай ўраб турадиган ўрама. 2. Уруғли папоротникларда уруғмуртакни қоплами.

**Курашнинг биологик усули** - Ўсимлик ва экин касалликлари ҳамда зараркунандаларга қарши кураш усулларида бири.

**Куртак** – 1. Гулли ўсимликлар новдасидаги ҳали очилмаган муртаккуртак. 2. Жуда калта бўғим ораликларига эга бўлган муртакпоя.

**Куртакланиш** – ўсимликни куртак ҳосил қилиб вегетатив кўпайиш усули.

**Куркума, зардчўба** (*Curcuma*) - имбирдошлар (занжабилдошлар) га мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Курмак** (*Echinochloa oryzicola*) - бўйи 50-150 см га етадиган ва шоли орасида ўсадиган бир йиллик бегона ўт.

**Куртак халқалари** – куртаклар очилганда ташқи пўстлари тушиб кетиб, ўсувчи новданинг асосида узоқ сақланадиган чоклар.

**Куртакларнинг қўшқатор жойлашуви** - куртакларнинг (масалан, барг қўлтиғидаги куртакларнинг) икки қатор жойлашуви.

**Куртакланадиган хужайралар** – куртакланиш натижасида юзага келадиган хужайралар.

**Кутикула** (*cuticula*) - 1. Яшил сувўтлардан *Oedogonium*, *Caulerpa*, *Halimeda*, *Porphyra* туркумларида хужайра пўстининг устидаги қаттиқ қалинлиги 20-50 нм қоплам 2. Эпидерма хужайраларининг фақат ташқи қисмини қоплайдиган турлича қалинликдаги қоплам. 3. Барг ва ёш новдаларнинг эпидермисини қоплаб турувчи ёрқин тусли ва структурасиз ингичка парда.

**Кутикула транспирацияси** – сувни япроқдаги эпидермис кутикуласи орқали буғланиб чиқиб кетиши.

**Кутинланиш** – 1. Кутин моддасининг хужайра қобиғи томонидан ажратилиши. 2. Хужайра пўстини устига кутин моддасининг қоплана бориши. 3. Кутин моддасининг хужайра қобиғи томонидан ажратилиши.

**Кутлериялар** (*Cutleriales*) – талломи пластинка, ер бағрилайдиган, пўстлоксимон ёки тик, кучли тармоқланган, спорофит ва гаметофит бир хил ёки турли кўринишли сувўтлар (*Phaeophyta*, *Phaeozoosporophyceae*) тартиби.

**Кучала** – 1. (*Arum korolkovii* Rgl.) кучаладошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт 2. Гуллаганидан кейин ёки мевалари етилганидан тушиб кетадиган тўпгул.

**Кучалалар** (*Arales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи, *Arecidae* кенжа синфининг тартиби.

**Кучаладошлар** (*Araceae*) - ёпиқ уруғ тоифа ўсимликларнинг бир паллалилар синфига мансуб оиласи. Улар кўп йиллик илдизпояли ўтлар, лианалар, баъзан дарахт, бута ва эпифитлар шаклида ўсади. Сўтасимон тўпгуллари оқ, қизил ва бошқа ранглардаги ўрама барг билан ўралган.

**Кучалаўт, луф, филгўш** (*Arum*) - кучаладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Илдизпояси тугунаксимон, барглари найзасимон; гуллари поянинг учида очилиб, сўтасимон ўрама баргли тўпгул ҳосил қилади.

**Куя** – қоракуя замбуруғлари (*Ustilaginales*) ҳосил қиладиган турли ўт ўсимликлардаги касаллик.

**Кўзасимон мева** (*ascidiformis* - *кўзасимон*) - шакли кўзага ўхшаш мевалар, масалан, наъматак меваси.

**Кўзча, куртак** (*ocellus, oculus*) - 1. Боғдорчиликда — пайвандустдан кесиб олиниб, пайвандтакка жойлаштирилувчи куртак. 2. Картошка тугунаклари устидаги куртак. 3. Ҳаракатсиз сувўтларнинг зооспораларидаги ва ҳаракатчан сувўтлардаги қизил доғлар. Бу доғлар ёруғлик сезувчи орган вазифасини ўтайди.

**Кўкаламайдон** (*pratum*) - табиий ўсган ёки сунъий ўстирилган кўп йиллик ўтлар билан банд ерлар.

**Кўкаламайдоншунослик, ўтлоқшунослик** - ўсимликшуносликнинг пичанзор ва ўтлоқлардан тўғри фойдаланиш ҳамда уларнинг сифатини ошириш, янги пичанзор ёки ўтлоқлар яратиш билан шуғулланувчи бўлими.

**Кўккаллапўш** (*Melo chandalak*) - ҳандалак навларидан бири. Шакли думалоқ ёки бир оз ясси. Оғирлиги 3 кг ча. Сирти оқиш, баъзан яшил, тилим-тилим, тўрсиз, эти оқ, таркибида 8,6% гача қанд бор.

**Кўкамаран** (*Scutellaria immaculata* Nevski.) – лабгулдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Кўкгул** (*Lindelofia macrostyla* (Vge.)M.Pop.) – говзабондошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Кўк гулоби** (*Melo zard*) - қовуннинг кечпишар навларидан бири. Шакли тухумсимон, учи бир оз чўзиқ. Пўсти қалинроқ-сарғиш-яшил, сертўр. Эти оқ. Таркибида 11,4% гача қанд бор. Оғирлиги 5-8 кг, яхши сақланади.

**Кўкгурвак** (*Melo cassaba*) - гурвак қовуннинг эртапишар навларидан бири. Шакли думалоқ, йирик (5-8 кг), пўстининг усти текис, кўк рангда, майда тўри бор. Эти қалин, кўкимтир оқ, мулойим. Таркибида 9,7% гача қанд бор.

**Кўкмараз** (*Andrachnea rotundifolia* L.) – сутламадошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Кўкнор** (*Papaver*) - кўкнордошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Сут шираси бўлган бир йиллик ёки кўп йиллик ўтлардан иборат. Гуллари якка ва йирик-йирик, оч ёки ёрқин тусли, узун гулбандларга жойлашган. Меваси - кўсакча.

**Кўкнордошлар** (*Papaveraceae*) - икки уруғ паллалилардан айритожлиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Аксарияти ўт. Меваси - кўсакча, кўп-чилигида сут йўли (найчалар) бор.

**Кўк озуқа, навхўрак, яшангхўрак** - ўрилмасдан молларга едириладиган ўт ўсимликлар. Баъзан ўрилган, бироқ қуритилмасдан яшанглигича молларга берилладиган ўтлар ҳам яшангхўрак деб аталади. Яшанг ўт энг арзон ва энг асосий озуқадир. Ўт ўсимликларни гулламадан ёки эндигина гуллаган пайтидаёқ молларга едириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу даврда уларнинг таркибида целлюлоза кам, протеин эса кўп бўлади.

**Кўкпак** (*Limonium otolepis* (Schrenk.) Ktze.) – кермакдошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган, доривор, таннидли кўп йиллик ўт.

**Кўкпек** (*Artriplex cana* С.А.М.) – шўрадошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган чала бута.

**Кўксақич** (*Taraxacum kokcaghyz* Rodin.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб тоғда ўсадиган каучукли кўп йиллик ўт.

**Кўксағиз** (*Taraxacum koksaghys*) - қоқи ёки момақаймоқнинг бир тури. Мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик каучукдор ўт ўсимлик.

**Кўксултон** - олхўрининг эртапишар жайдари нави. Меваси бир оз чўзиқ, ранги оч кўк, эти хира сариқ, тами нордон-чучук.

**Кўктикан** (*Eryngium biebersteinium* Nevski.) – соябонгулдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерлар, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Кўктинна** - кўкча қовунга яқин эртапишар навлардан бири. Шакли чўзиқроқ эллипссимон, оғирлиги 2-5 кг. Пўсти сертўр, кўкимтир, уч то-мони сарғишроқ, банд томони қорамтир. Таркибида 11,1% гача қанд бор.

**Кўкча** - қовуннинг эртапишар навларидан бири. Шакли чўзиқроқ эллипссимон, банд ва уч томонлари ингичка, оғирлиги 4-6 кг. Пўсти сертўр, кўкимтир. Эти оқ, жуда ширин. Таркибида 14,8% гача қанд бор.

**Кўчат экиш, дарахт экиш** – 1. Кўча ёқаларига, боғ ва хиёбонларга ёш дарахтлар (кўчатлар) экиш; 2. Дарахтзор майдон.

**Кўк чой** - чой турларидан бири. Унинг хушбўй шираси кўкиш-сариқ ва аччикроқ бўлади. Киши организмига кўзғатувчи модда сифатида таъсир қилади. Кўк чой ферментация қилинмайди ва шу билан унинг таркибидаги рутин каби ёқимли моддалар сақланиб қолади. Қора (фамил) чойда эса бундай моддалар сақланмайди.

**Кўкўт** (*Sanguisorba*) - раънодошларга мансуб кўп йиллик ўт-ўсимликлар туркуми.

**Кўк-яшил сувўтлар** (*Cyanophyta*) – 1. Турли туман сув ва сувдан ташқари мухитлардаги биотопларда тарқалган бир хужайрали ва кўп хужайрали 2 мингдан ортиқ турларни бирлаштирган “оддий” ёки “мураккаб” индивидлар. 2. Алоҳида ва колония ҳолидаги баъзан занжир ёки қилча шаклидаги организмлар. Ранги кўк-яшил, сарғиш-кўкимтир-кўнғир ёки тўқ кўк.

**Кўндаланг геотропизм** - ўсимлик органлари (масалан, илдизпоялари) нинг геотропизм (қ.) га нисбатан перпендикуляр (тупроқда ётиқ ҳолда) жойлашуви.

**Кўпайиш коэффиценти** - кондицияли уруғлик ҳосилининг экилган уруғлик микдорига нисбати.

**Кўп бўлакчилар, кўп паллалилар** - Айрим ўсимликларнинг бир неча паллали уруғлари.

**Кўп йилликлар, кўп йиллик ўсимликлар** (*лот. plantae perennis*) – 1. Бир неча йил (баъзан 100 йил) давомида яшайдиган ўт ва чала бута ўсимликлар. Улар бир йиллик ва икки йиллик ўсимликлардан мана шу хусусиятлари билан фарқ қиладилар. Баъзилари доим яшил ўсимликлар жумласига киради. Бирок, кўпчилигининг тупроқ бетигаги устки қисми қишда ёки қаттиқ қурғоқчилик вақтида қуриб, тупроқ орасидаги илдизпоя, пиёз ва туганакларини сақлаб қолади. Шунини ҳам айтиш керакки, бундай ўсимликлар бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик деб шартли равишда ажратилади. Чунки баъзи кўп йиллик тропик ўсимликлар (масалан, канақунжут - *Ricinus communis*) ўрта иқлим шароитларида фақат бир йиллик ўсимлик сифатидагина ёки пасттекисликларда ўсувчи айрим бир йиллик ўсимликлар эса тоғларда кўп йиллик ўсимлик сифатида ўса олади (баъзан дарахт ва буталарни ҳам кўп йилликлар деб атайдилар). 2. Икки йилдан ортиқ, баъзан 100, 500 ҳатто 1000 йил ва ундан кўп йиллар давомида ўсиб турадиган ўсимликлар.

**Кўп йиллик ўтлар** (*лот. perennis - кўп йиллик*) - ем-хашак ва агротехника аҳамиятига эга бўлган кўп йиллик ғалладош ва дуккакдор ўтлар.

**Кўплаб танлаш, кўплаб саралаш** - ўсимлик навларининг яхши сифатли тупларини кўплаб ажратиш, танлаб олиш.

**Кўп тишли, сертиш** (*лот. multidentatus*) - қирралари кўп тишли барг, косачабарг ва бошқа органлар.

**Кўп уйли ўсимлик** – икки жинсли гуллар билан бир жинсли гуллари ҳам бўлган ўсимлик.

**Кўп устунчали** - гулнинг икки ёки ундан ортиқ устунчали уруғчилари.

**Кўп чанокли тугунча, кўп хонали тугунча, кўп уяли тугунча** - ичи пардалар билан тўсилиб, бир неча хоначаларга ёки чанокларга бўлинган тугунча.

**Кўп ядроли циста** – сариқ яшил сувўтлардан *Muxochloris sphagnicola* Pasch. сувўтида ҳосил бўладиган циста.

**Кўп қаватли эпидерма** – протодермадан ҳосил бўладиган икки ёки ундан кўп қават ҳужайралардан иборат тўқима, энг ташқи қаватигина ҳақиқий эпидермага айланади.

**Кўп қиррали** (*polyedricus*) - кўп қиррали поя, мева ва бошқа органлар.

**Кўп ҳужайрали организм** - бир қанча ҳужайралардан иборат мураккаб организм. Уларнинг танаси бир ҳужайрали организмларнинг акси бўлиб, баъзилари бир хил шаклдаги ва бир хил вазифани бажарувчи кўпгина ҳужайралардан (масалан, сувўтлар, замбуруғлар), кўпчилиги эса турли шаклдаги ва турли функцияларни бажарувчи тўқималарга уюшган ҳужайралардан ташкил топади.

**Кўп ҳужайралиларнинг бўлиниши** – битта сатҳда бўлиниш билан ипсимон, иккита сатҳдаги бўлинишда ясси япроқ (пластинка), уч сатҳда эса кубсимон тузилиш ҳосил бўлади. Бу қонуниятлар кўк-яшил сувўтларда яхши намоён бўлган.

**Кўрак** – етилмаган, кузги совуқ урган кўсак (масалан, ғўзада).

**Кўсак** – иккита ёки бир талай мевабаргчалардан ташкил топган кўп хонали қуруқ мева.

**Кўсакнинг йириклиги** - битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахтанинг вазни билан белгиланади.

**Кўсакча** (*capsula*) – 1. Кўпчилик ёпиқуруғтоифа ўсимликларнинг қуруқ ва кўп уруғли меваси. 2. Кўпчилик гулли ўсимликларнинг қуруқ, кўп уруғли (баъзан бир уруғли) икки ёки бир неча мевабарглардан ҳосил бўлган мева.

**Кўрсодик** - ўрикнинг туршакбоп жайдари нави. Дарахти катта, меваси думалоқ, баъзан чўзиқроқ, сарик, қуёшга қараган томонида қизғиш доғлари ҳам бор, ширин.

**Кўтарилувчи оқим** - сув ва озиқ моддаларнинг ксилема орқали пастдан ўсимлик баргигача кўтарилиши.

**Кўчатзорлар** - кичик майдончалардаги экинзорлар, селекция ишида асосан бошлангич ашё (коллекцион, дурагай), селекция, назорат ва махсус кўчатзорлар бўлади. Уруғчиликда эса танлаш, авлодларни синаш, кўпайтириш каби кўчатзорлар мавжуд.

**Кўчатлаш** - бирор кўчатни бир ердан кўчириб, бошқа ерга экиш.

**Кўш тизмалараро дурагайлар** - оддий тизмалараро дурагайлар чатиштирилиб олинган мураккаб дурагайлар.

## Л

**Лавандула** (*Lavandula*) - лабгулдошларга мансуб доим яшил ўсимликлар туркуми. Барглари зич тукли ништарсимон (ланцетсимон); гуллари оч кўк, бинафша ёки ҳаво ранг, тўпгул бўлиб йиғилган.

**Лавандула мойи** - лавандула тўпгулидан олинадиган эфир мойи.

**Лавр** (*Laurus*) - лаврдошларга мансуб доим яшил дарахт ёки бута. Барглари тўқ кўк, қобикдор ва қатор тартибли. Меваси кўкимтир-қора, данакли

**Лаврдошлар** (*Lauraceae*) - икки уруғ паллалилардан айритожли ўсимликларга мансуб оила. Аксарияти дарахт, айримлари эса буталардир. Барглари текис қирғоқли, доим яшил. Кўпчилик турларининг барг ва пўстлоқлари хушбўй. Гуллари майда ва тўғри, икки жинсли ёки бир жинсли, оқ ёки кўкиш. Гулларида 9 тадан 12 тагача чангчи ва 1 та уруғчи бор. Меваси данакли ёки юмшоқ.

**Лагетта** (*Lagetta lintearia*) - келинсупургидошлар (*Thymeleaceae*) га мансуб дарахт. Атлантика океанининг ғарбидаги тропик ва субтропик оролларда ўсади.

**Лайлактумшук** (*Erodium sicutarium*) – ёронгулдошларга (герандошларга) мансуб ўт ўсимликлар туркуми.

**Лайлактумшук** (*Erodium cieutarium* (L.) Ltherit) – ёронгулдошлар оиласига мансуб адир, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Лак дарахт** (*Rhus verniciflua* Stokes.) – пистадошлар оиласига мансуб, Хитойнинг жанубида ўсадиган, икки уйли, бўйи 20 м атрофидаги, пўстлоғидан япон лаки (хиурути, киурути) ажратиб олинадиган дарахт.

**Лакуна** – поя ўзагида япроқ банди бошланиб, ўтказувчи боғламлари бўлган жойдаги тирқиш.

**Лакунар колленхима** – қалинлашган хужайра девори хужайра оралиқларига қараган колленхима.

**Лакфиоль, хайрий** (*Cheiranthus cheiri*) - крестгулдошларга мансуб кўп йиллик ўтеимон ўсимлик. Гуллари сарик, ҳидли ва кўп сонли, барглари чўзик, тухумсимон.

**Лалми экинлар, баҳори экинлар** - сувсиз (асосан, адир зонасидаги) ерларда суғорилмай ўстириладиган (арпа, буғдой, нўхат ва бошқа) экинлар.

**Ламаркизм** - биология фанидаги биринчи эволюцион назария. Бу назария буюк француз табиатшуноси (натуралисти) Ж.Б. Ламарк (қ.) томонидан яратилган.

**Ламбута** (*Rindera austroechinata* M.Pop) – говзабондошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Ламелла** – 1. Нинабаргли ўсимликлар спородермасининг энд-экзинасини ички қавати 2. Хлоропластлардаги юпқа тўрсимон тана.

**Ламелляр назария** – папоротниклардан марсилиядошларда (*Marsiliaceae*) спорокарпни вужудга келиши ҳақидаги назария.

**Лами** (*Lamium*) – ялпиздошларга (лабгулдошларга) мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари кичитқитикан баргларига ўхшайди. Оқ гуллари барг қўлтиғидаги сунъий ҳалқаларга тўпланган.

**Ламинал плацентация** – 1. Уруғчибаргнинг ички очик юзасида уруғкуртакларнинг жойлашиши. 2. Уруғмуртакни баргакмева яссилигини ички кенг юзасида жойлашгани; мевалибаргдан узокроқда жойлашган бир мунча соддароқ тузилган плацента.

**Ламинал спорангий** – папоротникларда спорангийни юза қисмда жойлашиши.

**Ламинарин** – кўнғир сувўтларда фотосинтез жараёнида ҳосил бўладиган ҳужайра ширасида эрийдиган полисахарид.

**Ламинария** (*Laminaria*) - 1. Денгизда ўсадиган йирик кўнғир сувўт. 2. Денгиз карами номли ўсимлик ҳам баъзан шу исм билан аталади.

**Ламинариялар** (*Laminariales*) – спорофити баъзиларида 20-50 м га етади, талломи перенхиматоз тузилишли, битта ёки бир неча пластинкали, субстратга тармоқланган ризоид билан бирикадиган кўп йиллик ўсимликлар (*Phaeophyta*, *Phaeozooporophyceae*) тартиби.

**Латания** (*Laiania*) - пальмадошлар (хурмодошлар) га мансуб ўсимликлар туркуми.

**Латекс** – асосан сутламадошлар оиласига мансуб ўсимликлардаги сутсимон шира.

**Латекс** – сут-оқ, пушти рангдаги сутшира.

**Латекс, сақич** (*лот. latex*) - каучукдор ўсимликларнинг (кўпроқ гевеянинг) сутсимон шираси; каучукнинг сув эмульсиясидан иборат.

**Латент давр** – ўсимликнинг тиним даври (уруғи).

**Латериал ксилема** – кўриқлар яроғининг икки ён томонидаги ксилема.

**Латериал меристема** – поя ва илдизнинг кўндаланг кесмаларида халқасимон кўринишдаги цилиндрик қатлам.

**Латициферлар** – сутширали гифалар (*Mycena* туркуми замбуруғларида).

**Латгитикан** (*Cirsium lanceolatum* (L.) Scop.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб воҳаларда ўсадиган икки йиллик ўт.

**Лауралар** (*Laurales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Magnolidae* кенжа синфининг тартиби.

**Левист** (*Levisticum*) - соябонгулдошларга мансуб ўт ўсимлик.

**Левкант** (*Leucanthemum*) - мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўт ёки ярим буталар туркуми. Барглари кетма-кет жойлашган, бетун ёки патсимон қирқилган. Гуллари поя учидаги саватчаларга жойлашган, асалдор. Меваси қиррали қанотсиз пистача.

**Ледум, багульник** (*Ledum*) - эрикадошлар (верескдошлар) га мансуб доим яшил буталар туркуми.

**Лейкопластлар** – 1. *Siphonophyceae* синфига (*Chlorophyta*) мансуб айрим сувўтлардаги рангсиз пластидлар. 2. Кўпинча юксак ва тубан ўсимликларнинг (кўк-яшил сувўтлар, бактериялар ва замбуруглардан бошқа) хужайралари протоплазмасидаги рангсиз таначалар (пластидлар).

**Лейкоэмбриофит** – уруғмуртакдаги рангсиз ўсимлик.

**Лейодиск** – силлик, бир текис, ариқча ва папиллаларсиз лишайникларга хос диск (*Umbilicaria* туркуми лишайникларида).

**Лейтнериялар** (*Leitneriales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи *Hamamelidae* кенжа синфининг тартиби.

**Легитум чангланиш** – чанг донасини узун устунчали гулдан калта устунчалига ўтиши билан рўй берадиган чангланиш.

**Леконар типдаги апотечий** – амфитеций ва талломининг қирраси яхши ривожланган, ичида доимо сувўти хужайраси бўлган лишайниклардаги апотечий (*Leconora*, *Parmelia*, *Peltigera* туркумларида).

**Леннеон** – морфологияси жиҳатидан ўхшаш ва қариндошчилик жиҳатидан ўзаро яқин, ирсий ва экологик томонидан қатъий бир хил қимматли бўлмаган ўсимликлар.

**Лепидодендрон** (*Lepidodendron*) - лепидодендрондошларга мансуб дарахт ўсимликлар туркуми. Ҳозир йўқ бўлиб кетган. Танасининг бўйи 30 м га, қалинлиги 2 м га етган, шаббаси тана чўққисида жойлашган. Танасининг энг қуйи қисми чипор, тангачали пўстлок билан қопланган.

**Лепроз қиёфа (лишайникларда)** - лишайник танасининг баъзан яраланган ёки титилган ҳолдаги қиёфаси.

**Лепроз таллом** – лишайниклардаги энг содда тузилишли кукунсимон таллом.

**Лептоид** – жигармохлар талломида органик моддалар ўтишини таъминлайдиган хужайралар.

**Лептом** – элаксимон элементлар ва улар билан боғлиқ флоэма тўқимасининг паренхима хужайралари (таянч берувчи хужайралар кирмайди).

**Лептонема** – мейоз бўлинишининг профазасини дастлабки йирик ядроли, ингичка хромосомали даври.

**Лептонема** — мейоз бўлинишдаги профаза I нинг босқичи бўлиб бунда ипсимон шаклдаги хромосомалар ҳали бирлашмаган бўлади, эухроматин қисмлари билан навбатлашиб туради.

**Лептоспорангиат мегаспорангий** – юпка пўстли мегаспорангий.



**Лептоцистида** – *Agaricales* тартибига мансуб замбуруғларда кенг тарқалган цистидлардан бири, юпка пўстли базидиядан каттароқ, цилиндрга ўхшаш, урчуқсимон ҳатто баъзан дарахт кўринишда.

**Лептоформа** – зангкуя замбуруғларида (*Uredinales*) дарҳол унадиган фақат микротелиоспораларининг бўлиши.

**Летал ген** – эмбрионни, организмларни (айниқса гомозигота ҳолатда) но-буд қиладиган ген.

**Лецидиив апотечий** – лишайниклардаги диск ўзини хошияси билан ўралган, сувўтларсиз апотечий (*Lecidea, Rhizocarpon, Catillaria, Mycoblastus* туркумлари лишайникларида).

**Лиана** (*liane*) – 1. Чирмашиб ёки ўралиб ўсувчи ўт ва дарахт ўсимликлар. 2. Пояси узун, мустақил тик ўсаолмай бошқа предметни таянч сифатида фойдаланадиган ўсимликлар.

**Либрифор** – поянинг ёғочлик қатламида жойлашган уни қаттиқлиги ва мустаҳкамлигини таъминловчи учлари ўткир хужайралар.

**Либриформ** (*libriformum; liber*) – ёғочнинг узун ва учи ўткир хужайралардан ташкил топган механик тўқимаси.

**Либриформа** – толасимон трахеидларнинг оралик босқичи.

**Либриформ тола** – қалин пўстли ва оддий тешикли ксилема толаси.

**Лигаза** – АТФ энергияси ҳисобига ҳар хил молекулалараро ўзаро бириктирувчи (тикувчи) ферменти.

**Лигнин** – уруғли ўсимликларда тарқалиши жиҳатидан целлюлозадан кейин турган, ферментлар таъсирида деярли парчаланмайдиган мураккаб ароматик бирикма. Сувда эримайдиган ароматик спирт, аморф полимер.

**Лигнинланиш** – хужайра пўсти онтогенезининг якуний босқичи. Лигнин моддаси билан қопланганидан кейин мустаҳкам ва пишиқ бўлади.

**Лигнификация** – хужайра пўсти целлюлозасидаги микрофибрилларнинг ораларини лигнин моддаси билан тўлиши натижасида ўзгаришларнинг рўй бериш жараёни.

**Лигнопротеридопсидлар** – очик уруғли ўсимликлар бўлимининг синфи.

**Лигнофил** – ўсимликларнинг қолдиғида ўсадиган замбуруғлар.

**Лигула** – плаунларнинг айрим турларини барг асосидаги пояга қараб жойлашган кичик чуқурчадаги ўсимта.

**Лигула, тилча** (*лот. ligula*) – ғалладошлар баргининг япроғи ва банди (нови) оралиғидаги пардасимон ўсимта.

**Лигустр** (*Lygustrum vulgare*) – зайтундошларга мансуб буталарнинг бир тури.

**Лигустрнамолар** (*Lygustrales*) – лигустрнамолар қабиласи. Унга фақат зайтундошларгина киради.

**Лизоген** – хужайра оралиқларидаги бир гуруҳ хужайраларнинг эриб кетиши.

**Лизиген хужайра оралиғи** – хужайра қобиқчасининг эриб кетиши натижасида ҳосил бўладиган хужайра оралиғи.

**Лизогения** - фаг билан зарарланган бактерияда фаг ўз ДНК сини бактерия ДНК сига киритади ва лизоген бактерияни ҳосил этади ёки фаг бактерияни ўлдириб ундаги ДНК ва оқсиллардан кўплаб фагларни ҳосил этади.

**Лизикарп гиницей** – мевабаргчаларнинг ичкарига қараб ўралиб онтогенезнинг илк даврида бир-бирига қўшилиб кетган, четлари келгусида қўшилмай турган тўсиқ ҳосил қилмаслигидан гул тугуни бир уюм бўлган гиницей.

**Лизикарп гиницей** (*gynoesceum lysicarpum*) - бир нечта уруғчи-барглардан ташкил топган ценокарп (туташ тугунчали) уруғчи; чаноқлараро пардалар йўқолиб («эриб») кетгач, кўп чаноқли тугунча ўрнида якка чаноқли (бир хонали) тугунча (мева)нинг ҳосил бўлиши. У онтогенезнинг дастлабки стадиясида уруғчибаргларнинг қўшилишидан юзага келади.

**Лизикарп мева** – оддий синкарп мева, лизикарп гиницейдан ҳосил бўлади (*Primulaceae* оиласи ўсимликларида).

**Лиз(о) ...** – “парчаланиш”, “эриш”, “йўқ бўлиб кетиш” маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Ликвидамбар** (*Liquidambar*) - хамамелдошларга мансуб дарахт ўсимликлар туркуми. Бўйи 50 м га ва танасининг қалинлиги 150 см га етади. Барглари панжасимон қирқма, гуллари яланғоч (тожсиз ва косачасиз).

**Ликопод** (лот. *Lycopodium*) - ликоподдошларга мансуб ўт ўсимликларнинг споралари (бу споралар ҳам шу ўсимлик номи билан юритилади); оч сариқ тусли майда тўкилувчан порошокдан иборат.

**Ликоподий** – плаунларнинг вояга етган қуруқ споралари.

**Ликоподиопсидлар** – плаунлар бўлимининг синфи.

**Ликофанероз** – протоплазмада сочилган ҳолдаги моддаларнинг бирлашиш жараёни.

**Лилиелар** (*Liliales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Лилия, пиёзгул** (*Lilium*) - лоладошларга мансуб пиёзчали ўсимликлар туркуми. Барглари тўғри чизиқли, ланцетсимон ёки тухумсимон. Гуллари йирик-йирик, хушбўй, оқ, қизил, сариқ ёки тўқ сариқ. Меваси - кўсакча.

**Лимонпланктон, кўл планктони** - кўллардаги сувда муаллақ сузиб ҳаёт кечирувчи организмлар.

**Лимон** (*Citrus limon*) - рутадошларга мансуб доим яшил субтропик дарахт. Бўйи 3—5 м. Шохлари тиканли. Барглари чўзиқ, оч кўк; гуллари оқ, меваси 7-8 см узунликда, тухумсимон. Мевасининг усти оч сариқ қобиқ ва эфирли хужайралар билан қрпланган. Ички этдор қисми ширадор ва нордон. Меваси уруғсиз бўлиши ҳам мумкин.

**Лимонўт** (*Melissa officinalis*) - қ. Мелисса.

**Лимонўт, мелисса** (*Mellissa officinalis*) - лабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси ва барги тукдор. Бир оз пушти, бинафша ёки оқ гуллари тўпгулларга йиғилган. Барглари тухумсимон бўлиб, эфир мойли ялтироқ безчалар билан қопланган.

**Лимонўт** (*Mellisa officinalis* L.) – лабгулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган, доривор, кўп йиллик ўт.

**Лингбиотоксин** – кўк-яшил сувўтларидан *Lyngbya majuscula* ажратадиган алкалоид.

**Линзасимон тана** – динофит сувўтларнинг кўпчилигини стигмасидаги донадор моддали тана.

**Линия** - ўзини-ўзи билан чатиштириш натижасида вужудга келадиган генотип жиҳатдан бир хил бўлган организмлар.

**Лиофиллаш** – тўқима ва шу кабиларни паст ҳароратли ва ҳавоси кам шароитда қуритиш.

**Липаза** (юн. *lipos* - мой) - ёғларнинг гидролизланишини (парчаланишини) амалга оширадиган ферментлар. Баъзи ўсимликлар уруғида бўлади. Бундай ферментлар таъсирида ёғ молекуласи мой кислоталарга ва глицеринга ажралади.

**Липоксения** – текинхўр замбуруғ ўзининг ривожланиш даврида ёки хўжайинда хўжайиндан ажралганидан кейин етарли озик бўлган ҳолати.

**Липохондри** – Гольжи аппарати атрофидаги ёғ тутган витал бўёқларда бўяладиган заррачалар. Улардан Гольжи аппарати ҳосил бўлади деб ҳисобланади.

**Липтомезофитлар** – ўртача намланадиган тошли жойларда ўсадиган ўсимликлар.

**Литорал флора, денгиз атроф флораси** - денгиз ва катта сув ҳавзаларининг бўйларида яшовчи галофил (шўрхок) ўсимликлар мажмуи.

**Литорал ўсимлик** – 1. Денгизларнинг қирғоғидаги сувўтлар 2. Ички сув ҳавзаларининг қирғоғидаги гулли ўсимликлар.

**Литофагофит** – тошлар орасига жадал кириб, уларнинг парчаланишига сабаб бўладиган ўсимликлар.

**Литофил** – ўсиш муҳити оҳакли жойлар бўлган ўсимлик (сувўт).

**Литофитлар** – тошлар, тоғ қоялари, шағалли жойларда ўсадиган ҳаётий фаолияти жойнинг физикавий хоссалари билан боғлиқ бўлган ўсимликлар, бундай жойларда асосан сувўтлар тарқалган.

**Литофитлар, тошхоҳ ўсимликлар** - бевосита яланғоч тош ва қояларда ўсувчи микро ва макро ўсимликлар.

**Литрумдошлар** (*Lythraceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб, тропик минтақаларда ўсувчи ўт, бута ва дарахтлар оиласи. Барглари текис қирғоқли, кўпроқ қарама-қарши ёки доира ҳолда ўрнашган. Гуллари зигоморф, мураккаб шода тўпгул ҳосил қилади, икки жинсли. Косачаси найчасимон ёки кўнғироксимон (баъзиларида, навбатли тишсимон). Гултожи қизил, бинафша, айрим ҳолларда оқ ёки сариқ. Чангчилари тожидан (гулбаргларида) икки марта узун. Меваси - кўсакча.

**Лихенилланиш** – лишайникнинг ҳосил бўлишида замбуруғни сувўт билан боғланишини бошланиши.

**Лихеноиндекация** – атроф-муҳит айниқса атмосфера ҳавосининг ифлосланганлик даражасини лишайниклар ёрдамида ўрганиш.

**Лихенология** – лишайникларни ўрганадиган ботаниканинг соҳаси. Асосчиси швед олими Э. Ахриус ҳисобланади.

**Лихенолог, лишайникшунос** - лишайниклар билан шуғулланувчи киши.

**Лихенометрия** – лишайник ёрдамида у ўсаётган субстрат ёшини ўрганиш усули.

**Лихнис** (*Lychnis*) - чиннигулдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Кўпинча горицвет деб нотўғри атайдилар.

**Лишайниклар** (*Lichenes*) - вегетатив органларга (поя, барг ва илдизларга) дифференцияланмаган тубан ўсимликларга оид организмлар. Улар икки тоифа тубан ўсимликлар (замбуруғ ва сувўтлар) нинг аҳиллигидан ташкил топган, алоҳида морфологик ва физиологик хусусиятларга эга бўлган ва биргаликда яшашдан ўзаро манфаатдор янги комплекс (симбиоз) организмлардир.

**Лишайник симбиоз** – сувўтларни замбуруғлар билан ҳосил қилган, натижада ўсимликларнинг алоҳида гуруҳи юзага келишига олиб келган ғаройиб биологик яқдиллик.

**Лишайникшунослик, лихенология** - лишайниклар ҳақидаги фан, ботаниканинг лишайниклар ҳаёти, биологияси, морфологияси, систематикаси, экологияси ва географияси ҳақидаги қисми.

**Лоазалар** (*Loasales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи *Asteridae* кенжа синфининг тартиби.

**...логия** – “фан”, “таълимот”, “билим” маъноларини англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Лобоподий** – айрим зооспоралардаги цитоплазмани ўз шаклини ўзгартириб турадиган ёруғроқ жойи.

**Лобелиядошлар** (*Lobeliaceae*) - кўнғироқгулдошларга анча яқин ўсимликлар оиласи. Кўпчилигининг тожлари икки лабли, зигоморф.

**Лобелин** (*Lobelia inflata*) - бир йиллик ўт ўсимлик таркибидаги алкалоид.

**Лобелия** (*Lobelia*) - Лобелиядошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар ёки ярим буталар туркуми (баъзи ботаниклар уларни кўнғи-роқгулдошларга киритадилар). Меваси - кўсакча.

**Лодидула, гул олди пардачаси** (*лот. lodicula*) - ғалладошларга мансуб ўсимликлар гулининг очилишига ёрдамлашувчи майда рангсиз гул қипиқчалари ичидаги пардача.

**Лодидула** – кўпчилик ғалладошларнинг гулида одатда иккитадан, камдан кам учтадан жойлашган парда; гуллаш даврида бўкиб гулнинг очилишига ёрдам берадиган парда.

**Лодидула** – *Roaseae* оиласига мансуб ўсимликларнинг гул тугунчаси олдидаги кичкина қипиқ-баргча.

**Локал константлар** – қайси бир гуруҳдагина (ценозда) учрайдиган ўсимликларнинг турлари.

**Локула** – халтачали замбуруғларда халтаспора (аскоспора) ҳосил бўладиган жой.

**Локус** - хромосоманинг генетик харитасида у ёки бу геннинг жойлашган ўрни.

**Локус** – 1. Хромосомадаги ген жойлашган жой. 2. Хромосоманинг генетик картасида маълум геннинг жойлашган ўрни.

**Лоладарахт** (*Liliodendron tulipifera* L.) – магнолиядошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали дарахт.

**Лоладошлар, пиёздошлар (*Liliaceae*)** - бир уруғ паллали ўсимликлар оиласи; йўғон илдизпояли, пиёзча ва тугунакли кўп йиллик, ўтлардан баъзан дарахт ўсимлик ёки лиана (тропик печак) дан иборат. Барглари тўғри чизиқли, ланцетсимон, гуллари ёрқин тусли, шингилсимон тўпгулларга (баъзан эса бошоқ ёки рўвакларга) йиғилган. Меваси - кўсакча ёки юмшоқ мева.

**Лолақизғалдоқлар (*Papaverales*)** – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Ranunculidae* кенжа синфининг тартиби.

**Ломасома** – айрим сувўтлар хужайраларининг бурмали жойларида, баъзи замбуруғлар гифаларини хужайрасининг пўсти билан боғланган, плазматик мембрана билан ўралган ғоваксимон тузилма.

**Лотиотеций** – халтачали замбуруғларнинг *Lophiostomataceae* оиласи вакилларига хос икки томонидан сиқилган перитецийнинг хили.

**Лотослар (*Nelumbonales*)** – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Magnolidae* кенжа синфининг тартиби.

**Лотос дарахт (*Ziziphys lotus* Lam.)** – жумрутдошлар оиласига мансуб, бўйи 1-1,5 м келадиган Ўртаденгиз қирғоқларида ўсадиган бута.

**Лотус (*Lotus*)** - дуккакдорларнинг капалакгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт, баъзан чала бута ўсимликлар туркуми. Барглари беш баргчали (бештасидан икkitаси барг бандининг энг қуйи қисмига жойлашган), патсимон. Гуллари сариқ. Гуллар баргларга нисбатан юкорироқ кўтарилувчи гулбандларга бошчасимон соябон бўлиб жойлашган.

**Льянос (*исп. Llano - текислик*)** - шарқи-шимолий ва жанубий Америкада учрайдиган дарахтли ва бутали саванна типигаги ўтлоқлардан бири.

**Луб** – дарахтлардаги иккиламчи флоэма.

**Луб паренхима** – лубдаги ғамловчи, шунингдек чиқиндиларни сақловчи тўқима.

**Луб тола** – дастлаб флоэма толаси бўлган, кейин экстрактсиляр тола.

**Лупин (*Lupinus*)** – бурчокдошларнинг (дуккакдошларнинг) капалакгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Поясининг бўйи 1,5 м га етади, ўқ илдиз системаси ер остига чуқур ўрнашади. Илдизларида тугунаклар бор. Бу тугунаклар ҳаводан азот қабул қилувчи тугунакбактериялар фаолияти туфайли юзага келади. Барглари панжасимон мураккаб. Гуллари ёрқин тусли бўлиб, шода ёки шингил тўпгулларга йиғилган. Сариқ люпин ва кўп йиллик лупин туридан бошқа турлари ўз-ўзидан чанг-ланади. Уруғлари турли шакл ва рангларда бўлиши мумкин.

**Луччак шафтоли** - шафтолининг думалоқ, туксиз, мулойим ва мазали навларидан бири. Қизил луччак, сариқ луччак ва оқ луччак хиллари бор.

**Лютеин** – каротиноидларга мансуб сариқ пигмент ксантофил – £ каротиннинг ҳосиласи.

**Лютоид** – сутлама ҳосил бўладиган жойдаги вакуола деб аталадиган пуфакча бўлиб, кўплаб органик бирикмаларни парчалай оладиган гидролитик ферментлар комплекси.

**Ляллеманция (*Lallemantia*)** - лабгулдошларга мансуб бир йиллик ўт ва мойли ўсимлик. Поясининг бўйи 20-90 см, серновда. Барглари чўзиқроқ эллипссимон. Гуллари сохта ҳалқаларга йиғилган. Меваси - кўсакча. Қуритилган

уруғлари анча майда, таркибида 23-37,3%, ҳатто 40% гача мой бор. Бу мойлардан алиф ва лак тайёрланади.

## М

**Маврак** (*Salvia sclerea* L.) – ялпиздошлар (лабгулдошлар) оиласига мансуб воҳалар, адир ва тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Мавсумий даврийлик** – мўътадил иқлим шароитидаги дарахтларда ёзда танасини максимум даражада катталашуви, кузда кичрайиши ҳисобига йиллик халқаларнинг юзага келиши.

**Мавсумий диморфизм** – бир турга мансуб гулли ўсимликда одатда баҳорги ёки кузги иккита мавсумнинг бўлиши.

**Мавсумий гуллар** - фақат бир вегетатив давр ичида яшаб ўсадиган хушманзара ўсимликлар.

**Мавсумий термопериодизмлик** – мўътадил иқлим шароитидаги ўсимликларда йил давомида совуқ ва иссиқ даврни навбатлашиб туриши.

**Магнитотропизм** – муртақ илдизни Ернинг жанубий магнит кутби йўналишида кўпроқ ўсиш ҳодисаси.

**Магнолия** (*Magnolia gracilis* Salisb.) – магнолиядошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, манзарали дарахт. Барглари оддий ва йирик, гуллари якка, хушбўй.

**Магнолиялар** (*Magnoliales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Magnolidae* кенжа синфининг тартиби.

**Магнолиядошлар** (*Magnoliaceae*) - икки уруғ паллалилардан айритожлиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Дарахт ва буталардан иборат. Барглари текис қирғоқли, гуллари йирик, тўғри ва икки жинсли. Чангчилари ва уруғчилари кўп сонли. Ёпиқ уруғлиларнинг энг қадимий ва юксалишда энг тубан даражада турган вакилларида ҳисобланади. Баъзи вакилларида (масалан, дримисда) трахея ўрнига очиқ уруғлиларга хос трахеидлар мавжуд.

**Магония** (*Mahonia*) - зиркдошларга мансуб доим яшил бута ўсимликлар туркуми. Барглари тиканак қирғоқли, гуллари сариқ, шингил бўлиб тўпланган.

**Маданийлаштирилган фитоценозлар** – инсон талабларига биноан ўзгартирилган табиий фитоценозлар.

**Мадия** (*Madia sativa*) - мураккабгулдошларга мансуб бир йиллик ўт ўсимлик. Америкада ўсади. Уруғлари таркибида мой бўлганидан махсус экилади. Бу мой кунгабоқар мойига яқин бўлиб, озиқ-овқатга ва техник мақсадларда ишлатилади.

**Мажбурий тиним** – ўсимликлардаги қурғоқчилик, совуқ тушиши, озиқ моддаларнинг етишмовчилиги каби сабаблар билан рўй берадиган тиним даври, муҳит шароити яхшиланиши билан мажбурий тиним тўхтайтиди.

**Мажнунтол** (*Salix babylonica* L.) – толдошлар оиласига мансуб воҳаларда ўсадиган манзарали дарахт.

**Мазедий** – лишайникларнинг меватанасидаги аскоспораларнинг чанг ҳолида чиқиши. Мазедийнинг ҳосил бўлиши *Caliciales* тартибига мансуб лишайникларга хос.

**Маймунжон** (*Rubus caesius* L.) – раънодошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, меваси истеъмом қилинадиган чала бута.

**Майдабаргли отқулоқ** (*Rumex crispus* L.) – торондошлар оиласига мансуб воҳалар, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Майда баргли** (*parvifolius*) - баргли майда ўсимликлар.

**Майда безчалилар** - барг, тана ва бошқа органлари майда безчалар билан қопланган ўсимликлар.

**Майда гулли** (*parviflorus, micranthus*) - майда гулли ўсимликлар.

**Майдаланадиган мева** – пишиб етилганидан кейин бир уруғли бўлакларга бўлиниб кетадиган мева (*Lamiaceae, Boraginaceae* ва шу каби оилаларнинг ўсимликларида).

**Майдаланиш** – муртак ривожланишининг дастлабки даврида хужайранинг бўлиниши.

**Майда мевали** (*microcarpus*) - меваси майда ўсимликлар.

**Майда найза тукли** (*setulosus*) - ўсимлик органларининг майда, найза туклар билан қопланиши.

**Майдаселеу** (*Aristida pennata* Trun.) – бошқодошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Майда тишли** (*microdentus, denticulatus*) - барг, косачабарг ва бошқа шу сингари органларнинг майда тишчали қиррага эга бўлиши.

**Майда тукли** - тана, барг ва бошқа органларида майда туклар бўлган ўсимликлар.

**Майда-тўмтоқ тишли органлар** - барг, косачабарг ва бошқаларнинг майда. Тўмтоқ тишчали қиррага эга бўлиши.

**Маймунжон** (*Rubus nessensis*) - раънодошларга мансуб ярим бута.

**Майник** (*Majanthemum*) - лоладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари юраксимон, гуллари хушбўй, майда, оқ шингил тўпгулларга йиғилган. Меваси юмшоқ. Ернинг шимолий палласида икки баргли майник (*M. bifolium*) ва кенг япроқли майник (*M. gilatum*) тури учрайди.

**Майса, унган кўкат** - уруғдан эндигина униб чиққан ўсимлик.

**Майсазор** (*фр. gazon*) - паст бўйли хушманзара ўсимликлар экиб ўстирилган жой.

**Майқараған** (*Calophaca tianschanica* (B. Fedtsch.) Boriss.) – бурчқодошлар (дукқакдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган толали бута.)

**Маквис** (*фр. maquis*) - доим яшил дарахт, бута ва ўтлардан иборат ўсимликлар формацияси.

**Макка** (*Zea mays*) - ғалладошларга мансуб бир йиллик ўт ўсимлик. Дунёдаги энг муҳим ем-хашак ва ғалла ўсимликлардан бири.

**Маккаи сано** (*Cassia angustifolia* Vanhl.) – дукқакдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган доривор бута.

**Маклюра** (*Maclura aurantica* Nutt.) – тутдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган дарахт.

**Маклюра** (*Maclura*) – тутдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Бўйи 20 м га, танасининг диаметри 1 м га етадиган икки уйли дарахт. Фақат *M. aurantiaca* тури мавжуд. Новдалари тиканли, қалин шаббаси шу новдалардан

ташкил топган. Барглари тухумсимон ёки чўзиқроқ-ланцетсимон. Ял-тироқ-сарик тўп меваси этдор ва бужмайган шар шаклидадир. Истеъмолга яроқсиз.

**Макрандрий** – яшил сувўтлардан *Oedogonium* туркумида урғочилик гаметаси ҳосил бўладиган таллом.

**Макро ...** – “йирик”, “катта”, “катта ўлчамли”, “катта микдорларча” маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Макрогамия** – қ. гологамия.

**Макрогаметангий** – мегагаметалар (макрогаметалар) ҳосил бўладиган гаметангий.

**Макрогаметалар** – урғочи жинсий хужайралар, эркакларидан каттароқ бўлади.

**Макрогаметоцит** – бир хужайрали организмни жинсий жараёнга тайёрлиги.

**Макрогаметофит** – гулли ўсимликларнинг эмбрионал халтачаси.

**Макрозооспоралар** – улотрикс (*Ulothrichales*) сувўтларидаги катта зооспора.

**Макрозооспора** (*macrozoospora*) - баъзи тубан замбуруғларнинг ва кўпчилик сувўтларнинг нисбатан йирикроқ споралари. Бу спораларнинг махсус тебраткичлари бор, шунинг учун улар ниҳоятда ҳаракатчандир.

**Макроконидиялар** – микроконидиялардан катта одатий вақтда ҳосил бўлмайдиган конидия.

**Макромерлар** – зиготанинг пастки қисмидан ҳосил бўладиган хужайралар. Микромерлар деб аталадиган хужайралардан суюқроқ плазмали, каттароқ ўлчамли бўлади.

**Макронуклеус, йирик мағиз** (*macronucleus*) - хужайранинг йирик мағизи. Бунинг акси макронуклеус (қ.) дир.

**Макрорельеф** – тоғлар, чўкмалар, тоғлар оралиқлари.

**Макросклереид** – одатда дуккакдошлар оиласи ўсимликларининг уруғини эпидермисида кўп учрайдиган, хужайра пўсти иккиламчи нотекис йўғонлашган чўзиқ, склереид.

**Макросклереидлар** – чўзиқ, цилиндрсимон хужайрасини пўсти қалин одатда сидирасига эпидерма қават ҳолида жойлашадиган хужайралар.

**Макроспора** – 1. Яшил сувўтлардан улотриксларда (*Ulothrichales*) жинсий кўпайишда юзага келадиган тухумсимон йирик хужайрасининг олдинги қисмида стигмаси (кўзча) бўлган тўрт хивчинли спора 2. *Fusarium macrosporium*, *Raecilomyces* замбуруғларида, плаунлардан *Selaginellales* тартибидан *Salvinia natans* L. ўсимлигида юзага келадиган катта спора; 3. Гулли ўсимликларнинг гул тугунчасидаги уруғкуртакни ҳосил бўлишини бошлаб берадигани. 4. Яшил сувўтлардан *Ulothrix* туркумининг вакилларида жинсий кўпайишда юзага келадиган тухумсимон йирик хужайрасини олдинги томонида стигмаси бўлган тўрт хивчинли спора. Қ. оогоний, мегаспора.

**Макроспора, мегаспора** - хар хил (катта-кичик) спорали ўсимликларнинг нисбатан йирик спораси. Макроспоралар мегаспорангийлар ичида таракқий этади. Мағизи гаплоид хромосомлидир. Макроспоранинг ўсиб чиқиш жараёни-



да анча редукцияланган (кучсизланган) урғочи гаметофит тараққий этади. Ёпик уруғли ўсимликларда макроспора уруғкуртак ичида ўсади (мегаспорангий).

**Макроспорангий, мегаспорангий** - турли спорали юксак ўсимликларнинг макроспоралар ривожланадиган спорангийси.

**Макроспорангий** – 1. Спорали ўсимликларда макроспоралар (мегаспоралар) ҳосил бўладиган жой 2. Гулли ўсимликларда муртак халтачасининг ҳосил бўлишини бошлаб берадиган гинецейдаги (нуцеллус) тўқима.

**Макроспориоз** – тоқ, картошка, помидор, ғўза каби ўсимликларда қора ғуборли, жигарранг қизғиш-кўнғир доғлар ҳосил қиладиган турли замбуруғлар қўзғатадиган касаллик.

**Макроспорогенез** – ўсимликларда катта споралар (мега ёки макроспораларни) ҳосил бўлиш жараёни.

**Макроспорофилл** – макроспорангий ҳосил бўладиган шакли ўзгарган барг.

**Макроспорофилл** – қ. мегаспорофилл.

**Макроспорофилл, мегаспорофилл** - тенгсиз спорали юксак ўсимликларнинг макроспорангийлари (спорачи органлари) тараққий этадиган барги.

**Макрофилл, йирик барг** - ҳажми, япроғи катта барглар. Макрофилл дейилганда кўпинча йирик баргли ўсимликлар ҳам англашилади.

**Макрофанерофитлар** – қ. мегафанерофитлар.

**Макрофибрилл** – ёруғлик ёрдамида фойдаланиб, микроскопда кўринадиган микрофибриллар.

**Макрофиллия** – ўсимликда катта баргларнинг ҳосил бўлиши.

**Макрофит** – кўп хужайрали йирик талломли сувўт.

**Макрофитлар** – кўп хужайрали катта талломли сувўт.

**Макроциста** – ёт плазмодийни (*Muchomycata* вакилларида) тиним ҳолати, склероций ҳам дейилади.

**Макроцистида** – базидиомицетлардан *Russulales* тартибига мансуб замбуруғлардаги цистид. Улар анча узун, урчуқсимон, учи турлича шаклдаги ўсимтали, кўп ҳолларда сутли йўллар билан боғланган.

**Макроцитлар** – 1. Кўк-яшил сувўтларнинг ипсимон тузилганларини айримларидаги катта беўхшов хужайра. 2. Баъзи кўк яшил сувўтларнинг ипсимон талломидаги хужайраларнинг бир хили. Улар шу ипсимон талломдаги бошқа хужайралардан йириклиги ва ғайри нормал тараққий этганлиги билан фарқ қилади. Бундай сувўтлар шу макроцитлар ўрнидан узилиб бўлакланади ва шу йўл билан вегетатив урчийди.

**Макулалар** – айрим лишайниклар талломининг устки юзасидаги оқ доғлар (*Parmeliaceae* оиласига мансуб лишайникларда).

**Малакофилия** – гулли қориноёқли моллюскалар ёрдамида чангланиши.

**Малина, хўжағат (*Rubus*)** - раънодошларнинг *Rubus* туркумига мансуб *Idaeobatus* туркумчаси. Ярим бута шаклидаги бу ўсимликнинг ер ости илдиз системаси ва илдизпоялари кўп йиллик, ер усти новдалари эса икки йилликдир. Барглари тоқ, патсимон; новдалари кўпинча тиканли. Гуллари икки жинсли, оқ, шингилсимон ёки қалқонсимон тўпгулларга йиғилган. Ҳосили қизил, сариқ ёки бинафша, мураккаб данакли мева.

**Маллачой** (*Lallemantia royteana* (Wall.) Benth.) – лабгулдошлар оиласига мансуб, чўл адирда ўсадиган, доривор, эфир мойли бир йиллик ўт.

**Мальтаза** (*maltase*) - мальтаза дисахариднинг  $\alpha$  глюкозидли бирикмасини узувчи фермент. Ҳайвон ва одам меъдаси ширасида ва униб чиққан дон ёки моғор замбуруғларда ҳамда кўпчилик ачиткиларда бўлади. Ачитки мальтазаси мальтозадан ташқари  $\alpha$ - метилглюкозидни ва  $\alpha$ - фенилглюкозидни ҳам парчалай олиш хусусиятига эга. *Aspergillus oryzae* каби моғор замбуруғларда бундай хусусият йўқ.

**Мальтоза** (англ. *maltose*) - Дисахаридлар гуруҳига мансуб углевод, 1, 4-глюкозид-глюкоза:  $C_{12}H_{22}O_{11}$ . Кислоталар билан гидролиз қилиш жараёнида ва мальтаза ферменти таъсирида 2 молекула глюкозага парчаланиб кетади. Турли организмларда амилаза ферменти таъсири туфайли крахмал ва глюкогендан ташкил топади. Тами ширин мальтоза униб чиқаётган арпа, сули ва бошқа ғаллалар уруғида, лавлаги (барги билан), соя дуккакларида ва ҳайвонот организмларида учрайди. Пиво ва вино тайёрлашда крахмалнинг гидролизланишидан ҳам мальтоза ҳосил бўлади.

**Мамилла** – мохлар япроғини қоплаган ичи ғовак ўсимталар.

**Мамонт дарахт** (*Sequoiadendron giganteum* Lindl.) – таксодиядошлар оиласига мансуб ватани шимолий Американинг Калифорния штатида ўсадиган, бўйи 50-100 м келадиган манзарали дарахт.

**Мамонтдарахт, секвойя** (*Sequoia*) - таксоддошларга мансуб игнабаргли ва бир уйли дарахтлар туркуми. Шимолий америкада, калифорнияда ўсади. Бўйи 100-150 м га, танасининг диаметри 6-12 м га етади. 2-4 минг йил яшай олади. Ёғочи мустаҳкам бўлиб, бинокорликда, гидротехник иншоотларда, шпаллар, телеграф сим-ёғочлари сифатида ва мебель саноатида ишлатилади.

**Маммалихория** – уруғ ва меваларни сут эмизувчи ҳайвонлар ёрдамида тарқалиши.

**Маммилозлик** – поябаргли мохларда япроқ хужайраларининг ташқи деворини бирикиши.

**Манго** (*Mangifera*) - анакарддошларга мансуб тропик дарахтлар туркуми. Асосан, жанубий осиеда учрайди. 30 га яқин тури маълум. Шулардан *Mangifera indica* тури кўпроқ тарқалган. Барглари текис қирғоқли, ёрқин тусли, гуллари икки уйли. Бодринг ёки кичикроқ қовун шаклидаги меваси узун мевабандларда осилиб туради. Бу меванинг битта уруғи бор. Ширин эти зарғалдоқ тусда.

**Мангольд** (*Beta vulgaris*) - баргли лавлаги, экма лавлагининг турчаларидан бири.

**Мангра ўрмон** (англ. *mangrove*) - океан, очик денгиз ва дарёлар қирғоғидаги балчиқларда ўсадиган кичикроқ дарахт ва буталар. Балчиқ остига жойлашган илдизлари ва нафас олиш учун хизмат қилувчи ер устки илдизлари (пневматофорлари) бор.

**Мангро дарахтлар** – 24 турга яқин 8 оилага мансуб, мангро ўрмонлари деб аталадиган, тропик денгизларнинг атрофларидаги бир неча минг гектар майдонларни эгаллаган дарахт ва буталар.

**Мангостан** (*Garcinia mangostana*) - чойдошларга мансуб мевали тропик дарахт. Асосан, жанубий осиеда ўсади. Бу дарахт бир вақтнинг ўзида ҳам гул-

лайди, ҳам мева тугади. Меваси тўқ-қизил ва ширин, этдор бўлиб, кичикроқ апельсинга ўхшайди.

**Мандарин** (*исп. Mandarin лот. Citrus nobilis*) - рутадошларнинг апельсинлар туркумига мансуб доим яшил субтропик ўсимликлар тури.

**Мандарин мева** (*Lucuma mammosa Gaerth.*) – сапотадошлар оиласига мансуб, тухумсимон мевасининг узунлиги 8-12 см келадиган, бўйи 9-12 метрли дарахт.

**Мандрагора, меҳригиёх** (*Mandragora*) - томатдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари йирик-йирик, гуллари якка-якка. Меваси сариқ ёки зарғалдоқ. Турли органларида гиосциамин ва скополамин алкалоидлари мавжуд.

**Манжетсимон соралий** – лишайниклардаги қадимги доирасимон манжеткаларга ўхшаб кетадиган соралий (*Menegazzia patuza (Shrank.)Stein.* лишайнигида).

**Манжитка** – соябонсимон замбуруғларнинг соябонини бандидаги юқориги халқа.

**Манзара, кўриниш, ландшафт** - маълум бир майдонда турли ўсимликлар юзага келтирган кўриниш, манзара (қ. Аспект).

**Манил қовиғи** - тропик мамлакатларда ўстириладиган бананнинг баргидан олинадиган тола. Бу толадан арқон тайёрланади.

**Маниок, маниот** (*Manihot*) - сутламадошларга мансуб ўсимликлар туркуми. 130 га яқин тури бор. Асл ватани жанубий америка тро-пикларидир. Тропик мамлакатлардаги кўпгина муҳим экма ўсимликлар маниокларга киради. Булардан, айниқса, мевали маниок номли доим яшил бута кўпроқ тарқалган (айниқса, жанубий америкада ва африкада). Барглари панжасимон ўйма, гуллари кўкиш-сариқ, бир жинсли тўпгулларга йиғилган. Меваси - кўсакча. Поясининг қуйи қисмида узунлиги 30-40 см ва оғирлиги 15 кг га етадиган туганаксимон илдизи бор. Илдизи таркибида крахмал бўлиб, бу крахмалдан ун тайёрланади. Қуритилмаган илдизида заҳарли глюкозид бўлади. Шунинг учун уни қайнатиб, қовуриб ёки қуритиб заҳари йўқотилади. Баъзан илдизидан тапиока тайёрландиган крахмал ҳам олинади. Жанубий бразилияда бу туркумнинг сифатли каучукдор тури (*Manihot Glazioviii*) ҳам бор.

**Маннит** – кўнғир сувўтларнинг хужайрасидаги фотосинтез маҳсулоти ҳисобланадиган моддалар алмашинувида муҳим аҳамиятга молик вазифаларни бажарадиган олти атомли спирт.

**Маноксил поя** – очик уруғли ўсимликлардаги йўғон ўзакли, нисбатан ривожланмаган ва ғовак ёғочликни ва қалин пўстлоқли поя. Бундай поя саговникларга хос.

**Маноксил поя** – саговниклардаги йўғон ўзакли ва яхши ривожланмаган иккиламчи ёғочлик, қалин пўстлоқли поя.

**Мантия** – апикал меристеманинг қаватли ҳолда жойлашган хужайраларидан иборат ташқи қавати.

**Манчжур флора элементи** – ареали ёки ареалини катта қисми Манчжурияда бўлган ўсимликлар турларининг гуруҳи.

**Маразминлар** – юксак ўсимликларнинг қуриб қолишига сабаб бўладиган, микроорганизмлар, замбуруғларда ҳосил бўладиган моддалар алмашинувининг маҳсулотиди.

**Мараттиопсидлар** – папоротниклар бўлимининг синфи.

**Мараттиянамолар** (*Marattiales*) - қирққулоқтоифага мансуб ўсимликлар қабиласиди. Фақат мараттиядошлар (*Marattiaceae*) номли битта оиласиди бор. Бу ўсимликлар анча йирик, баъзиларининг илдизпояси тик (вертикал), баъзиларида эса ётиқ (горизонтал). Бу илдизпоялар ё тупроқ орасиди ёки ер устида (1 м гача баландликда) тик ўсади. Шакли тугунакларга ўхшайди. Барглари ҳам анча катта (баъзи турларида 3-5 м), патсимон ёки панжасимон. Барг бандлари асосиди иккитадан йирик-йирик ёнбаргчалар бор. Бу ёнбаргчалар барглари тўкилгандан кейин ҳам барг бандларида сақланади. Уларнинг спорангийлари баргнинг остки томониди жойлашган. Бу спорангийлар эпидермис ва субэпидермис хужайралар гуруҳидан таракқий этган. Кўпгина мараттиянамоларда спорангийлар тўташиб ўсган ҳолда синангийларни ташкил қилади. Мараттиядошларнинг 5 та туркуми (70 га яқин тури) бор.

**Марваридгул** (*Convallaria majalis* L.) – пиёздошлар оиласига мансуб доривор, кўп йиллик ўт.

**Марварид дарахт** (*Halesia carelina* L.) – стирасиодошлар оиласига мансуб, бўйи 8-10 м келадиган, шох-шабалари кенг ёйилган бута.

**Марваридгул, ландиш** (*Convallaria*) - лоладошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми. Барглари йирик, остидан чиқади; гуллари шингил бўлиб тўпланган, оқ, хушбўй.

**Марги мўх** (*Verbascum songoricum* Schrenk.) – сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, доривор бир йиллик ўт.

**Маргинал жойланиш** – қадимги папоротникларда спорангий баргнинг чекка қиррасиди жойланганлиги.

**Маргинал инициал** – ўсаётган япроқ қиррасининг четидидаги протодермани шаклланишида иштирок этадиган хужайра.

**Маргинал меристема** – барг ҳосил бўладиган бўрттик (примордий) чекка-сидидаги меристема.

**Маргинал плацента** – мевабаргга яқин жойлашган бирмунча мураккаб тузилишли плацента.

**Маргинал спорангий** – папоротникларда япроқ қиррасиди жойлашган спорангий.

**Маргинал қават** – япроқда протодермани ҳосил қилувчи қават.

**Маржон дарахт** (*Sambucus nigra* L.) – шилвидошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда экиладиган манзарали дарахт.

**Маржондарахт** (*Sambucus*) - Шилвинамолар (учқатлар) га мансуб ўсимликлар туркуми. Тоқ патсимон баргли кичик дарахтлар, буталар ва баъзан кўп йиллик ўтлар шаклида учрайди.

**Марказий тешик** – диатом сувўтлар палласининг (*Pennatophyceae*) ўртасидидаги тешик.

**Марказий тўда** (*fasciculus concentricus*) - органлардаги бир хил тўқималарнинг бошқа хилдаги тўқималар билан ўраб олиниши натижасида ҳосил бўлган ўтказувчи тўдалар.

**Марказий цилиндр** – илдиз ва поядаги ўтказувчи тўқималарнинг номи. Қ. стела.

**Мармарак** (*Salvia spinosa* L.) – лабгулдошлар оиласига мансуб адирда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Мармар дарахт** (*Aucuba japonica f. picturata* Rhed.) – корнациядошлар оиласига мансуб, хазонрезгисиз, ватани Япония, Кореянинг жануби бўлган, бўйи 3-5 метрли бута.

**Марсилеелар** – папоротниклар бўлими полиподиопсидлар синфи, марсилеидлар кенжа синфининг тартиби.

**Марсилия** (*Marsilia*) - турли спорали қирққулоқларга мансуб кичикроқ ўт ўсимликлар туркуми. Поялари ёйилиб ўсади. Узун бандча-ларида бир-бирига зич жойлашган икки жуфт япроқчалардан иборат барглари бор. Ботқоқларда ўсади.

**Марсуний** – жигармохлардаги усти ризоидлар билан қопланган, ичи шилимшиқли, сўрғичли, унда уруғланганидан кейин муртак ривожланади.

**Марши** – денгизлар қирғоқларидаги унумдор ўтлоқли пасттекисликлар. Нидерландия, Германия, Буюк Британия, Дания ва Францияда АҚШнинг шарқида ва жанубида тарқалган.

**Маршанция** (*Marchantia*) - жигарсимон мохларга мансуб ўсимликлар туркуми; улар кичик-кичик талломли бўлиб, ерга ёйилиб ўсади. Талломининг остки қисмидан ингичка ризоидлар етишиб, илдиз вазифасини бажаради. Бундан ташқари, таллом остидан тангачасимон пардалар ҳам ўсиб чиқади.

**Маршанциялар** – жигармохлар синфидан кенжа синф.

**Маршанцияномолар** (*Marchantiales*) - жигарсимон мохларга мансуб қабилалардан бири. Барчаси ҳам ерда ёйилиб ўсувчи лентасимон талломли. Улар бир-бирига жуда ўхшаш, фақат айрим кичик белгилари би-лангина фарқ қиладилар.

**Марям дарахти** (*Vitex agnus-costus* L.) – тизимгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган маданий манзарали дарахт.

**Маскет** – Шимолий Америкадаги унчалик баланд бўлмаган дарахтлар ўсадиган торфли ботқоқлик.

**Масляк** (*Boletus luteus*) - пластинкачиларга мансуб бир неча тур ейишли замбурурларнинг умумий номи. Бундай замбуруғларнинг эрта етилувчи *Boletus* ёки *Ixocomus granulatus*, кеч етилувчи *Boletus* ёки *Ixocomus luteus* ҳамда *Boletus* ёки *Ixocomus elegans* номли турлари бор. Биринчи икки тури қарағай ва қорақарағайлар остида, учинчиси эса тилоғоч тагида ўсади. Ҳаммаси ҳам ўзлари жойлашган ердаги дарахтларда микоризалар юзага келтиради. Айниқса, нинабарглари ўрмонларда кенг тарқалган.

**Мастак** (*Lolium temulentum* L.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адир, воҳа суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Мастигонема** – бир хужайрали хивчинли сувўтлар, зооспора, гаметаларнинг хивчинини қоплаган, узунлиги 2-3 мкм ингичка туклар.

**Мастигонемалар** – 1. *Coleochaetaceae* оиласи сувўтларининг хивчинларини устидаги жуда нозик ўсимталар 2. Материк ўтлоқлари текисликларидаги ўтлоқлар.

**Мастика дарахт** (*Pistacia lentiscus* L.) – Ўрта денгиз атрофида ўсадиган, бўйи 3 м атрофидаги дарахт.

**Масулла** – папоротниклардан *Salvinia natans* ўсимлигида қотиб қолган плазматик масса.

**Маташувчилар, конъюгатсимонлар** - яшил сувўтлар тоифасининг маташувчилар синфи. Бу сувўтларда жинсий жараён организмларнинг (хужайраларнинг) маташуви (қ. Конъюгация) орқали юз беради.

**Матрикс** – 1. Хужайранинг бир қатор тузилмалари цитоплазма, ядро кабиларнинг асосий моддаси 2. Замбуруғ ўсаётган муҳит 3. Хужайра тузилмаларининг оралиғини тўлдириб турган гамоген ёки жуда майда донатор модда.

**Матроклия** – дурагайларнинг она авлодга ўхшашлиги.

**Матроморфия** – отанинг ҳеч қандай белгиларини олмай дурагайни фақат онанинг белгиларига эга бўлиши.

**Матгалар** – алп, паст бўйли ўтлоқлар. Альпда, Кавказда, Тянь-Шанда ва бошқа жойларда тарқалган.

**Махагония, қизил дарахт** (*Swietenia machagoni*) - Мелиядошларга мансуб доим яшил дарахт.

**Махаллий нав** - бирор экинни маълум шароитда узок вақт давомида ўстириш жараёнида, табиий танланиш таъсири остида ва сунъий танланишнинг энг содда усулларини қўллаш натижасида яратилган нав.

**Махорка, поя тамаки** (*Nicotiana rustica*) - томатдошларга мансуб бир йиллик ўсимлик. Пояси қиррали ва тик (1 м га етади). Илдиз системаси анча таракқий этган. Барглари юраксимон, гуллари икки жинсли ва сариқ ёки кўкиш-сариқ, рўваксимон тўпгулга йиғилган. Меваси икки уяли ва кўп уруғли кўсакча.

**Махсар** (*Carthamus tinctorius* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, эфир мойли, суғориладиган ерларда экиладиган бир йиллик ўт.

**Махсус боғлам** – пояни ўзидаги, баргга ўтмайдиган боғлам.

**Махсус шиллик** – десмидия сувўтларда (*Chlorophyta*) хужайранинг ҳаракатини таъминлайдиган шиллик.

**Мацерация** – тўқимадаги хужайралар деворини оралиғидаги моддаларни ферментлар таъсири ёки кимёвий эришидан уларни ўзаро ажралиб қолиши.

**Мацерация** (*maceratio*; лат. *macero* - юмшатиш) - ҳайвонот ва ўсимлик тўқималарини пишириш, юмшатиш ёки айрим хужайраларга пар-чалаб юбориш мақсадида ҳўллаш. Мацерация баъзи скелетларни ёки айрим гистологик препаратларни тайёрлашда ҳамда толали ўсимликларни ишлашда (зирир, каноп кабиларни ҳўллашда) қўлланилади.

**Мачин** (*Amaranthus blitum* L.) –мачиндошлароиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, бир йиллик ўт ўсимлик.

**Мачиндошлар, гултожихўроздошлар** (*Amaranthaceae*) - икки уруғ паллалларга оид ўт ёки буталар оиласи.

**Маҳсулот захираси** – ўсимликлар уюшмасини маълум майдонда ёки ҳажмда тўплаган органик моддасининг миқдори.

**Мағизнинг бўлиниши, ядронинг бўлиниши** - мағизнинг оддий ёки мураккаб усулда бўлиниши.

**Меватана** – кўпчилик халтачали, базидияли замбуруғларда мицеллий гифаларининг чигалидан ҳосил бўлган споралар ҳосил қиладиган тана.

**Мева-ханжар** – *Ozoxylon indicum* дарахтининг узунлиги 0,6-1,2 м, эни 8 см атрофидаги эгик кўринишли меваси.

**Мевачилик** – қишлоқ хўжалигини мева олиш мақсадида мевали дарахтлар ва резавор мевали бута ўсимликлар экиш билан шуғулланадиган соҳаси. Мевачилик: 1) данакли, уруғли ва ёнғоқ мевалар етказиш, яъни асл мевачилик; 2) резавор мевали бута ўсимликлар экиш билан шуғулланиш; 3) субтропик мевалар экиш; 4) цитрус мевалар экиш; 5) питомникларда кўчат етиштириш билан шуғулланади.

**Мега ...** – “катта”, “катта ўлчамли” маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Мегагамета** – урғочи жинсий гамета.

**Мегагаметофит** – ўсимликнинг урғочи авлоди. Турли спорали ўсимликларда мегаспорадан ривожланади.

**Мегагаметофит** - ҳар хил спорали ўсимликларда мегаспорадан ҳосил бўладиган йирик гаметали урғочи жинсий бўғин, насл. қ. Гаметофит.

**Мегакарпия** – мевани меъеридан катта ҳажм, оғирликларда бўлиши.

**Мегасорус** – папоротниклардан *Salviniaceae* оиласига мансуб ўсимликларда микро спорангий етишадигани.

**Мегаспора** - ёш уруғкуртадаги археспора хужайраларининг мейоз бўлиниш натижасида ҳосил бўлган 4 та споранинг йириги. Унинг ривожланишидан муртак халтаси ҳосил бўлади.

**Мегаспорогенез** - эмбрион халтачасининг тараққиёти ва тузилиши.

**Мегаспорангий** (нуцеллус) – очик уруғлилардаги майда паренхима хужайралардан иборат дўмпайма. Бу дўмпайма кейин интегументга айланади.

**Мегаспорофилл** – папоротниклар ва уруғли ўсимликлардаги изли ва тирқишли йирик япроқ.

**Мегаспороцит** – муртак халтадаги мега спора бўлиб уни бўлинишидан тўртта мегаспора ҳосил бўлади.

**Мегатерм ўсимликлар** – юқори ҳароратни талаб қиладиган ўсимликлар (тропиклардаги ўсимликлар).

**Мегатерм ўсимликлар** – қ. термофил ўсимликлар.

**Мегафанерофитлар** – янгиланиш куртаклари ердан 30 м баландликда бўлган дарахт ҳолидаги ўсимликлар.

**Мегафанерофит, баланд дарахтлар** - бўйи 30-35 м га етадиган йирик дарахтлар.

**Медиан ёнбаргчалар** – япроқ банди ва новда орасида биттадан жойлашган ёнбаргчалар.

**Медиан яссилик** – гулли новда, гулни ўрта қисми ва ўровчи барг япроғини ўртасидан тиккасига ўтказилган яссилик.

**Медиоген микроценозлар** – уюшманинг ички муҳити билан бевосита боғлиқ микроценоз, масалан, мохлар микроценози.

**Медиопатия** – 1. Биоценотик ёки фитоценотик муҳитни ўзгариши билан организмларни бир-бирига бевосита бўлмаган ҳолдаги таъсири. 2. Ценопопуляцияларнинг ўзаро фитоценозини ўзгартириб фаол ҳолда таъсир кўрсатиши.

**Медуляр йўғонланиш** – поя ўзагини йўғонланиши. Баъзан пўстлоқ ва ўзак бир хил даражада ривожланади.

**Медуляр эксципул** – халтачали замбуруғлардан дискомицетлар (*Discomycetales*) тартибига мансубларида апотецийлардаги икки эксципулнинг ташқиси.

**Мезантлар** – 1. Вегетация даврининг ўрталагшда гуллайдиган ўсимликлар. 2. Мўътадил иқлимли шароитдаги гуллаши вегетациясининг ўрта даврига тўғри келадиган ўсимликлар.

**Мезарх ёғоч, ўрта ёғоч** - Шаклланиб келаётган ўтказувчи тўдалар марказида ҳосил бўладиган ёғоч.

**Мезарх ксилема** – бирламчи элементлари боғламни ўртасидан, кейингилари уни атрофида ҳосил бўладиган ксилема.

**Мезо...** – “ўрта”, “оралиқ” маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Мезогамия** – 1. Чанг найини муртак халтача халаза ва микропиле орқали кириши 2. Қўш уруғланишнинг ўзига хос ҳолати, псевдогамияга ўхшаб кетади. Битта спермий поляр ядро билан қўшилиб, эндосперм ҳосил бўлишини бошлаб беради, иккинчиси диплоид тухум хужайрага бориб у билан қўшилмайди, йўқолиб кетмайди, тухум хужайра цитоплазмасида тирик қолади. Кейин диплоид тухум хужайра бўлиниб, икки хужайрали муртакка айланади. Бу вақтда спермийнинг гаплоид ядроси ҳам бўлиниб, анча кичкина иккита ядрони ҳосил қилади, улар муртакда қолади. Бу жараёнлар мезогамия ҳисобланади. 3. Чанг найчасининг уруғкуртакка ён томондан кириши. Масалан, қовоқлар (кадилар) да.

**Мезогалин** – шўрланганлиги 5-18% бўлган сув ҳавзалари.

**Мезогалин ўсимликлар** – полигалин ва олигогалин гуруҳлар оралиғидаги шароитларнинг ўсимликлари.

**Мезогалофитлар** – шўрланиши ўртача даражада бўлган тупроқларда ўсадиган ўсимликлар.

**Мезогидрофитлар** – мезофитлардан кўра намроқ, бироқ гидрофитлардан курукроқ шароитларда ўсадиган ўсимликлар.

**Мезогалофит, чалашўр ўсимликлар** - таркибида маълум миқдорда (ўрта меъёрда) туз бўлган тупроқда ўсувчи ўсимликлар.

**Мезозой эра** - ердаги ҳаёт тараққиётининг ўрта этапи. Бу эра қарийб 185 млн. йил аввал бошланиб 115 млн. йил давом этган. Мезозой эрадан олдин палеозой эра бўлиб ўтган. Мезозой эрадан сўнг эса кайнозой эра бошланиб, у ҳозирги даврни ўз ичига олади. Мезозой эра триас даври (системаси), юра даври (системаси) ва бўр даври (системаси) каби уч даврга бўлинади. Мезозой эранинг дастлабки (триас) даврида денгизлар сурилган, турли континентал қатламлар пайдо бўлган. Бу даврда ер, ҳаво ва сувда судралиб ёки учиб яшовчи умуртқали ҳайвонлар (бу ҳайвонларнинг кўпчилиги, масалан, динозаврлар, петрозаврлар ва бошқалар жуда катта гавдали бўлганлар) ва аммонитлар каби



умуртқасиз ҳайвонлар кўп тарқалган. Ҳа ҳавр учун характерли бўлган ўсимликлардан гингонамолар ва цикаснамоларни кўрсатиш мумкин. Ёпиқ уруғли ўсимликлар, қушлар, халтали ва плацентар сут эмизувчилар ҳамда кўпчилик сув ҳайвонлари гуруҳлари ҳам дастлаб мезозой эрада пайдо бўлган. Бу даврда тинч океан соҳилларида тоғлар пайдо бўлиши жараёнлари ҳам рўй бериб турган.

**Мезокариотлар** – ҳужайрасининг тузилишига кўра прокариот ҳамда эукариот ҳужайраларга ўхшаб кетадиган организмлар. Мезокариотларда аниқ шаклланган ядро бўлади, унинг тузилишида нуклеоидга хос оддийлик, соддалик белгилари бор. Бундай ҳолат ҳужайранинг бошқа тузилмаларида ҳам мавжуд. Мезокариотларга динофит сувўтлар мансуб.

**Мезокарп** (*mesocarpium*) - ўсимликлар мевасидаги ўртанча қават. Баъзи ўсимликлар гулидаги тугунча етилгандан сўнг бир-биридан фарқ қилувчи уч қаватли мевага айланади. Бунда ташқи қават экзокарп деб, ички қават эндокарп деб ва ўрта қават мезокарп деб аталади. Баъзи ўсимликларда эса фақат икки қават (масалан, шафтоли, ўрик, гилос, бодом, ёнғоқларда) бўлади.

**Мезокарпий** – меванинг ташқи ва ички қаватларининг ўртасидагиси. У турлича ифодаланган, масалан, *Cerasus* туркумининг ўсимликларида этли, серсув бўлади. *Juglans* туркумининг мевасида толали бўлади.

**Мезокомплекс** – бир тип комплексни бошқаси билан алмашилиши.

**Мезокотил** – ғалладошларга мансуб ўсимликларнинг муртак поясидаги колеоптил жойлашган жой.

**Мезокотиль** - энди ўсиб келаётган ёш ўсимлик бош ўқининг гипокотиль (қ.) ва эпикотиль (қ) ўртасида жойлашган қисми.

**Мезоксерофит, ўртанча қурғоқ ўсимлик** - ўртанча қурғоқ, шароитда ўсишга мослашган ўсимликлар.

**Мезоксерофитлар** – мезофитлардан қуруқроқ, бироқ ксерофитлардан намроқ тупроқ шароитида ўсадиган ўсимликлар.

**Мезоксилофитлар** – мезофитлар ўсадиган шароитдан нордонроқ, ксилофитлардагидан пастроқ шароитда ўсадиган ўсимликлар.

**Мезом** – юксак ўсимликлар танасидаги бўғимлар ораси.

**Мезон** – псилофитлар талломидаги стерил банд.

**Мезоперидий** – базидиомицет (*Basidiomycetes*) замбуруғлардан *Gasteromycetales* тартиби вакилларида перидийнинг олдинги қавати (*Phalaceae* оиласи замбуруғларида).

**Мезоплазма** – 1. Протоплазманинг асосий қисми; ҳужайра қобиғидан плазмалемма билан, вакуоладан эса тонопласт билан ажралиб туради. 2. Цитоплазмани плазмолемма пўстидан вакуола пўсти – тонопластидан биров қочган асосий массаси.

**Мезопланктон** – катталиги 5 мм гача бўлган организмлардан иборат бўлган планктон.

**Мезопод** - ниҳолнинг дастлабки барглари ўртасидаги бўғим оралиғи.

**Мезоподий** – поядаги барглар орасидаги бўғим оралиғи.

**Мезопсихрофит** - ўртанча совуқ ва намликка мослашган ўсимликлар.

**Мезосапроблар** – 1. Органик моддаларга у қадар бой бўлмаган сувларда яшовчи организмлар. 2. Органик моддалар билан ўртача даражада ифлосланган сув ҳавзаларида ўсадиган ўсимликлар ва яшайдиган ҳайвонлар. Улар икки гуруҳга  $\alpha$ -мезосапроб кўпроқ ва  $\beta$ -мезосапроб камроқ ифлосланганларга бўлинади.

**Мезосапроб зона** – парчаланмаган оқсил йўқ, водород сульфид кам, кислороди бор, сувда аммиак, амина- ва амидокислоталари бўлади. Мезосапроб зона  $\alpha$  ва  $\beta$  – мезосапроб зоначаларга бўлинади. Биринчисида амина- ва амидокислоталар учрайди, кислород бор, *Oscillatoria* Vauch., *Phormidium* Kutz. ўсади. Кейинги зоначада *Melosira* Ag., *Diatoma* D.C. *Navicula* Bory., *Cosmarium* Corda ex Rolfs, *Spirogyra* Link., *Cladophora* Kutz., *Scenedesmus* Meyen учрайди.

**Мезосома** – 1. Зангкуя замбуруғининг (*Uredinales*) икки хужайрали телиоспоралари орасида учрайдиган бир хужайрали телиоспора. 2. Бактериянинг хужайраси деворини ичига ботиб киришидан юзага келган найсимон, ноксимон, халтасимон мембрана тузилишли ҳосила.

**Мезоспорий** – зиготанинг пўстидаги ўрта қават (яшил сувўтлардан *Desmidiaceae* тартибининг вакилларида).

**Мезотениялар** (*Mesoteniales*) – хужайралари сегментланмаган, силлик, баъзилари оҳакли, пўстли, эллипс, урчуқ ёки цилиндр, таёқдек, айримлари эгилган, ўртасида сиқиклик йўқ, биттадан ёки шиллик билан ўралган колония ҳолидаги (*Chlorophyta*, *Conjugatophyceae*) тартиби.

**Мезотерм сувўтлар** – юқори ҳароратли сувларда, айниқса оддий ҳарорат шароитида кўплаб биомасса ҳосил қиладиган сувўтлар.

**Мезотерм ўсимликлар** – ривожланишлари учун мўътадил ҳароратни талаб қиладиган ўсимликлар.

**Мезотония** – ўсимликнинг асосий шохларини унинг ўрта қисмида бўлиши.

**Мезотроф ўсимликлар** – тупроқда озик моддалар ўртача даражада бўлган шароитда ўсадиган ўсимликлар. Эвтроф ва олиготроф ўсимликлар оралиғини эгаллайди.

**Мезофанерофитлар** – шртача баландликдаги дарахтларнинг ҳаётий кўриши.

**Мезофанерофит, ўрта бўйли ўсимлик** - бўйи 8-30 м га етадиган дарахтлар.

**Мезофил** - Ўртача намликни хоҳловчи (қ. Мезофит).

**Мезофилл** (*mesophyllum*) – 1. Ўсимлик баргининг этдор қисми ёки асосий тўқимаси. 2. Япроқ анатомиясида ўрта қисмини эгаллаган унда хлорофилл жамланган фотосинтез амалга ошадигани, юқори ва пастида эпидерма жойлашади.

**Мезофилнинг букламали хужайраси** – япроқ мезофилидаги пўстининг ички томонида буклама ёки ўсиқлари бўлган япроқ хужайраси.

**Мезофит** (*mesophyton*) - ўртача намлик шароитда яшовчи ўсимликлар, гигрофит ва ксерофитларга нисбатан сувга ўртача талабгор ўсимликлар.

**Мезофитлар** – 1. Мўътадил (етарли) даражада намланган тупроқ шароитида ўсишга мослашган ўсимликлар 2. Ерда ўсимликлар қопламанинг эволю-

циясида палеофит ўрнига келган кайнофит ҳосил бўлишини асословчи босқич.  
3. Ўртача даражада намланган шароитда ўсадиган гигрофит ва ксерофит характерлилар оралиғидаги ўсимликлар гуруҳи.

**Мезохитон** – қўнғир сувўтлардан *Fucales* тартиби сувўтларининг оогонийсидаги уч қаватли пўстни ўртадагиси.

**Мезоэкзина** – микроспорадаги эктэкзина ва эндэкзина қаватларининг ўртасидагиси.

**Мейер лимони** (*Citrus limon*) - лимон билан апельсин гибриди; кичикроқ дарахт ёки бута. Новдалари тикансиз. Меваси юпқа пўстли ва ширадор этли бўлиб, лимонга қараганда нордонсизроқ.

**Мейоз** – 1. Етилмаган жинсий хужайралар ядросининг икки марта бўлиниши натижасида хромосомалари гаплоид бўлган 4 гамета ҳосил бўлади. 2. Гаметаларнинг етилиш усули, етилмаган жинсий хужайранинг бўлиниши натижасида хромосомалар миқдорининг икки ҳисса камайиши. Мейоз натижасида хромосомаларнинг гаплоид тўпламга (n) эга бўлган етук жинсий хужайралари ҳосил бўлади ва жинсий кўпайишда ҳар бир турнинг хромосомалари сонининг доимийлиги сақланади.

**Мейоз, редукцион бўлиниш** (*meiosis*) - хужайранинг мураккаб бўлиниш шаклларида бири. У тараққиётдаги жинсий хужайралар учун хосдир. Мейоз жараёнида хромосомалар сони камаяди.

**Мейоспора** – хитродомицетлар синфидан *Blastocladales* тартибига мансуб замбуруғлардаги диплоид тиним спорангийда (мейоспорангий) ҳосил бўладиган гаплоид, бир ядроли зооспора.

**Мейоспоралар** – катталиги 50-150 нм, рибонуклеин кислоталарга бой бўлган протоплазманинг жуда кичик заррачиси.

**Мейоспорангий** – қалин пўстли диплоид спорангий, пўсти жигарранг ва чуқурлиги, уларда мейоз натижасида бир ядроли гаплоид зооспора ёки мейоспоралар ҳосил бўлади (*Blastocladales* тартибига мансуб хитродомицет замбуруғларда).

**Мейотангий** – мейоз рўй берадиган тузилма (масалан, аск ва базидий).

**Мейоцит** – мейоз рўй берадиган ҳар бир хужайра. Кўпчилик ўсимликларда мейоцит спороцитлар бўлиб, урғочиларида муртак халта ва учта хужайра, эркакларида тўртта чанг хужайралари ҳосил бўлади.

**Мексика бодринги** (*Sechium edule* Schwartz.) – қовоқдошлар оиласига мансуб чирмашиб ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Мексика қироллик дарахти** (*Machaerium violaceum* Vog.) – дуккақдошлар оиласига мансуб Марказий Америкада ўсадиган ёғочлиги қаттиқ, анча оғир (солиштирма оғирлиги 1 дан катта) савдода шундай номланадиган катта дарахт.

**Мелампир, марьянник** (*Melampyrum nemorosum*) - сигирқуйруқ-дошларга мансуб бир йиллик ўсимлик. Тўпгули икки хил тусда. Кўкиш-бинафша барглари ичида сариқ гуллар ажралиб туради. Чала паразит ўсимлик. Ширадор уруғида захарли моддалар ва ринатин глюкозиди бор.

**Мелиядошлар** (*Meliaceae*) - икки уруғ паллалилардан айритождиларга мансуб ўсимликлар оиласи; аксарияти йирик патсимон баргли дарахтлар. Гул-

лари майда, косача ва тожи 4-5 баргчали, чангчиси 3-5 та, уруғчиси 1 та; бу гуллар рўвак тўпгулларга йиғилган. Меваси-кўсакча, данакли мева ёки юмшоқ.

**Мембрана** – цитоплазманинг тирик бир бўлаги ҳисобланади.

**Мембранадаги озикланиш** – ҳужайра мембранасидаги ферментлар таъсирида ҳазмланиш.

**Менделлашувчи белгилар** - Г. Мендел қонуниятларига асосан ирсийланадиган дискрет белгилар. Бундай белгиларга одамларда қўл ёки оёқ бармоқлари сони, кўз ранги, кўриш ўткирлиги, сепкилнинг мавжудлиги ва бошқалар мисол бўла олади.

**Менторал апомиксис** – апомиксиснинг гаметофит кўриниши бўлиб, муртакни ривожланиши учун муртак халтадаги иккиламчи ядрони чангланиши ва уруғланиши учун зарур.

**Ментор** – ёш дурагайга пайванд қилинган ёши катта ўсимлик. Бундай пайванд натижасида ёши катта ўсимлик ёш ўсимликка ўзининг яхши хусусиятларини ўтказди ва ментор (тарбиячи) вазифасини бажаради. Ментор пайвандуст тарзида ҳам бўлиши мумкин.

**Ментор методи** (юн. *mentor* - тарбиячи) – 1. И.В. Мичурин томонидан татбиқ этилган усул (қ. Ментор). 2. Мевали дарахтларнинг вегетатив ривожланишлари даврида пайвандлаш услуги билан ўзгаришларни ҳосил қилиш. Муайян пайвандтаг танлаш билан пайвандустга ва аксинча таъсир кўрсатиш мумкин.

**Мерикарп** - кўп уруғли меваларнинг бўлаклари.

**Мерикарпий** – соябонгулдошлар оиласига мансуб ўсимликлардаги иккита бир уруғли мевачадан иборат мева хили.

**Мериклинал химера** – ташқи кўринишидан секторалга ўхшаш, бироқ ундан бошқачароқ ташқи қаватли ва унча катта бўлмаган жойни эгаллаган химера.

**Меристодерма** – 1. Қўнғир сувўтлар танасининг юқориги қавати, улар фаол бўлиниб, кўпайиш аъзолари ва тукларни ҳосил қилади. 2. Мураккаб тузилишли қўнғир сувўтларда турлича ранг ва шакллардаги пўстлокнинг ташқи қавати.

**Меристел** – стеланинг алоҳида бўлаклари бўлиб, марказий цилиндрнинг ўтказувчи элементларининг уч хилини ташкил қилади.

**Меристела, ўтказувчи тўда** - сифностеланинг бўлинишидан ҳосил бўлган ўтказувчи тўдалар мажмуи.

**Меристема** (*meristema*) – 1. Ўсимликларнинг тузувчи тўқимаси. Бу тўқиманинг ҳужайралари янги ёш ҳужайралар ҳосил қилиш хусусиятини узоқ вақт сақлайди. 2. Цитоплазманинг ҳосил бўлиши ва бўлиниши ҳисобига янги ҳужайралар ҳосил қиладиган бирламчи тўқима.

**Меристем артроспора** – замбуруғ гифасини учида базипетал тарзда ҳосил бўлган артроспора, уни кўп ҳолларда оддий деб ҳам қаралади.

**Меристемал зона** – ўсимликларнинг ўсадиган жойлари.

**Меристематик зона** – қ. ўсиш зонаси.

**Меристем спора** – замбуруғларнинг конидиябандини учидан фиалидадан ёки гифадан базипетал тарзда ҳосил бўлиб, учи очик ўсиш нуқтаси деб қараладиган спора.

**Меристем таллоспора** – замбуруғлардаги меристем споралардан бири бўлиб, гифани учида ҳосил бўлади ва базипетал тарзда ажралиб кетади.

**Мерогамия** – 1. Изо-, анизо- ёки оогамия кўринишларида рўй берадиган жинсий жараён. 2. Бир хужайрали организмлар ва содда тузилган ўсимликлар орасида кенг тарқалган конюгация бўлиб, конюгацияланадиган иккита гаметалар вегетатив хужайралардан анча кичик, бироқ ўзини тузилишига кўра у ёки бу жихатидан фарқланади, серҳаракат ва гаметангийнинг қиз хужайраси сифатида ҳосил бўлади. 3. Ядросиз қисмларни спермий билан уруғланганидан кейин муртакнинг ҳосил бўлиши.

**Мерокрин секреция** – икки хил фарқликни эккрин, яъни мономолекуляр секреция, фаол ташувчи ёки ион насоси орқали ва гранулокрин секреция моддаларни пуфакча ичига солиб ажратишдан иборат, у кейин плазмалемма билан таъсирланади.

**Мероспора** – замбуруғларда мероспорангий занжиридаги споралардан бири.

**Мероспорангий** – спорангий бандини учидаги цилиндрсимон бўртма, уни ичидагиси бир қатор занжирсимон спорангиспораларга ажралади (*Zygomycetales* тартибининг замбуруғларида).

**Мероспоранги спора** – мероспорангийларда юзага келадиган спора.

**Месама** – псилофитларда дихотомик шохланган қисмларни бириктириб турадигани.

**Мета ...** “орасида”, “кейин”, “оралиқ”, “бошқасига ўхшаш”, “ҳолатни ўзгартириш” маъноларини билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Метаандрия** – гули айрим жинсли ўсимликларда урғочи гулни эркак гулдан олдин етилиб очилиши.

**Метаболия** – 1. Қ. метаморфоз 2. Эвглена сувўтларининг ҳаракати вақтида биттасининг борлиқ қисмини иккинчисига қуя олиш хусусияти.

**Метаболитлар** - тирик организмдан модда алмашиши натижасида ҳосил бўлган моддалар.

**Метабазидия** – модифицирланган базидия бўлиб, унда диплоид ядрони бўлиниши рўй беради. *Auriculariaceae* оиласидан *Septobasidium* туркуми замбуруғларида учрайди.

**Метабиоз, бирга яшаш** - ҳар хил турларга мансуб организмларнинг (айниқса, микробларнинг) ўзаро ёрдамлашиб яшаши. Бунда бир организм бошқа организм учун керак бўлган моддани ажратиб, унинг яшаши учун шароит туғдиради.

**Метаболизм, моддалар алмашинуви** - ассимиляция ва диссимиляция жараёнларининг мажмуи; тирик организмлардаги асосий хусусиятлардан бири.

**Метаболит** - организмда моддалар алмашинуви жараёнида ҳосил бўладиган моддалар.

**Метаболик ядро** – хужайранинг интерфаза ҳолатидаги ядро.

**Метагенез** – жинсий кўпайиш жинссиз билан иккинчи марта алмашганидаги ҳолат.

**Метагиния** – алоҳида жинсли гуллари бўлган ўсимликларда эркак гулларни урғочиларидан олдин етилиши.

**Метаксения** – 1. Гулли ўсимликлардаги кўш уруғланишда чангчиларни она хужайрага таъсири. 2. Мева ёки уруғ пўсти рангги ва шаклининг чанг таъсирида ўзгариши.

**Метаксилема** – 1. Илдизда унинг марказига яқинда ҳосил бўлиб, у элак-симон ёки тешикли элементлардан иборат. 2. Прокамбийни протоксилемадан ҳосил бўлишидаги ксилеманинг элементлари. 3. Хужайралари ўсиш хусусиятини йўқотган бошланғич (аввалги) ёғоч қисми. Метаксилема поғонали ва нуқтали найларни ҳамда трахеидларни ўз ичига олади.

**Метакутинланиш** – кўпчилик ўт ўсимликлар ва дарахтларда илдиз учларини ёпадиган қисмини пўкакланиб, ҳимояловчи ғилоф ҳосил қилиши.

**Металлофитлар** – таркибида метал бирикмалар тутган жойларда ўсадиган ўсимликлар.

**Метамерлик** – ўсимлик қисмларини бир-бирига ўхшаш метамерлардан иборатлиги (поянинг куртакли бўғинлардан ташкил топганлиги).

**Метамер муртаклар** – полиэмбриония ҳолатида нуцеллус хужайраларидан ёки интегументдан кўшимча муртакларнинг ҳосил бўлганлиги.

**Метамерия, тенг бўлиниш** - организмларнинг бир хил органлар ёки бўлакларга бўлиниши ҳисобига ўсиши.

**Метаморфоз, метаморфоза** (*metamorphosis* - шакл ўзгариши) - ўсимликларнинг тарихий тараққиёти жараёнида муайян функцияларни бажаришга мослаша бориши билан боғлиқ равишда органлар шакллари ва структураларининг ўзгариши.

**Метаморфоз** – вазифаларни бажариш жараёнида тарихий тараққиётда танани ва унинг алоҳида қисмларида ўзгаришларнинг ҳосил бўлиши (барғни тиканга ёки жингалакларга айланиши).

**Метаморфозлик** – ўсимликнинг бирор қисмида вазифани ўзгариши билан ирсий жиҳатидан морфологик ўзгаришнинг юзага келиши.

**Метаморф полиэмбриония** – қ. нуцелляр полиэмбриония.

**Метантлар** – мўътадил иқлимли шароитда ўсаётган ўсимликлардан вегетациясининг охирида гуллайдиганлари (*Allium* туркумининг чўлдаги айрим турлари).

**Метантлар** - ўз вегетациясининг охирида гуллайдиган ўсимликлар.

**Метаплазмия** – хужайра ёки тўқималарнинг муҳим морфофизиологик ўзгаришларига учраб, бошқа хужайра ёки тўқимага айланиб кетиши.

**Метастробила** – 1. Очиқ уруғли ўсимликлар бўлими, нинабарглилар синфи, подокарпалар тартибига мансуб ўсимликлардаги мегастробилларнинг тўпламини калта бандларда бўлгани. 2. Нинабаргли ўсимликлар стробиласининг тўплами.

**Метатрахеал ёғочлик паренхима** – тангентал ҳолда жойлашган ёғочлик паренхима. *Quercus*, *Aesculus* туркумларининг ўсимликларида.

**Метафаза** (*metaphasa*) – 1. Ўсимлик ёки ҳайвон ҳужайрасининг мураккаб бўлиниши (кариокинез) даги фазалардан бири (иккинчиси қ. Митоз). Бу фаза давомида хромосомалар максимал даражада қисқариб, икки қисмдан - хроматидлардан ташкил топади ва дезоксирибонуклеин кислота (днк) га анча бой бўлади. Бу кислота уларнинг асосий бўёқлар билан интенсив равишда бўялишига имкон беради. Метафаза хромосомаларнинг морфологик тузилиши ва сонини ўрганишдаги энг қулай стадиялардандир. Турли организмлар метафазасида хромосомалар ҳам турли кўринишда - таёқча, сиртмоқ, ип ёки гантелсимон (икки бошли чўқмоқ) таналар шаклида бўлади. Ҳажми эса микроннинг бир бўлагидан 20 микронгача етади. Хромосомалар ўзаро бир-биридан қочиш хусусияти туфайли марказга нисбатан ҳар иккала қутбдан ва бири иккинчисидан тенг узоқликда жойлашади. 2. Митознинг иккинчи фазаси, бу фазада ядро қобиғи эриб кетади, хромосомалар эса ҳужайра экватори бўйлаб жойлашади.

**Метафлорема** – 1. Ҳужайралари узунасига чўзилмайдиган флореманинг бир қисми. 2. Иккиламчи флоремага протофлоремадан кейин шаклланадиган бирламчи флореманинг бир қисми.

**Метаформ** (этаформ) – уч қисм метил (этил) спирти ва бир қисм формальдегид аралашмасидан иборат 1:(5-6) нисбатдаги сувўт намунасини фиксирловчи суёқлик.

**Метахроматлик** – замбуруғлар ҳужайраси ёки спорасининг пўстини крезилонкўк билан ҳаворанг ва қизилга бўялиш хусусияти.

**Метацентрик хромосома** – центромераси ўртасида жойлашган унинг иккала томони тенг узунликда бўлган хромосома.

**Метацентрик хромосомалар** - тенг елкали хромосомалар.

**Метеоранемохория** – уруғ ва меваларни ҳавода учиб юриши.

**Механик изоляция** – ўсимликларнинг кўпайиши учун хизмат қиладиганларнинг тузилишида номувофиқликларнинг юзага келиши, чангланиши ва унда уруғланиш жараёни рўй бериши учун махсус ҳашаротни бўлмайд қолиши туфайли чатишишнинг рўй бермаслиги.

**Механик ифлосланиш** - навнинг уруғлигига бошқа нав ёки экинларнинг уруғи тасодифий аралашиб қолиши.

**Механик тўқима** – ўсимликни ўзига, ташқи муҳитнинг таъсирига чидамлик, мустаҳкамлик бериш учун хизмат қиладиган бир гуруҳ ўхшаш тузилишли ҳужайралар. Механик тўқима бирламчи меристемадан ёки камбий ва перицикл фаолиятидан юзага келади. Склеренхима, колленхима ва склереидлар ҳолида бўлади.

**Механик тўқималар** (*stereoma*) - ўсимликларнинг асосий вегетатив органларига (айниқса бу органлар букилган ёки тортилган ҳолларда) мустаҳкамлик хусусиятини берувчи ҳужайралар комплекси. У доимий тўқималардан ёки камбий ва перициклдаги тузувчи тўқималар фаолияти натижасида юзага келади. Улар ҳар хил даражада қалинлашган ҳужайра пўстларига (бу пўстлар целлюлозали ёки ёғочлашган бўлиши мумкин) эга. Колленхима ва склеренхима асосий механик тўқималардандир.

**Механик элементлар** - ўсимликларга мустаҳкамлик бериб турувчи (склеренхима, колленхима, склереид, ковиқ тола, ёғочланган тола каби) хужайра ва тўқималар.

**Механик хужайралар, мустаҳкам хужайралар** - пўстлари мустаҳкам ва қалин хужайралар.

**Механорецепция** – геотропизмлар, тигмотропизмлар, сейсмонастияларни юзага келишига сабабчиси.

**Механохория** – уруғларнинг мевани очилиб сочилиши туфайли тарқалиши (*Impatens nolitangere* L. ўсимлигида).

**Механохор ўсимликлар** - меваси пишгандан сўнг ёрилиб, уруғини куч билан сочиб юборувчи ўсимликлар. Масалан, оқ акация, шамшод, ёввойи хина ва бошқалар.

**Метула** – *Penicelium* замбуруғининг конидия бандини устидаги бир мунча узунроқ хужайралар. Уларнинг ҳар бирини учидан бир боғлам ёки мутовка фиалидалар жойлашади.

**Метцгериялар** – жигармоҳлар синфидан юнгерманниялар кенжа синфининг тартиби.

**Мехригиёх** (*Onosma dichroanthium* Boiss.) – говзабандошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Мехмоний** - қишки серҳосил олма нави. Дарахти совуққа чидамли, 5 ёшида ҳосилга киради. Меваси куз бошларида пишади, ранги оч сариқ (баъзан қизғиш), хушбўй ва ширадор.

**Миграция, кўчиш** (*migratio*) – 1. Муайян бир ўсимликнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, тарқалиши. 2. Бир популяция генофондига бошқа популяция генотипларини кўшилиши. Миграция туфайли популяциядаги генлар концентрацияси ўзгаради. 3. Битта популяция генофондига бошқа популяциянинг генотипларининг кўшилиши. Бунинг натижасида дастлабки популяциянинг генетик структураси ўзгариши мумкин.

**Мико...** – замбуруғларга оид маънони англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Микобактериялар** (*mycobacterium*) - актиномицетлар (тиғли замбуруғлар) га яқин бактериялар. Лекин ўзига хос тараққиёт усули, яъни хужайраларининг бўлиниши ва куртакланиш орқали кўпайиши ҳамда таёқча шаклидаги қисмларининг айрим юмалоқ элементларга ажралиб кетиши билан актиномицетлардан фарқ қилади. Тупроқда яшовчи кўп-чилиқ сапрофит турлар ва сил касали бактериялари микобактерияларга киради.

**Микобионт** – лишайник талломидаги замбуруғ.

**Микобиота** – маълум ҳудудда тарқалган замбуруғларнинг турлари.

**Микоганозис** – махсус кўпайтириладиган замбуруғлардаги касаллик, уни кўпинча *Mycogen pernicisa* Magn. кўзғатади.

**Микодерма** – 1. Замбуруғлар орқали рўй бераётган ферментатив суюқлик юзасидаги парда ёки терисимон қоплама 2. Терининг устида замбуруғ ўсиши туфайли юзага келадиган пўстлоқсимон ҳосила.

**Микодерматит** – *Almis* туркуми ва *Fabaceae* оиласига мансуб ўсимликларнинг илдизидаги бошқаларидаги микоризадан фарқланадиган илдиз тугунлар.



**Микоз** – текинхўр замбуруғлар қўзғатадиган одамлар ва ҳайвонларнинг терисида юзага келадиган касаллик.

**Микоза** (*mycosa*) - паразит замбуруғлар таъсирида одам ва ҳайвонларда пайдо бўладиган касаллик. Бундай замбуруғлар кўпроқ терида (дерматомикозларга), баъзан эса ички органларга (актиномикозга) зарар келтиради.

**Микозин** – замбуруғларнинг хужайра деворида аниқланган, ҳашоратлардан хитин билан бир хил хитозадан полисахариднинг ҳосиласи ҳолидаги модда.

**Микокриния** – базидияли замбуруғлар таъсирида ёғочликни, барглар ва ўсимликлар қолдиқларини парчаланишидан юзага келадиган кимёвий ўзгаришлар.

**Микокарп** – ерёнғоқ (*Arachis hypogaea* L.) ўсимлиги мевасини ўсишида иштирок этадиган мицеллийси.

**Микология** – замбуруғларнинг систематикаси, экологияси, географияси, тарқалиши, аҳамияти кабиларни ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Микология, замбуруғшунослик** (*mycologia*) - Замбуруғлар ҳақидаги фан, ботаниканинг бўлимларидан бири.

**Микоин** – замбуруғлар ва актиномицетлардан олинадиган антибиотик моддаларнинг умумий номи.

**Микориза** – илдиз туклари ва унга ёпишиб биргаликда ўсаётган замбуруғ гифалари.

**Микозис** – замбуруғларни микофаглар таъсирида парчаланиши.

**Микориза ҳосил қилувчилар** – дарахтлар, буталар, кўп йиллик ўсимликларнинг илдизлари билан эктотроф, эндотроф, эктоэндотроф хилида микориза ҳосил қиладиган замбуруғлар (*Rhizopogon*, *Scleroderma* туркумларининг замбуруғлари).

**Микориза** (*mycorrhiza*) - тупроқдаги баъзи замбуруғларнинг юксак ўсимликлар билан қўшилиб (симбиоз бўлиб) яшаши. Бунда замбуруғ ипчалари (гифлари) ўсимлик илдизини нов шаклида ўраб олиб, илдиз тукчалари вазифасини ўтайди ёки илдиз тўқималарининг ичига кириб жойлашади. Ҳар иккала ҳолда ҳам замбуруғ билан ўсимлик бир-бирига фойда келтиради, яъни замбуруғ иплари орқали тупроқдан ўсимлик илдизига озик моддалари ўтса, ўсимлик уни ўз ўрнида органик моддалар билан таъминлаб туради.

**Микоризом** – эндотроф микоризали орхидеялар ёки папоротниклар ризоми.

**Микосимбиоз** – иккита замбуруғнинг симбиози.

**Микоталлом** – 1. Замбуруғни ассимиляциясини амалга оширувчи гифаси ёки талломи 2. Эндотроф микоризали жигармохларнинг гаметофиги.

**Микотироз** – замбуруғ ва ҳайвон орасидаги симбиоз (*Septoba sidium* sp. замбуруғини танача қанотли ҳашоратлар билан симбиози).

**Микотоксикоз** – одамлар ва ҳайвонларни замбуруғлар таъсирида бузилган озик-овқат истеъмол қилишлари билан захарланишидан рўй берадиган касаллик.

**Микотоксикология** – замбуруғлар билан захарланишларни ўрганадиган тиббиётнинг бир тармоғи.

**Микотрофлар** – меъёрида ўсиб ривожланиши учун юксак ўсимликларга муҳтож замбуруғлар.

**Микотрофлик** - баъзи юксак ўсимликларнинг замбуруғлар ёрдамида озикланиши.

**Микотрофия** – ўсимликни микориза ёрдамида озикланиши (*Orchidaceae* ўсимликлари мисолида).

**Микотроф ўсимликлар** – микоризаси бўлган ва илдизидаги замбуруғлар ёрдамида озикланадиган ўсимликлар.

**Микотроф озикланиш** – илдизни замбуруғ ёрдамида озикланиши.

**Микофагия** – 1. Одамлар ва ҳайвонларни замбуруғларнинг меватаналари билан озикланиши 2. Фаг таъсирида замбуруғ хужайраларининг ажралиши.

**Микофибрилл** – сувўтларининг хужайра пўстидаги ипсимон целлюлозани пўстли тузилма бирлиги, улар бирнеча ўнлаб ёки юзлаб ўзаро параллел жойлашган, узунлиги бирнеча микронгачаборани, кўндаланг кесмасида аввал тузилишли.

**Микофил** – замбуруғ танасида ўсадиган замбуруғ.

**Микофлора** – муайян ҳудуддаги замбуруғларнинг флористик таркиби (Наманган вилояти мисолида).

**Микоценоз** – замбуруғлардан иборат мустақил уюшма ҳисобланиб, гетеротроф экосистеманинг муҳим томонларидан бири.

**Микоцецидий** – замбуруғлар таъсирида ҳосил бўлган ғудда.

**Микро ...** – “кичик”, “жуда майда” маъноларини билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Микроассоциация** – 1. Фитоценознинг битта қатлами доирасидаги одатда унинг доминант популяцияси таъсирида бўлган унча катта бўлмаган уюшма. 2. Ўзаро ўхшаш микроценозлар мажмуи.

**Микрооб** - бактерия, актиномицет, туруш, моғор замбуруғлар, хуллас, барча микроорганизмларнинг (микроскопик сувўтлардан ташқари) умумий номи.

**Микробекторлар** (m) – хужайралар тўпламидаги доминантлар (бактериялар).

**Микробиология** - Микроскопик тирик мавжудотларнинг (микробларнинг) ҳаётини ҳамда уларнинг ташқи муҳит билан алоқаси ва органик дунё учун аҳамиятини ўрганувчи фан.

**Микрогамета** - Эркак жинсий хужайра.

**Микрогаметалар** – эркак жинсли гаметалар (хужайралар), урғочиларидан кичик ва серҳаракатли.

**Микрогаметангий** – микрогаметалар ҳосил бўладиган гаметангий.

**Микрогаметофит** – 1. Микроспоралардан тараққий этадиган ва микрогамета ҳосил қиладиган эркак жинсий насл, бўғин. 2. Гулли ўсимликларда микроспорадан ривожланадиган эркак жинсли авлод.

**Микроиқлим** – 1. Ҳавонинг ерга яқинидаги, маҳаллий иқлим ичидагиси. 2. Маълум бир кичик жойнинг ўзига хос иқлими.

**Микрозоналлик** – ўсимликлар уюшмасини маълум даражада жамланган, концентрланган ҳолдалиги.

**Микрозооспоралар** – айрим яшил сув ўтларининг майда зооспоралари (*Ulothrix* туркумининг турларида).

**Микрозооспора, ҳаракатчан спора** - қилчалар воситаси билан сувда ҳаракатланувчи микроспора. Кўпчилик сувўтларда ва баъзи тубан замбуруғларда шундай микроспоралар учрайди.

**Микрококклар** - коккадошлар (*Coccaceae*) га мансуб шарсимон майда бактериялар туркуми. Хужайрасининг диаметри 0,5-1 микронга тенг. Парда (тўсиқ) юзага келтириш йўли билан урчийди. Пайдо бўлган янги хужайралари кўпинча 2 ёки 4 тадан бирикиб яшашда давом этади. Баъзи турлари сариқ-қизил ёки бошқа тусдаги колонияларни ҳам юзага келтиради. Кўпчилиги паразит бўлмай, ер, сув ёки ҳавода яшайди.

**Микроконидия** – 1. Турли спорокарпларда ва турли вақтларда микроконидиялар билан ҳосил бўладиган майда конидия 2. Лишайникларда ҳосил бўладиган жинссиз кўпайиш учун хизмат қиладигани.

**Микрокосм** – биоценотик аҳамиятидаги экосистема ҳисобланиб, катталиги чекланган. Микрокосм сунъий экосистема ҳисобланади.

**Микрокосументлар** – гетеротроф озикланадиган бактерия ва замбуруғлар, мураккаб бирикмаларни, ўлик протоплазмани парчалайди, парчаланиш маҳсулотларидан айримларини ўзлаштиради, органик бўлмаган моддаларни ажратади.

**Микромерлар** – зиготанинг юқориги қисмидан ҳосил бўладиган хужайралар. Пастки қисмидан ҳосил бўладиганлардан макромер деб аталадиганидан майдароқ, куюқ протопластли.

**Микромицет** – меватанаси кичик, микроскоп остида кўрса бўладиган замбуруғ.

**Микрокомплекс** – турли типдаги микроценозни фитоценоз доирасида маълум тартибда такрорланиб туриши.

**Микронуклеус, мағизча** - инфузория ва бошқа шу сингари ўсимликларнинг мағизчалари. Бунинг акси макронуклеус (қ) дир.

**Микроорганизмлар** - фақат микроскопда кўринадиган майда ўсимлик ва ҳайвонот организмлари.

**Микропикнида** – диктиохламидоспораларни ўзгаришидан юзага келадиган кичкина пикнида.

**Микропиле** – 1. Уруғнинг пўстидаги кичкина тешикча. 2. Гулли ўсимликларнинг уруғ муртагидаги интегументни орасидаги тирқиш бўлиб одатда (доимий эмас) чанг найи унаётганида ўтади. 3. Очиқ уруғли ўсимликларнинг нуцеллусидаги микроспора ўтадиган тор тирқиш.

**Микропиле, уруғ йўли** - уруғкуртак учидаги тешикча, етилган уруғда бу тешикчадан униш вақтида сув ўтади.

**Микроплазмодесмалар** – хужайраларнинг пропластини боғловчи протоплазманинг иплари.

**Микропланктон** – планктон ҳолатидаги катталиклари 0,01–1 мм бўлган ўсимлик ва ҳайвон организмлар.

**Микропопуляция** – микроценоз ёки микропроценоз таркибига кирган битта турга мансуб организмларнинг мажмуи.

**Микропроценоз** – микроценоз шаклланишининг дастлабки даври.

**Микрорельеф** - маълум бир кичик жойнинг ер усти тузилиши, пасти-баланди.

**Микросинангий** – чангдон, чангдонни ярми.

**Микроскоп** - майда объект ва уларнинг қисмларини ҳамда турли микроорганизмларни катталаштириб кўрсатадиган оптик асбоб.

**Микроскопик анатомия** (*anatomia microscopica*) - ўсимликлар морфологиясининг бир бўлими. Айрим органларнинг микроскопик тузилиши ва организм системасини ўрганади (қ. Гистология).

**Микросклероций** – майда ёки йирикроқ, баъзан чўзиқ, тигиз, турли кўри-нишлардаги, икки хил хужайрали: ташқиси қалин пўстли тўлиқ рангли ва ички-си юпқа пўстли, рангсиз тана. Қалин пўстли хужайраларни вазифаси юпқа пўстлилар учун озиқ моддалар тўплаш ва уларни асраш бўлса, юпқа пўстлиларнинг вазифаси турни тур ҳолида сақлаш униб, замбуруғни ривожланишини тегишли босқичини бошлаб беради (*Verticillum* туркумига мансуб замбуруғларда).

**Микросомалар, кичик таначалар** - хужайра протоплазмасидаги (цитоплазмасидаги) жуда кичик субмикроскопик доначалар.

**Микроспора** – 1. Гетероспорали ўсимликлардаги эркак гаметофитга айланадиган гаплоид (1 n) спора 2. Диатом сувўтларининг кўпчилигида 8 тадан 16 тагача, айрим ҳолларда 100 тагача ҳосил бўладиган танача. 3. Ёш чанг халтачасидаги археспора хужайрасининг мейоз бўлиниши натижасида ҳосил бўлган тўртта хужайра (тетрада) нинг бири, унинг ривожланишидан чанг доначаси ҳосил бўлади. 4. Тенгсиз (катта-кичик) спорали юксак ўсимликларнинг майда споралари, микроспорангийларда ташкил топади. Микроспоралар мегаспоралар сингари бир сонли хромосомаларга эгадир, яъни гаплоиддир. Микроспора ўсиб чиқаётганда кучли даража редуцияланган эркак гаметофит (қ.) тараққий қилади. Уруғли ўсимликларда микроспоралар (чангдонда ҳосил бўлиб, гаметофитга айлана боради (ривожлана боради).

**Микроспорангий** (*лот. microsporangium*) – 1. Тенгсиз (катта-кичик) спорали юксак ўсимликларнинг майда споралар (микроспоралар) тараққий қиладиган органи. Очиқ ва ёпиқ уруғли ўсимликларда микроспорангийлар чангдондаги чаноқчаларга тўғри келади. 2. Микроспоралар ҳосил бўладиган спорангий; гулли ўсимликларнинг гулидаги чангдон.

**Микроспория** (*microsporia*) - *Microsporium* ва *Trichophyton* каби паразит замбуруғлар таъсирида бош ёки терида пайдо бўладиган юкумли касаллик. Бу касаллик кўпинча ёш болаларда учрайди. Микроспория терида қизғиш-пушти тусли юмалок, ўртаси пўст ташлаган доғларни пайдо қилади. Сочли бошда эса шу замбуруғлар билан қўшилиб ўсган сочлар тўкилиб, қирилгандек кўринишга эга бўлади. Уни даволаш учун Вилькинсон мойи ишлатилади.

**Микроспорогенез** – микроспораларнинг ҳосил бўлиш жараёни.

**Микроспорофит** – мейоз бўлинишидан кейин тўртта гаплоид (1 n) микроспоралар ҳосил қиладиган диплоид (2 n) хужайра.

**Микроспорофилл** – турли спорали папоротниклар, плаунлардаги микро-спорангий ҳосил қиладиган япроқ; очик уруғли ўсимликлардаги эркак куббалар – микростробила.

**Микроспорофилл, микроспорачи барг** (*лот. microsporophyllum*) – тенгсиз (катта-кичик) спорали юксак ўсимликларнинг спорачи органлари (микроспорангийлари) ривожланадиган барг. Чангчилар ёпиқ уруғли ўсимликларнинг микроспорофиллари ҳисобланади.

**Микроспорофилла** – очик уруғли ўсимликларда микроспоралар ҳосил бўладигани.

**Микросукцессия** – микроценозни юзага келишида микропроценозлардаги алмашинувлар.

**Микротанача** – проксима ва глиоксисомалардан иборат микротанача.

**Микротелий** – зангкуя замбуруғларидаги (*Uredinales*) микроциклик сорус.

**Микротерм ўсимликлар** – қ. совуксевар ўсимликлар.

**Микротермал ўсимликлар** – ёзи қисқа ва совуқ иқлимли шароитда ўсадиган ўсимликлар (*Betula nana* ўсимлиги).

**Микротом** – 1. Микроскопда кўриладиган нарсаларни юпқа қилиб кесадиган махсус асбоб. 2. Ўсимликлардан жуда юпқа ҳолдаги кесмалар олиш учун ишлатиладиган асбоб.

**Микотрофлар** – юксак ўсимликларнинг илдизларини замбуруғ гифалари билан симбиози.

**Микрофанерофитлар** – 1. Бўйи 2 метрдан 8 метргача бўлган дарахтлар мажмуининг атамаси. 2. Қишлайдиган куртаклари ер юзасидан юқорида жойлашган буталар ёки 2-8 метрли кичик дарахтлар.

**Микрофибрилла** – фақат электрон микроскоп орқали кўрса бўладиган хужайра пўстининг целлюлозадан ташкил топган ипсимон қисми.

**Микрофибрилла** – хужайра пўстининг таркибидаги фақат электрон микроскопдагина курса бўладиган (1,5-4 нм) муайян узунликда бўлмаган тололар, улар пўстнинг “арматура” сини ҳосил қилиб, асосан унинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

**Микрофил** – барг изи барг ёриғи билан бирга бўлмайдиган майда барг.

**Микрофит** – микроскоп остидагина кўринадиган, одатда планктон таркибидаги организм (бу кўпинча сувўт).

**Микрофламент** – диатом сувўтлари хлоропластларининг ҳаракатини таъминловчи тузилма.

**Микрофлора** – 1. Экология жиҳатидан олганда бирор муҳит сув, тупроқ, ҳаво ва шу кабилардаги микроорганизмларнинг мажмуи 2. Таксономия жиҳатидан бактериялар, айрим сувўтлар ва замбуруғлар. 3. Маълум табиий муҳитда ер, ҳаво, сув, озик-овқат ва ҳоказоларда яшовчи ўсимлик микроорганизмларининг мажмуи (бактериялар, актиномицетлар, турушлар, моғор замбуруғлар, микроскопик сувўтлар ва бошқалар).

**Микроценозлар** – тупроқ ёки дарахт танасидаги микрогуруҳлар (масалан, лишайниклар), бир қават фитоценоздан иборат. Микроценозлар медиоген, биоген, экзоген типларга бўлинади.

**Микроциста** – ҳаракатдаги спора тўхтаб, қалин пўст билан ўралиб, қулай вақти келгунча тиним даврида бўладиган, кейин яна ҳаракатланадиган ҳужайра ҳосил қиладиган тузилма.

**Микроцитлар** – кўк-яшил сув ўтларининг ипларидаги беўхшов майда ҳужайралар.

**Микроцист** - кўк-яшил сувўтларнинг ипларидаги майда, ғайри нормал ҳужайралар.

**Микроэволюция** – популяция ичида рўй берадиган эволюция жараёни. Турни алоҳида бўлақларга бўлиниб кетишига ва уларни кейинчалик табақалашувига олиб келади.

**Микроэлементлар** - ўсимликлар организмида кам миқдорда уч-райдиган кимёвий элемент (унсур) лар. Масалан, бор, рух, марганец, алюминий ва бошқалар.

**Микроўғитлар** - ўсимликлар учун кам миқдорда керак бўлган элементлар (мис, бор, марганец, молибден, рух, кобальт ва бошқа микроэлементлар) аралашмасидан ҳосил қилинган ўғитлар.

**Микрургия** – ҳужайра хирургияси, микромануляторлар ёрдамида микроскоп остида турли операцияларни бажариш

**Миксамёба** - ҳужайра пўстини йўқотгандан сўнг тармоқланиш йўли билан силжиб ҳаракат қиладиган споралар. Бу споралар зооспораларнинг қилчалари йўқолгандан сўнг ҳосил бўлади.

**Миксамёбалар** – псевдоподийлар билан ҳаракатланадиган миксомицетларнинг қалин пўсти бўлмаган ҳужайралари. Миксамебалар зооспоралар хивчинларини ташлаб юборганидан кейин юзага келади.

**Миксобактерия** (*лот. Muxobacteria*) - бактерияларнинг бир гуруҳи. Систематик жиҳатдан бошқа гуруҳлардан кескин ажралиб туради. Миксобактериялар шилиқ ажратиб, турли рангдаги шарсимон, замбуруғсимон, маржонсимон ва бошқа спорачи таначалар юзага келтиради. Бу таначалар қисқарган ҳужайраларга (микроцистларга) эгадир. Уларнинг ҳужайралари, одатда, тортилиб узилади. Миксобактерияларнинг кўпчилик турлари мағизли (ядроли) дир. Шу мағизлар уларнинг бошқа бактериялардан фарқ қилувчи белгиси ҳисобланади. Миксобактериялар тупроқда яшайди. Уларнинг баъзи турлари целлюлозаларни бузади.

**Миксогалин** – 1. Сувҳавзаси шўрланганлиги 0,5-3,0 промиле бўлган сув ҳавзаси. 2. Минералланиши (шўрланиши) 0,5-5% дан 30-40% гача бўлган сув ҳавзалари.

**Миксогастеромицетлар** – миксомицетларнинг асосий энг катта синфи бўлиб, зооспоралари хивчинли, танаси плазмодит ҳолида, кейинчалик у тўлиқ ҳолда спораларга айланиб кетади. Вегетатив танаси кўп миқдордаги диплоид ядроли плазма масса – плазмодитдан иборат. Плазмодитларни катталиги бир неча миллиметрдан 15-20 см гача боради. Миксогастеромицетлар 400 га яқин турлардан иборат.

**Миксомицет** (*мухомыцetes*) - хлорофилсиз организмларнинг кичик бир типи. Миксомицетларда плазмодий шаклидаги вегетатив тананинг бўлиши ха-

рактерлидир. Бу организмлар мураккаб тараққиёт шаклини ўтувчи споралар орқали урчиди.

**Миксотрофлик, аралаш озикланиш** - организмларнинг фотосинтез натижасида ҳосил бўлган органик моддалардан ташқари тайёр органик моддалар билан ҳам озикланиши. Бундай жараён кўпроқ қилчали организмлар ва баъзи оддий сувўтларда кўринади.

**Миксотрофлик** – аралаш ҳолдаги озикланиш бўлиб, фотосинтез туфайли ва тайёр органик модда билан озикланиш. Миксотроф озикланиш хивчини мавжуд ҳужайраларнинг кўпчилигига, кўк-яшил сув ўтлари ва яшил сувўтларнинг айримларига (*Protococcalis* тартиби) хос ҳисобланади.

**Милд** – текинхўр турли замбуруғларни ўсимликларда ҳосил қиладиган касаллик.

**Милитга** – полипорал ва агарика замбуруғларидаги тиним ҳолатини ўтайдиган склероцитлардан бири.

**Миллиум** (*Millium*) - Шимолий ярим шарнинг ўрта кенгликларида учрайдиган ғаллалар туркуми.

**Мимикрия** – ўсимликни ўзини ёки бирор қисмини атроф муҳитдаги бирор нарсага ўхшатиши. Фойдали ҳашоратларни чорлаш (чанглатиш учун) зарарлиларини қочириш мақсадида бўлади. Уруғларни ҳар қил кўнғизларга ва шу кабиларга ўхшаш ҳолати.

**Миметизм** – ўсимликнинг ўзини ёки унинг бирор қисмини бошқа ўсимликга ўхшаш хусусияти.

**Мимикрия, тақлид, рангланиш, ранг ўзгариши** (*англ. mimicry - ўхшатаман*) - шароитга қараб рангларнинг ўзгариши. Масалан, саксовулнинг ёки саксовулда яшовчи баъзи ҳашарот ва ҳайвонларнинг қумли шароитда қум рангига кириши.

**Мимоза, уятчангул** (*Mimosa*) - дуккакдорларнинг капалакдошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми; ўт, лиана (тропик печак), бута ва дарахтлар туркуми. Барглари икки қайта патсимон мураккаб, гуллари майда.

**Мимозадошлар** (*Mimosaceae*) - дуккакдорларга мансуб оила. Субтропик ва тропик мамлакатларда 1500 га яқин тури бор. Кўпчилиги бута ва дарахтлардан иборат. Уларга ҳақиқий мимоза, акация ва бошқа шу кабилар киради.

**Мингдевона** (*Hyoscyamus niger* L.) – томатдошлар оиласига мансуб воҳаларда ўсадиган доривор бир йиллик ўт.

**Мингдевона, шайтонкоса** (*Hyoscyamus*) - томатдошларларга мансуб бир йиллик ва икки йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Мингдевона ёввойи ҳолда ўсувчи қўланса ҳидли ва заҳарли ўсимлик бўлишига қарамай, барглари доридармон тайёрланадиган қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади.

**Мингбош** (*Convolvulus subhirsutus* Rgl. et Schmalh.) – печакдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Мингтомир** (*Asperula turkestanicum* M. Pop.) – пиёздошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Минерал алмашинув** – организмнинг кул қисмини ташкил қиладиган органик бўлмаган бирикмаларни ўзлаштирилиши, алмашинувлари, организмдан чиқарилиши каби жараёнлар. Минерал алмашинувининг асосини

калий, кальций, натрий ва магнийнинг хлоридли, фосфорли тузлари ташкил қилади.

**Минералланиш** - ўсимлик қобиғининг қатламларида ёки унинг устида турли минерал модданинг тўпланиши. Бу жараён деярли барча хужайрада рўй бериб туради. Шу тарзда тўпланган модда аморф ёки кристалл бўлиши мумкин.

**Минерал ўғитлар** - ўсимликлар учун зарур озик элементларига бўлган аорганик моддалар.

**Минимум, энг кичик, энг оз** - организмларнинг ўсиши ва яшашида ташқи омилларнинг энг кичик ва зарур даражаси.

**Минимум ареал, кичик ареал** - энг кичик ёки тор ареал.

**Минтақа, зона** - ўзига хос иқлим, ўсимлик ва ҳайвонларга эга бўлган ва шу хусусиятлари билан бошқа жойлардан фарқ қиладиган ўлка, майдон.

**Минтақа, вертикал зоналик** - Тоғлик ўлкаларда баландликнинг денгиз сатҳига нисбатан орта бориши билан ундаги ўсимлик ва бошқа шу каби нарсаларнинг қонуний равишда ўзгариб бориши.

**Минус мицеллий** – гетеротол мицеллийда плюс мицеллийнинг қарама-қаршиси (*Micor* туркуми замбуруғларида). Морфологиясидан фарқланмайди. Жинсий кўпайганда плюс ва минус мицеллий гифалари ўзаро кўшилади.

**Мирикалар** (*Myricales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Hamamelidae* кенжа синфининг тартиби.

**Мирмекохория** – 1. Зоохорнинг бир тури бўлиб, ўсимликларнинг диаспораларини чумолилар ёрдамида тарқалиши. *Viola*, *Palmonaria* туркумларининг ўсимликларида учрайди. 2. Чумолилар ёрдамида уруғларнинг тарқалиши. *Asarum europaem*, *Corydalis halleri*, *Scilla sibirica*, *Gagea eutea* ўсимликларида уруғ ва мевалар шу тарзда тарқалади. 3. Ўсимлик уруғларининг чумолилар воситаси билан бошқа ерларга тарқалиши.

**Мирмекохорлар** – ҳашоратлар (чумолилар) томонидан уруғ ва меваларни тарқатадиган ўсимликлар.

**Мирмекофилия** – чумолиларни ўсимликлардаги нектархоналарнинг тузулишида ёки ундан ажралишидан фойдаланиши, чумолиларнинг ёрдамида уруғларнинг тарқалиши.

**Мирмекофил ўсимликлар** (лот. *plantae mirmecophila*) - тузилиш хусусиятлари чумолиларнинг яшаши учун қулай бўлган ўсимликлар. Чумолилар ин қуришда бу ўсимликларнинг поя қобиқлари ёки ўсимталаридан, озик сифатида оксил моддаларига бой бўлган ноксимон таначаларидан (бу таначалар, ўсимликнинг патсимон барглари охирида жойлашган) фойдаланадилар.

**Мирмекофил замбуруғлар** – чумолилар озик етказиб берадиган замбуруғлар.

**Мирмекофил ўсимликлар** – танасида чумолилар бўладиган ўсимликлар. Бундай ўсимликларнинг баргларида тухумсимн ёки ноксимон ўсимталари бўлади. Жанубий Америкада ва Осиёнинг жанубида ўсади.

**Мироз хужайралар** – мирозин ферментини тутган хужайралар. *Brassicaceae* оиласининг туркум ўсимликларида бўлади.



**Миротеций** – асколокуляр замбуруғларда ясси, тартибсиз жойлашган кўп локулали меватана.

**Мирра, катрон** (юн. *myrra*) - Африка ва Арабистондаги баъзи дарахтлар (*Commiphora* туркуми) нинг тана пўстлоғини кесгандан сўнг ичидан оқиб чиқадиган хушбўй смола (катрон).

**Мирта, мирт** (*Myrthus*) - миртадошларга мансуб дарахт ўсимликлар туркуми.

**Миртадошлар** (*Myrtaceae*) - икки уруғ паллалилардан айритождиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Барглари ёнбаргчасиз, текис қирғоқли ва пўст-дор, қарама-қарши; гуллари тўғри, икки жинсли (айри тожли). Меваси юмшоқ ёки данакли мева, баъзиларида эса кўсакча. Пўсти ва баргларида эфир мойли безчалар бор.

**Мирталар** (*Myrtales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Мис бирикмали ўғит** - таркибида мис бирикмалари бўлган ва кам микдорда ерга солинадиган моддалар. Кўпинча торфзорларга ҳамда ғалла каби қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириладиган жойларга солинади.

**Мисликўға** (*Thypha minima* Tunk.) – тўзғоқдошлар оиласига мансуб чўлда ўсадиган бута.

**Миср пахтаси** (*Gossypium barbadense* L.) – гулхайридошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда экиладиган бир йиллик ўсимлик.

**Мисхококклар** (*Mischococcales*) – бир хужайрали ёки колонияли, ценобийли ҳам, ҳаракатланмайдиган, коккоид ва сарциноид ҳам бўладиган, хужайралари турлича кўринишли сувўтлар (*Xanthophyta*, *Xanthophyceae*) тартиби.

**Митоз** (лот. *mitosis*; юн. *mitos* - *un*) – 1. Ўсимлик ёки ҳайвон хужайрасининг мураккаб бўлиниши баъзан кариокinez (қ.) ҳам деб аталади. 2. Соматик ва етилмаган жинсий хужайралар бўлинишининг бир шакли. Митозда дастлабки хужайранинг генетик структураси нормада қиз хужайраларга аниқ тақсимланади. 3. эукариотлар учун хос жараён. Митоз туфайли қизлик хужайралар тенг ва бир хил ирсий ахборотни олади ва ҳар бир хужайра 2n тўпламга эга бўлади.

**Митотик индекс** – тўқиманинг митотик фаоллигини ифодаладиган индекс – кўрсаткич.

**Митоспорангий** – юпқа пўстли диплоид зооспорангий, унда митоз бўлиниш натижасида ҳаракатчан, бир ядроли диплоид митоспоралар ҳосил бўлади (хитридиомицет замбуруғларнинг *Blastocladales* тартибида).

**Митоспора** – митоз бўлиниш натижасида юпқа пўстли зооспорангийда юзага келадиган бир ядроли диплоид зооспора (хитридиомицет замбуруғларнинг *Blastocladales* тартибида).

**Митотик цикл** – пировард натижада битта хужайрадан иккитани ҳосил бўлиш жараёнининг мажмуи.

**Митохондрийлар** – 1. Хужайрада оксидланишни амалга оширадиган ва учқарбонкислота цикли ферментларини тутган, оксидланиш-фосфорланиш, нафасда электронларни ташиш маркази. Митохондрийлар юмалоқ, овал 0,3-1 мкм ўлчамли. Ипсимон митохондрий 2 мкм ва ундан узун, *Bryopsis* туркуми-

нинг сувўтларида хужайрадан икки марта узун бўлади. 2. Репликацияга қодир хужайра органеллалари бўлиб, улар хужайранинг оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини юзага чиқарадиган «энергетик стансиялари» бўлиб ҳисобланади. Таркибида нуклеин кислоталар, жумладан, ДНК ҳам бўлиши митохондрийларнинг цитоплазматик ирсиятда иштирок этишини тақозо қилади.

**Митохондрал ретикулум** – *Chlorella fusca* Shinira et Krauss туркумида битта анча тармоқланган митохондрийнинг ўсимталарини цитоплазма бўйлаб тармоқланиши.

**Михчўп** – (*Plantago lanceolata* Vge.) зуптурумдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Михча замбуруғ** (*Marasmius oreades*) - Пластинкасимон гимениал замбуруғлар турига мансуб қалпоқчали замбуруғ. Ингичка танасининг юқори қисми конус шаклидаги сарғиш тусли қалпоқча кўринишида.

**Мицетизм** – замбуруғлар билан заҳарланиш (одатда соябонсимон замбуруғларни истеъмол қилиш натижасида заҳарланиш тушунилади).

**Мицеллидий** – замбуруғнинг ҳали ассимилятив ёки репродуктивларга табақалашмаган содда тузилишли қисми.

**Мицеллий** – 1. Замбуруғларнинг нозик, тармоқланган ипларидан (гифа) иборат танаси. Одатда ўсаётган жойини ичида, баъзан ташқарисида ривожланади. Хужайраларга бўлинмаган (*Oomycetes* синфида), кўп хужайрали (*Basidiomycetes*, *Oeuteromycetes* синфларида) бўлади. Мицеллийни кўпайиши билан вегетатив кўпайиши рўй беради. Мицеллий замбуруғни ривожланиши билан унинг кўпайиши учун хизмат қиладиганлари ҳосил бўлади. 2. Замбуруғларнинг талломи.

**Мицел, замбуруғ жисми, гифа** (*лот. mycelium gypsa*) - замбуруғдаги жуда майда ипчалар мажмуи. Микроскоп ёрдамидагина кўриш мумкин бўлган бу ипчалар тўпланиб, замбуруғнинг вегетатив танасини (мицелийни) ташкил қилади.

**Мицелляр структура, коллоид моддалар** (*myceliaris*) - хужайра пардаларини ташкил қилувчи майда кристалл моддалар; ўсимликлар жисмини ташкил қилувчи коллоид ҳолидаги моддалар.

**Мицетофаг** – замбуруғни истеъмол қиладиган организм.

**Мичурин таълимоти** - тирик табиат тараққиёти қонунлари ва бундан кишилик жамияти манфаати нуқтаи назаридан фойдаланиш йўллари ҳақидаги таълимот.

**Мия** – (*Glycyrrhiza aspera* Pall.) – бурчоқдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб чўл, адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Мобил генлар (адашган генлар)** - хужайра геномида жойини ўзгартира оладиган ДНК қисмлари. Улар эволюцияда катта аҳамиятга эгадир.

**Мовийгул** (*Lappula semiglabra* (Ldb)Gurke) – говзабондошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Модификатор ген** - бошқа генлар билан алоқада бўлиб, улар таъсирини кучайтирувчи ёки сусайтирувчи

**Модиикацион ўзганивчанлик** - ирсий бўлмаган фенотипик ўзгарувчанлик, у ташқи шароит таъсирида ҳосил бўлади ва наслдан-наслга берилмайди.

**Модификация** - фенотипик ўзгарувчанликнинг бу шакли ташқи муҳит омиллари таъсирида келиб чиқади, генотип ўзгармайди, шунинг учун ҳам ирсийланмайди. Модификацияларни ўрганиш муҳит ва ирсиятнинг ролини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Зарарли модификациялар - морфозлар кучли муҳит омиллари таъсирида келиб чиқади, баъзан мутант геннинг фенотипини эслатади (фенокопиялар). Авлод прогнозини аниқлашда фенокопияларни ген мутациясидан ажратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Модификация, турланиш, тусланиш, шаклланиш** (*лот. modificatio - шаклий ўзгариши*) - бирор орган ёки қисмнинг ташқи муҳит ва ички омиллар таъсирида ўзгариши.

**Мойли безлар** – ўсимликларда эфир мойлари ҳосил бўладиган, уларни ичкарасига ёки ташқарисига чиқарадиган безлар.

**Мойли дарахт** (*Aleuria Fordii* Hems.) – сутламадошлар оиласига мансуб, бўйи 8-10 м атрофида келадиган, ватани Ҳиндистон бўлган, мевасида 55% гача мой бўладиган, шу туфайли шундай номланадиган дарахт.

**Мойли пальма** (*Elaeis guineensis*) - пальмадошларга мансуб дарахт ўсимлик. Танаси калта, лекин йўғон; йирик патсимон баргли шаббаси шу тана бошида жойлашади. 4-5 ёшида гуллайди. Тупгуллари бир жинсли. Шу тўпгулларнинг ҳар бирида олхўрига ўхшаш 1000 дан ортиқ қизғиш ёки сарғиш мевалар бор. Бир дона мевасининг оғирлиги 4-20 г бўлиб, шунинг 31-49% ини данак оғирлиги ташкил қилади. Мевасининг этидан ва уруғларидан озиқ-овқатга ишлатиладиган пальма мойи олинади. Кокос, атталейя, акрокомия, бактрис каби бошқа пальмалар ҳам мойли пальмалар жумласига киради.

**Мойли сутлама** (*Euphorbia lathyris* L.) – сутламадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт.

**Мойсимон эндосперм** – уруғда мойлар тўпланадиган (баъзан оксиллар билан бирга) эндосперм.

**Мойли татун** (*Crambe abissinica* L.) – карамдошларнинг (крестгулдошларнинг) татунлар туркумига мансуб бир йиллик мойли ўсимлик. Пояси тўппа тўғри, бўйи 1 м га етади. Меваси - кўзоқ. Уруғида 50% гача ёғ бор.

**Мойли ўсимликлар, мойчил ўсимликлар** - ўсимлик мойи олиш учун экиладиган ўсимликлар. Турли оилаларга мансуб бу ўсимликларнинг тропик мамлакатларда ўсувчи баъзи турларидан (кокос ва мойли пальмалар, какао дарахти, авокадо ва мум дарахти кабилардан) қаттиқ мойлар олинади (эриш ҳароратси +20°). Суюқ мой берувчи турларидан кўпроқ аҳамиятлиси зайтун ва тунга дарахтларини кўрсатиш мумкин булардан ташқари, сибирь кедр, ёнғоқ, бодом ва ҳоказолардан озиқ-овқатга ва техникавий мақсадлар учун ишлатиладиган суюқ мойлар олинади. Мойли ўсимликларнинг, жумладан, кунгабоқар, пахта (чигити), арахис, соя ва зиғир кабиларнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам бу ўсимликлар бутун дунё миқёсидаги деҳқончиликда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Шунингдек, кунжут, горчица, наша сингари нисбатан камроқ экиладиган мойли ўсимликлар ҳам бор.

**Мойчечак** (*Marticaria recutilata* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган, доривор, бир йиллик ўт.

**Мойқараған** (*Caloplaca tianschanica* (B. Fedtsch.) Boriss.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган толали бута.

**Мозаик** - ҳар хил генотипли ҳужайралардан ташкил топган организм.

**Мозаик фитоценоз** – микроценозларнинг белгиланган шароитларига қатъий қонуният тарзида такрорланиб турадиган фитоценоз.

**Мозаик эндосперм** – таркиби ёш рангига кўра бир хил бўлмаган эндосперм. Унинг рангсиз ёки бироз рангли тўқималарини орасида тўқроқлари ёхуд майда ҳужайраларини орасида йирикроқ ядросида хромосомаларини сони турлича бўлган ҳужайралари мавжуд эндосперм.

**Момасирка** (*Draba*) – карамдошларга (крестгулдошларга) мансуб кўп йиллик баъзан бир йиллик ўсимликлар туркуми.

**Момақаймоқ** (*Taraxacum officinale* Web.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Момақалтироқ** (*Alyssum desertorum* Starf.) – крестгулдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Момик** – (*Lacnophyllum gossypium* Bge.) - мураккабгулдошлар оиласига мансуб, чўл, адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Момосирка** (*Echinochloa crus-galli* (L.) Roem et Schuet.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Монад ёки хивчинли тузилма** – битта ёки иккита хивчинлари туфайли фаол ҳаракатни амалга оширадиган сувўтлар. Бундай тузилиш бир ҳужайрали, колониал ва ценобиал тузулишлилар орасида ҳам бор.

**Монад (хивчинли) тузилиш** – сув муҳитида хивчинлари ёрдамида фаол ҳолда ҳаракатланадиган сувўтлар. Улар эвгленалар, динофитлар, криптофитлар, рафидофитлар, тилларанглар, сариқ-яшил ва яшил сувўтлар орасида доминантлик қилади. Диатом ва кўнғир сувўтларда уларнинг кўпайиш давридагина ҳосил бўлади. Қизил сувўтларда монад тузилиш ҳозирча топилмаган. Барчасида бир типда тузилган.

**Монарх ўтказувчи боғламлар** – бир хил ксилема ва флоэмадан ташкил топган радиал жойлашган ўтказувчи боғламлар.

**Монациста** – антеридий томонга йўналган ва папилласи бўлган циста (зигомицетлардан Phytophthora туркумининг замбуруғларида).

**Монилиоспора** – *Monilia* туркумига оид такомиллашмаган замбуруғларда ҳосил бўлади.

**Моно...** – “битта”, “ягона”, “ёлғиз” маъноларини англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Монобионт** – фақат бир хил муҳит шароитларида яшайдиган организмлар (сув, ҳаво ёки текинхўрларни хўжайин организмиде яшаши).

**Моно ва тетраспоралар** – кўнғир ва қизил сувўтларнинг ҳаракатланмайдиган споралари.

**Моновертицил тузилиш** – конидиябанди фақат битта мутавка ҳосил қилган тузилиш (*Penicillium* туркумининг айрим турларидаги ўзига хос тузилиш).

**Моновельангикарпия** – фақат битта ёпқичи бўлган мураккаб тузилган замбуруғлардаги ривожланишлардан бири.

**Моногам** – битта ўсимликда фақат бир хил жинсдаги гулларни бўлиши.

**Моногения** – бир жинсли авлодларни юзага келиши.

**Моногеноцентрик организм** – кўпайиш маркази битта бўлган организм (*Chytridiomycetes* синфига мансуб замбуруғларда).

**Моногибрид, бир сифатли дурагай** - фақат биттагина сифатини назарда тутиб частиштириш натижасида юзага келтирилган дурагай.

**Монодурагай** - бир жуфт муқобил белгиси бўйича бир-биридан кескин фарқ қиладиган формалар (AA ва aa) ни частиштириб олинган дурагай (Aa).

**Монозигот полиэмбриония** – битта зиготани ўзидан қўшимча тарзда муртакни юзага келиши.

**Монозигот эгизаклар** - бир оталанган тухум хужайрадан ривожланган эгизаклар.

**Монокариот мицеллий** – гаплоид мицеллий.

**Монокарплар** – ҳаётида фақат бир мартагина гуллаб, мева ҳосил қилгандан кейин қуриб қоладиган ўсимликлар. Барча бир йиллик ўсимликлар монокарп ҳисобланади, улардан ташқари айрим кўп йилликлар, шу жумладан *Saccharum spontaneum* L. ўсимлиги ва *Palmae* оиласининг айрим турлари ҳам монокарплардир.

**Монокарп ўсимликлар** (*plantae monocarpae*) - ҳаётида фақат бир марта гуллаб мева тугадиган ва шундан сўнг ҳалок бўладиган ўсимликлар. Барча бир йиллик ва икки йиллик ўсимликлар ҳамда айрим кўп йиллик ўсимликлар (бамбук, пальма, агава каби ўсимликларнинг баъзи турлари) шулар жумласидандир.

**Монокарп мева** – монокарп гинеейли гулдан ривожланадиган мева.

**Монокарп новдалар** – кўп йиллик ўсимликларнинг гуллаб мева ҳосил қилганидан кейин қуриб қоладиган новдалари. Бундай новдаларнинг энг пастки қисми қуримайди, у ерда янги новда ҳосил қиладиган муртаклари бўлади.

**Моноклеелар** – жигармохлардан маршанциялар кенжа синфининг тартиби.

**Моноклимакс** – об-ҳаво шароитлари, тупроғига қарамай анчагина барқарор ўсимликлар гуруҳи.

**Моноклин ўсимликлар** – икки жинсли ўсимликлар. Гулли ўсимликларнинг анчагина қисми моноклин ҳисобланади.

**Моноксения** – текинхўрликнинг бир тури бўлиб, ҳаётий даврини фақат битта хўжайинда ўтказиш.

**Моноконт** – организмнинг бир хивчинли даври (босқичи).

**Монокотиледон, бир паллалилар** - уруғ муртагида фақат биттагина уруғпалла бўлган, гуллари ҳар доирада учталиқ ёки қипикли, попук илдизли ва параллел ёки ёйсимон томирли баргли ўсимликлар.

**Моноксил поя** – саговниклардаги йўғон ўзакли ва яхши ривожланмаган иккиламчи ёғочлик, қалин пўстлоқли поя.

**Монокультура** (*monocultura*) - бир хил қишлоқ хўжалиги экинларини бир майдоннинг ўзида кўп йиллаб узлуксиз экиш.

**Монокультура** – 1. Кўп йиллар давомида бир жойга доимо бир хил экинни экиш 2. Хўжаликда фақат бир хил экинни экиш, шу майдонда зараркунанда ҳашаротларни кўпайиб кетишига, бегона ўтларнинг ривожланишига, тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

**Мономер** - полимерларда такрорланадиган элементлар. Масалан, аминокислоталар оксилнинг мономерлари ҳисобланади.

**Мономитик гифалар** – фақат вегетатив гифалардан иборат замбуруғ (базидиомицетларнинг *Aphylllophorales* тартибига мансуб айрим замбуруғларда).

**Мономицеллийли культура** – битта спорани унишидан юзага келган мицеллийни ҳосил қилган культура.

**Мономорф колония** – бир хил тузилишга эга бўлган организмлардан ташкил топган колония.

**Мономорф, бир шакллилар, бир қиёфалилар** - ташқи қиёфаси бири-бирига ўхшаш орган ва организмлар.

**Монопод** (*лот. monopodium*) - поя ёки тана шохланишининг бир тури. Бундай шохланиш жараёнида ўсимликнинг асосий ўқ (бош) танаси ўсишда давом этади ва ён томонларидаги ўсув нуқтасидан пастроқда шохлар чиқаради. Ён томонидан ўсиб чиққан шохлар ҳам худди шу йўсинда ўсади ва шохланади. Бундай ўсимликларга қарағай, қорақарағай, қорақайин кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**Моноподий** – ўсимликларнинг марказий танаси, новдаси, илдизининг битта учки меристемасидан ҳосил бўлган қисми (масалан, кунгабоқар пояси).

**Моноподиаль** – ёнбош шохланишда битта новдани ҳосил бўлиши.

**Моноподиал илдиз** – учи билан ўсиб, одатда горизонтал ҳолатни сақлаган, ер устидагилари унинг ёнбош куртакларидан чиқадиган илдиз (*Paris quadrifolia* L.).

**Моноподиал тўпгул** – қ. ботрик тўпгул.

**Моноподиал шохланиш** – биринчи тартибдаги чексиз ўсадиган новда ёнидан ўсиб чиқадиган новда ҳосил қилиши билан шохланиш (*Radus racetosa* (Lam.) Gilib. ўсимлигида).

**Моноподиал ўсиш** – битта учки меристема фаолияти туфайли юқорига ўсадиган якка, шохланмаган ҳолда ўсган новда.

**Моноплан зооспоралар** – тиним даврисиз ҳаракатли даври бир марта бўладиган зооспора (*Oomycetes* синфига мансуб айрим замбуруғларда).

**Моносимметрик тузилиш** – танаси бўйлаб битта тўғри чизик ўтказиш мумкин бўлган ўсимлик ёки унинг бирор қисми (*Poaceae, Fabaceae* ва бошқа оилалар ўсимликларида).

**Моносимметрик гул** – қ. зигоморф гул.

**Моносимметрик, тенг икки бўлакли** - фақат бир чизик ўтказиб, иккита тенг симметрик бўлақларга бўлинувчи орган ёки қисмлар.

**Моносомик** - хромосомаларнинг диплоид тўпламида иккита гомологик хромосомадан бирининг бўлмаслиги.

**Моностела** – эндодерма ва перицикл билан ўралган марказий цилиндр.

**Моностела, оддий ўзакли тана** - бир цилиндрли, оддий (содда) тузилган ўтказувчи ва механик тўқималардан иборат поянинг ички цилиндрсимон қисми.

**Моноспермия** – битта спермийнинг битта уруғхужайра билан кўшилиши.

**Моноспорангий** (*monosporangium*) – 1. Баъзи бир қизил сувўтларда биттадан спора ҳосил килувчи спорачи орган. 2. битта спорангий етишадиган спорангий (қизил сувўтларнинг айримларида).

**Моноспорангиат стробила** – фақат макро- ёки микроспорангийли стробила.

**Моноспора** (*лот. monospora*) – 1. Спорангий ичидан якка ҳолда таракқий этиб чиқувчи ҳаракатсиз спора. Бу жараён баъзи қизил сувўтларда рўй беради. 2. Содда тузилган қизил сувўтларда хужайрада биттадан ҳосил бўладиган спора.

**Моноспоралар** – айрим сувўтлар ва замбуруғларда хужайрада биттадан споранинг ҳосил бўлиши.

**Моносувўт культура** – альгология жихатидан тоза, яъни фақат бир тур сувўтлардан иборат культура.

**Монотип** - якка турли туркум, якка туркумли оила, якка оилали қабила, якка қабилали синф, умуман, якка кичик таксондан иборат бўлган таксон. Масалан, гинкгосимонлар синфида ёлғиз бир қабила (*Ginkgoales*), қабилада биргина оила (*Ginkgoaceae*), оилада ёлғиз бир туркум (*Ginkgo*), туркумда эса фақат биттагина тур (*G. biloba*) бор. Бунинг акси политип (қ.) дир.

**Монотип туркум, якка турли туркум** - фақатгина битта турдан иборат туркум. Қ. Монотип.

**Монотэкли чангчилар** – битта чангдон қопли чангдон. Бундай ҳолат кам учрайди (*Crisarum* туркумининг ўсимликларида).

**Монофаг** - Фақат бир турли ўсимликдагина яшашга мослашган паразит. Масалан, қоракуя замбуруғлари.

**Монофаглар** – фақат бир турга мансуб организмларда текинхўрлик қилишга махсуслашган текинхўрлар.

**Монофилия** (*monophylia*) – 1. Маълум бир организмлар гуруҳининг умумий бир авлоддан келиб чиқиши ҳақидаги таълимот. 2. Бир гуруҳ организмларни ўзларининг тарихий таракқиётлари умумий аجدоддан келиб чиққанлиги.

**Монохазий** –асосий гулпоя ва ундан шохланган биринчи ва иккинчи тартиб поячалар ҳам биттадан гул билан тугайдиган тўпгул.

**Монохламид химера** – ташқисидагиси фақат эпидермис бўлган перициклинал химера.

**Моноценоз** – 1. Битта ценоморфдан иборат уюшма 2. Битта тур ўсимликдан ташкил топган уюшма (*Phragmitus australis* (Gav.) Trun.).

**Моноцентрик таллом** – битта зооспорадан ҳосил бўлган ва табақалашадиган, ўсиш жойи битта бўлган хитридиомицет замбуруғлардаги таллом.

**Моноциклик, бир доирали** – 1. Танада фақат битта доира (айлана) ҳосил қилиб жойлашадиган ўтказувчи тўқималар; 2. Бир доирали гул.

**Моноциклик гул** – барча қисмлари битта доирада жойлашган гул (*Salix* туркумининг ўсимликларида).

**Моноциклик монокарплар** – бир вегетатив даврида ўзининг ҳаётий даврини тугатадиган монокарп ўсимликлар (*Linum usitatissimum* L.).

**Монте** – Жанубий Америкадаги Чоко текислигининг ғарбий томонидаги куруқ тепаликлардаги ксерофит бута ўсимликлар.

**Монэция** – қ. бир уйли ўсимликлар.

**Морганизм** - биологиядаги йўналишлардан бири.

**Морошка** (*Ruscus chamaemorus*) - раънодошларга мансуб кўп йиллик ўт ёки чала бута ўсимлик. Барглари буйраксимон ва панжасимон қирқил-ган. Меваси - данакли тўпмева.

**Мортмасса** – биоценозни ҳосил қилган органик массаси.

**Морфа** – популяцияда ёки тур ичида бошқаларидан кескин ҳолда ажралиб турадиган тип (фенотип).

**Морфа, шакл, форма** (*morpha*) - бирор ўсимлик ёки органнинг шакли.

**Морфогенез** – 1. Организмларнинг онтогенези ёки филогенези жараёнида уларнинг ўзигагина хос морфологик хусусиятларнинг тараққий қилиш жараёни. 2. Организмларни, унинг қисмларини ҳосил бўлиши ва ривожланиши.

**Морфозлар** – 1. Турнинг нормал реакция нормасини физикавий, химиявий ва бошқа таъсири оқибатида аҳён-аҳёнда кузатиладиган ва ирсийланмайдиган ўзгарувчанлик. 2. Табиий ёки сунъий ташқи омиллар таъсирида ҳосил бўладиган ирсийланмайдиган белгилар.

**Морфоклимакс** – маҳаллий рельеф таъсирида юзага келган климакс уюшма.

**Морфология** – ўсимликларнинг ташқи тузилишини тавсифловчи, қиёсловчи, у ёки бу тузилмалари қандай фаолият олиб боришини аниқловчи – физиологик, ташқи муҳитнинг таъсирида ўсимликлардаги ўзгаришларни ўрганувчи – экологик, хусусий ривожланишни ифодаловчи – онтогенетик, ўсимликдаги морфологик тузилмаларни тарихий тараққиётдаги ўзгариш қонуниятларини ўрганувчи эволюцион морфология мавжуд.

**Морфологик структуралар** – сувўтларнинг морфологик структурасида 9 тип: амебоид, монад, коккоид, пальмеллоид (гемимонадга мос келади), ипсимон, турлича йўғонликдаги ипсимон, пластинка (ясси япроқ), сифонал, харасимон мавжуд.

**Морфологик хилма-хиллик** – сувўтлар турларини ичидаги ўзгарувчанлик.

**Морфология номувофиклик қонуни** – ўсимликнинг энг оддий белгилари биргаликда учрамайди, у ёки бу миқдорда гулли ўсимликларнинг турли гуруҳларига хос, бироқ ҳар бир гуруҳда доимо, содда белгилардан ташқари, юксак даражадаги белгилари ҳам бор, бу билан мазкур гуруҳ ўз мавқеини кўтаради, деб ҳисобланадиган қоида ёки қонун.

**Морфологиявий гетероталлик** – жинсий белгиларига кўра фарқланадиган иккита талломни ўзаро қўшилиши билан рўй берадиган жараён.

**Морфологиявий прогресс** – қ. араморфозлар.

**Морфологиявий таҳлил** – морфология хусусиятларни микро- ва макроскопия даражада ўрганиш ва уни тавсифлаш.

**Морхеллоидизм** – *Adaricales* таркибига мансуб замбуруғларни ривожланиши уларнинг соябони халтачалардан *Morchella* туркумидагиларга ўхшаб қолиши.



**Мотор хужайралар** – япроқнинг эпидермасидаги ва мезофилни субэпидерма қисмидаги йирик, юпка пўстли хужайралар гуруҳи бўлиб, асосан бошоқдошлар оиласига мансуб ўсимликларда учрайди. Катта хужайраси ва анчагина сувланганлиги туфайли тургор ҳолатда бўлади. Намлик камайганда аввало хужайралардаги тургорлик пасаяди, шу боисдан япроқ қиррасини тортилиши рўй беради ва япроқ найсимон кўринишни ҳосил қилади. Бу эса буғланишни камайтиради. Бу хужайралар япроқни сув билан таъминланиши вазифасини ҳам бажаради. Турлича ҳолларда шохланган ҳолда ҳали ёзилмаган япроқни ўз шаклига келишини ҳам таъминлайди.

**Мох** – лишайникли тундра ўсимликлар қопламнинг асосини мохлар ва лишайниклар ташкил қиладиган тундранинг бир хили.

**Мох, йўсин (*Bryophyta*)** - юксак ўсимликларнинг қадимий, тузилиши содда ва майда (4-5 миллиметрдан 40 сантиметргача) вакиллари. Баъзиларининг танаси поя ва баргларга дифференцияланган; айримларининг танаси япалоқ баргсимон талломдан иборат. Илдизи бўлмайди, лекин субстратга махсус тукчалар (ризоидлар) воситасида илиниб туради. Баргли мохлар табиатда жуда кенг тарқалган бўлиб, баъзан тундраларда, ботқоқларда ерни бутунлай қоплаб олади ва ботқоқлашиш жараёнини тезлатади.

**Мохтоифа, йўсинтоифа ўсимликлар (*Bryopsida*)** - содда тузилган юксак ўсимликлар тоифаси. Илдизи ва ўтказувчи системалар» (ўтказувчи боғламлари) йўқлиги билан бошқа юксак ўсимликлардан фарқ қилади ва таракқиёт даражасига кўра улардан тубанда туради. Энг оддий шакллари ерда ёйилиб ўсувчи таллом ҳосил қилади. Эркак жинсий органлар антеридлар (қ. Антеридий) дан, урғочи жинсий органлар эса архегонлар (қ. Арх егоний) дан иборат. Ҳаракатчан сперматозоидлар ёки антерозоидлар билан уруғланади. Мохтоифалар, асосан, жигармохсимонлар (*Hepatiticae*) ва баргли мохсимонлар (*Mysci*) номли икки синфга бўлинади. Булардан биринчи синф 8,5 мингга яқин турни, иккинчи синф эса 13 мингга яқин турни уз ичига олади.

**Мохабел (*Cephalaria syriaca* (L.) Schrad.)** – тўнғизтароқдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Моховкоса (*Hyoscyamus pusillus* L.)** – томатдошлар оиласига мансуб, доривор, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Моховсирка (*Hyoscyamus pusillus* L.)** – томатдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган, доривор бир йиллик ўт.

**Мош (*Phaseolus aurens* Roxb.)** – бурчоқдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Фақат экма тур сифатида учрайди.

**Мудровчи куртаклар** – новда ҳосил қилмайдиган узоқ муддат давомида тинимда бўладиган ёнбош куртаклар.

**Музгачидамлик** – хужайра протоплазмасини муз ҳосил бўлганида ҳам тиним давридаги чидамлиги.

**Мукорнамолар, мукор замбуруғлар** - фикомицетсимонларга мансуб тубан замбуруғлар қабиласи. Баъзан жинссиз (спорангиоспоралар билан), баъзан жинсли (зигогамия билан) урчийди. Тупроқда, ўсимликлар қолдиқларида, озиқ-овқат маҳсулотларида ва ҳоказо жойларда сапрофит ҳолда яшайди. Айримлари (масалан, *Rhizopus nigricans*) мева ва уруғларда паразитлик қилади.

**Мулат (дурагай) дарахт** (*Calycophyllum spruceanum* (Benth.)Schum.) – рўяндошлар оиласига мансуб, Бразилияда ўсадиган, бўйи 40-45 м келадиган дарахт.

**Мулкак** (*Lathyrus mulkak* Lipsky) – дуккакдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган манзарали кўп йиллик ўт.

**Мумдарахт** (*Hoya carnosa*) - паҳмоқдошлар (сутпечакдошлар) га мансуб илашувчи бута. Барглари мум суртилгандек ялтироқ. Шунинг учун ҳам у мумдарахт дейилади. Хушбўй хидли. Хушманзара ўсимлик.

**Мумдор пальмалар** (*Ceroxylon*) - пальмаларнинг Бразилия мум дарахти (карнауба мум дарахти) ва Анд мум дарахти номли икки тури. Бразилия мум дарахтининг бўйи 10-15 м га етади. Барглари елпиғичсимон бўлиб, 90-200 см узунликда, мум қатлами билан қопланган. Асосан, Бразилияда, баъзан Парагвай ва Аргентинада ҳам учрайди. Бир туп дарахт саго, пальма уни ва 0,5-2 кг гача мум беради. Аччикроқ меваси ейилади. Анд мум пальмасининг бўйи 50-60 м га етади. Танаси оппоқ мум билан қопланган. Барглари патсимон. Бу пальма тури Жанубий Америка районларида ўсади. Ҳар тупидан 10 кг гача мум олинади.

**Мум парда** (*cerinus*) - баъзи ўсимликларнинг барглари ёки бошқа органлари сиртида пайдо бўладиган юпка мум қават.

**Мумли парда** (*Hoya cornosa* R.Br.) – 1. Асклепинадошлар оиласига мансуб, хушбўй хидли, гуллари худди мумдан қилингандек кўринадиган лиана  
2. *Rhus succedanea* L. пистадошлар оиласига мансуб, бўйи 12 м келадиган дарахт. Уруғида 20% гача мум бўлганлигидан шундай номланади.

**Мумпечакгул** - сутпечакдошларга мансуб ўсимлик.

**Мунтола** (*Scorzonera acanthocloida* Franch.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб, тоғда, яйловда ўсадиган каучукли, кўп йиллик ўт.

**Мурал конидия** – ғишт тахлангандай кўринишга эга бўлган, кўп хужайрали спора. Бундай споралардан кўндаланг тўсиқлар билан бир қаторда узунасигалари ҳам бўлади (*Rhizocarpon* туркумига мансуб лишайникларда).

**Мураккаб аспект** – бир неча тур ўсимликлардан ташкил топган аспект.

**Мураккаб бошоқ** – битта ёки бирнеча гулли оддий бошоқлардан ташкил топган ботрик тўпгул типи.

**Мураккаб гинцей** – икки ёки бир неча тугунчадан ташкил топган гинцей (*Aconitum napellus* L. ўсимлигида).

**Мураккабгуллар** (*Asterales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Asteridae* кенжа синфининг тартиби.

**Мураккаб крахмал доналари** – жуда кўплаб майда доналардан иборат крахмал доналари. Бундай бирикма мустаҳкам эмас ва осонгина оддийларига бўлиниб кетади (масалан, *Avena* туркуми турларида).

**Мураккаб пиёзбош** – пардасимон қопламасининг пастида ҳосил бўлиб, ўлчамларига кўра асосийсидан қолишмайдиган пиёзча (масалан, *Allium sativum* L.).

**Мураккаб соябон** – оддий соябонлардан ташкил топган тўпгул (масалан, *Daucus corata* L. ўсимлигида).

**Мураккаб фитоценозлар** – бир неча қаватдан ва кўплаб тур ўсимликлардан иборат фитоценозлар.

**Мураккаб фитоценоз** – кўплаб ўсимликлар турларидан иборат фитоценоз.

**Мураккаб эндосперм** – ёнма-ён жойлашган муртак халтачаларни ўзаро қўшилиши натижасида ҳосил бўлган эндосперм.

**Мураккаб ўтказувчи боғламлар** – трахеид ва элаксимон найлардан ташкил топган биргаликда паренхима хужайраларига тақалиб турадиган ўтказувчи боғламлар.

**Муртак** (*rudimentum*) – 1. Қ. диаспора 2. Бирламчи тузилма ёки хужайралар гуруҳи бўлиб, улардан алоҳида тузилмани пайдо бўлишини бошланиши. 3. Ёш ўсимликнинг уруғпалла орасидаги ҳолати.

**Муртак илдизча** – уруғмуртакда билиниб турадиган, кейин ўсимликнинг илдизларига айланадиган илдизча.

**Муртак илдизчаси** - уруғ ичидаги муртак илдизчаси.

**Муртак куртак** – уруғни муртагидаги куртак поячани бирламчи куртаги.

**Муртак муфта** – гулли ўсимликларни гул тутган новдасининг учини ташқи қисми, қуюқ цитоплазмали хужайралардан иборат.

**Муртак поя** – уруғ муртагидаги поя бўлиб, учки куртакка эга ва у ўсиб, ўсимлик танасининг асосини ташкил қилади.

**Муртак туганаклар** – *Orchideaceae* оиласи ўсимликларида уруғларнинг унганидан кейин новда ва илдизларга айланадиган туганаксимон ўсимталар.

**Муртак тўқима** – муртакнинг махсуслашмаган хужайралари.

**Муртак халтачанинг гаусторийси** – муртак халтачанинг пастки қисмини ўсимтаси, уруғмуртакни халазал қисмига кирадигани, бунда антипод бир томонга сурилиб қолади.

**Муртак халта гулли ўсимликларининг урғочи гаметофити** – уруғмуртак нуцеллусининг ўртасида жойлашган. Энг кўп тарқалган муртак халта етти хужайра: тухум хужайра, иккита синергид, учта антипод ва иккита поляр ядролли марказий хужайралардан иборат.

**Муртак халтачани қўшспорали шаклланиши** – мейозни биринчи иккита диада хужайралар ҳосил бўлади, улар ўзаро тўсиқ билан ажралган. Диада хужайралар ҳар бирининг ядросида иккинчи марта мейоз рўй беради. Юзага келган хужайралардаги гаплоид ядролар тўсиқ билан ажралмайди. Ядро тетрадаси қўш ядролли иккита хужайрага айланади. Кичикроқ хужайра эрта ҳалок бўлади. Пастдагиси тез ўсиб ёш муртакчага айланади, табиатига кўра иккита мегаспора ядро хусусиятларига мос келади.

**Муртак халтачаси, муртак қопчаси** (*saccus embryonalis*) - нуцеллусдаги хужайралардан бири (археспоралардан бири) икки марта бўлиниб, хромосомалар сони редукцияланади. Янги ҳосил бўлган тўртта хужайрадан биттаси тез ўсиб, катталашади ва қолган учтасини ҳамда нуцеллуснинг анчагина қисмини сиқиб чиқара бошлайди. Ана шу катталашган хужайра мегаспора (макроспора) бўлиб, муртак халтачаси дейилади.

**Муртак ядро** – гаметанинг конъюгациясини амалга оширгунгача ядроси, бошқа жинсдаги гамета ядроси билан қўшилиб, янги ядрони ҳосил қилади.

**Муртак хужайралар** – 1. Поя ва илдиз, камбий, каллус хужайралари ва шу кабиларда ўсиш нуктасидаги махсуслашмаган хужайралар. Умуман олганда, меристема ҳосил қиладиган хужайралар 2. Янги организмга айланиш ва кўпай-

иш учун хизмат қиладиган ҳужайралар. Улар: а) жинссиз муртак ҳужайралар ёки споралар; б) жинсий муртак ҳужайралар ёки гаметалар.

**Муртак ҳужайранинг она ҳужайраси** – уруғмуртак нуцеллусидаги архегонийни редукция бўлиниши натижасида ҳосил бўлган тўртта ҳужайрадан биттаси (одатда пастдагиси).

**Мускат узум, атир узум** - винобоп узумнинг бир неча навиға қўйилган умумий ном. Ўзбекистонда шулардан Александр мускати оқ мускат, Венгр мускати, Ўзбекистон мускати, ВИР мускати, пушти мускат каби навлари тарқалган. Гуллари икки жинсли, меваси мускат ҳидли (хушбўй), сарғиш-оқ (Александр мускати, оқ мускат), хира яшил (Венгр мускати), кўкиш-сарик (Ўзбекистон мускати), тўқ кизил (ВИР мускати, пушти мускат) дир.

**Мустақил (эркин) пиреноидлар** – қизил сувўтларнинг айрим турларида хлоропластлардан ташқарида жойлашган пиреноидлар.

**Мутаген** – 1. Мутацион ўзгарувчанлик ҳосил қиладиган физикавий ёки кимёвий омиллар (ионлаштирувчи нурлар, ҳар хил кимёвий бирикмалар ва бошқалар). 2. Мутацион ўзгарувчанликни (мутацияни) пайдо қилувчи омил. 3. мутациялар частотасини оширувчи физик, кимёвий, ёки биологик омил.

**Мутагенез** – 1. Сунъий омиллар (мутагенлар) таъсирида организмларда ирсий ўзгаришлар ҳосил бўлиши жараёни. 2. Табиий ва сунъий омиллар таъсирида ирсий ўзгаришлар ҳосил бўлиш жараёни.

**Мутант** – 1. Мутация натижасида генотипи ўзгарган организм. 2. Мутаген таъсирида (мутация туфайли) генотипи ўзгарган янги организм. 3. мутацияни ташувчи ҳужайра ёки организм.

**Мутацион ўзгарувчанлик** – 1. Организмда янги ирсий белги - хусусиятлар ҳосил қиладиган ген ва хромосомаларнинг таркибий ўзгариши. 2. Организмдаги белги ва хусусиятларнинг тасодифий (сакраш йўли билан) ирсий ўзгариши.

**Мутация** (*mutatio*) – 1. Табиатдаги бирор омил таъсирида организмда тўсатдан рўй берадиган ўзгариш. 2. Тўсатдан ҳосил бўладиган ирсий ўзгарувчанлик. 3. Организмдаги белги ва хусусиятларнинг тасодифий (сакраш йўли билан) ирсий ўзгариши. 4. янги белги ёки хусусиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ген, хромосома ёки геном даражада ирсий ахборотнинг ўзгариши. Генератив мутациялар жинсий ҳужайраларда кузатилади, ирсийланади, соматик мутациялар соматик ҳужайраларда кузатилади, фақат ўша ҳужайра авлодларида ирсийланади.

**Мутовка барг жойланиши** – новдадаги ҳар бир бўғимда учта ёки ундан кўпроқ миқдорда баргнинг жойланиши.

**Мутовка филлотаксис** – новданинг бир сатҳида бир неча баргларнинг жойланиши.

**Мутон** - геннинг мутацияланиш хусусиятига эга бўлган энг кичик қисми.

**Мутуализм** (*лот. mutuus - ўзаро алоқа*) - турли систематик гуруҳларга мансуб ҳайвон ёки ўсимликларнинг бир-бирига фойда бериши мумкин бўлган икки индивид (фард) нинг ўзаро қўшилиб яшаши. Бу мутуализм симбиоз (қ.) нинг бир кўринишидир.

**Мухалис, скрофулария** (*Scrophularia* Pavl.) - сигиркуйрукдошларга мансуб кўп йиллик ўт ва чалабута ўсимликлар туркуми. Барглари карама-қарши жойлашган. Гуллари 5 баргли косача билан икки лабли кўзасимон тожга эга. Меваси - икки уйли кўсакча. Сернам жойларда ва сув ёқаларида ўсади. Аксари-яти заҳарли. Таркибида сапонин ва скрофулярин алкалоиди мавжуд. Шунинг учун ҳам уни мол емайди. Айрим турлари асалдор, *S. aquatica*, *S. vernalis* каби чиройли баргли турлари хушманзара ўсимлик сифатида экилади.

**Мушмула** (*Mespilis*) - раънодошларга мансуб ўсимликларнинг икки тури: 1) оддий мушмула (германия мушмуласи деб ҳам аталади). Бу ўсимлик бута ёки кичикроқ дарахтча шаклида кавказ, қрим каби жойларда ўсади. Европанинг баъзи мамлакатларида ва кавказ ҳамда ақшда экилади; 2) субтропик мушмула (япония мушмуласи деб ҳам аталади). Бу ўсимлик 4-6 м га етадиган доим яшил дарахт ва бутадан иборат.

**Мушуктирноқ** (*Astragalus corrugatus* Bert.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Мушукўт** (*Adonis parviflora* Fisch.) – айиктовондошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган доривор бир йиллик ўт.

**Мушукқуйрук** (*Alopecurus pratense* L.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Мушуктирноқ** (*Astragalus corrugatus* Rert.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган, бир йиллик ўт.

**Муқум фитоценозлар** – мазкур жойнинг иқлим шароитларига энг кўп мослашган ўсимликлар уюшмаси.

**Мюллер таначалари** – мирменофил айрим ўсимликларнинг (*Cercopia adenopus* Miq.) барг бандини асосида чумолилар учун озиқ бўладиган тана.

**Мўйловлар** – гулли ўсимликларнинг пояларидаги ёнбош, таянчга бирикадиган шакли ўзгарган новдалар. Оддий (*Cucumis sativus* L.) ва тармоқланган (*Cucurbita maxima* Duch.) бўлади.

**Мўлтиқ меристема** – япроқ қўлтиғида жойлашиб, қўлтиқ куртакнинг ҳосил бўлишини бошлаб берувчи меристема.

**Мўъжиза дарахт** (*Dracaena draco*) - лоладошларга мансуб дарахт. Канар оролларида, Африка ва Жанубий Осиёда ўсади. 5-6 минг йилгача яшай олади. Танасининг айланаси 14 м га, бўйи 20 м га ва шох-шаббасининг диаметри 12-14 м га етади. Гуллари актиноморф, барглари тўғри чизиқли ва қалин бўлиб, шохлари учида тарам-тарам ҳолда жойлашади. Пўстлоғидан қизил катрон (смола) олинади.

**Мўъжиза дарахт** (*Dracena draco* L.) – агавадошлар оиласига мансуб, бўйи 20 м келадиган дарахт. Кесилганда танасидан ажраладиган суюқлик “аждар қини” номи билан машҳур лак олинади.

## Н

**Нав** - селекция усуллари билан яратилган, аниқ ирсий морфологик, биологик хўжалик, белги ва хусусиятларга эга бўлган маданий ўсимликлар гуруҳи.

**Нав алмаштириш** - бирор экиннинг ишлаб чиқаришда экиб келинаётган эски навини серҳосил ва маҳсулотининг сифати яхшироқ бўлган янги нав билан алмаштириш.

**Нав назорати** - дала апробацияси ёрдамида амалга ошириладиган барча экин майдонларини давлат андозаси тадаблари асосида юқори сифатли уруғлик билан тўла таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими.

**Навнинг биологик ифлосланиши** - навнинг бошқа нав ёки экин билан табиий чангланиши ва кичик мутациялар натижасида кечадиган ифлосланиш.

**Навнинг маҳсулдорлиги** - ўртача битта ўсимликнинг ҳосили.

**Навнинг механик ифлосланиши** - ҳосилни йиғиш, янгилаш, тозалаш ташиш каби жараёнларда уруғликнинг **бошқа** нав ёки экин уруғига аралашиб кетиши.

**Нав синашлар** - янги нав яратиш жараёнида шу навни дастлабки (кичик), рақобатли (катта), экологик ишлаб чиқариш, динамик ва давлат навсинашлардан ўтказиш.

**Нав янгилаш** - бир нав ишлаб чиқаришда экилиб, унинг ҳосили, уруғликни экиш сифатлари ва биологик хусусиятлари пасайганидан сўнг шу навнинг уруғлик сифати юқори бўлган уруғ билан алмаштириб экиш.

**Наврўзгуллар** (*Primulales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Dillenidae* кенжа синфининг тартиби.

**Наврўзгул** - қ. Примула.

**Назорат кўчатзори** - селекцион кўчатзордан олинган авлодларини унча катта бўлмаган бўлмачаларда ҳосилдорлиги бўйича иккинчи йил давомида синаш кўчатзори.

**Найзабарг** (*Sagittaria trifolia* L.) – алисмадошлар оиласига мансуб чўл адирда ўсадиган крахмалли кўп йиллик ўт.

**Найзасимон** (*hastatus, lonchodes*) - ўсимликларнинг найза шаклидаги органлари.

**Найпоя, гулпар** (*Heracleum*) - соябонгулдошларга мансуб йирик ўт ўсимликлар туркуми.

**Найсимон иплар** – кўнғир сувўтлардан *Laminariales* тартибининг сувўтларини танаси ўзак қисмидаги ассимиляция маҳсулотларини ташийдиган найсимон иплар.

**Налфия** (*Nymphaea candida* Presl.) – нилуфардошлар оиласига мансуб чўл-кўлларида ўсадиган, таннидли кўп йиллик ўт.

**Намли тупроқ сувўтлари** – доимо намланиб турадиган тупроқларда ривожланадиган сувўтлар гуруҳи.

**Намсевар** (*hygrophilus*) - нормал тараққиёти учун кўп миқдорда сув талаб қиладиган ўсимликлар.

**Нанизм** – совуқ иқлим шароитига ўсимликда бўғим оралиғини камайтириб, баргларини кичрайтириб мосланиш ҳодисаси.

**Нанноцит** – *Aphanothese* (Naeg) Elenk., *Gloeocapsa*, *Gloeothese* туркумларининг айрим сувўтларидаги майда кўп миқдорда ҳосил бўладигани.

**Нанноцитлар, майда хужайралар** - она хужайра ичидаги протоплазманинг секин-аста бўлиниши натижасида юзага келадиган майда хужайралар.

**Нанофанерофитлар** - баландлиги 2 метрдан ошмайдиган буталар.

**Наполеон** - олманинг кеч пишар ва серҳосил навларидан бири. Дарахти совуққа чидамли. 9-10 ёшида ҳосилга киради. Меваси сариқ, турли доғлари бор, қуёшга қараган томони қизғиш. Ширин, хушбўй.

**Нард** (*Nardus stricta*) - ғалладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Чим шаклида ўсади. Барглари қаттиқ ва туксимон. Тўпгули бир томонли ингичка бошоқ ҳолида.

**Наркотик ўсимликлар** (*plantae narcotici*) - кишининг марказий нерв системасини қўзғатувчи моддали ўсимликлар. Кўкнор, наша, бангидевона, мингдевона ва бошқалар шундай ўсимликлар жумласига киради. Уларнинг айримлари медицинада оғрикни қолдирувчи дори-дармон сифатида ишлатилади. Бирок, бу ўсимликлар жуда захарли бўлганлиги учун улардан эҳтиётлик билан ва оз-оздан фойдаланиш керак. Акс ҳолда киши наркомания касаллигига дучор бўлиши мумкин.

**Наркотик моддалар, наркотиклар** (*narcoticus - наркотик*) - бир гуруҳ захарли моддалар. Улар киши марказий нерв системасини қўзғатиб, касалликдан вақтинча сақлаб туради (анестезия). Ўсимликлардан олинган асосий наркотиклар морфин, афюн (опий), кокаин, атропин ва бошқалардир. Углеводородлардан ҳосил қилинган наркотикларга эса хлороформ, эфир ва бошқа шу кабилар киради.

**Наргис, наркас** (*Narcissus*) - чучмўмадошларга мансуб пиёзчали ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари ингичка; оқ ёки сариқ гулларини кўтариб турувчи пояси узун ва яланғоч, баргсиз. Гуллари бир оз эгилиб очилади. Гулкўрғони тожсимон бўлиб, қуйи қисми найчасимон ўралган ва юқори қисми горизонтал жойлашган 6 бўлмали қайтақидан иборат.

**Наслларнинг алмашинуви** – ривожланиш даврасида иккита авлодни: гаплоид жинсий (гаметофит) ва диплоид жинссиз (спорофит) авлодни алмашилиб, навбатлашиб туриши. Спорофит зиготадан гаметофит спорадан ривожланади. Наслларнинг алмашинуви яшил сувўтларга ва барча юксак ўсимликларга хос.

**Наслларнинг антитетик алмашинуви** - баъзи ўсимликларнинг тараққиёти даврида генерациялар (насллар) алмашинувининг алоҳида бир типи.

**Настия** (*nastia*) - бирор ташқи омил (ёруғлик, ҳарорат ва бошқалар) таъсирида ўсимлик барглари, гулбарглари ҳамда бошқа шу каби органларининг ҳаракатга келиб эгилиши. Бундай ҳаракат эгилувчи органларнинг анатомик тузилиши бир хил эмаслиги билан изоҳланади. Кўпчилик ҳолларда органларнинг бир оз ўсиб эгилиши уларнинг юқори ва қуйи томонларида жойлашган хужайралар ўсувининг бир хил эмаслиги ёки шу хужайралардаги тургор босим ўзгаришининг ҳар хиллиги (ҳар қисмида турлича эканлиги) натижасида юзага келади. Эгилиш томонга қараб ўсишнинг биологик аҳамияти ҳам турличадир. У баъзи ўсимликларда ҳашаротлар томонидан четдан чангланиш учун мослашган бўлади, айрим-ларида эса, гулларни ноқулай шароитлардан сақлаш ёки ҳашаротларни тутиш (охиргиси ҳашаротхўр ўсимликларга хос) ва бошқа шу каби шарт ва ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

**Настиялар** – ташқи муҳитнинг диффуз ҳолдаги таъсирига ўсимлик аъзоларидаги қайтар ҳаракатлар, масалан, кун ва тунни алмашинуви билан гулни очилиб ёпилиши.

**Настурциядошлар** (*Tropaeolaceae*) - икки уруғ паллалилардан айритождиларга мансуб ўсимликлар оиласи. 80 га яқин турни ўз ичига олади. Аксарияти америка қитъасида тарқалган. Бу ўт ўсимликлар бошқа ўсимликларга чирмашиб ўсади. Гуллари зигоморф.

**Настурция** (*Tropaeolum*) - Настурциядошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми. 50 га яқин тури бор. Асосан жанубий америкада тарқалган.

**Натриефиллар** – ўсаётган муҳитида натрий бирикмалари кўп бўладиган муҳитда ўсадиган ўсимликлар.

**Натурализация, ёт шароитга мослашиш** - бошқа ердан олиб келинган ўсимликларнинг ўз жойидаги шароитга ўхшаш янги шароитга мослашуви.

**Натуралист, табиатшунос** (*лат. naturalist*) - табиатни ўрганувчи киши.

**Нафас коэффициенти** – нафас жараёнидаги ажралган  $CO_2$  ни шимилган  $O_2$  миқдорига моллардаги нисбати: гексоза учун у 1 га тенг.

**Нафас олиш илдизлари, шамоллатиш илдизлари** - қ. Пневматофор.

**Наша** (*Cannabini*) - тутдошларга мансуб толали ва мойли бир йиллик ўсимлик.

**Нашагул** (*Rudbearia lanceolata* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали кўп йиллик ўт.

**Нашадошлар** (*Cannabinae*) - тутдошларга анча яқин ўсимликлар оиласи. Мевачалари (ёнғоқчалари) қуруқ, таркибида сут шираси йўқ. Нашадошларнинг тутдошлардан фарқи ҳам мана шундадир.

**Наштар баргли, ланцет баргли** - ланцет (наштар) шаклидаги чўзиқ баргли ўсимликлар.

**Наяс** (*Najas*) - бир йиллик сув ўти. Барглари аррасимон, пояси майда тиканлар билан қопланган.

**Наядалар** (*Najadales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Alismatidae* кенжа синфининг тартиби.

**Негатив танлаш** - оммавий танлашнинг бир хили бўлиб, бунда энг яхши ўсимликлар эмас, балки бўлмачадаги талабга жавоб бермайдиган, камчиликни ташкил қилган ўсимликларни олиб ташлаш.

**Нейстон сувўтлар** – сув ҳавзасини ҳаво муҳити билан чегараланган қисмидаги асосан планктон сувўтлар. Айрим нейстон сувўтлар сув юзасининг устида – эпинейстонда, бошқалари сувни ҳаво билан юзаланган қисмини остида – гипонейстонда ўсади.

**Нейтрофиллар** – мўътадил рН муҳитли шароитда ўсадиган ўсимликлар.

**Некрид** (*necridium; nekros - ўлик*) - баъзи бир кўк-яшил сувўтларнинг таначасидаги ўлик ҳужайралар.

**Некробиоз** - моддалар алмашинуви ёмонлашиши натижасида ўсимлик тўқималарининг аста-секин нобуд бўла бориши. Агар уларга таъсир қилувчи шароит яхшиланса, ҳужайра ва тўқималар ўзининг асли ҳолатига қайтади.

**Некробиоз тармоқлар** (*radius necrobioticus*) - ҳужайраларни емирувчи, ҳалокатга олиб келувчи қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлар.



**Некроз** (юн. *necros* - ўлим) - ўсиб ривожланаётган бирор тирик организм ёки органнинг ташқи ноқулай шароит таъсирида (масалан, совуқдан, иссиқдан, захарли моддалардан) нобуд бўлиши.

**Некроид** – талломдан бирор қисми ажралиши, масалан, гормогоний ҳосил қилишида ораликдаги ҳужайранинг ҳалокати.

**Некроподиум** – филлосфера чегарасида илдиз системасининг сфераси билан, яъни тупроқ юзасида моддалар алмашинуви маҳсулотларини ва тўкилган барг, новдалар, пўстлоқ, гул ва мевалар.

**Некротрофлар** – тўқимани дастлаб ҳалок қилиб кейин унда ривожланадиганлар.

**Нектар, гуласал** (*nectar*) – 1. Кўпчилик ёпиқ уруғли ўсимликларнинг асалчи безлари томонидан ишлаб чиқариладиган қандли шира. Асаларилар ўсимликлардан оладиган асосий модда. Асаларилар бу моддани қайта ишлаб асал тайёрлайди. 2. Асосан флора ширасидан иборат глюкоза, фруктоза ва сахарозаси кўп бўлган мураккаб таркибли маҳсулот.

**Нектарчи, асалчибез** (*nectarium*) - ўсимликлардаги нектар ажратиб чиқарувчи безлар. Бу кўпинча ўсимлик гулларида жойлашиб, шу ўсимликни четдан чангловчи ҳашаротларни жалб қилади.

**Нектархона** – ўсимликларда қандни ажратадиган махсус ҳосила.

**Нектарниклар** – чангланишда ёрдам берадиган ҳашаротларни чорлаш учун хўрак сифатида қандсимон суюқликлар ажратадиган тўқима.

**Немалиялар** (*Nemaliales*) – бир қатор ёки кўп қаторли ипсимон сувўтлар, шохланмаган ёки шохланган, гаметофит ва спорофити ўзаро фарқланмайди, айримларида кескин фарқланади, чучук сувлар ва денгизларда тарқалган (*Rhodophyta, Florideophyceae*) сувўтлар тартиби.

**Нематей** – қизил сувўтлардан *Gigartinales* тартибига мансуб сувўтларда талломга ботиб кирган тетраспоралар ҳосил қиладиган тўпламлар.

**Нематей** – қизил сувўтларда тетраспорангийлар ҳосил бўладигани.

**Немезия** (*Nemesia*) - сигирқуйруқдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Бир йиллик ёки кўп йиллик ўт ўсимликлар, чала буталар. Барглари майда, қарама-қарши жойлашган. Диаметри 2-3 см катталиқдаги гуллари шингилларга тўпланган. Чангчилари 4 тадан, чангдонлари бир уйли. Меваси икки паллага очилувчи кўсакча.

**Неодарвинизм** - биологиядаги оқимлардан бири. Бу оқим немис биологи А. Вейсман ва унинг шогирдлари номи билан узвий боғлиқдир. Неодарвинизм асосида организмда ўлмас, ўзгармас ва танага боғлиқ бўлмаган ирсий модда бор, деган тушунча ётади. Шунинг учун ҳам улар организмдаги даврлар давомида шаклланиб келган хусусиятларни ҳаёт давомида ўзгариб боровчи шароитлар таъсири туфайли сақлаш, давом эттириш ёки мақсадга мувофиқ томон йўналтириш мумкин, деган илмий қарашни тан олмайдилар.

**Неоэндем** (*neoendemicus*) - маълум бир жойда янги пайдо бўлган тур ёки туркум. Бу тур (ёки туркум) шу жойнинг ўзигагина хос бўлиб, бошқа ерларга тарқалиб улгурмаган бўлади. Бунинг акси палеоэндем (к.) дир.

**Неоэндемизм, янги эндемлар** - маълум бир жойда янгидан ҳосил бўлган турларнинг фақат шу жойдагина учраш ҳодисаси.

**Непенталар** (*Nepentales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Непентес** (*Nepenthes*) - икки уруғ паллалилардан айритождиларга мансуб непентесдошлар оиласининг бир туркуми. Ҳашаротхўр ўсимликлар жумласига киради. Кўпчилиги чирмашиб ўсади. Бир жинсли ва икки уйли гуллари рўвак-симон тўпгулларга йиғилган. Тўрт бўлакли гулкўрғонлари ҳам бор. Эркак гуллари 8-10 чангчили, урғочи гуллари эса 4 уяли устки тугунчали. Меваси - кўсакча. Барглари ҳам ўзига хос кўриниш ва хусусиятга эга: юқори қисми кўзасимон (қизил ёки сариқ тусда), қуйи қисми япроқсимон пластинка шаклида (бу ассимиляцияловчилик вазифасини ўтайди). Юқори қисмидаги кўзасимон қисмининг оғизчаси устида қопқоқча ҳам бор. Кў-зачанинг четига қўнган ёки ўтирган ҳашарот сирпаниб, унинг ичига тушади ва ичидаги суюқликда ғарк. Бўлиб, ҳазм қилинади. Лекин кўзача оғзидаги қопқоқча ҳашаротни тўтиш ёки қамаб олишда мутлақо қатнашмай, фақат кўзача ичидаги суюқликни ёмғирдан сақлаш учунгина хизмат қилади.

**Нивал минтақа** – қор чизиғи яқинидаги минтақа.

**Никотин** (лот. *nicotin* - тамаки, чекимлик) - чекимликлар, тамакилар таркибидаги заҳарли модда, алкалоид.

**Никтинастия** - тун билан кун галланишининг ўсимлик органларига таъсири. Масалан, шундай таъсиротда гулларнинг очилиб ёпилиши.

**Никтонастик ҳаракатлар** – бир кеча кундуз давомида ёритилишни алмашилиб туриши натижасида дуккаклилар ва бошқа бир қатор ўсимликларнинг баргларидаги бир маромда ҳаракатлар.

**Нилуфар** (*Nelumbium*) - нилфиядошларга мансуб кўп йиллик ўт сув ўсимликлари туркуми. Барглари кўкиш-зангори, қалқонсимон, йирик (ҳатто сув бетини қрпаб олади), усти мумсимон ялтироқ модда билан қопланган; гуллари йирик, сариқ ёки пушти ранг.

**Нилфия** (*Nymphaea*) - нилфиядошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Нилфиядошлар, нилуфардошлар** (*Nymphaeaceae*) - сувда ёки ботқоқларда ўсувчи кўп йиллик ўт икки паллали ўсимликлар оиласи. Илдизпоялари яхши ривожланган, йирик барглари сув бетиде қалқиб, баъзан эса бир қисми сув тагида туради. Гуллари якка, тўғри, икки жинсли ва йирик.

**Нимранг, қирмиска** - узумнинг юқори сифатли хўраки навларидан бири. Ғужуми (меvasи) кўкиш-сариқ ёки сал қизилтоб. Кузда пишади. Узоқ сакланади.

**Нимфеялар** (*Nymphaeales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Magnolidae* кенжа синфининг тартиби.

**Нисбий ўсиш** – ўсимликнинг ёки унинг бирор қисмини дастлабки массасига нисбатан фоизларда ҳисобланган ҳолдаги ўсиши.

**Нитрагин** - дуккакли ўсимликларни ўстиришда ишлатиладиган бактериал ўғит препарати. Бу ўғит ўз таркибидаги тугунак бактериялар ёрдами билан ҳаводаги азотни ўзлаштириб, ерни азотга бойитади. Ҳар бир дуккакли ўсимлик учун шу ўсимликка мос келувчи бактериялардан тайёрланган нитрагин ишлатилади. Нитрагин дуккакли ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширади.

**Нитрификация** (*лат. nitrificatio*) - тупроқда селитра ҳосил бўлиш жараёни. Нитрификация биологик ёки биокимёвий ҳодисадир.

**Нитрификацияловчи бактериялар** - аммиакни нитратга айлантирувчи автотроф бактериялар.

**Нитроклетчатка** - клетчаткани (целлюлозани) азот кислотаси билан ишлаш натижасида ҳосил бўладиган маҳсулот.

**Нитрофил** - сернитрат тупроқни яхши кўрадиган ўсимликлар. Масалан, тол, малина, газанда сингари ўсимликлар.

**Ниш, ўсма конус** - поя ёки илдизнинг конуссимон учки қисми. Тубан ўсимликларда бир хужайрадан, юксак ўсимликларда эса кўп хужайрадан ташкил топади. Илдиздаги шу ўсув конуси (ниш) уни тўсиб турувчи илдиз қалпоғи билан қопланган.

**Нов** (*vagina*) - ўсимлик барг бандининг ёки япроғининг қуйи қисми. У нов шаклида бир томони очиқ ёки юмшоқ бўлади. Одатда, ғалла, барди (қиёк) ёки соябонгулдошлар каби ўсимликларда барг нови бўлади.

**Новда хўрак** - ёш новдалардан тайёрланган ем-хашак.

**Новдалар, шохчалар** (*лат. ramus*) - куртаги ва барги бўлган бир йиллик ва икки йиллик майда новдалар.

**Новдани етилиши** – ёғочли ўсимликларда новдани ўсиши якунланиши билан бир вақтда ёғочланиши (хужайрасининг пўстини лигнин моддаси билан қопланиши) уни қишлашга тайёргарлик кўриши.

**Ногомологик хромосомалар** - генлари ўзаро фарқ қиладиган ва мейозда ўзаро конюгациялашмайдиган хромосомалар.

**Нодал анатомия** – ўсимлик оилалари, туркумлар ва бошқа систематик гуруҳлар учун барқарор тузилишли анатомия. Новдаларнинг нодал анатомияларини таққослаб турли гуруҳ ўсимликларининг қариндошлик алоқалари ҳақида фикрлаш мумкин.

**Нок** (*Pyrus*) - раъногул (атиргул) дошларга мансуб дарахт ва буталар туркуми. Гуллари оқ (баъзан, оч қизил), қалқонсимон тўпгулларга йиғилган. Меваси чўзиқроқ ёки юмалоқ, ичида қаттиқ тошхужайралар бор.

**Ноксимонлар** (*pyriformis, apiatus*) - нок шаклидаги мевалар.

**Номозшомгул** (*Mirabilis jalapa*) - ялападошлар (номозшомгулдошлар - *Jalapaceae, Nyctaginaceae*) га мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Поясининг узунлиги 90 см га етади; барглари текис қирғоқли, тухумсимон. Гуллари оқ, сариқ ёки қизил тусли, экма турлари баъзан карнайсимон бўлиб, поя охиридаги шингилсимон тўпгулларга йиғилган. Ҳар бир гул косача шаклидаги ўрама билан қопланган. Бу гуллар тунда очилиб, кундузи ёпилади, бироқ булутли ҳаво бўлганда, кундузи ҳам очилиб тураверади.

**Нонбеҳи** - беҳининг жайдари навларидан бири. Меваси йирик, сарғиш, нордон-чучук. Кузда пишади. Узилгандан сўнг 20-25 кун сақлаб, сўнг истеъмол қилган яхши, чунки шу даврда яхшироқ етилади.

**Нонгўшт** - қора-чипор қовуннинг эртапишар навларидан бири. Шакли эллипссимон, пўчоғи кўкимтир қора йўллик. Тўри йирик. Эти оқ, ўртача қалин, пўчоқ ости кўкимтир. Таркибида 10,7% гача қанд бор.

**Нонсенс кодон** - ирсий ахборот сақламайдиган терминатор кодон.

**Нонсенс кодонлар** - маъносиз кодонлар, информация сақламайдиган терминатор кодонлар. Бу кодонлар оқсил полипептид занжири синтезининг тугаланиши учун сигнал ҳисобланади.

**Норжузғун** (*Calligonum eriopodium* Bge.) – торондошлар оиласига мансуб, кумли чўлда ўсадиган, кум ушловчи чала бута.

**Нормадан чиқиш** (юн. *ва лот. anormal - нотўғри*) - қ. Аномалия.

**Нормушк** (*Evonymus semenovii* Rl et Hern.) – нормушкдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган манзарали, доривор, каучукли бута.

**Нормушк, эвонимус** (*Euonymus, Evonymus*) - целастрдошларга мансуб доим яшил ўсимликлар (буталар) туркуми. Барглари оддий ва қарама-қарши жойлашган. Майда гуллари соябонсимон жойлашган. Меваси - кўсак. Кўпчилик турларининг уруғдонлари ёрқин тусли.

**Норселу** (*Aristida Karelinii* (Trin. et Rupr.) Roshek) – бошоқдошлар оиласига мансуб чўлда кум ушловчи кўп йиллик ўт.

**Ностоклар** (*Nostocae* (Geitl.) Elenk) – хужайралари шакли, вазифалари табақалашган, баъзиларида сохта шохланган гетероциста, акинеталари мавжуд (*Cyanophyta, Hormogoniophyceae*) сувўтлар тартиби.

**Нуклеин кислоталар** - биологик полимер бўлиб унинг икки типи ДНК ва РНК мавжуд.

**Нуклеоморф** – криптофит сувўтларда перипласт бўшлиқда жойлашган, кўш мембрана билан ўралган, кўплаб майда тирқишли ультра тузилишига кўра ядрога ўхшаган органеллалар.

**Нуклеотидлар** - нуклеин кислоталарнинг таркибий элементи бўлиб: азотли асос, оддий углевод ва фосфат кислотаси қолдиғи молекулаларининг қўшилишидан ҳосил бўлган мураккаб органик бирикмалар. ДНК ва РНК молекулалари нуклеотидлардан тузилган.

**Нуклеопротеидлар** - оддий оқсил ва нуклеин кислоталарнинг бирикишидан ҳосил бўлган мураккаб бирикма. Улар ҳайвонлар билан ўсимликлар хужайраси ядроси ва цитоплазма таркибига киради.

**Нуклеосомалар** - хромосоманинг гистонлар ва ДНКдан ташкил топган структуралари. Қўшни нуклеосомалар бир-бирлари билан қисқа ДНК қисми орқали бирикади. ДНКнинг гистон таначаларига ўралиши ДНК биспирали узунлигини 7 мартагача қисқартиради ва ДНКнинг ўша қисмида транскрипсияга имкон бермайди, 1 ген 6 та нуклеосомани ўз ичига олиши мумкин.

**Нуклеус, мағиз** (*nucleus*) - қ. Ядро.

**Нуллисомик** - хромосомаларнинг диплоид тўпламида иккита гомологик хромосоманинг бўлмаслиги.

**Нурланувчи ўсимликлар** – айрим ўсимликларни нур таратиши. Хемолюлюионесценция жараёни туфайли махсус люциферин моддасини люцефериназа ферменти таъсири парчаланиши туфайли содир бўлади. Бу ҳолат бир қатор замбуруғлар, бактериялар, айрим сувўтларда рўй беради.

**Нутация** (лот. *nutatio - тебраниш, қимирлаш*) - Ўсимликнинг ўсиш қисмида, айниқса, учида бир томондаги хужайраларнинг тез суръатлар билан бўлиниши натижасида шу ўсимлик учининг ҳаракатга келиши.

**Нутациялар** – ўсимликдаги доиравий ёки тебранма ҳаракатлар, баъзан у эндоген (автоном) характерга эга. Пояни учида, илдиз учида шундай ҳаракатлар содир бўлади.

**Нуфар** (*Nuphar*) - нилфиядошларга мансуб сувда яшовчи кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Тухумсимон барглари сув устида сузиб юради. Гуллари 4-5 см диаметрли, сариқ.

**Нуцеллус** (*nucellus*; лот. *nucella* - ёнзоқча) - уруғкуртак асоси; яланғоч уруғли ва ёпик уруғли ўсимликлар уруғкуртагининг эндосперм атрофини ўраб турувчи қисми. Келиб чиқишига кўра спорали ўсимликларнинг макроспорангийларига тўғри келади. Нуцеллус ичида макроспора, урғочи гаметофит ва тухумхужайра ташкил топади ҳамда тухумхужайра уруғланади ва эмбрион шаклланади. Шундай қилиб, уруғли ўсимликларнинг нуцеллуси ичида генератив жараённинг барча цикли амалга ошади, ваҳолонки, спорали ўсимликларда бу жараённинг барчаси, уруғли ўсимликлардан фарқли ўлароқ, бир жойда эмас, аксинча, бир-биридан айрим ҳолдадир. Уруғкуртакнинг ва ундан юзага келувчи уруғнинг тараққий қилишига қараб нуцеллус ўсиб бораётган ички тўқималар томонидан маълум даража сингдирилади. Кўпчилик айритожли ўсимликларда нуцеллус яхши тараққий қилган ҳамда интегумент деб аталувчи қўшқават ўрама билан қопланган. Туташтожли ўсимликларда эса нуцеллус анча суст тараққий қилади ҳамда хужайраларнинг бир, икки ёки учтагина қаватидан ташкил топиб, якка қават интегумент билан қопланади. Шунинг учун ҳам бундай ўсимликларнинг нуцеллуси уруғкуртак тараққиётининг дастлабки вақтларидаёқ ички тўқималар томонидан сингдириб юборилади.

**Нукталар** – диатом сувўтларининг совутидаги тиркишларни ёруғлик микроскопда кўриниши.

**Нўхат** (*Cicer arictinum*) – бурчоқдошларнинг (дуккакдорларнинг) капалакгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Пояси тўғри ёки бир оз букилган, 25-75 см га етади, барглари тоқ патсимон, майда. Поя, барг ва меваси қисқа тукчалар билан қопланган. Гуллари якка-якка ва анча майда. Меваси 1,5-3 см узунликдаги 1-2 уруғли дуккакдан иборат. Дони таркибида оқсил (16-30%), ёғ (4-7%), азотсиз экстрактив моддалар (48-61%) бор. Ундан озиқ-овқат ёки молларга ем-хашак сифатида фойдаланиш мумкин.

**Нўхатак** (*Astragalus filicaulus* F. et M.) –бурчоқдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

## О

**Обиплостемон гул** – чангчилари тожбаргларнинг қаршисида турган гуллар.

**Облигат анаэроблар** – кислородсиз шароитда яшайдиган организмлар.

**Облигат аэроблар** – фақат кислород мавжуд бўлгандагина яшайдиган организмлар.

**Облигат микотрофлар** – табиий шароитда микориза ҳосил қиладиган замбуруғлар мавжудлигида меъёрида ўсадиган ва ривожланадиган ўсимликлар.

**Облигат текинхўрлар** – бир ёки қариндош туркум хўжайин ўсимликсиз ҳаёт кечира олмайдиганлар. Кўпчилик ўсимликларнинг текинхўр замбуруғлари, масалан, буғдойда чизиқли занг замбуруғини кўзғатувчи *Rhizoctonia graminis* мисол бўлади.

**Облитерация** – одатда ўтказувчи тўқималар хужайрасининг ичидаги ва хужайраларо бўшлиқни яссиланиши.

**Обтуратор** – 1. Уруғбанд эпидермасининг микропиле томонидаги ўсимта  
2. Сутламадошлар оиласи ўсимликларининг гулларида микропилени ёпиб турувчи ёпқич.

**Овогенез** – муртак хужайраларини ихтисослашиши ва мейоз бўлиниши натижасида тухум хужайрани ривожланиши.

**Овчўп** (*Delphinium rotundifolium* Afan.) – айиқтовондошлар оиласига мансуб, тоғ, яйловда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Овқат ҳазмловчи безлар** – ҳашаротхўр ўсимликлардаги тутган ҳашаротни ҳазмловчи моддалар (ферментлар, кислоталар) тутган безлар.

**Оддий барг** – алоҳида бўлақларга бўлинмаган битта япроқли барг.

**Оддий гинецей** – биттагина уруғчиси бўлган гинецей, масалан *Laurocerasus corollina* M. Roem. ўсимлигида.

**Оддий гулкўрғон** – косача ва тожбаргларга табақалашмаган гулкўрғон (масалан, *Betula* туркумининг ўсимликларида).

**Оддий иккига бўлиниш** – бундай бўлиниш бир хужайрали ҳаракатланадиган ва ҳаракатланмайдиганларда турли усулларда содир бўлади.

**Оддий интегументлар** – битта ёпқичдан иборат интегументлар.

**Оддий поя** – ён новдалари бўлмаган поя (масалан, *Poa* оиласига мансуб ўсимликларда).

**Оддий мева** – битта уруғтугундан ривожланадиган битта, иккита ёки бир неча кўшилиб ўсган мева.

**Оддий монохазий** – иккита гулдан иборат монохазий бўлиб, асосий новдада ва ён новдада биттадан жойлашади.

**Оддий пиёзбош** – битта асосий куртаги бўлган пиёзбош (*Tulipa* туркумининг ўсимликларида).

**Оддий поралар** – диаметри хужайра бўшлиғидан то бирламчи пўстгача деярли бир хил бўлиб, узун цилиндр кўринишини ҳосил қилгани.

**Оддий соябон** – асосий ўқ қисми калта тортиб, ҳамма гулларни бир хил узунликдаги гулбандлари тепасидан чиққандек бўлиб кўринадиган соябон гул.

**Оддий сутдон** – битта хужайрадан ташкил топган сутдон.

**Оддий тўпгул** – гуллари марказий пояда жойлашган, ёнбош новдалардагиси тўла ривожланмаган тўпгул.

**Оддий фитоценоз** – бир ёки бир неча ўсимлик туридангина иборат фитоценоз.

**Оддий фитоценозлар** – бир қаватли (ярусли), деярли бир тур ўсимликлардан ташкил топган фитоценоз (масалан, *Phragmites communis* (Cav.) Trin ex Steud.) нинг фақат ўзидан иборат уюшма.

**Оддий чангланиш** (*pollinisatio legitimus*) - узун устунчали гулдаги чангнинг қисқа устунчали гулнинг тумшуғига тушиши ва унинг акси (алмашма чангланиш). Бунинг акси иллегитим чангланишдир.

**Оддий элаксимон пластинка** – битта элаксимон жойдан иборат пластинка.

**Оддий ўтказувчи боғламлар** – сув ўтказувчи трахея ва трахеидлар, фотосинтез маҳсулотларни ўтказувчи элаксимон найларни турли боғламларда бўлиши.

**Оддий қалқонча** – пастки гулбандлари устки гулбандларидан узоқроқ, шунга кўра, гуллари деярли бир сатҳда жойлашган оддий шингил ҳолидаги гул.

**Оддий кўрғон** – гулқўрғон бир хил бўлиб, уни бир хил рангда бўялгани.

**Ойболтирғон** (*Archangelica brericaulis* (Rupr.) Rch.b.) – соябонгулдошлар оиласига мансуб, тоғ, яйловда ўсадиган, эфирмойли кўп йиллик ўт.

**Ожут** (*Megacarpae orbiculata* B.Fedtsch.) – карамдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Оидиофор** – оидий ҳосил қиладиган гифа.

**Оидия** – базидияли замбуруғлар ва айрим такомиллашмаган замбуруғларда гифаларни парчаланиб, вегетатив кўпайиши учун хизмат қиладиган спора.

**Оила** – 1. Четдан чангланувчи битта ўсимликни кўпайтириб олинган авлод. 2. Тартиб ва туркум оралиғидаги систематик категория. Оила келиб чиқиши умумий бўлган ўзаро яқин туркумларни бирлаштиради.

**Оилалараро белгилар** (*character interfamilicus*) - икки оилага мансуб ўсимликлардан келиб чиққан дурагайдаги белгилар. Бу ҳодиса табиатда жуда кам учрайди.

**Оксалис** (*Oxalis*) - оксалисдошларга мансуб ўсимликлар туркуми.

**Оксалисдошлар** (*Oxalidaceae*) - кўп йиллик ўт, баъзан дарахт ўсимликлар оиласи. Барглари (ёнбаргчасиз барглари) мураккаб, гуллари икки жинсли ва бешталиқ (ҳам беш қатор), актиноморф. Меваси - кўсакча ёки юмшоқ мева.

**Оксиген фотосинтез** – кислород ажралиши билан рўй берадиган фотосинтез.

**Оксилогигрофитлар** – нордон муҳитда ўсишга мослашган гигрофитлар.

**Оксилофит** – 1. Торф ботқоқликларидаги ўсимлик 2. Нордон муҳитли тупроқларда ўсадиган ўсимлик.

**Октада** – 1. Дастлабки битта ҳужайрани бўлиниши натижасида юзага келган 8 та ҳужайралар гуруҳи 2. Замбуруғлардан *Ascomycetes* синфига мансублардаги аскғмеватана ичидаги одатда 8 та спора.

**Октоспор** – *Ascomycetes* синфига мансуб замбуруғларнинг мева танасини ичидаги 8 та спорадан биттаси.

**Олабута** (*Atriplex*) - шўрадошларга мансуб бир йиллик ўт ёки бута ўсимликлар туркуми. Барглари қатор тартибли ва баъзи ҳолларда қарама-қарши жойлашган. Тўда гуллари бошоқсимон тўпгулга йиғилади. Меваси ҳар хил: ёрқин тусли мевалари тезроқ, қора тусли мевалари эса кечроқ етилади.

**Олагурвак** (*Melo cassaba*). - гурвак қовуннинг кора чипор навларидан бири. Шакли тухумсимон, йирик, оғирлиги 5-10 кг. Пўсти қалин, кў-кимтир,

қора йўлли, текис ёки бир оз тилимли, сийрак тўрланган. Эти қалин, юмшоқ ва жуда ширин, таркибида 12,6% гача қанд бор. Уруғи йирик, оқ.

**Олазамча** (*Melo chandalak*) - ҳандалакнинг бир нави. Ясси, оғирлиги 2 кг гача. Пўсти тилим-тилим, банди атрофи озроқ тўрланган. Ранги оч яшил, баъзан оқиш. Гуллари тўқ сариқ, пўсти юмшоқ, қалин; эти тўқ сариқ, курукроқ. Таркибида 7,5% гача қанд бор. Уруғи чўзикроқ, йирик, оқ.

**Олапўчок** (*Melo zard*) - қовуннинг кеч пишар навларидан бири. Шакли тухумсимон учи ингичка, оғирлиги 5-6 кг. Пўсти ўртача қалин, қора-сариқ йўлли, сертўр. Эти кўкимтир. Таркибида 9,8% гача қанд бор. Уруғи йирик, чўзиқ, сариқ.

**Олаҳамма** (*Melo zard*) - қовуннинг кеч пишар навларидан бири. Шакли тухумсимон, оғирлиги 17-18 кг гача, баъзан 35 кг га етади. Пўсти текис, бир оз тўрлаган, ранги кўкиш-сариқ. Баъзан тўқ, яшил доғлари бўлади. Пўчоғи қаттиқ. Эти оқ, қалин, ширин. Уруғи йирик, энсиз, сариқ.

**Олволизор, олчазор** - раънодошларга мансуб кичик буталар ўсаётган майдон.

**Олволи** (*лот. Cerasus*) - раънодошлар (атиргулдошлар) га мансуб дарахт ва бута ўсимликлар туркуми. Гуллари соябонсимон тўпгулларга йиғилган. Меваси данакли, ширадор ва нордон.

**Олеандр** – (*Nerum oleandr L.*) – кутрадошлар оиласига мансуб, доимо яшил, танасининг ҳаммаси заҳарли доривор ўсимлик.

**Олейфералар** – *Ascomycetes, Basidiomycetes* синфларига мансуб замбуруғларнинг айримларини гифаларидаги мойли гифалар.

**Олеопластлар** – мой тўпланадиган лейкопластлар.

**Олиго ...** – “оз”, “кам” маъноларини англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Олигогалин ўсимликлар** – шўрланганлиги анча кам шароитларда ўсадиган ўсимликлар.

**Олигогалооблар** – диатом сувўтларни сувнинг шўрланганлиги Кольбе шкаласига кўра 0-5% бўлганда ўсадиганлари.

**Олигомеризация** – гулдаги аъзолар сонининг камайиши.

**Олигомер гинецей** – иккита ёки бир нечагина уруғчиси бўлган гинецей.

**Олигосапроб зона** – эриган органик моддалари йўқ, углерод икки оксиди кам, кислород меъёрига етиб боради, турли туман гуруҳ сувўтлари ўсади, уларнинг сони ва биомассаси кўп эмас.

**Олиготроф ўсимликлар** – озик моддалари анча кам бўлган муҳитларда ўса оладиган ўсимликлар, масалан, жийда, чаканда ўсимликлари.

**Олигофаглар** – бир нечагина тур ўсимлик билан озикланадиганлар.

**Олигоценоз** – бир неча турдангина иборат ўсимликлар жамоаси.

**Олма** – 1. Кўп уруғли хўл мева тури. 2. Ҳосил бўлишида тугунча ҳам иштирок этадиган сохта серэт мева.

**Олмосўт** (*Ranunculus severtzovii Rgl.*) – айиктовондошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Олтихона** (*Caragana turkestanica Kom.*) – дуккакдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган бута.



**Олча** (*Primus divaricata*, *P. cerasifera*) - раънодошларшиг олчалар (данаклилар) оилачасига мансуб дарахт ёки бута ўсимлик.

**Олғи** (*Koralkovia severtzovii* Rgl.) – пиёздошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Омброавтогамия** – гулни ёмғир таъсирида ўзини ўзи чанглаши.

**Омброфиллар** – узоқ муддат давом этадиган, ёғингарчиликларга бардош бера оладиган ўсимликлар, масалан, *Selaginella*, *Tradescantia* кабиар.

**Омброфитлар** – илдизлари тупрокқа чуқур кирмаган, атмосфера ҳавосидаги намлик ҳисобига ўсадиган ўсимликлар.

**Оммавий танлаш** - дастлабки популяциядан кўп миқдорда ўсимликлар танлаб олиниб, ёмонлари чиқит қилингандан кейин ҳосили бирлаштирилиб келгуси йили бир майдончага экилиши.

**Омниопотентлик** – алоҳида хужайрадан янги ўсимликни ҳосил қила олиш хусусияти.

**Омонқора** (*Ungernia victoria* Vved.) – чучмомадошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Онгсиз танлаш, онгсиз саралаш** - баъзи ўсимликлар навини (хўжаликдаги фойдали томонларини саклаган ҳолда) онгсиз равишда ўзгартириш жараёни.

**Онихомикоз** – одамлар ва ҳайвонларнинг тирноқларида *Hypomycetales* тартибининг замбуруғлари ҳосил қиладиган микоз.

**Онкогенлар** - хужайранинг ёмон сифатли ўзгаришига сабаб бўлувчи генлар.

**Онколитлар** – қадимги кўк-яшил сувўтлар ва бактерияларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлган тошқотмалар.

**Онтогенез** — 1. Организмнинг индивидуал ривожланиш даври. 2. Организмнинг шахсий ривожланиши бўлиб, уруғланган тухум хужайра-зигота ҳосил бўлгандан бошланиб. табиий ўлимгача бўлган давр.

**Онтогенезда жинснинг дифференциацияланиши** - шахснинг онтогенезида жинсий белгиларнинг ривожланиш жараёни. Ҳар хил жинсли орга- низмларда (шу жумладан одамларда) зигота айрим жинсга мансуб хромосомалар тўпламига эга бўлса ҳам жинсий жиҳатдан индифферент (фарқсиз) бўлади, чунки гонадалари ҳар иккала жинс томонга ривожланиш имкониятига эга. Жинс дифференциацияси жинсий гормонлар таъсирида амалга ошади, аввал жинсий куртаклар, кейин гонадалар ривожланади. Шунинг учун ҳам жинс онтогенезда қайта аниқланиши мумкин. Одам жинсини белгиланишида гормонлар таъсири ҳам кат-тадир. Масалан 46, ХҮ генотипда фенотип аёлларга хос бўлиши мумкин (Моррис синдроми), чунки бунда нишон хужайраларида андрогенларнинг рецепторлари бўлмади.

**Онтогенетика (феногенетика)** - индивидуал ривожланишнинг ирсий асосларини ўрганувчи генетиканинг бўлими.

**Онтогения** – алоҳида организмнинг ривожланиш тарихини ўрганадиган биологиянинг тармоғи.

**Оо ...** – “тухум”, “тухум хужайра” сўзига оидликни билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Област ип** – қизил сувўтларнинг карпогонидан чиқиб, цистокарп ҳосил қиладиган ип.

**Оогенез** – оогонийдан урғочи жинсий ҳужайраларни (тухум ҳужайрани) ривожланиши.

**Оогоний** – 1. Сувўтлар ва айрим замбуруғларда оогам типда жинсий жараён рўй берадиган урғочилик жинсий кўпайиш ҳосиласи. 2. Муртак ҳужайралардан митоз орқали оосит ҳужайраларини ҳосил бўлиши жараёни.

**Оогамия** – жинсий кўпайишда йирик ҳаракатланмайдиган тухум ҳужайра ва серҳаракат кичик ҳужайранинг кўшилиши.

**Оокинез** – тухум ҳужайрадаги митозни уни етилиши ва уруғланишидаги жараён.

**Оомицетлар** – замбуруғлар бўлимининг синфи. Мицеллийси кўп ҳужайрали, яхши ривожланган сув қурукликларда тарқалган.

**Оопогамия** – муртакни редукцияланмаган тухум ҳужайрадан ривожланиши.

**Ооспора** – оомицетлар синфига мансуб замбуруғларда тухум ҳужайрани антеридий борлиги билан юзага келган, тиним даврини ўтайдиган спора.

**Оператор** – 1. Оперондаги ДНК нинг бир бўлаги. Репрессор оқсил билан боғланиб опероннинг транскрипсиясини "бўғади". 2. Репрессор оқсил билан специфик бирикиб, оперон транскрипсиясини ифода қилувчи опероннинг олдинги қисми.

**Оперон** - 1. Оқсил транскрипсиясини тартибга солувчи промотор, оператор, структурали генлардан иборат ДНК қисми. 2. Битта ёки бир нечта структуралый генлар ва регулятор элементлардан ташкил толувчи транскрипсия бирлиги.

**Оперкулум** – мохларда юзага келадиган спорангийсини қопқоғи.

**Оперкулят** – дискомицет замбуруғларда халтачани очадиган қопқоқ.

**Оралик бўлиниш** – зиготада биринчи бўлиниш бошланишидан олдин, спермийни урғочи ядрога тегиши биланоқ ядроларни бирлашиш ҳолати.

**Оралик ирсийланиш** - доминант ва рецессив аллелларнинг бир хил юзага чиқиши, масалан, Аа - микрофтальмия (А - кўз соққасининг меъёрий ўлчами гени, а - анофтальмия гени). Бундай ирсийланиш чала доминантлик деб ҳам аталади (доминант аллел рецессив аллелни тўлиқ бўғиб қўймаганлиги учун).

**Оралик мейоз** – споранинг она ҳужайрасида рўй берадиган мейоз.

**Оралик хўжайин** – занг замбуруғларининг (*Uredinales*) ривожланиш даврида фаолиятни бир қисми ўтадиган ўсимлик. Масалан, *Puccinia graminis* замбуруғини ривожланишининг дастлабки давридаги *Berberis* ўсимлиги.

**Орбикула** – нинабаргли ўсимликлар спородермасининг эктэкзина қаватидаги бир ҳужайрали ҳосилалар.

**Органик тиним** – тиним ҳолатдаги ўсимликка уни ривожланиши учун қулай шароит яратилганда ҳам уни тиним ҳолатидан чиқмаслиги.

**Органогенез** – 1. Танани асосий органларини шаклланишини таъминловчи эмбриогенез стадияси. 2. Онтогенез жараёнида органларни шаклланиши ва ривожланиши. 3. Ўсимликларда илдиз, поя, барг, гулларни шаклланиши ва ривожланиши.

**Органография** – тирик организмларнинг ички аъзоларини тавсифлаш.

**Оргинал уруғ** - оргинатор томонидар ишлаб чиқарилган уруғлар.

**Ореофит** – тоғ шароитидаги ўсимлик.

**Орнитокапрофил ўсимликлар** – қушларнинг гўнги кўп бўлган жойларда ўсадиган ўсимликлар гуруҳи, масалан, *Ramalina* туркумига мансуб лишайниклар қушлар гўнги кўп бўлган тошларда ўсади.

**Орнитофилия** – ўсимлик гулларини қушлар ёрдамида чангланиши.

**Орнитохория** – уруғ ва меваларни қушлар ёрдамида атроф муҳитга тарқалиши.

**Орографик омиллар** – жой рельефи, ёнбағирлик, денгиз сатҳидан баландлик омиллари.

**Ортотроп уруғмуртак** – микропилеси уруғбанд билан параллел жойланишдан уруғмуртакни уруғмуртакли плацентага кўндаланг жойланиши.

**Ортоспермия** – қ. қўш уруғланиш.

**Ортостих** – 1. Мохларда илдизни тик қаторлар ҳолида жойланиши 2. Пояда бир-бирига қарамағқарши ҳолда супратив баргнинг жойланиши.

**Ортотроплик** – ўсимлик поясининг вертикал – тикка ҳолатда ўсиши.

**Ортотроп мохлар** – пояси тикка ҳолда ўсадиган мохлар.

**Ортотроп таллом** – ўсаётган жойи, субстратдан тиккасига кўтарилган таллом.

**Ортотроп ҳаракатлар** – таъсир этувчининг йўналиши бўйича ўсимликларда рўй берадиган ҳаракатлар.

**Орхидология** – орхидеядошлар оиласига мансуб ўсимликларни ўрганадиган таксономиянинг тармоғи.

**Осма илдизлар, муаллақ илдизлар** - ҳаводаги намлик ва озик моддаларни ўзлаштирувчи, ҳавода эркин осилиб турувчи ёки қисман тупроқ ва сувдан ташқарида (бевосита ҳавода) ўсувчи илдизлар.

**Осмотаксис** – айрим замбуруғлар ва сувўтларни муҳитнинг осмотик босимини ўзгаришига кўра ҳаракати.

**Осмофил ўсимликлар** – катта осмотик босим остида ўсадиган ўсимликлар, уларга шўр кўлларнинг сувўтлари, асалда ўсадиган замбуруғлар мансуб.

**Осмофорлар** – гулдаги эфир мойлари ажралиб, унга ўзига хос ҳид берувчи безлар.

**Осмундалар** – папортниклар бўлими полиподиопсидлар синфининг тартиби.

**Остеосклереид** – болдир суягига ўхшаб кетадиган, яъни икки учи бироз кенгайган устунсимон склереид.

**Остиола** – дейтеромицет замбуруғларнинг пикнида типисидаги меватанасидаги тирқиш (тешик).

**Остки чок, қоринчок** (*sutura ventralis*) - уруғчилардаги мевабарг қирғоқларининг туташган жойи.

**Остки тугунчали гул, пастки тугунчали гул** (*flos epigynus*) - уруғ-чидан юқорида жойлашган гул. Бундай гулларда тугунча пастки, гулнинг бошқа қисмлари эса тугунчага нисбатан устки бўлиб қолади.

**Осцилляториялар** (*Oscillatoriales* (Elenk.)Starmaew em Kondrat.) – иплари тармоқланмаган ёки сохта тармоқланган. Трихомаси бир қаторли, гомоцит, гетероциста ва акинеталари йўқ (*Cyanophyta, Hormogoniophyceae*) сувўтлар тартиби.

**Осцилляция** – ўсимликдаги интеграция жараёнларини амалга ошириш.

**Оташак** (*Ceratocephalus falcatus* (L.) Pers.) – айиқтовондошлар оиласига мансуб, чўл, адир, тоғда ўсадиган захарли бир йиллик ўт.

**Оташакпиёз** (*Allium capsicum* (Pall.)M.B.) – пиёздошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Отқулоқ** (*Rumex confertus* Wield.) – торондошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Отқўноқ** (*Phleum phleoides* (L.) Simk.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Офиоглосеопсидлар** – папоротниклар бўлимининг синфи.

**Офиоглоссалар** – папоротниклар бўлими офиоглоссопсидлар синфининг тартиби.

**Офиоглоссопсидлар** – папоротниклар бўлимининг синфи.

**Очиладиган мева** – битта ёки бир неча мевали баргдан ривожланадиган кўп уруғли мева.

**Очиладиган мева, чатнайидиган мева** - пишгандан сўнг ичидаги уруғини сочиш (тарқатиш) учун ёриладиган мева. Ловия, мош, бангидевона, ғўза кўсаги кабилар шундай мевалардандир.

**Очилмайидиган мева** (*лот. fructus indehiscens*) – 1. Пишгандан сўнг ҳам ёрилмайидиган мевалар. 2. Уруғтугундан ривожланадиган бир уруғли мева.

**Очиқ боғлам** – поянинг бирламчи ўтказувчи қисмидаги ўзаро бирғбири билан боғланмай, ҳар бири алоҳида жойлашган боғлам.

**Очиқ куртак** – усти қипиқ ҳолидаги парда билан ўралмаган куртак.

**Очиқ митоз** – ядро мембранаси эриб кетиши билан рўй берадиган митоз.

**Очиқ томирланиш** – япроқдаги томирланишларнинг бир мунча йирикларини учлари мезофилда бирғбири билан туташмаган ҳолдаги томирланиш.

**Очиқ тўпгул** – марказий пояси гул билан тугалланмаган, ўсиши чекланмаган тўпгул.

**Очиқ фитоценозлар** – янги турлар келиб ўсиши ва ривожланиши мумкин бўлган фитоценозлар.

**Очиқ ўтказувчи боғлам** – прокамбийни камбийга бирламчи элементлари шаклланиб бўлганидан кейин айланадиган ўтказувчи боғлам.

**Ошиқўт** (*Chrozophora obliqua* (Valh.)A.Juss.) – сутламадошлар оиласига мансуб, чўл, адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Ошловчи моддали ўсимликлар** – қ. таннидли ўсимликлар.

**Ошловчи моддалар** (*tannina*) - кимёвий бирикмалар. Ошловчи моддаларнинг асосий гуруҳи ўсимликлардан олинади.

**Оқбош** (*Karelinia caspica* (Pall.) Less.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Оқ буркун** (*Melilotus albus*) - дуккакдорларнинг капалакгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимлик. Бўйи 1,5-3 м га етади. Гуллари оқ.

**Оқгурвак** (*Melo cassaba*) - гурвак қовуннинг ўрта пишар навларидан бири. Думалоқроқ, йирик (5-7 кг), пўсти қаттиқ, текис оч яшил, баъзан сарғиш, майда тўрланган. Эти қалин, оқ, юмшоқ, ширадор (10,4% гача қанд бор). Уруғи ясси-чўзиқ, йирик ва оқ.

**Оқдона, туятиш** - анорнинг йирик (300—350 г) мевали нави. Асосан, Ўзбекистонда ўсади. Дони ширин, таркибида 14% гача қанд ва 0,5% гача кислота бор.

**Оқ вассарға** - жайдари узумнинг майизбоп ва винобопнавларидан бири. Гули икки жинсли, ғужуми думалоқ, сариқ, қаттиқ.

**Оқ жўхори, кўқонжўхори** (*Sorghum cernuum*) - жўхориларнинг бир хили.

**Оқ йусиннамалар** (*Sphagnales*) - йўсинларнинг бир қабиласи. Бу қабиланинг биргина оиласи (*Sphagnaceae*), оиланинг эса фақат бир туркуми (*Sphagnum*) мавжуд.

**Оқ замбуруғ** (*Boletus edulis*) – базидияли замбуруғлар синфининг пўқакдошлар оиласига мансуб қалпоқчали ва егулик замбуруғлар.

**Оқ замбуруғлар** - базидиялилар синфига мансуб замбуруғларнинг 3 тури. Барча турларининг қалпоқчалари ботик, ранги эса оқ. Иккита тури таркибида куйдирувчи сут шираси бор.

**Оқмомиқ** (*Puccinellia gigantea* Grassh.) – буғдойдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Оқноввот** - қовуннинг эрта пишар навларидан бири, тухумсимон, банд томони тўмтоқ, уч томони эса бир оз бўртиб чиққан, оғирлиги 3-4 кг. Икки учи бир оз буришган, ранги оқ ёки яшил-сарғиш, сийрак тўрланган. Эти кўкимтир, юмшоқ ва жуда ширин (таркибида 12,6% гача қанд бор). Уруғи йирик, чўзиқ ва сариқ.

**Оқ нукул** - ўрик нави. Эрта баҳорда гуллаб, июннинг охири, июлнинг бошларида пишади. Меваси сарғиш, баъзилари қизғиш доғли, эти сарғиш-оқ, бир оз нордон, туршакбоп.

**Оқ парпи** (*Aconitum talassicum* M.Pop.) – айиқтовондошлар оиласига мансуб тоғ, яйловда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Оқсасир** (*Archangelica tschimganica* Schischk.) – зирадошлар (соябонгулдошлар) оиласига мансуб, тоғда ўсадиган эфир мойли кўп йиллик ўт.

**Оқсеп** (*Solenanthes circinatus* Ldb.) – говзобондошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Оқсиллар** (*albumenes*) - юқори молекуляр органик моддалар. Мураккаб молекулалари аминокислоталардан тузилган.

**Оқсилли вакуолалар** – етилган уруғларнинг хужайралари вакуоласидаги коллоид оқсиллар.

**Оқсўхта** (*Dactylis glomerata* L.) – буғдойдошлар (бошоқдошлар) оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Оқтикон** (*Acanthophyllum elatius* Vge.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Оқ тол, сарик тол** (*Salix alba*) - Толдошларга мансуб дарахт. Йўғонлиги 1,5 м га, бўйи 25 м га етади. 100 йилча яшаши мумкин. Қобиғи тўқ бўзранг ва чуқур-чуқур ўймали. Эрта баҳорда, баргларининг ёзилиши билан бир пайтда гуллайди.

**Оққалдирмоқ** (*Tussilado farfara* L.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб, доривор кўп йиллик ўт.

**Оққандим** (*Calligonum arborescens* Litv.) – торондошлар оиласига мансуб, кумли чўлда ўсадиган кум ушловчи, ем-хашак чала бута.

**Оққундуз** (*Echinops caratavicus* Rgl. et Schmalh.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Оққурай** (*Psarolea drupaceae* Vge.) – бурчоқдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Оққурт** (*Convolvulus divaricatus* Rgl. et Schmalh.) – печакдошлар оиласига мансуб, кумли чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Оқуруғ** - қовуннинг эрта пишар оқ-чипор навларидан. Шакли чўзиқ (35-45 см), оғирлиги 5-8 кг. Пўсти оқ-қора йўлли, ўртача тўрланган. Эти оқ, калин, юмшоқ, ширадор, таркибида 8,7% гача қанд бор. Уруғи йирик, чўзиқ ва сарик.

**Оқчингил** - даштда ўсувчи баъзи буталарнинг умумий номи. Буларга дуккакдошлардан қараған (*Caragana*) туркумининг айрим турлари ва тоmatдошларнинг баъзи тиканли турлари (масалан, *Lycium ruthenicum*) киради.

**Оқўрик** - ўрикнинг Тошкент ва Фарғона вилоятларида учрайдиган нави. Июнда пишади. Оқиш ва ширин.

**Оққовун** (*Melo ameri*) - қовуннинг эрта пишар навларидан бири. Тухумсимон, пўсти қаттиқ, тилим-тилим, ўртача тўрланган, оқиш, ора-орасида бир оз яшил доғлар бор.

**Оққовун-557** - қовуннинг эрта пишар навларидан бири. Тухумсимон чўзиқ (30-45 см), йирик (10 кг гача), пўсти қаттиқ, сертўр, оқ ёки кўкиш-оқ. Эти оқ, ширин, таркибида 10% гача қанд бор. Уруғи сарик, йирик ва чўзиқ.

**Оққош** (*Melo zard*) - қовуннинг кечпишар навларидан бири. Тухумсимон, катта (узунлиги 30-45 см, оғирлиги 8-12 кг гача). Пўсти бир оз бу-ришган, сертўр, қаттиқ, ранги кўкиш-сарик ёки оч жигар ранг, тўқ яшил доғлари ҳам бор. Эти оқ, калин, ширин, таркибида 8,5% гача қанд бор. Уруғи йирик, тўқ сарик.

**Оққул** (*Melo zard*) - қовуннинг кеч пишар навларидан. Шакли чўзиқ, учи бир оз бўртиб чиққан, оғирлиги 5-7 кг. Пўсти қаттиқ, сертўр, ранги яшил-зарғалдоқ; тўқ-яшил доғлари бор. Эти оч-яшил, калин, жуда ширин. Уруғи йирик, сарик.

**Оҳаксевар ўсимликлар** - сероҳак (серишқор) муҳитда яшовчи ўсимликлар.

**Оҳакёқмас ўсимликлар, кальцефоблар** - сероҳак (серишқор) муҳитни ёқтирмайдиган ёки шундай муҳитда ўса олмайдиган ўсимликлар.

**Оқ олабута** (*Atriplex cana*) - шўрадошларнинг олабуталар туркумига мансуб кўп йиллик ўсимлик.

**Оқ кишмиш** - узумнинг майизбоп жайдари нави. Гули икки жинсли, ғужуми (меваси) майда, оқиш.

**Оғиз** – гултожбаргларнинг тирноқлари ўзаро қўшилиб кетган қисмни гажакка ўтиш жойи.

## II

**Палак, кўкпоя** - картошка, сабзи, лавлаги, шолғом каби тугунак хосилли ўсимликларнинг ер юзасида ўсувчи яшил қисми ва қовун, тарвуз кабиларнинг палаклари.

**Палео ...** – “қадимги”, “қадимги замонга оид” маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Палеоарктик ареал** – Голарктиканинг Евроосиё қисмини эгаллаган ареал.

**Палеоботаника** – қадимги геологик даврлардаги ўсимликлар оламини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Палеопалинология** – қазилма споралар ва гул чанглариини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Палеотроп флористик вилоят** – Австралиядан ташқари Шарқий ярим шарнинг тропикларни эгаллаган ҳудуд.

**Палеофит** – ердаги ўсимликлар эволюциясида галофитни алмаштириб, мезофитга асос солган босқич.

**Палеофлористика** – палеоботаниканинг қадимги геологик даврларда ўсган ўсимликлар турларини ўрганадиган тармоғи.

**Палина** – гул чанги донаси, спора.

**Палинология** – гул чангчи ва ўсимликлар спораларини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Палисад тўқима** – барг мезафилининг юқориги ассимиляцияловчи паренхимаси бўлиб, бир ёки бир неча қават чўзиқ, цилиндр шаклидаги хужайралардан иборат. Улар барг сатҳига нисбатан кўндаланг ҳолда жойлашади. Унинг хужайраларини пўсти юпқа ва анчагина кўп микдорда хлоропластлари бўлади.

**Палисадодерма** – *Basidiomycetes* синфига мансуб, айрим замбуруғлар меватанасининг юқориги қавати.

**Палисад хлоренхима** – қ. палисад тўқима.

**Палла тузилмаси** – диатом сувўтларнинг совути юзасидаги ва ичидаги ёруғлик ва электрон микроскопларда ҳам кўринадиган расмлар.

**Палмелла** – шилимшиқ билан ўралган кўп микдордаги хужайралар тўплами (сувўтларда).

**Пальмалар** (*Arecales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Arecidae* кенжа синфининг тартиби.

**Пальмеллоид тузилиш** – ҳаракатланмайдиган, монад тузилмага ўхшаб хивчини бор ёки анча редуцияланган, шилимшиққа ўралган тузилишли сувўтлар. Хивчини ҳаракатланмайди. Бир хужайрали ёки колониялар ҳосил қилиб, мустақил ёки бириккан бўлади. Хужайралари бир ёки кўп ядроли.

**Пальмеллоид ҳолат** – монад тузилишли сувўтларда ноқулай шароитда хивчинларини ташлаб ёки ичига тортиб олиб, шу турга хос, ташқи кўринишини йўқотиб қалин шиллиқ билан ўралган ҳолати. Монад тузилган сувўтларда яшаш муҳити яхшиланиши билан дастлабки ҳолатига қайтади.

**Панданалар** (*Pandales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Arecidae* кенжа синфининг тартиби.

**Панжангўшт, беш-бармоқ** (*Vitex agnus-catus*) - Вербенадош (тизимгулдош) ларга мансуб бута. Бўйи 1—4 м га етади. Барглари майда, қарама-қарши жойлашган, панжасимон мураккаб; гуллари рўвак ҳолида. Уруғ ва баргларида қалампир таъми келади.

**Панмиксия** - популяцияда ҳар хил генотипли шахсларнинг тасодифий эркин чатишиши. Ҳақиқий панмиксия фақат идеал популяцияларда амалга ошиши мумкин. Аммо кўп сонли одам популяцияларида ҳам шартли равишда панмиксия кузатилиши мумкин.

**Пантропик ареал** – тропик минтақанинг ҳаммасини эгаллаган ареал.

**Папилла** – яшил сувўтлардан *Volvocales* тартибининг айрим вакилларида хужайранинг олдинги қисмидаги пўстни бироз қалинлашган жойи.

**Папулоспора** – такомиллашмаган замбуруғлардан *Papulaspora* туркуми ҳосил қиладиган тиғиз ўралган гифадан иборат спора.

**Пара ...** – “ёнма-ён бўлиш”, “оғиш”, “бирор нарсанинг бузилиши” кабиларни англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Парабазал тана** – тилларанг, кўнғир, сариқ-яшил, эвглена сувўтларининг хивчинларидан биттасини асосидаги стигманинг қаршисидаги дўмпайма.

**Парагемиотропизм** – япроқни куёш нурини бевосита тушишидан қочиши.

**Парадерма** – *Ascomycetes* ва *Basidiomycetes* синфларига мансуб, айрим замбуруғларнинг псевдопаренхиматоз тўқимасининг юзаси.

**Паракарп гинецей** – мевабаргчаларининг четлари бир-бирига қўшилган гинецей.

**Паракарпий** – паракарп гинецейдан ҳосил бўлган мева (*Viola* туркумининг ўсимликларида).

**Параклимакс** – инсоннинг узок муддат давомидаги таъсирига бардошли формация.

**Парамилон** – эвглена сувўтлардаги ғамланадиган озик модда, полисахарид.

**Парамитоз** – энг содда ҳайвонларда рўй берадиган юксак ва тубан тузилишли организмлардаги митоздан фарқланиб, хромосомалари профаза, метафаза ва анафаза даврида спираллашмайдиган ёхуд бирозгина спираллашадиган ҳолат рўй берадиган митоз бўлиниш.

**Парамия** – эвглена сувўтларидаги ўлчамлари катта донсимон ғамланган моддани М. Шадефо фикрича, парамилонни атамаси.

**Парасексуал давра** – айрим замбуруғлардаги гетерокариот ядроларни ўзаро қўшилиши ва ажралиши билан рекомбинант ядролар ҳосил бўлиши.

**Парасексуал жараён** – ирсий жиҳатидан турлича иккита ядронинг қўшилиши.

**Парасимбионт** – лишайник танасидаги фикобионт (сувўт) ҳисобига озикланадиган замбуруғ.

**Параспермия** – муртак халтанинг чанг найидаги хужайралар ўзаро қўшилмай шимиб олиши.



**Параспоралар** – қизил сувўтларда жинссиз кўпайишида ҳосил бўладиган ҳаракатланмайдиган споралар.

**Парастихия** – пояда баргни спирал ҳолда ўрнашиши.

**Партеногенез «қизлик кўпайиш»** - жинсий кўпайиш шаклларида бири бўлиб, урғочи гамета оталанмасдан кўпайиши.

**Паратещий** – *Ascomycetes* синфи *Pezizales* тартибига мансуб замбуруғлар апотецийсини чекка қаватини тўқ рангда бўлиши.

**Паратрахиал паренхима** – иккиламчи ксилемадаги ўтказувчи найлар ва трахеал элементлар билан боғланган паренхима.

**Парафизлар** – кўнғир сувўтлардан *Laminaria* туркумининг талломини устида кўпайиш органларини орасида жойлашиб, уларни ҳимоялайдиган тузилмалар.

**Парафилл** – айрим мохлар поясидаги панжасимон қирқилган яшил ўсимта.

**Парафиллар** – айрим бриопсид мохларда поя юзасидаги панжасимон қирқилган яшил ўсимталар.

**Парафлагелляр тана** – эвглена сувўтларда ёруғликни сезадиган томчи ёки ясси япроқга ўхшаш тана.

**Парацит устица** – очилиб ёпилувчи хужайраларнинг ҳар бири битта ёки кўпроқ очилиб ёпилувчи хужайраларга нисбатан параллел жойлашган устица. Папоротниклар, қирқбўғимлар ва гнетопсидларда бўлади.

**Парентал плацента** – гул тугуни ички деворларида узунасига жойлашган плацента.

**Паренхиматоз (тўқима) тузилиш** – ипсимон ва турлича йўғонликдаги ип тузилишдаги хужайраларни турли йўналишларда бўлиниши натижасида паренхиматоз таллом юзага келади. Бу билан таллом тузилишининг мураккабланиши, оддий табақалашмаган пластинкадан (*Porphyra* Ag., *Ulva* L.) ассимиляция, ўтказиш, ғамлаш, таянч вазифаларини бажарадигангача тузулишлилар юзага келади. Бундай тузилиш кўнғир, қизил, яшил сувўтларида учрайди.

**Паренхотеста** – етилган уруғ пўстидаги паренхима тўқима.

**Пареция** – мохларнинг баргларида антеридийни бевосита архегонийларни остида жойланиши.

**Парихна** – қазилма плаунлардаги барглари тушиб кетганидан кейин ҳосил бўладиган ҳаволи тўқима.

**Парихнос** – папоротникларда липедендрон туркуми япроғидаги тилчасимон қисми тўкилишидан қолган из.

**Парма** – нинабаргли ўсимликлардан иборат Россиянинг Сибиридаги тоғлар.

**Пармачак** (*Rubus anatolicus* Focke.) – раънодошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган, меваси истеъмол қилинадиган бута.

**Парнассия** (лот. *Parnassia*) - қоракатдошлар (қоячидошлар) га мансуб ўсимликлар туркуми.

**Парпи** (*Aconitum zerafschanicum* Steinb.) – айиқтовондошлар оиласига мансуб, тоғ, яйловда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Партак** (*Convolvulus hamadae* Petr.) – печакгулдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Партикуляция** – илдизни узунасига бўлиниши натижасида бир нечта мустақил илдизларнинг ҳосил бўлиши.

**Партеногамия** – 1. Эмбрионни эркак ядронинг иштирокисиз ривожланиши 2. Ўсимликлардаги меваларни уруғланмасдан ривожланиши.

**Партеногенез** — уругианмаган тухум хужайрадан муртак ривожланиши.

**Партеногенез** – папоротникларда (*Marsilia* туркумида) урғочи гаметофитни гаплоид спорадан эмас, диплоид она хужайра спорасидан юзага келиши.

**Партеногенетик ривожланиш** – сувўтларда урғочи гаметани уруғланмасдан ривожланиши.

**Партенокарпия** – айрим ўсимликларда уруғланиш рўй бермасдан, уруғсиз меваларнинг ҳосил бўлиши.

**Партеномиксис** – битта кўпядроли оогонийга иккита урғочи ядрони кўшилиши; партеномиксис ҳақиқий уруғланиш жараёнининг ўрнини босиши мумкин.

**Партеноспермия** – нинабаргли ўсимликларда уруғ пўстини уруғланишсиз ривожланиши.

**Партеноспора** – диплоид уруғланмаган тухум хужайранинг редукцион ядросидан ривожланган спора. Партеноспора одатда яшил сувўтлардан маташувчиларда, зигомицет, оомицет замбуруғларда юзага келади.

**Партов, дам берилган ер** - бир неча йил давомида қишлоқ хўжалиги экинлари экилмай, турли ўсимликлар ўсиб ётган ер. Бундай ер бир неча йилдан сўнг яна шудгорланади ва экин экилади.

**Парцелла** – фитоценоздаги доминант ва ингредиентли популяция, уларнинг зичлиги, таркибига кўра табақалашган махсуслашган тузилмали қисм.

**Парча мева, бўлма мева** (*mericarpium*) - етилгандан сўнг бир неча бўлақларга бўлиниб кетувчи мевалар.

**Пасмо** – каноپ ўсимлигида *Mycosphaerella linicola* Naum. замбуруғи қўзғатадиган жуда хавфли касаллик.

**Пассантлар** – фитоценозда мавжуд бўлиб, жуда тез йўқолиб кетадиган ўсимликлар.

**Пастер эффекти** – кислород мавжудлигида қандларнинг парчаланишини тўхтатиб, ундан самаралироқ фойдаланиш.

**Пациентлар** – яшаш учун курашда ўзларининг чидамликлари боис яшаб қоладиган ўсимликлар.

**Патиссон** (*Cucurbita pepo* L.) – қовоқдошлар оиласига мансуб, бир йиллик, элма ўсимлик.

**Патлоқ** (*Smirnovia turkestanica* Bge.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, қумли чўлда ўсадиган бута.

**Патоген** – касаллик қўзғатувчи организм.

**Патоген бактериялар** - ўсимликларда юқумли касалликлар таркатувчи бактериялар.

**Патулекторлар** – фитоценозда якка турган ҳолда доминантлик қилувчилар (масалан, *Pistacia vera* ёки *Ferula badraketa*).

**Пахмоқ** - пахмоқдошлар (*Asclepiadaceae*) га мансуб бир қанча ўсимликлар: сутпечак, пахмоқ.

**Пахмоқ, сертук** (*villosus*) - танаси, барги ва бошқа органлари қалин туклар билан қопланган ўсимликлар.

**Пахмоқдошлар** (*Asclepiadaceae*) - икки уруғ паллалилардан туташ тожли ўсимликлар оиласи; ўт, бута ва лианалардан иборат. Кўпчилигининг барглари қарама-қарши жойлашган, бандсиз, оддий; гуллари икки жинсли, тўғри (актиноморф). Меваси қисман ажралган ва қалдирғоч думига ўхшаган икки баргчадан иборат. Бу ўсимликнинг ички қовиғи (луби) ва анча заҳарли сут шираси ҳам бўлади.

**Пахтагулдошлар, ғўзагулдошлар** (*Malvaceae*) - икки уруғ паллалилардан айритожлиларга мансуб ўт ва бута ўсимликлар оиласи. Барглари панжасимон ўйма, гуллари йирик, оқ-сарик, пушти, бинафша тусда бўлиб, актиноморф ва икки жинслидир. Косачаси икки қават. Чангчилари чексиз кўп сонли, ипчалари бир-бири билан тўташган. Уруғчиси битта. Меваси - кўсак.

**Пахинема** - мейоз бўлинишнинг профаза I ни зигонема босқичидан кейинги давр. Бу босқичда гомологик хромосомалар бир-бири билан маҳкам боғланган бўлади ва бивалентлар деб аталади.

**Пахипикнида** – такомиллашмаган замбуруғларнинг қалин пўстли пикнидаси.

**Пахтак** (*Astragalus sieversianus* Pall.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, тоғ, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Пашмак** (*Salsola leptoclada* Gand.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Пашмакдошлар** (*Onagraceae, Oenotheraceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб ва баъзан бута ҳолида ўсадиган ўсимликлар оиласи.

**Пашшахўр** (*Amanita muscaria*) - пластинкадошларга мансуб заҳарли замбуруғ. Оқ доначали қизил қалпоқчага эга. Бу замбуруғни қайнатиб, пашшага қарши қўллайдилар (уни еган пашшалар заҳарланиб ўлади).

**Пашшақопқон** (*Dionaea muscipula*) - дрозенадошларга мансуб ҳашаротхўр кўп йиллик майда ўсимлик.

**Пақ-пақ** (*Physalisalkek engi* L.) – томатдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Паҳмоқ** - паҳмоқдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Танасида сут шираси бор. Бўйи 1,5 м га етади. Барги узунроқ, тухум шаклида, гуллари соя-бон шаклидаги тўпгулга йиғилган, хушбўй, бинафша-қизил. Меваси 10-12 см узунликдаги кўк тусли усти жингалак кўсак ёки дуккак.

**Педагамия** – вегетатив ҳужайраларни бўлинишидан юзага келган иккита қиз ҳужайрани қўшилишидан юзага келадиган автогам жинсий жараён (Диатом сувўтларидан *Pennatophyceae* синфига мансубларда рўй беради).

**Пединомонадалар** (*Pedinomonadineae*) – бир ҳужайрали, ассиметрик тузилишли майда яшил, битта латериал хивчинли сувўтлар (*Chlorophyta, Chlorophyceae*) кенжа тартиби.

**Пелликула** – 1. *Euglenophyta*, *Xantaphyta* бўлимларига мансуб сувўтларнинг хужайраларининг таркиби оксилдан иборат протопластни ўраган тифиз, терисимон эластик қават. 2. Уруғнинг энг ташқи юпқа пардаси.

**Пелликула** – целлюлоза қоплами бўлмаган сувўтларнинг хужайраларидаги плазмолеммани устидаги оксилли қават. Пелликула эвгленаларда тифиз, эластик, қалинлиги 70 нм гача боради.

**Пельтат тангача** – папоротниклардаги қалқонсимон тангачалар.

**Пенетрантлик** – 1. Доминант ёки рецессив ген аллелини гомозигота ҳолатдаги таъсирини намоён бўлиш эҳтимоллиги. 2. Ген таъсирининг фенотипик юзага чиқишининг миқдорий кўрсаткичи, фоизлар билан ифодаланади. Масалан пенетрантлик 50% бўлса мазкур ген 100 шахсдан 50 тасида намоён бўлади. Пенетрантликнинг бир кўриниши жинсга тобе ва боғлиқ белгиларнинг намоён бўлишидир.

**Пеннан диатомлар** (*Pennatophyceae*) – хужайралари биттадан ёки турли кўринишлардаги колония ҳолида, совут симметрияли, баъзилари дорсовентрал, S-симон эгилган, асосан бентосда, турли предметларда ўсадиган сувўтлар (*Bacillariophyta*) синфи.

**Пентакотилия** – икки уруғ паллали ўсимликларнинг айримларида бешта уруғни бўлиши.

**Пентакотилия** – муртақда бешта уруғпалланинг бўлиши (кактуслардан опунция ўсимлигида).

**Пентациклик гуллар** – беш доирали гуллар, яъни иккита доира гулқўрғон, иккита доира чангчилари ва битта мевабарг доираси бўлган гуллар (масалан, *Caryophyllaceae*, *Geranaceae*, *Liliaceae* ва бошқа оилаларга мансуб ўсимликларида).

**Пеонгуллар** (*Paeoniales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи *Dilleniidae* кенжа синфининг тартиби.

**Пептид боғ** - бир аминокислотанинг амин гуруҳи билан иккинчи аминокислотанинг карбоксил гуруҳи ўртасида боғни ҳосил бўлиши ва бир молекула  $H_2O$  ажралиши.

**Перга** – асаларилар йиғиб личинкаларини боқиш учун уяларига йиғадиган ўсимликларнинг гулини чанги.

**Пердоминантлар** – мазкур формациядаги барча ёки деярли барча ассоциациялардаги доминант турлар.

**Перанемалар** (*Peranematales*) – хлорофиллсиз, рангсиз голозой озиқланадиган, хужайралари турлича шаклдаги, билатериал ёки ассиметрик тузилмага, метаболик ёки аметаболик (*Euglenophyta*, *Euglenophyceae*) сувўтлар, 17 туркум ва 170 дан ортиқ турлари маълум.

**Пери ...** – “шунга ўхшаш”, “шунга якин”, “олдида” маъноларини билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Периант** – юнгерманий жигармохларини архегонийларининг атрофини ўраб турадиган химояловчи парда.

**Периантий** – поя баргли шохлардаги қопловчи барглар.

**Периантий** – гулда чангчилар ва уруғчиларни ўраб турадиган қисмлар; жигармохлар архегонийсини ўраб турувчи ёпқич.

**Периблема** – илдизнинг ўсиш конусидаги бирламчи ҳосил қилувчи тўқималардан иборат паренхима ҳужайраларининг бир ёки бир неча қавати.

**Периблема** – гулли ўсимликлар поясининг ўсиш нуқтасидаги учта қатламдан ўртасидаги меристема тўқимаси.

**Периген устица** – ўраб турган ҳужайралари ва очилиб ёпилувчи ҳужайралар она ҳужайраларидан ҳосил бўлмаган устица.

**Перигиния** – гул ўрни устицадаги ясси ҳосила, унда косаарглари, тожбарглари ва чангчилари бўлган гул.

**Перигоний** – учки баргларнинг шакл ўзгаришларидан иборат бўлган оддий гулкўрғон (*Betula* туркумининг ўсимликларида).

**Перидерма** – ўсимликлардаги иккиламчи қопловчи тўқималар мажмуи. Перидерма пўкак (феллема), пўкак камбий (феллоген) ва пўкак паренхимадан (феллодерма) иборат. Перидерма бирламчи қопловчи тўқима – эпидермиснинг ўрнига келади.

**Перидий** – турли замбуруғларнинг мева таналарини пўсти, у бир ёки кўп қаватли бўлади. Айрим халтачали замбуруғларда муҳим таксономик белги бўлиб ҳисобланади.

**Перидиниялар** (*Peridinales*) – кўпчилиги денгизларда тарқалган, ҳаракатчан, эпивальва, гиповальва белбоғ мавжуд сувўтлар (*Dinophyta*, *Dinophyceae*) тартиби.

**Перикарпий** – 1. Замбуруғлардаги меватаналар ёки юксак ўсимликлардаги мевалар пўстининг мажмуи уч қаватдан иборат: юқориги – экзокарпий, ўрта – мезокарпий ва ички – эндокарпий 2. Қизил сувўтларда етилаётган гонимобластларни ўраган юпқа вегетатив тўқима.

**Перикарпий** – меванинг уруғчи тугунчасини пўстидан юзага келган қисми.

**Перимедулла** – поя ўзагининг ёғочликка қараган томони.

**Перимедуляр тола** – айрим ўсимликларнинг марказий цилиндрида ривожланаётган тола.

**Перимитотик уруғланиш** – зиготадаги биринчи митоз бўлиниш олдидан жинсий ядроларнинг бирлашиши.

**Перина** – микро- ва мегаспораларни қоплаган пўстнинг энг ташқи қавати.

**Перинуклеар бўшлиқ** – ядронинг қўш мембранаси орасидаги бўшлиқ.

**Периплазма** – *Peronosporales* тартибига мансуб замбуруғларнинг оогоний ва антеридийларининг цитоплазмасидаги периферик тирқишли қават.

**Перипласт** – криптофит сувўтларнинг ҳужайрасини қоплами, ички оқсил таркибли ва қўшимча ташқи плазмолемма устида жойлашадиганидан иборат, унинг тирқишлари бўлади.

**Перисперм** – вояга етган уруғлардаги ғамланган, муртакни ўсиши даврида фойдаланиладиган озик модда.

**Перисперм** – уруғдаги муртакни униш даврида фойдаланадиган ғамланган озик модда.

**Периспорий** – қ. перина.

**Перистом** – мохларнинг кўсагини юқорисидаги бир қатор (оддий перистом) ёки икки қатор (кўш перистом) жойлашган тишчалар, уларнинг гигроскопик ҳаракатлари туфайли қутичадан спораларнинг сочилиши амалга ошади.

**Перистомиум** – хлоропластларнинг пўсти, қобиғи.

**Перитроф микориза** – замбуруғни илдиз тўқимасига крмай, уни ўраб олишидан ҳосил бўлган микориза.

**Перифизлар** – 1. Замбуруғлар ва лишайникларнинг перитецийларидаги стерил калта ипсимон гифалар 2. Занг замбуруғларининг пикнидаларини устьицаларидан чиқиб турадиган стерил гифалар.

**Перифитон** – 1. Кемалар, қайиқлар, сув юзасида қалқиб турган предметларга ёпишиб ўсадиган сувўтлар гуруҳи. 2. Сув қаъридаги, сув тагидан кўтарилиб турадиган тирик ёки ўлик субстратлардаги ўсимликлар мажмуи.

**Перифитон сувўтлар** – сув юзасида қалқиб юрган предметлардаги сувўтлар гуруҳи. *Ulothrix* Kuetz., *Oedogonium* Link, *Apha nochaete* A.Br., *Hydrurus* Kirchn, *Phaeothamnion* Lagerh, *Characium* A.Br., *Gomphonema* Ag. каби туркумларга мансуб сувўтлар перифитонни ташкил қилади.

**Перихеций** – мохларнинг кўпчилигида бир гуруҳ архегонийларни ўраб олган махсус ёпқич.

**Перицикл** – ўсимликларнинг марказий цилиндрини ташқи қавати. Перицикл узунлиги 0,5 м гача етадиган толага айланади. Перицикл феллогенга табақалашади.

**Перициклик тола** – поядаги марказий цилиндрни ташқи чегарасида тўпланган флоэмадан ҳосил бўлмайдиган тола.

**Перицит устица (оғизча)** – 1. Очиқиб ёпилувчи хужайралар битта қўшимча хужайра билан тўла ўралган устица, фақат папоротникларда бўлади. 2. Битта ёрдамчи қўшимча хужайра билан ўралган, фақат папоротникларда учрайдиган устица.

**Перициклик склеренхима** – поядаги марказий цилиндрининг ташқи чегарасида жойлашган ва флоэмада шаклландириган склеренхима.

**Пероксисома** – митохондрийларга ўхшаб, хужайрадаги кислородни боғлайди, оксидланиш жараёнларини амалга оширадиган мембранали 0,15-0,25 мкм органелла.

**Пертениция** – дарахтлардан иборат ўсимликларни ташқи шароитига таъсири.

**Перфорация** – лишайниклар талломининг юзасидаги майда доира ёки овалсимон тешиқлар.

**Перфорациялар** – диатом сувўтларнинг паллаларини юзасидаги параллел, радиал-симметрия ва конвергент йўналишлардаги чизгилар. Баъзан ўзаро кесишади, протопластни ташқи муҳит билан боғловчи тирқишлар.

**Печак** (*Convolvulus arvensis*) - печакдошларга мансуб кўп йиллик бегона ўт.

**Печакдошлар** (*Convolvulaceae*) - икки уруғ паллалилар синфидан туташтожлиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Барглари кетма-кет жойлашган. Бутача ва ўралиб ўсувчи ўтлар. Гуллари яқка ёки кичик-кичик тўпгулларга йиғилган, икки жинсли. Шонаси катта ва тўғри, карнайсимон. Меваси - кўсакча.

**Печакгул** (*Wistaria, Glycine sinensis*) - дуккакдошларга мансуб ўрмаловчи бута ёки дарахтлар туркуми. Қобиғи қорароқ кулранг, шохлари осилиб ўсади; барглари тоқ патсимон; гули шингилларга тўпланган, хушбўй. Ҳосили - дуккак.

**Пигментация** – бўёвчи моддаларни (пигментлар) ўсимликларнинг турли тўқималарининг устида тўпланиши. Бу одатда яшил, сариқ рангларда бўлади. Гуллар ва баргларнинг ранги хужайра ширасининг пигментлари – антоциан ва флавоноидлар таъсирида содир бўлади. Мевалар ва уруғларнинг пигментациясини меланинлар ҳосил қилади.

**Пиёз** (*Allium*) - лолодошларга мансуб бир паллали ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Пиёз, бошпиёз** (*bulbus*) - ўсимликнинг ер остида ёки ер устида жойлашган қисқа новдаси. У ясси ўққа ва метаморфозланган этдор баргларга эга. Бу барглар озиқ моддаларига анча бой. Пиёзбошдан ўсимликнинг гулловчи пояси ўсади. Ўқининг қуйи қисмидан эса қўшимча илдизлар ўсади. Пиёзтуғунак шу оиланинг кўпчилик турларига хос белгидир. Пиёз суккулент (серсув) бўлганлиги туфайли қурғоқчиликка яхши чидайди. Баъзан айрим турларнинг барг қўлтиқлари ёки тўпгулларида пиёз куртаклари ҳосил бўлади. Бу куртаклар вегетатив урчиш учун хизмат қилади. Саримсоқ ва лилия сингари турларининг пиёзи бир неча бўлакчалардан (пиёзчалардан) иборат.

**Пиёз, оққаррак, говтикан** - пиёзнинг кўп йиллик турларидан бири.

**Пиёз туби** (*leucus*) - пиёзнинг ости, туб қисми, асосий пояси, ўзгарган барглари зич ўрнашган пояси.

**Пиёзчали ўсимликлар** (*plantae bulbosus*) - ҳар хил оилаларга мансуб, тубида пиёзча ҳосил қилувчи ўсимликлар. Пиёзчали ўсимликларнинг ёввойи турларига бойчечак, лилия (пиёзгул), пиёз, лола, нарцисс, чучмўма кабилар, элма турларига сабзавот пиёзи, саримсоқ, дориворлик хусусиятига эга бўлган денгиз пиёзи, хушманзара пиёзгул, лола, нарцисс, чучмўма ва бошқа шу кабилар киради.

**Пикопланктон** – катталари 0,2-2 мкм келадиган, океан ва денгизларда тарқалган фотосинтезловчи организмлар.

**Пикноконидиялар** – пикнидияларда ривожланадиган жинсиз кўпайиш натижасида юзага келадиган, одатда рангсиз бир хужайрали кичик ўлчамли, юпқа пўст споралар.

**Пикноксил поя** – очик уруғлилардан гнетопсидалар синфига мансуб ўсимликларда пўстлоқ ва ўзак бир мунча ингичка, иккиламчи ёғочлик яхши ривожланган ва тифиз поя.

**Пикносклероций** – пикнидалари бўлган склероций, масалан такомиллашмаган замбуруғлардан сферопсидал *Phyllostictina carpogena* Shear. замбуруғида.

**Пилеолус** – юксак базидиомицет замбуруғларнинг кичкина соябони.

**Пингвикула** (*Pinguicula*) - пуфакдошларга мансуб хашаротхўр ўт ўсимликлар туркуми.

**Пиндик, ўрмон ёнғоғи** (*Coryllus*) - қайиндошларга мансуб буталар (баъзан дарахтлар) туркуми. Барглари қатор тартибли, тухумсимон ва тўкилувчан; гуллари икки жинсли, барг ёзмасдан олдин очилади. Меваси - ёнғокча. Эрта баҳорда гуллайди.

**Пинопсидлар** – очик уруғли ўсимликлар бўлимнинг синфи.

**Пионном** – такомиллашмаган замбуруғларнинг жинссиз кўпайишида шилимшиқли конидияли сийрак мицеллий гифаларида ривожланиши.

**Пирамимонадалар** (*Peramimonadineae*) – бир хужайрали радиал, билатериал, моноф ёки ассиметрик тузилишли 4-8 изоконт ёки 2-3 гетерокант ва гетеродинамик хивчинли сувўтлар (*Chlorophyta, Chlorophyceae*) кенжа тартиби.

**Пирений** – лишайниклар перитецийсининг сувўтлар хужайралари бўлмаган ички қавати.

**Пиреноидлар** – сувўтларнинг кўпчилигини хужайрасидаги ва *Anthocerotales* тартибига мансуб жигармоҳлардаги органоид, одатда юмалоқ, хлоропластлар ичида бўлиб, унда крахмал тўпланади.

**Пирола** (*Pyrola, Pirola*) - пироладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Илдизпояли, қалин баргли; меваси - майда уруғли кўсакча.

**Пироладошлар** (*Pyrolaceae*) - эпикоруғтоифа ўсимликларга мансуб икки паллали ўсимликларнинг кичик бир оиласи. Кўп йиллик кичикроқ ўтлардан ёки хлорофилсиз ўт сапрофитлардан иборат. Барглари доим яшил, гуллари икки жинсли, 5 доирали, шингилларга тўпланган. Шонаси актиноморф. Меваси - кўсакча (кўп уруғли майда кўсакча).

**Пирофит** – вақти-вақти билан ёнғин бўлиб турадиган жойда ўсадиган ўсимлик.

**Писта қарағай** (*Pinus sibirica*) - Осиё (сибирь) ва европа тоғларида тарқалган қарағайлар тури.

**Питомник** – ёш ўсимликлар ўстириладиган жой.

**Плагиатроп моҳлари** – пояси ер бағри бўйлаб кетадиган моҳлар.

**Плагиотропизм** – ўсимликнинг бирор қисмини таъсирловчига нисбатан у ёки бу бурчак ҳосил қилиб ўсиши.

**Плагиотропик** – ўсимлик поясини горизонтал ҳолда ўсиши.

**Плагиотроп новдалар** – субстрат юзасига нисбатан параллел ҳолда йўналишда жойлашган новдалар.

**Плагиатроп таллом** – субстрат бўйлаб горизонтал жойлашган, йўналган таллом.

**Плагиотроп ўсиш** – ўсимликнинг аъзолари (масалан, новдани) горизонтал йўналишда ўсиши.

**Плагиатроп ҳаракатлар** – таъсир этувчининг йўналишига нисбатан ҳоҳлаган бурчак остидаги ўсимликлардаги ҳаракатлар.

**Плагиотроф поя** – ўсаётган ерига нисбатан горизонтал ҳолда ўсаётган поя.

**Плазматик ирсият** – ирсий ахборотларни плазмадаги ирсий структура элементлари орқали берилиши.

**Плазида** - хромосомадан ташқарида жойлашган ўз-ўзини репликация қила оладиган ниҳоятда кичик ҳалқали ДНК молекуласи.

**Плазмидалар (эписомалар)** - қисқа ДНКдан ташкил топган, мустақил редупликацияланадиган қўшимча ҳалқасимон хромосомалар. Бактериал хужайраларда уларнинг мавжудлиги антибиотиклар ва сульфаниламидларга чидамли-



ликни таъминлайди. Айрим плазмидаларнинг бактерия нуклеоидлари таркибига бирика олиш хусусиятлари генларни кўчириб ўтказишда (трансгенез) вектор сифатида фойдаланишга имкон беради.

**Плазмогенлар** – 1. Она организм орқали ирсийланадиган (митохондрия, ўсимликларда пластида) генлари. 2. Она линияси орқали ирсийланувчи - цитоплазма генлари (митохондрия, пластидалар генлари).

**Плазмон** - цитоплазмада жойлашган хужайранинг ирсий инфор- мацияси.

**Плазмодий** – *Mухомycetes* бўлимига оидларнинг вегетатив танаси. Одатда шилимшиқ, кўп ядроли протоплазмадан иборат, амебоид ҳақатланади.

**Плазмодиофоромицетлар** (*Plasmodiophoromycetes*) – миксомицетларнинг синфи, икки хивчинли зооспораси, миксамеба ва плазмодий типигаги талломи билан характерланади.

**Плазмодесмалар** – кўшни хужайраларни ўзаро боғловчи цитоплазматик ип ёки каналлар, улар барча юксак ўсимликларга ҳамда кўп хужайрали сувўтларга хос ҳисобланади.

**Плазмолемма** – хужайра цитоплазмасини мембрана билан чегараланган қисми.

**Плазмоллиз** – тирик ўсимлик хужайрасидаги протопласт пўстини хужайра деворидан ажралиши туфайли ҳажмининг камайиши. Плазмоллиз концентрланган тузларнинг эритмалари, қандлар, глицерин каби осмофаол моддалар таъсирида содир бўлади.

**Плазмоспора** – замбуруғларнинг спорангийсида ҳосил бўладиган ёпишқоқ спора.

**Плакор ўсимликлар** – текис ёки бироз тўлқинсимон кўринишдаги, одатда сойлар оралиғидаги чимли жойларнинг ўсимликлари.

**Планогамета** – хивчинлари ёрдамида ҳаракатланадиган жинсий жараёнда иштирок этадиган гамета.

**Планогаметалар** – сувўтларнинг ва замбуруғларнинг айримларидаги хивчинлари ёрдамида фаол ҳолда ҳаракатланадиган гаметалар (жинсий хужайралар).

**Планозигота** – 1. Маълум муддатгача хивчинларини сақлаб, вегетатив хужайрага ўхшайдиган зигота. 2. Замбуруғ ва сувўтларнинг айримларидаги зиготада гаметаларни кўшилишидан кейин хивчинларни сақланиб қолишидан ҳаракатланадиган зигота.

**Планокок** – кўк-яшил сувўтларидан ажраладиган гормогонийларга ўхшаб ҳаракатланади.

**Планктомицетлар** – чучук сувлар ёки шўр сувларда мустақил ҳолда яшайдиган замбуруғлар (микопланктон).

**Планктон** – бутун ҳаёти давомида сув қаърида яшаб, сув оқимидаги организмлар (ўсимлик, ҳайвон, бактериялар) мажмуи.

**Планктон тўри** – сувўтларни сув ҳавзаларидан филтрлаб оладиган мослама. Халқа ва унга тикилган конус шаклидаги № 77 ли шойи ёки капрондан тўқилган бўлиб, 1 см<sup>2</sup> юзада 5929 катакча мавжуд.

**Планктофитлар** – планктондаги микроскопик ўсимликлар.

**Пластидом** – ҳужайранинг генетик элементларини пластидлардаги мажмуи, пластидлар орқали ирсият амалга оширилади.

**Пластидома** – ҳужайрадаги барча пластидларнинг мажмуи.

**Пластинкасимон замбуруғлар** – пластинкасимон гименофорли базидиомицет замбуруғларнинг агарикалар (*Agaricales*) тартибига мансуб замбуруғлар. Мева таналари кўпинча этдор, банд ва соябондан иборат бўлади.

**Пластинкасимон колленхима** – кўндаланг кесиги тўғри бурчак кўринишида бўлган ҳужайралардан иборат колленхима.

**Пластохрон** – пояда баргни жойланишида иккита баргни пайдо бўлишининг орасидаги вақт.

**Пластохрон** – новдада барглари навбат билан ҳосил бўлишининг орасидаги вақт, муддат.

**Плацента** – уруғчи тугунчасининг уруғмуртак ҳосил бўлиб етилгунча шу жойда қоладиган қисми.

**Плацентация** – плацентанинг уруғ тугунчадаги жойланиш характери.

**Плацентохалаза** – халазани анча ўсиб кетиши ва уни анча ўсиб кетган плацента билан кўшилиши.

**Плеврокапсалар** (*Pleurocapsales* Geitl.) – колониялар (ипсимон ҳам) ҳосил қиладиган, ҳужайралари сирпанадиган ёки тик турувчи, баъзан эндолит, кўп ҳолларда рангсиз шилимшиқли битта оиладан иборат (*Cyanophyta*, *Chamaesiphonophyceae*) тартиби.

**Плевроспора** – *Basidiomycetes* синфига мансуб замбуруғларнинг базидияларни ёнбош юзасида ҳосил бўладиган базидиоспора.

**Плейоксения** – текинхўр замбуруғни бир неча турга мансуб хўжайин ўсимликларни зарарлай олиш ҳодисаси.

**Плейомормизм** – бир замбуруғнинг ҳаёти даврида турли хил жинссиз кўпайиш спораларини маълум тартибда ҳосил қилиши.

**Плейоморфизм** – бир турга мансуб замбуруғларда бир неча типдаги спораларнинг бўлиши.

**Плейотропия** – 1. Бир геннинг икки ва ундан ортиқ белгиларнинг фенотипда намоён бўлишига кўрсатган таъсири. 2. Битта геннинг кўп белгига таъсир қила олиш хусусияти - геннинг кўп томонлама таъсири. Унинг классик мисоли Марфан синдромидир. Плеётропия бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин.

**Плейоҳазий тўпгул** – қўш шулалли тепа гул; битта гул чиқарган ҳар бир пояўқдан иккитадан ортиқ ёнмаёён турган ҳамда гулларнинг очилиш ва шохланиш тартиби бир хил бўлади.

**Плейстон** – сувнинг юзасидаги, сув остига бирикмайдиган сув организмларининг мажмуи.

**Плейстон ўсимликлар** – танасини бир қисми сувда, бошқа қисми ҳавода бўладиган ўсимликлар.

**Плектенхима** – замбуруғ мицеллийсининг тиғиз чигалидан ҳосил бўладиган тўқима.

**Плектодерма** – замбуруғларнинг мева танасини тиғиз юзаси.

**Плектостела** – актиностеладан такомиллашиб, ксилемаси алоҳида ясси қисмларга ажралиб, бир-бирига параллел ёки радиал жойлашган стела.

**Плерома** – апикал меристеманинг марказий қисмида жойлашган гистоген зоналардан бири.

**Плерома** – гулли ўсимликлар поясининг ўсиш нуқтасидаги ички қават, у перицикл – марказий цилиндр, ўтказувчи тўқималар ва ўзак боғлағичини ҳосил қилади.

**Плетизмоталлюс** – 1. Қўнғир сувўтларнинг микроскопик тузилишли спорофити, унда кўпуюли спорангийлар жойлашади. 2. Қўнғир сувўтларнинг протонемасида кўпайиш органини ҳосил бўлиб, вақт ўтиши билан вертикал талломни ҳосил бўлиши.

**Плетизмоталлес** – 1. Спорофитдан ҳосил бўлган спорани унишидан юзага келган ипсимон ёки япроксимон ҳосилада вертикал жойлашган таллом 2. Қўнғир сувўтлардаги протонемада дастлаб кўпайиш қисмларини, кейин вертикал ҳолдаги талломни юзага келиши.

**Плюмбагалар** (*Plumbaginales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Caryophyllidae* кенжа синфининг тартиби.

**Плюмула** – уруғмуртакнинг уруғпалласи устидаги эмбрионал ҳолдаги ниҳол.

**Плюривор** – турли хўжайинлар ва субстратларда ўсувчи.

**Пневматода** – хўжайралар оралиғини ташқи атмосфера билан боғлайдиган қопловчи тўқимадаги тирқиш.

**Пневматофорлар** – айрим сув ва ботқоқликдаги ўсимликларнинг нафас олиш учун хизмат қиладиган илдизлари.

**Пнейматоид** – хўжайралар оралиғидаги ҳаво ўтказувчи қисм.

**Подокарпий** – гинофорадаги мева.

**Подокарпалар** – очиқ уруғли ўсимликлар бўлимининг нинабарглилар синфининг тартиби.

**Подостемалар** (*Podostemales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Подеция** – *Cladonia* туркуми лишайнигидаги вертикал йўналган шохланган ўсимталар.

**Пойкилогидрид ўсимликлар** – ўзларидаги сув режимини бошқара олмайдиган атрофмуҳитдаги шароитга кўра бўкадиган ёки қурийдиган сувўтлар, замбуруғлар, лишайниклар, мохлар ва баъзи гулли ўсимликлар.

**Пойкилогидрид ўсимликлар** – танасидаги сув миқдорини ўзи назорат қилиб бошқара олмайдиган ўсимликлар. Уларни буғланишга тўсқинлик қиладиган анатомия жиҳатидан тузулишлар, масалан, устицалари йўқ.

**Пойкилогидрик ўсимликлар** – сув танқислигига энг кўп чидайдиган ўсимликлар.

**Пойкилоксерофит** – ўзининг сув режимини назорат қилмайдиган қурғоқ муҳит шароити ўсимлиги.

**Пойкилоксерофитлар** – ўзларидаги сув режимини бошқара олмайдиган, узок муддат давом этадиган қурғоқчиликни цитоплазмасидаги хусусиятларга

кўра чидам бера оладиган ўсимликлар. Танасидан сувни йўқолиши билан моддаларнинг алмашинув жараёнлари тўхтайди ва ўсимлик анабиоз ҳолга ўтади.

**Поли ...** – «кўп», «ҳар томонлама», «турли туман» маъноларини билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Полиандрия** – битта ўсимликнинг гулидаги уруғчи тумшукчасини кўп ота формалари билан чангланиши.

**Полиарх** – протоксилем боғламлари ёки протоксилем қутблари кўп бўлган илдизнинг бирламчи ксилемаси.

**Полиарх илдиз** – бирламчи ксилемадаги нурсимон боғламлар кўп йўналишда радиал жойлашган илдиз.

**Поливариант ривожланиш** – кўк-яшил сувўтлардан *Hormogonophyceae* синфига мансубларда атроф-муҳит шароитларининг таъсирида онтогенезнинг турли даврларида ҳам рўй берадиган кўпайиши.

**Полигалин** – шўрланганлиги 18-30% бўлган сув ҳавзалари.

**Полигалин ўсимликлар** – шўрланганлиги кучли даражада ҳам ўса оладиган ўсимликлар.

**Полигалоблар** – Кольбе шкаласига кўра, диатом сувўтларни сувнинг шўрланганлигига кўра 40% ортиқ шароитда ўса оладиганлари.

**Полигала** (*Polygala*) - полигаладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари қатор тартибли; гуллари шингил бўлиб тўпланган, икки гулқўрғонли, зигоморф. Косачасида 5 та косачабарги бор. Шулардан 2 та ички косачабарги йирикроқ, қолганлари майда. Меваси косачабарг билан бирга анча каттадек туюлади, шунинг учун улар «қанотлар» деб ҳам аталади. Тожи 5 та гулбаргдан иборат. 8 та гул чангчиси икки тўп бўлиб жойлашган. Меваси - икки чанокли кўсакча.

**Полигаладошлар** (*Polygalaceae*) - айритождиларга мансуб оила. Кўпчилиги ўт, айримлари бута, дарахт ёки лиана. Барглари оддий, қатор тартибли ва текис қирғоқли (ёнбаргчаларсиз). Гуллари икки жинсли ва зигоморф, бошоқ ёки шодаларга тўпланган. 5 та косачабарги (шулардан 2 таси йирик тожбарг шакли ёнбаргча) ва 5 та тожбарги ҳамда 8 та чангчиси бор. Уруғчиси икки чанокли, устки; меваси - кўсакча.

**Полигам ўсимликлар, полигамлар** (*лот. polygamus*) - ҳам икки жинсли, ҳам бир жинсли гуллари бўлган ўсимликлар. Уларнинг баъзиларида икки жинсли ва эркак гуллар, айримларида эса, аксинча, икки жинсли гуллари билан бир қаторда ҳам эркак, ҳам урғочи гуллар бўлади.

**Полигам ўсимликлар** – икки жинсли гуллари билан бирга бир жинсли гули ҳам бўладиган ўсимликлар (*Acer* туркумининг ўсимликларида). Уруғчили бир уйли (*Parietaria officinalis* L.) ва чангчили бир уйли (*Veratrum lobelianum* Bernh.) ўсимликлар мавжуд.

**Полидерма** – тирик протопластли суберинлашган ва суберинланмаган ҳужайралар навбат билан жойлашган ҳимояловчи тўқиманинг тури.

**Полидактилия** - кафт ёки панжада бармоқлар сони ортиқлиги.

**Полидиойкистлар** – эркак ва урғочили гуллари турли индивидларда бўладиган ўсимликлар (*Saponaria* ва *Silene* туркуми ўсимликларида).

**Полиз экинлари** - Қовоқдошларга мансуб ўсимликлар. Буларга қовун, тарвуз ва қовоқ қабилар қиради. Улар, одатда, ёйилиб, ўрмалаб ёки чирмашиб ўсади.

**Поликароплар** – ҳаёти давомида бир неча марта гуллайдиган, кўп йиллик ўсимликлар (дарахтлар, буталар ва ўтлар).

**Поликароп ўсимлик** – ҳаёти давомида кўп марта гуллаб, мева берадиган ўсимлик.

**Поликотилия** – 1. Уруғда иккитадан ортиқ уруғпалласи бўлган уруғмуртақ. 2. Ўсимликларда бир неча уруғпаллани ривожланиши.

**Полимер генлар** - белгининг намоён бўлишига бир хил фенотипик таъсир кўрсатувчи ноаллел генлар. Лотин алфавитининг бир хил ҳарфлари билан ифодалангани (аллел бўлмаса ҳам):  $A_1A_2$ ,  $a_1$ ,  $a_2$  ва шунга ўхшаш.

**Полимер гул** – жуда кўп аъзоли гул (*Sempervivum tectorum* L. ўсимлигида).

**Полимерия** – 1. Организм бир белгисининг ривожланишига бир қанча аллел бўлмаган генларнинг ўхшаш таъсири. 2. Бир нечта геннинг битта белгига таъсири. Полимериянинг таъсири 2 хил бўлиши мумкин: 1. Кумулятив - ҳар бир ген таъсири қўшилиши (одамда тери пигментацияси). 2. Нокумулятив - бунда белгининг юзага чиқиши учун полимер генлардан бирининг мавжудлиги кифоя қилади.

**Полимеразалар** - кичик молекулали бирикмалардан полимер бирикмаларнинг ҳосил бўлишини таъминловчи ферментлар.

**Полимонойкистлар** – икки жинсли, урғочили ва эркак гулларини битта ўсимликда бўлиши (*Araliaceae* ва *Orchidaceae* оилаларининг ўсимликларида).

**Полиморфлик** – тур доирасида бир биридан ташқи кўриниши билан ажралиб туришлик; бу ҳолат туганак бактерияларда яққол намоён бўлади.

**Полиойкистлар** – барча жинсдаги гулларни битта ўсимликда бўлиши (*Saponaria* ва *Silene* туркумларида *Caryophyllaceae* оиласидан).

**Полиолазма** – протоплазмани донадор қавати.

**Полипептид занжир** - пептид боғли 10 дан ортиқ аминокислоталардан иборат занжир.

**Полипеталия** – гулдаги тожбаргларнинг сонини кўпинча чангчилар ҳисобига кўпайиши.

**Полиплоидия** – 1. Организм гаплоид хромосомалар йиғиндисининг қаррали ортиши билан боғлиқ бўлган ирсий ўзгарувчанлик. 2. Гаплоидга нисбатан ҳужайрасида кўп марта хромосомалари кўп бўлган ўсимлик. 3. Уч ва ундан ортиқ хромосома тўпламига эга ҳужайра, тўқима, организм. 4. Хромосомалар гаплоид тўпламининг икки ёки уч ҳисса ва ундан кўп марта ортиши. 5. Хромосомалар гаплоид тўпламининг бутунлигича кўпайиши билан характерланганида генетик мутацияси ( $2n$  - -  $Zn$  - - - триплоидия  $4n$  - - - тетраплоидия). Унинг сабаби ҳужайранинг бўлиниши вақтида хромосомаларнинг ажралмай қолишидир. Полиплоидияни сунъий ҳосил қилиш ҳам мумкин. Одамларда бундай мутациялар эмбриогенездаёқ ўлимга сабаб бўлиши мумкин (чунки муҳим тизимлар аномалиялари кузатилади).

**Полипод** (*Polypodium*) - қирққулоқтоифа ўсимликларнинг бир туркуми; илдизпояси тупроқ орасида ўсадиган кўп йиллик ўт ўсимликлар. Барглари текис ёки патсимон қирқилган.

**Полиподиопсидлар** – папоротниклар бўлимининг синфи.

**Полипоидиелар** – папоротниклар бўлими полиподиопсидлар синфининг тартиби.

**Полисад қават** – лишайник талломининг пўстлоғида замбуруғ гифаларидан иборат қават.

**Полисапроб зона** – оқава сув ташланадиган жой яқинидаги аэроб шароитда оксил ва углеводларни парчаланиши рўй берадиган зона. Кислород кам, сувўт бўлса ҳам оммавий ривожланган ҳолда бўлади.

**Полисапробионтлар** – органик моддалар билан кучли даражада ифлосланган сувлардаги сувўтлар.

**Полисифония типидagi ривожланиш** – қизил сувўтларини ривожланишида гаметофит ва спорофитни айнан ўхшаш тузилишли бўлиши билан ривожланиши.

**Полисоматия** – битта ўсимликда ёки битта тўқимада бир пайтда диплоид ва полиплоид ҳужайраларнинг бўлиши.

**Полиспермия** – муртак халтачадан уруғ ҳужайра ва иккиламчи ядрони ўнтагача спермий билан уруғланиши.

**Полиспора** – қизил сувўтларда битта спорани бўлинишида 28 тагача юзага келадиган споралар.

**Полиспория** – кўп миқдордаги спораларни ҳосил бўлиш ҳодисаси, айниқса *Ascomycetes* синфига мансуб замбуруғларда асқда 8 ва ундан ортиқ спораларнинг бўлиши.

**Полител** – ринофитлардаги телом ва ризомоидлардан иборат тузилма.

**Политения** - ДНК молекуласининг ажралмасдан кўп марта иккиланиши гигант хромосоманинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай политен хромосомалар абберрацияларни ўрганишда ва генлар картасини тузишда қулай объект ҳисобланади.

**Политен хромосома** - ҳужайра бўлиниш мобайнида хроматидаларнинг бир-биридан ажралиб кетмаслиги туфайли ҳосил бўлган гигант хромосомалар.

**Политомия** – новдани учидан кўп йўналишларда шохланиши.

**Политрихлар** – мохлар бўлими бриопсидлар синфи бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Полифаглар** – турли оила, тартиб ҳатто турли синфларга мансуб ўсимликларда текинхўр ҳолда ривожланадиган замбуруғлар, улар турли озиқ манбаларига мосланишган.

**Полифилия** – қайсидир бир гуруҳ организмларни келиб чиқиши турли бир неча аجدодлардан деб ҳисобланадиган тушунча.

**Полихория** – у ёки бу ўсимликни ўзининг уруғи, меваларини бир неча усуллар билан тарқата олиш хусусияти.

**Полихроизм** – битта тур доирасида гуллари турлича рангда бўладиган ўсимликларнинг бўлиши, уларнинг ташқи кўриниши бир хил бўлганида ҳам.

**Полиценоз** – таркиби жуда кўп ўсимликлардан иборат бўлган уюшма.

**Полицентрик хромосома** – центромерлари бир неча бўлган хромосома.

**Полициклик монокарплар** – вегетатив фазаси бир неча йиллар давом этадиган монокарп ўсимликлар. Асосан ўт ўсимликлар (*Libanotis intemedi* Rur.), баъзи дарахтлар (*Bambusa vulgaris*).

**Полициклик новдалар** – гулли ўсимликларнинг кўп йил яшайдиган новдалари.

**Полициклик сифоностела** – ички ўтказиш системаси бўлган такомиллашган сифоностела.

**Полиэмбриония** – бир уруғда кўп миқдорда уруғмуртакнинг бўлиши.

**Полемониалар** (*Polemoniales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, Asteridae кенжа синфининг тартиби.

**Поллинарий** – гулга келган ҳашарот бошига бирикиб оладиган банд ва яси қисмдан иборат поллиний.

**Поллиний** – гул чангдонининг ярмисидаги махсус ғамловчи модда билан елимланган чанг доналаридан иборат тўплам.

**Полоцит устица** – очилиб ёпилувчи хужайралари битта қўшимча хужайра билан тўла ўралмаган устица, папоротникларда учрайди.

**Полушниклар** – плаунлар бўлими изоэтопсидлар синфининг тартиби.

**Поляр ядро** – вояга етган муртак халтачанинг марказий хужайрасидаги иккита ядродан биттаси, уларни қўшилишидан муртак халтачанинг иккиламчи ядроси юзага келади.

**Поляр спора** – ҳамма томони бир хил тузилишли спора.

**Померанц** – энг ташқи қисми қалин, рангдор пўстли, эфир мойли безларга бой, ичи этдор ва серсув мева тури, масалан, лимон, апельсин, мандарин меваси.

**Помология** – мевали ва резавор ўсимликлар меваларини ўрганадиган ботаниканинг амалий тармоғи.

**Понабарг** (*Sphenophyllum*) - понабаргдошларга мансуб, ҳозир фақат қазилма ҳолда учрайдиган ўсимликлар туркуми.

**Понабаргдорлар, понабаргнамолар** (*Sphenophyllales*) - йўқ бўлиб кетган ўсимлик қабиаларидан бири. *Sphenophyllum* туркумини ўз ичига олган биргина оиласи бор.

**Понабаргсимонлар** (*Sphenophyllineae*) - палеозой қатламларида қазилма ҳолида учрайдиган ўсимликлар синфи. Бу синфга кирган қабила ва оила ҳам шу исм билан юритилади.

**Понасимон** - барг ва мева шохларининг остки томони ингичкалашиб, понага ўхшаб қолган шакли.

**Попук** (*fibrilla*) - ўсимлик илдизларининг бир хили.

**Попук илдиз** – асосий илдизи кучсиз тараққий этган ёки мутлақо тараққий этмаган ҳамда бошқа ён илдизлар билан қўшимча илдизлардан ажралиб турмайдиган, асосан лилиописидлар синфига мансуб ўсимликларнинг илдизи.

**Попуксимон илдиз** (*radix fibrosa*) - бир уруғ паллалиларда ва баъзи икки уруғ паллалиларда (масалан, айиқтовонда) уруғдан униб чиққан бош илдиз қуригандан сўнг, унинг ўрнига поянинг остидан ўсиб чиқадиган кўп сонли майда илдизчалар.

**Популяция** – 1. Муайян ареалда (территорияда) тарқалган, бир турга мансуб бўлган, ўзаро эркин чатишадиган, лекин бир-биридан ирсий жиҳатдан фарк қиладиган ўсимликлар тўплами. 2. Битта ареалда яшовчи, панмиксия орқали бирлашган, битта турга кирувчи шахслар гуруҳи. Эволюциянинг синтез назариясига кўра - популяция эволюциянинг элементар бирлиги, унга эволюциянинг элементар омиллари таъсир полиморфизм кўрсатади.

**Популяцион** - популяцияда ҳар хил генотиплар мавжудлиги (уларнинг энг кам учрайдиганининг частотаси 1% дан кам бўлмайди, шунинг учун ҳам уларни янги мутациялар билан тушунтириб бўлмайди). Мувозанатлашган, мослашувчан ва ўткинчи полиморфизмлар мавжуд. Полиморфизм биокимёвий даражада ҳам намоён бўлиши мумкин (ҳар хил изоферментлар тизими). Полиморфизмга типик мисол қилиб АВО, MN қон гуруҳларини келтириш мумкин.

**Популяцион альгология** – сувўтларнинг популяцияларидаги ҳолатни ўрганадиган тармок.

**Популяциянинг гетерозиготалиги** - популяцияда гетерозигот генотипли шахслар мавжудлиги бўлиб, популяциянинг мослашув пластиклигини, ўзгарган шароитда популяциянинг яшовчанлигини таъминлайди. Гетерозиготалар яшовчанлиги анча юқори бўлади ва уларда гетерозис самараси кузатилади.

**Популяциянинг маҳсулдорлиги** – муайян вақт, одатда бир йил давомидаги ҳосил бўлган массанинг миқдори.

**Популяциялар тўлқини** – популяциядаги организмлар сонини қайси бир омил таъсирида ўзгариши.

**Популяциянинг ҳаётийлиги** – ҳудуд бирлигида популяцияни бир йил давомида ҳосил қилган органик модданинг миқдори.

**Популяциянинг қуввати** – популяцияда алоҳида индивидлар сонини ва уларнинг миқдорини оптимал миқдоргача ортиб бориши ва оптималдан кейин сонини камайиши.

**Поралар** – хужайра пўстидаги юпқалашган уйма ундаги кўшни хужайраларни боғловчи плазмодесмалар ўтадиган жуда кичик тирқиш.

**Порогамия** – ёпиқ уруғли ўсимликлардаги чанг найини уруғмуртакка микропиле орқали энг оддий усулда кириши.

**Порометр** – баргдаги устицаларни очиклик даражасини ўлчайдиган асбоб.

**Порфиридиялар** (*Porphyridiales*) – бир хужайрали, шар, эллипс, чўзиқғэллипс якка ўсадиган, шилимшиқли тўплам ҳосил қиладиган сувўтлар (*Rhodophyta, Banfiophyceae*) тартиби.

**Постмитотик уруғланиш** – зиготадаги биринчи митоздан кейин ядроларнинг бирлашиши.

**Постфлорацион давр** – ўсимликдаги гулни чангланишдан кейин келадиган даври.

**Потомобионт** – чучук оқадиган сувларда ўсадиган ўсимликлар, яшайдиган ҳайвонлар.

**Потомопланктон** – дарё планктони, кенг маънода олганда чучук оқадиган сувларнинг планктони.



**Поттиелар** – мохлар бўлими, бриопсидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Почақирқар** (*Hulthemia berberifolia* (Pall.)Dum.) – раънодошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган бута.

**Поя** – хара сувўт шохлайдиган асосий новдаси. Барглари жойлашган жойи бўғим, уларнинг ораси бўғим оралиғи.

**Поянинг бирламчи пўстлоғи** – асосий паренхима, ассимиляцияловчи, ғамловчи, ажратувчи ва бошқа тўқималардан иборат поянинг ташқи эпидермис билан қопланган қисми.

**Поянинг иккиламчи тузилиши** – ўсиш нуқтасида табақалашадиган ва иккиламчи ўзгаришларга учрамайдиган тўқималардан иборат поянинг тузилиши.

**Поясок** – динофит сувўтлар ҳужайрасида юқориги эпивальва, пастки гиповальвани ўзаро боғлаб, яхлит совут сифатида боғловчи ўрта қисми.

**Поғонали найчалар, нарвонсимон найчалар** - пардаси ички томондан поғона бўлиб қалинлашган найлар.

**Праймер** - ДНКнинг айрим қисмига комплементар сунъий синтез қилинган олигонуклеотид изчиллиги.

**Празиолалар** (*Prasiolinales*) – талломи бир қаторли ва кўп қаторли ёки бир қаватли, тасма ёки пластинка кўринишдаги, хлоропласти юлдузсимон сувўтлар (*Chlorophyta, Chlorophyceae*) кенжа тартиби.

**Прематур ҳолат** – организмни ўсмирликдан вояга етган даврига ўтишидаги ҳолати.

**Пренатал диагностика** - ҳомилада ирсий касалликларни аниқлаш усули. Ултратовуш текширишлари, амниоцентез, кордоцентез, хорион биопсияси орқали амалга оширилади. Ирсий касалликлар профилактикасининг энг самарали усулларидан бири.

**Прерия** – ғалладошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг кўплиги билан характерланадиган шимолий Американинг чўл ўсимликлари.

**Примнезиялар** (*Prymniales*) – автотроф ва гетеротроф бир ҳужайрали, монад икки хивчинли гаптонемали сувўтлар (*Chrysophyta, Isochrysochyceae*) тартиби.

**Примордий** – 1. Ўсимликнинг ҳали табақалашиб улгурмаган муртак қисми 2. Замбуруғларнинг муртак ҳолидаги меватанаси.

**Примэкзина** – микроспора (чанг донаси) протопластининг атрофидаги пўст, ундан целлюлозали микрофибриллардан иборат экзина ҳосил бўлади.

**Проантлар** – барглари ҳали очилмасдан гуллайдиган ўсимликлар (*Armeniaca, Cerasus* туркумлари ўсимликлари).

**Пробанд** – 1. Таҳлил қилиш учун маълумотларга эга шахс. 2. генеалогик таҳлил учун маълумотлар тўплайдиган шахс.

**Проваскуляр боғламлар** – ўт ўсимликларда ўтказувчи боғламлар ҳосил бўладиган прокаэмбиал боғламлар.

**Прогамия** – чанг найчасини уруғмуртакка микропиле орқали кириши.

**Прогерия** - организмнинг муддатдан илгари қариши.

**Прогимноспермалар** – спорали ва очик уруғли ўсимликларнинг орасидаги қирилиб кетган ўсимликлар.

**Продесмоген** – прокаμβийдан (десмоген) олдинги меристема.

**Продуцентлар** – анорганик моддалардан органик моддани ҳосил қиладиган автотроф ва хемотрофлар.

**Проектив қоплам** – ўсимликни ёш хусусияти билан ўзгариб борадиган катталиқ проекцияси: лептотоплар – 1 см<sup>2</sup> гача; нанотоплар – 1-10 см<sup>2</sup>; микротоплар – 10 смдан – 1 м<sup>2</sup> гача; мезотоплар – 1-10 м<sup>2</sup> гача; макротоплар – 10-100 м<sup>2</sup> гача; мегатоплар – 100 м<sup>2</sup> дан кўпни эгаллайди.

**Прозенхима** – анча чўзиқ, учи ингичкалашган хужайралардан ташкил топган тўқима.

**Прозенхима хужайралар** – энидан 3 ёки ундан кўп марта узун бўлган хужайралар. Ўтказувчи ва мустаҳкамлик берувчи тўқималар кўп ҳолларда прозенхима хужайраларидан ташкил топади.

**Прозоплектенхима** – лишайниклар талломини пўстлоқ қисмида замбуруғ мицеллийсидан юзага келган желатин моддаси билан зичлашган тўқима.

**Прокамбий** – 1. Ўсимликдаги ёш қисм, аъзо органларнинг ҳосил қилувчи тўқимаси, улардан бирламчи ўтказувчи тўқималар юзага келади. 2. Илдиз прерициклини остидаги кейинчалик бирламчи ўтказувчи тўқимага айланадигани.

**Прокамбиал боғламлар** – новданинг юқориги қисмидаги меристема тўқимаси, улардан кейинчалик ўтказувчи боғламлар юзага келади.

**Прокариот** – хужайрасидаги ядро мембрана билан ўралмаган организмлар, масалан, кўк-яшил сувўтлар.

**Прокариотлар** – 1. Шаклланган ядроси бўлмайдиган организмлар, бактериялар, кўк-яшил сувўтлар. 2. дифференциациялашган ядрога эга бўлмаган бир хужайрали организмлар (бактериялар, кўк-яшил сув ўтлари).

**Прокарп** – 1. Қизил сувўтларнинг *Ceramiciales* тартибига мансубларида жинсий жараён даврида юзага келадиган бурама ҳолдаги ҳосила 2. *Ascomycetes* синфига мансуб замбуруғлардаги архикарпни махсус рецептив аппарат трихогина билан биргаликдагиси.

**Проксимал** – бирор орган ёки унинг қисмини охиригиси.

**Проксимал спородерма** – спородерма юзасини тетрададаги юзаланган қисми.

**Проксимал юза** – спородермани тетраданинг марказига қараган юзаси.

**Проксимал кутб** – спородерма юзасининг проксимал юзаси.

**Пролификация** – ўсимликнинг бирор қисмини ўсиш ва ривожланиши туғадан аъзодан ҳосил бўлиши.

**Промеристема** – илдиз ва поя учидаги ҳосил қилувчи бирламчи тўқима.

**Промицеллий** – 1. Занг ва қорақуя замбуруғларининг спораларини унишидан юзага келиб, калта ва тез йўқолиб кетадиган гифа 2. *Ustilaginales* ва *Uredinales* тартиблари замбуруғларининг базидиялари.

**Промотор** - опероннинг бош томонидаги РНК полимеразаси "танийдиган" нуклеотидлар изчиллиги, оқсил транскрипсиясини бошловчи қисм.

**Пронуклеус** – гаметадаги ядрони конюгация олдиндаги ҳолати, қарама-қарши жинсдаги ядро билан қўшилиб, янги ядрони шакллантиради.

**Пропагула** – *Siphonophyceae* синфи (*Chlorophyta*) *Briopsidales* тартиби вакилларидаги вегетатив кўпайишда талломни бўлакларга бўлиниб кетишидан ҳосил бўлганни атамаси.

**Пропагулалар** – 1. Гулли ўсимликлардаги вегетатив кўпайиш органлари 2. Лишайниклардаги соредий ва изидиялар.

**Пророцентралар** (*Prorocentrales*) – бир хужайрали, ҳаракатчан, икки паллалли пўст билан қопланган, 2 хивчинли (*Dinophyta*, *Desmophyceae*) сувўтлар тартиби.

**Проспора** – бактерия хужайрасидаги қўш мембранали, ядро моддаси бўлган ҳосила.

**Проталлий** – папоротниклар, қирқбўғинлар, плаунлар, селлагинеллалардаги жинсий бўғин (гаметофит).

**Проталлиал хужайра** – тўқимали ўсимликларнинг эркак гаметофитларидаги спермий хужайра. Гулли ўсимликларда бўлмайди, эркак гаметофит вегетатив тўқимасининг қолди.

**Протандрий** – бир хил спорали папоротникларда антеридийни архегонийдан олдин ривожланиши.

**Протантлар** – ўтлоқда ўсадиган ўсимликлар.

**Протеалар** (*Proteales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Протеинопластлар** – аморф ёки кристалл кўринишлардаги –амланадиган оқсилларни ҳосил қиладиган лейкопластлар.

**Протерандия** – икки жинсли гулда чангчиларнинг уруғчидан олдин етилиши.

**Протерогиния** – икки жинсли гулларда уруғчининг чангчилардан олдин етилиши.

**Протеций** – *Ascomycetes* синфи, *Gymnoascaceae* оиласига мансуб замбуруғларнинг содда тузилган перитецийи.

**Прото ...** – «дастлабки», «бирламчи», «бирор нарса олдидан» маъноларини англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Протобазидия** – занг замбуруғларига хос, кўндаланг тўсиқ билан тўртта хужайрага бўлинган ҳар бири узун найсимон стеригмали базидия.

**Протоблем** – базидияли замбуруғларнинг айримларидаги бирламчи умумий ёпқич (*Amanita*, *Amantioopsis* туркумларининг вакилларида).

**Протодерма** – эпидерма ҳосил бўлишини бошлаб берувчи бирламчи меристема ҳолатидаги эпидерма.

**Протогемикриптофитлар** – гулли ва баргли новдаларни поя асосидан узокда жойланиши.

**Протогимений** – *Basidiomycetes* синфига мансуб юксак замбуруғларнинг меватанасидаги қалинлашган гимений.

**Протогиния** – айрим папоротникларда (масалан, *Wodwardia*) архегонийни антеридийдан илгари ривожланиши.

**Протоқорм** – 1. Плаунларда ер усти гаметофитидаги туганаксимон бирламчи поя 2. Зарнабдошлар (орхидея) уруғини унишида ҳосил бўладиган туганаксимон қисм.

**Протоксилема** – бирламчи ксилеманинг энг биринчи элементлари, улар халқа ва спирал тузилишли тўқима ва трахеидлардан иборат бўлиб, уларнинг девори чўзилиш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли кўпчилик ўсимликларда маълум даражадаги катта чўзиқ бўшлиқлар – лакуналар ҳосил бўлади (*Zea mays* L., *Equisetum* туркумининг ўсимликларида).

**Протонема** – мохлар, қизил сувўтларнинг ривожланишида спорани унишидан ҳосил бўлиб, жинсий авлодни юзага келишига олиб келадиган ипсимон ёки ясси япроқ ҳолидаги ҳосила. Янги ўсимлик протонемадаги куртакдан юзага келиши бошланиши билан протонема йўқ бўлиб кетади. Мохларнинг айримларида протонема ҳаёти давомида сақланади.

**Протоплазманинг танлаш қобилияти** - протоплазманинг ўзига зарур моддаларни тутиб, керакмасларини ўтказиб юбориши.

**Протопласт** – кўк-яшил сувўтларда ҳужайранинг пўсти ва протопластни ичидаги тузилмалар (фотосинтезловчи аппарат, ядро эквиваленти, рибосома ва бошқалардан иборати).

**Протостела** – ўсимлик илдизи, папоротниклар новдаси ва ринофитлардаги ксилема флоэма билан ўралган содда тузилишли поя.

**Прототрихоцистлар** – маълум шароитда ҳужайра атрофида шиллиқ ҳосил қиладиган майда кўплаб шарсимон ҳосилалар (масалан, *Pyrophyta* бўлимининг айрим сувўтларида).

**Прототрофлар** - минимал муҳитда яшаб ундан организм учун зарур барча органик моддаларни синтезлай оладиган микроорганизмлар.

**Прототуникат таллом** – халтачали замбуруғлар ичидаги спораларни ўраб турган юпқа пардани емирилиши ёки эриши билан атрофга сочиладиган ҳосила.

**Прототуникат халталар** – юпқа, табақалашмаган пўсти бўлиб, уни парчаланиши ёки эриши туфайли аска споралари тарқаладиган замбуруғларнинг халталари.

**Протофилл** – плаунларнинг бирламчи поясидаги тартибсиз жойлашган бирламчи япроқ; поянинг ён новдасидаги биринчи ёки дастлабки бир жуфт баргдан биттаси.

**Протофламентлар** – кўк-яшил сувўтларнинг ҳужайраларида микронайларни шаклланишида тубулин молекулаларини ўзаро бирикишидан ҳосил бўладигани.

**Протофлоэма** – бирламчи флоэманинг таркибий қисми; юпқа деворли прозенхима ҳужайраларидан ва ингичка элаксимон найлардан иборат тезда чўзилиб, қўшилиб кетадиган найчалар.

**Протохлорофилл** – ёруғлик йўқлигида ўсимликларда ҳосил бўладиган пигментлар гуруҳи. Тузилишига кўра, хлорофиллга яқинлигидан ёруғлик таъсирида хлорофиллга айланади.

**Протоэпифитлар** – тупроқдан намлик олиш учун махсус мосламаси бўлмаган, ергача етиб бориб унга ўрнаша оладиган ҳаво илдизлари бўлмаган эпифитлар.

**Протуберганец** – оомицетлардан *Pytium* туркуми замбуруғлари айримларининг оогонийсини пардасидаги ўсимта.

**Протуберанцлар** – айрим ҳужайраларнинг иккиламчи пўстида протопласт томонга қараган турлича катталиклардаги субмикроскопик дўмпаймалар.

**Профаг** – бактериофагнинг латент ҳолати.

**Профаза** - митоз ва мейоз бўлинишнинг биринчи фазаси бўлиб, бунда хромосомалар шакллана бошлайди.

**Профиалида** – такомиллашмаган замбуруғлардан гифомицетларда фиалида ҳосил қиладиган ҳужайралар.

**Прохлорон** – хордали ҳайвонлар синфидан *Ascidia* билан симбиоз ҳолда яшайдиган прокариот (бирламчи) яшил сувўти *Protochloron Lewin*.

**Проценоз** – ҳали етарли даражада шаклланмаган фитоценоз.

**Проценозлар** – ҳар бир фитоценозда унинг асосини ташкил қиладиганлардан ташқари унча мустаҳкам, унча барқарор бўлмаганлари.

**Процессинг** - пре - иРНКнинг етук иРНКга айланиш жараёни. Процессингда интронлар узилиб, экзонлар бир-бирлари билан уланади (сплайсинг).

**Проэмбрионал фаза** – ўсимликларда муртакни ҳосил бўлишида зиготани биринчи бўлинишидан бошлаб шарсимон эмбриодермани ҳосил бўлгунгача даври.

**Псаммофитлар** – кумли шароитдаги ҳаётга мослашган, шамол таъсирига қарши тура оладиган, кум босиб қолишига мослашган анатомия ва физиология хусусиятларига кўра ксерофитларга мансуб ўсимликлар.

**Псевдант назария** – гулларни келиб чиқишида икки жинсли гул аслида бир жинсли гуллар тўплами, яхлит гулдир, деган назария.

**Псевданций** – сохта (ҳақиқий бўлмаган) гул.

**Псевдо ...** – «ёлғон», «ўхшайдиган», «сохта» маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Псевдоандийлар** – замбуруғ гифаларидан ажралган, униш хусусиятини сақлаган ҳужайралар.

**Псевдоапоспория** – археспориал ҳужайралар билан алоқада бўлган уруғмуртак халтачасини уруғмуртакнинг соматик ҳужайраларидан уруғмуртакни ҳосил бўлиши.

**Псевдовақуола** – кўк-яшил сувўтларнинг кўпчилигини ҳужайрасидаги ёруғлик микроскопи орқали кўринадиган қизил, тўққизил, қорамтир, юмалоқ ёки ноаниқ шаклдаги электрон микроскопда бир қанча таёқчалардан иборат газли пуфакчалар, улар сувўт ҳужайрасини сувда чўкмаслигини таъминлайди.

**Псевдогамия** – 1. Ёпиқ уруғли ўсимликларда муртакни уруғланмасдан ривожланиши, бироқ чанг найидагиларни стимулловчи таъсири билан эндоспермни муртак учун озиқ бўлишига таъсир этиши. 2. Гулли ўсимликлардаги апомиксисни бир тури бўлиб, чанг найи муртак халтачага кирадию, аммо эркаклик гаметасини урғочилик гаметаси билан қўшилмаслиги.

**Псевдогенлар** - полипептид синтезида қатнашмайдиган, фаол генларнинг нусхалари.

**Псевдогимений** – айрим замбуруғларда гименийга ўхшаб кетадиган ва спораларни қошлаб, ёпиб турадиган қават.

**Псевдогомф** – айрим лишайникларда (*Usnea, Evernia, Ramalina* туркумларида) уларни субстратга бириктириш учун хизмат қиладиганга ўхшаган ҳосила.

**Псевдоклимакс** – тупроқдаги ўзгаришлар туфайли содир бўлган қайтмас регресс натижасида юзага келган иккиламчи уюшма.

**Псевдомиксис** – айрим замбуруғларда учрайдиган эркаклик ва урғочилик гаметаларга ҳали табақалашмаган иккита вегетатив хужайранинг қўшилиши.

**Псевдомицеллий** – ачитқи замбуруғларни куртакланиб кўпайишида куртакчаларни биргубиридан ажралмай қолишидан юзага келган мицеллий.

**Псевдомономер гинецей** – бир неча уруғчи тугунчасидан иборат гинецей бўлиб, улардан биттасидан бошқалари редуцирланган бўлади (масалан, *Plantago* туркумига мансуб ўсимликларда).

**Псевдопарафиз** – халтачали замбуруғларнинг меватанасини халтачалари орасидаги ипсимон тўқима.

**Псевдопарафиллар** – барг пояли мохларда шохча асосидаги майда тўла ривожланмаган баргсимон ҳосилалар.

**Псевдопаренхима** – замбуруғ ва лишайник талломидаги паренхимага ўхшаб кетадиган тўқима.

**Псевдопаренхиматоз** – тузилиши йирик, кўп хужайрали, турлича тармоқланган талломли сувўтларда морфологик ва вазифасига кўра дастлабки табақалашган ҳолдаги тузилишни юзага келиши.

**Псевдопериантий** – маршанций мохларида архегоний бандидан ҳосил бўладиган косасимон ўрама.

**Псевдопериантий** – мохларда архегоний уруғланганидан кейин унинг «оёқча» қисмидан юзага келадиган алоҳида ўрама.

**Псевдоподий** – айрим сувўтларда вақтинча ҳосил бўладиган цитоплазмани ҳаракатланиши учун хизмат қиладиган ўсимтаси; ҳаракатни судралиб амалга оширадиган махсус қисм.

**Псевдополиэмбриония** – уруғни ичида кўп миқдорда эмбрионларнинг ҳосил бўлиши. Бу ҳолат а) бир неча уруғкуртакни қўшилиши билан б) нуцеллусли бўлиниши билан в) кўп хужайрали археспорийдан бир неча эмбрионал халтачаларни ҳосил бўлиши билан содир бўлади.

**Псевдориза** – замбуруғ меватанасини ва мицеллийни тупроқ билан боғлайдиган, меватанани тупроқдаги озик билан таъминланишида иштирок этадиган илдизсимон ўсимталар.

**Псевдоспория** – муртак халтанинг уруғкуртакни соматик хужайрасидан ривожланиши, археспорий хужайралари билан алоқадорлиги.

**Псевдостериллик** – стериллик ва фертилликни ташқи муҳитнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолдаги ҳолати.

**Псевдострома** – 1. Стромага ўхшайдиган ҳосила 2. Хўжайин тўқимаси ва замбуруғ тўқимасидан иборат бўлган тўқима.

**Псевдофертиллик** – нормал стерил организмда ташқи муҳитнинг омиллари таъсирида фертилликни тикланиши.

**Псевдоцилиялар** – хужайранинг жуда ингичка, доимо бўладиган ўсимтаси, хивчиндан фаркланиб у ҳаракатланмайди, яшил сувўтлардан *Tetraspora gelatinosa* (Vauch.) Desy учрайди.

**Псевдоций** – халтачали замбуруғлардаги бир ёки бир неча бўшлиқли деярли шарсимон тузилган меватана.

**Псевдоцилий** – хужайра пўстида ҳаракатланмайдиган тукчалар.

**Псевдоцилий** – гемимонад тузилишли сувўтлардаги хивчинга ўхшаш ин-гичка ўсимта.

**Псевдоцифилла** – лишайник талломининг қалин пўстлоқ қисмидаги шар-симон тузилишли оқиш кичик чуқурча.

**Псилотлар** – юксак ўсимликларнинг бўлими.

**Псилофитлар** – курукликда биринчи пайдо бўлган ўсимликлар.

**Псилофитлар** – риниялар бўлими, ринопсидлар синфига мансуб тартиб.

**Психрофилия** – бактериялар, замбуруғлар, сувўтларни бир мунча совуқ ҳарорат ( $-7,5^{\circ}\text{C}$  гача), қорда ёки музда ўса олиши.

**Психрофитлар** – нам ва совуқ тупроқларда ўсадиган ўсимликлар.

**Птеридография** – ботаниканинг папоротникларни тавсифлайдиган тар-моғи.

**Птеридология** – папоротникларнинг тузилиши, ривожланиши, кўпайиши, тарқалиши ва аҳамиятини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Птеридотерофитлар** – бир йиллик тўқимали ўсимликлар.

**Пузула** – динофит сувўтларда қисқариш вазифасини бажарадиган вакуола.

**Пуна** – Жанубий Америкадаги Марказий Анд тоғларининг энг юқори қисмидаги ўсимликлар қоплами.

**Пульна** – серсув меваларнинг эти.

**Пулмонария** (*Pulmonaria*) - кампирчопондошларга мансуб кўп йиллик (аксарияти тукдор) ўт ўсимликлар туркуми. Илдизоти барглари бандчали, йи-рик, ёпирма; пояда ўсувчи барглари эса бандсиз, гуллари бинафша, яшил ёки ҳаво ранг бўлиб, тўпгулга йиғилган. Меваси 4 бўлакчали данак.

**Пуфанак** (*Anemone bucharica* Rgl.) – айиқтовондошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Пуфанак** (юн. *Anemone*) - Айиқтовондошларга мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми.

**Пушта** – Венгрияда чўлларнинг номи.

**Пушти кишмиш** - кишмишнинг майизбоп жайдари навларидан. Гули икки жинсли. Гужуми (меваси) думалоқ (сал чўзиқ), ранги қизғиш.

**Пучак** - хавонинг курук келиши ёки тупроқдан нам қочиши туфайли ғалла ўсимликларида доннинг бужмайиши.

**Пўкак** – ўсимликлардаги иккиламчи қопловчи тўқима, перидерманинг ташқи қавати. Пўкак дарахт ва ўт ўсимликларда ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

**Пўкак камбий** – феллоген, перидерманинг асосий қисми, иккиламчи ҳосил қилувчи тўқима, бирламчи пўстлоқдан ҳосил бўлади.

**Пўкак камбий, феллоген** (юн. *phellogenium*) - ўсимлик танасининг энг устки қаватида жойлашган камбий хужайралари (қ. Феллоген).

**Пўкакланиш** – ўсимлик пўстлоғининг хужайраларини ўзгариб, унда суберин моддасининг тўплана бориши.

**Пўкак хужайра** – феллогендан ҳосил бўладиган фелломанинг хужайралари, химоялаш вазифаларини бажаради. Чунки унинг хужайраларини девори ўта мустаҳкамлигидан сув ўтказмайди.

**Пўст** (*lom. crusta*) - кўпчилик дарахт ўсимликларнинг поя ва илдизларидаги ташқи, ўлик қават.

**Пўстлоқ** (*cortex*) – 1. Поя ва илдизларнинг ёғочи (ксилемаси) ни ўраб турган барча тўқималар. Пўстлоқ ички тирик, юпка қисм - қовиқ (флоэма) дан ва ташқи ўлик қисм - пўстдан иборат. 2. Илдиз ва пояларнинг камбийсидан ташқари томонидаги тўқималар гуруҳи.

**Пўстлоқ паренхимаси** – поянинг пўстлоғидаги барча паренхима хужайралари ва тўқималари.

**Пўчоқ, пўст** (*pellicula*) - уруғ ва меваларнинг пўсти (устки қавати).

## Р

**Рабдосома** – 1. Пирофит (динофит) сувўтларининг хужайраларида трихоцистлардан тузилиши билан фарқланувчи, аммо ўхшаш вазифани бажарадиган қисми. 2. Динафит сувўтларда трихоцистлар вазифасини бажарадиган тузилиши билан фарқланадиган ҳосилалар.

**Равенала, сувдон дарахт** (*Ravenala madagascariensis*) - банан-дошларга мансуб эндемик дарахт. Бўйи 8-10 м. Мадагаскар ва Реюньон оролларида ўсади. Барг новларида анча миқдорда истеъмолга яроқли сув тўпланеди.

**Радиал паренхима, тармоқ паренхима** (*parenchyma radiatus*) - қисман ёки бутунлай тўғсимон горизонтал чизиқлар ҳосил қилиб ўрнашган паренхима хужайралар тўқимаси.

**Радиал паренхима** – қ. нурсимон паренхима.

**Радиал симметрия** – поя, илдиз цилиндр шаклида бўлганлигидан унинг марказида кесишган жойдан уч ёки ундан кўп симметрия ўтказиш мумкин бўлгани.

**Радиацион ботаника** – ионлашган нурларни ўсимликларнинг морфология, биокимё ва ирсий жиҳатидан рўй берадиган ўзгаришларга таъсирини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Радикула** – гулли ўсимликлардаги муртакнинг илдизчаси.

**Радиосенсимив** – айрим замбуруғларда спораларни куёш радиацияси таъсирида тарқалиши.

**Радиф** – вакуоладаги шилимшиқ модда билан ўралган нинасимон, икки учи ўткир кальций оксалат тузидан иборат кристаллар.

**Райграс** (*Lolium pereune* L.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Райхон, нозвой** (*Ocimum*) - лабгулдошларга мансуб хидли, эфир мойли кўп йиллик бута ва чала бута ўсимликлар туркуми.

**Рамифлория** – иккита шохда (поя) тўпгулларнинг ҳосил бўлиши; тутдошлар оиласи ўсимликларида рўй беради.

**Рамоконидия** – такомиллашмаган замбуруғлардан *Cladosporium* туркумида конидиянинг бир қисмидан ёки уни шохчасидан юзага келадиган спора.

**Ранг** (*Carex phachystilis* Gay.) – ҳиллолдошлар оиласига мансуб, чўл, адир, тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.



**Рангўт** (*Sinapis arvensis* L.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган бир, икки йиллик ўт.

**Рандак** (*Agrostemma githago* L.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Рангчўп** (*Rumex marschallianus* Rohb.) – торондошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган доривор бир йиллик ўт.

**Раструб** – поя бўғимидаги асоси кенгайган ёки воронкасимон тузилган баргча (*Polygonaceae* оиласига мансуб ўсимликларда).

**Раункиерча ҳаётӣ шакллар** - ўсимликларнинг кишлашга мослашуви ва уларнинг ҳаётӣ шаклларига қараб ботаник Раункиер томонидан ишлаб чиқилган классификация. Бу классификацияга кўра, кишлайдиган ўсимликларнинг фанерофит (к.) хамефит, гемикриптофит (к.) криптофит (к.) ва терофит каби ҳаётӣ шакллари бор.

**Рафидалар** (*Raphydales*) – рафидофитлар бўлими, рафидофициялар синфининг тартиби.

**Рафидлар** – 1. Шовул кислотасининг кальцийли тузидан иборат, нинасимон, икки учи ўткирлашган одатда ўсимлик ҳужайрасида кўплаб микдорда бўладиган ҳосила. 2. Ток-узум барглари ва поясидаги боғламлар ҳолидаги нинасимон майда кристаллар.

**Рафидофит сувўтлар** (*Raphidophyta*) – бир ҳужайрали аниқ махсуслашган кичик гуруҳ метаболик оч-яшил ёки рангсиз сувўтлар бўлими.

**Рафлезиялар** (*Rafflesiales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Magnolidae* кенжа синфининг тартиби.

**Рахис** – 1. Мураккаб тузилган баргнинг ўртасидаги асосий томир 2. Мураккаб бошоқнинг ўрта қисми 3. Гул тутган новданинг марказий қисми.

**Раъногуллар** (*Rosales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Рақобатли навсинаш** - дастлабки навсинаш асосида ажратиб олинган қимматли биологик, хўжалик белги ва хусусиятларга эга бўлган янги навларни давлат навсинашга ўтказиш.

**Реакция нормаси** - модификацион ўзгарувчанлик чегараси, битта генотипнинг ҳар хил муҳит шароитида ҳар хил фенотипни юзага чиқара олиш қобилияти. Реакция меъёри мослашувли ахамиятга эгадир. Бола ота-онасидан белгини эмас, балки маълум реакция меърига эга генни насл қилиб олади. Масалан, одам организми қонда кислороднинг парсиал босимига қараб маълум микдорда эритроцитларни ҳосил қилиши мумкин. Реверсия (тескари мутация) дастлабки генотипнинг тикланишига олиб келувчи мутация а-А.

**Регенерация** – ўсимликнинг жароҳатланган ёки йўқотган қисмини тиклаши.

**Регионал полиморфизм** – ирсий жиҳатидан фарқланадиган формаларни мазкур популяциянинг ареалини турли жойларида учраши.

**Регионал флора** – қайсидир бир ҳудуднинг флораси.

**Регма** – уч бўлак (қисмга) ёриладиган, бунинг натижасида етилган уруғлари тарқаладиган кўсакча, очилганда ўртада устунсимон қисм қолади (*Euphorbiaceae* оиласига мансуб ўсимликларда).

**Регресс популяция** – мустақил тарзда уруғ ёки вегетатив усулни тикла-нишини йўқотган, шу боисдан уруғларини тарқатиш учун ташқи муҳитга муҳтож популяция.

**Регрессив эндемизм** – эндем турларнинг қирилиши билан, шу боисдан тарқалган ареалини қисқариб бориш ҳодисаси.

**Редукция** – 1. Тўқима ёки органни йўқолиб кетиш даражасигача кичрайи-ши шу билан бажарадиган вазифасини онтогенезда ёки филогенезда йўқолиб кетиши 2. Мейоз натижасида хужайрадаги хромосомалар сонининг камайиши.

**Редуцентлар** – органик моддани парчалаб, ундан соддароқ органик мод-дани, натижада минерал моддаларга айлантирувчи организмлар (масалан, зам-буруғлар).

**Редуцирланган апогаметия** – муртакни синергид ёки антипод редуцир-ланган сондаги хромосомали хужайралардан ҳосил бўлиши.

**Редуцирланмаган апогаметия** – редуцирланмаган сондаги хромосомали синергид хужайраларидан муртакнинг ҳосил бўлиши.

**Редуцирланмаган партеногенез** – чанг найининг таъсирига боғлиқ парте-ногенез бўлиб псевдогамия билан боғлиқ.

**Резавор мева** – этдор, серсув қисми ичида жойлашган мева.

**Резерв сув** – одатда вакуолада бўладиган, боғланмаган сув.

**Резерват** – табиатнинг махсус тарзда қўриқланадиган қўриқхона ёки бу-юртмахона мақомидаги жой.

**Резупинация** – айрим ўсимликларда (*Lobeliaceae*, *Orchidaceae* оилалари туркумларида) гулбандни гул билан ҳали ёшлик пайтида 180<sup>0</sup>С га бурилиши.

**Резус фактор** - моноген йўл билан наслдан-наслга ўтадиган, яъни бир жуфт доминант (Rh<sup>+</sup>) ва ретсессив (rh<sup>-</sup>) аллелга боғлиқ бўлган эритроцитлар-даги антиген.

**Рекапитуляция** – организмни индивидуал ривожланиши жараёнида аж-додларидаги айрим белгиларни такрорлаши. Организм аждодларининг тарихий босқичларини инъикоси (масалан, айрим папоротниклар аждодларида бўлган баргларида дихатомик шохланишнинг рўй бериши).

**Рекомбинацион ўзгарувчанлик** - кроссинговер натижасидаги ДНК даги ўзгарган бирикмаларини ҳосил бўлиши

**Рекомбинация** – 1. Мейоз, митоз бўлиниши натижасида хромосомалар, генларнинг янги комбинацияларини пайдо бўлиши. 2. Мейозда (гаметалар ҳосил бўлишида) бўлажак бўғинда янги белгилар пайдо бўлишига олиб келадиган генларнинг қайта табақаланиши.

**Рексиген** – хужайралараро ораликларнинг ёрилиши, ундан сўнг қуриши ва хужайраларнинг ҳалок бўлиши.

**Рекон** - рекомбинацияланиш хусусиятига эга бўлган геннинг энг кичик қисми.

**Рекультивация** – табиатнинг техноген салбий таъсири натижасида бу-зилган тупроқ унумдорлиги ва ўсимликлар қопламини сунъий равишда тикла-ниши.

**Реликт ўсимликлар** – қадимги тарихий даврдан сақланиб қолган, кирилиб бораётган, тарқалган ареали кичраётган, ҳозирги замон шароитига мос келмай қолган ўсимликлар.

**Ремонтант ўсимлик** – бир йилда бир неча марта гуллаб, бир неча марта мева берадиган ўсимлик.

**Реотаксис** – 1. Миксомицетларнинг плазмодийларини сувўтлар сперматозоидларини суяқлик оқимиға қарши йўналишда ҳаракати. 2. Шилимшиқлар, замбуруғлар, сувўтларнинг танасини намликка томон ҳаракати.

**Реофил** – суви тўхтовсиз оқиб турадиган жойда ўсадиган ўсимликлар.

**Реофитлар** – оқим доимо рўй берадиган сувлардаги ўсимликлар.

**Реофил сувўтлар** – сувнинг оқими тўхтамайдиган муҳит сувўтлари (бентоснинг бир тури).

**Репарация** - физикавий, кимёвий мутаганлар таъсири ўзгарган ДНК бирламчи тузилишини генлар назоратидаги махсус ферментлар иштирокида тикланиши.

**Репарация хатоликлари** - репарация жараёнида ферментнинг мутант қисмини эмас, унга комплементар нормал қисмнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган мутация. Кейин эса қўш мутант биспирал синтезланади. Бундай мутацияларға пигментли ксеродермия мисол бўла олади.

**Репентакул** – очик уруғлилар бўлими, нинабарглилар синфидан подокарпалар тартибига мансуб ўсимликлардаги этдор данаксимон меванинг йўғон этдор банди.

**Репликация** - ДНК молекулаларининг икки ҳисса кўпайиши, иккала комплементар полинуклеотид занжирининг ўз-ўзини аниқ пайдо қилиши. Бу ҳодиса интерфазанинг синтетик даври (С) да матритса принципига мувофиқ амалга ошади.

**Репрессия** - ген фаоллигининг бўғиб қўйилиши.

**Репрессор** – 1. Оперондаги оператор билан бирикиб РНК полимеразани промоторға ўрнашишиға тўсқинлик қилувчи ва натижада структурали генлар фаолиятини тўхтатувчи оқсил молекуласи. 2. Репрессияни амалга оширувчи оқсил.

**Репродуктив апикал меристема** – репродуктив орган ёки тўқима ҳосил қиладиган новданинг меристема тўқимаси.

**Репродуктив гетерозис** – ўсимликдаги кўпайиш аъзоларини яхши ривожланган, уруғ ва мевадан кўп ҳосил олинган даврдаги гетерозис.

**Репродуктив ривожланиш** – вегетатив органлардан махсуслашган генератив органлар ҳосил қилишға ўтиш.

**Репродукция** - нусха кўчириш деган маънони билдириб, элита уруғликларни кўпайтириб олинган уруғлик, яъни элита уруғлик экилиб 1-репродукция уруғлик, ундан эса 2-репродукция, ундан 3 ва сўнгги репродукция уруғликлар олинади.

**Рескрипцион эндонуклеазалар**- ДНК молекуласини майда бўлақларға кесувчи ферментлар.

**Рестуцион бўлиниш** – мейознинг биринчи бўлинишини анафаза даврида хромосомаларни кутбларга томон йўналмасдан уларни яна ядро пўсти билан ўралиши.

**Рестиеялар** (*Restionales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи, *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Реституция** – ўсимликни бирор қисмида уни тўлиқ ёки айрим қисмини тиклана олиши.

**Ресупинат апотечий** – лишайник талломининг пастки юзасида апотечийнинг жойланиши (*Nephroma* туркумига мансуб лишайникларда).

**Ресупинат меватана** – *Basidiomycetes* синфи, *Aphyllphorales* тартибининг замбуруғларда меватанани субстрат бўйлаб ёйилган ҳолда жойланиши (*Corticaceae* оиласи замбуруғларида).

**Ретардантлар** – новдаларнинг ўсишини секинлаштирадиган моддалар, уларга қаҳрабо кислотасининг диметил гидриди, хлорхолинхлорид кабилар мисол бўлади.

**Ретенция** – авлодларда аждодларнинг хоссаларини сақлаб турилиши.

**Ретиноид** – сувўтларнинг фотосинтезловчи аппаратидаги линзасимон тана тагидаги косага ўхшаш ҳосила.

**Ретордантлар** – поянинг узайишини секинлаштирувчи, тўхтатувчи хлорхолинхлорид, алар каби моддалар.

**Ретро вируслар** – 1. РНК га эга вираслар. Унинг кўпайиши РНК орқали кўш занжирли ДНК синтезига асосланади. 2. Ирсий ахбороти РНКда кодлашган вирус.

**Рецент тур** – 1. Ҳозирги замон, шу кунда мавжуд тур. 2. Янги, яқинда пайдо бўлган тур.

**Рецептив гифа** – трихогина ёки шунга ўхшаш бошқа тузилма (замбуруғларда, сувўтларда).

**Рецепция** – ўсимликка бўладиган у ёки бу таъсирни қабул қилиш, фото-, хемо- ва механорецепторлар мавжуд.

**Рецессив белги** – рецессив аллелнинг таъсирида гетерозигот индивидда намоён бўлмаган белги.

**Рецессив ген** – 1. Белги ва хоссани фақат гомозигота ҳолатда намоён этувчи ген. 2. Организмдаги гетерозигота ҳолатида юзага чиқмайдиган ген.

**Рецессивлик** - гетерозиготаларда (Aa) аллеллардан бирининг (a) фенотипик юзага чиқмаслиги.

**Рецептакула** – қизил сувўтларнинг *Fucules* тартиби вакилларида гаметофитни сувўт шохчаларини учида тўпланиб йўғонланиши.

**Реципрок чатиштириш** – 1. Чатиштиришда бир форма (A) нинг бир гал она (A x B), иккинчи гал ота (B x A) сифатида олиниши. 2. Чатиштиришда она ва ота сифатида олинган организмларни биринчи марта она, иккинчи марта эса ота сифатида фойдаланиб чатиштириш. 3. Чатиштирилаётган жуфтларнинг ҳар бирининг биринчи ҳолатда она организми, иккинчи чатиштиришда эса ота организми сифатида олиниши: 1. Aa x aa; 2. aa x Aa.

**Ривожланишдаги алмашинув** – кўнғир сувўтлардан Phaeozoosporophyceae синфига мансубларининг кўпчилигида жинссиз ва жинсий насл ҳосил бўлишини алмашиниб туриши.

**Ривожланишдаги гетероморф алмашинув** – кўнғир сувўтлардан *Laminariales* тартибининг вакилларини ривожланишда катта спорофит ва микроскоплагина кўрса бўладиган гаметофитни қатъий тарзда алмашиниб туриши.

**Ривожланишдаги изоморф алмашинув** – кўнғир сувўтларда асосан *Dictyotales*, қисман *Ectocarpales* тартибларининг сувўтларида гаметофит ва спорофитни ўзаро фарқланмаслиги.

**Ривожланишнинг микрофилл йўли** – 1. Юксак ўсимликларнинг ривожланиш йўлларида бири. Бунда ўсимликларнинг барглари майда бўлади. Масалан, ликоподлар, игнабарглилар, тол ва тераклар. 2. Ривожланиш жараёнида йирик баргли ўсимликларнинг юзага келиши.

**Риггиялар** – жигармохлардан маршанциялар кенжа синфининг тартиби.

**Ригид** – микроплазмалар тартибига мансуб бактериялар хужайра деворига дағаллик берувчи хусусият.

**Ризина** – баргсимон лишайникларни бирикишини таъминлайдиган қисми.

**Ризинлар** – 1. Япроқ шаклидаги лишайникларни субстратга ёпишадиган йўғон боғлами. Ризинлар оддий ва тармоқланган бўлади 2. Ризин атамаси ризоид ва илдизсимон тукларни ифодалашда ҳам қўлланилади.

**Ризоид** – бир ёки бир неча бирин-кетин жойлашган хужайралардан иборат талломни субстратга бириктириш учун хизмат қиладиган тук, толасимон ҳосила, сув озиқ моддаларни ҳам шимади. Мохлар, лишайниклар, айрим сувўтларда учрайди.

**Ризодерма** – илдизнинг ташқи тўқимаси, атроф-муҳитдан моддаларни шимиш ва танлаб ички тўқималарга ўтказиш вазифасини бажаради. Илдиз тукини ҳосил қиладиган – трихобластлар ва бундайларни ҳосил қилмайдиганлардан (атрихобластлар) иборат.

**Ризоидсимон ўсимталар** – *Cladophorales* тартибига мансуб сувўтларнинг учки хужайраларида бирикишини амалга оширадигани.

**Ризом** – яшил сувўтларидан каулерпадаги (*Caulerpa*) талломни ўсиш жойи бўйлаб кетган қисми.

**Ризомицеллий** – жуда кучсиз ривожланган мицеллий.

**Ризомоид** – юксак ўсимликлардаги илдизсимон шохча.

**Ризоморфалар** – юксак замбуруғлардаги параллел жойлашган гифалардан ташкил топган бир мунча катта арқонсимон ҳосилалар, озиқ моддаларни ўтказиш учун хизмат қилади (*Armillaria mellea* (Vahl.; Fr.) Karst.), замбуруғни тарқалиши ҳамда уни қурғоқчиликда, совуқда қуриб қолишдан сақлайди.

**Ризоподий** – амебоид ҳаракланувчи сувўтлардаги цитоплазманинг шохланган узун, ингичка тармоғи.

**Ризоподиял тузилма** – мустаҳкам хужайра пўсти бўлмаётган амебасимон ҳаракатланадиган сувўтларнинг тана тузилиши.

**Ризопласт** – сувўт хужайрасидаги базал танадан цитоплазмага томон йўналган бир ёки бир нечта ўсимта.

**Ризосфера** – юксак ўсимликларнинг илдиз ва илдиз тукларининг атрофидаги тирик организмларнинг мажмуи.

**Ризосфера** – ўсимлик илдизига бевосита ёпишган тупроқлар.

**Ризофоралар** – қ. стигмария.

**Ризоформ** – плаунларнинг шакли ўзгарган баргли ва кўшимча илдизли қисми.

**Ризохлоридлар** (*Rhizochloridales*) – бир хужайрали, колонияли ёки плазмодийли, ҳаракатчан амебоид тузилишли сувўтлар (*Xanthophyta*, *Xanthophyceae*) тартиби.

**Ризоцисталар** – айрим сувўтларда ноқулай шароит юзага келганда ҳосил бўладиган махсус цисталар – қуриб қолишдан, паст ҳароратдан сақлайди (сарик-яшил сувўтларидан *Botrydium granulatum* (L.) Grev.).

**Риниялар** – ринофитлар бўлими, ринопсидлар синфига мансуб тартиб.

**Ринопсидлар** – ринофитлар бўлимининг синфи.

**Ринофитлар** – гулли ўсимликларнинг қирилиб кетган бўлими.

**Ритидом** – дарахт пўстлоғининг ўлик қисми.

**РНК (рибонуклеин кислота)** – РНК асосан хужайра цитоплазмасида рибосомаларда жойлашган. Унинг бир нечта типлари бўлиб, ҳаммаси оксил синтезида қатнашади. Рибонуклеин кислоталарнинг углевод компоненти рибозадир.

**Ровоч, чухра** (*Rheum cordatum* A. Los.) – торондошлар оиласига мансуб, таннидли кўп йиллик ўт.

**Родимениялар** (*Rhodymeniales*) – талломи цилиндрдан пластинкагача кўринишли, шохланмаган ёки шохланган, мураккаб анатомия тузилишли, ривожланишда спорофит ва гаметофит ўзаро фарқланмай алмашилиб турадиган, барча денгизларда тарқалган сувўтлар (*Rhodophyta*, *Florideophyceae*) тартиби.

**Родология** – атиргулларни ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Рорипа** - крестгулдошларга мансуб ва бир-бирига яқин ўт ўсимликларнинг икки туркумига - *Roripa* ва *Nasturtium* га қўйилган умумий ном.

**Ростелий** – базидиямицетлардан *Uredinales* тартиби замбуруғларининг ривожланишида ҳосил бўладиган конуссимон тузилишли узун ёриқлар ҳосил қилиб очиладиган эцидий.

**Руга** – икки уруғ паллали ўсимликларнинг донларидаги калта ўйиқлик.

**Рудерал ўсимликлар** – табиий табиатига мос бўлмаган ташландиқ жойларда тарқалган ўсимликлар (*Artemisia lappa*, *A. tomentosum*, *Urtica dioica*, *Chelidonium majus*, *Datura stramonium*, *Leonurus cardiaca*, *Hyoscyamus niger* кабилар мисол бўлади).

**Руссула** - базидиялиларга мансуб қалпоқчали замбуруғ. Сарғиш-оқ, баъзан қўнғир тусли қалпоқчага ва оқиш йўғон сопга эга. Ёшроқ пайтида қалпоғи бир оз ёпишқоқ бўлади.

**Руталар** (*Rutales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Рухсевар ўсимликлар** - рух элементи (унсур) етарли бўлган ерда ўсувчи ўсимликлар.

**Рўвакўт** (*Calamagrostis*) - ғалладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Рўвак** (*Calamagrostis epigelos* (L.) Roth.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Рўвак, мураккаб шингил** (*panicula*) - ўсимлик тўпгулларида бир тури. Бу тўпгулларнинг бош ўқида ён шохчалар ўсиб чиқади. Ана шу ён шохчаларнинг ўзи ҳам яна майда шохчаларга бўлинади ва гул ёки тўпгулчалар чиқаради. Рўваклар бош ўқда жипслашиб, зич жойлашган шохчали (масалан, оқсўхта, тулкикуйруқ кабиларда) ёки аксинча ҳар ёққа ёйилиб ўсган шохчали (ялтирбош, сули ва сирень кабиларда) бўлиши мумкин.

**Рўян** (*Rubi tinctoria* L.) - рўяндошларга мансуб ўт ўсимлик. Тупроқ орасидаги илдизпоясидан турли газламаларни бўяш учун қизил бўёқ олинади.

**Рўяндошлар** (*Rubiaceae*) - икки уруғ паллалилардан туташтожлиларга мансуб дарахт, бута ва лиана (тропик печак) ўсимликлар оиласи. Гуллари икки жинсли, тўғри (актиноморф), баъзи турларида зигоморф (икки лабли). Косачаси тўртталик ёки бешталик, тожбарги ва чангчилари тўрттадан ёки бештадан; уруғчиси битта. Барглари қарама-қарши ёки давра бўлиб жойлашган. Меваси - кўсакча ёки юмшоқ, баъзан апокарп.

## С

**Сабзавотчилик** – 1. Ўсимликшуносликнинг сабзавот экинларини ўстириб, сабзавот етиштирадиган тармоғи 2. Сабзавот маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштириш учун сабзавот экинларининг биологиясини ўрганадиган фан.

**Сабзи** (*Daucus*) – зирадошларга (соябонгулдошларга) мансуб ўт ўсимликлар туркуми; икки йиллик, баъзан, бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар. Барглари патсимон.

**Саватча** (*calathidium*) - мураккабгулдошларга мансуб ўсимликлар тўпгули. Гуллари шохчанинг саватча шаклида кенгайган тепасида жойлашади.

**Саватча ботрик тўпгул** – гуллар чиққан ўқнинг йўғонроқ ва кенг бўлиб, шакли саватга ўхшаб кетадиган тўпгул.

**Савир, биота** (*Biota orientalis*) - яланғоч уруғлиларнинг сарвидошлар оиласига мансуб доим яшил бута ёки дарахтча.

**Савринжон** (*Colchicum*) - лоладошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Пояси қисқа, қуйи қисми эски барглар филофига ўралган пиёзсимон йўғон тугунак. Барглари кўпинча энсиз, гуллари катта-катта (8-10 дона). Баъзи турлари кеч кузда гуллаб, баҳорда кўсаксимон мева беради. Баъзи турларида кольхицин (заҳарли алкалоид) моддаси бор.

**Савринжон** (*Colchicum luteum* Baker.) – пиёздошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Саговниклар** – очик уруғли ўсимликлар бўлимининг синфи.

**Саёк** (*Reseda luteola* L.) – резедадошлар оиласига мансуб, воҳалар, адирда ўсадиган, икки йиллик ўт.

**Сайт** – 1. Кроссинговер ва мутагенезда фаоллик кўрсатувчи геннинг энг кичик бир бўлаги. 2. Кроссинговерда қатнашувчи ва мутацияда ўзгарувчи геннинг бир қисми.

**Сакситоксин** – кўк-яшил сувўтлардан *Aphanizomenon flos-aquae* ажратадиган токсин.

**Салаб** (*Orchis umbrosa* K. et K.) – салабдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, доривор, кўп йиллик ўт.

**Салаблар** (*Orchidales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи, *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Салбий геотропизм** – ўсимликни, унинг бирор қисмини ердан юқорига қараб ўсиши.

**Салбий ортотропизм** – ўсимлик, унинг бирор қисмини таъсирловчидан қарама-қарши томонга йўналиши.

**Салбий таксис** – таъсирловчи манбадан йўналган йўналишдаги ҳаракат.

**Салбий тропизм** – ўсимликни, унинг бирор қисмини таъсирловчи манбадан қарама-қарши томонга ҳаракати, эгилиши.

**Салбий травмотропизм** – илдиз учи ёки поя учини жароҳатланган томонидан қарама-қарши томонга ҳаракати.

**Салбий фототаксис** – организмни ёритилиши кам бўлган томонга ҳаракати.

**Салом алайкум** (*Cyperus rotundus* L.) – ҳиллодошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерлар, воҳаларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Сальвинидлар** – папоротниклар бўлими, полиподиопсидлар синфининг кенжа синфи.

**Сальвиниялар** – папоротниклар бўлими, полиподиопсидлар синфининг тартиби.

**Самарканд моҳитоби** - ўрикнинг жайдари навларидан бири. Меваси думалоқ, оч сарик, пўсти юпқа.

**Самоочишение** – сув ҳавзасини ифлосланишдан биологик ва физик-кимёвий жараёнлар билан тозаланиши.

**Сандал дарахт** (*Chekrassia officinalis*) – Жанубий Шарқий Осиёда ўсадиган, ёғочидан қимматбаҳо мебел тайёрланадиган дарахт.

**Санжалит** (*Asyneuma argurum* (Rgl.) Bornm.) – кўнғироқгулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Сано** (*Cassia acutifolia* Delile.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Саноат негизидаги уруғчилик** - нав, уруғлик ва ҳосил сифатлари бўйича давлат андозаси ва техник талабларга жавоб берадиган уруғлик ашёлар махсус ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, концентрациялашиши, барча технологик жараёнларни механизациялаштириш ҳамда автоматлаштириш асосида энг кам меҳнатни сарфлаб уруғчиликни ташкил этиш.

**Санталалар** (*Santalales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.



**Санчиқўт** (*Thalistrum minus* L.) - айиқтовонгулдошларга мансуб адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Гуллари майда, тўрт баргчали гулқўрғонли, чангчилари кўп, рўваксимон тўпгулларга йиғилган.

**Сапиндалар** (*Sapindales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Сапроблик** – сувни органик мода ва унинг парчаланиш маҳсулотлари билан ифлосланганлиги, унга кўра полисапроб, мезосапроб, олигосапробга бўлинади.

**Сапроблик индекси** – сувнинг ифлосланганлик даражасини ифодаловчи белги (рақам).

**Сапроблик индикаторни белгилари** - s–сапроблик кўрсаткичи; х–ксеносапроблик; о–олигосапроблик; β–бета-мезосапроблик; α–альфа-мезосапроблик; р–полисапроблик; Е–эусапроблик; і–изосапроблик; m–метасапроблик; h–гиперсапроблик; G–индикаторлик оғирлик (вес); S–сапроблик индекси; Fe–темир кўплигини кўрсаткичи; Cl–хлоридлар кўплигини кўрсаткичи; +–сапробликни камлиги; H<sub>2</sub>S–водород сульфид кўрсаткичи.

**Сапропел** – планктон сувўтлар, чучук ва шўртоб сувлардаги организмларнинг ҳалок бўлганидан кейин органик моддаларини узок муддат давомида кимёвий ўзгаришларга учраганидан кейин ҳосил бўлган мойсимон сариқ, яшил, кўнғирроқ тусдаги масса.

**Сапропеллин** – яшил сувўтларнинг айримларини ҳужайра пўстидаги мода у қават ҳолида жойлашади.

**Сапрофитлар** – органик углеродни қуриган ўлик организмлардан оладиган ўсимликлар. *Neottia nidus avis*, *Monotropa hypopitys*, *Epipogon aphyllum* мисол бўлади.

**Сапсардошлар** (*Iridaceae*) - бир уруғ паллалиларга мансуб кўп йиллик ўтлар оиласи (фақат айримларигина чала буталар). Барглари тор ва узун бўлади.

**Сарв** (*Cupressus*) - сарвдошларга (арчадошларга) мансуб доим яшил дарахтлар ёки буталар туркуми. Игнабарглари новдаларга ёндашган, қипиқсимон, қарама-қарши. Куббаси деярли думалоқ бўлиб, ривожланиб чиққандан сўнг иккинчи йили етилади.

**Сарвдошлар, арчадошлар** (*Cupressaceae*) - очик уруғтоифа ўсимликларнинг куббалилар синфига мансуб ўсимликлар оиласи. Барглари ҳалқасимон ёки қарама-қарши жойлашган. Доим яшил дарахт ва буталардан иборат (сарви, савир, туя, арча, биота кабилар).

**Сарисағон** (*Horaninovia ulicina* F. et M.) – шўрадошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Сариқбош, сенецио** (*Senecio*) - мураккабгулдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Барглари патсимон қирқма, гуллари майда саватчаларда жойлашган, сариқ. Кўпчилиги бегона ўсимликлардир. Айримлари хушманзара ўсимлик сифатида экилади. Йирик баргли сенецио тури дориворлик хусусиятларга эга.

**Сариқ дарахт** - турли дарахт ва буталарнинг сариқ бўёққа эга бўлган қуруқ ёғочлари.

**Сарик луччак шафтоли** - луччак шафтолининг қоқибоп хилларидан бири. Мевалари майда, қизғиш-сарик, мазаси нордон-чучук. Август ойида пишади. Дарахти кичикроқ.

**Сарик олча** (*фр. Mirabella*) - тоғолчанинг сарик тусли тури. Дарахт ёки бута шаклида ўсади. Барглари тухумсимон-чўзиқ, тукдор қисқа банд-чаларда жойлашган. Гуллари якка ёки жуфт; меваси сарик, юмалоқ, диаметри 1,5-2 см. Мевасининг эти нордон тамли.

**Сарикчой** (*Agremonia asiata* Juz.) – раънодошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Сарик-яшил сувўтлар** (*Xanthophyta*) – сарик-яшил, турлича яшил, баъзан рангсиз, 0,5-1,5 мкм дан диаметри бир неча мм дан узунлиги ўнлаб см гача (*Tribonema*), индивидлари бир хужайрали, кўп хужайрали ва хужайрасиз, ҳаракатчан, ҳарактсиз, бириккан сувўтлар бўлими.

**Саркотест** – уруғнинг ташқи пўстини этдор бўлиши.

**Саркотеста** – очик уруғли ўсимликлардан гинкгода етарли даражада ривожланган уруғмуртакнинг интегументидаги этдор, серсув, қалинлиги 5-6 мм га етадиган, кутинлашган эпидермали устицалари бўлган ташқи қавати.

**Саррацениялар** (*Sarraceniales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Ranunculidae* кенжа синфининг тартиби.

**Сарсабил** (*Asparagus officinalis* L.) – пиёздошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Сарсазан** (*Halocnemum strobilaceum* (Pall.)M.B.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган бута.

**Сарциноид тузилиш** – коккоид тузилишлини вегетатив ҳолатида турли йўналишда бўлина оладигани, натижада пакет ёки тетраэдрик ёки бошқача кўринишдаги кўплаб хужайраларнинг тўплами. Бу тузилишли сувўтлар вегетатив ҳаётининг даврида ҳаракатланмайди.

**Сасир** (*Cryptodiscus didymus* (Rgl.)Eug.Kor.) – соябонгулдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган эфир мойли кўп йиллик ўт.

**Сассиккана** (*Descurania saphia* (L.) Schur.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, воҳалар, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Саур** (*Biota orientalis* (L.) Endl.) – сарвидошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали дарахт.

**Саур арча** (*Juniperus semiglabosa* L.) – Ўрта Осиёнинг тоғларида ўсадиган, бўйи 10 м келадиган дарахт.

**Сафроўт** (*Gratiola officinalis* L.) – сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Сахарофил ўсимликлар** – фотосинтезда қанд (сахар) тўплайдиган ўсимликлар.

**Сачратқи** (*Cichorium intybus* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, воҳа, адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Сегетал ўсимлик** – қишлоқ хўжалик экинлари орасида ўсишга мослашган ўсимлик.

**Седерация** – тупроқни ўсимлиги билан қўшиб хайдаш.

**Сейсмонастия** – охиста ёки кескин таъсирга ўсимликда рўй берадиган кескин ҳаракатлар.

**Секвенирование** - ДНК бўлагидаги нуклеотидлар изчиллигини аниқлаш.

**Секториал химера** – пайвандтаг ва пайвандуст тўқимали химераларда ярим ёки ундан камроқ секторни бита тўқимага тегишли бўлиши.

**Селекция** – кишиларнинг талабларига мос келадиган ўсимликларнинг янги навлари, ҳайвонларнинг зотлари, микроорганизмларнинг штаммларини яратиш услуги ҳақидаги фан тармоғи.

**Селекция** - деҳқончилик соҳасида янги навлар (дурагайлар) яратиш ва экилиб келинаётган навларни яхшилаш усуллари тўғрисидаги фан.

**Селекцион марказ** - аниқ тупроқ-иклим ҳудудда жойлашган селекция ва уруғчилик бўйича ихтисослашган йирик илмий-тадқиқот муассаси.

**Селекцион нав** - илмий-тадқиқот муассасаларида селекциянинг илмий усуллари асосида яратилган нав.

**Семиассоциациялар** – фитоценоздаги иккиламчи даражали ўзи мустақил уюшма ҳосил қила оладиган қатлам.

**Семизак** (*Sedum tetramerum* Trautv.) - семизакдошларга мансуб, тоғда ўсадиган барг ва поялари қалин бир йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Қизил семизак - *Sedum purpureum* ва катта семизак - *S. telephium* турлари бор. Булар семизакдошларга мансуб кўп йиллик суккулент ўсимликлардир.

**Семиз баргли** - қалин баргли ўсимликлар. Масалан, шўрадошларнинг баъзи турлари, семизакдошлар.

**Семиз бачкилар, ғовлама бачкилар** (*soboles, surculus*) - йирик-йирик шохлардан ёки тананинг илдизга яқин жойидан юқорига қараб ўсувчи ғовлаган новдалар.

**Семиз илдиз** - лавлаги, шолғом, сабзи, ширач каби ўсимликларнинг йўғон, ширадор ёки серсув илдизлари.

**Семиз илдизлар, жамғарувчи илдизлар** - тўқималарида озуқа моддаларни кўп миқдорда тўпловчи илдизлар.

**Сенил давр** – ўсимликни охириги марта гуллашидан қуригунгача бўлган даври.

**Сенсблизатор** – ўсимликда ёруғликнинг сезилишини кучайтирувчи модда.

**Септа** – хужайраларни бир-биридан ажратиб турувчи ҳосила (масалан, диатом сувўтларида).

**Сербўғим пояли ўсимликлар** (*лот. multiarticulatus*) - ўсимлик танасининг кўп бўғимли (масалан, қирқбўғимларда) бўлиши.

**Сергул ўсимликлар** (*лот. multiflorus*) - кўп гулли ўсимликлар. Бунинг акси кам гулли ёки бир гулли ўсимликлардир.

**Сердон бошоқ** - ғалласимон ўсимликлар бошоғи (масалан, буғдой, арпа кабилар).

**Серёгин ўлка** (*лот. humidus - намлик*) - ёғингарчилик кўп бўладиган ўлка. Бундай жойларда, асосан, мезофил ўсимликлар яшайди.

**Серковак ёғочлик** – ўтказувчи қисмлари бўлган иккиламчи ксилема.

**Сериал куртак** – барг қўлтиғида устма-уст жойлашган куртак.

**Серкўсак** - кўп кўсакли ўсимликлар. Масалан, ғўза. Бундай ўсимликларнинг акси кам кўсакли ёки якка кўсакли бўлиши мумкин. Масалан, лола, кўкнор, қизғалдоқ ва бошқалар.

**Сермағиз хужайра** - бир неча мағизли хужайралар. Масалан, баъзи сувўт ва замбуруғларни кўрсатиш мумкин.

**Серпоя ўсимликлар** (*лот. multicaulis*) - танаси ва пояси бир нечтадан бўлган ўсимликлар.

**Сершоҳ, шохланган** (*fruticulosus*) - шохи қалин ўсган ўсимлик.

**Серчангчи гул** (*лот. flos polyslemoneus*) - бир нечта чангчили (одатда 12 та дан ортиқ чангчили) гуллар серчангчили гул деб аталади.

**Серқилтиқ** (*лот. multiaristatus*) - кўп қилтиқли бошоқча қипиқлари.

**Сестонектарлар** – планктон кўринишдаги доминантлар.

**Сет йўли, сутли найча** (*лот. vasa lactifera*) - сутламадошлар, кендирдошлар, мураккабгулдошлар ва ҳоказо оилаларга мансуб ўсимликларнинг баъзи турларида бўладиган найчалар. Бу найчаларда сутсимон шира деб аталадиган хужайра ширалари бўлади. Сутсимон ширада углевод, оксил каби моддалардан ташқари шу ўсимликнинг ўзигагина хос бўлган баъзи специфик моддалар ҳам бор. Сутли найчалар кўп шохобчали бўлиб, бир ёки бир неча хужайралардан ташкил топиши мумкин.

**Сета** (*Salsola sclerantha* САМ.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўл адирда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Сибслар** — битта ота-онадан тарқалган болалар, насл (жинсидан қатъий назар).

**Сигирдарахт** (*Brosimum galactodendrum*) – Жанубий Американинг тропикларида ўсадиган, бўйи 30 м ли, пўстлоғи кесилса, ёқимли сут мазасини берадиган, истеъмол қилинадиган дарахт.

**Сигирқуйруқ** (*Verbascum songoricum* Schrenk.) – сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Сигирқуйруқлар** (*Scrophulariales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Asteridae* кенжа синфининг тартиби.

**Сигирқуйруқдошлар** (*Scrophulariaceae*) - икки уруғ паллалилардан туташтожлиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Кўпчилиги ўт ва чала бута, фақат айримларигина бута ёки дарахтлардир. Гуллари шингилсимон, рўваксимон ва бошқа тўпгулларга йиғилган. Бу гулларнинг коса-чабарглари ва тожбаргларидаги япроқлар 5 тадан бўлиб, бир-бирига туташган. Кўпчилик турлари ҳар хил шаклли зигоморф тожга ва фақат айримларигина деярли тўғри тожга эга. Чангчилари 4 тадан, айримларида 5 ёки 2 тадан. Уруғчиси битта. Тугунчаси икки чаноқли. Кўпчилигининг меваси кўсакча. Бу оилага 2800 дан ортиқ тур (200 та туркум) киради. Бу турлар асосан сигирқуйруқ, скрофулярия, зиғирак (*Linaria*), такасоқол, эвфразия (*Euphrasia*) каби туркумларга мансубдир. Улардан баъзилари экинлар орасида бегона ўт бўлиб ўсади. Кўпчилиги заҳарли бўлганидан моллар емайди. Ангишвонагул, сигирқуйруқ каби турларидан медицинада ҳам фойдаланилади. Аждаргул, итгунафша сингари турлари хушманзара ўсимлик сифатида экилади.

**Сийрак паренхима** – япроқ мезофилидаги хужайра ораликлари аниқ библиниб турадиган паренхима.

**Сильвантлар** – ўрмонга хос бўлган турлар.

**Силиколемма** – диатом сувўтларининг хужайраларини периферик қисмидаги цистерна ва найчаларнинг мураккаб тузилмаси.

**Симбиотик аллелагония** – ценопопуляциядаги симбиотик турларни бирига сезиларли зарар етказмай физиологик характердаги таъсири: а) дуккак-ли ўсимликлар илдизидаги туганак бактериялар; б) ўсимлик илдизларидаги микориза ҳосил қилувчи замбуруғлар; в) чанглатувчи ҳашарот ва ўсимлик; г) лишайниклар.

**Симбриқ** (*Eragrostis minor* Host.) – буғдойдошлар (бошоқдошлар) оиласига мансуб, адир, тоғ, суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Симметрияли тармоқ** (*symmetria radiatus*) - ўзак тиғлари (чизиқлари) нинг бир-бирига симметрия ҳолда жойлашиши.

**Симпласт** – ўсимлик организмидаги хужайранинг протопластларини бир бутун яхлитлиги.

**Симподий** – ўсимликларнинг марказий танаси, пояси, новдаси, илдизининг бир неча ёки кўп миқдордаги меристемасидан юзага келган ва навбатлашиб жойлашган қисми.

**Симултан бўлиниш** – кўк-яшил сувўтларининг кўпайишида она хужайра протопластини кўп миқдордаги хужайраларга бўлиниб кетиши.

**Симултан ривожланиш** – папоротниклардаги сорусларнинг ҳаммасини бир вақтда етилиши.

**Синангий** – девон даврининг бошларида ўсган, ринофитлар бўлимига мансуб ўсимликлардаги спорангийни қисқаришидан юзага келган қисм; псилофитлардаги спорангийлар тўплами.

**Синандрий** – гулдаги чангдон бандларини кўшилиб ўсиши.

**Синаска** – халтачали замбуруғларнинг айримларидаги ташқи пўсти бўлмаган халтача.

**Синбиология** – фитоценозлардаги биологик жараёнларни ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Сингамия** - эркак ва урғочи гаметаларнинг кўшилиши.

**Сингенез** – фитоценознинг шаклланиш жараёни.

**Сингрэн** (*Astragalus villasissimus* Vge.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, ем-хашак, чўлда ўсадиган чала бута.

**Синдактилия** - кафтда ва оёқ панжасида кўшни бармоқларнинг қисман ёки тўлиқ бирикканлиги.

**Синдетохейл устьяца (оғизча)** – очик уруғли ўсимликлардан беннеттитлар ва уларга яқин қирилиб кетган гуруҳлар ҳамда ҳозирги вельвичия туркумига мансубларга хос устьяца.

**Синдирим** (*Anabasis brachiata* F. et M.) – шўрадошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Синекия** – популяция ичидаги ва популяциялар орасидаги ўзаро таъсирлар.

**Синергид** – гулли ўсимликларда тухум хужайра билан боғланган муртак халтасининг микропиляр охиридаги иккита хужайра.

**Синергидлар** - тухум хужайранинг икки ёнида жойлашган йўлдош хужайралар, уларда хромосомалар гаплоид сонда бўлади.

**Синзооспора** – кўп хивчинли, кўп ядроли зооспора.

**Синзоохария** – уруғ ва меваларнинг турли ҳайвонлар томонидан ташиб кетишидан, тушиб қолиши билан тарқалиши.

**Синкарп гинецей** – қ. ценокарпли гинецей.

**Синкарпий** – мевали барглари қўшилиб ўсган тузилишли гул шакли.

**Синкотилия** – бир уруғ паллали ўсимликларни икки уруғ паллалилардан иккала уруғ паллани қўшилиб кетишидан келиб чиққан деб қараш.

**Синморфология** – фитоценозларнинг таркиби ва тузилишини ўрганадиган тармоқ.

**Синтетик селекция** - бошлангич ашёни дурагайлаш, мутагенез, полиплоидия каби усуллар асосида яратиб танлашга асосланган селекция.

**Синузиялар** – фитоценоз ва ассоциацияда битта ва ўшани ўзи бўлган бир неча тур экобиоморфалар; битта ва ўшани ўзи бўлган ценопопуляция экобиоморфалар гуруҳи.

**Синус** – *Desmidiaceae* тартибига (*Chlorophyta*) мансуб сувўтларнинг хужайраларини сиқик жойи.

**Синф** (*Classis*) – синфлар ўзаро тартибга нисбатан кескин фарқланиб, тартиб номи келиб чиққан туркум билан аталиб, *-opsida*, сувўтларда *-phyceae*, замбуруғларда *-mycetes* қўшимчаси билан ҳосил бўлади. Йирик ва етарли даражада табақалашган синфлар кенжа синфларга бўлинади.

**Синф, класс** (*лат. classis - синф*) - ўсимлик ва ҳайвонлар систематикасида типдан кичик, қабиладан катта таксон. Синф табиий хусусиятлари ёки белгиларига кўра яқин ва уруғдош қабилаларни бирлаштиради.

**Синфизиология** – ценобионтларнинг физиологиясини тадқиқ этадиган геоботаниканинг тармоғи.

**Синхорология** – ўсимликларнинг уюшмалари ва уларнинг таксонларини тарқалишидаги географик қонуниятларини ўрганадиган фан тармоғи.

**Синценобий** – яшил сувўтлардан *Chlorococcales* тартиби сувўтларида алоҳида хужайраларни шилимшиқ ёки эски хужайра пўсти қолдиғи билан бириккан ҳолда бўлиши.

**Синценогенез** – организмлардан ҳоли ҳудудда бир мунча қисқа вақт давомида уларнинг ҳосил бўлиши ёки тикланиши.

**Синцианоз** – кўк-яшил сувўтларининг энг содда ҳайвонлар ва бошқа организмлар билан симбиози.

**Синэкиа** – моддалар ва энергия бермасдан, организмлар орасидаги бево-сита муносабатлар.

**Синэкотип** – турни турли фитоценозда ўсиши натижасида махсус ирсий белгиларнинг ҳосил бўлиши.

**Синэкология** – фитоценознинг муҳит шароитлари билан алоқадорлигини ўрганадиган фитоценологиянинг тармоғи.

**Систематика** – организмларнинг (шу жумладан сувўтларнинг) хилма хиллигини ўрганадиган фан.

**Сиртган** (*Bryonia melanocarpa* Nab.) – қовоқдошлар оиласига мансуб, қумли чўлда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Сифат белгилари** - ўсимликнинг кўз билан бевосита кўриб аниқлаш мумкин бўлган белгилари.

**Сифонал тузилиш** – сифонал (хужайраларга бўлинмаган) типдаги тузилиш анча катта, йирик, одатда макроскопик ўлчамдаги ва маълум даражада табақаланган талломни ташкил қилгани билан хужайранинг кўндаланг тўсиқғдеворлари йўқлиги билан ифодаланади. Кўндаланг тўсиқ жароҳатланганда ёки кўпайишни амалга оширадиганлар ҳосил бўлишида юзага келади. Ҳар иккала ҳолда ҳам тўсиқни юзага келиши кўп хужайрани ўсимликлардагидан фарқланади.

**Сифонеин** – сариқ-яшил сувўтларнинг хужайраларидаги каратиноидлардан бири.

**Сифоногамия** – чанг найи ёрдамидаги уруғланиш.

**Сифоногам ўсимликлар** – ҳаракатланмайдиган эркак спермийлар билан чанг найи воситасида уруғланадиган ўсимликлар.

**Сифоноген** – гулдаги чанг донасини биринчи марта бўлинишидан ҳосил бўлган вегетатив хужайра.

**Сифонокладиялар** (*Siphonocladiales*) – макроскопик, ип, оддий ёки тармоқланган, бириккан ёки бирикмаган, таллом кўп ядроли сегментлардан иборат сувўтлар (*Chlorophyta*, *Siphonophyceae*) тартиби.

**Сифоноксантин** – қ. сифонеин.

**Сифононемалар** (*Siphononematales* Geitl.) – индивидлари колонияли, ривожланишнинг бошланишида “оддий” бу даврдаги индивидлари бир хужайрали субстратга бириккан битта оиладан иборат (*Cyanophyta*, *Chamaesiphonophyceae*) тартиб.

**Сифоностела** – найсимон тузилишли ва марказий ёки юраксимон паренхимага эга стела.

**Сифоностела** – ўрта қисмида ўзак бўлган, ксилема чеккага сурилган ва найсимон тузилишли мустаҳкам поя.

**Сифоностела** – ўзакни ўтказувчи тўқима боғлаб турадиган найсимон стела.

**Сифон сувўтлар** (*Siphonophyceae*) – хужайрасиз, сифон тип тузилишли вегетатив танага эга, анча мураккаб тузилмали, кўп ядроли, яъни ценоцит талломли, баъзиларида ўхшаш сегментлари бўлинган қадимги денгиз сувўтлари (*Chlorophyta*) синфи.

**Сичқонбурчок** (*Vicia cracca*) - дуккакдорларнинг капалакгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Ўралувчи ва шохдор пояси 2 м га етади. Барглари жуфт патсимон, мураккаб, учида гажакчаси бор. Тўпгули кўп гулли шингилдан иборат.

**Склерификация** – ўсимликдаги турли тўқималарнинг механик мустаҳкамлигини оширадиган хужайралар пўстини йўғонланиши ва ёғочланиши.

Склерификация хужайраларни ҳалок бўлишига ва уларни механик тўқиманинг элементларига айланишига олиб келади.

**Скарификация** – қаттиқ пўстли уруғларнинг унишини тезлатиш мақсадида ишқалаш, металл элакдан ўтказиш, баъзан кислоталар таъсир этиш.

**Скиофитлар** – ҳеч қачон очик майдонларда ўсмайдиган ўсимликлар гуруҳи.

**Склереид** – пўсти анча текис равишда қалинлашган арматура хужайралар.

**Склеренхима** – мустаҳкамлик берадиган бир хил қалинликдаги ёғочлашган пўстли тўқиманинг бир тури; склеренхима хужайраларнинг мажмуи бўлиб, толали, толали-склерсидлардан иборат.

**Склеренхима толалари** – икки учи ўткирлашган, анча чўзилган прозенхима хужайраларидан иборат бўлиб, ёғочлик таркибидаги синилибриформ толалари, лубдагиларни луб толалари деб аталади.

**Склеро ...** – “зичлашиш”, “қаттиқлашиш” каби маъноларни англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Склербазидия** – қ. фрагмобазидия.

**Склеродерма** – мохларнинг поясидаги сарғиш, кўнғир, қизғиш-кўнғир, қизил деярли қора тусли пўстлок.

**Склеромиоз** – дейтеромицетлар (*Deutepomycetes*) синфига мансуб *Scleroti* замбуруғи таъсирида ҳосил бўладиган касаллик.

**Склеротеста** – гинкго (*Ginkgo biloba* L.) ўсимлиги уруғмуртаги интегументининг қалинлиги 0,5 мм келадиган қаттиқ “пўчоқ” ҳосил қиладиган ўрта қавати; саговниклар уруғининг ташки пардасини остидаги этдор қават.

**Склеротестлар** – очик уруғлилардан баъзи саговникларда (микрозамия, церотозамия, энцефалартос) микропиле атрофидаги 7-16 та унча аниқ бўлмаган қаттиқ лаппаклар.

**Склерофит** – қаттиқ, қалин кутикулали, яхши ривожланган, мустаҳкамлик берувчи тўқимаси бўлган, қурғоқчиликка яхши чидайдиган, асосан гулли ўсимликлар.

**Склерофитлар** – ксерофитларда ксероморфлик белгилари баргни тузилишида яққол намоён бўлиши.

**Склероций** – тиғиз гифали, озик моддалар билан тўлган, ноқулай шароитга яхши чидайдиган тана (*Claviceps purpurea* замбуруғида).

**Сколекоспора** – ипсимон узун ёки чувалчангсимон спора (масалан, такомиллашмаган замбуруғлардан *Anguillospora*, *Flagellospora* ва бошқа туркумларда).

**Скотоспора** – тўкрангга бўялган спора.

**Скрэб** – Австралиянинг қурғоқ ҳудудларидаги кўп ҳолларда доимо яшил буталардан иборат ўсимликлар формацияси.

**Скутеллум** – етук ҳолга етганда аскоген локулаларни қоплаб турадиган триотецийнинг қалқони (масалан, *Microthyriales* халтачали замбуруғлардан тартибининг вакилларида).

**Смилаксалар** (*Smilacales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.



**Смола (елим) тутган ўсимликлар** – смола ёки бальзам тутадиган ўсимликлар.

**Совундарахт** (*Sapindus*) - сапиндадошларга мансуб дарахт ва бута ўсимликлар туркуми. Америка ва осийё қитъаларида 15 га яқин тури учрайди. Меваси таркибида анчагина сапонин бўлиб, баъзи кучсиз бўёқлар билан бўялган газламаларни ювишда ишлатилади.

**Совунак** (*Saponaria officinalis*) - қорамуғдошлар (чиннигулдошлар) га мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси 30-90 см га етиб, оддий ёки юқори қисми бир оз шохланган. Барглари тухумсимон-ланцетсимон, қарама-қарши жойлашган. Гуллари қалқонсимон рўвак тўпгулларга йиғилган.

**Совунўт** (*Anagalis arvensis* L.) – наврўзгулдошлар оиласига мансуб, адир, воҳаларда ўсадиган, доривор, бир йиллик ўт.

**Совут** – динофит ва диатом сувўтларнинг хужайрасини қоплами.

**Совуксевар ўсимликлар** – шимолий қутбга яқин ва тоғларнинг юқори қисми, тоғ яйловларидаги совук иқлимли экология шароитида ўсадиган ўсимликлар.

**Совукчанлик, совукқа чидамлилик** - ўсимликларнинг совукда чидай олиш хусусияти.

**Созология (созиология)** – табиат муҳофазаси ҳақидаги фан.

**Солениялар** (*Soleniales*) – хужайралари биттадан ёки ипсимон колонияли, совути чўзиқ цилиндр шаклидаги сувўтлар (*Bacillariophyta, Centrophyceae*) тартиби.

**Соленостела** – папоротниклар поясидаги марказий цилиндрнинг бир тури.

**Солидаго** (лот. *Solidago virgo aurea*) – мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Сома** – ўсимлик танасидаги вегетатив хужайраларнинг мажмуи.

**Соматик апоспория** – редуцирланмаган куртак халтани спорофитнинг соматик хужайрасидан ривожланишидан юзага келадиган апоспория ҳолати.

**Соматик гетерозис** – дурагайларда вегетатив органларнинг кўпайиб кетиши.

**Соматик копуляция** – табақалашмаган вегетатив хужайраларнинг жинсий кўшилиши (масалан, айрим замбуруғларда).

**Соматик мутациялар** - соматик хужайраларда ҳосил бўладиган мутациялар.

**Соматик партеногенез** – муртак халтанинг редуцирланмаган она хужайраларини партеногенези.

**Соматик редукция** – 1. Яшил сувўтлардан *Prasiola* туркуми вакиллари ривожланишида диплоид гаметафитнинг юқори қисмидаги вегетатив хужайраларда рўй берадиган мейоз жараёни. 2. Гаметофитнинг диплоид вегетатив хужайраларида рўй берадиган хромосомалар тўпламини ярмига камайиши.

**Соматик уруғланиш** – кўшимча чанг найидаги спермийнинг тугунча ва уруғмуртак хужайралари билан уруғланиши.

**Соматик хужайралар** – 1. Тана хужайралар, уларда хромосомалар тўплами  $2n$  бўлади. 2. Жинсий бўлмаган (тана) хужайралар, уларда хромосомалар

тўплами диплоид (2n) бўлади. 3. Кўп ҳужайрали организмнинг жинсий ҳужайрадан бошқа ҳар қандай ҳужайралари.

**Соматобласт** – бўлинганидан кейин соматик ҳужайралар ҳосил бўлишини бошлаб берадиган ҳужайра.

**Соматогамия** – замбуруғларда иккита вегетатив ҳужайранинг ўзаро қўшилиб кўпайиши.

**Сомация** – озикланиш хусусиятлари ёки яшаш шароити сабабли содир бўладиган ирсий бўлмаган барча ўзгаришлар.

**Сорал** – лишайниклардаги содерийларни маълум шакл кўриниш ҳосил қилган тўплами.

**Соредий** – лишайникларни вегетатив кўпайиши учун хизмат қиладиган махсус ҳосиласи.

**Соредия** – лишайник талломининг сувўт ҳужайраси, замбуруғ мицеллийсидан иборат, вегетатив кўпайиши учун хизмат қиладиган тана.

**Сорус** – кўнғир, қизил сувўтлари, папоротниклар ва содда тузилган замбуруғлар танасидаги зич ёки сийрак жойлашган споралар тўплами ёки жинсиз кўпайиш қисми спорангийлар йиғиндиси.

**Соф культура** – озик муҳитда ўстирилган, бир турга мансуб ҳужайраларнинг култураси.

**Соф линиялар** - узоқ давом этувчи инбридинг натижасида олинган бир хил генотипли ҳайвонлар, ўсимликларда эса ўз-ўзидан чангланиш натижасида олинади.

**Сохта дихотомия** – пояни учи ўсмай, унда асосий поядан йўғон шохларни пайдо бўлиши.

**Сохта йиллик халқа** – мавсумий ўсиш ҳисобига иккиламчи ксилемадаги биттадан ортиқ халқани дарахт танасида ҳосил бўлиши.

**Сохта мева** - таркибида уруғчилардан ташқари гулнинг бошқа қисмлари ҳам бор мевалар. Асл (чин) мева морфологик ва ботаник нуқтаи назардан уруғчидан ҳосил бўлади.

**Сохта тилоғоч** (*Pseudolarix*) - қарағайдошларга мансуб дарахтлар туркуми. Хитой сохта тилоғочи ёки кемфер тилоғочи (*P. kaempferi*) номли фақат бир тури бор. Бўйи 40 м га, танасининг диаметри 1,5 м га етади. Шаббаси кенг конуссимон. Асосан, шарқий хитой тоғларида (900-1200 м баландликда) ўсади.

**Сохта тўқима** – 1. Тубан ўсимликларда бир ва бир неча ҳужайрали ипчаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган ҳужайралар тўплами. 2. Тўқимага бир мунча ўхшаган, бироқ тўқимага ўхшаб тузилмаган ва тўқима вазифасини бажармайдиган тўқима.

**Сохта цуга** (*Pseudotsuga*) - қарағайдошларга мансуб игнабаргли дарахтлар туркуми. Бўйи 100 м га, танасининг қалинлиги 4 м га етади. 700 йилча яшайди.

**Сохта шохланиш** – кўк-яшил сувўт талломида трихомани эмас, уни ўраган шилимшиқни шохланиши.

**Сочилган ареаллар** – энг қадимги реликт, тарқалиш маркази бўлмаган турларнинг ареали.

**Созидификаторлар** – фитоценоздаги ўзининг кўплиги ва массаси билан эдификатордан қолишмайдиган ва атроф-муҳитга катта таъсир этадиган ўсимликларнинг турлари.

**Соябон** (*umbella*) - тўпгулларнинг бир хили. Бундай тўпгулнинг асосий ўқи қисқа бўлиб, барча гулларнинг гулбандчалари шу ўқ учидан чиқ-қандан бир тўп бўлиб жойлашади.

**Соябон замбуруғ** (*Lepiota*) - базидиал замбуруғларнинг бир туркуми.

**Соябон пальма** - айлана шаклидаги шапалоқсимон қирқма баргли пальмаларга кўйилган умумий ном.

**Соябонгулдошлар** (*Umbelliferae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб оила. Деярли барчаси ўт, айримлари (тропик ва субтропик минтақаларда ўсувчи айрим турлари) бута шаклида. Барглари қатор тартибли, кўпчилигиники чуқур қирқма. Гуллари майда, оқ, кўкиш-сарик ёки оч қизил бўлиб, мураккаб соябонларга (йирик тўпгулларга) йиғилган.

**Сояга чидамли ўсимликлар** – ёруғликка, ёритилишга нисбатан ёруғсевар, соясевар деб атаса ҳам бўладиган ўсимликлар гуруҳи.

**Соғон** (*Girgensohnia oppositifolia* Pall.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Спазмолитик плазмолиз** – цитоплазма қисмлари ботиқ ҳолатни ҳосил қилиши.

**Спаргандошлар** (*Sparganiaceae*) - ер шарининг шимолий қисмида (кўпроқ, совуқ ва ўрта иқлимли минтақалардаги ҳавзалар ёқасида, баъзан эса сувда) ўсадиган ўсимликларнинг кичикроқ бир оиласи.

**Спаржа, сарсабил** (*лот. Asparagus*) - пиёздошлар (лоладошлар) га мансуб ўсимликлар туркуми.

**Спейрохория** – экинлар ва бегона ўтларни уларни экишлар тарқалиши.

**Спейсерлар** - эукариотларда - генларнинг орасидаги, прокариот-ларда эса промотор ва структура генларини ажратувчи ДНКнинг кичик қисмлари.

**Сперматангий** – қизил сувўтларда эркаклик ҳужайра ҳосил бўладиган кўпайиш ҳосиласи.

**Сперматидалар** - эркак жинсий ҳужайраларнинг ривожланиш босқичларидан бирида иккинчи тартибли сперматосидларнинг бўлиниши туфайли содир бўлади.

**Сперматогенез** – 1. Эркак жинсий ҳужайралар – сперматозоидларни ҳосил бўлиш жараёни. 2. Эркак жинсий ҳужайраларнинг ривожланиш жараёни.

**Сперматогоний** - митоз бўлиниши натижасида сперматоцитларни ҳосил этувчи муртак ҳужайралар.

**Сперматозоид** – ўсимликларда инерозоид деб ҳам аталадиган уруғли ўсимликларда хивчинсиз, фаол ҳаракатланмаганлиги туфайли спермий дейилади. Яшил, қўнғир сувўтлари, айрим содда тузилишли замбуруғлар, мохлар, папоротниклар, қирқбўғимлар, плаунлар, саговниклар, гинкголарда икки ёки кўп миқдорда ҳосил бўлади.

**Спермий** – чангдонда ҳосил бўладиган гулли ўсимликларнинг 192 оиласида икки ҳужайрали, 115 оиласида уч ҳужайрадан, қолган оилалар ўсимликларида ҳужайрасининг сони ўзгариб турадиган чанг донаси.

**Спермаций** – 1. Қизил сувўтларидаги ҳаракатланмайдиган эркаклик жинсий ҳужайра 2. Айрим халтачали замбуруғлардаги эркаклик жинсий ҳужайра 3. Зангкуя замбуруғларидаги пикнидияларда ривожланадиган эркаклик жинсий ҳужайра (пикно спора).

**Сперматоцитлар** - мейоз туфайли кейинчалик сперматозоидларга айланивчи ҳужайралар

**Спермиоген** – гулдаги чанг донасини биринчи марта бўлинишидан ҳосил бўлган генератив ҳужайра.

**Спирал текстура** – ҳужайра пўстини ўрта қаватида микрофибриллаларни биров бурчак ҳосил қилиб жойланиши.

**Спирал филлотаксис** – новданинг ҳар бир бўғимида биттадан баргни бўлган ҳолда жойланиши.

**Спирал қалинланиш** – ҳужайра пўстини бурама чизик ёки бир неча тасмалар ҳисобига қалинланиши.

**Спирохета** – спирал буралган кўринишли микроорганизм (бактерия).

**Сплайсинг** - геннинг интрон қисмини ажралиши, экзон қисмларнинг ўзаро кўшилиши.

**Спонтан мутациялар** – ўз-ўзидан пайдо бўладиган мутациялар.

**Спора** – сувўтларда жинссиз кўпайишни амалга оширадиган махсус ҳужайра. Споралар спорангий деб аталадиган махсус ҳужайраларда ҳосил бўлади. Спора биттадан (*Oedogonium* Link, *Vaucheria* DC.) бир неча юзлаб (*Cladophora* Kiitz.) бўлади.

**Спора редукцияси** – диплоид спорада мейоз бўлинишнинг рўй бериши.

**Спораларни радиосенситов типда тарқалиши** – спораларни сочилишини куёш радиацияси таъсирида кучайиб бориши.

**Спорали тубан ўсимликлар** - Ҳақиқий илдиз, тана ва баргларга дифференцияланмаган, лекин спорали ўсимликлар, масалан, бактерия, замбуруғ, сувўт ва лишайниклар.

**Спорали ўсимликлар** – 1. Филогенетик жиҳатидан гетероген, кўпайиши ва тарқалиши жинссиз ва жинсий усуллар билан ҳосил бўладиган споралар орқали рўй берадиган ўсимликлар. 2. Споралари жинссиз ёки жинсий тарзда ҳосил бўлиб, улар ёрдамида кўпаядиган ва тарқаладиган ўсимликлар.

**Спорангибанд** – апикал ёки латериал жойлашган спорангий тутган махсуслашмаган ёки махсуслашган гифа.

**Спорангий** – шарсимон тузилишли бир неча мингтага споралари бўладиган ҳосила.

**Спорангиокарп** – споралари ичидаги спорангийларда ҳосил бўладиган меватана (масалан, зигомицетлардан *Endogone* туркумининг замбуруғларида).

**Спорангиоспора** – тубан ўсимликлардаги эндоген тарзда ҳосил бўладиган жинссиз кўпайиш учун хизмат қиладиган спора.

**Спорангиофоралар** – қирқбўғимлардаги спорангийли шакли ўзгарган ёш новдалар.

**Спорангиоциста** – муҳитнинг ноқулай шароитларига бардош бера оладиган қалин қобиқ билан ўралган спора.

**Спорангифор** – қирқбўғимларнинг спорангий жойлашган қисми.

**Спори́дий** – 1. Промиселлийда ҳосил бўладиган кичкина спора 2. Базиди-яли замбуруғлардан *Uredinales* тартиби вакилларидаги эпизидийда ҳосил бўладиган базидиоспора.

**Спороген** – мохларда спора ҳосил бўладиган қисми.

**Спорогон** – мохларда зиготадан бир неча ойдан икки йилгача давр ичида ривожланадигани.

**Спорогормогоний** – кўк-яшил сувўтларида гормогонияли спора.

**Спородерма** – микро- ва мегаспораларни қоплаган пўсти.

**Спородохий** – замбуруғларнинг жинссиз кўпайишида юзага келадиган конидия бандларнинг ясси ҳолдаги тўплами.

**Спорокарп** – замбуруғ ва лишайникларнинг споралар ҳосил қиладиган меватанаси.

**Спорокарпа** – папоротниклардан марсилеелар оиласининг вакилларида микроғ ва мегаспоралар тўпламидан иборат ёпиқ ҳолдаги тузилма.

**Спорокуртак** – хара сувўтларининг жинсий кўпайишидаги урғочилик аъзо.

**Спорополленин** – спородерманинг экзина ва интина қаватларини таркиби.

**Спорофаза** – спорофитнинг зиготадан ривожланиб, яна зигота ҳосил қилгунча бўлган тўлиқ ривожланиш даври.

**Спорофил** – папоротниклар, плаунлар ва уруғли ўсимликларнинг япроқларида ёки уларнинг қўлтиғида ривожлана оладигани.

**Спорофит** – 1. Ўсимликларни ривожланишида ҳар иккала жинсий авлодларни алмашинувидаги жинссиз авлод. 2. Жинссиз насл. Спорофит зиготадан бошланиб спораларни ҳосил қилувчи насл.

**Спорофор** – папоротниклардан *Maesiliaceae* оиласига мансублардаги спорокарпийнинг пўсти.

**Спорофора** – актиномицетларда спора ҳосил бўладиган махсус мослама.

**Спорохналар** (*Sporochnales*) – спорофитини талломи йирик (0,5 м баландликгача) ипсимон-пластинка ёки ясси, энсиз тасма кўринишли, жанубий ярим-шарнинг денгизларини литоралида кенг тарқалган сувўтлар (*Phaeophyta*, *Phaeozoozoozophyceae*) тартиби.

**Спороцит** – ўсимликларни ривожланишида ҳар иккала жинсий авлодларни алмашинувидаги жинссиз авлод.

**Спороцист** – айрим халтачали замбуруғларда аскогендан ривожланадиган спорали ҳосила.

**Ставроцит устица (оғизча)** – папоротниклар ва қисман гулли ўсимликларда учрайдиган устица тўртта (3-5) бир хил ёки бироз радиал жойлашган кўшимча ёрдамчи хужайралар билан ўралган устица.

**Стаминодий** – чанг доналари ҳосил қилмай, нектархонага айланган чангдон.

**Статолитлар** – илдиз ёпқичини ўртасидаги крахмал билан тўлган, оғирлик кучини сезадиган хужайралар.

**Стахиботрикоксикоз** – стахиботриз (*Stachybotritis*) замбуруғи ҳосил қилган отлардаги захарланиш.

**Стела** – ўсимликлардаги поя ва илдиз учининг бирламчи тузилишли марказий (ўрта) қисми.

**Стеногалин** – сувда эриган туз миқдори турлича бўлганда ўса оладиган ўсимликлар (сувўтлар).

**Стенотерм** – белгиланган ҳароратли сув муҳитида ўса оладиган ўсимликлар (сувўтлар).

**Стенотоп** – ўсиш учун ташқи муҳитнинг белгиланган шароитларини талаб қиладиган сувўтлар.

**Стенотермофиллар** – ўсиши учун минимал ҳарорат 37-40<sup>0</sup>, максималли 70-80<sup>0</sup>, оптимали 55-65<sup>0</sup>С бўлган микроорганизмлар (сувўтлар).

**Стенохория** – ўсимликларнинг чекланган ҳудудда тарқалиши.

**Стереид** – мустаҳкамлик берувчи тўқиманинг хужайраси.

**Стерил** – 1. Микроорганизмлари бўлмаган 2. Уруғлантиришга қобилияти йўқ.

**Стерил мицеллий** – ривожланишида ҳеч қандай споралар ҳосил қилмайдиган мицеллий.

**Стерил организм** - ҳаётчан гаметалар ҳосил қила олмайдиган пуштсиз организм.

**Стигма** – хивчинлари мавжуд сувўтларининг хужайраларидаги ёруғликни сезувчи қисми.

**Стигматоид тўқима** – цитология ва физиология жиҳатидан уруғчи тумшукчаси тўқимасига анча ўхшаш, чанг найини уруғчи бўйинчаси бўйлаб ўтишига хизмат қиладиган тўқима.

**Стигмарий** – 1. Плаунлардаги ер ости поясида туклари бўлмаган узунлиги 50 см ли бўлган илдиз 2. Қазилма плаунларнинг дихотомик шохланган йўғон ер ости қисми.

**Стилодий** – гулли ўсимликларнинг уруғчисини тугунча ва оғизчасининг бир қисми.

**Стилоид** – вакуоладаги кальций оксалат тузининг жуда чўзиқ призма шаклидаги алоҳида жойлашган кристаллари.

**Стихидия** – қ. трихобласт.

**Столон** – учида куртак, пиёзбош ёки туганак ҳосил қиладиган тез ўсувчи ер ости поя.

**Стоматография** – баргдаги эпидермада жойлашган устицаларнинг тузилишини ўрганиш усули.

**Стомиум** – гулдаги чангдондан чанг доналари тўкиладиган тирқиш.

**Стратификация** – уруғнинг унишини турли омиллар таъсирида тезлашиши.

**Стробил** – плаунлар, қирқбўғимлар, очик уруғлиларнинг кўпайиши учун хизмат қиладиган қисми.

**Стробила** – нинабаргли ўсимликлардаги марказий қисм ва унда бирғбирларига жипс жойлашган спорофиллардан иборат гул шаклидаги калта новда.

**Стробиляр назария** – гулни метаморфозга учраган ва ғуддага ўхшаш оддий новда деб ҳисоблайдиган назария.

**Строма** – 1. Халтачали замбуруғларнинг (*Ascomycetes*) кўпчилигида меватана ҳосил қилувчи мицеллий чигалидан иборат тана 2. Пластидлардаги асосий қисм.

**Структали генлар** — полипептидларни синтезловчи генлар.

**Субметасентрик хромосомалар** - узун-калта елкали хромосомалар, центромера калта елкага яқин ётади.

**Сувгулдошлар** (*Hydrocharitaceae*) - кўпчилик турлари сув устида ёки сув остида оқиб юрувчи бир паллали ўсимликлар оиласи. Айрим турлари аквариумларда ҳам ўстирилади. Элодея, сувгул, валлиснерия каби туркумлар шу оиланинг вакиллари.

**Сувдон паренхима** - ичи сув билан тўлувчи паренхима. Масалан, оқ (торф) йўсинларнинг поя ва баргларидаги сув билан тўлган паренхима хужайралари.

**Сув йиғар** (*Aquilegia*) - айиқтовондошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Гуллари узун пихли, кўк, бинафша, баъзан эса қизил ёки оч қизил. Меваси - тўпбарг.

**Сувзамчи** (*Polygonum hydropiper*) - торондошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик. Бўйи 30-60 см узунликдаги тўғри пояга ва шу поянинг тубидан бошигача ўсиб чиққан барг ва шохчаларга эга. Гуллари оқиш-яшил ёки қизил, узун ва тор тўпгуллардан иборат. Меваси уч қиррали ёнғоқча.

**Сув заррачалари** - тупроқ заррачалари ора-лиғидан ингичка «найчалар» ҳосил қилиб оқувчи сув заррачалари.

**Сувчинамолар** (*Helobiae*) - ботқоқ, соз ва сувларда ўсувчи етти оилани ўз ичига олган ўсимликлар қабиласи: алисмалар (*Alismataceae*), сувпиёздошлар (*Butomaceae*), сувгулдошлар (*Hydrocharitaceae*), юнкагиндошлар (*Juncaginaceae*), шалангдошлар (рдестдошлар) (*Potamogetonaceae*).

**Сув экинлари** - 1. Тажриба учун сувда (лаборатория шароитида) ўстириладиган ўсимликлар. 2. Сув босган жойда экиладиган ўсимликлар (масалан, шоли).

**Сувяпроқ, валлиснерия** (*Vallisneria*) - сувгулдошларга мансуб икки уйли ўт ўсимликлар туркуми. Сув ичида ўсади. Барги ингичка тасмасимон, узунлиги 75 см га етади. Гуллари майда-майда. Чангчи гуллари дастлаб сув остида ривожланади, кейинроқ узилиб сув юзасига чиқади. Урғочн гуллари дастлаб спираль шаклида ўралган гулбандларга эга бўлиб, кейинчалик шу гулбандларнинг чўзилиши туфайли сув юзасига чиқади ва чангланади. Чангланиш тамом бўлгач спиралсимон гулбанд яна ўралиб қискаради ва урғочи гул сув остига чўкиб, у ерда мева тугади.

**Сувўтлар** (*Algae*) - хлорофилли тубан ўсимликлар гуруҳи. Қилчалилар, диатомлар, яшил, кўнғир, қизил ва кўк-яшил сувўтлар каби бир неча типларга бўлинади.

**Сувқовоқ (сувқади), идишқовоқ (идишкади)** (*Lagenaria vulgaris*) - ковоқдошлар (кадидошлар) га мансуб, палаги илашувчи бир йиллик ўсимлик. Барглари юраксимон, думалок, йирик гуллари бир уйли, оқиш ранг. Мевалари оқ ёки кўк, бутилкасимон, ноксимон, цилиндрсимон, баъзан эса шарсимон.

**Сунъий ёмғир** - суғоришнинг механизациялаштирилган усулларида бири. Бунда сув катта босим остида ҳавога сочувчи аппаратлар воситасида сепилади.

**Сунъий система** (*systema artificialis*) - ўсимликларнинг фақат ташқи кўринишига (субъектив хусусиятларига) қараб бир томонлама тузилган система.

**Сунъий урчиш, сунъий кўпайиш** - мевали дарахт, толали, мойли, доривор ва бошқа фойдали ўсимликларни экиб кўпайтириш.

**Супер элита** - маҳсулдорли кўрсаткичлари, нав ва экинбоплик хусусиятлари энг юқори бўлган уруғлик. У элита уруғлари етиштириш жараёнида ташкил этиладиган оилаларни кўпайтириш кўчатзоридан олинади.

**Супрессор (ингибитор) генлар** - гомозигота, гетерозигота ҳолатда аллел бўлмаган генлар фаоллигини "бўғувчи" генлар.

**Сутдумбул** - доннинг пишиб етилишидаги бошланғич фаза. Бунда ўсимлик пояси яшил рангини сақлаб, фақат паст қисмидангина сарғая бошлайди. Шу пайтда поянинг қуйи қисмидаги барглар ҳам қурий бошлайди. Бу даврда дон ҳали кўк тусда ва сутсимон суюқлик ҳолида бўлади.

**Сутдарахт** - тутдошларга мансуб ўсимлик. Бўйи 30 м гача етадиган дарахт.

**Сутлама** (*Euphorbia*) - сутламадошларга мансуб ўсимликлар туркуми; кўп йиллик ёки бир йиллик баъзан дарахт ўсимликлар. Гуллари майда ва бир жинсли бўлиб, элементар тўпгулларга тўпланган. Булар ҳам, ўз навбатида, бирикиб мураккаб (кўп ҳолларда соябонсимон мураккаб) тўпгулларни ташкил қилади. Меваси - кўсакча.

**Сутламадошлар** (*Euphorbiaceae*) - икки уруғ паллалилардан айритождиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Ўт, бута, дарахт ва лиана (тропик печак) шаклида ўсади. 7000 га яқин тури бор. Шулардан кўпчилиги каучукдор (масалан, гевея), доривор ўсимликлардир. Баъзиларининг меваси истеъмол қилинади. Сутсимон ширасида маълум даражада заҳарли моддалар ҳам бор.

**Суттикан** (*Lactuca*) - мураккабгулдошларга мансуб бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари қатор тартибли. Саватча шаклидаги тўпгулларда очиладиган гуллари сариқ ёки бинафша тукли. Меваси - пистача.

**Сциофитлар** – соясевар ўсимликлар ҳисобланиб, қуёш нурини бевосита тушиб туришини ёқтирмайди.

**Сўлиш** - ўсимлик ҳаёти учун зарур моддаларнинг (масалан, сувнинг) етишмаслиги натижасида юз берадиган физиологик жараён.

**Сўрилиш, шимилиш** - сув ва унда эриган минерал моддаларнинг илдиз туклари орқали организмга сўрилиши.

**Сўриш кучи, шимиш кучи** - ўсимликнинг илдиз туклари орқали сув ва бошқа моддаларни сингдириш қуввати.

**Сўрғичлар, гаусторлар** (*лот. haustrium - сўрғич, тортқич*) - 1. Текинхўр ўсимликлардаги бир хужайрали ёки кўп хужайрали организмлар. Булар бошқа ўсимлик (ўзи билан бирга ёки ёндош жойлашган ўсимлик) нинг барча озиқ моддаларни сўриб олади. 2. Айрим ёпиқ уруғли ўсимликларнинг эмбрион хал-



тачаларидаги ўсимталар. Озиқ моддаларининг эмбрионга ўтиши учун хизмат қилади.

**Сўхта** (*Dactylis*) – ғалладошларга мансуб ўсимликларнинг бир туркуми. Зич рўвак тўпгули ва шу рўваклар новдасининг охирида тўпланган 3-5 гулли бошоқлари бор.

## Т

**Табақалашув** – ҳужайралар, тўқима ва ўсимлик қисмларида сифат жиҳатидан янги фарқларни ҳосил бўлиши.

**Табиийёт, табиатшунослик** (*scientia naturalis*) - табиат ҳақидаги фанлар мажмуи.

**Табиий, аслий** (*lat. naturalis*) - бирор нарсанинг аслий кўриниши, табиий ҳолати.

**Табиий система** (*systema naturale*) - ўсимликларни чиқиб келишига қараб (табиий нуқтаи назардан) системалаш (қ. Филогенез).

**Табиий популяция** - табиатдаги мавжуд табиий омиллар таъсири остида шаклланган популяциялар.

**Табиий таннидлар** - табиий ошловчи моддалар

**Табиий танланиш** (*selectio naturale*) - организмларнинг табиий шароитга мослашиб, ўз наслини сақлаб қолиши.

**Табиий урчиш, табиий кўпайиш** (*naturalis - табиий*) - табиий шароитда яшаётган ўсимликларнинг шу шароитнинг ўзида бевосита урчиб кўпайиши.

**Таёқчасимон меватана** – цилиндрсимон, тўғри ёки бироз эгилган *Basidiomycetes* синфи *Clavariaceae* оиласига мансуб замбуруғлардаги меватана.

**Такакиялар** – жигармохлар синфидан юнгерманниялар кенжа синфининг тартиби.

**Такасоқол** (*Dodartia orientalis* L.) – сизиркуйруқдошлар оиласига мансуб, илдизидан кўпаядиган ўт.

**Такомиллашмаган органлар** (*organa imperfectus*) - оддий тузилган органлар.

**Таксанилогия** – қ. таксономия.

**Таксация** – ўсимлик маҳсулотларининг ғамланганлигини ёки ўсимликлар жамоаларининг маҳсулдорлигини аниқлаш.

**Таксодий, ботқоқ кипариси** (*Taxodium*) - таксодиумдошларга мансуб игнабаргли дарахтлар туркуми. Бу туркумга тўққизил-жигар ранг қобикли йирик-йирик дарахтлар киради.

**Таксислар** – бир томонлама таъсирга жавоб сифатида микроорганизмлар, хивчинли зооспоралар, сперматозоидлар, ўсимликни алоҳида қисмларини (поя, илдиз, барг) ҳаракати.

**Таксон** – систематик бирлик (тур, авлод, оила каби).

**Таксономик белги** – бирор таксонни ҳоҳлаган хоссаси, шу билан бошқа таксондан фарқланиши.

**Таксономик категориялар** – бўлим (*phylum*), синф (*classis*), тартиб (*ordo*), оила (*familia*), туркум (*genus*) ва тур (*species*). Тур ичидаги категория (*subspecies*).

**Таксономист** – таксономия масалалари билан шуғулланувчи мутахассис.

**Таксономик бирлик** – систематикадаги ҳоҳлаган классификацион бирлик (масалан, форма, тур, туркум, оила ва шу каби).

**Таксономия** – 1. Ўсимликларни системалаштириш ва классификациясидаги назария. Таксономия систематиканинг ўсимликлар классификациясида метод ива қоидаларини бўлими деб қаралади. 2. Системалаш, классификациялаш тамойиллари ва қоидаларини ишлаб чиқадиган систематика фанининг тармоғи.

**Такрор бўлиниш** – ҳужайрани иккига оддий бўлинишларнинг бирингектин давом этадиган бўлиниши ҳисобланади. Бундай ҳолат ҳужайрани гипертроф ўсиши, меъридан ортиқ озикланганда асосан бир ҳужайрали текинхўрларда ёки бир ҳужайрали эвтрофларда, физик-кимёвий шароитлар ўзгарганда рўй беради.

**Такрорий жуфт патсимон мураккаб барг** - патсимон мураккаб баргнинг ҳар бир шохбандида яна жуфт патсимон баргчалари бўлган барглар.

**Такрорий йўғонлашув** (*secundarius* - *иккинчи қатор*) - тананинг энига ўсиши (йўғонлашиши).

**Такрорий крахмал** (*amylum secundarium*) - илдиз ёки тана тўқималарида йиғилган крахмал.

**Такрорий тўқималар** (*contextum secundarium*) - Камбийдан ҳосил бўлган тўқималар.

**Тактиосенситив** – замбуруғ споралари, гул чангини механик ёки ҳаво оқими таъсирида тарқалиши.

**Так-так** (*Hordeum bulbosum* L.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Таллом** – сувўтлар, замбуруғлар, лишайникларнинг поя, илдиз ва барглари бўлмаган танаси.

**Талломли ўсимликлар** – танаси поя, илдиз ва барглари ҳосил қилмаган қаттана ёки талломдан иборат ўсимликлар (масалан, сувўтлар, замбуруғлар, лишайниклар ва қисман жигармохлар).

**Талломни бўлакларга бўлиниши** – барча гуруҳ сувўтларида гормогония, гонидия, кокк ва плазмококклар ҳосил қилишида, ипсимон талломни алоҳида бўлакларга бўлинишида, талломнинг узилган қисмини тикланишида, ризоидлар ва тармоқлар ҳосил қилишида рўй беради. Кўк-яшил сувўтларда гормогонийларни ҳосил қилиши мисол бўлади, шу туфайли синфни *Hormogoniophyceae* дейилади.

**Таллоспора** – талломда ёки мицеллийда ҳосил бўладиган спора. Таллоспора биттадан ҳосил бўладиган интеркаляр ва гифани учидидаги терминал бўлади.

**Таллофитлар** – Браун-Бланке бўйича гемикриптофитларни ташкил қиладиган жигармохлар, ёпишқоқ ва пластинка кўринишдаги лишайниклар, курукликдаги ўсимликлар ва шунга ўхшашлар.

**Тана, поя** (*rachus*) - ўсимликнинг асосий танаси. Ундан шохлар ўсиб чиқади.

**Танлаб уруғланиш, танлаб оталаниш** – тухум хужайранинг чанглардан бирортасини (биологик жихатдан устун турганини) танлаб уруғланиши, оталаниши.

**Танлаш** - айрим генотипларнинг сақланиб кўпайиши ва бошқаларининг эса елиминацияланиши. Танлаш жадаллиги критерияси танлаш коэффиценти (С) айрим генотипларнинг бошқа генотипларга нисбатан мосланувчанлигини ифодалайди.

**Танга япроқ, ғозяпроқ** (*Alchemilla*) - раънодошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари панжа бўлмалли, гуллари майда, рангсиз-кўкимтир.

**Тангабарг** (*Rindera echinata* Rgl.) – говзобондошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Тангачўп** (*Isopyrum anemonoides* K. et K.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, тоғ, яйловда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Тангачали таллом** – қуйқасимон ва япроқсимон тузилишли лишайниклар орасидаги оралик форма.

**Таннидли ўсимликлар, ошловчи моддали ўсимликлар** - таркибида ошловчи шира ёки тоза таннидли ошловчи моддалар бўлган ўсимликлар.

**Тапетум** – ёпиқ уруғли ўсимликларнинг чангдон деворини ички қавати. Кўп қаватли тапетум *Costus* туркумининг ўсимликларида бўлади. Тапетумнинг хужайраларини протоплазмаси қуюқ бўлади.

**Таподимлар** – муайян географик майдонни эгаллаган ўсимликлар (индивидлар гуруҳи).

**Тарвуз** (*Citrullus*) - қовоқдошларга мансуб бир йиллик, баъзан кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Пояси ўрмалаб ўсади, барглари 3-5 бўлакчали ёки ўймачали, гуллари бешта туташ тожбаргли якка ҳолда ўсувчи йирик шона. Кўп уруғли, этли ва анча йирик (1-2 кг дан то 20-25 кг гача оғирликда) ҳосил тугади.

**Тарихий омил** - ўсимликларнинг тарихий тараққиётида (филогенезида) роль ўйнаган омиллар.

**Тармоқ трахеид** (*tracheida radiatus*) - тана тўқимасидаги тиғлар (чизиқлар) нинг трахеидлардан иборат бир қисми.

**Тармағ** (*Polygonum paronychioides* С.А.М.) – торондошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Тарновсимон, новсимон** (*canaliculatus*) - баъзи ўсимликларнинг поя, барг ва меваларидаги чуқурроқ, чизиқлар.

**Тарновчўп** (*Equisetum ramnosissimum* Desf.) – қирқбўғимдошлар оиласига мансуб, адир, тоғ, суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Тароқбош** (*Bromus danthoniae* Trun.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Тартиб** – қариндошлик жихатидан ўзаро яқин боғланган оилаларнинг йиғмаси, битта оилани номига –ales кўшилиб ҳосил бўлади.

**Тарқалиш изоляцияси (масофавий изоляция)** - механик ва биологик ифлосланишнинг олдини олиш учун экин тури ва нав пайкаллари орасидаги масофа (чегара).

**Тарқоқ найли ёғочлик** – йиллик халқа доирасидаги найлар зичлиги ва диаметри жиҳатидан фарқ қилмайдиган ёғочлик.

**Тасби** (*Leontice evermannii* Vge.) – зиркдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган крахмалли, кўп йиллик ўт.

**Тасодифий турлар** – мазкур ассоциацияга тасодифан тушиб қолган, унга бегона бўлган турлар.

**Тасма дарахт** – Янги Зеландия, Австралияда ўсадиган, бўйи 4-7 м, шохлари тасмасимон, осилиб турадиган, гули гилосникига ўхшаш дарахт.

**Тасмачўп** (*Delphinium camptocarpa* F. et M.) – айиктовондошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган доривор бир йиллик ўт.

**Татун, қатран** (*Crambe*) - крестгулдошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми.

**Татун** (*Crambe*) - қ. Қатран.

**Татир** (*Salsola gemascens* Pall.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Таусағиз** (*Scorzonera uzbekistanica* Czevr. et Vand.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган каучукли кўп йиллик ўт.

**Тафлон** (*Laurocerasus*) - раънодошларга мансуб доим яшил дарахт ёки буталар туркуми. Барглари дағал, қайишсимон ва тухумсимон; гуллари майда, оқ, узун шингилли. Меваси ширадор.

**Тахигенез** – индивидуал ривожланиш даврида филогенезнинг тезлашуви.

**Тахтасимон илдиз** – нам тропикларда дарахтнинг пастки қисмидан чиқадиган, узунлиги 1-3 метргача борадиган илдизлар.

**Тахтасимон илдизлар** - серёғин тропик ўрмонларда ўсувчи баъзи дарахтларнинг қиррали ясси илдизлари.

**Ташқи парда, ташқи пўст** (*tunica exterus*) - орган қисмларини ўраб турувчи ташқи парда, пўст.

**Ташқи перистом** – кўш қаторли перистомни ташқи қатори.

**Ташқи флоэма** – бирламчи ксилемадан ташқарида жойлашадиган бирламчи флоэма: тармоқланган ва тармоқланмаган бўлиши мумкин.

**Таянч илдиз** – тупроқдан юқорида поядан чиқиб ўсимликни мустаҳкамлашишига ёрдам берадиган илдизлар. Бир паллали ўсимликларда кўп учрайди (масалан, маккажўхорида).

**Таянч тўқима** – хужайра пўсти маълум даражада қалинлашган колленхима ёки склеренхимали тўқима; ўсимликка барқарорлик берувчи тўқима.

**Тезлашган бўлиниш** – кўк-яшил сувўтлардан *Oscillatoriaceae* оиласига мансуб вакилларида янги кўндаланг тўсиқни илгаригиси тўла тугамасдан ҳосил бўлиши билан содир бўладиган бўлиниш.

**Тейход** – эпидерма хужайраларининг ташқи пўстидаги фибриляр қисмлар шу пўстнинг бошқа жойдагиларига нисбатан сийрак жойлашган жой.

**Тека** – 1. Таркиби турлича бўлган пўст: диатом сувўтларида, мохларнинг кўсагида 2. Чангдоннинг алоҳидаси 3. Қуруқ, терисимон, ёғочсимон қопқоғи бўлган мева (масалан, *Myrtaceae* оиласининг айрим турларида).

**Текинхўр ўсимликлар** – асосан ўсимликлардан, баъзан ҳайвонлардан озикланиб ўсадиган ўсимликлар.

**Телиобосқич** – замбуруғларини споралар ҳосил қилишдаги, асосан кузги даври. Бу даврда ривожланишнинг асосий рим рақами III билан белгиланадиган споралари ҳосил бўлади.

**Телиоспора** – занг замбуруғларнинг ривожланишидаги охирги спора, ҳужайра пўсти қалин бўлиб, ундан эпигазидий ва гипобазидий ҳосил бўлади.

**Телом** – қадимги псилофитларнинг бирламчи ерусти қисми. Ташқи кўринишига кўра шохланмаган цилиндр ҳолида бўлган.

**Телом назария** – таломдан эволюция жараёнида турлича типдаги япроқлар, спорофиллар шаклланган деб ҳисобланадиган назария.

**Теломер** - хромосома елкасининг охирги қисми, у узилганда «ёпишувчи охирги қисм» ҳосил бўлади.

**Телоталлюс** – лишайник талломини ривожланишидаги охирги, репродуктив органлар ҳосил қиладиган босқичи.

**Телофаза** - митоз ва мейоз бўлинишнинг охирги босқичи.

**Телоцентрик хромосома** — центромера охирида бўлган хромосома.

**Темир дарахтлар** – асосан тропикларда ўсадиган, ёғочлиги қаттиқ ва катта нисбий оғирликка эга бўлган дарахтлар. Бизда темир дарахт деб темирёғоч ва каркасга айтилади, уларни тош дарахтлар ҳам дейилади.

**Темирдарахт** (*Argania sideroxylon*; *Parrotia persica*) - қаттиқ ва оғир дарахтларнинг бир неча турига ҳамда уларнинг ёғочларига қўйилган умумий ном. Бундай дарахтларнинг кўпчилиги тропик ва субтропик мамлакатларда ўсади.

**Темиртикан** (*Tribulus terrestris* L.) – туятовондошлар оиласига мансуб, адир воҳаларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Тенакс** (*Phormium tenax*) - лолодошларга мансуб кўп йиллик ўт толали ўсимлик. Илдизпояси йўғон, пояси қисқа. Бир тўда қиличсимон узун барглари тўп бўлиб ўсиб чиқади, барглари тўдасининг ўртасидан сариқ гулли поя чиқади. Меваси - уч бурчакли кўсакча. Барг томирларида толалар бор. Ундан турли арқонлар (масалан, қайиқ елканлари учун) ва бошқа шу каби нарсалар тайёрланади.

**Тенгсиз қилчали сувўтлар** (*Heterocontae ёки Xantophyceae*) - тубан ўсимликларга мансуб сувўтларнинг бир типиди.

**Тенгспоралик, изоспория** - бир-бирига тенг ва бир хил бўлган споралар. Бунинг акси гетероспория (қ.) дидир.

**Тенгспоралилар, изоспоралилар** - споралари бир хил ва тенг ўсимликлар. Одатда тенг споралардан униб чиққан гаметофитларда ҳам антерид, ҳам архегонлар ҳосил бўлади.

**Тенуинуцеллят нуцеллус** – яхши ривожланмаган уруғмуртак.

**Тенуинуцеллят уруғмуртак** – уруғмуртаги унча кўп бўлмаган ҳужайралардан иборат уруғмуртак.

**Тепагулли** - гуллари тананинг учки қисмида жойлашган ўсимликлар.

**Тепал** – гулкўрғоннинг косабарг ва тожбаргга ҳали табақалашмагани.

**Тератология** – ўсимликни ташқи ва ички тузилишида ирсий ёки ирсий бўлмаган беўхшовликларни ўрганадиган фан тармоғи.

**Терескен** (*Eurotia everesmanniana* Stschegl.) – шўрадошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган ем-хашак бута.

**Тери, юпка парда** (*epidermis*) - мева, тана, барг устидаги юпка, бир қават хужайралардан тузилган тери.

**Тери хужайралар, ўрама хужайралар** (*cellula tegens*) - орган ва организмларнинг устини ўраб турадиган теридан иборат хужайралар.

**Терминал гетероциста** – сувўт талломини учидаги спора.

**Терминал жойланиш** – қадимги папоротникларда спорангийни дихотомик тармоқланган баргнинг учида жойлашгани.

**Терминал спора** – гифа ёки фиалиданинг учки қисмидаги ўсишни тўхта-тадиган спора.

**Терминал фиалоспора** – *Denteromycetes* синфига мансуб замбуруғлар мицеллийсини гифалари ёки конидиябандларида гифа ёки конидиябанднинг учидаги ўсишини тўхтатадиган спора.

**Терминал хужайра** – ёпиқ уруғли ўсимликлардаги зиготани биринчи марта бўлинганидан кейинги иккита хужайрадан пастдагиси.

**Терминал ёғочлик паренхима** – ёғочликдаги йиллик халқанинг охирида, ёз охири кузда ҳосил бўладиган ёғочлик паренхимаси. *Magnolia*, *Salix* ва бошқа туркумларнинг ёғочлигида учрайди.

**Терминатор** – 1. Оксил биосинтезини тугалланганлигини билдирувчи триплед. 2. Транскрипсия охирида келиб уни тўхтатадиган нонсенс кодонлар.

**Терминоген организмлар** – ўзидан иссиқлик ажратиб, атроф-муҳит ҳароратини 60-65<sup>0</sup>С гача кўтарадиган организмлар. Айрим бактериялар, замбуруғлари гўнгни, нам уруғларни қиздиради.

**Термо ...** – 1. Иссиқликка оидни 2. Иссиқлик, юқори ҳарорат 3. Иссиқликдан фойдаланиш кабиларни билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Термодинез** – ҳароратни ортиши натижасида протоплазманинг ҳаракати.

**Термоклеистогамия** – ноқулай ҳарорат туфайли очилмай қолган ўсимлик гулидаги ўзидан чангланиш.

**Термоморфизимлар** – ҳарорат омили таъсирида рўй берадиган морфологик ўзгаришлар.

**Термонастиялар** – атроф-муҳит ҳароратининг ўзгариши туфайли ўсимликнинг ўзи ёки унинг бирор қисмидаги ҳаракатлар.

**Термотолерантлик** – микроорганизмлар ва бошқа организмларни юқори (50-60<sup>0</sup>С) ҳароратга чидаш хусусияти.

**Термотропизм** – ўсимликларнинг ҳарорат манбаи томон ҳаракати.

**Термотропизм** – иссиқ ҳарорат таъсирига ўсимликнинг жавоб реакцияси сифатида илдиз, пояннинг ҳаракати.

**Термофил сувўтлар** – қайноқ булоқлар, гейзерлар, вулқондан ҳосил бўлган кўллар кабиларда ўсадиган сувўтлар. Улар 35-52<sup>0</sup>Сдан 84<sup>0</sup>С ва ундан юқори ҳароратли сувларда учрайди.

**Термофил ўсимликлар** – юқори ҳароратли шароитларда, қайноқ булоклар, кучли қиздириладиган тупроқ юзаси каби шароитлардаги ўсимликлар (масалан, айрим кўк-яшил сувўтлар, бактериялар, замбуруғлар).

**Терофит** – 1. Қишлоғчи куртак ҳосил қилиш хусусиятини йўқотган, уруғ ёрдамида кўпаядиган бир йиллик ўт 2. Йилнинг ноқулай шароити қиш, қурғоқчиликни уруғлар ҳолида ўтказадиган ўсимликлар.

**Терофитлар** – бир йиллик сувўтлар, замбуруғлар, мохлар ва жигармохлар, папоротниксимонлар (масалан, *Selaginella*), бир йиллик гулликлар: ербағрилаб ўсувчилар, илашувчилар, тик ўсувчилар, буталар.

**Терректорлар** – фитоценозда тупроқ юзасида жойлашиб, доминантлик қилувчи ўсимликлар.

**Тескари транскрипсия** - иРНК молекуласидан ревертаза (тескари транскриптаза) ферменти ёрдамида ДНК синтезланиши. Ретровирусларда учрайди. Ген инженериясида, генларни синтезлашда фойдаланилади.

**Тескари уруғмуртак** – уруғмуртакни ривожланишида одатда тўнтарилиб, узун банд билан пастга осилиб, нуцеллусни тўғри ҳолатда қолиши.

**Теста** – уруғнинг пўсти, уруғнинг ташқи қобиғи.

**Тетракотилия** – айрим ўсимликларнинг муртагида тўртта уруғпаллани бўлиши (масалан, *Sterculariaceae*, *Degeneriaceae* оилаларининг ўсимликларида).

**Тетракотилия** – магнолиописидларнинг айримларида тўртта уруғпаллани бўлиши.

**Тетраплоид** - ҳужайралари тўртта геномдан иборат организм.

**Тетрарх илдиз** – бирламчи ксилемадаги нурсимон боғламлар тўртта йўналиш бўйича жойлашган илдиз.

**Тетраспора** – такомиллашган қизил сувўтларда битта ҳужайрада тўрттадан ҳосил бўлган спора.

**Тетраспорофит** – тетраспора ҳосил қиладиган сувўт (қизил сувўтларда).

**Тетрафислар** – мохлар бўлими, бриописидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Тетрациклик гул** – гулўрнидаги қисмлари тўртта доирада жойлашган гул.

**Тетрациклик гуллар** – тўрт доирали гуллар, яъни гул қисмлари тўртта доирада жойлашган гуллар (масалан, *Solanaceae*, *Lamiaceae* оилаларининг ўсимликларида).

**Тетрацит устица** – тўртта қўшимча-ёрдамчи ҳужайраларидан иккитаси ёнида, иккитаси юқори ва пастда жойлашган гулли ўсимликларнинг лилиописидлар синфи авлодларида учрайдиган устица.

**Тетраэдрик спора** – папоротникларнинг радиал, симметрик, маълум даражада шарсимон тузилишли тетраэдрик шаклидаги спора.

**Техника экинлари** – экинларнинг айрим қисмлари саноатнинг турли соҳаларида хом ашё сифатида ишлатиладиган экинлар.

**Тигмоморфозлар** – турли предметлар билан ўзаро таъсирланганда баргларидаги ўзгаришлар.

**Тигмонастия** – бевосита таъсирга ўсимлик қисмларини ҳаракат билан жавоби, чирмашиб ўсувчи ўсимликларда яхши намоён бўлади.

**Тигмотропизм** – 1. Ўсимликнинг аъзоларини бир томонли таъсирга эгилиши. 2. Бевосита таъсир-тегишга нисбатан ўсимликлар эгилиш ҳаракатларини содир бўлиши.

**Тизма** - ўзидан чангланувчи битта ўсимликнинг авлоди.

**Тизмагул** (*Lychnis chalcidonica*) - чиннигулдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Гуллари оқ-қизил тусли. Хушманзара ўсимлик сифатида экиш ҳам мумкин. Илдизидан сапонин моддаси олинади.

**Тика дарахт** (*Tectona grandis* L.) – жануби-шарқий Осиё, Ҳиндистон, Индонезия, Бирма, Малакка ярим оролида бўйи 40 метргача етадиган, диаметри 2 метрли, барглари 30-40 см келадиган дарахт. Ҳиндистон, Ява оролларида катта майдонларда ўрмонлар ҳосил қилади. Кемасозлик, вагон тайёрлашда фойдаланилади.

**Тиканлар** (*spina acantha*) - ўсимликларнинг ҳайвонлардан химоя қилувчи органлари. Уларга шакли ўзгарган барглари (зиркда), ёнбаргчалар (оқ акацияда), новдачалар (дўланада) ва бошқалар киради.

**Тикан баргли** (*acanthophyllus*) - барглари тикансимон ўсимликлар.

**Тикандарахт** (*Gelditschia triacanthos* L.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали дарахт.

**Тикансимон тишли барг** - қирралари ўткир тишсимон барг.

**Тикланувчи куртаклар** – маълум муддат тиним даврида бўлганидан кейин янги новдалар ҳосил қиладиган куртаклар.

**Тила** – тирик ҳужайрани кичик тешик орқали сосуд ичига кириб тўлдириб қўйгани, бу билан у ердан моддаларнинг ўтиши вақтинча тўхтайд.

**Тилла** (*Cyperus longus* L.) – хиллодошлар оиласига мансуб, воҳа, суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Тилла** – ўтказувчи тўқиманинг ҳужайраларини ичида ҳосил бўлган ўсма-симон тўсиқлар.

**Тилландсия** (*Tillandsia usneoides*) - бромелиядошларга мансуб эпифит ва гулли ўсимлик. Ўйсинсимон бу ўсимлик, асосан, америкада учрайди. Илдизсиз, узунлиги 3 м га етадиган ипсимон поясидан жуда кўп новдачалар ва ингичка барглари ўсади.

**Тилларанг сувўтлар** (*Chrysophyta*) – бир ҳужайрали, колонияли ёки кўп ҳужайрали сариқ яшил, қўнғир яшил, қисман яшил сариқ, рангсизлари ҳам бўлган сувўтлар бўлими.

**Тилла ранг қорақат, қорағат, қорақат** (*Ribes aureum*) - И. В. Мичурин етиштирган йирик мевали гибрид бута. Бўйи 3 м га етади. Совуққа, қурғоқчиликка ва шўрхокка анча чидамли. Ўз тўнкасидан ўсиб чиққан новдалар, бачкилар ва кўчатлар билан кўпайтирилади. Уруғидан ҳам кўпайтириш мумкин. Кўпинча далаларда ихота ўрмонлар юзага келтириш мақсадида экилади. Меваси истеъмол қилинади.

**Тиловўт** (*Rosularia subspicata* (Freyn. et Boriss.)) – семизбаргдошлар оиласига мансуб, тоғ, яйловда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Тилоптеридлар** (*Tilopteridales*) – талломи бута, бир қаторли ипсимон шохчали ёки пасти кўп қаторли бўлса, новда бўғимли кўринадиган денгизларда тарқалган сувўтлар (*Phaeophyta, Phaeozoosporophyceae*) тартиби.



**Тилоғоч** (*Larix sibirica* Lbd.) - қарағайдошлардан игнабаргли йирик дарахтлар туркуми. Игнабарги қишда тўкилувчи, анча юмшоқ бўлиб, ўсувчи новдаларда биттадан, қисқа новдачаларда эса тўда-тўда бўлиб жойлашади. Гуллари икки жинсли шамол воситасида чангланади, баҳор пайтида барглари билан бир вақтда очилади. Меваси (қуббаси) кузда етилади ва шу кузнинг ўзида ёки келаси баҳорда қуриб, уруғлари тўкилади. Уруғлари қанотли, шамол воситасида учиб тарқалади.

**Тилсимон гултож** (*corolla ligularis*) - баъзи ўсимликлар, масалан, қоқилар тожининг тилсимон шаклда бўлиши.

**Тилча** – асосан ғалладошлар ва баъзи бошқа лилиописидларнинг оилаларига мансуб ўсимликлар япроғининг банди билан поя оралиғидаги ўсимта.

**Тилқиёр, зубровка** (*Hierochloe*) - ғалладошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми. Тўпгули - рўвак.

**Тилқияр** (*Hierochloa odorata* (L.) Whlhd.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган, кумарин сақловчи кўп йиллик ўт.

**Тиним даври** – ўсимликларда физиология жараёнларини кескин пасайган даври; уруғ, туганак, пиёзбошларни ўсишдан тўхтаган вақти.

**Тиним куртаклар** – узоқ муддат давомида ривожланиши тўхтаган новда ҳосил қилмайдиган ёнбош куртаклар.

**Тинимдаги спорангий** – ноқулай шароитларда фаол ҳаракатлари ёки ассимиляция жараёнлари пасайган қалин пўстли тузилма.

**Тиргак илдизлар** - бевосита танадан ўсиб, ерга кирувчи қўшимча илдизлар. Булар ўсимликни тутиб туриш учун хизмат қилади.

**Тирик ёғочлик толалар** – склеренхиманинг ҳамма типик белгиларига эга бўлмаган ёғочлик бўшлиғида тирик модда бир неча йил ғамланган ҳолда вақти-вақти билан тўпланиб ва сарфланиб туради.

«**Тирилувчи**» ўсимликлар – тубан ўсимликларга хос ҳолат, қуриб қолганидан кейин намланса, яна ривожлана олиш хусусияти. Кўк-яшил сувўтлардан ностокда яхши намоён бўлади.

**Тиркама илдиз** – лиана ўсимликларда пояни бошқа ўсимлик, тош, деворларга бирикишини таъминлайдиган илдиз.

**Тирноқгул** (*Calendula officinalis* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган доривор бир йиллик ўт.

**Тирноқча** – гултожбаргнинг пастки камбар қисми.

**Тирқиш** – ҳужайранинг иккиламчи пўстидаги узулиш бўлган жой.

**Тисслар** – очик уруғли ўсимликлар бўлими, нинабарглилар синфининг тартиби.

**Тихопланктерлар** – муқим планктерлар орасига тасодифий тушиб қолган организмлар.

**Тиғиз шиллик** – десмидия сувўтларнинг (*Chlorophyta*) айримларида ҳужайрани филоф кўринишида ўраган, уни қуриб қолишидан ҳимояловчи, ноқулай шароитдан сақловчи шиллик қават.

**Тоб ташлаш, қийшайиш** - барча турдаги ёғочларнинг қуриб ёки, аксинча, нам тортиб қийшайиши.

**Товон** – гаметофит тўқимасининг ичига маълум даражада кириб борадиган спорогоннинг пастки қисми.

**Товуққурмак** (*Echinochloa eras galli*) - қурмак (шамак) туркумига мансуб ёввойи ўт. Пояси яқка ёки тудга бўлиб ўсади, сарғиш-ялтироқ уруғлари анча майда.

**Тож, қирра** (*crista, pecten*) - мева, уруғ ва ҳоказо органларда таксономия (қ.) аҳамиятига эга бўлган қирра ўсимта.

**Тож бўғзи** - туташтожли гулларнинг найчаси билан қайтақиси оралиғи. Масалан, кампирчопондошлар оиласидаги ўсимлик гулларининг ости тўташиб найчага айланган, усти эса қайтаки шаклида бўлади. Шу найча билан қайтаки ўртасидаги чегара тож бўғзидир.

**Тожбарг, гулбарг** (*lom. petalum*) - тожни ташкил қилувчи баргча, гулбарг. Оқ, кўк, қизил, сарик, пушти, баъзан қора бўлади. Туташтожли ўсимликларда бу тожбаргларнинг ҳаммаси маълум миқдорда бир-бирига ёпишади.

**Тожбарглари алоҳида ўсимликлар** – гулидаги тожбарглари алоҳида ўзаро қўшилиб ўсмаган ўсимликлар (масалан, *Rosaceae*, *Ranunculaceae* ва бошқа оилалар туркумланининг ўсимликларида).

**Тожсимон гулкўрғон** – гултожга ўхшаб, ранги очик бўлган гулкўрғон.

**Тожсимон мезофилл** – баргдаги мезофилл хужайралари ўтказувчи боғламлар билан ўралган мезофилл, бундай ҳолат айрим ғалладошлар ва бошқа ўсимликларда учрайди.

**Ток, узум.** (*lam. Vitis*) - узумдошларга мансуб лианалар туркуми. Барглари текис ёки уч ва беш бўлакли. Гуллари (ёввойи турларида) бир жинсли ва икки уйли, кўпчилик эрма навларида эса икки жинсли. Баъзиларини фақат урғочи нав ташкил этади. Тўпгули - мураккаб шингил. Меваси тўрт уруғли. Уруғларнинг бир қисми (улар одатда қаттиқ қобикка ўралган бўлади) кўпинча етарли тараққий этмаслиги ҳам мумкин. Айрим эрма навлари ичида уруғсиз турлари (Ўрта Осиёда ўсувчи кишмиш кабилар) ҳам учрайди.

**Токсикологик контроль** – сув ҳавзасида мавжуд токсик моддаларни, оғир металллар, детергентлар, пестицидларни аниқлаш. Кўпинча *Scenedesmus* Meyen, *Ankistrodesmus* Corda, *Chlamydomonas* Her., *Rhizoclonium* Kiitz., *Hydradictyon* Roth. сувўтларидан фойдаланилади.

**Токсик сувўтлар** – ўзидан заҳарли (токсик) моддалар ажратадиган сувўтлар.

**Токчилик, узумчилик** - аҳолини узум, узум шарбати ва майиз билан таъминлаш, вино, коньяк сингари спиртли ичимликлар учун хом ашё етказиб бериш каби мақсадларда тоқзорлар барпо қилиш. Токчилик қишлоқ хўжалигининг бир тармоғи ҳисобланади. Хушманзара ўсимлик сифатида ҳам экилади.

**Тол** (*Saiix daphnoides*) - толдошларга мансуб баъзи ўсимликлардан бир неча турининг умумий номи.

**Тол** (*Salix*) - толдошларга мансуб дарахт ёки буталар туркуми.

**Толалар** (*fibra*) - учи ингичка ва чўзиқ хужайралардан иборат ипчалар.

**Толали текстура** – хужайра пўстини ўрта қаватида микрофибриллаларни ўзаро кўндаланг жойланиши.

**Толали ўсимликлар** – поясининг пўстлоғида, баргларида толалар ҳосил бўладиган ўсимликлар гуруҳи.

**Толанинг буралувчанлиги** - етилган толанинг буралиб эгилиш қобилияти. Тола қанчалик буралувчан бўлса, у шунча пишиқ ва сифатли бўлади.

**Толанинг метрик номери** - толанинг ингичкалиги-1 г пахта толасини бирига кўшиб ҳисоблаганда ҳосил бўладиган ва метрлаб белгиланадиган узунлик ўлчови: ўрта толали ғўзаларда толанинг метрик номери 4500-6500 гача; тола қанча ингичка бўлса у шунча узун, метрик номери шунча катта бўлади.

**Толанинг пишиқлиги** - бир дона толанинг узулгучга қанча юк кўтара олиши: яхши етилган тола 4-5 г гача юк кўтара олади.

**Толанинг чиқиши** - чигитли пахтадан олинадиган толанинг чигит вазнига нисбатан фоиз ҳисобидаги миқдори.

**Толасимон трахеида** (*Tracheida fibrosus*) - тола кўринишидаги ингичка най.

**Толасимон склереид** – толали ва склереидли тузилиш оралиғидаги склеренхима ҳужайраси.

**Тол барг, пашмак** (*Chamaenerium angustifolium*) - пашмакдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Бўйи 2 м га етади. Гуллари қип-қизил-пушти ранг. Илдизидан ўсиб чиққан новдаларидан кўпаяди. Баргларида танин, С витамин ва бошқа моддалар бор.

**Толзор** - толлар қалин бўлиб ўсган майдон ёки ер.

**Толдошлар** (*Salicaceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб оила. Унинг *Populus* (терак, тоғтерак), *Salix* (тол) *Chosenia* туркуми бор. Барглари ён-баргчали, кетма-кет жойлашган. Баргакларида ўсадиган гуллари икки паллали ва гулкўрғонсиз. Толларнинг эркак гулларида 2 тадан 5 тагача чангчилар, урғочи гулларида эса битта уруғчи бўлади. Чангчи ва уруғчилар, одатда, қопловчи қипиқчаларнинг қўлтиқларида жойлашади. Меваси кўп уруғли ва бир уйли кўсакчадан иборат.

**Тол попуғи** - замбуруғлар орқали касалланган тол новдаларида ҳосил бўладиган попуқлар.

**Толерантлик** – 1. Тирик организмларни ташқи муҳитнинг омилларига – юқори ҳароратга (термотолерантлик), тузлар концентрациясининг ортиқлигига (галотолерантлик), углеводларга (осмотолерантлик) чидамлиги. 2. Экология омилларининг ўсимликларга таъсирининг катта-кичиклиги, муддати.

**Толерант турлар** – мазкур экотоп ёки биотопнинг шароитларига муқим мослашган ўсимликлар.

**Толлар** (*Salicales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Dillenidae* кенжа синфининг тартиби.

**Томир** (*vena, nervus*) - ўсимликинги баргида бўртиб турувчи ўтказувчи тўқималардан иборат томирлар.

**Томирдори** (*Polygonum amphibium* L.) – торондошлар оиласига мансуб, дарё, кўл қирғоқларида ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Томирланиш** – япроқдаги унга мустаҳкамлик ва моддаларни ўтказиш вазифасини бажарадиган ўтказувчи боғламлар.

**Томирланиш, нервация** (*nervatio, nervus - томир*) - барг япроғидаги (пластинкаларидаги) томирларнинг жойлашиш характери; баргдан пояга қараб йўналган ўтказувчи найчалар тўдаси. Нервациянинг асосий функцияси пастдаги минерал моддаларни хужайраларга ўтказиш ва баргда фотосинтез натижасида ҳосил бўлган органик моддаларни пастга ўтказиш ва барг япроғи учун скелетлик вазифасини ўташдан иборатдир. У барг юзасининг куёш нурига муносабатини ҳам тартибга солиб туради. Ўсимликнинг пастки ярусдаги сояроқда жойлашган баргларида нисбатан устки серёруғ ярусидан жойлашган баргларида нервация кўпроқ ривожланади. Барг япроғида нервация параллел томирли (масалан, ғалла, барди кабиларда), ёй томирли (масалан, лола, ландиш, бўзчи-бўзчида), панжа томирли (масалан, зарангда), патсимон томирли (кўпчилик икки паллали ўсимликларда) бўлади. Патсимон томирланишда жуда кўп майда томирчалар тарқалган бўлса, у тўр томирли томирланиш деб аталади. Барглари-нинг томирланиши ўсимликлар систематикасида эътиборга олинган доимий белгидир.

**Томчи шира** - ўсимлик шираси билан озиқланувчи қурт ёки бошқа турли ҳашаротларнинг ҳаёт фаолияти натижасида япроқлар юзасида ҳосил бўлувчи ширин суюқлик.

**Тонопласт** – хужайрадаги вакуолани ўраб турадиган цитоплазматик бир қаватли мембрана.

**Топинамбур** (*Heliantus ruberosus* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, манзарали кўп йиллик ўт.

**Топографик анатомия** – хужайра пўстининг тузилишини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Топологик классификация** – рельеф хусусиятларини ҳисобга олган ўсимликларни классификациялаш.

**Тор** – гул ўрнининг ёпқичи ва гинецейи орасидаги кенгайган қисм.

**Тороид** – хужайранинг чала халқасимон шакли.

**Торонлар** (*Polygonales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Caryophyllidae* кенжа синфининг тартиби.

**Торондошлар** (*Polygonaceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Дарахт, бута ва кўпчилик ҳолларда ўт шаклида ўсади. Баргларида ўзига хос найчалар бор, қатор тартибли; гуллари оқ, оч қизил ва қизғиш, бир жинсли ёки икки жинсли, тўпгулларга жойлашган.

**Тортувчи илдизлар** – поя асосини ерга тортиб киритадиган илдизлар. Заъфарон ва пиёзларда бўлади.

**Тортишувчи илдизлар** (*radix contractilis*) - баъзи ўсимликларнинг тортишув хусусиятига эга бўлган илдизлари.

**Тортилиш доираси, тортилиш зонаси** - мағизнинг кариокинез бўлиниши жараёнида ҳар иккала қутбга қараб тортилаётган хромосомалар орасида юзага келадиган зона.

**Торус** – нинабаргли ўсимликлар поясидаги хошияли тешиқлар.

**Тотипентлик** – ўсимликдан ажратилган хужайра, тўқима ёки унинг бирор қисмини кейинчалик яхлит ўсимликни ҳосил қилиш хусусияти.

**Тошбақатоли** (*Haplophyllum perforatum* (M.B.) K. et K.) – рутадошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, доривор бута.

**Тош дарахт** (*Celtis caucasica* Willd) – бўйи 4-7 м келадиган дарахт ёки бута. Танаси қаттиқлигидан темир дарахт ҳам дейилади.

**Тошёрарлар** (*Saxifragales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Rosidae* кенжа синфининг тартиби.

**Тошқакра** (*Centaurea squarrosa* Willd.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадига кўп йиллик ўт.

**Тошқотиш** – сувўт хужайрасидаги органик бирикмаларни астафсекин кальций кристалларига айланиши.

**Тоғрайхон** (*Origanum majorana*) - лабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўсимлик. Барглари кўп сонли безчали, гуллари майда, оқ ёки қизғиш. Тўпгули қисқа бошоқсимон. Уруғлари хушбўй.

**Тоғтурбид** (*Dictamnus angustifolia* G.Don) – рутадошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Тоғқиёқ** (*Elymus multicaulis* K. et K.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ем-хашак ўт.

**Трабекула** – 1. Агарикали замбуруғлардаги пластинка ҳосил қиладигани 2. Айрим ўсимликларнинг трахеидларида учрайдиган чала тўсиқ ва хужайра пўстининг ўсимтаси (масалан, *Abies* туркумининг ўсимликларида).

**Травматик регенерация** – ўсимликдаги жароҳатни битириш, каллус ҳосил қилиб органогенезни таъминлаш, соматик эмбриогенез ва каллус ҳосил қилмай танасини тиклаш билан амалга ошиши.

**Травмотаксис** – хужайранинг ядроси ва бошқаларини уларни жароҳатланишига жавобан ҳаракати. *Allium* туркуми ўсимликларининг парда эпидермисида, *Tradescantia* туркумининг баргларида кузатилади.

**Травмотропизм** – ўсаётган ўсимликни жароҳат етказилган жойга нисбатан жавоб реакцияси.

**Транзиция** — бир пуринни иккинчи пурин, бир пиримидинни иккинчи пиримидин билан алмашилиши билан боғлиқ ген мутацияси.

**Транс ...** – 1. Бирор фазо орқали ҳаракат қилиш 2. Бирор нарса кетидан жойлашиш 3. Муайян восита орқали ифодалаш ёки белгилаш маъноларини билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Трансверсал текислик** – гулда ўрта текисликка тўғри бурчак остида жойлашган ва яна новда ўқи орқали ўтадиган текислик.

**Трансверсиал тропизм** – таъсирлагични йўналишига нисбатан 90<sup>0</sup>С бурчак ҳосил қилиб эгилишлар тропизми.

**Трансген ўсимлик** - ёт генни ўсимлик хужайрасига киритиб ундан сунъий шароитда олинган янги хусусиятли ўсимлик.

**Трансгенез** – фитоценозга турларни қўшилиши (инвазия) ёки ундан чиқиши (элизия).

**Трансгенез** – 1. Генетик инженериянинг бир усули, генни вектор (плазмида) ёрдамида бир геномдан иккинчисига кўчириш. 2. Қандайдир бирор усул билан олинган генни тажрибада реципиент хужайрасига киритиш, пайванд қилиш. Масалан, бақа генини ичак таёқчаси бактериясига киритиш.

**Трансгрессия** – 1. Полимер генларнинг белгисини ўта ривожланишига (ижобий) ёки ривожланмаслигига (салбий) кўрсатган таъсири. 2. Микдорий белгилари билан бир-биридан кескин фарқланувчи ота - она организмларини частиштириб, олинган дурагай авлодларда микдорий белгилари мустақкам тургун ҳолатда наслдан - наслга бериладиган шакллар ҳосил бўлиш ҳодисаси.

**Трансдукция** – 1. Хромосома қисмларининг битта бактерия хужайрасидан бошқасига фаг иштирокида ўтиб қолиши. 2. Вирус ёрдамида ДНК фрагментининг донор бактериядан реципиент бактерияга кўчирилиши.

**Транскрипция** -1. ДНК-матритсаси асосида РНКни синтезланиши. 2. информациянинг ДНКдан иРНКга кўчирилиши. ДНК матрицадан иРНК синтезланиши.

**Транслокация** – 1. Хромосоманинг узилиб қолган бир қисмининг ўзи ёки гомологик бўлмаган бошқа хромосома билан бирикиши. 2. Хромосома абберрацияларидан бири, генлар жойининг ўзгариши.

**Трансляция** – 1. РНК даги ирсий ахборотни оксил тузилишига ўтказиш. 2. Информациyani иРНКдан полипептидга кўчириш, рибосомада иРНК матрицаси асосида полипептид синтезланиши, нуклеотидлар тилини аминокислоталар тилига «таржима қилиш».

**Трансмиссибл плазмид** — хужайра хромосомалар таркибига рекомбинациялана оладиган плазмидлар.

**Транспирация** – ўсимликлардан сув ажралишини (буғланиши) назорат этиладиган жараён. Транспирацияни ўсимликда асосан барглар бажаради.

**Транспирация жадаллиги** – маълум вақт мобайнида маълум сатҳдаги япроқ юзасидан буғланадиган сувнинг граммлардаги микдори.

**Транспирация коэффициенти** – япроқда 2 г органик модда ҳосил бўлиши учун сарфланадиган граммлар ҳолидаги сув микдори.

**Транспирация маҳсулдорлиги** – 1000 г сув сарфланиши натижасида ҳосил бўлган куруқ ҳолдаги органик модданинг граммлардаги микдори.

**Трансплантация** – ўсимликнинг бир қисмини шундай ўсимликка ўтказиб, уни ўсиб кетишини таъминлаш. Трансплантация илмий ва амалий мақсадларда (боғдорчилик ва гулчиликдаги пайвандлаш) кенг қўлланилади. Трансплантация бўйича (ядро, хлоропластларни кўчириб ўтказиш) муваффақиятли ишлар кўплаб амалга оширилган.

**Транспозонлар** - геномдан ўзини қирқиб геномнинг бошқа жойига кўчиб ўтадиган генлар мажмуаси.

**Транспозиция** - ген (генлар) нинг битта хромосомада жойини ўзгартириши. Агар жойи ўзгарувчи ДНК қисми кичик бўлса - инсерсия, катта бўлса - транспозиция дейилади.

**Трансформация** - бир бактерия ДНК бўлагини иккинчи бактерия геномига функционал фаол ҳолатда кўчиб ўтиши туфайли ундаги белги-хоссасини ўзгариши.

**Трансформация (генетик)** - реципиент хужайранинг ирсий аппаратида донор хужайра ДНК сининг бир қисми қўшилиши натижасида ирсий информация ўзгариши.

**Трапа** (*Trapa*) - пашмакдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Гуллари оқ. Меваси данаксимон бўлиб, икки шохли ёнғоқдир.

**Трахеал элемент** – сув ўтказиш ва мустаҳкамлик бериш элементларига эга бўлган ёғочликдаги тўқима.

**Трахедендронлар** (*Trachodendrales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Hamamelididae* кенжа синфининг тартиби.

**Трахеид** – сув ўтказиш ва таянч берувчи поянинг ўлик прозенхиматик икки учи ингичкаланишган хужайралари.

**Трахеомикоз** – ёғочликни зарарланиши туфайли рўй берадиган касаллик.

**Триарх боғлам** – ксилемасини учта боғлами бўлган илдизнинг бирламчи ксилемаси.

**Триарх илдиз** – бирламчи ксилемасида нурсимон боғламлар уч йўналишда жойлашган илдизлар.

**Триба** – кенжа оила ва туркум оралиғидаги ўсимликлар систематикасидаги таксономик категория.

**Трибонемалар** (*Tribonematales*) – кўп хужайрали, мустақил ёки бирикиб ўсадиган ипсимон, турлича йўғонликдаги ипсимон, псевдопаренхима, паренхима тузилишли, чекланмай ўсадиган сувўтлар (*Xanthophyta*, *Xanthophyceae*) тартиби.

**Трикогилия** – 1. Икки уруғ паллани ўсимликларнинг айримларида учта уруғпаллани бўлиши. 2. Магнолиописидларнинг айрим оилаларидаги ўсимликларда учта уруғпаллани бўлиши.

**Трилет** – папоротникларнинг уч чандикли спораси.

**Тримонойкистлар** – икки жинсли, урғочи ва эркак гулларни битта ўсимликда бўлиши (*Alariaceae*, *Orchidaceae* оилаларининг айрим ўсимликларида).

**Триморф гетеростилия** – бир ўсимликда уруғчи бўйинчасининг узунлиги 3 хил: калта, ўртача, узун бўлган гули бўлиши.

**Триойкистлар** – уч уйли ўсимликлар, яъни икки жинсли, урғочили, эркак гулларни турли экземплярларда бўлиши (масалан, *Saponaria*, *Silene* туркумларининг ўсимликларида).

**Триотация** – халтачали замбуруғлардаги ясси зич меватана.

**Триплоид** - хужайра, организмда хромосома гаплоид тўпламини уч марта кўплиги.

**Триплоидлар** – хужайраларида уч асосий (моноподиал) наборли хромосомалари бўлган индивидлар.

**Триптофит** – хўжайинни зарарлаб, уни ҳолдан тойдирадиган ёки унда ўзгаришлар ҳосил қилиб, уни ҳалок қилмайдиган касаллик кўзгатувчи замбуруғ.

**Триптофитизм** – триптофит ва унинг хўжайини орасидаги муносабат.

**Трисомик** - хужайрада бир хил хромосомани учта бўлиши.

**Трисомия** - геном мутацияси, бунда диплоид тўпландаги битта ёки бир нечта хромосома 2 тадан эмас 3 тадан бўлиб қолади.

**Тристилия** – гулдаги тугунчада уч хилдаги устунча бўладиган ўсимликлар.

**Тритикале** - 56 ва 42 хромосомали буғдой-жавдар амфидиплоидлари.

**Тритомия** – новдани учидан уч йўналишда шохланиши.

**Триурсолар** (*Triuridales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи, *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Трихал тузилиш** – хужайрани вегетатив бўлиниш натижасида ҳосил бўлган ипсимон тузилиш.

**Трихобластлар** – 1. Бир қаторли, тармоқланган ёки тармоқланмаган, рангсиз ёки бироз рангли сперматангийлар ҳосил қиладиган иплар. Трихобластлар қизил сувўтларидан *Ceramiales* тартиби вакилларидаги вақтинчалик ҳосила 2. Ёш илдизнинг юза қисмидаги анатомия ва морфологияси бўйича табақалашган хужайралар, улардан илдиз туклари ҳосил бўлади. 3. Айрим гуруҳ ўсимликларнинг ризодермаларидаги туклар.

**Трихогидрофитлар** – 1. Илдизлари унча чуқур бўлмаган, ер остидаги кўтарилаётган капилляр сувлардан фойдаланадиган ўсимликлар. 2. Тупроқдаги капилляр сувлардан фойдаланиб ўсадиган ўсимликлар.

**Трихогина** – 1. Қизил сувўтларнинг карпоғонидаги спермацийларни тутишга хизмат қиладиган найсимон қисм. 2. Қизил сувўтларнинг урғочилик жинсий аъзоси (карпоғони), халтачали замбуруғларнинг кўпчилиги ва лишайникларнинг архикарпидаги ингичка учки қисми. Трихогина одатда узун, найсимон, кўп ҳолларда тукли бўлиб, унга тушган спермацийларни тутиб қолишга хизмат қилади.

**Трихомлар** – 1. Кўк-яшил сувўтларнинг *Hormogoniophyceae* синфига мансуб вакилларда хужайраларни бир қатор ёки қисман кўп қаторли ҳосиласи 2. Ўсимликларнинг эпидермис хужайраларидаги шакли, тузилиши ва вазифаларига кўра, турлича бўлган ўсимталар. Бир хужайрали (*Urtica*, *Gossypium* ва бошқа туркумларда), кўп хужайрали (*Elaeagnus*, *Verbascum* туркумларида) бўлиши мумкин.

**Трихомалар** – эпидерма тўқимаси ҳосил қиладиган ташқи ўсимталар, улар безли ва қопловчи бўлади.

**Трихоманинг охирги хужайрасини учи** – 11, 12-юмалоқлашган (12-кенг доирасимон), 13-каллаксимон, 14-тўмтоқ, 15-ўткирлашган, 16-кескин сиқилиб ўткирлашган кўринишларда бўлади.

**Трихоманинг охирги хужайраси** – 5-яримшарсимон, 6-деярли шарсимон, 7-дисксимон, 8-каллаксимон, 9-конуссимон (а-чўзиқ конус), 10-цилиндрсимон (а-чўзиқ цилиндр) кўринишларда бўлади.

**Трихоманинг учи** – 1-сиқилмаган, 2-тўғноғичсимон, 3-сиқилган (а-ақта сиқилиб борган, б-кескин сиқилган, в-туксимон), 4-каллаксимон кўринишларда бўлади.

**Трихома ҳосил қилувчи хужайралар** – шар (1), овал (2), калта эллипс (3), калта бочка (4), чўзиқ бочка (5), квадрат-цилиндр (изодиаметрик-6), дисксимон-цилиндр (7), чўзиқ цилиндр (8) кўринишларда бўлади.

**Трихома ҳосил қилувчи трихомлар** – монолиформ (1-3), кўндаланг тўсиқ яқинида чўзилган (4-5), кўндаланг тўсиқ яқинида тўсилмаган (6-8) кўринишларда бўлади.

**Трихосклерида** – хужайраларнинг оралиқларига кириб кетадиган тармоқланган, толасимон склереид.



**Трихофитлар** – тупрокдаги капилляр намлик ҳисобига яшайдиган ўсимликлар.

**Трихофор** – трихогина тутадиган архикарпнинг урғочи шохчасидаги ҳужайра (масалан, халтачали замбуруғлардан *Laboulbeniales* тартибининг вакилларида).

**Трихоцист** – сувўт ҳужайрасидаги пелликулада олти бурчакли, осилмачоқ ҳолидаги танача.

**Триэция** – 1. Икки жинсли, эркаклик ва урғочилик гулларни турли ўсимликларда бўлиши. 2. Учуйлилик, битта ўсимликда урғочи, бошқасида эркак, учинчисида икки жинсли гулларни бўлиши (масалан, *Fraxinus excelsior* L. ўсимлигида).

**Тролл** (*Trollius*) - айиқтовондошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Тропизм** – бирикиб ўсаётган ўсимликларда таъсирловчининг бир томонлама таъсирига жавобан эгилишларни рўй бериши.

**Трофик назария** – унга кўра, апикал куртак у ёки бу ҳолатда ёнбош куртакларга озиқ моддаларнинг келишини тўхтатиб, уларни ривожланишини секинлаштиради.

**Трофофил** – спорангийлари бўлмаган, фақат озиқланиш, газ алмашинуви вазифасини бажарадиган барг.

**Тропофит** – баҳор ва ёзда мезофит, қишда ксерофит хусусиятли ўсимлик.

**Тропофитлар** – ҳар йили мунтазам равишда рўй берадиган намгарчилик ва қурғоқчиликка ўзидаги сув алмашинувини бошқарадиган ўсимликлар.

**Трофоморфалар** – муайян трофотопларга мослашган экоморфалар.

**Трофоморфозлар** – озиқланиш шароити ўзгариши билан баргларда ўзгаришларнинг содир бўлиши.

**Трофотаксис** – озиқ манбаи томон фаол ҳолда ҳарактланиш (масалан, *Mucoromycetes* вакилларида).

**Трофотропизм** – ўсимликларнинг ўсаётган қисмларида ташқи муҳитдаги озиқ моддаларни бир текис тақсимланмаганлигидан эгилишларни ҳосил қилиши.

**Тубиеллалар** (*Tubiellales* Elenk.) – индивидлари колониал, ҳужайралари чўзик, диск ёки юмалоқғлинза кўринишда тузилган битта оиладан иборат (*Cyanophyta*, *Chroococcophyceae*) тартиб.

**Тубан барглар, пастки барглар** - тананинг остки қисмидаги етилмай қолган барглар (масалан, илдизпояларда учрайдиган қипикчасимон барглар).

**Тубан ўсимликлар** (*Tallopiphyta*) - энг оддий ўсимликлар гуруҳи. Тубан ўсимликлар танаси фақат биргина ҳужайрадан ёки поя, барг ва илдизларга ажралмаган талломлардан иборат. Уларга бир қанча таксономитиплар (сувўтлар - *Algae*, бактериялар - *Bacteria*, шиликтоифа - *Mucophyta*, замбуруғлар - *Fungi*, лишайниклар - *Lichenes*) киради. Баъзиларининг ҳужайраларида хлорофилл ҳам бор. Бактерия, миксомицет ва замбуруғларда эса хлорофилл доналари йўқ. Шунинг учун ҳам хлорофилли сувўтлар автотроф организмлар жумласига, бактерия, шиликтоифа ўсимликлар ва замбуруғлар гетеротроф (хлорофиллсиз) ўсимликлар жумласига киради. Булардан биринчиси (автотроф организмлар)

карбонат ангидриддан углеводни ўзлаштиради, иккинчиси эса (гетеротроф организмлар) тайёр органик моддалар билан озиқланади. Тубан ўсимликлар ичида симбиотик организмлар ҳам бор. Буларга мисол қилиб лишайникларни кўрсатиш мумкин.

**Туберидийлар** – *Orchidaceae* оиласининг кўпчилик ўсимликларида ҳосил бўладиган ер усти туганаклар.

**Тугалмас ўтказувчи боғлам** – фақат ксилемадан ёки фақат флоэмадан иборат бўлган ўтказувчи боғлам.

**Туганак** – 1. Ўсимликни вегетатив кўпайиши, қишлаши учун хизмат қиладиган бир ёки бир неча бўғимли, асосан крахмал тўплайдиган шакли ўзгарган пояси 2. Дуккакдошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг илдизларидаги азот тўпловчи бактериялари бўладиган шишма.

**Тугунак бактериялар** (*лот. bacterium radicolica*) - дуккакли ўсимликларнинг илдиз ҳужайраларида таракқий этадиган, атмосферадан азотни ўзлаштириш хусусиятига эга бўлган бактериялар.

**Туганакли геофит** – муҳитнинг ноқулай шароитларига чидай оладиган ва ғамланган озиқ моддалар тўплаган геофит.

**Туганак пиёзбош** – ташки кўринишидан пиёзга ўхшаш, аммо туганакка ўхшаб озиқ моддаларни тўплайдиган, шакли ўзгарган поя.

**Тугмабош** (*Ranunculus sceleratus* L.) – айиқтовондошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган, доривор заҳарли, бир, икки йиллик ўт.

**Тугмагул** (*Malva*) - Пахтагулдошларга мансуб бир йиллик, икки йиллик ёки кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Гуллари йирик ва ёрқин тусли.

**Тугунак илдиз** (*rhizocarpium*) - озиқ-овқат, ем-хашак ва саноатбоп ўсимликларнинг (сабзи, лавлаги, шолғом, редиска, турп ва бошқалар) нинг тугунаклари.

**Тугунаксимон илдиз** (*radix tuberosa*) - тугунак шаклидаги илдизлар.

**Тугунак, туганак** (*Tuber*) - Ўсимлик илдизпоясининг ер остида қалинлашган қисми.

**Тугунакли, туганакли** (*Tuberifer*) - тугунак ҳосил қилувчи ўсимликлар. Картошка, саломалайкум, картошкагул, ерсовун ва бошқалар шундай ўсимликлардандир.

**Тугунаклилар, туганаклилар** - тупроқ орасида тугунаклар тугадиган ўсимликлар. Картошка, лавлаги, топинамбур, батат ва бошқалар шулар жумласидандир.

**Тугунча банди** (*pedicellus*) - тугунчани поя билан туташтириб турувчи бандча.

**Тугунча, уруғдон** (*ovarium*) - уруғчининг пастки кенгайган қисми. Ундан мева, мева ичида эса уруғ етишади. Тугунча бир, икки, уч ва кўп чанокли (кўп хонали) бўлиши мумкин.

**Тугундан пастки гул** – деворлари фақат мевабарглardan ҳосил бўлган, гул ўрнининг учига жойлашган гулнинг бошқа қисмлари уни тагида турган гул.

**Тугун устки гул** – гулкўрғони тугунга қўшилмай қолган гул ўрни учидан чиқадиган гул.

**Тугунча** – гулдаги уруғчининг кенгайган, кейинчалик мевага, уруғга айланадиган қисми.

**Тугунча** - ғўза гулининг уруғлангандан кейин кўсакка айланадиган қисми, 10-15 кунлик кўсакча ҳам тугунча дейилади.

**Тузга чидамли ўсимликлар** – шўрланган тупроқларда ёки шундай сувларда ўса оладиган ўсимликлар.

**Тузли безлар** – галофит ўсимликларнинг барглари ва пояларидаги тузи кўп муҳитда ўсганда ионлар ажратадиган безлар.

**Тузли туклар** – шўрланган тупроқларда ўсадиган ўсимликларнинг баргларидаги банд ва каллақдан иборат туклар.

**Туз ўтказмайдиган галофитлар** – ҳужайраларидаги катта осмотик босим фосинтез туфайли тутиб туриладиган, ҳужайрасига туз кам ўтадиган, шўрланиши оз тупроқларда ўсадиган *Artemisia salina*, *Kochia* туркумига мансуб ўсимликлар.

**Тук** – эпидерма ҳужайраларидан ҳосил бўладиган бир, кўп ҳужайрали турли шаклдаги ўсимталар.

**Тукчалар** (*capillus, pilus*) - кўпчилик ўсимликларда бўладиган турли шаклдаги туклар. Тукчалар ўз тузилишига кўра бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали бўлади. Шакли баъзан тукчага ўхшамаслиги ҳам мумкин. Тукчалар ўсимликни ноқулай шароитдан, ташқи муҳит таъсиридан, ҳароратнинг ўзгариши ва сувнинг ортиқча буғланиши каби ҳодисалардан сақлайди.

**Тукчасимон без** (*ferrugineus - безчали*) - турли учувчан (эфир) моддаларни организмдан ташқарига чиқарувчи тукчалар.

**Тулқиқуйруқ** (*Prangos pabularia* Lindl.) – соябонгулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган эфир мойли кўп йиллик ўт.

**Тулқиқуйруқ, мушукқуйруқ.** (*Alopecurus*) - ғалладошларга мансуб кўп йиллик ёки бир йиллик ўсимликлар туркуми. Рўвак тўпгули ғуж бошоқсимон. Меваси - дон.

**Тумшуксимон** (*Rostratus*) - парранда тумшуғига ўхшаш мева, барг ва бошқа нарсалар.

**Тумшукча** (*rostellum, rostrum*) - меванинг чўзинчоқ учи.

**Тунбош, лепидиум** (*Lepidium*) - крестгулдошларга мансуб ўсимликлар туркуми.

**Тунгул** (*Platanthera bifolia*) - орхисдошларга мансуб ўсимлик. Оқ тусли гуллари (айниқса, тунда) хушбўй бўлади. Тугунаклари медицинада ҳам ишлатилади («салеп»).

**Туника** – 1. Ўсиш конусининг икки уруғ паллали ўсимликларда 5, бир паллалиларда 3 қаватгача меристема ҳужайраларидан иборат қават. 2. Пиёзбошнинг ташқи қоплами. 3. Уруғни пўсти (спородерма). 4. Замбуруғларнинг спораларини ташқи қавати (экзоспора). 5. Базидияли замбуруғлардан *Gasteromycetes* тартиблари гуруҳига мансубларнинг желатинасимон ёпқичли эписпорасини ўровчиси. 6. *Nidulariaceae* оиласи (*Gasteromycetes* тартиби гуруҳлари) айрим замбуруғнинг перидиоласини ўраган юпқа, оқ мембрана. 7. *Carex* туркумига мансуб ўсимликлардаги халтача.

**Туника** – ҳосил қилувчи тўқиманинг ўсиш конусини ёпиб турувчи ташқи бир ёки бир неча қавати.

**Туп** (*arbuscula*) - битта уруғ ёки қаламчадан ўсиб чиққан ва бир жойда ўрнашган ўсимлик тупи.

**Туп, тугун** (*Glomerulus*) - ғуж ёки тўп жойлашган гул, илдиз ва бошқалар.

**Тупроқ сувўтлари** – тупроқ юзаси, ораси, ичидаги сувўтлар.

**Тупроқнинг сув режими** - ердаги сув микдорининг мавсумларга қараб ўзгариб туриши, йиғилиш шароитлари ва сарф қилиниши каби ҳоллар билан характерланувчи сув баланси.

**Тур** (*лат. species*) - ўсимликнинг алоҳида сифатга эга бўлган шаклли. Бу шакллар систематикада тур деб аталувчи таксономик категорияни ташкил қилади. Барча организмлар ўзаро маълум бир турга мансублиги, яъни ўз тузилиши (ташки ва ички), яшаш шароити каби жуда кўп белгилари билан биридан фарқ қидали.

**Тур бойлиги, тур зичлиги** - маълум бир майдонда ўсимлик турларининг нисбатан ортиқ ёки кам тарқалиши.

**Тур ичида чатиштириш, навлараро чатиштириш** (*Hybridatas interspecificus*) - бир турга оид ўсимликларни ўзаро чатиштириш.

**Тургор** – цитоплазманинг босими таъсирида ҳужайра пўстини таранглик ҳолати.

**Тургор** – ўсимлик ҳужайраси, тўқималари ва алоҳида қисмида ҳужайра деворига бўлган босим ҳолати. Тургор туфайли ҳужайра тўқима айниқса, ўт ўсимликларида муайян конструктив мустаҳкамликни баргда, пояда таъминланади.

**Тургор босим** – протоплазмани ҳужайра деворига ичкаридан босими.

**Тургороген моддалар** – ҳужайра ширасида эриган ҳолда бўлган моддалар.

**Турион** – 1. Ўсимликни ер ости қисмидан чиқадиган ниҳол 2. Фақат барг ҳосил қиладиган бир йиллик новда 3. Қишловчи куртак.

**Туркман қизил уруғи** (*Melo ameri*) - амирига яқин қовун навларидан бири. Шакли тухумсимон, оғирлиги 5 кг гача етади. Сирти тилим-тилим тўрланган, сарғиш-яшил, тўқ доғлари ҳам бор. Эти тўқ зарғалдоқ, жуда ширин таркибида 12,2% гача қанд бор.

**Туркум** (*genus*) – қариндошлик жиҳатидан ўзаро боғланган турларнинг йиғмаси (*Salix, Triticum, Rosa* каби).

**Туркумлараро белгилар** (*character intergenericus*) - ўзаро чатиштирилаётган туркумлардан ҳар иккисига хос белгиларнинг шу туркумлар чатиштирилишидан келиб чиққан янги дурагайда мавжуд бўлиши, икки ўсимлик туркумига хос умумий белгиларнинг юзага чиқиши.

**Туркумлараро дурагайлаш** - икки туркум орасида олиб борилган дурагайлаш.

**Турлараро дурагайлаш** - икки тур орасида олиб бориладиган дурагайлаш.

**Турлича йўғонликдаги (гетеротрихал) ип тузилиш** – ипсимонни турли жойларини бирикиш, таянч, ассимиляция, кўпайиш каби вазифаларни бажаришга мосланиш асосида юзага келади. Т.й. ип тузилишда талломнинг кўп қисми субстрат бўйлаб кетган бирикишни бажарадиган ва ассимиляцияловчи

ундан вертикал йўналган, субстратдан кўтарилган, кўпайиш вазифасини бажарадиган ипдан иборат. Айрим сувўтларда вертикал ипда бўғим ораликлари, ён шохчалар бўлади, рангсиз ризоидлари билан бирикади.

**Турнатовон** (*Causinia schistoptera* Juz.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Туташ парда** - Икки ёндош пардача.

**Тухумак** (*Sophora japonica* L.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган маданий доривор бута.

**Туяпайпоқ** (*Convolvulus fruticosus* Pall.) – печакгулдошлар оиласига мансуб, чўл, адир, тоғда ўсадиган чалабута.

**Туячангал** (*Salsola pestifer* A.Nelson.) – шўрадошлар оиласига мансуб, кумли чўлда ўсадиган ем-хашак доривор бута.

**Туяяпроқ** (*Rheum turkestanicum* Jantsch.) – торондошлар оиласига мансуб, кумли чўлда ўсадиган, таннидли кўп йиллик ўт.

**Туяқуйруқ** (*Carduus albidus* M.B.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Туяқорин** (*Heliotropium lasiocarpum* F. et M.) – говзабондошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, доривор бир йиллик ўт.

**Тўда оралик камбий** (*cambium interfascicularis*) - ўтказувчи тўдалар орасида жойлашган камбий.

**Тўда уруғчили (гул)** (*лот. polygynus, multifollicuius*) - бир гулда бир қанча уруғчининг бўлиши.

**Тўда уруғчили, кўп мевачали** (*polycarpus*) - ҳар бир гулда бир неча уруғчибарглardan ташкил топган туташмаган мевали ўсимликлар.

**Тўзғоқлар** (*Typhales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи, *Arecidae* кенжа синфининг тартиби.

**Тўла апомиксис** – мазкур тур ўсимлик фақат апомиксис билан кўпаяди (*Taraxacum* туркумининг ўсимликларида).

**Тўла ҳуқумрон дарахтлар** – ўрмонзордаги баланд ва танаси катта, бошқаларидан шу томонлари билан тўла тарзда ажралиб турадиган дарахтлар.

**Тўлиқ гул** – мазкур гулда унинг барча қисмларининг бўлиши (*Malus* туркумининг ўсимликларида).

**Тўнғизсирт** (*Cobresia pamiralaica* Ivan.) – ҳилолдошлар оиласига мансуб, яйловда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Тўнғизсирт** (*Cobresia*) - бардидошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари тўғри чизикли ёки қалқонсимон.

**Тўнғизтароқ** (*Dipsacus*) - тўнғизтароқдошларга мансуб бир йиллик ёки кўп йиллик ўт ўсимлик. Баланд бўйли (1-2 м), кўриниши катта, барглари қарама-қарши жойлашган, гуллар тўпгулларга йиғилган, майда. Меваси - пистача.

**Тўнғизтароқдошлар** (*Dipsacaceae*) – икки уруғ паллалилар синфига мансуб туташтожли ўсимликлар оиласи.

**Тўнғизўлани** (*Schoenoplectus litoralis* (Schrab)Pall.) – ҳилолдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Тўпгул** – гул чиқарадиган новдаларда (шоҳлар) ҳақиқий вегетатив барглар бўлмасдан, фақат қоплагич барглар билан ён барглари бўлгани.

**Тўпловчи хужайралар, жамғарувчи хужайралар** - Озуқа моддаларни, сув ва бошқа нарсаларни ўзида тўпловчи хужайралар.

**Тўпмева** – анокарп гинецейдан ҳосил бўлиб, вояга етган мевада кўшилиб, мевали барглари кўшилиб ўсмайдиган мева.

**Тўранға** (*Populus diversifolia* Schmenk.) – толдошлар оиласига мансуб, тўқайларда ўсадиган дарахт.

**Тўрсимон томирланиш** – папоротникларнинг япроқларидаги томирланишни самарали даражада сув билан таъминлайдиган хили.

**Тўртинчи тип шоҳлаш** - ғўза ҳосил шоҳининг 15 см дан узун бўғим оралаб шоҳлаш.

**Тўрғайўт** (*Petrosimonia sibirica* (Pall.)Vge.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Тўқай** - Ўрмонсиз худудлардаги дарё ёқаларида жойлашган ҳажми тор ўрмонлар. Ўрта Осиёда тўқай деб ҳам айтилади.

**Тўқимали пикнида** – меристемадан ҳосил бўладиган псевдопаренхима пўстли пикнида.

**Тўққизтепа** (*Trifolium repens* L.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, воҳалар, адир, тоғда ўсадиган ем-хашак, кўп йиллик ўт.

**Тўғри гул** – қ. актиноморф гул.

**Тўғри гименофораль трама** – мицеллий гифаларини параллел жойланишидан иборат трама (*Basidiomycetes* синфига мансуб замбуруғларда).

**Тўғри уруғмуртак** – уруғмуртакни ривожланиш даврида эгилмасдан, нуцеллус бандининг бевосита давоми бўлиб қолиши.

## У

**Убиквистлар** – турли экологик муҳит шароитларига мослаша оладиган ўсимликлар турлари (масалан, *Capsella bursaapastoris* (L.) Medik. тундрадан бошлаб, ўрмон, ўрмочўл, чўл, яъни турли экология иқлимий шароитларда ўсади).

**Убиквист** – атроф-муҳитнинг турли экология шароитларида ўса оладиган ўсимлик.

**Увология** – узумбоши ва ғужумининг тузилиши ҳақидаги ботаниканинг тармоғи.

**Увоқланувчилар** (*Schizophyta*) - бактерия ва кўк-яшил сувўтлардан иборат бир гуруҳ ўсимликларнинг умумий номи.

**Узатма хужайра** – плазмолемма юзасини кенгайтирадиган ўсимтали (ёки чуқурчали) паренхима хужайраси.

**Узилган ареал** – қ. дизъюнктив ареал.

**Узлукли ареал** – қ. дизъюнктив ареал.

**Узоқ шакллари дурагайлаш** - турлари ёки туркумлари бошқа бошқа бўлган ўсимликларни дурагайлаш.

**Узумдошлар** (лот. *Ampelidaceae*) - лиана (тропик печак) лардан ва баъзан буталардан иборат икки паллали ўсимликлар оиласи. Барглари бутун ёки бўлак-бўлак. Илашиб ўсишга ёрдам берувчи гажакчалари ёки мўйловлари бор. Гуллари бир жинсли баъзан икки жинсли, бир ёки икки уйли, майда, актиноморф. Косачаси анча редукцияланган бўлиши ҳам мумкин. Ҳосили, одатда, икки-саккиз уруғли ширадор ёки деярли куруқ мевачадан иборат.

**Узун толали зиғир** (*Linum usitatissimum proles*) - толаси учун ўстириладиган зиғир.

**Уйча** – тилларанг сувўтларнинг хужайралари ҳосил қиладиган шар, тухум, баъзан яримшар, эллипс, колба, ваза, цилиндр каби кўринишлардаги, ўлчами 2 мкм дан (*Chrysococcus punctiformis* Pasch.) 70 мкм гача (*Hyalobryum ramosum* Laut.) бўлган, баъзан шилимшиқ билан ўралган (*Chrysocrinus hydra* Pasch.) ҳосила. Уйчани битта катта ёки 2-11 ва ундан кўпроқ тешиги бор. Уйча товон қисми билан бирикади.

**Уй замбуруғлари, ёғоч замбуруғлари** (*Merulius lacrymans*) - биноларнинг, иншоотларнинг ёғочларини чиритувчи базидиал замбуруғлар.

**Уй ўсимликлари** – уйларда ва жамоат биноаларида манзара ҳосил қилиш учун ўстириладиган ўсимликлар.

**Уйқудаги куртақлар** – ёзилувчи куртақлардан фарқланиб, улар узок муддат давомида, баъзан кўп йиллар ҳатто ўсимликнинг бутун ҳаёти давомида ассимиляцияловчи ёки гули новда ҳосил қилмайдиган, шунга қарамай узок муддат давомида ҳаётийлигини сақлаб қоладиган куртақлар.

**«Уйқудаги» ҳаракатлар** – қ. никтонастик ҳаракатлар.

**Улва** (*Ulva lactuca*) - улвадошларга мансуб денгиз яшил сувўти. Талломи йирик (60-100 см узунликда) баргсимон пластинкадан иборат. Бу пластинканинг четлари бурма-бурма бўлиб, суттиган (салат) ўсимлигининг баргига ўхшайди. Шунинг учун бу ўсимлик денгиз салати ҳам дейилади.

**Ульвалар** (*Ulvineae*) – талломи пуфаксимон ёки найсимон бир қават пўстли ва бўшлиқли ёки япроқсимон кенгайган, икки қаватли, бўшлиқсиз сувўтлар (*Chlorophyta, Chlorophyceae*) кенжа тартиби.

**Улотрикслар** (*Ulothrichineae*) – талломи ип, оддий, бўлакларга осон бўлиниб кетадиган ёки алоҳида хужайрали, қисман кўп қаторли бўлакларга бўлинмайдиган микроскопик ёки макроскопик, бир хужайралилари шилимшиқсиз ёки шилимшиқ билан ўралиб, турлича колония ҳосил қиладиган сувўтлар (*Chlorophyta, Chlorophyceae* кенжа тартиби).

**Ультрагамин** – шўрланганлиги 40% дан кам бўлмаган сув ҳавзалари. Бу гуруҳ сув ҳавзаларидан гипергалинни ҳам ажратиб, ундаги тузлар миқдори энг максимал миқдорда бўлади. Аленкин классификацияси бўйича, уларнинг орасидан гидрокарбонатли, сульфатли ва хлоридли сув ҳавзалари ҳам ажратилади.

**Ультрамикрэлементлар** – ўсимлик тўқимасидаги миқдори миллиондан бир ( $10^{-6}$ ) фоиз ва ундан ҳам кам учрайдиган микроэлементлар. Бундайларга Cs, Se, Cd, Hg, Ag, Au, Ra элементлари мансуб.

**Умброфил** – салқин, қуёш нури бевосита тушмайдиган жойлар ўсимлиги.

**Умумий биологик махсулдорлик** – фитоценоздаги ўсимликларнинг ер устки ва ер остки қисмларининг қуритилганини оғирлиги. Бу анча қийин ишлигидан, одатда ер устки қисми ўрганилади.

**Умумий боғлам** – поя бўйлаб чўзилиб баргларга ҳам ўтган боғлам.

**Умумий ёпқич** – базидияли замбуруғлардан айримларида (*Agaricales*) меватананинг банд билан бирга ўраган ёпқичи.

**Умумий константлар** – барча ассоциациялар ценозларида учрайдиган ўсимликлар турлари.

**Умумий эмбриология** – чангдон, микроспора, уруғмуртак, макроспора, уруғчи гаметофит, муртак, эндосперм уруғнинг бошқа томонлари ҳамда чангланиш ва уруғланиш, апомиксис ва полиэмбрионни тузилиши, ривожланиши, вазифаларидаги қонуниятларни ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Ундилоподий** – 1. Тўлқинсимон ҳаракатларни амалга оширадиган сувўтларнинг айримларидаги хивчинлар, киприкчалар ва псевдоцилийлар. 2. Эукариот ҳужайраларда ҳаракатни амалга оширадиган мослама.

**Унивалентлар** - редуксион бўлинишида конюгациялашмаган тоқ хромосомалар.

**Унилокуляр спорангий** – бита ҳужайрадан иборат бўлган спорангий.

**Унитуникам халтача** – халтачали замбуруғларда халтача пўсти юпқа, бир қаватлидай бўлиб, унинг очилиши учун хизмат қиладиган апикал аппарат турлича тузилган бўлади.

**Унитуникат** – лишайникларнинг айримларидаги бир қават пўстли халтача.

**Унитуникат аск** – халтачали замбуруғларда жинсий жараёнда ҳосил бўладиган, белгиланган миқдорда, одатда 8 та юпқа пўстли спораси бўлган аск (халтача).

**Унифациаль** – бир юзали, яъни юқориги ва пастки юзасиз. Бу атама ҳозир цилиндр тузилишли бандга (барг банди) нисбатан айтилади.

**Унифациал япроқ** – бир қатор бир паллали ўсимликларда япроқнинг бир юзали бўлиши, кўндаланг кесмасида юмалоқ ясси бўлмаслиги.

**Унифациал япроқ** – ҳар иккала томони бир хил тузилишли япроқ.

**Унифациал япроқлар** – асосидан ташқариси кўндаланг кесмасида доирасимон шаклдаги япроқлар. Бундай япроқлар юза адаксал қисми тўла ривожланмаганлиги натижасида юзага келади.

**Уноби** (*лот. Zizyphus jujuba*) - Чилонжийданинг бир тури. Хитойда кўп тарқалган ўсимлик.

**Унобидошлар, чилонжийдадошлар, рамнадошлар** (*Rhamnaceae*) - кўпчилиги дарахт ва буталардан, баъзилари эса ўтлардан иборат икки паллали ўсимликлар оиласи. Барглари оддий ва бутун. Баъзи турларининг гуллари икки жинсли, кўкиш ёки сарғиш.

**Унсимон эндосперм** – уруғда иккиламчи крахмал кўп бўлган эндосперм.

**Унтегмал уруғмуртак** – бир интегументли уруғмуртак.

**Унувчанлик** - уруғнинг униш ва кўкариш хусусияти.

**Урединология** – микологиянинг занг замбуруғларини *Uredinales* тартибига мансубларни ўрганадиган соҳаси.



**Уредениуле** – зангкуя замбуруғларида уредоспораларни ҳосил қиладигани.

**Уртикула** – яшил сувўтлардан денгизларда тарқалган кодиум (*Codium*) талломидаги кичкина шарсимон тана.

**Уруғбанд** – очик уруғли ўсимликларда уруғмуртакни бирикиш учун хизмат қиладиган банди.

**Уруғ йўли** – қ. микропиле.

**Уруғмуртак** – қ. уруғмуртак.

**Уруғланишнинг премитотик типи** – зиготани биринчи митозидан олдин спермийни урғочи ядро билан тегишиши биланоқ жинсий ядроларнинг қўшилиш типии.

**Уруғланишнинг прогам босқичи** – уруғланишда гаметаларнинг бевосита қўшилишига олиб келадиган босқич.

**Уруғланишнинг постмитотик типи** – зиготада биринчи митоз бўлиниш рўй берганидан кейин жинсий ядроларнинг қўшилиши рўй берадиган ҳодиса.

**Уруғларнинг абсолют оғирлиги, уруғларнинг тўлиқлик ўлчови** - 1000 дона уруғнинг г ҳисобидаги шартли оғирлик ўлчови. Сепиладиган (қадаладиган) уруғнинг сифати шу шартли ўлчов билан аниқланади. Уруғ қанчалик тўқ бўлса, унинг абсолют оғирлиги шунча ортиқ, униш ва ўсиш тезлиги яхши бўлади. Бироқ уруғларнинг абсолют оғирлиги ўсимликларнинг қандай шароитда ўсишига (тупроқ структураси, об-ҳаво шароитлари, агротехника тадбирлари ва ҳоказоларга) қараб ўзгариб ҳам туради.

**Уруғларни активлаштириш** (*stimulatio—активлик*) - уруғларни турли усуллар билан тез унувчан қилиш.

**Уруғ назорати** - уруғни етиштириш, сақлаш ва омборлардан чиқариш вақтларида уруғликнинг экинбоплик хусусиятларини текширишга қаратилган тадбирлар тизими.

**Уруғмуртак** – очик уруғли ўсимликлардаги мегоспорангийни уни ўраган интегумент билан биргаликдагиси.

**Уруғнинг маҳсулдорлиги** – битта ўсимликни бир йил давомида ҳосил қилган уруғларининг сони.

**Уруғнинг оростида униши** – уруғ унаётганда гипокотил уруғпаллада етарли ривожланганлигидан тупроқда қолиб кетиши (*Quericus, Pisum* ва бошқа туркум ўсимликларида).

**Уруғнинг физиологик етуклиги** – экин ўриб бўлингандан кейин уруғни тиним давридан сўнг етилган даври. Бундай уруғларнинг униш қуввати кучли бўлади.

**Уруғпалла** – ўсимликни уруғидан униб чиқадиган муртагидан пайдо бўладиган биринчи барглари.

**Уруғпалла** – икки уруғ паллали ўсимликларнинг уруғмуртагидаги биринчи шакли ўзгарган барглар.

**Уруғпалла** (*лот. Cotyledon*) - уруғдаги муртакнинг биринчи барги.

**Уруғсиз мевалар** - баъзи маданий ўсимликларнинг уруғсиз меваси. Бундай мевалар юқори сифатли ҳисобланади (мандарин, банан, узумнинг баъзи

хиллари, масалан, шивирғони, кишмиш ва бошқалар). Уруғсиз мевалар вегетатив усул билан кўпайтирилади.

**Уруғсиз, донсиз** (*aspermus*) - баъзи ўсимликларнинг уруғсиз мевалари (масалан, узумнинг кишмиш навида).

**Уруғ фонди** – экишга тайёрланган, белгиланган талабларга жавоб берадиган уруғлар.

**Уруғчи** – мева ҳосил бўлишида иштирок этадиган бир ёки бир неча мевабаргдан иборат тугунча, устунча, тумшукчали гулнинг оналик қисми.

**Уруғчилик** – 1. Ўсимликшуносликни қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини етиштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш билан шуғулланадиган тармоғи. 2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг махсус тармоғи бўлиб, унинг асосий мақсади деҳқон, фермер хўжалиқларини, Давлат реестрига киритилиб экилаётган навларнинг уруғини нав тозалиги, биологик ва хўжалик хусусиятларини сақлаб оммавий равишда кўпайтириш.

**Уруғчилик тизими** - давлат режасига мувофиқ, барча экин майдонларини бир ёки бир қанча экинларнинг аъло сифатли уруғликлари билан таъминлаб турадиган бир-бири билан ўзаро боғланган ишлаб чиқариш тармоқларининг мажмуаси.

**Уруғчилик тузилмаси** - муайян тартибда танлаш ва кўпайтириш билан навни янгилаб туришга (уруғликни қайта етиштириб туришга) қаратилган ўзаро боғланган кўчатзорлар ва уруғлик экинзорларнинг мажмуаси.

**Уруғ чоки** – анатроп ҳолидаги уруғмуртакда унга ёпишиб турадиган қирра.

**Уруғшунослик** – ўсимликшуносликнинг уруғлар ҳақидаги тармоғи.

**Урғочи гаметофит, урғочи жинсий бўғин** - Урғочи жинсий орган ҳосил қилувчи бўғин.

**Урғочи гул, уруғчи гул** (*flos femineus*) - чангчисиз уруғчи гул.

**Устки гул қипиғи** - ғаллагулли ўсимликларнинг гулини уст томондан ўраб олган қипиқ.

**Устки томон, вентрал томон** (*лат. ventralis; ventris - қорин*) - ўсимликлардаги турли орган ёки қисмларнинг (масалан, баргларнинг устки, яъни ўнг) томони.

**Устки тугун** – бўртган, ясси ёки ботиқ гул ўрнида эркин жойлашган деворлари фақат мевабаргчалардан ҳосил бўлган гул тугуни.

**Устки қават** - устки поғона (ярус). Масалан, ўрмонлардаги энг баланд дарахтлар биринчи ярус ҳисобланади.

**Устихудус** (*Prunella vulgaris* L.) – лабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Устица (оғизча)** – 1. Ўсимликнинг хлорофилли қисмларидаги ташқи муҳит билан алоқани таъминлайдиган жуда кичкина очилиб ёпиладиган тешик. Икки паллали ўсимликларда устица одатда япроқни пастки томонида, бир паллалиларда ҳар иккала томонида бўлади. 2. Эпидермис хужайралари орасида иккита хужайра ва унинг оралиғидан иборат ўта даражада махсуслашган ҳосила; бу оралиқ орқали газларнинг алмашинуви рўй беради.

**Устица (оғизча) аппарати** – очилиб ёпиладиган хужайралар ва унинг ёнидаги кўшимча хужайралар деб аталадиганлар.

**Устица (оғизча) даҳлизи** – устицадаги ташқи хошиялар ўртасидаги камгак.

**Устицаларнинг (оғизчаларнинг) фотоактив очилиши** – коронгуликдан ёруғликка ўтганда устицаларнинг очилиши, бунинг натижасида фотосинтез маҳсулоти сифатида қанд концентрацияси ортади, бу эса сув шимилишини кучайтиради, натижада устицалар очилади.

**Устунсимон плацента** – қ. эркин марказли плацента.

**Устунча** (лот. *columna, gynostemium*) - 1. Гулдаги чангчи ипларининг кўшилишидан ҳосил бўладиган устунча (*columna, gynostemium*). 2. Йўсинлар (мохлар) да спорачи ёки кўсакча ўртасидаги устунчасимон ўсимта.

**Учинчи тартибли синузия** – турли ҳаётий формаларга мансуб ўсимликлардан иборат бўлган синузия.

**Учинчи тип шохлаш** - ғўза ҳосили шохининг 11-15 см узунликда бўғим оралаб шохлаши.

**Учки барглар** - ўсимлик шохчаларининг учида жойлашган, шакли ва функцияси ўзгарган барглар.

**Учки хужайралар** (*cellula apicalis*) - поянинг ёки бирор бошқа орган-нинг учида жойлашган хужайралар.

**Учламчи мицелий** – иккиламчи мицеллийдан табақалашиб, меватаналар ҳосил қиладиган мицелий (базидиомицетларнинг айримларида).

**Учламчи реликтлар** – учламчи даврдан буён шу ҳудудда сақланиб қолган ўсимликлар.

**Учламчи тўқима** – иккиламчи тўқимани чуқур қатламларидаги камбийда янги ҳосилалар юзага келиши туфайли юзага келадиган тўқима.

**Учма** (*Ceratocephalus orthaceras* Dc.) – айиктовондошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган захарли бир йиллик ўт.

**Учма мева** - мураккабгулдошлар, валерианадошлар каби оилалардаги баъзи ўсимликлар мевасида бўладиган туклар мажмуи.

**Учрашлик** – ўрганилаётган фитоценоздаги ҳоҳлаган кичик майдонда у ёки бу турни учраш эҳтимоли.

**Училли андроцей** – учта узун ва учта калта чангчили андроцей.

**Учқат** (*Lonicera nummulariofolia* J. et Sp.) – шилвидошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган бута.

**Уялаб экиш** - Маданий ўсимликларнинг сони ва сифатини бир хил қилиб уяларга жойлаштириш.

## Ф

**Фаглар** (бактериофаглар) - фақат махсус хўжайин - бактериялар хужайраларида кўпая оладиган филтрланувчи вируслар гуруҳи.

**Фаза** – ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш давридаги муайян босқич; хужайраларни ўсиши, гуллаши, баргларнинг тўкилиши ва шу каби.

**Факультатив аэроблар** – ҳаводаги кислороди етарли даражада бўлганда, бемалол яшаб кўпаядиган, бироқ кислород йўқлигида ҳалок бўлмайдиган организмлар.

**Факультатив анаэроблар** – кислородга муҳтож, бироқ кислород бўлмаса ҳам ҳалок бўлмайдиган организмлар.

**Факультатив апогамия** – тадқиқотчининг таъсири туфайли содир бўладиган апогамия.

**Факультатив апомиксис** – апомиктик кўпайиши билан биргаликда меъёридаги жинсий кўпайиши ҳам рўй берадиган апомиксис (*Heraclium*, *Chondrilla*, *Erigeron* туркумларига мансуб ўсимликларда).

**Факультатив бентос сувўтлар** – ривожланишининг турли даврларида турли биотопларда ҳаёт кечирадиган *Chlorococcum* Meneqh., *Oocystis* Nag., *Closterium* Nitzsch., *Cosmarium* Corda., *Tetraspora* Link., *Pediastrum*, *Sorastrum*, *Scenedesmus* каби сувўтлар.

**Факультатив гелиофитлар** – 1. Гулламаган даврида сояроқ жойда ҳам ўсаверадиган, мевалашада ёруғликни кўп талаб қиладиган ўсимликлар гуруҳи. 2. Қуёш ёруғлиги етарли даражада бўлганда, яхши ўсадиган, ёруғлик тўсилганда ҳам ўса оладиган ўсимликлар.

**Факультатив лишайник** – бир шароитда сувўтли, бошқа шароитда сувўтсиз бўладиган лишайник (масалан, *Coniocybo pallida* (Pers.) Fr.).

**Факультатив сапротрофлар** – асосан текинхўр ҳаёт кечирадиган, қисман сапротроф организм (ўсимлик) *Phytophthora infestaus* мисол бўлади.

**Факультатив спейрохорлар** – қолдиғи тупроқ ва уруғларни ифлослайдиган бегона ўтлар.

**Факультатив текинхўр** – 1. Сапротроф бўлган ҳолда ўсимлик қолдиқларида яшаб, кучсизланган ўсимликларни ҳам зарарлай оладиганлар. *Botrytis cinerea* мисол бўлади. 2. Аралаш типда озикланадиган, яъни текинхўрлик ва сапрофит ҳаёт кечирадиган текинхўр.

**Фанерофитлар** – янгиланиш куртаклари ер юзасидан анча баланда жойлашган ўсимликлар бўлиб, уларга асосан дарахт ва буталар мансуб. Раункиер бу гуруҳ ўсимликларни турли белгиларига кўра (мега-, мезо-, микро- ва нанофанерофитларга), барғни умрига кўра (доимо яшил ва ҳазонрезгиларга) ва янгиланиш куртакларини ҳимояланганлигига кўра 15 гуруҳга бўлган. Фанерофитлар тропикларда хилма хиллиги энг кўп бўлади.

**Фаринография** - фаринограф асбоби ёрдамида фаринограмма чизиб, унинг сув кўтарувчанлик қобилиятини ва ҳамир ҳосил бўлиш вақтини аниқлаш.

**Фасциация** – поя, тўпгул, қисман гули ўсимликларнинг меваларини беўхшов кўринишларда бўлиши. Бу ҳолатда ўсимликнинг шу қисмлари тасмасимон кўринишга эга бўлади. Фасциация чиринди кўпайиб кетган тупроқларда ўсаётган ўсимликларда рўй беради. *Alnus*, *Sambucus*, *Fraxinus*, *Artemisia*, *Lilium* туркумларига мансуб ўсимликларда кўпроқ содир бўлади.

**Фасцикуляр тўқималар** – поя, барг, илдизлардаги ўтказувчи тўқималар гуруҳи.

**Фасция** – поя, тўпгул, баъзан резавор меванинг беўхшов ўзгариши.

**Фоторецепторлар** – фототаксис, фототропизм, фотонастия ва фотодаврий сигналтаъсирлагичлар учун зарур.

**Феллема (пўкак)** – қопловчи тўқима таркибидаги асосан ҳимояловчи вазифасини бажарадигани.

**Феллоген** – ўсимликларнинг иккиламчи ҳосил қилувчи тўқимаси, пўкак камбийнинг ташқиси.

**Феллодерма** – перидерманинг асосий қисми, пўстлоқ паренхимасига ўхшаш тўқима.

**Феллоид хужайра** – феллемадаги пўкак хужайраларининг пўстида суберин моддаси йўқлиги билан фарқланадиган хужайра.

**Феминизация** – эркак жинс организмларда урғочи жинс белгиларини бўлиши.

**Феминирланган ўсимликлар** – урғочи жинс белгиларига эга бўлган эркак ўсимликлар. Икки уйли ўсимликларнинг эркакларида икки жинсли ёки урғочили гулларни бўлиши.

**Фанерофитлар** – қишлоғчи куртаклари ердан маълум баландликда бўлган дарахтлар, буталар ва бутачалар.

**Фенодурагайлар** – дурагайлиги келиб чиқиши бўйича шубҳа қилмайдиган, ташқи кўринишидан аниқ тур ўсимликлар.

**Фенокопия** - ташқи муҳит таъсирида юзага чиқадиган, генотип ўзгаришига ўхшаш фенотипик ўзгаришлар. Масалан ҳомиладорликнинг илк босқичларида онанинг қизилча билан касалланиши натижасида юзага чиқадиган чақалоқдаги катаракта ирсий катарактага ўхшаш фенокопиядир.

**Фенологик аспектлар** – йил мавсуми давомида ўзгариб турадиган аспектлар.

**Фенологик спектр** – фенологик кузатишлар асосида олинган фенологик давр, муддатларни график ҳолида ифодаланиши.

**Фенологик фазалар (фенофазалар)** – ўсимликнинг вегетация давридаги босқичлари.

**Фенология** – мавсумий ходисаларнинг таъсирида ўсимликларда рўй берадиган ўзгаришларни ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Фенотип** – 1. Генотип билан ташқи муҳитнинг ўзаро таъсири натижасида организмда шаклланадиган барча ташқи ва ички белгилар йиғиндиси. 2. Организм генотипи билан ташқи шароитининг ўзаро таъсири натижасида организмда шаклланадиган ташқи ва ички белгилар (хусусиятлар) йиғиндиси. 3. Генотипнинг муҳит билан ўзаро таъсири натижасида юзага чиқадиган, организмнинг ҳамма хусусиятлари ва белгилари йиғиндиси. Фенотип организмнинг ҳамма генетик информациясини акс эттирмайди, ҳар хил муҳит шароитларида битта генотип ҳар хил намоён бўлиши мумкин (реакция меёри).

**Феозооспоралар** (*Phaeozoosporophyceae*) – турлича катталиклар, кўринишлар ва тузилишлардаги микроскопик кўп хужайрали кам шохланган, бир қатор ипдан мураккаб паренхима тузилишлигача, спорофит ва гаметофит мустақил ривожланадиган, ўзаро фарқланадиган ва фарқланмайдиган, барча денгизларда тарқалган кўнғир сувўтлар синфи.

**Феотамниалар** (*Phaethamniales*) – ипсимон ёки дисксимон колонияли сувўтлар (*Chrysophyta, Heterochrysophyceae*) тартиби.

**Ферментларни таъсирсизлантириш** - Ноқулай омиллар таъсирида ферментларнинг ўз активлик хусусиятларини йўқотиши.

**Фертил** – 1. Уруғлантиришга қобилиятли, серпушт. 2. Ҳаётчан гаметалар ҳосил қиладиган организм.

**Фертилик** – вояга етган организмнинг авлодлар ҳосил қилиши.

**Фертил япроқлар** – папоротниклардаги спорангийли япроқлар.

**Фертил чангдонлар** – чанг қутисида меъёрида ривожланган чанг донаси бўлган чангдонлар.

**Фертил япроқ** – спорангийлари бўлган япроқ (папоротникларда).

**Фиалоспора** – дейтеромицет замбуруғларнинг конидиоген хужайралари фиалидаларида юзага келадиган спора.

**Фибул** – диатом сувўтларидаги каналсимон чокни ташқарига очиладиган жойидаги паллани ички бўшлиғидан ажратиб турадиган пластинкани атамаси.

**Фибула** – диатом сувўтлари палласидаги ўнг ва чап томонни ўзаро боғловчи тирқишлар.

**Фиброз** – чангдонни юқорисидаги эпидермага ёпишиб турадиган қават.

**Физоидлар** – кўнғир сувўтларнинг хужайраларидаги майда рангсиз ёки бироз рангли вакуолага ўхшаб кетадиган пуфакча.

**Физиологик адаптация (мослашув)** – яшаш муҳитининг муайян шароитларига физиологик механизмлар ҳисобига ўсимликлардаги мослашув.

**Физиологик анатомия** – ўсимликни тузилиши ва унда рўй берадиган жараёнлар билан боғлиқ физиология.

**Физиологик етуклик** – ғалла ўсимликларида донларни сут-қатикли (мум) ва тўла етилиш орасидаги ҳолат, бу даврда донда (уруғда) моддаларнинг ғамланиши тўхтайтиди, бироқ ҳали тўқилмайди.

**Физиологик изоляция** – бирга ўсиб турган бўлса ҳам ўсимликни ўзаро чатиша олмаслик хусусияти.

**Физиологик максимум** – қайси бир омилни энг катта кўрсаткичи бўлиб, ундан юқорида физиология жараёнлари тўхтайтиди.

**Физиологик минимум** – қайси бир омилни энг кичик кўрсаткичи бўлиб, ундан пастда физиология жараёнлари тўхтайтиди.

**Физиологик оптимум** – қайси бир омилни таъсири бўлиб, бунда физиологик жараёнлар энг мўътадил даражада ўтади.

**Физиологик регенерация** – ўсимликда табиий равишда ишдан чиққан ҳолатларни қайтадан тикланиши.

**Физиологик тиним** – қанча давом этиши билан фарқланиб, янги йиғилган, терилган уруғларда оз вақт давом этади. Чуқур физиологик тиним дарахт ва кўп йиллик ўтларга хос.

**Физиологик қурғоқчилик** – тупроқда намлик етарли бўлса ҳам, ўсимликка намлик етишмаслиги бўйича рўй берадиган қурғоқчилик.

**Фикобилинлар** – кўк-яшил сувўтлар, қизил сувўтлар ва денгизларда тарқалган айрим криptomonад сувўтлар таркибида бўладиган пигментлар.

**Фикобилипротеинлар** – фикоэритринлар, фикоцианинлар, аллофикоцианинлардан иборат глобулин оксилли пигментлар бўлиб, фикобилисомаларда жойлашади.

**Фикобилипротеидлар** – кўк-яшил сувўтларнинг фотосинтезловчи аппаратадаги аллофикоксантин, фикоциан, фикоэритринлардан иборат пигментлар гуруҳи.

**Фикобилисомалар** – ҳужайрадаги фикобилипротеинларни тутган тана.

**Фикобилисомалар** – кўк-яшил ва қизил сувўтларининг ҳужайраларидаги фикобилин пигментлар тутган маҳсул ҳосила.

**Фикобионт** – лишайник таркибидаги сувўт; систематик ҳолатига кўра фикобионтларга кўк-яшил, яшил, қисман сариқ яшил сувўтлар бўлади. Лишайниклар таркибидаги 90% атрофидаги фикобионт *Trebuxia*, *Nostoc*, *Trentepohlia* туркумларига мансуб сувўтлардан иборат.

**Фикобионт** – лишайник талломидаги сувўт.

**Фикоколлоид** – қизил сувўтларнинг ҳужайраларини пўсти ва ҳужайралар орасидаги олтингугуртли полисахаридларнинг умумий номи.

**Фикология** – сувўтлар ҳақидаги фан.

**Фикология** – қ. альгология.

**Фикоцианобилинлар** – кўк-яшил сувўтларга шундай ранг берадиган фикобилинларга мансуб пигментлар.

**Фикоэритробилинлар** – қизил сувўтларга қизил ранг берадиган фикобилинларга мансуб пигментлар.

**Фикопласт** – эукариот ҳужайраларни бўлиниш даврида ҳосил бўладиган микронайлар.

**Фикоколлоид** – қизил, қўнғир сувўтлар ҳосил қиладиган агар, агароид, каррагинин, маннит каби полисахаридлар.

**Филамент** – чангчидаги чангдонни тутиб турган банд.

**Филаментлар** – ҳужайра скелетини ташкил қиладиган ва цитоплазманинг ҳаракатида иштирок этадиганлар.

... **фил**, ... **филия** – «дўстлик», «яқинлик» маъноларини билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Филлар** – филогенетик дарахтнинг алоҳида генетик шохлари.

**Филлодий** – барг бандини энига ўсиб, яссиланиб кетиши.

**Филлидия** – мохларнинг япроғи; яссиланиб япроққа ўхшаб кетган япроқ банди.

**Филлидия** – мохсимонларда гаметофит ҳисобланадиган баргсимон ҳосила.

**Филлобий** – ўсимлик баргларининг юзасидаги ценопопуляция.

**Феллоген** – қопловчи тўқима таркибидаги уни узоқ муддат давомида ўсиши ҳисобига йўғонлашадиган пўкак камбий.

**Филлоид** – плаунлар, мохлардаги келиб чиқиши жихатидан энацион характердаги япроқ; спорофит ўсимлик ривожланишидаги марказий қисм ўсимтаси.

**Филлоидлар** – мохларда танасининг ўзак қисмида ҳосил бўлган ўсимталар.

**Филлокладия** – лишайниклардаги подецийни қоплаб турувчи тангачасимон тана.

**Филлом** – мураккаб тузилишли ўсимликларда новдадаги ёнбош қисм; бу барг, спорофилл ва гулнинг баргга ён қисмлари.

**Филлосфера** – атмосферани ўсимлик барглари ураган, улар ажратган моддалар билан тўлган қисми.

**Филлосфера** – ўсимлик танасини ўзининг физикавий хоссалари (акс эттириш, иссиқлик сиғими ва шу кабилар), биологик хусусиятлари (фотосинтез ҳамда транспирация), махсус ёруғлик, иссиқлик, ҳавонинг режим ива унинг таркиби (эфир мойларининг буғлари ва бошқа моддалар).

**Филлотаксис** – вояга етган новдада баргларнинг жойланиш тартиби.

... **фил (о)** – «япроқ», «япроққа ўхшаш», «япроққа доир» маъноларини билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Филогенез** – 1. Ўсимликлар ҳайвонларнинг тарихий ривожланиш жараёни, яъни турнинг тарихий ривожланиш даври. 2. Организм турининг пайдо бўлгандан бошлаб ҳозиргача бўлган тарихий ривожланиши.

**Филогенетика** – 1. Ирсий материалда рўй берадиган барча ўзгаришларни ҳамда популяциянинг ирсий таркибининг ўрганадиган генетиканинг тармоғи. 2. Ўсимликларнинг тарихий тараққиётда кариндошчилик алоқаларини ўрганадиган фан тармоғи.

**Филогенетик реликтлар** – эволюцияси, тарихий ривожланиши жуда секин ўтадиган, шу боисдан узоқ муддатлар давомида деярли ўзгаришларсиз турадиган турлар.

**Филоонтология** – организмларни ривожланишида филогения ва онтогения нисбатларини ҳал қилиш муаммолари билан шуғулланадиган фан.

**Филоподий** – псевдоплазмодийнинг ипсимон ёки туксимон ўсимтаси (*Labyrinthales* тартибининг вакилларида).

**Филоценогенез** – ўсимликлар типларининг тарихий тараққиётидаги шаклланиши, у ўсимликлар табиатини ўзгариши ва уларнинг мосланишлари билан боғлиқ. Бу флорогенез эмас.

**Финикулус** – қ. уруғбанд.

**Фиссиденталар** – мохлар бўлими, бриопсидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Фитаэрон** – атмосфера ҳавоси шароитида яшайдиган организм.

... **фито** – «ўсимлик», «ўсимликка оид» фанга алоқадорликни англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Фитоалексинлар** – фитопатогенлар билан таъсирланганда ўсимликда жавоб сифатида ҳосил бўладиган молекуляр оғирлиги кичик антибиотик моддалар бўлиб, фитоиммунитетда ҳимояланиш вазифасини бажаради.

**Фитоалексинлар** – соғлом ўсимликда бўлмай, касаллик кўзғатувчининг таъсирига жавобан ҳосил бўладиган фенол бирикмаларидан иборат ҳимоя воситаси.

**Фитобентос** – 1. Чучук сув ёки денгизларнинг тагидаги ўсимликларнинг мажмуи. Фитобентос асосан, яшил, қизил, диатом ва бошқа сувўтлардан иборат



бўлади. 2. Сув ҳавзаларининг тагини юзаси уни 1 см гача бўлган қалинлигидаги сувўтлар.

**Фитобий** – 1. Ўсимликларнинг устида яшайдиган ҳайвонлар. 2. Ўсимлик юзасидаги ценопопуляция.

**Фитоген рельеф** – фитоценозлар ёки алоҳида ўсимликларнинг таъсири натижасида юзага келадиган рельеф.

**Фитография** – ўсимликларнинг ташқи кўринишини тасвирлаб берадиган ботаниканинг тармоғи.

**Фитоиммунитет** – ўсимликларни жуда кўп миқдордаги сапрофит микроорганизмлардан ҳимоялана олиши.

**Фитоиндикация** – индикатор ўсимликлар ҳақидаги таълимот.

**Фитоиклим** – қ. фитомуҳит.

**Фитолейм** – қазилма сувўтларнинг кўмирсимон қолдиғи, изи.

**Фитология** – морфология, анатомия, цитология, эмбриология ва ўсимликлар генетикаси, ўсимликлар экологияси ва физиологияси, ривожланиш биологияси, ўсимликлар географияси, фитопалеонтология, флористика ва ўсимликлар систематикасининг экологияси ва филогенетикаси ва шу кабиларни ўзида жамлаган ўсимликлар ҳақидаги таълимот.

**Фитоморфозлар** – текинхўр замбуруғлар ёки юксак ўсимликларнинг таъсирида ўсимликларда рўй берадиган морфология ўзгаришлари.

**Фитомуҳит** – ер юзини 150 м баландликгача бўлган, муҳит шароитини яшил ўсимликлар белгилайдигани.

**Фитомуҳит** – қ. фитоценотик муҳит.

**Фитонцид** – бошқа организмларнинг фаолиятини пасайтирадиган ёки уларни ҳалок қиладиган ўсимликлар ҳосил қилган биологик фаол модда.

**Фитопатоген** – ўсимликларда касалликларни ҳосил қиладиган ҳар қандай омил.

**Фитопатология** – ўсимликларнинг касалликлари, уларни олдини олиш ва йўқотиш усуллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш ҳақидаги фан.

**Фитопалеонтология** – палеонтологиянинг қазилма ўсимликларни ўрганадиган тармоғи.

**Фотопериодик реакция** – ўсимликнинг ёруғликни кун давомида ёритилишидаги ўзгаришига муносабати.

**Фитопланктер** – фитопланктон таркибидаги бирор организм.

**Фитопланктон** – сувнинг юза қаърида ҳаракатланиб, ўсадиган майда сувўтларнинг мажмуи.

**Фитопланктон биомассаси** – сувўтлари барқ уриб ривожланган даврда кўллarda  $500 \text{ г/м}^3$  ва ундан кўпгача боради. Планетамиз бўйлаб органик модда ни жами маҳсулдорлигига сувўтлар 26-90% ҳисса кўшади.

**Фитосозология** – ўсимликлар оламининг муҳофазаси, назарий асослари, ҳуқуқий меъёрлари кабиларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган фан тармоғи.

**Фитосоциология** – Ғарбий Европада фитоценологияни шундай номланади.

**Фитотоксинлар** – некротрофлар ажратадиган токсинлар таъсирида ўсимлик тўқимасини ҳалок қиладиганлар.

**Фитотоксикология** – захарли ўсимликларни ўрганадиган ботаника фанининг тармоғи.

**Фитотрон** – 1. Ўсимликларга сунъий равишда иқлим шароитларини яратиб берадиган махсус жиҳозланган жой. 2. Шароити бошқарилиб турадиган, ўсимлик ўстириладиган иморат, иншоат.

**Фитотрон (сунъий иқлим станцияси)** - тўлиғича автоматлашган иншоат бўлиб, бу ерда ўсимлик учун керакли бўлган ҳамма омиллар бошқарилиб, селекция ашёни синаш учун керакли микроиқлим яратилиши мумкин.

**Фитофаг** – ўсимлик билан озикланадиган организм (вирус, замбуруғ, бактерия, хашарот, ўтхўр ҳайвон).

**Фитохром** – фотосинтезда қизил рангнинг назоратини амалга оширувчи фикобилинлар гуруҳига мансуб пигмент.

**Фитоценогенез** – 1. Фитоценозда янги ассоциацияларни (формация ва ўсимликлар типларини ҳам) юзага келишига олиб келадиган, шу билан бирга параллел равишда фитоценозни ташкил қиладиган турларнинг эволюцияси. 2. Фитоценозни тарихий тараққиёт жараёнидаги ривожланиши.

**Фитоценоз** – ташқи кўринишидан, флористик таркибидан, ўсиш шароитидан бир хил ташқи муҳит омиллари билан ҳам бир хил муносабатда бўладиган, муайян жойни эгаллаган ҳар қандай ўсимликлар гуруҳи. Флора турли турларга мансуб ўсимликлардан иборат бўлганидай муайян жой ўсимликлари фитоценозлардан иборат.

**Фитоценоз аспекти** – фитоценознинг ташқи кўриниши, таркибидаги ва тузилишидаги сезиларли даражада бўлиб турганлари.

**Фитоценоз физиономияси** – фитоценознинг ташқи кўриниши; у фитоценознинг таркиби ва унинг тузилишини ташкил қиладиганлардан иборат.

**Фитоценоздаги конституцион қатлам** – фитоценоз популяциясидаги продуцентлардан иборат қатлам.

**Фитоценоздаги эдафик қатлам** – фитоценоз популяциясидаги асосан редуцентлардан ташкил топган қатлам.

**Фитоценоздаги яруслик** – лито – атмосферали; лито-гидро – атмосферали; лито-гидросферали; гидро-атмосферали.

**Фитоценоздаги қатлам** – фитоценоз популяциясидаги асосий тузилма, шу билан бирга энергетик ва муҳит ҳосил қилувчи доминант, субдоминант ёки бир неча кодоминант индивидлар ҳосил қилгани.

**Фитоценозлар классификацияси** – морфологик, экологик, биоэкологик классификация мавжуд.

**Фитоценозлар комплекси** – турли ассоциацияларга мансуб ўзаро алмашилиб турадиган жуда кам бўлинган шароитдаги микроландшафт фитоценозлар комплекси.

**Фитоценозлар ритми (маъроми)** – фитоценозларда ташқи муҳитнинг йиллик ва ундан кўп даврлари мобайнида рўй берадиган ўзгаришлар таъсиридаги ҳолат.

**Фитоценозларнинг структураси** – фитоценозларнинг тузилишини асосий элементлари: турларини таркиби, қаватлиги, парцеллалари ва шу кабилар.

**Фитоценозларнинг умумийлиги** – фитоценозларни флористик жиҳатидан ўхшашлиги.

**Фитоценозни физиологияси** – фитоценозни ташқи кўриниши.

**Фитоценознинг барқарорлиги** – 1. Фитоценозни моддалар ва энергия алмашинувида янгиларни ҳосил бўлиши, эскиларини қуриши кабиларни барқарор ҳолда бўлиши 2. Ташқи муҳит омилларини доимий таъсирига қарамай, ўзининг структура ва функционал ҳолатини ўсимликлар уюшмаси томонидан сақлай олиши.

**Фитоценознинг мавсумий динамикаси** – йил мавсуми давомида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишидаги рўй берадиган ўзгаришлар.

**Фитоценознинг маҳсулдорлиги** – муайян фитоценозни бир йил давомида белгиланган майдонда ўсимликлар томонидан ҳосил қилган органик массанинг (биомасса) миқдори.

**Фитоценология** – 1. Ўсимликларнинг уюшмалари – фитоценозларни ўрганадиган ботаниканинг тармоғи. 2. Бирга ўсаётган ўсимликларни (фитоценозлар) барча нуқтаи назардан (тузилиши, ривожланиши, муҳит билан алоқадорлиги, ер юзаси бўйлаб тарқалиши ва шу кабилар) ўрганувчи ботаниканинг тармоғи.

**Фитоценотик муҳит** – фитоценоздаги ёруғлик ва ёруғлик режими, иссиқлик режими, сув режими, ҳавонинг таркиби ва ҳаво режими, тупроқ юзасидаги ўлик қоплам, тупроқнинг таркиби ва сув-туз режими.

**Фитоценотик оптимум** – фитоценозда ўсимликни фоиз жиҳатидан катта қопламга эга бўлганлиги.

**Фитоценотип** – фитоценозни шаклланишида бир хил таъсир кўрсатадиган турлар гуруҳи.

**Фитоценотиплар** – фитоценоз муҳитини яратишда ҳар бир турдан, хусусан бошқа турлар билан муносабатларида фойдаланиш.

**Фитоэдафон** – тупроқда яшайдиган микрофлорадан иборат ҳаётий (аэроб ва анаэроб) формалар.

**Фитоэкология** – ўсимликларни атроф-муҳит омиллари билан муносабатларини ўрганадиган экологиянинг тармоғи.

**Флагеллофлория** – айрим ўсимликларда узунлиги 10 м гача етадиган бандда тўпгулнинг бўлиши.

**Флора** – бирор ҳудуддаги тарихий тараққиётда шаклланган ўсимликлар таксонларининг мажмуи; фитоценозни ташкил қилган ўсимликлар.

**Флорал апикал меристема** – алоҳида гул ёки тўпгул ҳосил қиладиган меристема.

**Флоранинг палеотропик элементи** – тарқалиш ареали Палеотропик вилоятда бўлган ўсимликлар гуруҳи.

**Флоранинг палеоарктик элементи** – тарқалиш ареали Европа ва Осиёнинг ўрмонли ҳудудларига тўғри келадиган турлар гуруҳи.

**Флоранинг синантропизацияси** – маҳаллий флорага инсон томонидан турларнинг киритилиши.

**Флоранинг турон элементи** – араели Ўрта Осиёдаги Турон пасттекислиги билан боғлиқ бўлган турлар гуруҳи.

**Флоридиялар** (*Florideophyceae*) – кўп хужайрали, турли туман кўринишлардаги, кўпинча мураккаб анатомия тузилишли, аниқ псевдопаренхима тузилмалли айрим турлари оҳак шимган, денгизларда тарқалган сувўтлар (*Rhodophyta*) синфи.

**Флорогенез** – флоранинг тарихий ривожланиши ёки у ёки бу катта ҳудудни флорасида турларнинг ҳосил бўлиши.

**Флорогенетика** – муайян тарихий шароитдаги флорани таркиби ва генезисини унинг эволюцияси билан ўрганадиган илмий фан.

**Флорогенез** – бирор ҳудуд флорасининг шаклланиш жараёни.

**Флористика** – 1. Флорани ўрганадиган ботаниканинг тармоғи. 2. Бирор мамлакат, катта ҳудудда учрайдиган барча ўсимликларни систематика жиҳатидан тавсифлашга асосланган ботаниканинг тармоғи.

**Флороценотип** – эдификаторлари узоқ муддат давом этадиган физикгеографик шароитларга мослашиб, эволюциясидан ўтган ўсимлик формацияларининг мажмуи.

**Флоэма** – тўқимали ўсимликларнинг органик моддаларни ташилишини маъминлайдиган асосий тўқимаси бўлиб, у йўлдош хужайрали элаксимон найлар, анчагина миқдордаги флоэма паренхимаси, луб толалари ва склереидлардан иборат. Келиб чиқишига кўра, иккиламчи бўлган флоэма элементларини одатда луб деб аталади.

**Флоэма прокампбийси** – прокампбийнинг бирламчи флоэмадаги табақалашадиган қисми.

**Флюктуация** – ўсимликлар қопламидаги йиллик мавсумий ўзгариш.

**Фойдаланиладиган ҳосил** – экинлардан кишилар фойдаланадиган ҳосил.

**Фокомелия** - қўл-оёқ проксимал қисмларининг бўлмаслиги ёки жуда сустривожланганлиги.

**Фолиар назария** – гул метаморфозга учраган поя, баргли новда, гул ўрнидан бошқа ҳамма қисмлари шаклан ўзгарган барглардан иборат, деган гулни келиб чиқишидаги назария.

**Фомозлар** – такомиллашмаган замбуруғлардан *Phoma* туркумига мансублари ўсимликларда ҳосил қиладиган касаллик, асосан поя зарарланади.

**Форашен** – диатом сувўтларнинг палласидаги ёпилмайдиган тирқишларини атамаси.

**Формация** – 1. Ўртача даражадаги (ранг) таксономик бирлик 2. Битта турга мансуб, эдификаторлари билан доминантлари ўхшаш ассоциацияларнинг мажмуи. 3. Геоботаникадаги таксономик категория, у доминант турлари билан бир-бирига ўхшаш бўлган ассоциациялар йиғиндисидан иборат.

**Фоссопланктон** – қўлмакка ўхшаш кичик сув ҳавзаларининг планктони.

**Фосфоресценция** – хлорофиллни узоқ муддат давомида нурланиб туриш хоссаси.

**Фото ...** – ёруғлик таъсирига алоқадорликни билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Фотоактив очилиш** – ёритилиш даражасининг ортиши ва сув билан таъминланишини кучайиши таъсирида устицаларни очилиши.

**Фотобиология** – организмларда ультрабинафша, инфрақизил нурлар таъсирида рўй берадиган ўзгаришларни ўрганадиган биологиянинг тармоғи.

**Фотодавр** – ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига катта таъсир кўрсатадиган кун узунлигидаги ёруғлик даврининг давомийлиги.

**Фотодаврий мосланиш** – ўсимликларнинг ривожланишларини ёруғлик ва қоронғулик даврларни алмашинувларига мосланишлари.

**Фотодинез** – протоплазмани ёруғлик таъсирида ҳаракатининг тезланиши ёки индукцияси.

**Фотолитотрофия** – электрон донор сифатида органик бўлмаган модда билан рўй берадиган фотосинтез.

**Фотоморфозлар** – баргларда (ёки ўсимликнинг бошқа қисмларида) ёруғлик таъсиридаги ўзгаришлар.

**Фотонастиялар** – барг, гул тожибаргларини бир хил даражадаги ёритилиши билан уларда рўй берадиган ҳаракатлар (масалан, гул тожибаргларини очилиб ёпилиши ва гулсаватлардаги ҳаракатлар).

**Фотонастик ҳаракатлар** – ёритилиш даражаси ўзгариши туфайли содир бўладиган ҳаракатлар.

**Фотонафас** – хлоропластларда ёруғлик таъсирида гликол кислотаси ҳосил бўлишини тезланиши ва уни кейинчалик пероксисомаларда  $\text{CO}_2$  гача оксидланиши.

**Фотопериодизм** – кун ва туннинг узунлигининг нисбатларига ўсимликларнинг жавоб реакциялари. Энг асосий жавоб реакцияларидан бири ўсимликларнинг гуллашлари ҳисобланади.

**Фоторецептор** – ёруғликни қабул қилувчи хужайралар.

**Фотосинтезнинг ёруғлик босқичи** – фотофизикавий ва фотохимёвий босқичларнинг рўй бериши ёруғликка боғлиқ бўлган фотосинтезнинг босқичи.

**Фототаксис** – ёруғлик таъсирлагичига ҳаракатланадиган организмлардаги ҳаракат реакциялари.

**Фототропизм** – поя ва илдиз ҳамда баргларни ёритилишга нисбатан муносабатлари ёки улардаги эгилишлар; бундай фототропизм ижобий (ёруғликка томон) ёки салбий (ёруғликдан қочиш, масалан илдизни) бўлади.

**Фототроф ўсимликлар** – ёруғлик энергияси ёрдамида органик бўлмаган моддалардан органик моддалар ҳосил қила оладиган ўсимликлар.

**Фотофаол очилиш** – устицаларни яхши сувланиши ва ёритилишни ортиши билан очилиши.

**Фитоценоз фрагменти** – фитоценознинг унча катта бўлмаган ўзига хос белгиларни тўла намоён қила олмайдиган қисми, майдони.

**Ф-оксил** – поядаги ўтказувчи тўқиманинг таркибига кирувчи элаксимон найларнинг цитоплазмасидаги кўп микдордаги (айниқса, икки паллалиларда) юмалоқ таначалар.

**Фрагмобазидия** – тўсиқли базидия, етук базидияни тўртта хужайрадан иборатлиги (масалан, қоракуя ва занг замбуруғларида *Ustilaginales* ва *Uredinales* тартиблари вакилларида).

**Фрагмопласт** – 1. Цитоплазмада ўзаро параллел ва перпендикуляр йўналган, ядрога етмайдиган толалар мажмуи. 2. Хужайранинг бўлиниш жараёнини охирида ҳосил бўладиган, иккита хужайранинг орасидаги тўсик.

**Фрагмоспора** – иккита ёки кўп миқдордаги тўсиқлари бўлган спора.

**Фреатофитлар** – илдизлари чуқурга кетадиган ерости суви билан озикланадиган ўсимликлар.

**Фреатофитлар** – 1. Илдизлари ер остидаги сувларгача етадиган ўсимликлар. *Tamarix* туркумининг турлари, *Halaxylon afillum* мисол бўлади. 2. Чуқурдаги сизот сувларнинг намлиги ҳисобига мавжуд бўладиган ўсимликлар.

**Фригина** – 1. Қуруқ шағалли ёнбағирликларнинг ксерофит чалабута ва ўтлардан иборат ўсимликлар қоплами. Уларга *Acantholimon alatavicum* Vge., *Astragalus microcephalus* Willd., *Oxytropis echidae* Vved., *Thylocospermum caespitosum* (Chamb. Schishk), *Ziziphora clinopodioides* Lam., *Artemisia rupestris* L., *Cousinia bonvalotii* Franch. мисол бўлади. 2. Паст бўйли ксероморф, чалабута ўсимликлар формацияси.

**Фрондоз тўпгул** – шакли ўзгармаган, япроғи доимо бўладиган тўпгул.

**Фузариозлар** – такомиллашмаган замбуруғлардан *Fusarium* туркумининг вакиллари ўсимликларда кўзгатадиган касалликлар.

**Фукоидин** – кўнғир сувўтларидаги елимсимон модда.

**Фукоксантин** – каратиноидларга мансуб кўнғир сувўтларнинг асосий пигменти.

**Фукуслар** (*Fucales*) – талломи анча ката, турлича кўринишли, мураккаб морфология ва анатомия тузилишли, талломнинг асосий қисми кўпинча кучли тармоқланган, тери ёки этдор сувўтлар (*Phaeophyta*, *Phaeozoosporophyceae*) тартиби.

**Фунариялар** – мохлар бўлими, бриопсидлар синфи, бриидлар кенжа синфининг тартиби.

**Фунгистазис** – замбуруғ споралари, склероций кабиларни тупроқдаги микроорганизмлар ажратган моддалар туфайли ривожланмай туриши.

**Фунгомицетлар** – замбуруғларда текинхўрлик ёки сапрофит ўсадиган замбуруғлар.

**Фуникулус** – уруғли ўсимликларда уруғмуртакнинг бирикадиган қисми.

## Х

**Хазмогамия** – гулдаги гулкўрғонни очилиши билан бир вақтда ўсимликлардаги чангланиш.

**Хазмогам гул** – очиладиган гул.

**Хазмогам апогаметия** – чанг найини уруғчи гаметофитга халаза орқали кириши.

**Хазмолитлар** – турли физик сабаблар туфайли тошларда ҳосил бўлган ёриқларда ўсадиган сувўтлар гуруҳи.

**Хазмолитик сувўтлар** – тоғ қоялари орасида ўсадиган сувўтлар гуруҳи.

**Хазмофитлар** – тоғ қояларининг ёриқлари орасидаги ўсимликлар.

**Хазмофит формациялар** – эгилмаган, ётиб қолмайдиган ўсимликлар формацияси.

**Хазонрезги** - Ўсимлик баргларининг ўз вегетациясини тамомлагандан кейин кўпинча кузда тўкилиши.

**Халаза** – 1. Ёпиқ уруғли ўсимликларда уруғбандга бириккан уруғмуртакнинг асос қисми. 2. Очиқ уруғли ўсимликларда уруғмуртакнинг бўртмаси. 3. Уруғмуртакни уруғбандга ўтиш қисми; уруғмуртакни интегумент ва нуцеллусни финикулус билан қўшилиб кетадиган микропиле қаршисидаги қисм.

**Халазогамия** – ёпиқ уруғли ўсимликларнинг айримларида спермияли чанг найини уруғмуртакка тухум хужайрага уруғмуртакни микропилеси орқали эмас, балки халаза орқали кириши.

**Халаца** – нуцеллуснинг қоплағичлар ўсиб чиқадиган пастки қисми.

**Халкофил лишайниклар** – оғир металлларни кўп тутган субстратларда ўсадиган лишайниклар.

**Халқум** – монад тузилган сувўт хужайраларини олдинги хивчинли томонида одатда экскретор вазифасини бажарадиган турлича тузилган ҳосила.

**Хаматеций** – халтачали замбуруғларнинг мева танасини ўртасидаги интраскуляр тўқима.

**Хамесифонлар** (*Chamaesiphonophyceae*) – кўк-яшил сувўтлар бўлимининг бир хужайрали «оддий» ва колониал (бир хужайрали цианоидли) синфи.

**Хамефитлар** – 1. Қопловчи мохлар ва бута лишайниклар, судралувчи ўсимликлар, суккулентлар, ёстиксимон ўсимликлар, чим ҳосил қилувчи бошоқдошлар, чалабуталар ва бутачалар. Қишда қуриб қолмайди, куртаклари ербағрилаб жойлашган, қор билан, баъзан поялар тўплами билан ҳимояланган. 2. Унча баланд бўлмаган, янгиланиш куртаклари қишловчи новдаларда ер юзига яқин ёки ерда бўладиган ўсимликлар.

**Хасмофитлар** – тоғларнинг тошлари ва қояларининг ёриқларида озгина тупроқ билан тўлган жойларда ўсадиган ўсимликлар. *Saxifra* да туркумининг ўсимликлари мисол бўлади.

**Хамехория** – уруғ ва меваларни юмалаб тарқалиши.

**Хандардон** (*Halimocnemis villosa* K. et K.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўл ва адирда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Хапри** (*Perovskia scrophylarifolia* Rgl.) – лабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, эфир мойли чала бута.

**Характерли ўсимликлар** – ўзи яшаб турган жойнинг тупроқ шароити, геологик, иқлимий ва бошқа белги ва хусусиятларини кўрсатувчи (индикатор) ўсимликлар.

**Хара сувўтлар** (*Charophyta*) – талломи шохланган бута кўринишидаги ризоиди билан субстратга бириккан танаси бўғим, бўғим оралиқлари, цилиндрсимон «барг»ли сувўтлар бўлими.

**Харасимонлар, хара сувўтлар** (*Chara vaillant, Characeae*) - яшил сувўтлар типининг бир синфи. Харалар йирик ва шакли қирқбўғимни эслатадиган бўғим «пояли» сувўтлардир.

**Харацит** – асосан хара сувўтларининг оогонийларидан ташкил топган оҳактош.

**Харацитлар** – Қирғизистон ва Тува республикаларида аниқланган учламчи ётқизикларни таркибини ташкил қиладиган таркиби деярли тўла равишда хара сувўтининг оогонийсидан иборат оҳактош.

**Харгул** (*Rosa foetida* Hermm.) – раънодошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали бута.

**Харди** - Вайнберг қонуни - панмиксияли популяциянинг генетик барқарорлиги қонуни. Бу қонун кўп сонли, миграция, мутациялар, табиий танлаш таъсири кузатилмаганда амалга ошади, қонун популяцияда моноген ирсийланувчи белгининг аллеллари ва генотиплари частотасини аниқлашга имкон беради.

**Хармомегамия** – гулнинг чанг донасини қуриб қолганда ёки намланганда ўлчовларини ўзгартира олиши.

**Хартол** (*Brassica juncea* (L.) Czern.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган доривор икки йиллик ўт.

**Хасмофит** – тоғ қояларининг ёриқларида ўсишга мослашган ўсимлик.

**Хашаки илдизмевалар** – сершира, ем-хашак, илдизмева олиш учун экиладиган ўсимликлар.

**Хашакли экинлар** – пичан, кўк ўт, ем-хашак сифатида чорва молларига бериш учун экиладиган беда, маккажўхори каби бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар.

**Хашаки кўноқ, кўноқ** - ғалладошларга мансуб хашакбоп ўт.

**Хвоя** – нинабаргли ўсимликларнинг нинасимон барги.

**Хейлоцистидидлар** – *Basidiomycetes* синфига мансуб замбуруғларнинг пластинкаларини қирралари найчаларида ривожланадиган цистидлар.

**Хейлантаид папоротниклар** – Жанубий Америка, Евроосиёнинг арид ҳудудларида тарқалган ўзига хос белгиларга эга папоротникларнинг гуруҳи.

**Хелатизация** – металларнинг комплекс бирикмаларини сувўтларнинг органик бирикмалари билан биргаликда ҳосил бўлиши.

**Хемо...** – «кимё», кимёвий жараёнларга алоқадорликни билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Хемоавтотроф бактериялар** – озиқ моддалар ва ўзига зарур энергияни минерал бирикмалардан оладиган бактериялар.

**Хемодинез** – кимёвий омиллар таъсирида протоплазмани ҳаракати.

**Хемолитоавтотрофлар** – углерод манбаи сифатида карбонат ангидриддан, энергия манбаи сифатида аорганик моддаларни парчаланишидан ҳосил бўлган энергиядан фойдаланадиган, нитрофилловчи, тион водород бактериялари, ацидофил, темир бактериялар.

**Хемоморфозлар** – ўсимликни ёки унинг бирор қисмини кимёвий моддалар таъсирида ўзгариши.

**Хемонастия** – кимёвий таъсирларга ўсимликдаги ҳаракатлар.

**Хемонастиялар** – ўсимликни ёки унинг бирор қисмидаги кимёвий моддалар таъсиридаги настикавий ҳаракатлар.



**Хемоорганогетеротрофлар** – углерод манбаи сифатида органик бирикмалардан, энергия манбаи сифатида органик моддаларни парчаланишидан ҳосил бўладиган энергиядан фойдаланадиган кўпчилик бактериялар. Уларга аммонификаторлар, азотфиксаторлар, пектин, клетчатка парчаловчилар, сут, мой, сирка бижғитувчилар киради.

**Хеморецепция** – ўсимликлардаги аттрактантлар, трофик омиллар – хемотаксислар, хемотропизмлар ва фитогормонлар назоратини таъминлаш.

**Хемосинтез** – бактериялар ёрдамида органик бўлмаган моддалардан органик моддаларни синтезланиши.

**Хемотаксис** – муस्ताқил ҳаракатлана оладиган ҳужайраларни (зооспоралар, гаметалар, сперматозоидлар) кимёвий таъсирловчи йўналишда ёки ундан қочадиган ҳаракат реакциялари.

**Хемотропизм** – кимёвий модда, бирикма градиентига нисбатан ўсимликдаги ўсиш ҳаракатлари.

**Хемотропизм** – намлик, кислород, бошқа кимёвий бирикма томонга ўсимликни, унинг бирор қисмини ҳаракат қилиши.

**Хемотроф организмлар** – органик моддани органик бўлмаган моддалардан аммиак, водород сульфид шу каби тупроқда ёки сувда бўлган моддалардан ҳосил қиладиган организмлар. Хемотрофларга нитрофилловчи, рангсиз олтингугурт бактериялар, темирбактериялар ва бошқалар мансуб.

**Хемотроф ўсимликлар** – органик бирикмаларни органик бўлмаган бирикмалари оксидланиши натижасида ажраладиган энергия ҳисобига ҳосил қиладиган ўсимликлар.

**Хетофоралар** (*Chaetophorineae*) – талломи ипсимон ёки тарвақайлаган ясси япроқ, микроскопик ёки анча йирик, ипи тармоқланган, бир қаторли, учига ингичкалашган, одатда субстратга бириккан, тик турувчи ёки судралувчи сувўтлар (*Chlorophyta*, *Chlorophyceae*) кенжа тартиби.

**Хиазма** – 1. Мейоз профазасида хромосомалар ажрала бошлашида, кроссинговер натижасида ҳосил бўладиган шакллар. 2. мейознинг профаза I диплонемасида хроматидалар ўртасида ҳосил бўладиган Х га ўхшаш шакл.

**Хивчин** – плазмолеммани давоми ҳисобланиб, мембрана билан ўралган, ичида матрикс ва аксонемадан иборат. Хивчинни усти яшил, тилларанг сувўтларда минераллашмаган пластинка, диск каби кўринишлардаги тангачалар билан қопланган.

**Хивчинли аппарат** – хивчинли сувўтлар, зооспора ва гаметаларни ҳаракатлантирадиган хивчин (ундилипод), базал тана (кинетосом) ва хивчин илди-зидан иборат тузилма.

**Хивчинли тузилишлилардаги бўлиниш** – хивчинлиларда ҳаракатдан тўхтамай, ҳужайра табақалашмай, қисман табақалашиб, ҳаракатдан тўхтаб, пальмеллоид ҳолатга ўтиб, цистага айлангандан кейин рўй беради. Бундай бўлиниш монад тузилишли барча сувўтлар гуруҳларига хос ҳисобланади.

**Хиёл** (*Physochinia alatica* E. Korot.) – томатдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Химера** – 1. Пайвандтаг ва пайвандуст тўқималаридан иборат ўсимлик. 2. Тўқималари ҳар хил келиб чиқишига эга бўлган организмлар, шунинг учун ҳам

уларнинг ҳужайралари ҳар хил генотипга эга (ота-она ҳужайралари генотипига мос равишда) бўлади.

**Хинадошлар** (*Balsaminaceae*) - икки уруғ паллали ўсимликлар оиласи. Поялари тиниқ тусли, ширадор, барглари ёнбаргчасиз, оддий. Гуллари кўш кўрғонли, косачабарги пихли.

**Хинофит** – қор юзаси (ёки ичида) ўсадиган ўсимлик (сувўти).

**Хироптерофил ўсимликлар** – кўршапалаклар иштирокида гули чангланадиган ўсимликлар.

**Хламидобактерия** – ипсимон, шилимшиқсимон пўстли, гетеротроф озикланувчи, темир оксиди, гидроксидларини ўзида тўпловчи бактериялар.

**Хламидомонадалар** (*Chlamydomonadineae*) – бир ҳужайрали, радиал ёки билатериал симметрик, қисман ассиметрик 2-4 изоморф, изоконт, изодинамик хивчинли сувўтлар (*Chlorophyta*, *Chlorophyceae*) кенжа тартиби.

**Хламидоспоралар** – қалин пўстли споралар. Уларнинг пўсти одатда тўк рангли бўлиб, протоплазмасида ғамланган моддалар айниқса, липидлар кўп бўлади. Ноқулай шароитни ўташ, замбуруғни кейинчалик вегетатив кўпайиши учун хизмат қилади.

**Хлоллар** (*Cyberales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Хлорамебалар** (*Chloramoebales*) – бир ҳужайрали, монад, ҳаракатчан иккита турлича узунликдаги хивчинли, ҳужайрасининг пўсти йўк сувўтлар (*Xanthophyta*, *Xanthophyceae*) тартиби.

**Хлорангия** – гулнинг баъзи қисмларини яшил тусга кириши. Одатда текинхўр замбуруғларнинг таъсиридан содир бўлади.

**Хлоренхима** – фотосинтезни амалга оширадиган хлоропластлар тутган ҳужайралардан иборат бўлган тўқима.

**Хлоренхима** – 1. Цитоплазмасида кўплаб хлорофилл тутган тўқима. 2. Ҳужайраларида хлоропластлари бўлган паренхима ҳужайраларининг мажмуи.

**Хлороз** – 1. Ўсимликларда микроорганизмлар кўзғатадиган, япроқларни сарғиш рангга кириши билан рўй берадиган касаллик. 2. Баргларни вазифаси ўзгариши ёки инфекция таъсирида сарғайиши.

**Хлорококклар** (*Chlorococcales*) – бир ҳужайрали, колония, ценобий ҳолидаги ҳаракатланмайдиган, коккоид тузилишли, қалин целлюлоза қобикли, моноғ ва ценоцитларга бириккан сувўтлар (*Chlorophyta*, *Chlorophyceae*) тартиби.

**Хлоронема** – мохлардаги яшил рангли протонема.

**Хлоропласт шакллари** – сувўтларнинг ҳужайраларида хлоропластларни урчук, диск, лабсимон, юлдуз, халқа, тасма, линза, элак, коса кўринишларда бўлиб, ҳужайра маркази ёки пўсти яқинида жойлашади.

**Хлоросарциналар** (*Chlorocarcinales*) – бир ҳужайрали, колонияли, коккоид кўринишли, вегетатив ҳолатида бўлиниб, сарциноид тузилма ҳосил қиладиган сувўтлар (*Chlorophyta*, *Chlorophyceae*) тартиби.

**Хлорофилли паренхима** – қ. хлоренхима.

**Хлороэмбриофит** – уруғмуртаги яшил тусдаги ўсимлик.

**Холобазидия** – базидиали замбуруғларнинг кўпчилигидаги бир ҳужайрали базидия.



**Хроматик комплементар мослашув** – денгизларда ўсадиган сувўтларни ёруғлик нуруни тушиб беришига кўра мослашиб жойланиши. Юқори қаватда яшил, чуқурроқда кўк-яшил, ундан пастроқда қизил рангли сувўтларни бўлиши.

**Хроматин** – 1. Хужайра ядросининг махсус бўёқ билан бўяладиган қисми. 2. интерфаза ядросида бўяладиган модда, дезоксирибонуклеопроteidнинг дисперсиялашган ҳолати.

**Хроматин эквивалент** – кўк-яшил сувўтларининг хужайраларидаги ДНК тутган, алоҳида ип, таёқча, баъзан ўзаро бирикиб жипслашган ёки тўрсимон кўринишни ҳосил қилади. Одатда хроматин эквивалент биттадан бўлгани учун битта геномга эга, баъзан улар ўзаро бирикади ҳам.

**Хроматоплазма** – кўк-яшил сувўтларнинг протопластини периферик рангли пигментлар жойлашган қисми.

**Хромо...** – ранга алоқадорликни билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Хромобластомикозлар** - одамнинг терисида такомиллашмаган замбуруғлардан *Phialophora* ва *Hormodendron* туркумларининг айрим турлари кўзғатадиган касаллик.

**Хромомарказ** - хромосоманинг энг кўп бўялган қисми.

**Хромомер** - хромосоманинг кучли спираллашиши натижасида йўғонлашган қисми 1 мейоз профазасининг пахитенасида яхши кўринади. Хромомерларнинг ҳар бир хромосомада жойлашишининг ўзига хослиги хромосомаларни бир-биридан ажрата олишга имкон беради.

**Хромомералар** - хромосоманинг тез бўяладиган қисми. Хромосома ипида нуқта ёки донача шаклда бўлади.

**Хромонемо** - хромосоманинг нуклеопроteidдан иборат ипи. У хроматида-нинг тузилиш бирлиги саналиб, митоз бўлинишида спираллашади.

**Хромопласт** – сариқ ва пушти каротиноидлар тутган, хлоропластлари бўлмаган паренхима тўқимаси.

**Хромосома** – 1. Хужайра ядросининг ипчалар тузилишидаги ва генлардан ташкил топган бўялувчи тана. 2. Бўлинаётган ядронинг тўқ бўялувчи структураси, интерфаза хроматинининг спираллашиши, ўралиши натижасида шаклланган, конденсациялашган дезоксирибонуклеопроteid.

**Хромосомалар** - хужайра ядросининг асосий қисми бўлиб, ирсий белги ва хусусиятларининг бўғиндан-бўғинга берилишини таъминлайди.

**Хромосома пуффлари** - политен хромосомаларнинг деспирализациялашган фаол қисмлари. Онтогенез давомида пуффлар сони ва жойлашиши ўзгариб туради. Бу жойларнинг ўзгариши генларнинг дифференциал фаоллашишининг типик мисолидир.

**Хронологик каталог** – сувўт намунаси ҳақида умумий маълумот тутган каталог (Киев шаҳри, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Тошкент шаҳри).

**Хроококклар** (*Chroococcophyceae*) – кўк-яшил сувўтлар бўлимининг бир хужайрали «оддий» индивидлари ёки кўпинча колония ҳосил қиладиган синфи.

**Хроококклар** (*Chroococcales* Geitl.) – индивидлари бир ёки кўпинча колония ҳосил қилувчи 9 оилани ўз ичига олган (*Cyanophyta*, *Chroococcophyceae*) тартиби.

**Хусусий геоботаника** – алоҳида ўсимликлар типларидаги уюшмаларни географияси, динамикаси ва тузилиш қонуниятларини ўрганадиган геоботаниканинг тармоғи.

**Хушбўй ўсимликлар** (*Plantae aromaticus*) - хушбўй ҳидли эфир мойли ўсимликлар; саноат ва медицинада ишлатилади.

**Хушманзара ўсимликлар** - кўриниши чиройли, гули ва барги ранг-баранг ўсимликлар.

## Ц

**«Цветение воды»** – сув қаърида сувўтларни жадал равишда кўпайишидан сув рангининг ўзгариши. Сув кўк-яшил, оч-яшил, кулранг, сариқ-яшил, қизил, гишт-қизил, қизил-кўнғир, жигарранг тусларга киради.

**«Цветение почвы»** – нам тупроққа органик ва минерал ўғитлар солинганда, ундаги сувўтларни оммавий равишда кўпайишидан тупроқни яшил, кўк-яшил парда билан қопланиши.

**Цекотома** – кўнғир сувўтлар талломининг меристодермисидаги туклар жойлашган чуқурлик.

**Цекотосома** – кўнғир сувўтлар талломининг остки юзасидаги микроскопик бўшлиқ.

**Целастрдошлар** (*Celastraceae*) - Оддий баргли ва кўримсиз гулли икки паллали ўсимликлар оиласи. Дарахт ёки бута баъзан эса лиана шаклида ўсади.

**Целокаул** – поябаргли мохларда ёш муртакни архегоний асосини тешиб ўтиб, тўғноғичсимон пояни учига ўтиб ҳосил қилгани.

**Ценоареал** – ареалнинг мазкур тур оммавий тарзда ўсаётган қисми.

**Ценобиоз** – тирик организмларнинг уюшмаси.

**Ценогамета** – бир неча ядроли гамета ёки гаметангий (масалан, *Zygomycetes* синфи, *Micorales* тартибига мансуб замбуруғларда).

**Ценогенез** – табиий жамоаларни эволюцияси туфайли янги илгари бўлмаганларни шаклланиши.

**Ценогения** – вақт мобайнида ценотаксонларнинг ривожланишини ўрганадиган геоботаниканинг тармоғи.

**Ценогеография** – фитоценозларни ер юзаси бўйлаб тарқалиш қонуниятларини ўрганадиган геоботаниканинг тармоғи.

**Ценодинамик алмашинувлар** – фитоценоздаги муҳитнинг ўзгариши билан ценозларда рўй берадиган ўзгаришлар.

**Ценозигота** – ценогаметаларни (гаметанги-гаметалар) ўзаро қўшилиши натижасида юзага келадиган зигота.

**Ценокинез** – фитоценозлар ва ценопопуляцияларнинг динамикаси.

**Ценокарп гиницей** – бир-бирига қўшилиб кетган бир неча мевабарглardan ҳосил бўлган гиницей.

**Ценоморфлар** – у ёки бу ценозларга мослашган ўсимликларнинг формалари.

**Ценопопуляция** – ўсимликлар уюшмасидаги битта турга мансуб алоҳида индивидларнинг мажмуи.

**Ценопопуляциялар** – фитоценоз тузилишини ташкил қиладиган элементлар.

**Ценопопуляцияларнинг таркиби** – автотроф ва гемиавтотроф; гетеротроф ва гемигетеротроф организмлар.

**Ценопопуляция сони** – мазкур тур ўсимликни майдон бирлигидаги сони.

**Ценосорус** – папоротникларнинг птерисдошлар оиласи ўсимликларида соруснинг япроқ қирраси яқинида жойланиши.

**Ценотиплар** – турли биотик омиллар таъсирида юзага келган экотиплар.

**Ценофлуктуентлар** – ўзининг ҳаётий фаолият давраига кўра қисқа муддат давомидагина доминант бўладиган ўсимликлар.

**Ценоцит** – ҳужайрада бўлинишнинг рўй бермаслиги.

**Ценоцит таллом** – ўлчамлари катта, мураккаб тузилган, ғаройиб шаклли, жуда кўп ядроли таллом. Бундай таллом *Siphonophyceae (Chlorophyta)* синфига хос.

**Ценоцитик** – сувўт ҳужайрасида ўнлаб, юзлаб ядронинг бўлиши.

**Ценоэкотиплар** – фитоценотик муҳит билан узвий боғлиқликдаги экотиплар.

**Центрик диатомлар** – ҳужайралари биттадан ёки ип ёки занжирли колония ҳосил қилган, совути цилиндр, диск, линза, шар, эллипс, бочка, призма кўринишлардаги сувўтлар (*Bacillariophyta*) синфи.

**Центромера** - хромосомаларнинг механикавий маркази.

**Центроплазма** – кўк-яшил сувўтларнинг ҳужайраларини протоплазмасидаги диффуз ҳолда тақсимланган хроматин ва ғамланган моддалар жойлашган марказий қисм.

**Центросома** - ҳужайра ядронинг ёнгинасида жойлашган органоид бўлиб, иккита центриола дончаларидан иборат. Бу органоид ҳайвонлар ва баъзи бир куйи ўсимликлар ҳужайрасида бўлиб, ҳужайранинг бўлинишида фаол иштирок этади. Юксак ўсимликлар ҳужайрасида бўлмайди.

**Церамиялар** (*Ceramiales*) – талломи ясси, пластинка, цилиндр ёки тармоқланган. Ривожланишида гаметофит, карпоспорофит ва тетраспорофит алмашилиб турадиган барча денгизларда тарқалган сувўтлар (*Rhodophyta, Florideophyceae*) тартиби.

**Цефалодий** – айрим лишайниклар талломининг юзасидаги фақат сувўтдан иборат кичкина бўртма, япроқча ёки танача ҳолидаги ўсимта.

**Цецидий** – умуртқасиз ҳайвонлар, кўпинча ҳашаротлар таъсирида ўсимликда ҳосил бўлган улар учун яшаш жойи, озик бўлиб хизмат қиладиган беўхшов ҳосилалар.

**Цианом** – 1. Кўк-яшил сувўтларни энг содда ҳайвонлар ва бошқа организмлар билан симбиозидан юзага келган морфологик ҳолат. 2. Кўк-яшил сувўтларнинг соддалилар (*Protozoa*) билан ҳосил қилган морфологик мажмуи.

**Цианелла** – гемимонад тузилган, хлоропластини йўқотган сувўтларда уларнинг вазифасини бажарадиган кўк-яшил сувўтларга мансуб ҳужайра ичидаги симбионтлар.

**Цианофин доналар** – *Cyanophyta* ҳужайраларидаги структуралашган дончалар.

**Циатамалар** – папоротниклар бўлими полиподиопсидлар синфининг тартиби.

**Циатейлар** – папоротниклар бўлими полиподиопсидлар синфининг тартиби.

**Циатий** – битта урғочи, бир неча эркак сутламадошлардаги гулкўрғонсиз тўпгул.

**Цикадопсидлар** – очик уруғли ўсимликлар бўлимининг синфи.

**Цикланталар** (*Cyclanthales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Arecidae* кенжа синфининг тартиби.

**Циклик гул** – қисмлари гул ўрнида айланма шаклда жойлашган гул.

**Цикло ...** – “доира”, “халқа” маъноларини англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Циклоз** – цитоплазмани хужайрадаги айланма ҳаракати.

**Цикломорфоз** – 1. Жинсий кўпайиш рўй берайдиган ёки бу жараён кам рўй берайдиган сувўтлар талломидаги морфологик ўзгаришлар. 2. Сувўтларни ривожланишида мавсумга кўра морфологик кўринишларидаги ўзгаришлар.

**Циклоспоралар** (*Cyclosporophyceae*) – талломи йирик, меристодерма, пўстлок, оралиқ қават ва ўзакга табақалашган денгиз сувўтлари (*Phaeophyta*) синфи.

**Цикута** (*Cicuta*) - соябонгулдошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Цимоз тўпгул** – симподиал ёки сохта дихатомик ҳолда шохланиб, уларда асосий ўқдаги тепа гули биринчи бўлиб очиладиган, бошқаларининг очилиши марказдан чеккасига қараб борадиган тўпгул.

**Циркад** – ўсимликларда рўй берайдиган жараёнларнинг кун ва тун алмашинувиغا маълум даражада мос келиши.

**Циркад маром** – ўсимликлардаги эндоген ўзгаришларни қатъий 24 соатда эмас, 22 дан 28 соатгача даврдаги ҳодисалар.

**Циркумбореал ареал** – Ер шари бореал вилоятининг жамини эгаллаган ареал.

**Циркумнугация** – чирмашиб ўсувчи ўсимликлар поясининг учини айланма ҳаракати.

**Цирроид** – яшил сувўтлардан кладофораларнинг (*Cladophora*) ризоид хужайраларида ингичка спиралсимон ёки илмоқсимон, субстратга бирикадиган ўсимта.

**Цирроидлар** – *Spongomorpha* Kutz. туркумига мансуб (*Cladophorales*) сувўтларнинг танасидаги ингичка, спирал ёки қармоқсимон эгилган хужайралар.

**Циста** – 1. Тубан ўсимликларнинг кўпчилигини тиним ҳолдаги спораси, ноқулай шароитни ўташ вазифасини бажаради. 2. Тилларанг сувўтларда эллипс, тухум, цилиндр каби кўринишлардаги, целлюлоза пўстли кейин қумтош шимадиган, рангсиз ёки рангли, диаметри 20-35 мкм гача келадиган ноқулай шароитни ўташга мослашган ҳосила.

**Цистокарп** – қизил сувўтларда карпогон шохча ёнида жойлашган парда билан ўралган гонимобласт.

**Цистолит** – хужайра вакуоласида тўпланадиган тошсимон пуфакча шақлидаги ҳосила.

**Цистоспора** – 1. Цистанинг ичидаги спора 2. Цистага айланган зооспора (масалан, миксомицетлардан *Plasmodiophoromycetes* синфи *Woroninaceae* оиласида).

**Цистрон** – 1. Организм маълум бир белгисининг ривожланишига сабаб бўладиган геннинг кичик қисми. 2. Функциясига нисбатан ген синоними сифатида ишлатиладиган тушунча.

**Цито ...** – хужайрага оидликни билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Цитогенетика** - организмларнинг ирсияти ва ўзгарувчанлигини хужайра, хромосомалар, генлар билан боғлиқ ҳолда ўрганадиган фан.

**Цитогенетик харита** - хромосоманинг табақалашган бўёқ орқали генлар жойлашиш ўрни тўғрисида ахборот беради.

**Цитод** – ядросиз протоплазматик масса.

**Цитокинез** (цитотамия) – 1. Хужайранинг бўлиниши. 2. Хужайранинг бўлиниш жараёнининг атамаси.

**Цитокининлар** – микроорганизмлар, сувўтлар, папоротниклар, мохлар ва бошқа юксак ўсимликларда топилган хужайраларнинг бўлинишида қатнашадиган моддалар.

**Цитология** – хужайранинг тузилиши вазифалари ва эволюциясини ўрганадиган фан.

**Цитолиз** – хужайрани ўзидаги лизосомаларнинг таъсирида эриб кетиши.

**Цитомиксис** – алоҳида хромосома ёки ядрони бир микроспороцитдан иккинчисига ўтиши.

**Цитоплазма** – кўк-яшил сувўтларда қовушқоқ, гелсимон, ундаги тузилмаларнинг броун ҳаракати, плазмоллиз рўй бермайди.

**Цитоплазманинг ротацион ҳаракати** – хужайра цитоплазмасининг доиравий ҳаракати, бу билан вакуола марказда бошқалари деворга яқин жойлашади.

**Цитопрокт** – хужайрада ҳазм бўлмаган моддани ташқарига чиқарадиган тирқиш.

**Цитосом** – рангсиз фаготроф хивчинли сувўтларда (*Noctiluca* Sur., *Cyathomonas* From., *Peranema* Duј.) каттиқ озикни қабул қиладиган хужайранинг оғзи.

**Циторриз** – 1. Ўсимлик хужайрасининг сувсизланишидан бужмайиши. 2. Хужайра сувсизланганда протопласт пўстдан ажралмай ўзи билан тортиб кетиши.

**Цитохимера** – хужайрадаги турлича микдорда хромосомалари бўлган тўқималар мажмуасидан ташкил топган тўқима.

**Цитоэмбриология** – уруғли ўсимликларнинг кўпайишидаги қонуниятларни ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Цифелла** – лишайникларда газ алмашинувини амалга оширадиган махсус чуқурча.

**ЦЭС (ЦЭП)** - цитоплазматик эркак стериллиги (пуштсизлиги)- яъни чанг доначаларнинг (пуч) пуштсиз бўлиши.



## Ч

**Чайир** (*Andropogon caucasicum* L.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адир тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Чакамиғ** (*Turgenia latifolia* (L.) Hoffm.) – соябонгулдошлар оиласига мансуб, воҳалар адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Чакамиқ** (*Galium aparine* L.) – рўяндошлар оиласига мансуб, адир, тоғ, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Чаканда** (*Hippophae rhamnoides* L.) – жийдадошлар оиласига мансуб, тўқайларда ўсадиган доривор бута.

**Чалабош** (*Inula britannica* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғ, суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Чалабуталар** – кўп йиллик новдаларининг пастки қисми ёғочлашган, юқори қисми ҳар йили қуриб қоладиган ўсимликлар.

**Чалабута хамефитлар** – вегетация даврининг охирида новдасининг юқори қисми қуриб қоладиган, тикланиш куртаклари пастда бўлган хамефитлар.

**Чалабутача** – кўп йиллик ўсимликларга хос бўлиб, ер усти қисмлари ёғочлашган ҳаётий форма. Пастки бўғим оралиғи бир неча йиллар давомида тупроқ юзасида бўлиб, тикланиш куртакларига эга ўсимликлар, масалан, *Artemisia* туркумига мансуб кўпчилик ўсимликлар.

**Чала (ярим) ксерофитлар** – қурғоқ жой ксерофитлари бўлиб, уларнинг узун илдизлари ер ости сувларигача етиб боради.

**Чалов** (*Stipa*) - Ғалладошларга мансуб кўп йиллик баъзан бир йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Чаман, гулзор, клумба** - Боғ ва ҳиёбонларни безаш мақсадида гул экилган турли шаклдаги майдончалар.

**Чангдон** – гулнинг чанг доналарини ҳосил қиладиган қисми; чангдонларнинг мажмуи андроцейни ташкил қилади.

**Чангдон хоначаси, чангдон каваги, чангдон чаноғи** - Ичида чанг (микроспоралар) етиладиган орган. Чангдон одатда 4 хоначали бўлади.

**Чанг донаси** – уруғли ўсимликларнинг алоҳида тузилган хужайра пўстли микроспораси.

**Чангланиш** – гулли ўсимликларда чангдондаги чанг доналарини уларни қабул қилувчи қисми – уруғчига ўтиши.

**Чанглатиш** - эркак генератив органларида ҳосил бўладиган чанг доначаларининг урғочи орган-уруғчи тумшукчасига қўйиш.

**Чанг найи** – чанг донасини унишидан ҳосил бўлган хужайранинг найсимон қисми.

**Чангнинг жинсий хужайраси, эркак генератив хужайра** (*лот. generare - туғилиш*) - Чанглангандан сўнг эркак гаметофитга айланган икки хужайрадан бири. Бу хужайра ҳам ўз навбатида бўлинади ва эркак жинсий хужайрага айланади.

**Чанг ўтказувчи тўқима** – гулдаги уруғчи тугунчасининг бўйинча қисмидаги тўқима; чанг донасининг найи шу қисм орқали уруғчи тугунчасига ўтади.

**Чангчили гул, эркак гул (*flos masculus*)** - Уруғчиси бўлмаган, фақат чангчили гул.

**Чангчилик қубба (*strobilus masculus*)** - Игнабаргли ва умуман очиқ уруғли ўсимликларга хос тўпгул.

**Чанок** - кўсакнинг пахта етишадиган ҳосиллари. Кўсаклар асосан 4-5 чанокли, баъзан бундан ҳам кам ёки кўпроқ бўлади.

**Чанок, тугунча қаваги** - Баъзи ўсимлик меваларида уруғ ўрнашган қавак, жой, чанок. Ўсимлик меваларининг ичи бир чанокли ёки кўп чанокли (қавакли) бўлиши мумкин. Ёўза кўсагининг чаноклари бунга мисол бўла олади.

**Чапараста жуфтлик** – пояда барглари навбатлашган ҳолда бир-бирига нисбатан тўғри бурчак ҳосил қилиб жойланиши.

**Чачалбош (*Inula britannica* L.)** – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғ, суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Чачвақўт (*Tithymalus microsphaerus* (Boiss) Kl. et. Giik.)** – сутламадошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Чақич (*Calligonum setosum* Litv.)** – торондошлар оиласига мансуб, қумли чўлда ўсадиган қум ушловчи ярим бута.

**Чегараланган плазмолиз** – цитоплазмадаги плазмолизни хужайранинг бурчакларидан бошлангани.

**Чегара нуқталар** - ўсимлик турларига ва уларда бўладиган ҳар қандай жараёнларга таъсир қилувчи омилларнинг кескин чегараси.

**Чекана, чилпиш (*лот. decapitatio*)** - поянинг ўсиш нуқтасини олиб ташлаш.

**Чекловчи омиллар** – ўсимликларнинг табиий ёки махсус шароитда бирор ёки бир неча хил омиллар таъсирида унинг ўсиб ривожланишини чегаралаб, тўхтатиб, секинлаштириб ва ниҳоят қуриб қолишига сабаб бўладиган омиллар.

**Черкез (*Salsola richteri* Katel.)** – шўрадошлар оиласига мансуб, қумли чўлда ўсадиган ем-хашак доривор бута.

**Четан (*Sorbus persica* Hedl.)** – раънодошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган бута.

**Четдан чангланувчи ўсимликлар** – тўлиқ етилган ҳолда уруғларни фақат чангчиларни бошқа-бошқа ўсимликлардан оладиганлари.

**Чивик** - толнинг ингичка новдаси.

**Чидамлилик** – ўсимликларни ташқи муҳитнинг кескин даражадаги ноқулай шароитлари: тупроқ ва ҳаво қурғоқчилиги, нурланиш, тупроқни совуб кетиши кабиларга қарши тура олиш хусусияти.

**Чий (*Lasiogrostis spienolens* Kunth.)** – буғдойдошлар (бошоқдошлар) оиласига мансуб, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Чиллакоёқ (*Koelargia gracilis* Pers.)** – буғдойдошлар (бошоқдошлар) оиласига мансуб, тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Чилонжийда** - унобидошлар (чилонжийдадошлар) га мансуб ўсимликлар туркуми.

**Чилпиш** – ёш ниҳолни кўчириб бошқа ерга ўтказилаётган пайтда унинг ўк илдизининг учини узиб кўйиш.

**Чим** (*caespes*) - ўсимликнинг илдиз ва илдизпоялари зич чалкашиб ўсган ернинг устки қатлами.

**Чингил** (*Halimadendron halodendron* Vass.) – бурчокдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб, чўл адирда ўсадиган дарахт.

**Чиннигуллар** (*Caryophyllales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Caryophyllidae* кенжа синфининг тартиби.

**Чиннигул** (*Dianthus*) - чиннигулдошларга мансуб бир йиллик ўтлар ва бута ўсимликлар туркуми. Гуллари хушбўй ва чиройли, шонасида 5 та тожбарги бор.

**Чиннигул дарахт** (*Gugenia aramatica* Baill.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб, бўйи 20-22 м, барглари терисимон ялтироқ, гулидан чиннигул мойи олинадиган дарахт.

**Чиннигулдошлар, қорамуғдошлар** (*Caryophyllaceae*) - икки уруғ паллалилардан айритождиларга мансуб ўт ва буталардан иборат ўсимликлар оиласи. Барглари қарама-қарши жойлашган. Кўпчилик турларининг гуллари икки жинсли бўлиб, ҳашаротлар воситасида чангланади. Меваси - кўсакча, айримларида юмшоқ мева.

**Чиняшил сувўтлар** (*Chlorophyceae*) – монад, гемимонад, коккоид, сарциноид, ип, турли йўғонликдаги ип, паренхима, псевдопаренхима, сифон, сифонокладия тузилишли, бир-кўп хужайрали ёки хужайрасиз, якка ёки ўзаро бириккан сувўтлар (*Chlorophyta*) синфи.

**Чиримайдиган дарахт** (*Tnuja occidentalis* L.) – сарвдошлар оиласига мансуб, бўйи 12 (19) м келадиган Шимолий Американинг шарқий қисмида ўсадиган дарахт. Уни ҳаёт дарахти ҳам дейилади.

**Чиринди** (*putris*) - Бактериялар ва баъзи ёғоч чиритувчи замбуруғлар таъсирида ўсимлик ва органларининг бузилган қолдиқлари.

**Чирпиш** - Таркибида азот бўлган мураккаб органик жисм ёки моддаларнинг (жумладан, оксилларнинг) микроорганизм таъсирида бузилиши.

**Чирмашувчи ўсимликлар** – пояси ингичка бошқа ўсимлик ёки бирор нарсага чирмашиб ўсадиган девпечак, зарпечак, карнайгул, чирмовиқ каби ўсимликлар.

**Чирмашувчи ўсимликлар** – доиравий нутация ҳаракатларини амалга ошириб, таянч излаш билан ёруғлик томон ҳаракатланадиган (ўсадиган) ўсимликлар.

**Чирмовуқ** (*Cuscuta*) - чирмовдошларга мансуб паразит ўсимликлар туркуми. Чирмовуқнинг илдизи ва яшил барглари йўқ. У бирор ўсимлик поясига чирмашиб, махсус сўрғичлар билан шу ўсимлик таркибидаги сув ва озиқларни сўриб олиб яшайди.

**Читир** (*Malcolmia hispada* Litv.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Читранғи** (*Erysimum*) - крестгулдошларга мансуб бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари қатор тартибли, тукдор, гуллари сариқ, бинафша ёки оқ. Меваси - кўзоқ.

**Чия** (*Cerasus alatica* Pojark.) – раъногулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган бута.

**Чиқарувчи безлар** (*glandula secretorius*) - ўсимликлардаги турли суюқликларни чиқарувчи безчалар.

**Чойлар** (*Theales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи *Dilleniidae* кенжа синфининг тартиби.

**Чойчўп** (*Heliotropium arguzioides* K. et K.) – гавзабондошлар оиласига мансуб, қумли чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Чойўт** (*Lysimachia nummularia*) - наврўзгулдошлар (примуладошлар) га мансуб кўп йиллик ва ўрмалаб (ер бағирлаб) ўсадиган ўт ўсимлик. Барглари юмалоқ қарама-қарши ўрнашган, гуллари сарик.

**Чок** – 1. Динофит сувўтларнинг совути паллаларини боғловчи, энсиз ясси ёки қавариқ, силлиқ ёки ғадир-будур “белбоғ” 2. Диатом сувўтларнинг палласидаги бир жуфт турлича узунлик, хилма-хил тузилиш, паллани иккаласида ёки биттасида, айниқса *Naviculaceae* оиласига мансуб сувўтлар ҳужайраларида яхши намоён бўладиган узун ёриқ.

**Чоксизлар** (*Araphinales*) – ҳужайралари биттадан ёки тўпланган, юлдуз ёки зиг-заг колонияли. Совути таёкча кўринишидаги сувўтлар (*Bacillariophyta*, *Pennatophyceae*) тартиби.

**Чумчуккўз** (*Veronica*) - сигирқуйруқдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Буларга узоқ Шимолдаги бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар ва бутачалар, янги Зеландиядаги кичик-кичик дарахтлар киради. Гуллари қийшиқ, шонаси (тожи) ҳаворанг, баъзан оч қизил, меваси—кўсакча.

**Чумчуқоёқ** (*Convolvulus lineatus* L.) – печакгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Чумчуктол** (*Fraxinus syriaca* Boiss.) – зайтундошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган бута.

**Чунфут** (*Tithymalus ferganensis* (B. Fedtsch.)) – сутламадошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, доривор, кўп йиллик ўт.

**Чучмўмадошлар, наргисдошлар** (*Amaryllidaceae*) - бир уруғ паллалиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Гули тожбаргсимон, беш доирали ва уч бўғимли. Улар лолаларга жуда ўхшаш, ундан остки тугунчаси билангина фарқ қилади.

**Чўккан устицалар** – эпидерма ҳужайраларидан пастроқ сатҳда жойлашган ҳужайралар.

**Чўлланиш** – тупроқдан ўсимлик қопламини тўла ҳолда йўқолиб кетиши, инсон фаолияти билан тикланади.

**Чўпхина, ёввойи хина, тегманозик** (*Impatiens*) - хинадошларга мансуб бир йиллик ёки кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Поялари серсув, барглари кетма-кет жойлашган. Қўш гулқўрғони бўлган бундай ўсимликларнинг меваси кўсакча ёки қўзоқдир. Бу мева одамнинг қўли тегиши билан очилиб кетади (шунинг учун ҳам маҳаллий кишилар уни тегманозик деб атайдилар).

**Чўчкақулоқ** (*Allium karataviense* RGL.) – пиёздошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Чўғон** (*Aellenia subaphylla* CAM.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган ем-хашак чалабута.

### Ш

**Шабба** - дарахтнинг шох, новда ва барглари мажмуидан иборат юқори қисми.

**Шаббози Бешак** - қовуннинг кечпишар навларидан. Шакли чўзиқ тухумсимон. Пўсти бир оз буришган ва тўрланган. Ранги тўқ яшил. Баъзан сарғиш доғлари ҳам бўлади. Пўчоғи қаттик. Эти оқ, анча хушбўй.

**Шаббуй, левкой** (*Matthiola*) - крестгулдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Бўйи 15-80 см га етади. Маълум миқдорда бўтоқчалари бор. Барглари ланцетсимон. Оддий ёки қатма-қат хушбўй гуллари (турли рангда бўлиши мумкин) шингилларга тўпланган.

**Шавқат** (*Acer turkestanicum* Рах.) – зарангдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган дарахт.

**Шайтонкелмас** (*Eryngium bieberstenium* Nevski) – соябонгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерлар, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Шаир** (*Ferula schairii* Borscz.) – соябонгулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган смолали, доривор кўп йиллик монокарп.

**Шакл ўзгариши** (*modificatio*) - Бирор орган (барг ёки новда) нинг ўз шаклидан бошқа шаклга ўтиши.

**Шамбала** (*Trigonella foenum graecum* L.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, ем-хашак, бир йиллик ўт.

**Шам дарахт** (*Pentadesma butyracea* Sabine Guttiferaceae) – мевасида 2-3 ёнғоғидан 40-50% мой олиниб, ғарбий Африканинг маҳаллий аҳолиси овқатга ва ёритиш учун ишлатиладиган дарахт.

**Шамол воситасида чангланиш** (*лот. anemophilus*) - шамол воситасида чангнинг уруғчига келиб тушиши. Ўсимликларнинг бундай чангланиши, анемофилия деб ҳам аталади.

**Шамшод** (*Buxus sempervicens* L.) – шамшоддошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали дарахт.

**Шаполоқ** (*Iris germanica* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Шеролчин** (*Pedicularis olgae* Rgb.) – сигирқуйрукдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Шеролғин** (*Artemisia dracunculus* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Шизандра** (*Schizandra chinensis*) - магнолиядошларга мансуб ёғоч танали лиана (тропик печак). Бўйи 10 м га етади. Поялари бошқа дарахт ёки буталар танасига илашиб кетади ва унда ёйилиб ўсади. Барглари чўзиқроқ тухумсимон. Юмалоқ меваси етишганда зарғалдоқ-қизил тусга киради. Лимон сингари нордон ва хушбўй.

**Шилви** (*Lonicera olgae* Rgl. et Schmalh.) – шилвидошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган бута.

**Шилви, учқат** (*Lonicera*) - шилвидошлар (учқатдошлар) га мансуб буталар туркуми. Учқат ўсимлигининг меваси. Айрим ўт ва бута ўсимликларнинг (масалан, дафна, маржондарахт ва бирючина кабиларнинг) заҳарли мевалари ҳам шу ном билан айтилади.

**Шилдирбош** (*Sphaerophysa salsula* (Pall.) Dc.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, чўл, адир, воҳаларда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Шилвидошлар, учқатдошлар** (*Caprifoliaceae*) - икки уруғ паллали ва туташтожли ўсимликлар оиласи. Кўпчилиги бута ва дарахтлардан, баъзилари эса ўтлардан иборат.

**Шиллик арқон** – десмидия сувўтлар (*Chlorophyta*) хужайраларини ўзаро бириктириб турувчи шиллик.

**Шиллиқли йўллар** – шиллиқ ажратадиган каналсимон ҳосилалар, уларда шиллиқ тўпланади (масалан, *Allium* туркумига мансуб ўсимликларда).

**Шиллиқ “оёқча”** – десмидия сувўтларда (*Chlorophyta*) хужайрани субстратдан кўтариб турадиган шиллик.

**Шиллиқ танача** – десмидия сувўтларнинг (*Chlorophyta*) кўпчилигида вакуоласидаги органик модда билан тўлган майда ҳаракатланмайдиган доначалар.

**Шиллиқ ўрама** – айрим замбуруғларнинг спораларини ўраган шиллиқ қават (масалан, аскомицетлардан *Ascobalus innersus* Pers.). Шиллиқ ўрама спораларнинг тарқалишида хизмат қилади, шиллиқ юзаси билан субстратга ёпишиб олади.

**Шиллиқ ўсимта** – десмидия сувўтлардан (*Chlorophyta*) *Cosmocladium* Vreb. турида тармоқланган колония ҳосил қиладиган, хужайраларни ўзаро боғловчи шиллик.

**Шиллиқ хужайра** – шиллиқ, елим, шунга ўхшаш углеводли, сувда бўкадиган хусусиятли хужайра.

**Шиллиқли хужайралар** – шиллиқ моддали хужайралар (масалан, *Malvaceae* оиласининг ўсимликларида).

**Шимолий, бореал** - пайдо бўлиши ва яшashi жиҳатидан шимол шароитига мослашган ўсимлик.

**Шимувчи паренхима** – илдизнинг сўрувчи зонасидаги паренхима, унинг вазифаси илдиз туклари шимганни ўтказувчи элементларга бериш ҳисобланади.

**Шингил, шода** (*лот. racemus, botrys*) - тўпгулнинг бир тури. Бунда битта гулпояда учига яқинлашган сари қисқариб борадиган бандли ва ёш гуллар йиғилади.

**Шира каналчалари, ажраткич каналчалар** - баъзи ўсим-ликликларда шира ва бошқа суюқликлар оқадиган найчалар.

**Шира, сутсимон шира** (*лот. succus lacteus, latex*) - Ўсимликнинг сут йўлларидаги суюқлик. Ўсимликнинг тури, ёши, яшаш шароитларига қараб бу суюқлик сутдай оқ ёки сариқ, пушти, зарғалдоқ тусли ва турли таркибий қисмлардан (алкалоидлар, ферментлар ва каучуклардан) иборат бўлиши мумкин.

**Ширач** (*Eremurus regelii* Vved.) – пиёзгулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган манзарали кўп йиллик ўт.

**Шовул** (*Rumex thyrsifloris* Fingern.) – торондошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, маданий кўп йиллик ўт.

**Шойигул** (*Canna indica* L.) – шойигулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали кўп йиллик ўт.

**Шойи ёки сатин дарахт** (*Murraja paniculata* (L.) Jack.) – рутадошлар оиласига мансуб, Жанубий Осиё, Малайзияда ўсадиган, ёғочлиги сарғиш, қаттиқ, мустаҳкам, шойи каби товланадиган дарахт. Шойи дарахт деб *Chloraxylon Swietenia* DC. ҳам аталади, уни ёғочлиги ялтирайди.

**Шококил** (*Asparagus brachyphyllus* Turz.) – пиёздошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Шокила** (*Acorellus pannonicus* (Jaeg.) Pall.) – хилолдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Шолғомкарам** - карамнинг шолғом поясидек йўғон, семиз пояли (тугунакли) тури.

**Шона, гултож** (*corolla*) - гулдаги гулкўрғон япроқлари ичидаги доира. Ниҳоятда очиқ туслилигидан чанг ташувчи хашаротларни ўзига жалб қи-лади ҳамда гулнинг чангчи ва уруғларини ихота қилади. Хужайра ширасидаги эриган антоциан ва флаворн (сарик шоналарда) пигментлар гултожида ўзига хос тус ҳосил қилади.

**Шоналашнинг бошланиши** - Ўрта Осиё шароитида ғўзалар 6-7 та чинбарг чиқарганда, асосан май ойининг охири ва июннинг бошида шонага кира бошлайди.

**Шонасимон гулкўрғон, тожсимон гулкўрғон** (*perianthium corollinum*) - шонага (тожга) ўхшаш очиқ тусли гулкўрғон. Бундай гулкўрғонлар, асосан, лолла, гулсафсар, марваридгул (ландиш), пуфанақ, қамчингул ва гречиха каби ўсимликларда бўлади.

**Шотара** (*Fumaria vaillantii* Lotsi.) – кўкноридошлар оиласига мансуб, адир, тоғда, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Шохбарг** (*Ceratocephallum submersum* L.) – шохбаргдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Шохдор буғдой, сербошоқ, баракабошоқ** (*Triticum vulgare compositum*) - бошқа турлардан ўзининг мураккаб бошоғи билан фарқ қилувчи буғдойларнинг бир гуруҳи. Сербошоқ буғдойнинг устки қисмидан икки-уч гулли бошоқчалар, ўрта ва қуйи қисмидан эса 7-9 тагача ёш бошоқчаси бўлган бошоқли шохча ўсиб чиқади. Оддий буғдой бошоғида 30-40 тагача, сербошоқ буғдойнинг мураккаб бошоғида эса 150-200 тагача дон (5-10 г оғирликда) бўлади.

**Шохлак** (*Kalidium caspicum* (L.) Ung.Sternb.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган бута.

**Шохланиш, бутуқланиш** (*лот. ramificatio*) - ўсимлик танасининг ва илдизларининг шохчалар ва илдизчалар чиқариб, ўз сатҳини кенгайтириши.

**Штрихлар** – диатом сувўтларидаги совутининг тирқишларини зич жойлашгандаги кўриниши. Улар палланинг қиррасига нисбатан параллел, радиал-симметрик ва конвергент штрихларни ҳосил қилади.

**Шум** (*Fraxinus raibocarpa* Rgl.) – зайтундошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган бута.

**Шумгиёх** (*Orobanche aegyptica* Pers.) – шумгиёхдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, эфир мойли, доривор кўп йиллик ўт.

**Шумғия, шумгиёх** (*Orobanche*) - шумғиядошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик паразит ўсимликлар туркуми.

**Шумғиядошлар** (*Orobanchaceae*) - ёпиқуруғтоифа ўсимликлар типига мансуб оила. Кампирчопондошларга (гажакгулдошларга) ва, айниқса, сигирқуйруқдошларга анча яқин ўсимлик. Гуллари икки жинсли, икки лабли ва зигоморф. Чангчиларининг сони тўртта. бешинчи чангчиси редуцияланган (кичрайган ёки бутунлай йўқолган). Меваси - кўсакча; уруғлари анча майда ва кўп бўлиб, эндосперма билан ажралмаган эмбрионли. 130 га яқин хлорофиллсиз ўт турлари бор. Асосан, бошқа ўсимликларнинг илдизларида паразит бўлиб яшайди.

**Шютте** – лофоден друм (*Lofoden drum*) замбуруғи таъсирида дарахт ниҳолларида қорайиб қолишини ҳосил қиладиган касаллик.

**Шўра** (*Chenopodium*) - Бир йиллик, икки йиллик ва баъзан кўп йиллик ўт ёки чала бута ўсимликлар туркуми.

**Шўрадошлар** (*Chenopodiaceae*) - икки уруғ паллалилардан айритожлиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Кўпроқ бир йиллик ўт, баъзан бута, чала бута ёки дарахт ўсимликлар. Гуллари кўримсиз, тўғри ва кўп ҳолларда, беш бўғимли.

**Шўрсевар ўсимликлар** – шўрхоқ ва шўртоб ерларда ўсадиган, тупроқдаги тузга бардошли ўсимликлар.

## Э

**Эбалак** (*Ceratocarpus utriculosa* Bluk.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Эбеналар** (*Ebenales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Dilleniidae* кенжа синфининг тартиби.

**Эбракмеоз тўпгул** – шакли ўзгарган, япроғи бўлмаган тўпгул.

**Эванемохорлар** – ҳаво оқими таъсирида узоқ масофаларга тарқалиб кетадиган ўсимликлар.

**Эвапоспория** – нуцеллус ва уруғмуртак қоплами ҳужайраларидан муртак халтачани ривожланиши.

**Эвапотранспирация** – транспирация, тупроқ ва ўсимликлардан буғланган намлик.

**Эвассоциация** – 1. Фитоценоздаги иккинчи даражали, мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайдиган қатлам. 2. Иккинчи даражали қавати мустақил ҳолда бўла олмайдиган ассоциация.

**Эвгалоблар** – диатом сувўтларини сувни шўрланганлиги Кольбе шкаласига кўра 30-40% бўлганда ўса оладиганлари.

**Эвгалин** – халқаро классификацияга мувофиқ табиий сув ҳавзаларининг асосий массасини шўрланиши 35% бўлган денгизлар.

**Эвгалин сув ҳавзалари** – шўрланганлиги 30-40 промиле бўлган сув ҳавзалари.



**Эвгалофитлар** – шўрланишга энг кўп чидайдиган, вакуоласида туз кўптўплайдиган ўсимликлар. *Salicornia herbaceae* ва *Suaeda maritima* мисол бўлади.

**Эвглелалар** (*Euglenales*) – хлоропластли, хлоропластсиз, фотоавтотроф, миксотроф ёки сапрофит озикланадиган, баъзилари ҳайвонларнинг симбионтлари ёки текинхўрлари, хужайралари турли туман тузилишли, метаболик (*Euglenophyta*, *Euglenophyceae*) сувўтлар тартиби, 44 туркум ва 900 дан ортиқ чучук сув ҳавзаларида тарқалган.

**Эвглелена сувўтлар** (*Euglenophyta*) – тубан ўсимликларнинг ўзига хос ўсимликлар ва ҳайвонлар оламининг чегарасидаги юксак даражада тузилган 900 дан ортиқ турларни бирлаштирган бир хужайрали, кўпчилиги хивчинли, яшил, баъзилари қизил тусли эукариот сувўтлар.

**Эвгленомитоз** – эвглелена сувўтларига хос бўлган митоз бўлиниш.

**Эвгленоморфалар** – чувалчанглардан олигохеталар, копеподлар, ясси чувалчанглар, амфибияларнинг, балиқ жабраларида текинхўрлик қиладиган, хужайралари турлича шаклдаги, хўжайиндан ажралгандан кейин 1-7 хивчинли эвглелелаларнинг (*Euglenophyceae*) тартиби. Битта оиланинг 100 га яқин турлари бор.

**Эвителийлар** (*Eupteleales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Hamamelididae* кенжа синфининг тартиби.

**Эвколония** – ҳақиқий колония.

**Эвкоммиялар** (*Eucommiales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Hamamelididae* кенжа синфининг тартиби.

**Эвксерофитлар** – ҳақиқий ксерофитлар, уларга ксероморф кўриниш ва транспирацияни камлиги характерли.

**Эвмоноойкистлар** – бир уйли айрим жинсли эркак ва урғочили гуллари битта ўсимликда бўлганлар (масалан, *Populus* туркумининг турларида).

**Эвокация** – гулнинг шаклланишига тайёргарликнинг охириги босқичи.

**Эволюция** - организмнинг тарихий ривожланиши жараёнида такомиллашиши.

**Эврактиоз тўпгул** – шакли ўзгарган, япроғи бўлмаган тўпгул.

**Эври...** – «умумийлик», «турли туманлик», «кенг тарқалган» маъноларини билдирадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Эвриадаптив ўсимликлар** – ташқи муҳитнинг кенг доирадаги шароитларига мослашган ўсимликлар.

**Эврибатлик** – сув ҳавзасини вертикали бўйича кенг тарқалган организмлар.

**Эврибионтлик** – 1. Турли хил муҳит шароитида яшашга мосланганлик. 2. Айрим ўсимликларнинг ўсаётган тупроқ шароитидаги рН ни катта, кенг даражада бўлган ҳолда ўсиши.

**Эвригалин** – сувда эриган туз маълум миқдорда бўлгандагина ўса оладиган сувўтлар.

**Эвригалинлик** – шўрланишлиги турлича даражада бўлган муҳит шароитларига мосланганлик.

**Эвригигробионтлик** – атмосфера ҳавосининг намлигини анча даражада ўзгаришларига чидамли организмлар гуруҳи.

**Эврийкистлар** – эркак, урғочи ва гермафродит гуллари турли индивидларда бўлган ўсимликлар.

**Эвритерм** – ҳарорати ўзгариб турадиган, сувда ўса оладиган сувўтлар.

**Эвритермалар** – ўсишининг минимал ҳарорати 37<sup>0</sup>С дан кам бўлмаган, максимали 43<sup>0</sup>С дан юқори, аммо 70<sup>0</sup>С дан кам бўлган шароитда ўса оладиган микроорганизмлар.

**Эвритермлар** – атроф-муҳит ҳароратининг анча ўзгаришларига чидаб яшай оладиган организмлар.

**Эвритоп** – барча муҳит шароитларида ўса оладиган ўсимлик.

**Эвритолик** – қ. эврибионтлик.

**Эвритоп ўсимликлар** – тарқалиш ареали кенг бўлган ўсимликлар.

**Эвритроф ўсимликлар** – тупроқ танламай, озиғи турлича бўлган шароитда ўса оладиган ўсимликлар.

**Эврифотлик** – ёритилиш даражаси турлича муҳит шароитида ўса олишлик.

**Эврихор ўсимликлар** – тарқалиш ареали кенг бўлган ўсимликлар (масалан, *Urtica dioica* L., *Sonchus arvensis* L.).

**Эвспория** – меъёрида рўй бераётган мейоз бўлиниш натижасида споранинг ҳосил бўлиши.

**Эвстела** – яхши ривожланган ҳақиқий стела.

**Эвтерофитлар** – бир йиллик уруғли ўсимликлар.

**Эвтроф сув ҳавзалари** – ўсимликлар учун зарур бўлган озик моддалари кўп бўлган сув ҳавзалари. Бундай сув ҳавзалари планктонга бой бўлади ва кўп ҳолларда сувнинг кўкариб кетиши содир бўлади.

**Эвтроф ўсимликлар** – озик моддаларга бой тупроқлардагина ўсадиган ўсимликлар.

**Эвтроф ўсимликлар** – унумдор, чириндига ва минерал озикқа бой тупроқлардагина яхши ўсадиган ўсимликлар.

**Эвформа** – одатий ривожланиш жараёнида спора ҳосил қилишнинг барча босқичларини ўтайдиган занг замбуруғи.

**Эвфотик зона** – фототроф организмлар мавжуд чегарадан юқоридаги сув қатлам. Денгизларда эвфотик зона одатда 60 м, баъзан 100-120 м гача океанларнинг тиниқ сувларида 140 м гача боради. Кўлларда 15-20 м.

**Эгилган уруғмуртак** – ядроси бир текис ярим доира ҳолда эгилган уруғмуртак (*Ceryophyllaceae*, *Brassicaceae* оилаларининг ўсимликларида).

**Эгилган чангчилар** – учи асосига томон эгилган чангчилар (*Humanthes douglasi* R.Br. туркумида).

**Эдатоп** – 1. Эдафик (тупроқ-ер) шароитлари бўйича бир хил шароитли майдон. 2. Муҳитнинг тупроқ-ер шароитларининг мажмуи.

**Эдафоген алмашинувлар** – фитоценоздаги ташқи муҳит омилларининг таъсири натижасида рўй берадиган алмашинувлар.

**Эдификатор** – маълум бир шароитни (тупроқ, иқлим ва шу кабиларни) характерловчи ўсимлик тури ёки ўсимликлар ассоциацияси.

**Эдафик шароит** – ўсимликларнинг тарқалиши ва унинг ҳаётий фаолиятига таъсир этувчи тупроқ шароити.

**Эдафотиплар** – тупроқ ва ер ости сувларининг таъсирида ўсимлик ўсаётган муҳитдаги ўзгаришлар натижасида юзага келган экотиплар.

**Эдафифил** – ўсиш муҳити тупроқ бўлган сувўтлар.

**Эдафифитлар** – тупроқда ҳаёт кечирадиган тубан ўсимликлар.

**Эджектосома** – криптофит сувўтлар ҳужайрасидаги отилувчи қисм.

**Эдогониялар** (*Oedogoniales*) – ипсимон, ҳужайралари бўлинганда фақат шу тартиб сувўтларига хос халқалар ҳосил қиладиган, ипи оддий (*Oedogonium* Link.) ёки тармоқланган (*Bulbachaete* Ag., *Oedocidium* Stachi) кўпчилиги бириккан, узунлиги 50 см гача ҳам етадиган сувўтлар (*Chlorophyta*, *Chlorophyceae*) тартиби.

**Эзогенез** – фитоценознинг шаклланишида ценопопуляцияларнинг ролини алмашинуви, масалан, популяциядаги доминант ёки субдоминантларнинг алмашинуви.

**Эзодоминантлар** – фитоценоздаги популяциялари доминантлар ёки субдоминантлар ҳамда микроценозларда энг кўп бўлган ўсимликлар.

**Эзотопсидлар** – плаунлар бўлимининг синфи.

**Эйдология** – тур ҳақидаги фан.

**Экада** – ўсимликлардаги маълум ўсиш муҳитига боғланган ҳолда ўзида ҳосил қилган модификацион ўзгаришлари.

**Экадалар** – яшаш шароити билан боғланган ирсийланмайдиган модификация.

**Эквацион митоз** – қ. соматик митоз.

**Эквизетопсидлар** – қирқбўғимлар бўлимининг синфи.

**Эквифациал** – япроқнинг ҳар иккала томонини бир хил ташқи кўринишга эгаллиги, айрим ксерофитларда эпидерма ва мезофиллни бир хил типда бўлиши. Япроқни ҳар иккала томонида бир хил мезофиллнинг бўлиши.

**Экдокарпий** – данакли ўсимликлар мевасининг ички қаттиқ қавати.

**Экзарх** – илдизда ксилемани унинг маркази томон табақалашиб бориши.

**Экзарх ксилема** – марказга интилма йўналишда шаклланиб ҳосил бўладиган, ксилема элементлари, яъни энг эски элементлар орган марказидан узоқда жойлашади. Экзарх ксилема, масалан плаунларга хос.

**Экзарх ксилема** – қ. протоксилема.

**Экзина** – 1. Спорали ўсимликларнинг спорасини ташқи қавати 2. Чанг донасини турлича ўсимталари, бўртмалари бўлган ташқи қавати. 3. Папоротниклардаги споралар ва гулли ўсимликлардаги чанг доналарининг турли туман кўринишлардаги систематика ва эволюция жиҳатидан катта аҳамиятга молик тузилишли ташқи қават.

**Экзо...** – «ташқи», «юзаси», «сирти» маъноларини, ташқи муҳит билан алоқани англатадиган кўшма сўзлар бўлаги.

**Экзоаск** – лишайник таркибидаги халтачали замбуруғларнинг икки қаватли халтачасининг ташқи анча қалин қавати.

**Экзоарх жойланиш** – илдизда флоэма ва ксилемани марказга интилма ҳолда ташқи жойланиши.

**Экзодерма** – 1. Илдизнинг бирламчи қопловчи тўқимасини бевосита остида жойлашган бир ёки бир неча қават хужайралардан иборат қисми. 2. Илдизга биринчи пўстлоқнинг эпителимага туташган, ташқи бир-бирига жипс ёпишган хужайралардан иборат қават.

**Экзодинамик алмашинувлар** – ташқи муҳитдаги ўзгаришлари туфайли рўй берадиган ўзгаришлар.

**Экзо ва эндоспоралар** – кўк-яшил сувўтларнинг ҳаракатланмайдиган споралари.

**Экзокарпий** – 1. Гулкўрғоннинг ташқи қисми 2. Перикарпийнинг энг ташқи қавати ёки қаватлари.

**Экзон** – 1. ДНК нинг ирсий ахборотни сақловчи нуклеотидлар изчиллиги. 2. Эукариотларнинг оксил бирламчи структурасини кодлаштирувчи геннинг информатив қисми.

**Экзоперидий** – ташқи перидий, мева тананинг баъзан бир неча қаватдан иборат пўсти (масалан, базидияли замбуруғлардан *Gasteromycetes* тартиби, хусусан *Geastrum* туркумининг турларида).

**Экзоспора** – 1. Вегетатив хужайрани кўндалангига базипетал (шу хужайрани учидан асосига йўналишда) бўлиниши билан ажраладиган, жинсиз кўпайиш учун хизмат қиладиган спора. 2. Кўк-яшил сувўтлардан *Chaetosiphonales* тартибига мансуб бир хужайралиларда хужайра протопластларида ҳосил бўладиган спора.

**Экзоспорий** – спора периспорийсининг тагидаги қават.

**Экзоспория** – қ. экзина.

**Экзотеций** – 1. Юксак ўсимликлар чангдонининг ташқи хужайралар қавати (эпидермис) 2. Уруғмуртакнинг ташқи қаватидан ҳосил бўлган микропиленинг бир қисми. 3. Гулчангдонининг эпидермаси.

**Экзотлар** – инсонлар томонидан ўстириладиган илгари бу жойларда табиий ҳолда ўсмаган ўсимликлар.

**Экзотроф барглар** – новданинг ташқи томонида жойлашган ички томонидагидан каттароқ ўлчамли барглар.

**Экзохитон** – 1. Кўнғир сувўтларнинг айримларини (*Fucales* тартиби) оогонийсини пўстидаги ташқи қават. 2. Кўнғир сувўтлардан *Fucus* туркумининг вакилларидаги уч қават пўстли оогонийнинг ташқиси.

**Экзоэкогенетик алмашинувлар** – ташқи экология шароитларини ўзгаришлари туфайли рўй берадиган ўзгаришлар.

**Экин** - Аҳоли ва саноат учун озиқ-овқат ҳамда хом ашё олиш мақсадида экиладиган ўсимликлар.

**Эккрин секреция** – хужайрадан ажралаётган моддани алоҳида молекулалар ҳолида бўлиб, плазмолемма ва хужайра пўстидан ўта олиши.

**Экма тур, культиген** - парвариш қилиб етиштириладиган ўсимлик турлари.

**Экма ўсимликлар, экинлар** (*plantae cultae*) - маданийлаштирилган ва маълум бир хўжалик аҳамиятига эга бўлган ўсимликлар.

**Экма ўрмон** - дарахтларнинг уруғ ёки кўчатларини экиб, сунъий юзага келтирилган ўрмон.

### **Экобиоморфалар классификацияси:**

•бир уруғ паллали дарахтлар (*Phoenix, Sabal, Dracena*), пальмасимон буталар (*Vactris major*) ва пальмасимон лианалар (*Chamaedorea desmoncoides*), калтапояли пальмалар (*Nipa*);

•дарахт папоротниклар ва саговниклар (*Cyathea arborea, Juniperus*);

•икки уруғ паллали баргли дарахтлар (*Laurus, Acacia, Populus*), икки паллали буталар (*Tamarix, Rhamnus*). Drude (1913) классификацияси.

**Экобиоморфа** – ўсиш шакли ва биологик маъромлар ҳамда мосланишлари ва муҳит ҳосил қилиш хусусиятлари ўхшаш турларни (баъзан тур ичидаги формаларни) мажмуи.

**Экогенез** – 1. Организмларни экология шароитларига мосланишларидаги тарихий жараён 2. Экология шароитларини ўзгариши туфайли ўсимликларда содир бўладиган ўзгаришлар.

**Экоклимакс** – муайян экология шароитдаги ўсимликлар уюшмасидаги якуний босқич.

**Экологик анатомия** – ташқи муҳит шароитларини муайян жойдаги ўсимликларнинг ички тузилишига таъсирини ўрганадиган ўсимликлар анатомиясининг тармоғи.

**Экологик изоляция** – экология омилларининг сабабларига кўра, мазкур турга мансуб индивидларининг ирсий ахборотларни ўзаро алмаша олмай қолиши.

**Экологик классификация** – фитоценозларни яшаш муҳитининг белгиларига ёки эдификаторларнинг экоморфаларига асосланган классификацияси.

**Экологик мониторинг** – экосистемаларда антропоген характердаги ўзгаришларни аниқлаш.

**Экологик спектр** – қайси бир худуднинг, ўсимликлар қоплами типининг, формациянинг ва шунга ўхшашларнинг таркибини фоизларда ифодалангани.

**Экологик тип** – қайсидир экологик омилга шу билан боғлиқ бир қатор умумий белгиларга эга бўлган ўсимликларнинг мажмуи (масалан, гигрофитлар, галофитлар, псаммофитлар ва шунга ўхшашлар).

**Экологик форма** – муайян экологик шароитларнинг таъсири туфайли қайсидир морфология хусусиятларига эга бўлган бита турнинг популяцияси.

**Экологик эквивалентлар** – турли географик вилоятлардаги бир хил ёки ўхшаш экология муҳитларини эгаллаган ўсимликлар.

**Экологик қатор** – ўсимликлар уюшмаларини ҳал қилувчи омилнинг (ёки бир неча омилларни) ортиб ёки камайиб боришига нисбатан жойланиши. Ҳал қилувчи омиллар бўлиб: тупроқнинг намлиги ёки шўрланганлиги, тупроқдаги чириндининг ёки минерал элементларнинг миқдори ва шу кабилар ҳисобланади.

**Экология оптимуми** – 1. Ўсимликларнинг ўсиш шароитлари энг мақбул бўлгани. 2. Фитоценозда ўсимликни энг катта баландликда бўйга эгалигини ифодаланиб, оптимум ривожланишга эга бўлганлиги.

**Экосфера** – организмлар бўлган атроф-муҳит.

**Экотип** - бир турнинг маълум тупроқ - иқлим шароитида тарқалган ва шу шароитнинг нокулайликларига мослашган ирсий барқарор шакллари.

**Экотоп** – 1. Муайян жойдаги органик бўлмаган муҳитнинг абиотик шароитларини мажмуи бўлиб мазкур ўсимликлар уюшмасининг яшаш жойи ҳисобланади. 2. Атроф муҳитнинг физикавий география жиҳатидан таъсирларининг бирламчи мажмуи.

**Экофенотип** – фенотипнинг ташқи муҳит омилларини таъсирига жавобан ирсий бўлмаган модификацияси.

**Эксикат** – бирор тур ўсимликнинг гербарийси унда йиғилган жойи ва вақти ким йиғгани ва аниқлаганини кўрсатилгани.

**Экскретор хужайра** – ташқи муҳитга турли моддаларни ажратувчи хужайра.

**Экскреция** – хужайрадан моддаларни фаол ҳолда ажралиши. Ўсимликдан фаол ҳолда сув, тузлар, қанд, шиллиқ ферментлар ва эфир мойлар ажралади.

**Экспоненциал ўсиш** – нисбатан бир хил тезликдаги ўсиш.

**Экспрессивлик** – 1. Белгининг фенотипик юзага чиқиш даражаси, тўлиқмас экспрессивлик хатар даражасини ва касалликнинг авлодда юзага чиқишини камайтиради. Бу хусусиятни прогноз тузишда эсда сақлаш лозим. 2. Белгининг фенотип намоён бўлиш даражаси.

**Экспермация** – уруғларни (диаспоралар) фитоценоздан ташқарига чиқарилиши.

**Экстраарид иқлим** – қурғоқчилик кўп бўладиган ҳудудлар иқлими.

**Экстраксиляр тола** – ксилемада шаклланмай, бошқа тўқимада шаклландиган тола.

**Экстратермал термофиллар** –  $+40-45^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ўсмайдиган,  $+80^{\circ}\text{C}$  атрофидаги ҳарорат мўътадил,  $93^{\circ}\text{C}$  га яқин ҳарорат максимал ҳисобланган бактериялар.

**Экстрафлорал нектархоналар** – гулдан бошқа жойда жойлашган нектархоналар.

**Экстрацеллюляр конюгация** – хужайрадан ташқарида рўй берадиган конюгация.

**Экстрацеллюляр симбионт** – шиллиқда ёки хужайралараро бўшлиқларда ва хужайрининг бўш хужайраларида яшайдиган, аммо хужайранинг протопластга кирмайдиган симбионт (организм).

**Экстрорз чангдон** – чангдон ёриғи гинецейдан ташқи томонга қараган чангдон.

**Экцилул** – халтачали замбуруғларнинг алотичит тилидаги мева танасининг этдор қисми.

**Экто...** – «ташқарида», «ташқи» маъноларини англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Эктоаск** – аскнинг (халтача) ташқи мембранаси бўлиб, эндоаскнинг ташқарига чиқиш имкониятини яратадиган ҳолда йиртилиб, пастга бураладиган ҳолати (халтачали замбуруғлардан *Pyrenomycetales* тартибининг айримларида).

**Эктогония** – она организмнинг қисмларини хромосомаларни ирсийланиши билан боғлиқ бўлмаган дурагай муртак таъсирида ўзгариши.

**Эктодесма** – қ. тейход.

**Эктокинетик очилиш** – саговникларда микроспорангийни эпидермал хужайралар ёрдамида очилиши.

**Эктокинетик очилиш** – очик уруғли ўсимликлардан саговникларда микроспорангийни бир хил калинликда бўлмаган эпидермал хужайраларни ёрик ҳосил қилиб очилиши.

**Эктозоохория** – ўсимликларнинг уруғ ва спораларни ҳайвонларнинг танасини устида жойлашиб тарқалиши, бунинг учун улар махсус мосланишларни (илмоқлар, ёпишқоқ моддалар ва шу кабилар) ҳосил қилади.

**Эктокарпалар** (*Ectocarpales*) – талломи бир қаторли оддий ёки тармоқланган ипдан иборат, гаметофит ва спорофити ўхшаш барча денгизларда тарқалган сувўтлар (*Phaeophyta*, *Phaeozoosporophyceae*) тартиби.

**Эктострома** – 1. Диатрипоид строманинг пўстлоқ паренхимаси ва хўжайин ўсимлик перидермасидаги кейинчалик ёриладиган ҳосиласи 2. Замбуруғ стромасидаги юқориги сўрғичсимон қисм. 3. Такомиллашмаган замбуруғларда конидияларнинг тарқалишида иштирок этадиган ҳосила.

**Эктотекинхўр** – хўжайин организм танасини устида жойлашиб, озиқ моддани хўжайиндан гаусториялари билан оладиган текинхўрлар (масалан, *Ascomycetes* синфидан *Erusiphales* тартибининг замбуруғлари).

**Эктомикориза** – илдизда ўсаётган замбуруғни илдизни устидан ўраган ҳолда ўсиши, бундай ҳолат дарахт ва буталарга хос.

**Эктотроф микориза** – замбуруғларнинг мицеллийсини ўсимлик илдизини устидан қоплаб ҳосил қилган микориза.

**Эктофит мицелий** – халтачали замбуруғларнинг текинхўрларида субстрат устидан мицелий.

**Эктофлой сифносте́ла** – ксилемадан ташқарида жойлашган ўзак ва бита флоэмаси бўлган сте́ла.

**Эктэкзина** – микроспораларнинг экзинасини ташқи қавати.

**Элайосома** – уруғ ёки мевадаги мой тўплайдиган, уни чумолилар истеъмол қиладиган кичкина ўсимта.

**Элайосомалар** – айрим ўсимликларнинг (масалан, *Chelidonium* ва *Luzula* туркумларини турларида) мева ва уруғларидаги этдор, еса бўладиган ўсимталар бўлиб, уларни хашаротлар орқали тарқалишига олиб келади.

**Элайропласт** – баъзи ўсимликларда ёғлар тўпланадиган махсус жой.

**Элаксимон най** – очик уруғли ва гулли ўсимликларда флоэманинг ўтказувчи қисмлари.

**Элаксимон найлар** – кўнғир сувўтлардан *Laminariales* тартибининг сувўтларини ўзак қисмидаги фотосинтез маҳсулотлари ташиладиган найлар.

**Элаксимон элемент** – озиқ моддаларни поя бўйлаб ўтказишга хизмат қиладиган, флоэманинг ташқарисидаги хужайра.

**Элангация** - полинуклеотид занжирини узайиши.

**Элатофор** – анокрагин юнгерман мохлар спорогонии кутичасининг ичини ўртасига бириккан тўплам.

**Элатера** – мохларнинг ривожланишида ҳосил бўладиган турлича шакл ва катталиқдаги хужайра.

**Элатералар** – поябаргли мохларнинг кўсакчасидаги стерил хужайралар.

**Электив озик** – муайян тур организмлар, кўпинча сувўтлар, замбуруғлар, бактерияларнинг яхши ўсиши учун тайёрланадиган махсус озик.

**Электротропизм** – ўсимликдан электр токини ўтказилганда ёки уни электростатик майдонга киритилганда рўй берадиган ҳаракатлар.

**Электрофорез** - электр майдонида молекулаларни ҳар хил ҳаракатланишига биноан ажратиш техникаси.

**Элизия** – турнинг ўсимликлар жамоасидан чиқарилиши.

**Элита** – 1. Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган юксак ҳосилдорликка эга бўлган уруғ нави. 2. Навга хос энг яхши ўсимликларнинг танлаб, кўпайтириб олинган уруғлиги бўлиб, навнинг барча ирсий белги ва хусусиятларини кейинги бўғинларга ўтказди.

**Элита ўсимликлари** - янги нав яратиш учун танлаб олинган энг яхши ўсимликлар.

**Эман, дуб, болут (*Quercus*)** - қорақайиндошларга мансуб баланд дарахтлар ёки буталар туркуми. Барглари қатор тартибли, доим яшил ўсимлик. Гуллари бир жинсли. Эркак гуллар осилиб ўсувчи баргакларда, урғочи гуллар эса якка-якка бўлиб ўсади. Барглари узун тескари тухумсимон. Меваси - кўсакча.

**Эмбриогенез** – зиготадан муртакнинг ривожланиш жараёни.

**Эмбриогония** – қ. эмбриогенез.

**Эмбриоид** – тухум ҳужайрадан эмас, соматик ҳужайралардан ривожланган муртак.

**Эмбриоидлар** – очик уруғли ўсимликлардан саговниклардаги спорофитга хос морфогенезни ҳосил қиладиган муртакка ўхшаш ҳосила.

**Эмбриология** – ўсимлик организмнинг яратилиши, вужудга келиши, муртакдаги тузилмаларни табақалашуви ҳақидаги қонуниятларни ўрганадиган фан тармоғи.

**Эмбрион** (*юн. embryo; лот. corculum*) - ўсимликларда янги, эндигина пайдо бўлаётган бошланғич муртак.

**Эмбрионал ўсиш жойи** – илдизни ёки пояни апикал (учки) қисми бўлиб, бу жойдаги ҳужайраларнинг жадал тарзда бўлиниши.

**Эмергент** – гигант дарахтларнинг учки қисмларида ҳосил бўлган баланд ўрмонлар устидаги қоплам.

**Эмергенц** – эпидермисда кўзга кўриниб турадиган атиргул тикани каби ўсимта.

**Энаций** – 1. Қазилма плаунлар поясидаги бирламчи пўстлоқнинг фотосинтезловчи ўсимталари 2. Қуруқликнинг энг содда тузилишли ўсимликларнинг поясидаги ўсимта.

**Энациялар** – *Asreroxylon* туркумига мансуб турларда ҳосил бўлиб, фотосинтезни амалга оширадиган баргсимон ўсимталар.

**Энергетик аппарат** – ҳужайрани митохондрийлар ва хлоропластларнинг фаолияти туфайли энергия билан таъминланиши.

**Эндарх ксилема** – ҳужайраларни вояга етиши, поя марказидан чеккасига йўналишда рўй берадиган ксилема гуруҳи.

**Эндем** – фақат шу ҳудуд учун хос бўлган ўсимлик.



**Эндемиклар** – турлар, туркумлар, оилалар ва ўсимликларнинг бошқа таксонларнинг муайян ҳудуд билан чекланиб тарқалганлиги.

**Эндемик фитоценозлар** – фақат чекланган ҳудудда тарқалган фитоценозлар.

**Эндемик флора** – эндемик турлардан ташкил топган флора.

**Эндобионт** – эндофит ва эндозоитларнинг умумий атамаси.

**Эндогамия** – яқин қариндош формаларнинг ўзаро чатишуви.

**Эндоген мицелий** – ҳўжайин организмида ёки органик қолдиқнинг ичида ривожланаётган мицеллий.

**Эндоген циста** – сариқ яшил сувўтларда кумтош билан тўлган икки паллали пўстли униб зооспора ҳосил қиладиган, кўпайиш ва ҳимояланишни бажарадиган, тиним даврини ўтайдигани.

**Эндодерма** – 1. Марказий ҳўжайрани ўраб турадиган бирламчи пўстлоқни ички қавати 2. нинабарглиларнинг япроғини мезофили ва трансфузия тўқимаси орасидаги ҳўжайралар қатлами.

**Эндодерма, ички пўст (*endodermis*)** - уруғкуртакни ички томондан ўраб турувчи пўст ёки парда.

**Эндодермоид** – эндодермага ўхшайдиган дегани.

**Эндозоохория** – уруғни ҳайвонлар, кушларнинг ошқозон ичаклари орқали ўтиб, зарарланмай чиққанидан кейин тарқалиши.

**Эндокарпий** – перикарпийнинг ички қавати ёки қаватлари.

**Эндокинетик очилиш** – очик уруғли ўсимликлар микроспорангийсини эндотеций ёрдамида очилиши.

**Эндоксилофитлар** – ўсимликларда яшайдиган текинхўр ўсимликлар.

**Эндолит** – сув остидаги оҳактошли субстратни парчалаб ўсадиган сувўтлар гуруҳи.

**Эндолит лишайник** – тошлар орасида ўсаётган лишайниклар.

**Эндолитофитлар** – тошлар, қояларнинг ўзлари ҳосил қилган ёриқларида ўсадиган сувўтлар.

**Эндокембрана гуруҳи** – плазмолемма, тонопласт, эндоплазматик тўр ва ядро пўстини умумлаштирган атама.

**Эндомитоз** (*эндо* - ички, *митоз* - бўлиниш) - 1. Бўлинган хромосомаларнинг кутбларга тарқалмаслиги натижасида ядрога улар сонининг ортиб кетиши. 2. Ҳўжайра бўлинаётганда профаза даврида ядро пўстини сақланиб, хромосомани бир неча марта кўпайиши уларни янги ҳўжайра ядроларига тарқалмаслиги билан рўй берадиган митоз. 3. Хромосома редупликациясидан кейин ҳўжайра бўлинмайдиган ва ядрога хромосомаларнинг полиплоид тўплами ҳосил бўладиган жараён.

**Энтомифил замбуруғлар** – ҳашаротларда текинхўрлик билан озикланувчи замбуруғлар.

**Эндоплазма** – ҳўжайра цитоплазмасининг турли донасимон кўшимчалари ва органоидлари бўлган ички қавати.

**Эндоплевра** – уруғнинг ички пўсти.

**Эндосимбиоз** – эндофит ҳолда яшайдиган организмларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

**Эндосимбионтлар** – яшил сувўти *Carteria Dies* туркумидан киприкли чувалчанг *Convolvula roscoffensis*, *Chlorella* Beijer туркумидан битта тур содда хайвон *Paramecium bursaria*, *Chlorococcum* Fr. туркумининг айрим турлари криптофит сувўт *Cyanophora paradoxa* Korsch. да ўсади.

**Эндосперм** – гулли ўсимликларнинг муртак халтасидаги марказий хужайрасидан шаклланадиган бирламчи ядроси тутган озикли тўқима.

**Эндоспермнинг базал типда ривожланиши** – эндосперм ривожланишини целлюляр ва нуклеар типда ривожланишини ораликдагиси.

**Эндоспермнинг бирламчи ядроси** – муртак халтачанинг марказий хужайрасида эркаклик гаметофитни иккита поляр ядро билан қўшилишидан юзага келган ядро.

**Эндоспермнинг иккиламчи ядроси** – гулли ўсимликларнинг эмбрион халтасидаги марказий хужайранинг иккита ядросини қўшилишидан юзага келган ядро.

**Эндоспермнинг нуклеар ривожланиши** – ядро бўлинаётганда хужайра деворларининг ҳосил бўлиши, кечроқ юзага келиши билан ривожланиши.

**Эндоспора** – 1. Яшил сувўтлардан *Zygnematales* тартибига мансублар зиготасидаги ички қават 2. Кўк-яшил сувўтлар хужайрасида ҳосил бўладиган спора. 3. Кўк-яшил сувўтларда хужайра ичида ҳосил бўладиган бошқа хужайраларга ўхшаш ёки шакли ва ўлчамлари билан фарқланадиган, спорангийни шилимшиқланиши билан ажраладиган қисми.

**Эндоспория** – қ. интина.

**Эндостом** – мохларнинг кўш тишли перистомининг ички қатори.

**Эндострома** – замбуруғлар стромасидаги перитеций ривожланадиган ички қават; диатрипод строманинг ички қисми.

**Эндотеста** – *Ginkgo* ўсимлиги уруғмуртаги интегументининг юпқа ички қавати.

**Эндотеций** – 1. Очиқ уруғли ўсимликларда (саговниклардан ташқари) микроспорангийнинг очилишида иштирок этадиган қавати 2. Мохлардаги муртакнинг ички қавати 3. Чангдон хужайраларини пўсти, иккиламчи даражада қалинлашган ички девори.

**Эндотоксин** – кўк-яшил сувўти *Microcystis aeruginosa* хужайрасининг бевосита ичидаги токсин.

**Эндотроф микориза** – замбуруғ гифасини ёш илдиз тўқимасига паренхимага кириши билан ҳосил қиладиган микориза.

**Эндотроф барглар** – поянинг ёнбош новдаларини ички томонида жойлашган барглар, экзотроф барглардан кичикроқ бўлади.

**Эндотроф организмлар** – асосан текинхўр, хўжайин танасида ривожланадиган организмлар.

**Эндофит** – бошқа организмлар танасида, ўлик хужайраларининг ичида ўсаётган ўсимлик (сувўт).

**Эндофитлар** – тош жинсларга кириб борадиган сувўтлар, замбуруғлар ва лишайниклар; бошқа ўсимликларни, ҳайвонларнинг ичидаги ўсимликлар.

**Эндохитон** – қўнғир сувўтлардан *Fucus* туркумига мансубларда уч қават пўстли оогонийнинг ичкиси.

**Эндоекзина** – спорадерма экзинасининг ички қавати.

**Эндоеккогенез** – фитоценозни ташкил қилган уюшмалардаги ўзгаришлар туфайли рўй берадиган ўзгаришлар.

**Эндоектотроф** – эктотроф ва эндотроф микоризанинг оралиғи.

**Эннацион япроқ** – қазилма плаунлар поясидаги қавати.

**Энто...** – «ички», «ичида» деган маъноларни англатадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Энтомопатоген бактериялар** – ҳашаротларда касалликлар кўзғатадиган бактериялар.

**Энтомофил ўсимликлар** - Ҳашаротлар воситасида (четдан) чангланувчи ўсимликлар. Бундай ўсимликлар одатда ҳашаротларни ўзига жалб қилувчи маълум белги - хусусиятларга эга бўлади.

**Энтомофилия** –ўсимлик гулининг ҳашаротлар ёрдамида чангланиши.

**Энтофизаллар** (*Entopysalidales* Geitl.) – индивидлари колониал субстратга бириккан, хужайраси шар ёки эллипс тузилган, 2 оилани ўз ичига олган (*Cyanophyta, Chraococcophyceae*) тартиби.

**Энхилема** – 1. Хужайранинг шираси ёки цитолимфа 2. Цитоплазманинг асосий қисми 3. Протоплазманинг альвеолар моддаси.

**Энциклоцит устица (оғизча)** – тўрт ёки ундан кўпроқ қўшимча (ёрдамчи) хужайралар билан халқасимон ўралган, папоротниклар, очик уруғлилар ва гулли ўсимликларда учрайдиган устица.

**Эоклимакс** – қадимги даврларда кучли даражада ривожланган ўсимликлар қоплами.

**Эпи...** – «муайян нарсанинг устида, ёнида ёки кетида жойлашганлигини» билдирадиган қўшма сўзлар бўлаги.

**Эпибазидий** – базидияли замбуруғларнинг базидиясини устки қисми.

**Эпибионт** – бошқа организм устида яшайдиган организм, масалан микромицем замбуруғ устидаги замбуруғ.

**Эпибласт** – ғалладошлар оиласи ўсимликларида рудемент ҳолда ривожланадиган иккинчи уруғпалла.

**Эпиблема** – айрим ҳолларда илдиз эпидермасини ифодалайдиган атама.

**Эпивалва** – диатом сувўтлар хужайрасининг устки қисмини қоплаб турадиган пала; пиропит (динопит) сувўтлари хужайра пўстининг устки қисми.

**Эпигеал** – уруғни ер устида қолганда, унишини ифодалайдиган атама.

**Эпигей лишайниклар** – япроқ устида ўсадиган лишайниклар.

**Эпиген лишайниклар** – тупроқнинг юзасида ривожланадиган лишайниклар.

**Эпигенема** – Ер қобиғининг биогеоценотик юзаси.

**Эпигиния** – гулдаги косабарглар, тожбарглар ва чангчиларнинг уруғчидан юқорида туриши.

**Эпигимений** – лишайникларнинг апотецийини гимений қатламини юзасидаги ранги ёки донадорлиги билан ажралиб турадиган ҳосила.

**Эпигон** – барг пояли мохларнинг спорофитни муртагидаги ўрама. Спорофит ўсиши билан эпигон кўндалангига йиртилади, юқоригиси қопқоқчани, пасткиси спорогон бандини бўйинбоғ ҳолида ўрайди.

**Эпидерма** – ўсимликларда газларнинг алмашинуви ва тирик тўқимадан сувни табиий равишда буғланишини назорат қиладиган, касаллик кўзғатадиган организмларни ўсимлик ичига киритмайдиган, ички тўқималарни жароҳатланишдан сақлайдиган, органларни мустаҳкамлигини таъминлайдиган, ўзидан ташқарига эфир мойлари, сув, туз ажратадиган, сўриш вазифасини ҳамда турли моддаларни синтезида иштирок этадиган, ташқи таъсирни қабул қилувчи тўқима.

**Эпидермис** – гул, уруғ, мева, ёш барг, поя, уни ўсиш қисмининг учини қоплаб турувчи протодермадан юзага келади бирламчи қоплагич тўқима.

**Эпизоит** – ҳайвонлар танасининг устида ўсадиган сувўтлар. Моллюскаларнинг оҳаклашган чиғаноқларида *Cladophora*, *Oedogonium* яшил, кўк-яшил ва диатом сувўтлар ўсади.

**Эпизоохория** – уруғ ва меваларни ҳайвонларга илашиб тарқалиши.

**Эпикотил** – муртакнинг поя қисми в аруғпалла устидаги муртак япроқ ва унинг марказий қисми.

**Эпикотил, палла бўғим** (*epicotylus*) - уруғпалла билан биринчи барг орасидаги поя бўлаги ёки биринчи бўғим оралиғи.

**Эпилимнион** – кўл, ҳовузлардаги куёш нури яхши иситадиган, шу боисдан енгил юза қават.

**Эпилитик сувўтлар** – тоғ қоялари юзасида ўсадиган сувўтлар гуруҳи.

**Эпиматит** – очик уруғлилардан *Podocarpales* тартиби ўсимликларида мегастробилани ўраб олган анча шакли ўзгарган танача.

**Эпинастия** – ўсимликнинг алоҳида қисмини унинг юқори қисми тез ўсиб кетишидан эгилиши.

**Эпинеястон** – сув сатҳи юзасида тарқалган организмлар (сувўт).

**Эпиорнитохория** – ўсимликларнинг муртакларини қушларнинг танасига ёпишиб қолиши туфайли тарқалиши.

**Эпипетал чангдон** – гулнинг тожбаргига бириккан чангдон.

**Эпипелит** – субстратга бирикмаган сув остида ўсиб, уни мустаҳкамланишида иштирок этадиган сувўтлар.

**Эпипелит сувўтлар** – майин тупроқ, қум юзасида ўсадиган сувўтлар гуруҳи. Хара сувўтлар яққол мимол бўлади.

**Эписома** (*эпи - кейин, устки, сома - танача*) – 1. Хромосома билан боғланмаган ҳужайранинг ирсий омили. Бактериялар эписомалари бошқа микроорганизмларга ўтиб, йирик плазмида бўлиши, плазмидалар эса эписомага айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам цитоплазмада жойлашган, лекин ядро билан боғланмаган ирсий элементларни кўпинча эписомалар деб аталади. 2. Ҳужайра ДНК сидан мустақил ҳолда ДНК репликациясини амалга оширадиган генетик бирлик (плазмид).

**Эписпермий** – уруғнинг устки пардаси.

**Эписпорий** – замбуруғ спорасининг асосий пўсти бўлиб, кўп ҳолларда спорага ранг, нақш, шакл ҳосил қилади.

**Эпистаз** – 1. Аллел бўлмаган генларнинг бири иккинчи аллел геннинг фенотипда намоён бўлишига салбий таъсир кўрсатиши. 2. Ноаллел генларнинг ўзаро таъсир шаклларида бири бўлиб, бунда битта аллел (эпистатик) иккинчи

ноаллел (гипостатик) геннинг таъсирини бўғиб қўяди. Доминант ( $A > B$ ), рецессив ( $aa > B$ ) ва жуфт рецессив ( $aa > B$ ;  $bb > A$ ) эпистазлар учрайди. Эпистазда фенотипик ажралиш  $12 : 3 : 1$ ,  $13 : 3$  (доминант) ёки  $9 : 3 : 4$  (рецессив) кузатилади.

**Эпистаза** – уруғмуртакнинг пастки қисмини йўғонлашиб пўкаклашгани.

**Эпистил** – гул тугунчаси устунчасининг юқориги қисми.

**Эпистрофа** – диффуз ёритилишни камайганда, барг мезофили хужайраларидаги хлоропластларнинг жойланиши.

**Эпитека** – диатом сувўтлар хужайрасини ўраб турадиган шаффоф пала қопламанинг устки катта қисми.

**Эпитема** – 1. Мураккаб тузилган ажратувчи тўқималардаги рангсиз тирик хужайралар 2. Гидатоданинг сув ажратишида иштирок этадиган мезофили.

**Эпитемалар** – ташқарига сув ва унда эриган тузларни ажратадиган гидатодалардаги майда рангсиз тирик хужайралар.

**Эпифизис** – муртакнинг ривожланишида унинг учида эпидермисни инициал хужайраси муртакпоя пўстлоғини ҳосил қиладигани.

**Эпифилл** – япроқ устида асосан нинабаргли ўсимликларда ўсадиган ўсимлик одатда лишайник бўлиши мумкин.

**Эпифит** – поя, новда устида ўсадиган субстрат сифатида фойдаланиб, озик моддаларни ўсимликдан олмай, мустақил озикланадиган ўсимликлар.

**Эпифитлар** – бошқа ўсимликлар устида ўсадиган ўсимликлар, улар мустақил озикланиб, ўсимликни ўсиш жойи сифатида фойдаланади холос.

**Эпифит муносабатлар** – бир ўсимликнинг (танаси, новдаси, пояси, барглари) бошқа ўсимликларни бирикиши учун хизмат қилиш муносабатлари.

**Эпифитомия** – экинларни оммави равишда турли замбуруғлар билан касалланиши.

**Эпифитотия** – ўсимликларни бирданига оммавий тарзда замбуруғлар, бактериялар, вируслар билан касалланиши.

**Эпифлеоид лишайник** – дарахт ва буталарнинг пўстлоғини устида ўсадиган лишайниклар.

**Эпифлеоид лишайниклар** – дарахт ва буталар устида ривожланадиган қуйқа (ёпишқоқ) лишайниклар.

**Эпифрагма** – 1. Базидияли замбуруғлардан *Basteromycetale* таркибига мансубларда мева танасининг устидаги икки қават пўстни тешиги 2. Поябаргли мохлар спорогенининг қутчасини қопқоғи остидаги юпқа ясси қават.

**Эрбаҳо** (*Centaurium*) - газакўтдошларга мансуб бир йиллик ва икки йиллик ўсимликлар туркуми.

**Эргастик моддалар** – ўсимлик хужайраси протоплазма фаолиятида ҳосил бўлиб, унда томчи, кристалл, донатор ва шунга ўхшаш ҳолда тўпланадиган моддалар.

**Эрготизм** – халтачали замбуруғ *Claviceps purpurea* Tul. билан зарарданган ун истеъмол қилиниши натижасида рўй берадиган заҳарланиш.

**Эремофит** – ксероморфлик хусусияти аниқ, равшан билиниб турадиган ўсимлик.

**Эрикалар** (*Ericales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Dilleniidae* кенжа синфининг тартиби.

**Эрика, вереск** - эрикадошлар (верескдошлар) нинг *Calluna* ва *Erica* туркумларига мансуб ўсимликлар.

**Эрикадошлар, верескдошлар** (*Ericaceae*) - икки уруғ паллали ва туташтожли ўсимликлар оиласи. Бу оилага паст бўйли доим яшил бута, чалабута ва кичикроқ дарахтлар киради.

**Эрикоид ўсимликлар** – доимо яшил бута ва бутача барглари жуда майда ўсимликлар.

**Эриокаулиналар** (*Eriocaulales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи, *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Эриохорлар** – уруғлари хайвонларнинг юнги ёрдамида тарқаладиган ўсимликлар.

**Эркак археспорий** – ёш чангчи уясида ҳосил бўлган археспорий.

**Эркак гаметофит** - эркак жинсий хужайрали (антеридлик гаметофит) ўсимлик бўғини, насли.

**Эркак гуллар** – фақат чангчилари (уруғчиси йўқ) бўлган гуллар (*Zea mays* L.).

**Эркак ўсимлик** – икки уйли ўсимликлардан фақат чангчи гуллар ҳосил қиладигани (*Cannabis sativa* L. ўсимлигида).

**Эркак ўт** (*Eragrostis*) - буғдойик (*Agropyrum*) туркумига мансуб ғаллалар туркумчаси. Қурғоқчилик ва қишга чидамли кўп йиллик ўтлардан иборат.

**Эркин марказли плацента** – гул ўрни ва гул тугунининг марказига ўсиб чиқиб, унинг четки қисмлари мевабаргчалар тўқималари билан қопланган плацента.

**Эркин (мустақил) сув** – тупроқдаги капиллярлардаги сув.

**Эталий** – шилимшиқларнинг меватанаси.

**Этеогенез** – уруғланишда иштирок этмаган эркак гаметадан организмни ривожланиши.

**Этилен** – қариётган барглarda ва этилаётган меваларда ҳосил бўлиб, ниҳолнинг узайишига йўл қўймайди, икки паллалиларда баргнинг ўсишини тўхтатади.

**Этиолирланган** – қоронғу ёки ёруғлик кам бўлган жойда ўсган ўсимлик.

**Этиолирланиш** – юксак ўсимликларнинг яшил қисмларини қоронғида, ёруғда ўсгандагига нисбатан бир қатор морфологик ўзгаришларни ҳосил қилиши.

**Этиопластлар** – этиолирланган ўсимликлардаги пластидлар.

**Этноботаника** – аҳолининг турли этник гуруҳлари томонида ўсимликлардан фойдаланиш томонларини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Эугалофитлар** – шўрхоқликларда ўсадиган ўсимликлар. *Salicornia europea*, *Halocnemum strobilaceum*, *Salsola*, *Petrosimonia*, *Suaeda*, *Obione* туркумлари ўсимликлари мисол бўлади.

**Эукариот** - ядроси шаклланган хужайра - юксак тузилишга эга барча организмларга хос.

**Эуксерофитлар** – танаси тукли, илдизлари унча чуқур кетмаган, курғоқчилик даврида транспирацияни кескин камайтирадиган, сувсизланиш ва қизиб кетишга яхши мослашган ўсимликлар.

**Эустела** – очик уруғлилар ва гулли ўсимликларга хос бўлган бирламчи ўтказувчи тўқимаси ўзак атрофида тўпламлар ҳолида жойлашган стела.

**Эустигматалар** (*Eustigmatales*) – эустигматофициялар синфининг (*Xanthophyta*) 4 оила, 12 турни бирлаштирган ягона тартиби, тупроқда, чучук сув ва денгизларда тарқалган.

**Эустигматофициялар** (*Eustigmatophyceae*) – бир хужайрали ва колонияли коккоид тузилишли, монади бир, баъзан иккита турлича узунликдаги хивчинли сувўтлар (*Xanthophyta*) синфи.

**Эутуникат халтача** – халтачали замбуруғларда қалин пўстли, споралари махсус усул билан тарқаладиган халтача.

**Эухроматин** - хромосомаларнинг кучсиз бўяладиган қисми бўлиб, унда фаол генлар жойлашган бўлади.

**Эфемер** – ривожланишининг тўлиқ даврени қисқа ва одатда намлик етарли бўлган даврда ўтказадиган бир йиллик ўтлар.

**Эфемер гуллар** – фақат бир кун ёки ҳатто куннинг бир қисмидагина очилиб, кейин сўладиган гуллар.

**Эфемер илдизлар** – тупроқ юзаси бўйлаб тарқалган, кўп муддат давомида фаолиятида бўлмайдиган ёнбош ёки кўшимча илдизлар.

**Эфемероид** – ҳаётий даври куз-қиш-баҳорга тўғри келадиган кўп йиллик ўтлар.

**Эфемерофиллар** – барглари вегетация даврида йўқотадиган ўсимликлар (масалан, курғоқчилик даврида).

**Эфир мойли ўсимликлар** – барги, гули, мева, поя, уруғ, илдизларида эфир мойлари бўладиган ўсимликлар.

**Эшакбодринг** (*Ecvallum elaterium* (L.) A.Rich.) – қовоқдошлар оиласига мансуб, кўп йиллик экма ўсимлик.

**Эшакбодринг** (*Ecballium elaterium*) - қовоқдошлар (кадидошлар) га мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси қаттикроқ ва ғадир-будур, барги юраксимон, гули сарғиш-оқ. Бодрингсимон мевасига бирор нарса секин тегиши билан бандидан бирданига узилиб тушади. Натижада узилган банд ўрнида ҳосил бўлган тешикчадан уруғлар отилиб чиқа бошлайди.

**Эшакгул** (*Potentilla orientalis* Juz.) – раънодошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган алкалоидли кўп йиллик ўт.

**Эшакдуми** (*Solenanthus coronatus* Rgl.) – говзабондошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор кўп йиллик ўт.

**Эшерихиялар** - одам ва ҳайвонларнинг йўғон ичагида яшайдиган энтеробактериялар авлоди. Бундай бактериялардан бири - эшерихия коли генетик объект сифатида кенг қўлланилади.

**Эшак** – *Fabaceae* оиласи ўсимликларининг гулидаги иккита ёнбош тож-барг.

**Эцезис** – ўсимликни ўсимликлар қоплами бўлмаган майдонларга киритилиши.

**Эцидиоспора** – *Uredinales* тартибига мансуб замбуруғларнинг ривожланишида буғдой пояс ива баргларида ҳосил бўладиган бир ҳужайрали пушти рангли спора.

**Эчкичак** (*Astragalus unifoliolatus* Bge.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган ем-хашак чала бута.

**Эчкисоқол** (*Trapogon malicus* S.Nic.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган каучукли кўп йиллик ўт.

**Эҳтиёт уруғлик фонди** - табиий офатлар вақтида фойдаланиш учун тўғридан-тўғри хўжаликларда ёки давлат жамғармаларида яратиладиган уруғ захираси унинг микдори уруғлик тизимининг турли звеноларида ҳар хил бўлиб, масалан, бирламчи уруғлик звеноларида эҳтиёт фонди уруғликка бўлган эҳтиёжга нисбатан 100% микдорда супер элита учун 50% элита ва 1 репродукция учун 25-30% микдорда жамғарилади.

## Ю

**Ювенил давр** – уруғни ёки вегетатив муртакни (масалан, картошка туганагини) ўсиши, вегетатив массани тез ҳосил қилиш даври.

**Юлдузсимон тукча** - юлдузсимон шохланган тукча.

**Юлдузча** (*Stellaria*) - қорамуғдошлар (чиннигулдошлар) га мансуб бир йиллик ва икки йиллик ўсимликлар туркуми. Серсув пояси, одатда, ерга ёйилиб ўсади. Гуллари анча майда; меваси кўп уруғли кўсакча. Нам ерларда ва экинларда бегона ўт бўлиб ўсади.

**Юлдузўти** (*Stellaria neglecta* Wethe.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб, воҳа, адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Юлғун, жинғил** (*Tamarix*) - қ. Тамарикс.

**Юлғунлар** (*Tamaricales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Dilleniidae* кенжа синфининг тартиби.

**Юмуқ гуллар** - очилмасдан ўз-ўзидан чангланадиган, уруғчиси ўзининг чангчиларидан оталанувчи (чангланувчи) гуллар.

**Юмуқ най толалар тўдаси** - ўтказувчи тўдаларни ҳосил қилувчи прокамбий қатлами ўзининг меристема хусусиятини йўқотгандан сўнг унинг тўпланиб қолган най тўдалари.

**Юмуқ нов, берк нов** - баргнинг пояни ўраб олган остки найсимон қисми. Баргнинг қуйроқ қисмида қирралар айланиб ўзаро туташади ва юмуқ нов ҳосил қилади. Масалан, ҳилолларда шундай ҳолатни кўриш мумкин.

**Юмшоқ колленхима** – ҳужайралари энди вужудга келаётган даврда бурчаклари ажралиб, кейин схизоген бўлиб қоладиган колленхима.

**Юнгерманиялар** – жигармохлар синфининг кенжа синфи.

**Юқорига кўтарилувчи оқим** – илдизлар ёрдамида тупроқдан сўриб олинган моддаларнинг поя бўйлаб юқорига кўтариладигани.

**Юқумсиз касалликлар** – ўсимликлар учун ноқулай омиллар таъсирида юзага келадиган патологик ҳолатлар.

**Юғон** (*Prangos tschimganica* B. Fedtsch.) – соябонгулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган ем-хашак, эфир мойли, кўп йиллик ўт.



## Я

**Ядро** – сувўтларнинг кўпчилиги бир ядроли, айримларида 2-3 ядродан бир неча ўнлаб ва юзлаб бўлиши мумкин, диаметри 1 мкм, ўртача 4 мкм, айримларида (*Siphonales* дан *Bryopsis* да) 45 мкм, бир ҳужайралиларда ацентрик, кўп ҳужайралиларда марказда жойлашади. Барча сувўтларида унинг тузилиши ва вазифалари (динофитлардан ташқари) умуман бир хил.

**Ядронинг тиним ҳолати** – ядрони икки марта бўлиниши орасидаги даври, бу вақтда хроматин кўринмайди, бўлинишга олиб келадиган ҳолатлар сезилмайди, ядрогаги морфологик ўзгаришлар билинмайди.

**Яйлов, кўкаламайдон** (*alpinum pratium*) - Баланд тоғларда жойлашган кўкаламзор ўтлоқ. У оддий ўтлоқлардак баланд тоғларда жойлашганлиги ва ўтларининг паст бўйли бўлиши билан фарқ қилади.

**Якан** (*Juncus soranthus* Schrenk.) – якандошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Яканлар** (*Juncales*) – гулли ўсимликлардан *Liliopsida* синфи *Liliidae* кенжа синфининг тартиби.

**Якка танлаш** - танлаб олинадиган энг яхши ўсимликларнинг авлодларини алоҳида баҳолашга асосланган танлаш.

**Якка танлаш, индивидуал танлаш** (*selectio individualia*) - энг сифатли ўсимликларнинг керакли тупларини танлаб олиш.

**Яланғоч хужайра** – пўстсиз, протопласт фақат плазмолемма билан ўралган хужайра.

**Яланғоч гул, апетал гул, тожсиз гул** (*flos apetalus*) - гулкўрғони (тож ва косачалари) бўлмаган гул. Масалан, тол ва ёнғоқ кабиларнинг гуллари гулкўрғонсиздир.

**Яланғоч куртак** – ташқи қипиқ пардаси бўлмаган куртак.

**Яланғочуруғтоифа ўсимликлар, очик уруғтоифа ўсимликлар** (*Gymnospermae*) - уруғли ўсимликларнинг катта бир типи. Уруғ ва уруғкуртаклари уруғчибарг устида очик жойлашади ва тугунчасиз бўлади. Очиқуруғтоифа ўсимликлар уруғ ва уруғкуртаклари уруғчи билан қопланган (тугунчали) ёпиқуруғтоифа ўсимликлардан ана шу белгиси билан фарқ қилади. Очиқуруғтоифа ўсимликларнинг деярли барчасида гулкўрғон йўқ. Кўпчилигининг гуллари бир жинсли ва бир уйли ёки икки уйлidir.

**Ялмонқулоқ** (*Tithymalis heliascopius* (L.) Scop.) – сутламадошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Ялпиздошлар (лабгулдошлар)** (*Labiatae*) - икки уруғ паллали ва туташтожли ўсимликлар оиласи. Бу оилага ўт, бута ва чала бута каби ўсимликлардан иборат. Поялари тўрт қиррали, барглари ёнбаргчасиз, қарама-қарши, гуллари очик тусли, қийшиқ, икки жинсли, икки лабли, шингилсимон ёки рўваксимон тўпгулларга йиғилган. Ҳашаротлар воситасида четдан чангланади. Меваси тўрт бўлакчали, ҳар бир бўлагиде биттадан уруғ бор.

**Ялпиз, пудина** (*Mentha*) – ялпиздошларга (лабгулдошларга) мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Поялари оддий ёки шохдор; барглари қарама-қарши жойлашган, узунроқ эллипссимон (ингичка учли). Гуллари бошоқсимон

тўпгулларга йиғилган. Ўзбекистонда кўпроқ қора ялпиз таркалган. У вегетатив усул билан кўпайтирилади. Бир жойда уч йилгача етиштириш мумкин. Айниқса, органик моддаларга бой серсув ерларда яхши ўсади. Гуллаш даврида йиғиб олиш маъқулроқ.

**Ялпиз мой** - ялпизни сув буғи билан ҳайдаш орқали олинадиган эфир мойи. Унинг асосий қисмини ментол ташкил этади.

**Ялтирбош** (*Bromus tectorum* L.) – буғдойдошлар (бошоқдошлар) оиласига мансуб, чўл, адир, тоғда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Ямс** (*Dioscorea sativa* L.) – ямсдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, экма, доривор, кўп йиллик ўт.

**Янтоқ** (*Alhagi*) - Дуккакдорлар қабиласининг капалакгулдошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми.

**Япроқча** – куруқ, тўкилмайдиган, кўп уруғли ва чок бўйлаб узунасига очиладиган мева.

**Япроқ, барг пластинкаси** - баргнинг бандидан ташқари япалоқ қисми.

**Япроқ оралиғи** – поя бўғимидаги марказий цилиндрдан тармоқланиб, япроқ асосига йўналган жой паренхимасидаги бўшлиқ, лакуна.

**Япроқнинг шаклланиши** – примордий (бўртиқлар) ҳосил қилиши, япроқ ўртасидаги томирланишни пайдо бўлиши, ёнбош меристема ҳисобига япроқни шаклланиши ва япроқни чўзилиши билан рўй беради.

**Япроқ юзасининг индекси** – ўсимликдаги япроқ юзасининг уни эгаллаган майдонига нисбати бўлиб,  $m^2/m^2$  ёки га/га да белгиланади.

**Яра перидерма** – ўсимликни жароҳатланган қисмида ҳосил бўлган перидерма.

**Яримёпиқ митоз** – сувўтларида ядро мембранаси бўлақларга бўлиниб кетиши билан рўй берадиган митоз.

**Ярим текинхўрлар** – тупроқдан озик моддалар ва сув шимишни маълум даражада ёки бутунлай олмайдиган, бироқ хлорофили туфайли фотосинтезни амалга ошира оладиган ўсимликлар.

**Яримхошияли тешиқлар** – тўқима хужайраси ва паренхима хужайралари орасида ҳосил бўладиган, хошияси тўқима ёки трахеид томонидаги тешиқлар.

**Яримчўл зона** – чўл ва адирга хос бўлган ўсимликлар ўсадиган табиий зоналардан бири.

**Ярим эгилган уруғмуртак** – қ. гемитроп уруғмуртак.

**Яримэпифитлар** – ҳақиқий эпифитлардан фарқланиб, илдизлари тупроқкача етадиган эпифитлар.

**Яримўтказгич мембрана** – эритувчидаги молекулаларгина ўта оладиган мембрана.

**Яроқсиз замбуруғ** (*Amanita phalloides*) - базидиялиларга мансуб заҳарли замбуруғ. Ташқи кўринишидан шампиньонга ўхшайди.

**Ярус** – фитоценоздаги қаватнинг бир қисми ҳисобланиб, унда у ёки бу даражада ассимиляцияловчи (баргли ёки пояли), шимувчи (илдиз) ёки қандайдир бошқа муҳим органлари (туганак, илдизпоя) бўлган атмосфера, су веки тупроқдаги ўсимлик. К. Гульт (1881) 7 ярусни; Н.В. Сукачев (1934) 5 ярусни (1-биринчи катталикдаги дарахтлар, 2-иккинчи ва учинчи катталикдаги, 3-

подлесок, 4-ўтлар қоплами ва 5-мох ва лишайниклардан иборат ярус) фарқлайди.

**Ясмин, жасмин** (форс. *Jasmin* - *ясмин*) - 1. Боғ ясмин (*Philadelphus*) - қорақатдошлар (тошёрардошлар) га мансуб буталар туркуми. 2. Ҳақиқий ясмин (*Jasminum*) - зайтундошларга мансуб буталар туркуми. Гуллари оқ, сариқ ёки оч қизил; меваси майда ва юмшоқ.

**Ясмиқ** – перидерманинг газ алмашинуви рўй берадиган сийрак хужайрали қисми.

**Ясмиқ** (*Leus orientalis* (Boiss) Hand.Mazz.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Ясмиқчалар** – поядаги қопловчи тўқимада газ алмашинувини таъминловчи ёриқлар.

**Яшаб қолиш, сақланиш** - ўсимликларнинг маълум шароитга мослашиб ёки оғир шароитни енгиб, ўз ҳаёти ва наслини сақлаб қолиши.

**Яшаш учун кураш** - организмларнинг ўзаро бир-бирига ва уларни ўраб олган ташқи муҳитга нисбатан тутган турли ҳамда мураккаб муносабатлар мажмуи.

**Яшил девор** – экинлар ёки бошқа жойларни турли табиий офатлардан, антропоген таъсирдан сақлаш мақсадида зич қилиб экилган бутадан иборат деворсимон тўсик.

**Яшил девор, яшил чавра** - девор ўрнида қалин экилган ўсимликлардан иборат ихота, чавра.

**Яшил дарахт** (*Aspalatus ebenus* L.) – эбенадошлар (*Ebenaceae* Vent.) оиласига мансуб, ёғочлиги кўнғир яшил тусли, савдода яшил дарахт деб аталадиган Вест Индияда ўсадиган дарахт.

**Яшил йусинлар, яшил мохлар** (*Bryales*) - юксак ўсимликларнинг йўсин-тоифа типига мансуб қабила.

**Яшилланиш, кўқариш** - ўсимликларнинг барг ёзиб, яшил рангга кириши.

**Яшил сувўтлар** (*Chlrophyta, Chlorophyceae*) – 1. Бир йиллик ва кўп йиллик яшил сувўтларнинг катта бир типи. 5700 га яқин тур (360 туркум) ни ўз ичига олади. Яшил сувўтларнинг 3 синфи мавжуд: тенг қилчалилар (*Isocontae*), конъюгатсимонлар (маташувчилар - *Conjugatae*) ва ха-расимонлар (*Characeae*). 2. Бир хужайрали, колонияли (ценобийли ҳам), кўп хужайрали, хужайрасиз, бириккан, бирикмаган, монад тузилишдан паренхиматозгача тузилишли, асосан яшил тусли сувўтлар бўлими.

**Яширин куртаклар** – дарахтларнинг новда бермайдиган, аммо шохларида сақланиб қоладиган қўлтиқ куртаклар (шоҳ кесилганидан кейин унади).

**Яшовчанлик, яшаш қобиляти** - ўсимликларнинг ҳар қандай шароитга мослашиб яшаб кетиш хусусияти.

## Ў

**Ўзак** – кўнғир сувўтлар танасидаги рангсиз, кўпинча анча катта хужайралардан ташкил топган қисми.

**Ўзак атрофи** (*лот. alburnum*) - ўсимликлар поясидаги ёғочнинг (ксилеманинг) ташқи қавати.

**Ўзакли ёғочлик** – таркибида танин моддалари, бўёқлар ва елим кўп бўлган ёғочлик.

**Ўзак меристема** – апикал меристемадаги катта она ҳужайра.

**Ўзбекистон қизил уруғи** (*Melo ameri*) - амирига яқин ўртапишар қовун навларидан бири. Шакли тухумсимон, оғирлиги 3 - 5 кг, пўсти қалинроқ, сертўр, оч-яшил, баъзан бир оз сарғиш. Эти қизғиш-зарғалдоқ, жуда ширин. Таркибида 12,2% гача қанд бор. Узоқ вақт сақланади. Қоқи ва консервалар тайёрлаш учун яроқли.

**Ўзгарувчанлик** (*variabilis*) – 1. Ташқи муҳит таъсирида баъзи организмларнинг ўзгариши. Бунда бир-бирига мансуб организмлар ташқи муҳит таъсирида муайян типдан ёки турдан фарқ қилувчи янги белгиларга эга бўлиб қолади. 2. Организм авлодининг ўз аجدодларидан қандайдир белги ёки хусусиятлар билан фарқ қилиши.

**Ўзидан чангланувчилар** – гулдаги оналик тумшукчаси ўз гулининг чангчиси билан чангланадиган ўсимликлар.

**Ўлмасўт** (*Helichrysum maracandicum* М. Рор.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Ўралувчи ўсимликлар** (*voludilis - ўралувчи*) - поялари бирор нарсага ўралиб ўсувчи ўсимликлар. Печак, карнайгул, хмель ва бошқалар шундай ўсимликлардандир.

**Ўралувчи поя** - бирор нарсага чирмашиб ўсувчи поя.

**Ўрама барг** - мураккабгулдошларнинг саватчалари (тўпгули) атрофини ўраб турадиган баргчалар.

**Ўрик** (*Armeniaca*). - раънодошларнинг олхўрилар оилачасига мансуб данакли мевали дарахт. Гуллари оқ, ва пуштинамо. Аввал гуллаб, сўнг барг ёзади.

**Ўрмон** - бир ёки бир неча турга мансуб ўсимликлардан иборат кенг майдондаги дарахтзор.

**Ўрмон зонаси** - ўрта минтақадаги табиий зоналардан бири.

**Ўрмонли дашт** - табиий-географик зонача; ўрмон зонаси ва унга нисбатан жануб-роқдаги дашт зонаси ўртасидаги оралиқ зонача. Бу зоначада, одатда, дашт, айрим жойларида эса ўрмон учрайди.

**Ўрмонли тундра** - табиий-географик зонача; ўрмон зонаси ва унга нисбатан шимолроқдаги тундра зонаси ўртасидаги оралиқ зонача.

**Ўрмон хўжалиги** – ўрмонларни сақлаш, янгилаш, улардан фойдаланиш билан шуғулланадиган тармоқ.

**Ўрмончилик** - 1. Ўсимликшуносликнинг бир тармоғи. Ёғоч олиш ёки ихота барпо қилиш ва сув тақсимотини тўғри йўлга қўйиш мақсадида дарахтзор яратиш. 2. Ўрмондаги биологик хусусиятларга таъсир қилиш, кўчат ҳамда дарахтларни халқ хўжалиги манфаатига қаратиш каби масалалар билан шуғулланадиган фан. 3. Ўрмоншуносликнинг бир тармоғи бўлиб, ёғоч тайёрлаш учун ўрмон кенгайтириш ҳамда ундан ҳимоя мақсадида фойдаланиш; ўрмон ҳаёти ва ўрмонни ўстириш, парваришлаш ҳақидаги фан.

**Ўрмоншунослик** - ботаниканинг бир бўлими. Ўрмон табиати ҳақидаги билимлар мажмуи.

**Ўрмонқора** (*Glacium fimbrilligerum* Boiss.) – кўкноригулдошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган, доривор, бир йиллик ўт.

**Ўрта гул** – гултуғуни ўзининг пастки қисми билангина гул ўрнига ёки гулқўرғон ва оталикларига қўшилган, юқори қисми эркин ҳолда қолган, гулқўрғони гул туғунининг ўртасидан чиққан гул.

**Ўрта тугун** – тугун гул ўрнининг кўзачага ўхшаш ботик тубида эркин айланган, битта ботик гул ўрнида юзага келган ёки пастки қисми ботикгул ўрнидан, юқори қисми эса гулқўрғон барглари ва чангчиларининг бир-бирига қўшилиб кетган асосидан ҳосил бўлган гултуғун.

**Ўсимлик ёғлари, ўсимлик мойлари** - ўсимликларда ҳосил бўладиган органик моддалар. ёғлар сувда эримайди, лекин турли органик эритувчиларда (эфир, бензол, ацетон кабиларда) эрийди.

**Ўсимлик йиғиси** – илдиздаги босим кучи таъсирида жароҳатланган қисмдан суюқликнинг чиқиши.

**Ўсимлик зоналари** - иқлим зоналарига қараб ўсимлик типларининг жойлашиши. Бундай зоналар бир неча хил бўлади: 1. Горизонтал зона. Ўрта Осиёдан Шимол томонга қараб чўл ўсимликлари зонаси, дашт ўсимликлари зонаси, япроқли ўрмонлар зонаси, игнабаргли ўрмонлар зонаси ва тундра зонаси жойлашган. 2. Вертикал зона. Ўрта Осиёда чўлдан баланд тоғ томон кўтарилганда ҳам шу ҳодиса акс этади: чўл ўсимликлари (ранг, жусан, саксовул, қандим), адир ўсимликлари (ранг, оқ қурай, бодомча), пастки тоғ ўсимликлари (буғдойиқ, зирк, заранг, олма), устки тоғ ўсимликлари (буғдойиқ, мезофит ўтлар, арча) ва яйлов зона ўсимликлари (остки зоначада - баланд бўйли мезофит ўтлар, масалан, торон; устки зоначада паст бўйли кўкаламайдонлар).

**Ўсимлик химералари** – икки хил ўсимликнинг тўқималаридан ташкил топган ўсимлик.

**Ўсимликда сув алмашинуви** – сувни илдиз орқали шимилиши, поя бўйлаб ҳаракати, барглар орқали буғланиш жараёни.

**Ўсимликдаги стресс** – физикавий сувни етишмаслиги ёки ортиқчалиги, ёритилиш ёки ҳарорат, радиоактив нурланиш, механик таъсир; кимёвий-тузлар, газлар, ксенобиотиклар (гербицидлар, инсектицидлар, саноат чиқиндилари каби); биологик (касаллик ва зараркунандалар таъсири, бошқа ўсимликлар билан рақобат, ҳайвонлар таъсири, гуллаш, мевани етилиши билан рўй берадиган ўсимликдаги нохуш ҳолатлар). Ўсимликлардаги стресслар ҳужайра ва яхлит организм популяция даражасида содир бўлади.

**Ўсимликдаги сув баланси** - ўсимлик ўзлаштирган ва сарфлаган сув ўртасидаги нисбат.

**Ўсимликдаги табақалашув** – бир хил ёшдаги битта ва ўша фитоценоздаги ўсимликларни бўйи, танасини ривожланишидаги фарқларнинг бўлиши.

**Ўсимликдаги ҳаракатлар** – цитоплазма, ундаги органоидларнинг ҳаракати, хивчин ёрдамидаги локомотор ҳаракатлар, илдиз туклари, чанг найи, протонема (моҳда) ҳаракати, ўсиш ҳаракатлари (доиравий нутациялар,

тропизмлар: фото-, тигмо-, хемо-, термо- каби; ўсиш настиялари: фото-, термо-, гигро-), тургор ҳаракатлар (устицани ҳаракати, сейсмонастия).

**Ўсимликлар анатомияси** (*anatomia plantarum*) - ботаниканинг ўсимликларнинг ички тузилишини ўрганадиган бўлими.

**Ўсимликлар ассоциацияси** – турлар таркиби, синузиясининг ўхшашлиги, синузиядаги доминант турларни бир хиллиги ўсимлик ва муҳит орасидаги муносабатлари жиҳатидан ўхшаш фитоценозларнинг мажмуи.

**Ўсимликлар географияси** - ўсимликларнинг ер юзасида тарқалиш қонуниятларини ҳамда уларнинг шароитга қараб жойлашишини ўрганувчи фан (қ. Фитогеография).

**Ўсимликлар гистологияси** – ўсимликларнинг тўқималарини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Ўсимликлар гуруҳлашлари** – ҳали етарли даражада шаклланмаган уюшма, яъни тасодифан жойлашган ўсимликларнинг мажмуи.

**Ўсимликлар интродукцияси** – ўсимликларни аввал ўсмаган жойга келтириб ўстириш.

**Ўсимликлар карантини** – мамлакатни чет элдан хавфли бегона ўтлар, зараркунандалар, ўсимликларнинг касалликларини ўтишидан ҳимоя қилишга қаратилган давлат аҳамиятидаги чора ва тадбирлар.

**Ўсимликлар морфологияси** (*morphologia plantarum*) - Ўсимликларнинг ички ва ташқи тузилиши ва шаклланиш жараёнлари ҳақидаги фан (аниқроғи, фанлар мажмуи).

**Ўсимликлар селекцияси** – 1. Ўсимликларнинг янги навларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борадиган фан тармоғи 2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг қишлоқ хўжалик экинларини янги навлари ва дурагайларини етиштириш билан шуғулланадиган тармоғи.

**Ўсимликлар типи** – бир биоморфага мансуб формациялар синфининг доминантлари билан мажмуи.

**Ўсимликлар токсикологияси** – захарли ўсимликларни ўрганадиган амалий ботаниканинг тармоғи.

**Ўсимликлар фенологияси** – йил мавсумлари давомида рўй берадиган ўзгаришларни ўсимликларда акс этишини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Ўсимликлар экологияси** – ўсимликларни атроф-муҳит билан муносабатларини ўрганадиган экологиянинг тармоғи.

**Ўсимликлар эмбриологияси** – генератив органлар ва муртакнинг ривожланишини ўрганадиган ботаниканинг тармоғи.

**Ўсимликлар қоплами** – маълум катта ҳудуддаги фитоценозларнинг мажмуи.

**Ўсимликларда буғланиш, транспирация** (*transpiratio*) - ўсимликлар таркибидаги сувнинг атмосферага ўтиш жараёни.

**Ўсимликларда сувнинг етишмаслиги** - ўсимлик организмида сув балансининг мутаносиб эмаслиги, яъни сарф қилинадиган сувга нисбатан олинадиган сув миқдорининг камайиши.

**Ўсимликлардаги тиним** – ўсимликдаги барча ҳаётий жараёнларни тўхташи билан муҳитнинг ноқулай шароитларини ўташи. Ўсимликдаги тиним

унинг ҳаммаси ёки алоҳида туганак, уруғ ва шунга ўхшашларда бўлиши мумкин.

**Ўсимликлардаги уйқу** – кўп ҳолларда тўпгул, гулнинг тожбарглари ҳамда баргларини даврий равишда бир кеча кундуз давомида ҳолатини ўзгариши. Ўсимликлардаги уйқу уларда кенг тарқалган никтонастик ҳаракатлар ҳисобланади. Бу кун ва туннинг алмашинуви билан боғлиқ. Ўсимликдаги уйқуга сабаб ёритилиш (фотонастия) ва ҳароратни ўзгариши (термонастия) ҳисобланади.

**Ўсимликларни дурагайлаш** – чатиштириш билан ўсимликнинг янги нав ва формаларини яратиш.

**Ўсимликларни совуққа чидамлиги** – ўсимликни 0<sup>0</sup>С дан паст ҳароратга бардош бериш хусусияти.

**Ўсимликларнинг занг касаллиги** – базидияли замбуруғлардан *Uredinales* тартибининг вакиллари турли ўсимликларда занг кўринишидаги касалликларни ҳосил қилиши. Ривожланишида турли хилдаги споралар ҳосил қилиши, битта ёки иккита ўсимликни зарарлаши билан характерланади.

**Ўсимликларнинг сув режими** – ўсимликни сув шимиши, ўзлаштириши, ажратиш жараёнларини йиғиндиси.

**Ўсимликларнинг таъсирланиши** – ўсимликларни ташқи муҳитнинг таъсири унга ўзига хос ҳолда жавоб бериши. Ўсимликлардаги таъсирланиш моддаларнинг алмашинувлари билан бир қаторда тирик организмларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**Ўсимликнинг иммунлиги** – ўсимликларнинг айрим касалликларга чалинмасликдан иборат наслий хусусияти.

**Ўсимликнинг хоссаси** – ўсимликларнинг физиологик, био-кимёвий ёки технологик хусусияти. Ўсимликларнинг хоссаси бу – қурғоқчиликка чидамлиги, совуққа, касалликларга, минерал озикланиш, намлик кабиларга муносабати.

**Ўсимликларнинг ўсишини тезлатиш** - агротехник усуллар система-си. Ўсимликларнинг ўсиш жараёнини тезлатиш, уларни тинч ҳолатдан актив вегетацион таракқиётга кўчириш учун қўлланилади.

**Ўсимликларнинг қурғоқчиллиги** - ўсимликларнинг сувсизликка ва иссиқликка узоқ вақт чидай олиш хусусияти. Бундай шароитда яшаш га мослашган ўсимлик ўсишдан тўхтамайди ва ҳосили камаймайди (ёки ниҳоят оз даража камаяди).

**Ўсимликшунослик** – ўсимликни экиш ва парваришлаш ҳақидаги фан.

**Ўсимта, валик** (*excrecentia, processus*) - мева, тана ва баргнинг бўртган жойи.

**Ўсиш зонаси** – ипсимон тузилишли сувўтлардаги ҳужайраларни маълум чекланган жойда жойланиши натижасида рўй берадигани.

**Ўсиш конуси** – новданинг вегетатив апексида учки бўртиқларсиз, силлик қисми.

**Ўсиш суръати, ўсиш даражаси** - ўсимликларнинг маълум вақт ичида ўсиш суръати.

**Ўсма** (*Isatis*) - крестгулдошларга мансуб бир йиллик, икки йиллик ва баъзан кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Гули сарик, кўзоқчаси калта. Қўпроқ.

бўёқдор ўсма тури тарқалган. Бу турнинг баргларида тўқ кўк тусли бўёқ олинади.

**Ўсувчи қисм** – илдиз учида бўлинувчи қисмдан кейин жойлашган узунасига чўзилиш хусусиятли амалда деярли бўлинмайдиган қисм.

**Ўтатекинхўрлар** – ўсимликлар оламида анча кам учрайдиган текинхўр ҳисобига текинхўрлик билан ўсадиганлар. *Viscum moniliforme* бошқа *V. orientale* ўсимлигида Ҳиндистоннинг тропик ўрмонларида ўсади.

**Ўт дарахтлар** – танасининг тепасида бошоқдошлар оиласига мансуб ўсимликлар каби тўплам барглари бўлган Австралиянинг саванналарида ўзига хос ландшафтни ҳосил қиладиган лилиядошлар оиласига мансуб бир туркум (*Xantorrhoea*, *Kingia*, *Disipogon*) дарахтлар.

**Ўтиш зонаси** – янги ўсиб чиққан ниҳолда аниқ сезиларли даражада намоён бўладиган поя ва илдизни қўшилиш зонаси.

**Ўтказувчи боғлам** – ксилема ва флоэма тирик паренхима, сут найлари, склеренхимадан иборат қисмлар.

**Ўтказувчи боғлам ўрами** – япроқдаги ўтказувчи боғламни устидаги бир ёки бир неча қават хужайрали ўрам, у паренхимадан ёки склеренхимадан иборат бўлади.

**Ўтказувчи хужайра** – эктодерма ва эндодермадан бошқа хужайралар қалин иккиламчи пўсти бўлган ҳолда, уни пўсти юпқа қоладиган хужайра.

**Ўтлоқшунослик** – табиий ва сунъий яратилган кўп йиллик ем-хашак ўтларни кўпайтириш, чорва ўтлашини ташкил этиш кабилар билан шуғулланадиган тармоқ.

**Ўтроқ гул** – гулбанди бўлмаган ёки жуда калта, деярли сезилмайдиган бандли гул.

**Ўтроқ куртак** – асоси билан пояга ўрнашган куртак.

**Ўтроқ чангдон** – банди йўқ, гулўрнига бевосита бириккан чангдон.

**Ўқ илдиз** – ўсимликнинг муртак илдизини ўсишидан юзага келган биринчи ёки бирламчи илдиз.

## Қ

**Қабарчиқ** (*лот. callosus*) - тўрсимон найчаларнинг икки томонида пайдо бўлган қадоқлар.

**Қадок** - ўсимликнинг шикастланган (кесилган) органларидаги хужайраларнинг бўлиниши ва ўсиши натижасида ҳосил бўладиган қабарик.

**Қайин** (*Betula*) - қайиндошларга мансуб дарахт ва буталар туркуми.

**Қайиндошлар** (*Betulaceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб дарахт ва буталар оиласи. Гули бир уйли, бир жинсли, кўримсиз ва майда. Шамол ёрдамида чангланади. Гуллари, одатда, барглар ёзилгунга қадар ёки ёзилиши билан очилади. Меваси бир уруғли ёнғоқ ёки ёнғоқча.

**Қайинзор** - қайин дарахтларидан ташкил топган ўрмон.

**Қайинзор замбуруғи** - пўкакдошларга мансуб қалпоқли ва захарсиз замбуруғ.



**Қайин пўстлоғи** - қайин дарахти қобиғининг устки қисми. Бу қаватдан қорамой олинади; сават ясалади ва эгарчиликда фойдаланилади.

**Қайиш баргли ўрмон, қаттиқ баргли ўрмон** (*Durilignosa*) - дарахт-зор, ўрмон (*Lignosa*) типига мансуб қайишбаргли ўрмонлар синфи.

**Қайиқча** (*лот. Carina*) - капалакгулдошларга мансуб ўсимликларда остки икки тожбаргнинг бирлашуvidан ҳосил бўлган қайиқсимон орган.

**Қайрағоч** (*Ulmus foliacea*) - қайрағочдошларга мансуб дарахтлар туркуми.

**Қайтоннамолар** (*Caytoniales*) - сувда ёки сув ёқаларида ўсувчи ўт ўсикликлар қабиласи. Бу қабила триас даврининг охиридан бошлаб бўр даврининг ўрталаригача яшаган, ҳозирги вақтда эса йўқолиб кетган. Қайтондошлар яланғочуруғли ўсимликлар жумласига киради. Уруғли қирққулоқсимонлар билан бирга *Pteridospermidae* номли алоҳида синфчани ташкил этади.

**Қазилма ўсимликлар** (*fossilis*) - геологик қатламларда учрайдиган қадимий ўсимликлар қолдиғи.

**Қазилма ўсимликлар** – қолдиқлари ер қаърида учрайдиган, қадимги геологик даврнинг ўсимликлари.

**Қалайсан** (*Melo zard*) - олачипор қовунларнинг кечпишар навларидан бири. Шакли тухумсимон, чўзиқ, иккала учи бир оз ингичка, оғирлиги 3-6 кг. Пўсти бир оз қаттиқ, нотекис, сертўр, сарғиш, орасида яшил доғлар ҳам товланиб туради. Эти оқ. Таркибида 10,3% гача қанд бор.

**Қалам** (*Saccharum spontaneum L.*) – бошоқдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган, қурилиш материали, қандли, техник, кўп йиллик ўсимлик.

**Қаламча, қўндирма пайванд** (*лот. sorulare - улаш, боғлаш*) - пайванднинг бир усули. Бунда пайвандуст билан пайвандтагнинг йў-ғонлиги бир хил бўлиши шарт, чунки ҳар иккаласининг пўсти бир-бирига (пўсти пўстига) қўндириб пайванд қилинади. Қўндирма пайвандда қаламча қийиқ кесилади ва ўзи сингари қийиқ хашаки пайвандтаг устига қўндириб, жипсланади.

**Қалам дарахт** (*Juniperus virginiana L.*) – *Cupresscaceae* F.W. Neger оиласига мансуб, бўйи 15-30 м келадиган Шимолий Американинг шарқида ўсадиган, ёғочлигидан қалам тайёрлашда фойдаланиладиган дарахт.

**Қалампирлар** (*Piperales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Magnolidae* кенжа синфининг тартиби.

**Қалампирмунчоқ** (*Eugenia cauyhylata L.*) - миртадошларга мансуб. доим яшил дарахт. Барглари қарама-қарши жойлашган, қайишсимон. Гуллари қизил косачали, майда оқ ёки оч қизил тожли. Қуритилган ғунчасидан қалампирмунчоқ ва қалампирмунчоқ мойи деб аталувчи хушбўй модда олинади.

**Қалампирмунчоқ мойи** - қалампирмунчоқ дарахтидан олинадиган, ўткир ҳидли ва сариқ тусли эфир мойи. Парфюмерия саноатида ҳамда тиш даволаш практикасида ишлатилади.

**Қаламча** – дарахт, бута, бутачалардан кесиб олинган, ўсиб кетиш хусусиятига эга бўлгани.

**Қаламча пайванд** – пайвандлаш усулларида бири; искана пайванд, қўндирма пайванд, пўстлоқ остига пайванд, кўприксимон пайванд хиллари бор.

**Қалдирмоқ** (*Tussilago farfara*) - мураккабгулдошларга мансуб ўт-симон ўсимлик. Пояси тукдор, кипиксимон қобикчалар билан қопланган; гуллари сариқ. Эрта баҳорда гуллаб, сўнг ёпирма барглар чиқаради. Баргларининг устки қисми яшил, тескари томони эса оқиш ва сертук.

**Қалдирғочўт** (*Malva silvestris* L.) – гулхайридошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қалпоқча** - ўсимликларнинг мева чаноқларини, кўсакларини тепа томонидан ёпиб турувчи қалпоқча.

**Қалқон** – қирқбўғимларнинг ҳали етилмаган стробиласидаги олтибурчакли ҳимояланиш вазифасини бажарадиган ҳосила.

**Қалған** (1. *Potentilla formentilla*, 2. *Alpinia officinarum*) - турли оилаларга мансуб икки хил ўсимликнинг умумий номи. 1. Ҳозпанжалар туркумига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. 2. Жанубий осиядаги тропик занжабилдошларга кирувчи хушбўй ўсимлик.

**Қамаштирувчи моддалар** - ўсимликларнинг мева ва барглари таркибидаги тахир моддалар (масалан, таннидлар).

**Қамиш** - 1. *Phragmites* - бир паллалилардан ғалладошларга мансуб баланд бўйли (4-5 м) ва қамишпояли кўп йиллик ўсимлик. 2. *Scirpus* - ҳилолдошларга мансуб кўп йиллик ўсимликларнинг баъзи туркумлари ҳам қамиш билан чалкаштирилади.

**Қамровчи хужайралар, ёриқча лаби, лаб хужайралар** (*cellula inclu-siva*) - барглардаги ёриқчаларнинг очилиб ва ёпилиб туришини бошқарувчи лабсимон хужайралар.

**Қамчингул** (*Polygonum orientale* L.) – торондошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали бир йиллик ўт.

**Қандак ўрик** - ўрикнинг туршакбоп жайдари нави. Танаси нисбатан катта, меваси сариқ ёки қизғиш-сариқ, ширин.

**Қандағоч** (*Alnus glutinosa* (L.) Gaertn.) – қайиндошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали дарахт.

**Қандиқ** (*Erythronium*) - лоладошларга мансуб ўт ўсимликлар туркуми.

**Қандли ўсимликлар** – таркибила муайян миқдорда қанд тўплайдиган ўсимликлар.

**Қандли ўсимликлар** – тўқимасида анча қанд тутадиган ўсимликлар (масалан, *Beta vulgaris* L. var. *alba* DC.).

**Қанотли мева** (*samara*) - шамолда учиб тарқалишга мослашган меваларнинг (уруғларнинг) бир хили. Бундай меваларнинг қобикдор ёки пардали ясси ўсимтаси (қаноти) бўлади. Бу ўсимта меванинг ҳаво оқимида учиб имконини беради. Масалан, қайин, қайрағоч, заранг ва шумтол каби ўсимликларнинг меваси.

**Қанотлар** (*pterus spata*) - мевани ўраб олган қанотсимон юпқа ўсимталар; меваларнинг шамолда тарқалишига ёрдам беради.

**Қарафс** (*Apium graveolens* L.) – соябонгулдошлар оиласига мансуб, эфир мойли, суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Қарикиз** (*Arcticum leiospermum* Juz. et Serg.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерлар, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қариқиз** (*Arctium*) - мураккабгулдошларга мансуб икки йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Қариқиз** (*Melo zard*) - қовуннинг кечпишар нави. Шакли тухумсимон, бир оз тўмтоқ, оғирлиги 4-8 кг, пўстининг сирти буришган, тўрсиз. Ранги сариқ ёки оч сариқ. Пўчоғи қалин. Эти оқ, юмшоқ. Таркибида 9,1% гача қанд бор.

**Қармоқчўп** (*Lythrum*) - литрумдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми.

**Қарағай** (*Picea*) - қарағайдошларга мансуб доим яшил игнабаргли дарахтлар туркуми. Танаси тикка, унга конуссимон зич шабба жойлашади.

**Қарағайзор** - асосан қумлоқ ерларда ўсувчи қарағай ўрмони. Юқори сифатли қарағай ёғочи манбаларидан ҳисобланади.

**Қарғакўз** (*Paris quadrifolia*) - лоладошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари айлана бўйлаб жойлашган, тухумсимон, гуллари сарғиш-кўк.

**Қараған, сариқ акация** (*Caragana arborescens*) - дуккакдошларга мансуб бута ёки кичикроқ (бўйи 5-7 м) дарахтлар. Барглари қатор тартибли, жуфт патсимон. Барг бандчасининг куйи қисмида иккитадан тикансимон ёнбаргча жойлашган. Шингил тўпгулдаги гуллари сариқ. Меваси - дуккак.

**Қарғаоёқ** (*Scaligeria hirtula* Lipsky) – соябонгулдошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Қарғатирноқ** (*Euclidium syriacum* (L.) R.Br.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қарғатуёқ** (*Anemone petiollusa* Juz.) – айиқтовондошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Қасмалдоқ** (*Aegilops crassa* Boiss.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қатранғи, тошдарахт** (*Celtis*) - қайрағочдошларга мансуб дарахт ва буталар туркуми. Барглари кетма-кет жойлашган, симметриясиз, арра тишсимон. Мевалари данакли ва юмалоқ, нўхатдек.

**Қатранғи** (*Celtis caucasica* Willd.) – қайрағочдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган бута.

**Қатрон** (*Crambe kotschiana* Boiss.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Қаттана** – сувўтларнинг вегетатив танасининг атамаси.

**Қаттиқ қорақуя** – қорақуя замбуруғлари (*Ustilaginales* тартибига мансуб) бошоқдошлар оиласига мансуб, ўсимликларнинг донларида ҳосил қиладиган қаттиқ қорақуя.

**Қаттиқ хужайра, данак хужайра** (*sclereida*) - қаттиқ ва қалин пўстли хужайралар. Масалан, нок мевасини еганда тишга уриладиган қаттиқ хужайралар (қ. Склерейды).

**Қиёқ** (*Schoenoplectus micronatus* L.) – ҳилолдошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Қизил** (*Cornus*) - қизилдошларга мансуб айрим бута ёки кичик дарахтлар туркуми. Барглари оддий, қарама-қарши, гуллари майда, оқ-сарғиш, сариқ,

баъзан оч қизил, икки жинсли; қалқонсимон, рўваксимон ёки каллак тўпгулларга йиғилган. Мевалари - оқ, қора ёки қизил данак.

**Қизил** (*Cornus mas*) - қизилдошларга мансуб бута ёки дарахт.

**Қизил анор** - Ўзбекистоннинг жанубий худудларида кенг тарқалган анор навларидан. Мевасининг пўсти қизил, дони тўқ қизил, йирик, серсув ва ширадор.

**Қизил гулоби** (*Melo zard*) - қовуннинг кечпишар нави. Шакли думалок, пўсти қалинроқ, текис, фақат банд томони бир оз ғадир-будир, камтўр, яшил-сарик. Эти оқ. Таркибида 9,5% гача қанд бор. Оғирлиги 5-8 кг.

**Қизилдошлар** (*Cornaceae*) - соябонгулдошларга яқин дарахт ўсимликлар оиласи. Бу оилага 10 та туркум (115 та тур) киради. Кўпчилигининг барглари текис, оддий, қарама-қарши ўрнашган, гуллари тўғри ва қисмлари тўрттадан, соябонсимон, рўваксимон ёки каллак тўпгулларга йиғилган. Мевалари юмшоқ ёки данакли.

**Қизил ёғоч** - тропик ўсимликлар зотига мансуб бир қанча дарахтларнинг қизил ёки жигар ранг тусли ёғочи.

**Қизил замбуруғ** - найчали замбуруғлар (болетусдошлар, пўкакдошлар) га мансуб қалпоқчали замбуруғ.

**Қизил йунғичқа** (лот. *Trifolium*) - дуккакдорларнинг капалакгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик.

**Қизил Китоб** – ноёб ёки йўқолиб кетиш хавфида турган ўсимликлар турларининг биологияси, тарқалиши, баъзи турлари сонининг камайиб ва йўқолиб кетиш сабабларини қайд қилувчи ҳужжат.

**Қизил маймунжон** (*Rubus saxatilis*) - раънодошларга мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик.

**Қизилпойча** (*Hypericum*) - чойдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Кўп йиллик, баъзан, бир йиллик ўт, бута ёки чала буталарда иборат. Барглари қарама-қарши ёки доира бўлиб ўрнашади. Гуллари сарик, рўвак ёки шода тўпгулларга йиғилган. Меваси - кўсакча.

**Қизилпойча** (*Hypericum perforatum* L.) – далачойдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, доривор, кўп йиллик ўт.

**Қизилпойчадошлар** (*Cuttiferae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб оила.

**Қизил сувўтлар** (*Rhodophyta*) – 1. Кўпчилиги денгизларда ўсади, индивидулари морфология ва анатомия жиҳатидан анча мураккаб, бир неча сантиметрдан бир метргача етади. Ранги пуштидан тўқ қизилгача. Микроскопда кўрса бўладиганлари ҳам бор. 2. Тубан ўсимликларга мансуб сувўтларининг бир типи. Ранги қизил бўлганлигидан қизил сувўтлар деб аталади. Ҳужайра хроматофорида хлорофилдан ташқари кўк пигмент (фикоциан) ва қизил пигмент (фикоэритрин) лар бор.

**Қизилтикон** (*Acantholimon erythraeum* Rgl.) – кермакдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Қизил тол** (*Salix purpurea*) - толдошларга мансуб ингичка танали хушманзара бута. Бўйи 2-4 м га етади. Новдалари тўқ сарик ёки тўқ қизил, барглари тесқари ланцетсимон, туксиз, зангори.

**Қизилқиёқ** (*Imperata cylindrica* (L.) P.B.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Қизилқуйруқ** (*Amaranthus caudatus* L.) – гултожихўроздошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган маданий, бир йиллик ўт.

**Қизил қуйилиш** – тропик ва субтропик минтақалардаги денгизларда динофит сувўтларни беҳад кўпайиб кетиши туфайли содир бўладиган қуйилишлар.

**Қизғалдоқ** (*Roemeria refractata* DC.) – кўкноридошлар оиласига мансуб, воҳа, адирда ўсадиган доривор, бир йиллик ўт.

**Қийшиқ тож, қийшиқ шона** (*corolla zygomorphus*) - фақат тенг иккига бўлинадиган гултож. Баъзан моносимметрик гултож деб ҳам айтилади (масалан, каварнинг гули, дуккакнамолар, лабгуллилар ва сигирқуйруқгуллиларнинг кўпчилик вакилларидаги гултожлар). Бунинг акси актиноморф тождир.

**Қийшиқ гул** – қ. зигоморф гул.

**Қийшиқ гул** (*flos zygomorphus*) - фақат тенг иккига бўлинадиган гул (масалан, лабгулдошларга мансуб ўсимликлар гули). Баъзан моносимметрик гул деб ҳам айтилади. Бунинг акси актиноморф гулдир.

**Қилтиқ** (*Taeniatherum erinitum* (Schreb) Nevski) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қилчали бактериялар, тукли бактериялар** - учиди бир тўда тебратқич тукчалари бор бактериялар. Бу хил бактериялар шу тукчалар ёрдамида суюқликда ҳаракат қила олади.

**Қилчатоифа организмлар** (*Mastidophora ёки Flagellata*) - энг оддий организмлар типи.

**Қирбуйруғун** (*Anabasis eriopoda* (Schrenk) Benth.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Қирқоғайни** (*Rosa damasconia* Mill.) – раънодошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган манзарали бута.

**Қисиран** (*Restella albertii* (Rgl.) Pob.) – келинсупургидошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган бута.

**Қисқа умрлилар** (*ephemerus*) - ўз вегетациясини қисқа вақт ичида тугатувчи ўсимликлар (қ. Эфемерлар).

**Қисқарган новда** – бўғим оралиқлари калта, оз миқдордаги барглари зич жойлашган новда.

**Қисқарувчи вакуола** – хивчинли сувўтларда, хивчин асосида жойлашган осморегуляторлик вазифасини бажарадиган вакуола.

**Қирра** (*lot. carina*) - мева, барг ва таналар ўсиб чиққан қирра.

**Қирқма** (*Melo zard*) - 1. Қовуннинг кечпишар навларидан бири. Шакли эллипссимон, учи тўмтоқ, оғирлиги 5-7 кг. Банд томони бир оз буришган, учи текис. Пўсти қора ва сариқ чипор. Эти кўкимтир. Таркибида 7,4% гача қанд бор. 2. Фарғона водийсида экиладиган сирти қора-сарик қовун нави ҳам шу ном билан аталади, шакли тухумсимон, оғирлиги 6-12 кг, пўсти сертўр.

**Қитир** (*Echinopanax horridus*) - аралиядошларга мансуб бута (бўйи 1 м). Танаси, шохи, банди ва баргларининг қуйи қисми мўрт тиканлар билан қопланган. Барглари беш бўлмали, меваси яссирак, ширадор.

**Қичитқийўт, газанда** (*Urtica*) - қичитқийўтдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Поя ва барглари колбасимон мўрт тукчалар билан қрпланган. Бу туклар баданга санчилганда учи синади ва ичидаги суюқ заҳарли модда баданни қичитади.

**Қичитқийўтдошлар, газандадошлар** (*Urticaceae*) - тутдошлар ва қайрағочдошларга яқин икки уруғ паллали ўсимликлар оиласи. Ўт ва бута шаклида ўсади. Гуллари бир жинсли, бир уйли ёки икки уйли, мураккаб цимоз тўпгулларга йиғилган. Меваси - данак. Барглари ёнбаргчали. Баргларида майда тукчалар бор. У баданга текканда қичитади. Шунга кўра, улар қичитқийўтлар деб номланади (қ. Крапива).

**Қишга чидамли ўсимликлар** – қиш мавсуми давомида унинг барча ноқулай шароитларига бардош бера оладиган ўсимликлар.

**Қишки тиним, қишки уйқу, қишки анабиоз** - қиш фаслида ўсимликларнинг вегетациядан тўхтаб, тинимга кириши. Бу жараён ўсимликнинг ноқулай шароитга мослашувидир.

**Қушимча сунъий чанглатиш** (*artificialis - сунъий*) - агробиология фани томонидан ишлаб чиқилган усуллардан бири. Бу усул билан сули, макка, кунгабоқар, беда каби ўсимликларнинг ҳосили оширилади ва уруғларининг сифати яхшиланади. Бундан асосан тараққий этиб, етишган гулларгина чанглантиради.

**Қишловчи куртак** – маълум муддат давомида тинимда бўлиб, кейин ёзилиб, новда, барг ҳосил қиладиган куртак.

**Қишловчи куртак** - ёз охирларида ва кузда бўртиб қишлайдиган куртаклар.

**Қишловчи спора** - қишда нобуд бўлмай сакланадиган ва қиш шароитига мослашган (ёзги споралардан ўзгачароқ) споралар. Масалан қоракуя ва занг замбуруғларининг споралари.

**Қишловчи туганаклар** – бир ҳужайрали ёки кўп ҳужайрали туганаклар хара сувўтларида кўпайиш учун хизмат қилади.

**Қовоқ** – серсув, эндоспермли, этдор мезокарпли ва маълум даражада қаттиқ экзокарпли мева хили.

**Қовоқча** (лот. *Cucurbita pepo*) - қовоқдошлар (кадидошлар) га мансуб ошқовоқларнинг бир хили. Пояси тик (бошқа вакилларининг пояси эса ётиқ) ўсади. Меваси чўзиқ ва йирик. 10-15 кунлик пишмаган ёш тугунчалари овқатга ишлатилади.

**Қовиқ давра** - тана атрофини ёппасига ўраб турган қовиқ.

**Қовиқ, луб, флоэма** (*liber, phloema*) - дарахт ёки ўт ўсимликларнинг поя ва илдизларида (камбий ва перицикл орасида) жойлашган тўқималар комплекси.

**Қовиқ паренхима** - юпқа қобикчали тирик ҳужайралардан ташкил топган, ҳар хил озуқа моддаларни тўплайдиган тўқима. Поянинг чеккароқ қисмида жойлашади.

**Қовиқ тиғлари, қовиқ тармоқ** - камбийдан ташқарига қараб тиғсимон жойлашган қовиқ толалари.

**Қовиқ тола** - қовиқдан ажратиб олинадиган тола. Саноат аҳамиятига эга. Ўсимликларнинг турига қараб ҳар хил узунликда (1-2 мм дан 70 мм гача ва ундан ҳам узунроқ) бўлади.

**Қовун (*Melo*)** - қовоқдошлар (кадидошлар) га мансуб туркум. Қовун бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси - палак; барглари йирик, қатор тар-тибли; гуллари бир жинсли (баъзи ҳолларда икки жинсли). Меваси сохта, серуруғ, қовоқсимон (кадисимон). Барг қўлтиқларида гажакчалар ҳам бор. Ҳашаротлар воситасида чангланади.

**Қовундарахт (*Carica papaya*)** - қарикадошларга мансуб мевали дарахт (4-6 м). Танасининг юқори қисмидаги узун бандларида панжасимон қирқма барглар ўсади. Гуллари сарғиш-оқ, икки уйли ва бир жинсли (баъзи полигам тупларида икки жинсли) бўлиб, бевосита катта танага жойлашади (каулифлория); меваси қовун шаклида, ранги сариқ ёки сарғиш-кўк. Меваси таркибида папайотин деб аталувчи протеолитик фермент бўлиб, оқсилларнинг парчаланишига ёрдам беради. Меваси ейилади. Қовундарахт ёввойи ҳолда учрамайди.

**Қовурғалар** – диатом сувўтларининг паллаларини юзасидаги ёки ички томонидаги унинг мустақамловчи, систематик белги ҳисобланадиган қалинлашувидир.

**Қовурғали поя** – бўртиб чиққан жойлари бўлган поя (*Cereus* туркумининг ўсимликларида).

**Қовурғали споралар** – узунасига йўналган йўғон йўлли спора.

**Қозиқча (*unduculus*)** - тожбаргларнинг остки ингичка қисми. Баъзи ўсимликларнинг, масалан, қорамуғдошларнинг гулбарглари икки қисм-дан иборат: усти япалоқ (кенгайган) ва ости узун, ингичка, қозиқсимон. Гулбаргнинг ана шу остки ингичка, узун қисми қозиқча деб аталади.

**Қозонювғич, луффа (*Luffa*)** - қовоқдошлар (кадидошлар) га мансуб ўсимликлар туркуми. Барглари 5-7 бўлмали, гуллари йирик, сариқ. Мевалари цилиндрсимон, узунлиги 16-100 см, эни 5-15 см. Ёш меваларини истеъмол қилиш мумкин. Меваси етилгач, қайта ишланиб ювғич сифатида ёки шляпа, оёқ кийими ва ҳоказолар учун материал сифатида фойдаланилади.

**Қозоқи анор** - серҳосил анор нави меваси йирик (360—450 г), пўсти кўкиш сариқ, дони ва суви тўқ қизил, ширин, баъзан бир оз нордон.

**Қолдиқ меристема** – апикал меристеманинг табақалашган охирги қолдиқ қисми; прокабий ва боғламлараро асосий тўқима ҳосил қилишни бошлаб беради.

**Қонтепар (*Biebersteina multifida* DC.)** – ёронгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Қоплама қипиқ, ўрама қипиқ** - бошоқ ва бошоқчани ўраб турадиган қипиқ.

**Қоплама барг (*bractea*)** - тана ва гулнинг айрим қисмларини ўраб турадиган барг. Гул олди барглари кўпинча ўрама барг ҳисобланади.

**Қопловчи тўқималар** – ўсимлик органларини қоплаб турадиган, асосан ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларидан ҳимоялайдиган тўқима. Бу тўқима

баргда ва пояда химоялаш, илдизда шимиш вазифаларини бажаради. Қопловчи тўқималар бирламчи (эпидермис), иккиламчи (перидерма), учламчи (пўстлоқ) ҳолида бўлади.

**Қора анжир** - анжирнинг икки марта ҳосил берадиган жайдари нави. Меваси ноксимон, майда, қорамтир, ширин. Июль ва сентябрь ойларида пишади.

**Қорабаргўт** (*Suaeda heterophylla* Bge.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Қорабарқит** (*Suaeda physophora* Pall.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган ем-хашак бута.

**Қорабош** (*Carex stenophyeloides* V. Krecz.) – хилолдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Қора вассарға** - винобоп жайдари узум. Гули икки жинсли, ғужуми қора ёки тўқ бинафша, думалоқ.

**Қора гул** (*Melo zard*) - қора қовуннинг кечпишар навларидан. Шакли чўзиқ, катта (40-45 см), оғирлиги 10-12 кг. Пўсти қалинроқ, буришган, тилим-тилим. Ранги қора-чипор, тўрланмаган. Эти қалин, кўкимтир. Таркибида 8,2% гача қанд бор.

**Қора гулоби** (*Melo zard*) - қовуннинг кечпишар навларидан. Шакли тухумсимон (30-55 см), оғирлиги 15-20 кг, баъзан 40 кг га етади. Пўсти бир оз буришган, сертўр, тўқ кўк ранг. Пўчоғи қалинроқ бўлганлигидан узоқ вақт, ҳатто, қишда ҳам сақлаш мумкин. Эти оқ. Таркибида 8,4% гача қанд бор.

**Қора гурвак** (*Melo cassaba*) - гурвак қовуннинг эртапишар навларидан. Шакли тухумсимон, йирик (6-9 кг), пўсти тўқ яшил, оқиш нуқтали, сертўр. Эти оқ, юмшоқ. Таркибида 9,2% гача қанд бор.

**Қора жанжал** - узумнинг хўраки ва майизбоп жайдари нави. Гули икки жинсли. Боши катта, ғужуми (меваси) йирик, эллипссимон, қорамтир.

**Қора калтак** - узумнинг хўраки ва майизбоп нави. Боши катта, ғужуми эллипссимон, қорамтир.

**Қора кишмиш, шивирғони** - кишмишнинг сифатли майизбоп нави. Гули икки жинсли. Ғужуми (меваси) қисқа эллипссимон, тўқ бинафша ёки қорамтир.

**Қоракуя** (*лот. Ustilago, Tilletia*) - кўпчилик экма ва ёввойи ўсимликларда қоракуя замбуруғлари келтириб чиқарадиган юқумли касаллик. 1. Буғдой ва жавдардаги қаттиқ қоракуя ва поя қоракуяси; 2. Сули ва арпадаги қаттиқкуя; 3. Арпа, сули, тарик ва маккажўхори кабиларнинг чангли қоракуяси; 4. Маккажўхоридаги пуфакли қоракуя қоракуялар жумласига киради.

**Қоракуя замбуруғлари** (*Ustilaginales*) - паразит базидиал замбуруғларнинг катта бир гуруҳи. Юксак ўсимликларда, жумладан, ғалла экинларида қоракуя касалини кўзғатади.

**Қоракўза** (*Avena fatua* L.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қорамарт** (*Exochorda albertii* Rgl.) – зирадошлар (соябонгулдошлар) оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бута.

**Қораматов** (*Camphorosma lessingii* Litv.) – шўрадошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.



**Қора олу, қароли** - олхўрининг совуққа чидамли, хўраки навларидан. Меваси сал чўзиқ, тўқ бинафша, эти сарғиш, ширин-нордон.

**Қора сон** – ўсимликлар поясининг пастки қисми, илдизини қорайиб қолиши билан рўй берадиган махсус бактериялар ва замбуруғлар (масалан, *Olpidium brassica* Dang. иссиқ хоналарда карам кўчатларида) кўзғатадиган касаллик.

**Қоратикан** (*Paliurus spinachristi*) - унобидошлар (чилонжийдадошлар) га мансуб бута. Бўйи 2-3 м, ёнбаргчалари тиканга айланган. Тўпгуллари сарғиш, майда шингил.

**Қоратундак, ошкўк ўт** (лот. *Lepidium sativum*) - крестгулдошларга мансуб бир йиллик ўсимлик.

**Қорачайир** (*Eleusine indica* L.) – бошокдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерлар, воҳалар, қумли чўлда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қорашундак** (*Lepidium sativum* L.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қорақайинлар** (*Fagales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, Hamamelididae кенжа синфининг тартиби.

**Қорақайин, бук** (*Fagus*) - букдошларга мансуб ўсимликлар (дарахтлар) туркуми. Бўйи 50 м, танасининг диаметри 2-2,5 м. Қобиғи ялтироқ кулранг, барглари тухумсимон, кенг, оддий. Баргларининг ёзилиши ва гуллаши бир вақтга тўғри келади. Шамол воситасида чангланади. Генерация даври 60-70 ёшида бошланади. Меваси кузда пишадиган ёнғоқчадан иборат.

**Қорақайиндошлар** (*Fagaceae*) - қайиндошларга яқин дарахт икки паллали ўсимликлар оиласи. Доим яшил турлари ҳам бор. Барглари кетма-кет жойлашган. Ёнбаргчалари тезда тушиб кетади. Гуллари майда, кўримсиз гулкўрғонли.

**Қорақанд** (*Berberis oblonga* Schneid.) – зиркдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган, меваси доривор бута.

**Қорақанд** (*Melo zard*) - қовуннинг кечпишар навларидан. Шакли тухумсимон, иккала томони тўмтоқ. Пўсти қўнғир йўлли, тўрланган. Эти қалин, оч яшил. Таркибида 11,4% гача қанд бор. Қишда ҳам сақланади. Оғирлиги 3-5 кг.

**Қорақарағайлар** (*Abietineae*) - игнабарглиларнинг қарағайдошлар оиласига мансуб дарахт ва буталар. Қорақарағайларнинг урғочи куббаларида қопловчи ва уруғли қобиқлар бўлади. Улар қарағайдошларнинг бошка оилачаларидан мана шу белгиси билан фарқ қилади.

**Қорақарағайзор** - қорақарағайлардан ташкил топган ёки қорақарағайлар доминант, (қ.) бўлган ўрмонлар.

**Қорақат** (*Ribes meyeri* Max.) – қорақатдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор, истеъмол қилинадиган манзарали бута.

**Қорақиёк** (*Carex turkestanica* Rgl.) – ҳилолдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Қорақиз** (*Cousinia tenella* F. et M.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қорақовуқ** (*Ungernia severtsovii* (Rgl.) B.) – чучмомагулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган доривор, кўп йиллик ўт.

**Қорақашқа** (*Melo chandalak*) - хандалак навларидан. Шакли ясси, баъзан думалоқ, оғирлиги 2,5 кг ча. Сирти бир оз тилимли, тўрланмаган. Ранги кўким-

тир, йўллари сарғиш, пўсти калин, юмшоқ. Эти юмшоқ, хушбўй, таркибида 9,1% гача қанд бор.

**Қорақош** - ҳандалак (*Melo chandalak*) ва сариқ қовун (*M. zard*) турларига мансуб икки навнинг умумий номи. Ҳандалакнинг шакли бир оз ясси, баъзан думалоқ, оғирлиги 2 кг га етади. Сирти қалин тўрланган. Ранги оч яшил, баъзан сарғиш. Пўсти қаттиқ. Эти ширин ва хушбўй. Таркибида 9,1% гача қанд бор. Асосан, самарканд вилоятида тарқалган. Сарғиш пўстли қовун турига мансуб нави эса хандалакка нисбатан кечроқ пишади. Шакли тухумсимон, йирик, оғирлиги 8-9 кг га. Сирти бир оз тилим-тилим, буришган. Усти, айниқса, банд атрофи ва учи калин тўрланган. Ранги сарғишроқ. Пўсти қаттиқ. Эти оқ, юмшоқ, таркибида 7,9% гача қанд бор. Уруғи йирик, бир оз чўзиқ, сарғиш-жигар ранг. Асосан, хоразм ва қорақалпоғистонда тарқалган.

**Қорақулоқ** (*Eminium regelii* Vved.) – кучаладошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

**Қорақурт** (*Codonopsis clematidea* Schrenk.) – кўнғироқгулдошлар оиласига мансуб, тоғда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Қор дарахт** (*Chionantus virginica* L.) – Шимолий Америкада ўсадиган, бўйи 8-10 м келадиган бута ёки дарахт, гуллари қордек оқлигидан шундай номланди.

**Қорин чоки** – мевабарг букилиб, ўралиб, четлари қўшилишидан ҳосил бўлган чок.

**Қоролди ўсимликлари** – муз ва қорни эришидан ҳосил бўлган сувли шароитда ўсадиган ўсимликлар (*Primula*, *Ranunculus* туркумига мансуб ўсимликлар).

**Қошиқўт** (*Cochlearia*) - крестгулдошларга мансуб бир йиллик ёки икки йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари қатор тартибли, гуллари шингилларга тўпланган, оқ ёки бинафша ранг. Меваси - юмалоқ қўзоқча.

**Қоячигул** - қорақатдошлар (қоячидошлар) га мансуб ўсимликлар туркуми. Бир йиллик ва кўп йиллик ўтлардан иборат. Барглари илдиз ёнларидан чиқиб, ёпирма шаклида ўсади. Гуллари икки жинсли, оқ, сариқ ёки қизғиш, одатда рўвак тўпгулларга йиғилган. Меваси - кўсакча.

**Қоячигулдошлар, қорақатдошлар** (*Saxifragaceae*) - икки уруғ паллалиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Семизакдошлар ва раънодошларга анча яқин бўлиб, ўт, бута ҳамда кичикроқ дарахт шаклида ўсади. Барглари ёнбаргчасиз, кетма-кет жойлашган; гуллари икки жинсли, актиноморф (баъзи ҳолларда бир оз қийшиқ). Косача ва тожбарглари 5 тадан, чангчилари 5-10 та ёки ундан ҳам кўпроқ, уруғчиси 1 та, меваси - қуруқ ёки юмшоқ кўсакча.

**Қримсағиз** (*Taraxacum hybernum*) - қоқиларнинг бир тури, мураккабгулдошларга мансуб каучукдор кўп йиллик ўт ўсимлик.

**Қубба** – нинабаргли ўсимликлардаги мегаспоралардан иборат ҳосила.

**Қуда** (*Stipa hohenackeriana* Trun. et Rupr.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Қуёнжун** (*Halocharis hispida* (САН) Вге.) – шўрадошлар оиласига мансуб, қўл, адирда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Қуёнжун** (*Filago arvensis* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қуёнсуяк** (*Ammodendron conollyi* Bge.) – бурчоқдошларга (дуккакдорларга) мансуб буталар туркуми, бўйи 1-1,5 м. Барглари кумуш ранг, гуллари эса бинафша тусда бўлиб, шингил тўпгулларга йиғилган. Меваси - дуккак. Илдизидан газламалар учун бўёқ модда олинади. Барг ва ёш новдаллридаги захарли алкалондлар медицинада ишлатилади.

**Қуёнтавоқ** (*Scorzonera pusilla* Pall.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган каучукли кўп йиллик ўт.

**Қуёнқуйруқ** (*Verbascum blattoria* L.) – сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қуёшсевар, ёруғсевар, гелиофил** - серкуёш ва ёруғ шароитни севувчи сояга чидамсиз ўсимликлар.

**Қуйи оқим, илдикловчи оқим** (*лот. descendens - қуйи, энниш*) - органик моддаларни ўсимликнинг юқори қисмидаги органларидан (масалан, баргдан) пастга (илдизга) олиб тушувчи оқим.

**Қуйқа лишайниклар** – ўсаётган жойига танаси билан тўла ҳолда ёпишиб кетган лишайниклар гуруҳи.

**Қулонқуйруқ** (*Eremosparton aphyllum* (Pall.) F.et M.) – дуккакдошлар оиласига мансуб, қумли чўлда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Қулмоқ** (*Humulis lupulis* L.) – тутдошлар оиласига мансуб, суғориладиган ерларда ўсадиган, манзарали кўп йиллик ўт.

**Қулупнай дарахт** (*Cornus capitata* Will.) – корнадошлар оиласига мансуб, Ҳимолайда ўсадиган, меваси қулупнайга ўхшайди, бироқ уни еб бўлмайдиган дарахт.

**Қулупнай, ертут** (*Fragaria*) - раънодошларга мансуб ўсимликлар туркуми; қисқа илдизпояли, попук илдизли. Ёпирма баргларида узун бандли, уч япроқчали барглар ўсади. Кўп йиллик ўсимлик пояларида майда барглари ва ерда ёйилиб ўсиши учун хизмат қиладиган ётиқ (бачки) поячалари ҳам бор. Шу ётиқ поячаларининг бўғимларидан янги новдалар ва илдизлар ўсиб чиқади. Гуллари оқ, икки жинсли ёки бир жинсли. Меваси гулўринларда ўсувчи кўп сонли майда данакчалардан иборат.

**Қулупнай, мускат ертут** (*Fragaria moschata*) - раънодошларга мансуб кўп йиллик ўсимлик. Бир жинсли ва икки уйли ўсимлик бўлиши билан бошқа ертутлардан фарқ қилади.

**Қумаржиқ** (*Agrophyllum arenarum* M.B.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган, ем-хашак бир йиллик ўт.

**Қумбоқ** (*Salsola collin* Pall.) – шўрадошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Қумсақич** (*Chodrilla juncea* L.) – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган каучукли кўп йиллик ўт.

**Қумспарак** (*Silena nana* K. et K.) – чиннигулдошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қумтарин** (*Corispermum lehmannianum* Bge.) – шўрадошлар оиласига мансуб, қумли чўлда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Қумтепа ўсимликлари, дюн ўсимликлари** (*aridus, siccus*) - Дарё соҳилларидаги қум уюмларида ўсувчи ўсимликлар.

**Қуртана** (*Sysimbrium loeselii* L.) – бутгулдошлар оиласига мансуб, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қуртқасоч** (*Iris songorica* Schrenk.) – савсаргулдошлар оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган кўп йиллик техника ўсимлиги.

**Қуруклик сувўтлари** – хавони, тупроқни намланиши ҳисобига ривожланадиган тупроқ юзасидаги сувўтлар.

**Қурғоқ ўлка, кам ёгин ўлка** - чўл ва чала чўл иқлимли қурғоқ ўлка.

**Қутблилик** – фитогормонлар таъсирида ўсимлик пояси бўйлаб осмотик босимни ортиши ёки камайиши, рН ўзгариши, моддалар концентрациясидаги фарқларнинг юзага келиши, ферментлар фаоллигидаги фарқларни, нафас жараёнларидаги ўзгаришларни юзага келиши.

**Қушоёқ** (*Koelipinia linearis* Pall.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб, чўл, адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қуштирноқ, календула** (*Calendula officinalis*) - қоқиўтдошларга (мураккабгулдошларга) мансуб сариқ гулли хушманзара ва доривор ўсимлик. Меваси қушнинг тирноғига ўхшаб, ичкари томон қайрилган. Бу ўсимликнинг номи шу белгига нисбатан қўйилган. Ўзбекистонда (бошқа мамлакатларда ҳам) хушманзара ўсимлик сифатида кўплаб экилади.

**Қушқўнмас** (*Cnicus benedictus* L.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган доривор бир йиллик ўт.

**Қўзиқоринлар** - Гастеромицетнамоларга мансуб бир гуруҳ замбуруғлар.

**Қўзиқулоқ** (*Phlomis thapsoides* Vge.) – ялпиздошлар (лабгулдошлар) оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, ем-хашак кўп йиллик ўт.

**Қўзоқ** – икки хонали мева бўлиб, тушиб кетадиган иккита қопқоқчага ўхшаб пастидан тепагача ёрилади, улар орасида уруғ бўлади.

**Қўзтикан** (*Centaurea iberica* Trev.) – қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб, адир, воҳаларда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Қўйбош** (*Melo zard*) - қовуннинг кечпишар навларидан. Шакли тухумсимон, сертўр, ранги қорамтир яшил, учки томони сарғишроқ. Пўчоғи қалин, эти кўкимтир оқ. Таркибида 10,4% гача қанд бор. Бу қовуннинг оғирлиги 10 кг га етади.

**Қўйтикан** (*Xanthium*) - қоқиўтдошларга (мураккабгулдошларга) мансуб бир йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Гуллари бир жинсли ва бир уйли, найчасимон.

**Қўли хуштарин** - қорачипор қовуннинг эртапишар, лекин кам тарқалган навларидан бири. Шакли чўзиқроқ-тухумсимон, пўсти кўким-тир қора йўлли, камтўр. Эти кўкимтир-оқ. Анча ширин. Уруғи чўзиқ, йирик.

**Қўл тегмаган ўрмон** (*Silva virginicus*) - ҳали одам қўли тегмаган (кесилмаган) табиий ўрмон.

**Қўлтиқ** – барг бандининг асоси билан поя орасидаги чуқурча.

**Қўнғирбош** (*Poa*) – буғдойдошларга (ғалладошларга) мансуб кўп йиллик, баъзан бир йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Тўпгуллари рўваксимон, бошоқчалари икки гулли ёки кўп гулли тухумсимон - ланцетсимон.

**Қўнғир занг** - сули, буғдой каби ғалла ўсимликларида паразит бўлиб яшовчи замбуруғлар (*Pucc. disperse, pucc. triticina*). Қўнғир занг тарқалган ўсимликларда занг касаллиги пайдо бўлади ва бу билан қишлоқ хўжалигига катта зарар етказилади.

**Қўнғироқсимон** (*лот. campanullattus*) - қўнғироқ шаклидаги органлар. Масалан, қўнғироқсимон гулқўрғон, тож.

**Қўнғироқгул** (*campanula*) - қўнғироқгулдошларга мансуб бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми.

**Қўнғироқгуллар** (*Campanulales*) – гулли ўсимликлардан *Magnoliopsida* синфи, *Asteridae* кенжа синфининг тартиби.

**Қўнғир сувўтлар** (*Phaeophyceae*) - сувўтларнинг бир типи. Кўп хужайрали, қўнғир тусда бўлгани учун қўнғир сувўтлар деб аталади. Хроматофорларида хлорофилл, каротин, ксантофилл ва фукоксантин (қўнғир ранг -  $C_{40}H_{56}O_6$ ) пигментлари бор.

**Қўриқ** – 1. Ҳеч қачон ҳайдалмаган табиий ҳолда ўсаётган ўсимликли жой  
2. Табиий ҳолда ўсаётган ўсимликли инсон томонидан фойдаланилмай турган жой.

**Қўтир** - қовуннинг чўғари қовунга яқин эртапишар навларидан бири. Шакли думалоқ, баъзан бир оз чўзиқ, оғирлиги 3,5 кг, сирти ғадир-будур, тўри кам. Пўсти тўқ сариқ, эти оқ. Таркибида 10,4% гача қанд бор.

**Қўш гулқўрғон, мураккаб гулқўрғон** - косача ва тожга ажралган гулқўрғонлар. Бу айиктовон ва қўнғироқгул кабиларда учрайди.

**Қўшоқданак, қўшалок мева** (*лот. Diachenium, biachenium*) - икки уруғли мева; етилганда иккита якка уруғли бўлақларга ажралади.

**Қўшимча илдизлар** – 1. Ерости, қисман ерусти новдаларда ёки баргда ҳосил бўладиган илдизлар. Одатда, асосий илдиз қуригандан кейин, баъзан улар билан бирга бўладиган илдизлар. 2. Ўсимликнинг поя ва баргларидаги уйқуда ётган қўшимча куртақдан ҳосил бўладиган ёрдамчи илдизлар.

**Қўшқават косача** - гулнинг икки қаватли косачаси. Тугмагул ва ғозпанжа каби ўсимликларда шундай косачалар мавжуд.

**Қўшимча куртақлар** – ўсимликнинг поясини ҳоҳлаган қисмида, илдизда, баъзан баргларда юзага келадиган куртақлар.

**Қўшимча куртақ** – поянинг учи, барг қўлтиқларида бўлмай, ўсимлик танасининг бошқа қисмларида илдиз, барг, бўғим оралиқларида ҳосил бўладиган новда.

**Қўш оталаниш, жуфт оталаниш** - генератив хужайра мағзининг иккига бўлинишидан юзага келадиган спермалардан биттасининг тухум хужайра билан, иккинчисининг эса марказий хужайра билан қўшилиши.

**Қўшпайванд, ёндошпайванд** - ўсимликларни пайванд қилиш усулларида бири. Бунда ёнма-ён турган икки ўсимликнинг шох ёки новдалари танасидан узилмай бир-бирига яқинлаштирилади ва пайванд қилинади. Бу усул ўрмалаб ўсувчи баъзи ўсимликлар (ток) ўсишини маълум шаклга келтириш учун ҳам қўлланилади.

**Қўш уруғланиш** – гулли ўсимликларда тухум хужайрани спермий билан қўшилиб, диплоид (2n) тухум хужайра – зигота ҳосил қилиши билан

биргаликда иккинчи эркак гаметани поляр ядро билан қўшилиб, эндоспермнинг триплоидли (3n) бирламчи ядросини ҳам ҳосил қилиши.

**Қўш қанотли мева, жуфт қанотли мева** - шамол ёрдамида учиб тарқалишга мослашган икки қанотли мевалар.

**Қўшимча хужайра** – устица (оғизча) билан боғлиқ бўлган, маълум даражада эпидерма хужайраларидан морфология жиҳатидан фарқланадиган тўқиманинг асосий массасини ташкил этадиган эпидерма хужайраси.

**Қўға** (лот. *Typha angustifolia*) - қўғадошлар (тўзғоқдошлар) га мансуб ўсимлик.

## Ғ

**Ғайри жинсий урчиш, вегетатив урчиш, споралар билан урчиш** - ўсимликлардаги урчишнинг бир тури. Бундай кўпайишда танадан ажралиб чиққан бирор қисм янги организм сифатида тараққий этади. Ғай-ри жинсий урчиш икки формада: 1) бир хужайрали организмларда ҳамда қизил сувўтлар, йўсинлар, мохлар, қирққулоқлар каби кўп хужайрали ўсимликларда спора ҳосил қилиниши билан; 2) баъзи бир хужайрали организмларда ёки гулли ўсимликларда эса вегетатив йўл билан боради.

**Ғайри каштан, сохта каштан** (*Aesculus hippocastanum*) - ғайрикаштан-дошларга мансуб дарахт ўсимликлар туркуми.

**Ғайри чангланиш, нотўғри чангланиш** (*pollini satio illegitimus*) - турли (узун-қисқа) устунчали гуллардаги чангланиш. Бундай чангланиш узунлиги бир хил устунчали гулларда юз беради, яъни узун устунчали гулдаги уруғчи шундай узун устунчали гулдан, қисқа устунчали гулдаги уруғчи эса шундай қисқа устунчали гулдан чангланади. Натижада уруғ мутлак ҳосил тугмайди ёки жуда кам миқдорда ҳосил тугади, ундан ўсиб чиққан ўсимлик эса жуда касалманд ва заиф бўлади. Ғайри чангланишнинг акси оддий (легитим) чангланишдир.

**Ғаллачилик** - донли ўсимликлар (буғдой, шоли, маккажўхори, арпа, сули, жавдар, тарик, гречиха, нўхат кабилар) уруғини экиш билан дон етиштириш.

**Буғдойдошлар (Ғалладошлар)** (*Gramineae*) - бир уруғ паллалиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Ғалладошлар (бамбук каби айрим дарахт ва буталардан ташқари) нинг барча турлари ўт ўсимликлардир. Поялари 1-2 см дан 20 м гача ўсиши мумкин. Барглари узун цилиндрсимон новли. Поянинг бир қисми ҳам шу нов ичида жойлашади. Гуллари майда ва сарғиш-кўк, оддий тўпгулларга (бошоқчаларга) йиғилган. Бу тўпгуллар секин-аста мураккаб тўпгулларга, яъни бошоқ, рўвак ва баъзан шингилларга айланади. Кўпчилигининг меваси - донача.

**Ғамланган ёғлар** – ёғли уруғлар (кунгабоқар, ғўза каби) таркибидаги ниҳолни унишида фойдаланиладиган ёғлар.

**Ғамланган (иккиламчи) крахмал** – ўсимликнинг турли қисмларидаги амилопластларда тўпланган крахмал.

**Ғамланган модда** – 1. Эритмада 2. Қисман қаттиқ модда – крахмал, оқсил 3. Қаттиқ ҳолда – алейрон доналари 4. Ярим суяқ ҳолда – мой томчилари 5. Тамомила қаттиқ ҳолда – уруғпалладаги моддалар.

**Ғамланган оксиллар** – нафас жараёнларида гидролизланиб, аминокислоталаргача парчаланадиган оксиллар.

**Ғамланган углеводлар** – ўсимликларда тўпланадиган крахмал (картошка, маккажўхори, шоли), инулин (георгин, топинамбур), гемицеллюлоза.

**Ғамловчи илдизлар** – йўғонлашган ва кучли паренхималашган илдизлар; ғамловчи паренхима бирламчи пўстлоқда, ёғочликда ёки ўзакда жойлашади.

**Ғамловчи тўқима** – ўсимликни ривожланиши ўзи учун зарур бўлган моддаларни тўпловчи тўқимаси.

**Ғамловчи тўқималар, жамғарувчи тўқималар, тўпловчи тўқималар** - ўсимликларда сув ва органик моддаларни тўпловчи тўқималар. Бундай тўқималарда тўпланган моддаларнинг айримлари (масалан, сувлар) вегетация даврида тўпланиб, шу даврнинг ўзида, айримлари эса (масалан, тугунак ва илдизпояларда ғамланган кишки крахмал) узоқ вақт давомида сарфланади.

**Ғичмалос** (*Heliotropium ellipticum* Lub.) – гавзабондошлар оиласига мансуб адирда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Ғиччак** (*Potamogeton perfoliatus* L.) – ғиччакдошлар оиласига мансуб чўлдаги сувларда ўсадиган кўп йиллик ўт.

**Ғовак паренхима** (*parenchyma lacunosa*) - баргнинг пастки томонида сийрак жойлашган хужайралар.

**Ғовак тўқима** (*tela lacunosa*) - бир неча қават сийрак хужайралардан ҳосил бўлган тўқима.

**Ғозпанжа** (лот. *Potentilla anserina*) - раънодошларга мансуб ғозпанжа туркумининг бир вакили; кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси ўрмаловчи, тугунли жойлари илдиз бўлиб кўмилувчи ўсимлик. Барглари патсимон тукли, гуллари сарик, якка ва йирик.

**Ғозпанжа, бешбарг** (*Potentilla*) - Раънодошларга мансуб ўт ёки бута ўсимликлар туркуми. Барглари панжасимон ва патсимон мураккаб ёки қирқма, гуллари сарик, оқ, пушти ва тўқ кизил.

**Ғозяпроқ** (*Alchimilla retropilosa* Juz.) – раънодошлар оиласига мансуб адир, тоғда ўсадиган бир йиллик ўт.

**Ғоз ўти** (*Crypsis aculeata* (L.) Ait.) – бошоқдошлар оиласига мансуб, чўлда ўсадиган ем-хашак бир йиллик ўт.

**Ғумай** (*Sorghum halepensis*) – буғдойдошларга (ғалладошларга) мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Уруғ ва илдизларидан кўпаяди. 1,5-2 м узунликдаги сербарг пояларининг бошида рўвак тўпгули бор.

**Ғуддалар, бужғунлар** (*gallae*) - ўсимликнинг турли қисмларида пайдо бўладиган ғуддалар. Бу ғуддаларни кўпроқ бактерия, замбуруғ ва ҳашаротлар ҳосил қилади.

**Ғузор, дағал каноп** (*Abutilon*) - пахтадошлар (тулмагулдошлар) га мансуб толали бир йиллик ўсимлик.

**Ғулжа узуми** - узумнинг винобоп навларидан бири. Гули икки жинсли, ғужуми (меваси) думалоқ, оч яшил.

**Ғунча** - очилмаган гул. Ғўзадаги шона ҳам аслида ғунча мазмунида ишла-тилади.

**Ғунчалаш** – 1. Ўсимликларнинг гуллашидан олдинги ғунчалаш даври. Ғўзага нисбатан бу даврни шоналаш деб ҳам атайдилар. 2. Ўсимликнинг гулкуртагидан тана ёки ғунча пайдо бўлиши.

**Ғурра, буқоқ** (*callus*) - дарахтнинг ёғоч қисмида баъзан бўртиб чиқувчи шиш жойлар. Бу совуқ таъсирида, механик зарарланиш (шикастланиш) натижасида ёки бактерия ва замбуруғлар таъсирида пайдо бўлади.

**Ғўзанинг уруғбарг усти қисми** - ғўза поясининг уруғбарглар чиққан бўғимидан юқоридаги поя ва шохлари.

**Ғўзор** (*Abies theophrasti* Media) – гулхайридошлар оиласига мансуб, воҳалар, суғориладиган жойларда ўсадиган толали бир йиллик ўт.

## Ҳ

**Ҳаво илдизи** – поянинг пастки ерга яқин қисмида ҳосил қиладиган ҳаводан сув шимувчи кўшимча илдиз.

**Ҳаво илдизлари** – тропиклардаги эпифит орхидеядошлар, ариддошлар, бромелиядошлар оилаларига мансуб ўсимликларнинг фақат таянч сифатида хизмат қиладиган илдизлари.

**Ҳаво камераси** - ичи ҳавога тўлган ҳужайра оралиғи ёки бўшлиғи.

**Ҳаволи тўқима** - аэренхима.

**Ҳаводаги сувўтлар** – фақат ҳаводаги намлик ҳисобига ўсадиган сувўтлар, ҳозирча уларнинг 300 га яқин турлари маълум. Дарахт пўстлоқларида *Chlorella* Bajer, *Chlorococcum* Meneqh., *Trebouxia* Puym., *Sticha coccus* Nag., *Synechococcus* Nag., *Aphanothece* Nag. et Elenk., *Plectonema* Thur., *Nostoc* Adanson., *Hantzschia* Grun., *Navicula* Boyu кабилар кўп тарқалган.

**Ҳаво халтаси** – нинабарглиларнинг чанг донасида экзина қаватни кенгайтиришдан юзага келадиган бўшлиқ; кўнғир сувўтлар талломини тик тутиб туриш учун хизмат қиладиган талломнинг юқорироқ қисмидаги ҳаволи бўшлиқ, масалан, *Ascaphyllum* туркумининг айрим турларида.

**Ҳаёт, тириклик** - организмда моддалар алмашинуви жараёнининг узлуксиз давом этиши.

**Ҳаётий шакллар** - ўсимликларнинг ташқи муҳитга турли ҳаётий усуллар билан мослашуви натижасида келиб чиққан формалар. Масалан, бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, буталар ва дарахтлар.

**Ҳаётий формаларнинг экологик типлари:** 1) ёруғликка нисбатан: ёруғсеварлар, соясеварлар; 2) ҳароратга нисбатан: иссиқсеварлар, совуқсеварлар; 3) тупроқ аэрацияси ва ҳаво режимида кўра; 4) сув режимида нисбатан: ксерофитлар, мезофитлар, гигро- ва гидрофитлар, уларнинг оралиқлари (ксеро-мезофитлар, мезогидрофитлар ва ш.к.), психро- ва криофитлар, псаммофитлар, гидатофитлар, фреофитлар ва бошқалар; 5) туз режимида нисбатан: ацидофиллар, кальцефиллар, нитрофиллар, галофитлар, кседро- ва мезогалофитлар, олиготрофлар, мезо- ва эвтроф ўсимликлар.

**Ҳазмловчи безлар** – ҳашаротхўр ўсимликларнинг баргларида ажраладиган тутилган ҳашаротнинг азотли бирикмаларини ҳазмловчи ферментлар.



**Ҳалқа, давра** (*verticillus*) - поянинг маълум бир қисмида (бир бўғимида) тўп бўлиб ўсиб чиққан барг, шох, гул ёки гул бўлакчаларидан иборат учта орган гуруҳи.

**Ҳалқасимон найчалар** (*лот. annulatus, vasa gyratus*) - тана ва поя-ларнинг ўтказувчи тўқимасидаги найчаларнинг бир хили. Бу найчалар ички томондан ҳалқасимон йўғонлашган.

**Ҳалқа найли ёғочлик** – магнолиописид ўсимликларда куртак халқасининг бир зонаси ёки найларнинг сони, айрим ҳолларда ҳар иккаласи жиҳатидан фарқ қиладиган хилидаги ёғочлик.

**Ҳалқасимон пўст** – концентрик доира перидерматидларида ҳосил бўлади, танадан ажралганида тилимғтилим бўлиб ёрилади.

**Ҳалқасимон текстура** – ҳужайра пўсти ўрта қаватида микрофибриллаларни ўзаро параллел жойланиши.

**Ҳалқасимон қалинланиш** – ҳужайра пўстини узунасига кетган ўқига тик жойлашган параллел халқалар ҳисобига қалинланиши.

**Ҳамкорликдаги текинхўрлик** – икки организмни бир-бирининг моддаси озикланиши билан ўзаро ҳамкорлиги, масалан, дуккакли ўсимлик ва туганакли бактерия.

**Ҳарорат коэффиценти** – атроф-муҳит ҳавосининг ҳароратини 10<sup>0</sup>С га кўтарилганда, ўсимликларда рўй берадиган нафас олиш жараёнларининг ўзгаришини кўрсатадиган кўрсаткич.

**Ҳартол** (*итал. Brocco*) - гулкарамнинг бир тури. Этдор каллаги (шакли ўзгарган тўпгули) шингилсимон жойлашган бир қанча этдор шохчаларга бўлиниб, улардан ҳар бирининг бошида майда бошчалар тўпланади.

**Ҳар хил зиготалик** - бир-биридан қисман фарқ қиладиган организмларни ўзаро чапиштириш натижасида юзага келадиган янги организмнинг ирсий хусусиятлари.

**Ҳассағмуса** (*Abelia corumbosa* Rgl. et Schmitlh.) – шилвидошлар оиласига мансуб, тоғларда ўсадиган кўп йиллик бута.

**Ҳашаротхур ўсимликлар** (*plantae isectivari*) – 1. Гулли яшил ўсимликлар ва сувўтларнинг маълум бир гуруҳи; улар одатдаги озикланишларидан ташқари яна айрим ҳашаротлар билан озикланиш хусусиятига ҳам эга. Бундай ўсимликларнинг 500 дан ортиқ тури (7 оиласи) мавжуд бўлиб, улар барча қитъаларда тарқалган. Ҳашаротхўр ўсимликларга *Sarraceniaceae*, *Roridulaceae*, *Lentibulariaceae*, *Nepenthaceae*, *Cephalotaceae*, *Bulbidaceae*, *Droseraceae* каби оилаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Улар ҳашаротларни ўз япроқлари билан (бу япроқлар ҳашарот теккач ёпилиб, уни ичига қамаб олади) ёки махсус ёпишқоқ тукчалари билан тутиб қоладилар. Ушланган ҳашаротлар барг безчалари ажратган махсус суюқликларда эриб ҳазм бўлади. 2. Майда умуртқасиз ҳайвонларни тутиб, уларни ҳазм қила оладиган ўсимликлар, уларнинг ҳозир 400 дан ортиқ турлари маълум. 3. Ҳашаротларни тута олиш, уларни протеолитик ферментлар ва органик кислоталар ёрдамида ҳазм қиладиган автотроф ўсимликлар.

**Ҳақиқий атиргул дарахти** (*Physocalymma scaberrium* Pohl.) – танаси жуда қаттиқ, оғир 1м<sup>3</sup> да 736-1031 кг келадиган, қимматбаҳо мебель, мусиқа ас-боблари тайёрланадиган, Жанубий Перу, Бразилияда ўсадиган дарахт.

**Ҳақиқий галофитлар** – қ. эвгалофитлар.

**Ҳақиқий совун дарахти** (*Sapindus saponaria* L.) – Жанубий Америкада ўсадиган, бўйи 10 м келадиган, таркибида 10-38% сапонин бўлиб, совунгарликда ишлатиладиган дарахт.

**Ҳақиқий шохланиш** – трихомани шохланиши.

**Ҳидли липпия** (*Lippa citriodora*) - вербенадошларга мансуб чала бута. Пояси серновда, барглари лимон ҳидли, шунинг учун ҳам ҳидли липпия деб аталади. Гуллари оқ, ҳалқасимон тўпгулларга йиғилган.

**Ҳидна** (*Hydnum*) - тубан ўсимликлардан хиднадошлар (*Hydnaceae*) га мансуб базидияли замбуруғлар туркуми.

**Ҳиндистон нон дарахти** (*Artocarpus integrifolia* L. Moraceae Lind.) – бўйи 30-35 м га етадиган, танаси ката, икки уйли дарахт. Меваси катта (25 кг) ошқовокдай келади, овқатга қайнатиб, қовуриб ишлатилади, картошка билан ошқовок орасидаги мазани беради. Нон мазасига ҳам ўхшаб кетади. Тропик Осиё, Океанияда ўсади.

**Ҳиссоп** (*Hyssopus officinalis*) - лабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўт ёки чала бута (бўйи 20-60 см). Барглари ўткир ҳидли гуллари тўқ зангори, пушти ва оқ.

**Ҳосилдорлик** – фитоценоз ёки агроценознинг муайян майдонидан олинадиган фойдали маҳсулотнинг миқдори.

**Ҳосил шохи чекланган ғўза** - ҳосил шохлари асосан битта бўғимдан иборат ғўза.

**Ҳосил шохи чекланмаган ғўза** - ҳосил шохи икки-учта ва ундан ортиқ бўғим оралиғидан иборат ғўза.

**Ҳошияли поралар** – ҳужайра пўстидаги диаметри турлича бўлган каналлар.

**Ҳужайра** (*лот. cellula*) - барча ўсимлик ва ҳайвонот организмларининг тузилиши, тараққиёти ҳамда фаолияти асосида ётувчи ва икки асосий қисм - цитоплазма ҳамда мағиз (ядро)дан иборат элементар система.

**Ҳужайрааро бўшлиқ** - ёнма-ён жойлашган икки ҳужайра орасидаги бўшлиқ.

**Ҳужайранинг бўлиниши** – прокариотларда ҳужайранинг иккига бўлиниши, эукариотларда мураккаб митоз билан амалга ошади. Ҳужайранинг бўлиниши бир ҳужайрали *Cyanophyta* да икки, уч ҳатто кўп йўналишларда содир бўлади. Ҳосил бўлгани бир хил ёки икки хил кўринишларда бўлиши мумкин.

**Ҳужайрааро моддалар** (*substantia intercellularis*) - икки ҳужайра орасида жойлашган модда. Масалан, эфир мойлари, смола ва бошқалар.

**Ҳужайра назарияси** - ўсимлик ва ҳайвон организмлари фақат ҳужайралардан иборат, яъни ҳужайра тириклик асоси деб ҳисоблайдиган назария.

**Хужайра ора йўлак** - ўсимлик танасининг хужайралари орасидаги коваклар (бўшлиқлар). Пайдо бўлиш усулларига кўра хужайра ораликлари куйидагичадир: схизоген хужайра ораликлари - хужайраларнинг узилишидан (масалан, поя ўзаги ва барг паренхимасида); рексиген хужайра ораликлари - хужайраларнинг ёрилишидан (масалан, бошокли ўсимликлар поясининг бўғим ораликларидаги йирик коваклар); лизиген хужайра ораликлари - хужайра пардалари (қобиклари)нинг эриши натижасида (масалан, апельсин мевасида) ҳосил бўлади. Баъзан аралаш ҳолдаги хужайра ораликлари (масалан, схизо-лизигенли хужайра ораликлари) ҳам учраб қолади. Хужайра ораликлари ҳаво ёки ўсимликдан ажралиб чиқувчи турли моддалар (эфир мойлари ёки смолалар) билан ҳам тўлиши мумкин.

**Хужайрасиз организмлар** - хужайра тузилишига эга бўлмаган организмлар (масалан, бактериялар, кўк-яшил сувўтлар, яшил сувўтлардан каулерпа, вошерия ва бошқалар).

**Хужайра онтогенези** – куйидаги 5 босқичдан: 1) эмбриона лёки бўлиниш босқичи; 2) ўсиш босқичи; 3) табақаланиш босқичи; 4) етуклик (меъёрланган фаоллик) босқичи ва 5) қариш, ўлиш билан яқунланадиган босқичлардан иборат.

**Хужайра пардаси** - хужайра пардаси қобиғининг ички томони.

**Хужайра пластинкаси** – телофазада юзага келган иккита хужайрани ҳосил қилган кўндаланг тўсиқ.

**Хужайра пўсти** – хужайрага муайян шаклини таъминловчи, таянч, химоя вазифаларини бажарадиган, кўк-яшил сувўтларда ўртача 35-50 нм ўлчамли қисмли, таркибида лигнин бўлмайди, асосан целлюлозадан иборат. Хужайра пўсти темир тузлари (вольвоксларда), кальций (харалар, яшил сувўтлар), кремний (тилларанг, сариқяшил, диатом сувўтлар) тузларини шимади.

**Хужайра пўстининг тирқишлари** – бир хужайралиларда протопластни ташқи муҳит билан, кўп хужайралиларда кўшни билан плазмодесмалар орқали алоқани таъминлайди. Тирқишларнинг ўлчамлари 12 дан 60 гача, қисман 90 нм гача боради.

**Хужайрадан ташқаридаги ҳазмланиш** – махсус хужайраларда ҳосил бўладиган гидролитик ферментларни ташқарига чиқиб, ҳазмланишни амалга ошириши. Бу ҳолат ҳашаротхўр ўсимликларга хос.

**Хужайра цикли** – хужайрани ҳосил бўлганидан ҳалокатигача даври.

**Хужайрасиз ўсимликлар** - катталиги 1 см дан 1 м гача бўлган, бироқ, айрим хужайраларга ажралмай, кўп мағизли (кўп ядроли) каттагина бир хужайрадек кўринадиган тубан ўсимликлар. Буларга мисол қилиб айрим сувўт ва замбуруғларни кўрсатиш мумкин.

**Хужайра шираси** - ўсимлик хужайрасининг вакуолини тўлдирувчи рангли ёхуд рангсиз суюқлик. Хужайра шираси таркибида қанд, оқсил, ошловчи моддалар, кислота, алкалоид ва ҳоказоларнинг эритмаси бор.

**Хужайра қобиғи** - хужайра ичидаги органоидлар ва моддаларни ўраб турувчи парда, қобикча. Бу қобикча, асосан, целлюлозадан иборат.

**Хужайра қоплами** – кўк-яшил сувўтларда протопластни ўраган: хужайра пўсти, шиллик ўрама (найсимон шиллик ҳосила), эукариотларда протопластни

ташқи таъсирларга чидамлигини таъминлайдиган, кўринишидан турли туман бўлади.

**Хужайранинг қўшимча тузилмалари** – бир қатор тузилмалар метаболизм жараёнида ҳосил бўлади, уларга полиэдрал тана (карбоксисомалар), цианофициан гранулалар, полифосфат гранулалар, гликоген гранулалари ва липидлар киради.

**Хужайрадаги ҳазмлаш** – ўсимликлардаги ҳазмланиш фақат цитоплазмада эмас, вакуолаларда, пластидларда, оксилли таначаларда, сферосомаларда ҳам ҳазмланиши.

**Хукмрон дарахтлар** – ўрмонда баландлиги ва танасининг йўғонлиги жиҳатидан кўп дарахтлар.

**Хўкизтил, гавзабон (*Anchusa*)** - кампирчопондошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми. Барглари сертук, бутун. Гуллари тўғри бўлиб, гажак тўпгулга бирлашган. Шона (тож) бўғизи кипиқчалар билан қопланган.

**Хўкизтили (*Anchusia talica* Retz.)** – говзабондошлар оиласига мансуб, адир, тоғда ўсадиган, доривор кўп йиллик ўт.

А  
СО  
Б  
~

КВК 64.(50'zb)04

М 90

UO'K:40.10.8.2

Абдуллаев А.А., Мадумаров Т.А., Дариев А.С., Сатторов Б.Х., Рўзматов Э.Ю., Сирожидинов Б.А. Биологиядан қисқача изоҳли луғат.//Методик қўлланма.- Тошкент: "Наврўз" нашриёти, 2016.- 419 б.

Ушбу луғат умумий биология, ботаника, зоология, анатомия ва физиология, гистология, цитология, эмбриология, генетика ва селекция, биокимё ва биофизика, биометрия, систематика, эволюция, экология, вирусология ва паразитология, молекуляр биология, ген ва хужайра мухандислиги, биотехнология бўлимларига оид тузилган дастлабки қисқача изоҳли луғат бўлиб, тез суратларда ривожланиб бораётган биология фанида кенг фойдаланиётган 7000 га яқин атамаларга илмий изоҳ берилган.

Мазкур луғатдан университетлар, педагогик институтлар, мактаб, лицей ва коллежларнинг биология таълими йўналишларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда биология фани билан мустақил шуғуланувчилар методик манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

#### Такризчилар

- Пратов Ў.П. ЎзР ФА Ўсимликлар ва хайвонот олами генофонди институти етакчи илмий маслаҳатчиси, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби
- Ризаева С.М. ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти етакчи илмий ходими, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника соҳасидаги биринчи даражали давлат мукофоти лауреати
- Юлдашев А.С. Андижон Давлат Университети ректори, биология фанлари доктори, профессор

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти (2016 йил 16 сентябрдаги № 11 сонли баёни) ва Андижон Давлат Университети (2016 йил 31 августдаги № 1 сонли баёни) Илмий Кенгашиларида муҳокама қилинди ва очиқ нашр этишга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-383-87-6

«Наврўз» нашриёти, 2016